Усмонхон АЛИМОВ

ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Қайта нашр

NASHRIYOTI

Тошкент
2019

УЎК: 37.018.1
КБК: 74.9
А 50

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда она ва бола саломатлиги масалаларига муҳтарам Юртбошимиз раҳбарликларида алоҳида эътибор қаратиляпти. Соғлом бола йили давлат дастури доирасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳам фикримизнинг яққол исботидир. Бу вазифа давлатимиз ички сиёсатининг бош йўналишларидан бирига айланди. Ватанимизнинг порлоқ келажагини ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлод таъмин этади. Фарзандларни эртанги куннинг муносиб эгалари ҳамда ворислари қилиб вояга етказиш ота-оналарнинг орзуси, масъулияти, бурчидир.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг ўтган йиллари чоп қилинган "Оилада фарзанд тарбияси" рисолалари жамланмаси бўлган ушбу китоб ўғил-қизларимизни юксак маънавият, гўзал фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашда ота-оналар ва устоз-мураббийларга ишончли қўлланма бўлади.

Алимов, Усмонхон

Оилада фарзанд тарбияси / Усмонхон Алимов; масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2019. – 460 б.

УЎК: 37.018.1
КБК: 66.3 (5Ў)

Масъул муҳаррир:
Шайх Абдулазиз МАНСУР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2019 йил 11 апрелдаги 1932-рақамли хулосаси асосида нашрга тайёрланди.

ISBN 978-9943-12-407-3

© Усмонхон АЛИМОВ
© «Movarounnahr», 2019.

ОИЛА МУҚАДДАСДИР

(Сўзбоши ўрнида)

Бандаларининг ҳалол ва пок яшашини кўзлаб, улар фойдасига **«Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун ўғиллар ва набиралар пайдо қилди ва сизларни пок нарсалардан ризқлантиради…»** *(Наҳл, 72)* деган ояти каримани нозил қилган, марҳамати чексиз Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин!

Башарият ҳидоятчиси, инсоният муаллими, улуғ мураббий, намунали оила бошлиғи, умматнинг ҳақ йўлда барқарор бўлишида беқиёс ҳисса қўшган ва: «Уйланинглар, кўпайишинглар, чунки мен қиёмат кунида умматимнинг кўплиги билан фахрланаман», деб марҳамат этган зот Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) чексиз салавотлар бўлсин!

Ислом динининг бизгача етиб келишида беминнат ва фидокорона хизмат қилган саҳобалар, уламолар ва солиҳ амаллар қилиб ўтган аждодларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!

Азалдан жамият ва турли диний таълимотларда оила муқаддас саналиб, оилавий муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган. Оила қуриш Исломдан олдин ҳам бўлган, лекин оилада эрнинг ва аёлнинг ҳуқуқлари ва масъулиятларини том маънода Ислом дини кўрсатиб берди. Саркори олам Муҳаммад (алайҳиссалом) аёл номини улуғлаш, унинг шаънини кўтариш, хотин-қизларнинг ҳуқуқини белгилаб беришда фақат Ислом умматигагина эмас, балки кишилик жамиятига ибрат ва намуна бўлиб келмоқдалар.

Ислом келганидан кейин ҳам аёл билан эркак тенг ҳуқуқли деб жар солган айрим тузумлар аёлларни эркаклар билан баббаравар жисмоний меҳнат қилишга чорлаганлар. Натижада, эркак билан нафақат ҳуқуқда, балки жисмоний меҳнатда ҳам тенглаштирилган аёлларни, ҳатто ҳомиладорлик пайтида ҳам қурилиш, йўлсозлик, конларда турли оғир жисмоний ишларга мажбурлаш яқин тарихимизда оддий таомил бўлган эди.

Минг шукр, истиқлолдан кейин аёл қадри ва шаъни тикланди. Аёллар жамиятда ўз ўрни, мавқеи ва сўзига эга бўлди. Бу асосий қонун – Конституциямизда кафолатлаб қўйилди.

Унда бундай дейилади: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» *(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 14-боб, 63-модда)*.

Шунингдек, муҳтарам Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган «2009–2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қонуни ҳаёт учун, келажак авлод учун нечоғли зарур экани ўз тасдиғини топди.

Муқаддас динимиз таълимотида фарзанд Аллоҳ таоло инсонга берган энг улуғ неъматлардан бўлиши баробарида, у омонат ҳамдир. Бу буюк неъматга сазовор бўлган ота-оналар унинг қадрига етишлари, шукрлар айтиб, фарзанд олдидаги ота-оналик бурчларини пухта адо этишлари, яъни, унга чиройли исм қўйишлари, яхши таълим-тарбия беришлари ва охир-оқибатда Аллоҳ розилигини топадиган, миллати, Ватани, ота-онасига муносиб ўғил-қиз, тенгдошлари ҳурмати ва муҳаббатини қозонган етук бир инсон бўлиши борасидаги масъулиятли вазифаларини чин ихлос ва садоқат билан адо этишлари лозим бўлади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ قُوٓاْ أَنفُسَكُمۡ وَأَهۡلِيكُمۡ نَارٗا وَقُودُهَا ٱلنَّاسُ وَٱلۡحِجَارَةُ عَلَيۡهَا مَلَٰٓئِكَةٌ غِلَاظٞ شِدَادٞ لَّا يَعۡصُونَ ٱللَّهَ مَآ أَمَرَهُمۡ وَيَفۡعَلُونَ مَا يُؤۡمَرُونَ ٦

Яъни: **«Эй имон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангизки, унда дағал ва қаттиққўл, Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат буюрилган ишни қиладиган фаришталар** (хизмат қилурлар)» *(Таҳрим, 6)*.

Ислом таълимоти кишилик жамиятида ўз ўрнини топиб, унинг дунёвий ва диний ҳаётида амалий татбиқини топган илк саодат асридан бошлаб ёш авлод тарбиясига катта аҳамият бериб келади. Бу таълимот ва унинг йўл-йўриқлари

жамият асоси, уммат истиқболи саналган ёшларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишишларини таъминлайди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилиб айтадилар:

لَأَنْ يُؤَدِّبَ الرَّجُلُ وَلَدَهُ خَيْرٌ مِنْ اَنْ يَتَصَدَّقَ بِصَاعٍ

Яъни: «Кишининг ўз фарзандини чиройли одоб-ахлоқ билан тарбиялаши кўп миқдордаги нафл садақа беришидан яхшироқдир» *(Термизий ривояти)*.

Бошқа бир ҳадисда:

مَا نَحَلَ وَالِدٌ وَلَدًا أَفْضَلَ مِنْ أَدَبٍ حَسَنٍ

яъни: «Ота болага гўзал одобдан яхшироқ нарсани бера олмайди» *(Термизий ривояти)*, дейилади.

Буюк ҳамюртимиз Абу Али ибн Сино фарзанд тарбияси ҳақида васият қилиб, бундай деган эди: «Ёш бола таълим-тарбия оладиган жойда одоб-ахлоқли, туриш-турмуши намунали болалар бўлиши лозим. Зеро, ёш бола ҳар бир нарсани уларга тақлид қилиб ўрганади ва улар билан дўст бўлади».

Муҳтарам Президентимиз нутқларидан бирида фарзандлар тарбияси ва уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишида одоб-ахлоқнинг ўрни катта эканини таъкидлаб, жумладан, бундай деганлар: “Ёшларимизга бугуннинг ўзида алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Улар нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Яъни эртанги кун кутганимиздек бўлиши учун бугуннинг ўзида ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратишимиз зарур” .

Мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритган йилдан бошлаб болалар ва ўсмирларнинг жисмонан соғлому бақувват, руҳан ва маънан етук инсон бўлиб улғайишлари учун катта эътибор қаратилаётгани ҳаммамизга маълум.. Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуслари билан 2005 йил «Оналар ва болалар йили», 2008 йил «Ёшлар йили», 2010 йил эса «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди ва уларга тааллуқан ишлаб чиқилган Давлат дастурлари доирасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг, айниқса, ўсмирларнинг соғлом ўсиб-улғайиши, илм олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун катта эътибор қаратилаётгани ҳаммамизга маълум. Бу борада жамоат ташкилотларининг ҳам ўрни каттадир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун», «Болалар», «Меҳр нури», «Сен ёлғиз эмассан», «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» ҳамда «Мактаб таълими» каби жамғармаларнинг саъй-ҳаракатлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Шубҳасиз, оила, маҳалла, мактаб болалар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Фарзандларимизни чиройли одоб-ахлоқ, яхши таълим-тарбияли инсонлар қилиб вояга етказиш давлат миқёсидаги долзарб масала эканини ҳар биримиз яхши тушунамиз.

Мустақил давлатимиз тарихида 2010 йил «Баркамол авлод йили» деб аталишининг ҳам чуқур рамзий маъноси бор. Элу юрт келажаги бўлган ёш авлод ҳар жиҳатдан баркамол бўлиши лозим. Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳадисларида бундай марҳамат этилади: «Фарзандларингиздан шариъат буюрилган ишларни қилишни ва қайтарилган нарсалардан сақланишни талаб этинглар, шу ишларинг уларни дўзахдан сақлаганларинг бўлади» *(Ибн Жарир ривояти)*.

Маълумки, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг барқарорлиги, ундаги соғлом муҳит энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Юртбошимиз: «Аввало биз, яъни, халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган бўлмайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида нима туришини ўйлаб кўрайлик. Табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради. Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз», – деб таъкидлаб ўтганлар.

Бу борада амалга оширилган тадбирлар, амалий ишлар натижасида фарзандларимиз барча соҳада муваффақиятларга эришмоқдалар. Шу билан бирга, ёшлар тарбиясининг муаммоли жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Лоқайдлик, эътиборсизлик туфайли, Юртбошимиз таъбири билан айтсак, “маънавий бўшлиқ” пайдо бўлган жойларда илдиз отган бу муаммоларни бартараф этиш бугуннинг талабидир.

Кўпдан бери оилада фарзанд тарбияси тўғрисида асар ёзишни дилимга тугиб юрар эдим. Чунки жамиятнинг негизи бўлмиш оила, фарзанд тарбияси тўғрисида давраларда турли саволлар беришади. Шу саволларга жавоб бериш асносида уларни ён дафтаримга ҳам қайд қилиб борар эдим. Одатимга мувофиқ ён дафтаримни варақлаб кўрсам, китобга мавзу бўладиган анча-мунча маълумотлар йиғилиб қолибди. Аллоҳ инояти билан, шулар асосида «Оилада фарзанд тарбияси» номли уч жилддан иборат китоблар ёзилди. Улар билан яқиндан танишиб чиққан ўқувчиларнинг фикр ва таклифларини ҳисобга олиб, яна муҳими, фарзанд тарбиясининг турли жиҳатларини қамраб олиш ниятида бир-бирининг изчил давоми бўлган бу китобларни жамлаб нашр этишни лозим кўрдик.

Ушбу китобда жамиятнинг энг муҳим бўлаги ҳисобланган оила, оила мустаҳкамлиги никоҳ воситасида юзага келиши, кўп асрлар мобайнида халқимиз орасида риоя қилиниб келинаётган шаръий никоҳ асли умуминсоний қадриятлар асосида оилани мустаҳкамлашга қаратилгани, бунинг натижасида оилада барқарорлик ва соғлом турмуш тарзи ҳукм суриши, бу эса ўз навбатида, жамият ва давлат тараққиётининг асоси эканига асосий эътибор қаратилган. Шунингдек, нозик тарбия ҳисобланган жинсий-ахлоқий тавсияларни ўсмирларга ўз вақтида бериш кераклиги, акс ҳолда фарзанд бу каби масалаларни нотўғри йўллар орқали ўрганиб, ўзига ва бошқаларга зарар етказиши ҳақида зарур маълумотлар келтирилган.

Ҳозирги пайтда дунёдаги мустамлакачи кучлар маънавий бўшлиқдан фойдаланиб, юртимиз ёшлари онгига маънавиятимиз ва ахлоқимизга бутунлай ёт бўлган энг хатарли иллатларни, “оммавий маданият”ни сингдириши, агар олди олинмаса, катта фитналарга сабаб бўлиши аниқ. Ёшларни худбин ва лоқайд кимсаларга айлантириш, ахлоқий бузуқлик

ва зўравонликни тарғиб қилиш, бир жинслилар никоҳи, зино, гиёҳвандлик, бузуқлик, нима қилиб бўлса ҳам, қандай йўл билан бўлса ҳам фақат бойлик орттиришга интилиш, оилани тан олмаслик, кўнгил истаган ишларни қилиш орқали "эркин бўлиш" каби зарарли иллатларни ёйишни асосий мақсад қилиб олган бу жирканч "маданият" жамият маънавий ҳаётини издан чиқаради, ёшлар ахлоқига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Бундан бир аср муқаддам атоқли маърифатпарвар олим Абдурауф Фитрат: "Ким бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга катта душманлик қилган бўлади", деган эди.

Бугун инсоният ғоявий урушлар, маънавий зиддиятлар, зўравон ғояларнинг дунёни қайта тақсимлашга қаратилган ўйинлари авж олган шиддатли замонда яшаяпти. Ҳозир зулм, истибдод ва бузғунчилик, ахлоқсизлик ва маънавий инқирозлар ҳар қачонгидан ҳам хатарли тус олмоқда. Ёшларимиз бундай шароитларда ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлиши, дўст ким, душман кимлигини яхши ажрата олиши, ғанимлар фитнасига учмаслиги, ёвуз кучлар қўлида қўғирчоққа айланиб, юртдошлари ҳаётига зомин бўлмасликлари зарур. Чунки ҳар бир фитна ва фасод иш ортида ғаразли мақсадлар, манфаатдор кучлар турганини бир лаҳза ҳам унутишга ҳақимиз йўқ. Ушбу китобда ана шундай ғаламисларнинг кирдикорлари ва уларга қарши кураш воситалари ҳам баён қилинган.

Қодир Аллоҳдан эзгу ният билан бошланган ҳаракатимиз юртимиз ёшларини оқилу баркамол этиб тарбиялашда манфаатли бўлишини сўраб қоламан.

Ушбу китобни ўқиб, маънан бир фойда кўрсангиз, Улуғ Аллоҳдан, камчиликка дуч келсангиз, камина ходимингиздан, деб биласиз. Дуоларингизда эл қатори каминани ва меҳрибон ота-онамни ҳам унутмассиз, деган умиддаман.

Муаллиф

БИРИНЧИ КИТОБ

ИСЛОМДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Дунёда ҳамма нарса жуфт-жуфт яратилган: ой ва қуёш, кеча ва кундуз, ер ва осмон, эркак ва аёл, мусбат ва манфий ва ҳоказо. Моҳиятан уларнинг ҳар бири иккинчисига ҳар жиҳатдан эҳтиёжлидир. Мавжудотлар ҳаётда мана шу жуфтлик билангина барқарор бўладилар. Ушбу жуфтликни инсон мисолида оладиган бўлсак, эр киши турмушда фақат ўз жинсининг жуфти бўлган аёли билан таскин ва роҳат топиши мумкин. Ёлғиз ҳолда ўз саодатини ҳис қила олмайди. Аллоҳ тақдир қилган ҳаёти жуфтисиз барқарор бўлмайди.

Қуръони каримда бундай дейилади:

وَمِن كُلِّ شَيْءٍ خَلَقْنَا زَوْجَيْنِ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿٤٩﴾

«Сизлар эслатма олишларингиз учун Биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик» *(Зориёт, 49)*.

Аллоҳнинг ҳикматини қаранг, мавжудотларнинг энг олийси – одамзодни ҳам ўз жуфти билан бир-бирига ҳеч қайси жиҳатдан ўхшамаган, туриш-турмушда, феълатворда, муносабатда, фикрлашда фарқли ва айни пайтда бир-бирини тўлдирадиган қилиб яратган.

Аллоҳ таоло айтади:

وَاللَّهُ جَعَلَ لَكُم مِّنْ أَنفُسِكُمْ أَزْوَاجًا وَجَعَلَ لَكُم مِّنْ أَزْوَاجِكُم بَنِينَ وَحَفَدَةً

«Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун ўғиллар ва набиралар пайдо қилди...» *(Наҳл, 72)*.

Ана шундай жуфтлик саналган эркак ва аёлнинг илоҳий никоҳ ришталари туфайли бир хонадонда, бир оилада аҳил-тотув яшашлари, насл давомийлигини таъминлаб, умргузаронлик қилишлари ҳақиқатан Яратганнинг улуғ санъати ва ҳикматига далолатдир.

Динимизда оила қуришга эркак ва аёл бирдек тарғиб қилинган. Оила қурмасдан, таркидунёчилик йўлини тутиш қораланиб, бунинг акси бўлган никоҳ ибодат даражасига кўтарилган. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) никоҳланиш фақат ўзларининг суннати эмас, балки ўтган барча пайғамбарларнинг ҳам суннати эканини айтганлар.

Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) бу борада ривоят қилинган ҳадисларнинг бирида: «Эй йигитлар, сизлардан қай бирингиз оила қуришга қурби етса, уйлансин. Уйланиш номаҳрамларга кўз ташлашдан, зинокорликдан асрайди. Қурби етмаган киши рўза тутсин, токи унга тўсиқ бўлсин», дейилган *(Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий)*.

Дарҳақиқат, Аллоҳ инсонни, у эркак ёки аёл бўлсин, нафсий рағбат билан яратган. Айни пайтда ушбу рағбатни ҳалол-пок йўл билан қондиришни буюриб, никоҳни жорий қилган. Албатта, ҳар қандай инсон болоғат ёшига етгач, ундаги яширин нафсоний рағбат авж ола бошлайди. Аллоҳдан қўрқиб, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) кўрсатмаларига амал қиламан деган банда, агар моддий ва бошқа имкониятлари мавжуд бўлса, никоҳланиш орқали бунинг олдини олади. Нафс рағбатини ҳаромга юриб қондириш йўли бўлган зинодан ўзини сақлайди.

Бошқа бир ҳадисда эса: «Тўртта яхши иш бор, улар пайғамбарлар суннатидан саналади: ҳаё, хушбўйлик, мисвок тутиш ва уйланишдир», деб марҳамат қилинади *(Имом Термизий ривояти)*.

Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) яна шундай ҳадис бор: «Ким уйланган бўлса, динининг ярмини мукаммал қилибди, қолган ярмида Аллоҳга тақво қилаверсин» *(Табароний, Байҳақий, Ҳоким ривояти)*.

Ислом таълимотига кўра, оила Яратганнинг розилигини топиш, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ахлоқлари, исломий одоб билан зийнатланиш ва пок йўл билан инсоният наслини давом эттириш мақсадида қурилади. Шунинг учун динимиз оилани никоҳ асосида қуришга

алоҳида аҳамият беради ва никоҳни инсоний алоқаларнинг энг муҳими сифатида юксак қадрлайди. Зеро, оила катта жамиятнинг кичик бир бўлаги ҳисобланади. Жамият ёмонлик ва бузғунчиликнинг барча турларидан холи тинч ва обод бўлиши, аввало, ушбу кичик жамиятнинг тинчлигига боғлиқ. Оила тинчлик-хотиржамлиги ва саодатини таъминлаш оиладаги ҳар бир шахснинг ўз масъулиятини ҳис қилиши ва бажариши билан барқарор бўлади. Бундай масъулиятни эса, эр ва хотин ўртасини боғлаб турувчи никоҳгина жорий қилиши ва мустаҳкамлаши мумкин.

Пайғамбар (алайҳиссалом) бир ҳадисларида: «Никоҳ менинг суннатимдир, ким суннатимдан воз кечса, у мендан эмас (яъни, умматимдан эмас)", деганлар.

Демак, никоҳ асосида турмуш қуриш Аллоҳ таолонинг буйруғи, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) суннатлари экан, мусулмон киши оила қуришни пайсалга солмай, уни шаръий никоҳ асосида амалга ошириши лозим. Никоҳ туфайли инсон ўз насл-насабининг поклигини сақлайди, иффатини асрайди, бузуқлик, зино сингари ҳаром ишлардан тийилади.

«Никоҳ» сўзи луғатда «яқинлик», «боғланиш» маъноларини англатади. Никоҳ ақди (битими) битимларнинг энг яхшисидир. Шаръий истилоҳда эса, ақд қилишларига шаръий тўсиқ бўлмаган аёл билан эркакнинг бир-бирларидан лаззат олишларини ҳалол йўлга солувчи битимдир.

Ҳар бир мусулмон уйланишнинг шаръий ҳукмларини ҳам билиши зарур. Кишининг жинсий қуввати ҳамда оила масъулиятини адо эта олишига кўра, шариатда уйланишнинг ҳукми беш хил:

1. Маҳрга ва аёл нафақасига етарли моли бор, фақат уйланиш билан зинодан сақлана оладиган кишиларга уйланиш фарздир.

2. Маҳрга ва аёл нафақасига етарли моли бор, уйланмаса, зинога кетиш хавфи бўлган кишиларга уйланиш вожибдир.

3. Маҳрга ва аёл нафақасига етарли моли бор, жинсий муносабатга лаёқатли кишиларга уйланиш суннатдир.

4. Маҳр ва аёл нафақасини топиб беришидан ҳамда жинсий ожизлигидан хавфсираган кишиларга уйланиш макруҳдир.

5. Маҳр ва аёл нафақасига қодир бўлмаган, жинсий лаёқати йўқлиги аниқ кишиларга уйланиш ҳаромдир.

Ҳанафий мазҳабининг мўътабар фиқҳий манбаларидан ҳисобланган «Дуррул Мухтор» китобининг «Никоҳ фасли»да зикр этилганидай: «Одамзодга никоҳ ва имондан бошқа ҳатто жаннатда ҳам давом этадиган ибодат йўқ. Оила шундай саодатбахш бир боғки, у ҳатто жаннатда ҳам давом этади. Ҳар қандай шартнома маълум муддатдан сўнг кучини йўқотади, аммо бир-бирларидан рози бўлган умр йўлдошларнинг биргаликдаги ҳаёти ўлим билан ҳам тугамайди».

Никоҳ шариатга мувофиқ бўлишининг учта асосий шарти бор:

1. «Ижоб ва қабул», яъни, икки тарафнинг биридан таклиф, иккинчисидан эса уни қабул қилиш. Ижоб ва қабул очиқ сўзлар билан изҳор қилиниши керак.

2. Никоҳ чоғида икки эркак гувоҳнинг ҳозир бўлиши. Гувоҳларсиз қилинган никоҳ ҳисобга ўтмайди.

3. Маҳр белгиланиши, яъни, эр хотинга берадиган совғанинг миқдори ёки кўриниши аниқлаб олиниши керак.

Кейинги пайтларда оила мустаҳкамлиги, келин-куёвнинг бахтли, туғилажак зурриётларнинг соғлом бўлишини ўйлаб давлатимиз кўплаб хайрли тадбирларни амалга оширмоқда. Ана шундай хайрли ва манфаатли ишлардан бири оила ва фарзандлар иқболини ўйлаб, никоҳ олдидан келин-куёвни тиббий кўрикдан ўтказишдир. Бу ишнинг янги қурилган оила дуч келиши эҳтимол бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишда ҳамда дунёга келадиган зурриётга, қолаверса, уларнинг яқинларига ҳам жуда катта фойдаси бор.

Исломда оила ва никоҳ масаласига жуда жиддий қаралади. Оиланинг мустаҳкам бўлиши учун никоҳнинг қўшимча шарти сифатида кафоатга ҳам амал қилинади. “Кафоат” деганда, никоҳланаётган томонларнинг ижтимоий, моддий ва маънавий жиҳатдан бир-бирига тенг, мос бўлиши тушунилади. Халқимизнинг «Тенг – тенги билан» деган мақоли бежиз эмас. Никоҳдаги тенглик икки томоннинг насл-насаби, дини, бойлиги, касб-ҳунари ва эътиқоди каби нарсаларда намоён бўлади. Бугунги воқеликка эътибор қаратадиган бўлсак, неча асрлар олдин Ислом ҳуқуқида жорий қилинган тенглик масаласи оила мустаҳкамлиги учун нақадар муҳим омил эканига гувоҳ бўламиз. Зеро, ота-онаси бағридан чиқиб, ўзи учун шу пайтгача мутлақо бегона саналган янги оилага кўникиб кетиши учун тушган хонадони билан ота-онаси хонадони ўртасида ижтимоий ва маънавий нуқтаи назардан тенглик бўлса, келиннинг янги ҳаётга мослашуви осонроқ кечади.

Оила жамиятнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, у қатъий қонун-қоидаларга бўйсунади. Насл бардавом бўлиши, жамиятнинг таназзулга учрамаслиги учун Аллоҳ таоло оилани ўз ҳимоясига олган. Оила таназзулининг олдини олиш мақсадида зино қатъий ҳаром қилинди.

Жамиятнинг келажаги порлоқ, катта имкониятларга эга бўлиши учун, аввало, унинг ажралмас негизи – оилаларнинг маънан соғломлиги талаб қилинади. Бу эса қуйидаги шартларга риоя қилинишига боғлиқ:

1. Оиланинг бир-бирига муносиб одамлардан ташкил топиши.

2. Эр-хотин орасидаги ўзаро ҳурмат ва тотувлик.

3. Эркак киши ўзининг оила устуни экани ҳамда раҳбарлик масъулиятини ҳис этиши ва бунга амал қилиб яшаши.

4. Аёл кишининг оила ички ҳолатларига масъуллиги.

5. Ота-она фарзандларининг риоясини қилиб, уларга адолатли бўлишлари.

6. Фарзандларнинг ота-оналарига яхшилик қилишлари.

Ана шу шартларга риоя қилинса, оилада соғлом муҳит вужудга келиб, тарбия топаётган фарзандлар одоб-ахлоқли, эл-юртга хизмат қиладиган инсонлар бўлиб вояга етадилар.

Ушбу китобимиз омма учун мўлжалланганини инобатга олиб, оилада соғлом муҳитни шакллантиришда зарур бўлган шартларга батафсилроқ тўхталишни лозим топдик:

1. Оила бир-бирига муносиб одамлардан ташкил топиши керак, чунки фиқҳ китобларида айтилгани каби, никоҳда тенгликнинг жуда катта аҳамияти бор. Чунки эр-хотин орасида бойлик, илм ва ҳоказоларда катта фарқ бўлса, улар бир-бирларини тушунишда қийинчиликларга дуч келишади. Шу боис, шариат тенглик, яъни кафоатни жорий қилди. Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) Жобир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда бундай марҳамат қилинади: "Аёллар фақат ўз тенгларига никоҳ қилинади" *(Имом Байҳақий)*.

Барча мазҳаб уламолари кафоат–тенглик борасидаги далилларни ўрганиб чиқишиб, унинг етишмаслиги никоҳга тўсқинлиқ қилмаса-да, никоҳда бўлиши лозим шартлардан эканига иттифоқ қилганлар.

2. Эр ва хотин бир-бирларини ҳурмат қилишлари ва оила ишларида бир-бирларига ёрдамчи бўлишлари лозим. Маълумки, эр кишининг куни кўчада, ишхонада ўтади. Ишлари яхши бўлса, кайфияти ҳам шунга яраша бўлади. Борди-ю, ишлари юришмай қолса, ташвишланади, руҳан тушкунликка тушади. Бундай ҳолатда аёл кишининг донолиги иш бериши керак, яъни эрининг кайфиятини чиройли сўзи, ширин муомаласи билан кўтариши зарур. Аёл бетобланиб ё бошқа бирор сабаб билан уй ишларини адо этолмай қолганида, эр киши хотинига уй юмушларида ёрдамлашиб юборса, оилада барқарорлик, тотувлик вужудга келади.

Инсон – иссиқ жон, баъзан касал бўлиб қолиши бор. Шундай вазиятда эр-хотин бир-бирларига кўмак бериб,

кўнглини олиши лозим. Хотини касал бўлиб қолганида унга эътибор қаратмаслик ёки касаллигини гапириб, дилига озор бериш эркак кишига муносиб иш эмас. Шунингдек, айрим оилаларда кузатиладиган, аёли касал бўлиб қолса, ота-онасиникига олиб бориб қўйиб, тузалганидан кейин уйга олиб келиш ҳолатлари эркаклик ғурурига мутлақо иснод ҳисобланиб, бу нарса оқибатда оиланинг мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатади. Оиладаги ҳар қандай вазиятда эр-хотин бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари керак. Шунда меҳр-шафқат пайдо бўлади. Фарзандлари ҳар бир ишни улардан ўрганиб боради. «Қуш уясида кўрганини қилади», деган ҳикматли гап бекорга айтилмаган.

Қадимги уламоларимиз ўз ижтиҳодларидан келиб чиқиб, "хотин касал бўлганида, уни даволатиш ва табибга бериладиган ҳақ эрнинг зиммасига вожиб бўлмайди", деган фикрни айтишган. Лекин замонамиз уламоларидан суриялик машҳур олим Ваҳба аз-Зуҳайлий ўзларининг "Ал-Фиқҳул исламий ва адиллатуҳу" деб номланган китобларида ушбу фикрларни изоҳлаб, бундай дейди: "Назаримда, даволаниш ўтмишда асосий эҳтиёж бўлмаган. Чунки саломатлик ва парҳез кўрсатмаларига амал қилган инсон кўп ҳолларда даволанишга муҳтож бўлмайди. Фуқаҳоларнинг ижтиҳодлари ўз асрларидаги мавжуд урф-одатларга асосланган. Аммо ҳозирга келиб, даволанишга бўлган эҳтиёж, худди таомланиш ва озиқланишга бўлганидек, балки ундан ҳам муҳимроқ эҳтиёжга айланиб қолди. Зеро, бемор одам кўп ҳолларда даволанишни барча нарсадан устун қўяди. Киши алам ва оғриқдан қийналиб, ўлим хавфини солиб турган дарддан шикоят қилатуриб, яна бирор нарсани бемалол танаввул қилиши мумкинми?! Шу сабабли ҳам мен бугунги кунда даволаниш нафақаси, худди бошқа зарурий нафақалар сингари эрнинг зиммасига вожиб бўлишини айтаман. Бу фарзандлар учун лозим бўлган даволаниш нафақаси уламоларнинг ижмоъсига биноан отанинг зиммасига вожиб бўлишига ўхшайди. Эр

аёлидан соғ-саломатлигида фойдаланиб, касаллик ҳолатида даволаниши учун ота-онасининг уйига олиб бориб қўйиши Аллоҳ таолонинг **“улар билан тотув турмуш қурингиз”**деган оятига мутлақо зиддир” *(Нисо, 19)*.

Ҳақиқатан, оила аъзоларининг соғлом бўлиши оила мустаҳкамлигини таъминловчи энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Ақлан ўйлаб кўрилганида ҳам, оилада эрнинг энг яқин кишиси аёлидир. Яқин кишиси ёрдамга муҳтож бўлиб турган бир пайтда, унинг узоқдагиларга яхшилик қилиши ёки аёлининг яқин кишиси ўзи бўлгани ҳолда, бошқаларнинг ёрдам беришига ташлаб қўйиши чиройли иш саналмайди.

3. Эр-хотин ўзаро тотув яшаши, бир-бирининг эркалик ва инжиқликларини кўтариши лозим. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай дейилган:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا يَحِلُّ لَكُمۡ أَن تَرِثُواْ ٱلنِّسَآءَ كَرۡهٗاۖ وَلَا تَعۡضُلُوهُنَّ لِتَذۡهَبُواْ بِبَعۡضِ مَآ ءَاتَيۡتُمُوهُنَّ إِلَّآ أَن يَأۡتِينَ بِفَٰحِشَةٖ مُّبَيِّنَةٖۚ وَعَاشِرُوهُنَّ بِٱلۡمَعۡرُوفِۚ فَإِن كَرِهۡتُمُوهُنَّ فَعَسَىٰٓ أَن تَكۡرَهُواْ شَيۡـٔٗا وَيَجۡعَلَ ٱللَّهُ فِيهِ خَيۡرٗا كَثِيرٗا ١٩

«Эй имон келтирганлар! Сизларга хотинларни мажбурий равишда мерос қилиб олиш ҳалол эмасдир. Яна, уларга берган маҳрларингизнинг бир қисмини қайтариб олиб кетиш ниятида хотинларингизга тазйиқ қилмангиз! Агар улар аниқ бузуқлик қилсалар (бу мустаснодир)**. Улар билан тотув турмуш кечирингиз. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз,** (билиб қўйинг,) **балки сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ** (сизлар учун) **кўпгина яхшилик пайдо қилиши мумкин»** *(Нисо, 19)*.

Жоҳилият даврида бир аёлнинг эри ўлса, унинг ўгай ўғли ёки бошқа бир қариндоши келиб, бева аёл устига чопонини ташлаб қўйиш билан уни мерос қилиб оларди. Сўнгра хоҳласа, ўзи унга маҳрсиз уйланар, хоҳласа,

бошқага эрга бериб, маҳрини ўзи олар ёки узоқ вақт эрсиз ушлаб, беванинг қўлидаги биринчи эридан қолган мероси ёки бошқа бойлиги эвазига уни озод қилар эди. Агар аёл мазкур кишиларнинг чопон ёпишидан олдинроқ уйдан чиқиб кетишга улгурса, шундагина ихтиёри ўз қўлида бўлиб, эрининг ўғли ёки қариндошига мерос бўлиб қолишдан қутуларди. Шундай аёллардан Абу Қайснинг хотини Кабша исмли бир бева аёл Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳузурларига келиб, эрининг ўғлидан шикоят қилади. Мазкур масалага жавоб тариқасида юқорида келтирилган ояти карима нозил бўлган.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)дан ривоят қилган ҳадисда бундай марҳамат қилинади: “Сизларнинг яхшиларингиз аҳли аёлига яхши муомалада бўлганларингиздир. Мен ҳаммангиздан кўра аҳлига яхшироқ муомала қилувчингизман” *(Имом Термизий)*.

Мана шундай оят ва ҳадислар орқали Ислом илк даврданоқ аёлларнинг оиладаги ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, ҳурматини жойига қўйиш билан уларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтирган. Аёл кишига комил инсон ва чиройли муомалага муносиб шахс сифатида эътибор қаратган.

Энг аввало, аёлларга чиройли муомала кўрсатиш, ширинсўз бўлиш ва ҳар томонлама яхшилик қилиш лозим. Иккинчидан, гарчи уларнинг феъл-атворларида бирор ҳаракат ёқмаган тақдирда ҳам қўполлик қилмасдан, ширинсўзлик билан камчиликларини айтиш, уни тузатишга кўмаклашиш керак бўлади. Чунки ҳар нарсада Аллоҳ таолонинг биз билмаган, ақлимизга келмаган ҳикматлари бор. Аёлларнинг хулқларида бир эмас, бир неча яхшилик борлиги маълум. Оила саранжом-саришталиги, кийим-кечак ва уйларнинг озодалиги, таом тайёрлаш борасидаги хизматлари ва энг муҳими, тўғри тарбия берилган, кўзлар қувончи бўлмиш солиҳ фарзандни вояга етказишлари шундай яхшиликлар сирасига киради.

Бу ҳақда ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Мўмин (эр) одам мўмина (хотини)га ғазаб қилмасин. Агар унинг хулқидан бири ёқмаса, иккинчиси хурсанд қилади» *(Имом Бухорий ривояти)*.

Ислом дини муҳаббат, раҳмат, меҳр-шафқат каби хислатлар оиланинг таянчи эканини айтади. Бу таянчлардан бирига арзимас нарса туфайли дарз кетмаслиги зарур. Ҳадисда: «Агар бирон нохушлик бўлса, унинг замирида кўп яхшиликлар бўлиши мумкин», деб бежиз айтилмаган.

Бу борада ҳазрат Умарнинг (розияллоҳу анҳу) хотинини ёқтирмагани учун талоқ қилмоқчи бўлган кишига айтган мана бу сўзлари жуда муҳим: «Ҳолингга вой! Оилангни муҳаббатдан бошқа нарсалар устига қурдингми? Риоя қани, уят қаерда қолди?»

Бу ҳақда сўз юритилар экан, аёлларга муносабатда исломий талаблардан анча чекиниш ҳолатлари учраётганини айтиб ўтиш керак бўлади. Ҳозирги пайтда баъзи эркаклар арзимас нарса туфайли хотинини сўкиши, уриши ва куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаши каби кўнгилсиз воқеалар учраб туради. Баъзи эркаклар орасида Исломда аёлларни уриш орқали тарбия қилиш ҳақида кўрсатма бор, деган нотўғри талқин борлигига гувоҳ бўламиз. Йўқ, асло бундай эмас. Аллоҳ таоло инсонни азизу мукаррам қилиб, унга бошқа махлуқотларига бермаган ақлу идрок неъматини берди. Демак, инсон уриб-сўкиб эмас, балки чиройли муомала ва гўзал хулқ билан тарбия қилинади. Тўғри, Қуръони каримда: **«…уринглар…»** дейилган, лекин бундан олдин бир қанча шартлар қўйилган. Қўлга эрк беришдан олдин бир қанча тарбиявий босқичларни ўтказиш лозим. Уриладиган тақдирда ҳам қаттиқ уриш, кўкартириш эмас, номига уриб қўйиш, заифа эканини эслатиш назарда тутилади.

Арзимас айби учун, фарзандларингиз онаси, кечалари ухламай бола катта қилган, саҳар туриб уйингизни супур-

ган, кийимингизни тозалаб, сизга ширин-ширин таомлар тайёрлаб берган заифа аёлга кучингиз етдими? Албатта, аёл кишининг айби бўлиши мумкин. Хатолар такрорланмаслиги учун шунга яраша шароит яратиб бериш эркак кишиниг вазифаси эканини унутмаслик лозим.

Баъзи кишилар Қуръонда «урингиз» дейилган, деб уни суиистеъмол қилишга уринадилар. Бу хатодир. Ҳар қандай оилавий можарони тинч йўл билан оқилона ҳал этиш мумкин.

Видолашув хутбаларида Пайғамбаримиз (алайҳиссалом), жумладан, бундай деганлар: «...Аёлларингизга яхшилик қилишни тавсия этаман. Улар сизларнинг барча ишларингизда ёрдамчиларингиздир. Фақат итоатсизлик ва ахлоқсизлик қилганларида уларни енгилгина уриб қўйингиз». Бошқа ҳадиси шарифда: «Яхшиларингиз (аёлларни) ҳеч қачон урмайдиганингиз», дейилган.

Уламоларимиз ушбу ҳадисни ҳужжат қилиб: «Агар аёл била туриб, Аллоҳ таолонинг ҳақига риоя қилмаса, одоб тариқасида бир туртки сифатида танбеҳ берса бўлади», дейишади. Оятда аёлни уриб қўлини синдириш, юзини кўкартириш ёки шунга ўхшаш бошқа шикаст етказишга умуман рухсат берилмаган.

Ҳар қачон ва ҳар ерда бизга ўзларининг юксак ахлоқлари билан ўрнак бўлган Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлларини уриш у ёқда турсин, уларга ҳатто қаттиқ гапирмаганлар. Бу борада Ойша (розияллоҳу анҳо) онамизнинг саҳобалардан бирларига айтган сўзлари ибратлидир: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз аёлларидан ва ходималаридан бирортасини ҳам умуман урмаганлар, ҳаётларида ҳеч кимга озор бермаганлар. Фақат Аллоҳ йўлида, ҳаромдан қайтариш ёки Аллоҳ таоло учун қасос олиш мақсадида (уриш керак бўлса) урганлар».

Албатта, бу ўринда аёллардан ҳам Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ўз ҳадисларида “Хотинларнинг яхшиси агар қарасанг, сени хурсанд қиладигани; буюрсанг, сенга итоат этгани; йўқлигингда ўз нафсини ва молингни

муҳофаза қиладиганидир”, деб сифатлаганларидек хотин бўлишлари талаб қилинади.

4. Эркак киши оиласига нисбатан барча масъулиятни ҳис этиши ва ўзининг оилада устун эканини ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Шу маънода эркакнинг аёлдан устун экани ҳақида Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

ٱلرِّجَالُ قَوَّٰمُونَ عَلَى ٱلنِّسَآءِ بِمَا فَضَّلَ ٱللَّهُ بَعۡضَهُمۡ عَلَىٰ بَعۡضٖ وَبِمَآ أَنفَقُواْ مِنۡ أَمۡوَٰلِهِمۡۚ فَٱلصَّٰلِحَٰتُ قَٰنِتَٰتٌ حَٰفِظَٰتٞ لِّلۡغَيۡبِ بِمَا حَفِظَ ٱللَّهُۚ وَٱلَّٰتِي تَخَافُونَ نُشُوزَهُنَّ فَعِظُوهُنَّ وَٱهۡجُرُوهُنَّ فِي ٱلۡمَضَاجِعِ وَٱضۡرِبُوهُنَّۖ فَإِنۡ أَطَعۡنَكُمۡ فَلَا تَبۡغُواْ عَلَيۡهِنَّ سَبِيلًاۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلِيّٗا كَبِيرٗا ٣٤

«Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) **қоим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари** (эркаклар)**ни айримлари** (аёллар)**дан** (баъзи хусусиятларда) **ортиқ қилгани ва** (эркаклар ўз оиласига) **ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир.** (Аёллар ичида) **солиҳалари – бу** (Аллоҳга ва эрига) **итоатли, ғойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли** (яъни, эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)**лардир. Хотинларнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало уларга насиҳат қилингиз, сўнгра** (бу таъсир қилмаса,) **уларни ўринларда** (алоқасиз) **тарк этингиз, сўнгра** (бу ҳам кор қилмаса) **уларни** (мажруҳ бўлмагудек даражада) **урингиз. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши** (бошқача) **йўл ахтармангиз. Албатта, Аллоҳ олий ва улуғ зотдир»** *(Нисо, 34)*.

Оятда эркак кишининг аёл устидаги раҳбарлик масъулияти икки сабабга асосланган баён қилинган. Биринчиси, эркак киши хилқат жиҳатдан чидамли, оила бошлиғи бўлишдек масъулиятни кўтаришга қодир экани. Чунки эркаклар куч-қувват, сабр қила олиш, ҳар бир ишда

шошмасдан мулоҳаза юритиш ва бошқа қобилиятлари билан устундир. Иккинчиси, оилада эркаклар ўз молларидан нафақа сифатида сарф қилишлари, зарур бўлган барча молиявий харажатларни ўз зиммаларига олишлари. Яъни, хотиннинг еб-ичиш, кийиниш ва бошпанага бўлган эҳтиёжини эркак киши қондириши лозимлиги назарда тутилган.

Ҳақиқатда, эркак зоти аёл кишидан баъзи хусусиятларда ортиқ қилиб яратилганига ҳеч шубҳа йўқ. Буюк ҳикмат ва қудрат соҳиби Аллоҳ таоло хилқатдаги бу устунликда бир неча ҳикматни мужассам қилган. Тафсирларда, жумладан, шаръий нуқтаи назардан эркакларга хос қуйидаги афзаллик хусусиятлари қайд этилган: пайғамбарлик, ўринбосарлик, жисмоний куч-қувват, оила нафақасига масъуллик, ақлу идрок, хотира ва тафаккурнинг зиёдалиги, имом-хатиблик, муаззинлик, жамоат билан намоз ўқиш, жума намозининг вожиб бўлиши, ташриқ такбирини айтиш, жангларда қатнашиш, тўлиқ гувоҳлик, талоқ бериш ҳуқуқига эга бўлиш, оила номининг унга нисбат берилиши, намоз ва рўзани узрсиз адо этиши ва бошқалар. Шу ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олиб, аёл кишининг эрига итоатли, ҳимоятли ва иффатли бўлиб, оила тотувлиги йўлида доимий ҳаракат қилиши диёнат жиҳатидан талаб этилган.

Эр киши, умуман, оиланинг тинчлиги тўғрисида қайғуриш билан бирга, энг муҳим таъминотлар бўлган озуқа, кийим-кечак, бошпана билан таъминлашга масъулдир. Ушбу масъуллик шариат нуқтаи назаридан вожиб деб қаралади. Яъни, ушбу масъулиятни бажармаган одам Аллоҳ таоло олдида қаттиқ гуноҳкор ҳисобланади.

Маълумки, никоҳ муносабати билан зиёфат уюштирилиб, валийма-тўй ўтказилади. Ушбу тўйнинг харажатлари, имкони бўлса, куёвнинг ўзи, яқин қариндошлари ёрдамида қопланади. Яъни, қисқа қилиб айтганда, тўйни куёв томон ўтказади. Эр ва хотин ўзлари яшайдиган уйни турмуш учун зарурий жиҳозлар билан жиҳозлаш ҳам эр-

нинг зиммасида бўлади. Лекин, афсуски, бугунги кунимизда кўп ҳолларда буларнинг акси кўзга ташланмоқда.

Хуллас, эркак киши оиланинг ҳамма талабларига жавоб бера оладиган бошлиқ бўлишга буюрилган. Қуръони каримда бундай дейилган:

وَٱلْمُطَلَّقَٰتُ يَتَرَبَّصْنَ بِأَنفُسِهِنَّ ثَلَٰثَةَ قُرُوٓءٍ ۚ وَلَا يَحِلُّ لَهُنَّ أَن يَكْتُمْنَ مَا خَلَقَ ٱللَّهُ فِىٓ أَرْحَامِهِنَّ إِن كُنَّ يُؤْمِنَّ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ ۚ وَبُعُولَتُهُنَّ أَحَقُّ بِرَدِّهِنَّ فِى ذَٰلِكَ إِنْ أَرَادُوٓا۟ إِصْلَٰحًا ۚ وَلَهُنَّ مِثْلُ ٱلَّذِى عَلَيْهِنَّ بِٱلْمَعْرُوفِ ۚ وَلِلرِّجَالِ عَلَيْهِنَّ دَرَجَةٌ ۗ وَٱللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٢٨﴾

«Талоқ қилинган аёллар ўзларига қараб, уч ҳайз муддати (ўтишини) **кутиб ўтирадилар. Агар улар Аллоҳга ва охират кунига ишонсалар, бачадонларида Аллоҳ яратган нарса** (ҳомила ёки ҳайз)**ни яширишлари ҳалол** (иш) **эмас. Агар эрлари ислоҳни** (оилани тиклашни) **хоҳласалар, шу муддат ичида уларни қайтариб олишга ҳақлидирлар. Аёллар учун** (белгиланган ҳуқуқлар) **ўз меъёрида эркаклар** (ҳуқуқи) **билан тенгдир. Аёлларга нисбатан эркакларда бир даража** (зиёдалик) **бор. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир»** *(Бақара, 228)*.

Бир ёки икки талоқ қўйган эрлар идда чиққунига қадар сўз ёки ҳаракат билан ўз аҳдларидан қайтиб, никоҳни янгиламасдан турмушни давом эттиришлари мумкин. Аммо бир ёки икки «боин» (қатъий) талоқ қўйган бўлса, никоҳни янгилаш шартдир. Уч талоқ ёки ундан ортиқ ададни айтиб қўйган бўлса, эр-хотин ўртасидаги шаръий никоҳ бекор бўлиб, бирга турмуш қуриш мумкин бўлмай қолади. Бундай тақдирда, албатта, шариат пешволарига мурожаат қилиб, маслаҳат олиш зарур.

Бу эркаклар хоҳлаганларини қилишсин ёки аёлларига истаганларича зулм ўтказишсин, дегани эмас. Устунроқ бўлиш ортиқча масъулиятни зиммага олиш деганидир. Имконияти бўлатуриб оиласининг ҳожатларини

қондиришга ҳаракат қилмаслик ҳам гуноҳдир. Бу Аллоҳ таолонинг омонат деб берганига хиёнат қилишдан ўзга нарса эмас.

Устунлик эркакка хотинининг бирор айби бўлса, дарров унинг адабини бериш, азоблаш имкониятини бермайди, балки аёлларга бундай зулм қилишни шариатимиз қаттиқ танқид этади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бир ҳадисларида: «Яхшиларингиз аёлларига яхши муомала қиладиганларингиздир», деганлар. Ушбу ҳадисдан маълум бўладики, бир поғона устунроқ бўлиш тил ва қўлга эркинлик бериш эмас, балки уни яхшиликка ишлатиш, деганидир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа ҳадисларида:

ألا كلكم راع وكلكم مسؤول عن رعيته فالأمير الذي على الناس راع وهو مسؤول عن رعيته والرجل راع على أهل بيته وهو مسؤول عنهم

Яъни:“Огоҳ бўлинг! Ҳаммангиз раҳбарсиз ва ҳаммангиз қўл остингиздагилардан масъулдирсиз. Бас, амир қўл остидаги инсонларга раҳбар ва уларга масъулдир, эркак ўз оиласида раҳбар ва уларга масъулдир”, деганлар. Раҳбарлик масъулиятни сезиш мажбуриятларни бажариш демакдир. Ноҳақ ҳукм чиқариб, ножоиз ҳаракатлар қилиш, аҳлларига зулм кўрсатиш маъсият, гуноҳ деганидир. Демак, кишининг мавқеи қанчалик баланд бўлса, жавобгарлиги ҳам шунчалик қаттиқ бўлади.

5. Аёл киши оиласининг ички ҳолатларига масъул. Юқорида таъкидланганидек, эр киши кўпроқ вақтини оиласини нафақа билан таъминлаш йўлида ҳаракат қилиб ўтказади. Табиий, уй ишлари билан шуғулланишга кам вақт ажратади. Шу ўринда никоҳнинг фойдаси яққол кўзга ташланади. Уй ишларини аёл киши қилади, покликка, тинчликка жавоб беради. Шунингдек, бошқа муҳим вазифаси ҳам бор, бу фарзанд кўриш, унга тарбия

беришдир. Демак, аёл оиланинг ички ишларига масъулдир. Юқоридаги ҳадиснинг давомида бундай дейилган:

والمرأة راعية على بيت بعلها و ولده وهي مسؤولة عنهم والعبد راع على مال سيده وهو مسؤول عنه ألا فكلكم راع و كلكم مسؤول عن رعيته

яъни: “Аёл эрининг уйига ва фарзандларига раҳбар ва уларга масъулдир. Қул хўжайинининг молига раҳбар ва унга масъулдир. Огоҳ бўлинг! Бас, ҳаммангиз раҳбарсиз ва ҳаммангиз қўл остингиздагиларга масъулдирсиз”.

Яъни, аёл эрининг молини у билан маслаҳатлашмай тасарруф қилмаслиги керак ва эрининг фарзандларига чиройли тарбия бериши керак.

6. Ота-она фарзандларига масъул бўлиб, уларга адолат қилишлари зарур. Ота-онанинг неча фарзанди бўлса, ҳаммасига тенг қараши, ҳатто муомала қилганида ҳам баробар кўриши керак.

7. Фарзандлар ота-оналарига яхшилик қилишлари, уларнинг сўзларини асло ерда қолдирмасликлари шарт.

ФАРЗАНДИНГИЗГА ЯХШИ ОНА ТАНЛАНГ

Фарзанд – инсон ҳаётининг мазмуни, насл-насабини давом эттирувчиси, оиланинг мустаҳкам занжири. Яхши, солиҳ фарзанд – ота-онанинг бахт-иқболи, икки дунё саодатига етказувчи дилбанди. Фарзандлар «жаннат райҳонлари» деб тавсифланиши бежиз эмас. Аммо у одобли, яхши фазилатлар соҳиби, итоаткор ва қобил бўлгандагина ота-онасига раҳмат ва бахт-хурсандчилик келтиради. Бунинг акси бўлишидан Аллоҳ сақласин!

Оила қуриш ва солиҳ фарзандлар кўришни орзу қилмаган инсон бўлмаса керак. Фарзандингизнинг яхши, одобли, меҳнатсевар, соғлом бўлиб ўсиши кўп жиҳатдан онасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун динимиз кўрсатмаларида бўлғуси келинни танлашга алоҳида эътибор қилинади. Келажакда туғилажак фарзандларга муносиб

она танлаш ҳақида фарзанд ҳали туғилмасидан қайғурилади. Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Фарзандларингизга муносиб онани ихтиёр қилинглар”, деганлар.

Мусулмонларда келин танлашда унинг солиҳа, диндор, яхши хулқли бўлиши асосий мезон саналади. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аёл тўрт нарсаси: моли, ҳасаби, жамоли ва дини учун никоҳланади. Бас, сен диндорини танла, омон бўлгур»,деганлар *(Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий)*. Албатта, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) ушбу тавсияларида улкан ҳақиқат мавжуд. Зеро, молдорлик, яхши бир насабга эга бўлиш ва ҳусндорлик инсонни ҳовлиқтиради, бошқалардан ўзини устун қўйишга олиб боради. Бундан ташқари, ушбу жиҳатларнинг баъзилари ўткинчи бўлиб, уларга нисбатан қизиқиш вақт ўтиши билан сусаяди. Диндорлик эса, инсонни инсонийликка ундовчи омил бўлиши билан бирга, доимий ажралмас сифатдир.

Шунинг учун ҳам яна бир ҳадисларида: «Ким хотиннинг молу жамоли учун уйланса, унинг молу жамолидан маҳрум бўлади ва ким аёлнинг дини учун уйланса, Аллоҳ таоло у кишига унинг молу жамолини ҳам насиб қилади», дейилган.

Келин танлашда яна унинг туғишга лаёқатли, соғлом бўлишига эътибор бериш лозим. Чунки уйланишдан асосий мақсад наслни давом эттиришдир. Инсониятнинг кўпайиши, наслининг бардавомлиги қиёматгача давом этадиган илоҳий ирода ва муҳим жараёндир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Никоҳланинглар, кўпаясизлар, мен қиёмат куни ўтган умматларга нисбатан умматимнинг кўплиги билан фахрланаман», деб марҳамат қилганлар.

Маъқал ибн Ясордан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда келишича, бир киши Пайғамбар (алайҳисса-

лом) ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, бир жамолли ва ҳасабли аёл топдим, аммо у туғмас экан, шунга уйланаверайми?» деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Йўқ», дедилар. Ўша киши у зот олдиларига яна келди. Яна қайтардилар. Учинчи марта келганида: «Эрига муҳаббат қиладиган ва кўп туғадиган аёлга уйланинглар, мен бошқа умматларга сизларнинг кўплигингизни кўз-кўз қилувчиман», дедилар *(Абу Довуд, Насоий, Ҳоким)*.

Бироқ ота-онанинг вазифаси фарзандини дунёга келтиришдангина иборат деган фикрга бориш ҳам тўғри эмас. Улар ўз фарзандларини ақлли, эс-ҳушли, жисмонан соғлом, диёнатли, эътиқодли, жамият ва миллатга фойдаси тегадиган инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида қайғуришлари керак. Аввал айтганимиздек, одатда, оталар оилани боқиш ва моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида кўпинча кўчада бўлиб, уй ишлари ва фарзанд тарбияси билан асосан оналар шуғулланадилар. Шунинг учун фарзанд тарбияси фақат онанинг вазифасидек туюлиб қолган. Лекин, аслида, шариат кўрсатмасига кўра, фарзандлар тарбиясида ота-она бирдек масъулдир. Балки ота бу борада ҳам онадан масъулиятлироқ ҳисобланади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) отанинг фарзандига қиладиган моддий таъминотидан маънавий таъминоти устун туришини таъкидлаб шундай марҳамат қилганлар: “Ҳеч бир ота ўз фарзандига гўзал одобдан ҳам ортиқроқ ҳадя бера олмайди” *(Термизий ривояти)*. Ота-оналар боланинг табиати, хулқ-атвори шу оиладаги муҳитга қараб шаклланишини эсдан чиқармасликлари зарур. Уларнинг вазифаси худди тажрибали табибнинг беморга нисбатан муносабатига ўхшаш бўлиши керак. Маълумки, солиҳ фарзандлар осмондан тушмайди. Балки ота-она назоратида оила ичида тарбияланиб, вояга етишади. Болалар ёш вақтларида уларнинг тарбиясига бепарво бўлиш, ёмон кишиларга аралашиб юришларига йўл қўйиш зарарли оқибатларга олиб келади. Содда

қилиб айтсак, бола қалби ҳар турли ёзув ёзиш мумкин бўлган бир оқ қоғозга ўхшайди. Унга мумкин қадар яхши ёзувлар ёзиш керак. Улар тарбиясига астойдил киришиш, яхши кишилар бўлиб етишишлари учун бутун имкониятларни ишга солиш зарур.

Донишмандлар бола тарбиясига у ҳали ҳомила ҳолида эканидаёқ киришишни маслаҳат беришади. Бунга қандай эришиш мумкин? Бўлажак онанинг емиши ҳалол, пок бўлиши, у ҳамиша тоза, покиза юриши, кўпроқ Қуръон ўқиши, дуо ва зикрни мунтазам айтиб туришининг туғилажак фарзанднинг келгусида яхши тарбияли, одобли, эътиқодли, чин инсон бўлиб камолга етишида катта фойдаси бор. Ҳатто замонавий тиббиёт ҳам она ҳомиладорлик чоғида кўпроқ қандай кайфиятда бўлса, буларнинг ҳаммаси болага ҳам кўчишини исботлаган. Масалан, ҳомиладорлик чоғида кўп асабийлашган, бошига бирор ғам, мусибат тушган аёлларнинг фарзандлари инжиқ, серзарда, йиғлоқи бўлиб туғилиши кўп марта кузатилган.

Шу ўринда дунёга машҳур олимлар ва тасаввуф шайхларининг оналари ҳомиладорлик пайтларида нималарга эътибор қилишгани ва ўз фарзандларини тарбиялаб вояга етказишда қандай йўл тутишгани ҳақидаги ибратли ривоятлар билан танишайлик:

Собит исмли йигит бир боғдан оқиб чиққан ариқда юз-қўлини юварди. Шу пайт кўзи сувда қалқиб келаётган қирмизи олмага тушди. У олмани тутиб, бир тишлади. Тишлади-ю, мазасини билган заҳоти ҳушёр тортди: «Нима қилиб қўйдим? Ахир бу олманинг эгаси бўлса керак?! Ўзимники бўлмаган нарсадан тотиндим, энди эгасини албатта рози қилишим керак!»

Йигит шу хаёл билан сув оқиб келаётган томонга юрди. Бироздан сўнг ҳосили кўплигидан шохлари сувга эгилиб турган олма дарахтларини кўрди. Қўлидаги тишланган олмага қараса, ўша дарахт мевасига ўхшайди. «Мен сўроқсиз тотинган олма шу боғдан экан», деб ўйлади ва

боғ эгасини чақирди. Чиқиб келган боғ соҳибига бўлган воқеани тушунтирди. Сўнг: «Розилигингизни олмоқчи эдим, олманинг ҳақини бераман, ғафлатда қолиб қилган хатойимни кечиришингизни сўрайман, олмани менга ҳалол этсангиз», деди. «Уч йил менга ишлаб берасан, шундан кейин ўйлаб кўраман, олмани ҳалол этишнинг бирдан-бир чораси шу», деди боғ эгаси.

Собит розилик билдирди. Бир лаҳзалик ғафлат, сўроқсиз бир тишланган олманинг тўлови ўша боғдаги уч йиллик хизмат бўлди. Аммо бошқа иложи ҳам йўқ эди. Нима қилиб бўлса-да, олмани ҳалоллаб олиши керак!

Уч йил тўлган куни Собит бадавлат боғ эгаси олдига борди. Муҳлат тўлганини айтиб, «ҳақингизни ҳалолланг, энди мен кетай», деди. «Уч йил ўтгач, ўйлаб кўраман, деган эдим. Ўйлаб кўрдим. Бироқ яна кичик бир шартим бор, шуни ҳам бажарсанг, кейин ҳақимни ҳалол этаман: менинг бир қизим бор, кўзлари кўрмайди, қулоқлари эшитмайди, қўллари ишламайди, оёғи йўқ – юрмайди. Агар шунга уйлансанг, олмага рози бўламан, акс ҳолда, рози эмасман», деди боғ соҳиби.

Йигит унинг шартига кўнди. Никоҳ ўқитилди, тўй зиёфати ўтди. Куёв гўшангага кирса, соппа-соғ, ҳусни бинойидай келин ўтирибди. «Бу ерда бир янглишлик ёки ҳийла борга ўхшайди», дея ўйлаган йигит қайнотага учради. «Отажон, менга кўр, тилсиз, мажруҳ қизим бор, деган эдингиз, ҳолбуки, соғ-саломат бу дунё гўзалини кўрдим», деди.

Қайнота кулимсираб: «Шундай, ўғлим, қизим ҳаромга қарамайди, шунга кўзлари кўр, ҳаромни сўзламайди, шунга тили йўқ, қўлини ҳаромга чўзмайди, шунга қўли ишламайди, ҳаром жойларга бормайди, шунга оёғи ҳам йўқ. Буларнинг барини мажозий маънода айтдим. Чунки қизимга сен каби Аллоҳдан қўрқадиган, ҳаромдан ҳазар қиладиган бир солиҳ йигит ахтариб юрган эдим. Сен сўроқсиз тишланган бир луқма олма учун ҳалоллик сўраганингда, орзумдаги йигитни топганимга ишондим ва сени уч йил

имтиҳон қилдим. Синовлардан ўтганингдан кейин ҳеч бир тараддудсиз қизимни сенга узатишга рози бўлдим», деди.

Бу никоҳдан мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит (Имоми Аъзам) дунёга келди, бу зот шундай тақволи ота-онадан туғилди. Имоми Аъзам болалигида Қуръони каримни уч кунда хатм қилди. Югуриб бориб онасига: «Онажон, Қуръони каримни уч кундаёқ хатм қилдим», деб қувонди. «Ўғлим, агар отанг ўшанда олмани бир тишламаганида, Қуръонни бир кунда хатм қилган бўлардинг!» деди онаси.

Ёки ушбу ибратли воқеадан хулоса чиқаринг: сўфийликнинг машҳур шайхларидан Абдулқодир Ғилоний (раҳимаҳуллоҳ) бундай ҳикоя қилади: «Болалигимдан мени тўғрисўз, ростгўй бўлишга ўргатишган эди. Бир куни Маккадан чиқиб, илм олиш мақсадида Бағдодга борадиган бўлдим. Онам йўл харажатлари учун қирқ динор пулни чопоним қатига тикиб берар экан, мендан ҳеч қачон, ҳар қандай ҳолатда ҳам ёлғон гапирмаслик ҳақида ваъдамни олди. Карвон билан Ҳамадон ўлкасига етганимизда қароқчилар тўдаси ҳужум қилиб, карвондагиларнинг борбудини тортиб олди. Қароқчилардан бири: «Сенинг нимаинг бор?» деб сўради. Мен: «Чопоним қатида қирқ динор олтиним бор», деб рост гапирдим. У ҳазиллашяпти, деб ўйлаб нари кетди. Бошқа қароқчи яна шу саволни берди ва унга ҳам қирқта олтиним борлигини айтдим. У мени тўда бошлиғига олиб борди. Бошлиқ: «Ростини айтишга сени нима мажбур қилди?» деб сўради. Мен: «Онамга ҳеч қачон ёлғон гапирмайман, деб ваъда берганман», дедим.

Шунда қароқчилар бошлиғини бирдан қўрқув босди. У қичқирганича ушбу сўзлар билан ўз кийимларини йирта бошлади: «Сен онангга берган ваъдангни бузишдан қўрқиб, олтинларингни кўрсатяпсан, мен эса Аллоҳга берган ваъдамни бузишдан қўрқмаяпман».

Кейин у одамларига барча тортиб олинган нарсаларни қайтариб беришни буюрди ва: «Мана, сенинг ҳузурингда гуноҳларим учун Аллоҳга тавба қиляпман»,

деди. Бошқа қароқчилар ҳам унга: «Сен талончиликда бизнинг тўдабошимиз эдинг, энди тавба қилишда ҳам раҳнамойимиз бўл!» дейишди.

Улуғ муҳаддис, юртимизнинг фахри Имом Бухорийнинг номини эшитмаган одам кам бўлса керак дунёда. Бу зотнинг оналари ҳам фарзанд камоли йўлида фидойиликнинг олий намунасини кўрсатганлар. Фарзандларини еру кўкка ишонмай юрган Фотимани Аллоҳнинг яна бир имтиҳони кутиб турар эди. Бир куни янги йўлга кирган дилбанди Муҳаммад атак-чечак қилаётиб, йиқилди. Шунда ерда ётган бир шохча унинг икки кўзига зарар етказди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, она фарзандининг кўзи кўрмаётганини сезиб қолди. Фотима дунёсини унутди, тилидан Аллоҳ зикри тушмай қолди. У шу топда ўғлининг кўра олиши эвазига имонидан бошқа ҳамма нарсасини беришга тайёр эди. Катта ўғли ҳамроҳлигида Бухоронинг машҳур ҳозиқ табибиникига жўнашди.

Фотима табиб ҳузуридан бўшашиб, оёқ-қўли жонсиз ҳолатда қайтди. Қартайган, кўзлари қисиқ, титроқ қўлли табиб ўғлини обдон текшириб кўриб, даволашга ожиз эканини айтди. Ортидан «Умид ёлғиз Аллоҳдан!» деб таскин ҳам берди.

Шу соатдан бошлаб Фотимага ҳаётнинг қизиғи қолмади. Неча кунки, тунлари бедор, кундузлари рўзадор. Бетўхтов намоз ўқийди. Жойнамози кўз ёшларидан сиқиб олингудай ҳўлланиб кетади. Аллоҳга илтижо билан ёлворади, дилбандининг касалига шифо сўрайди.

Ана шундай кунларнинг бирида Фотима туш кўрди. Барваста, чиройли юз, кўркам соқолли бир шайх тушига кирди. Кейин билса, Иброҳим Халилуллоҳ эканлар. У киши Фотима қаршисига келиб, унга хурсанд ҳолда: «Эй аёл, Аллоҳга кўп ёлвориб йиғлаганинг, тинмай дуолар қилганинг бесамар кетмади, меҳрибон Аллоҳ ўғлингнинг кўзларини қайтариб берди!» деди.

Уйқудан юраги ҳаприқиб уйғонди. Шошилинч таҳорат олди-ю, ўғли ётган хонага чопди. Кириб қараса, кўзи

яна кўра бошлаган ўғли ўрнида жилмайиб ётарди. Аёл тақвоси мукофотига берилган бу яхшиликдан беҳад севинди. Аллоҳга ҳисобсиз шукрлар айтди, мақтовлар йўллади. Онаси бу қадар суюб-ардоқлаб улғайтирган Муҳаммад кейинчалик ҳадис илмининг султони, улуғ муҳаддис бўлиб етишган Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий *(Имом Бухорий)* эди.

Бу ибратли ривоятлардан равшан бўладики, боланинг келажакда қандай ва ким бўлиб улғайиши кўп жиҳатдан оналарга, уларнинг қандай тарбия беришганига, ҳатто болаларига қай даражада меҳр кўрсатиб, эркалаганларига боғлиқ. Шундай бўлгач, болангизнинг баркамол дунёга келиши, яхши инсон бўлиб улғайишини истасангиз, онасининг емишига, кайфиятига, тақводорлигига эътибор қаратинг.

Қуръони каримда: «**Ўз уйларингизда қарор топингиз»** *(Аҳзоб, 33)*, деб марҳамат қилинган. Бу аёл учун энг шарафли жой –унинг уйи, оила давраси дегани. Аёл учун оиланинг чароғбони, рўзғорнинг ишбошиси, фарзандлар тарбиячиси бўлишдан кўра фазилатли, савобли иш йўқ. Аёл жамоат ишлари билан банд бўлиб, ўзгалар ишини қойиллатса-ю, ўз болалари бегона энагалар ва боғча тарбиячилари қўлида она меҳрига, эркалашига зор-ташна улғайса, бундан кимга фойдаю кимга зарар?!

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, ўз онаси тарбиясини олган, унинг ғамхўрлиги, шафқатини ҳар қадамда ҳис этиб турган болалар ўзларини бутунлай жамоат ишига бахшида қилиб, фарзандларидан узилиб қолган оналарнинг болаларига қараганда соғлом, ақлли, тарбияли ва кўнгилчан бўлиб улғайишар экан. АҚШда ўтказилган тадқиқотларда қамалганларнинг ярмидан кўпи она меҳрига тўймаган ёшлар экани маълум бўлган. Дарҳақиқат, фарзанд тарбияси борасида оилада онанинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Фарзандга меҳр деган улуғ туйғуни ҳеч ким онадан ортиқроқ бера олмайди.

Афсус, баъзан оналар учун бола тарбияси жамият ва рўзғор юмушлари олдида эътиборсиз нарса бўлиб қолмоқда. Аёлларга ҳар қанча ҳуқуқ берилмасин, улар қанчалик юксак мақомларга эришмасинлар, агар болаларига яхши тарбия бермасалар, уларга ўзини, миллатини, динини, Ватанини танитмасалар ва севдирмасалар, оналик ҳақини адо этмаган бўлишади. Зеро, Ислом олимларидан бири айтганидай, «Авлодларни вояга етказиш ва муносиб инсон қилиб тарбиялаш мақсад қилиб олинмаган никоҳ шунчаки бир айш-ишрат ва маишатдан бўлак нарса эмас. Бу никоҳдан туғилган болалар ҳам ўткинчи ҳирснинг қурбони бўлган бечоралардир».

Муҳаммад ибн Муҳаммад Жомий айтади: «Ҳар бир ота-онанинг фарзанд олдида бурчи бор. Чунончи, ҳар бир ота ўз фарзанди номусли аёлдан туғилишига ҳаракат қилсин, токи туғилганидан кейин одамлар фарзандга турли таъналар қилиб юрмасин. Болага яхши ва чиройли исм қўйсин. Унга илму маърифат ўргатсин. Ота-она фарзандини ҳамиша ҳалол овқат билан боқсин. Ҳаром йўлда топилган таом болага ёмон таъсир кўрсатади ва уни ҳаромхўрликка ўргатади. Бунинг учун ота-онанинг ўзи, аввало, ҳалол овқат ейиши керак. Шундагина пуштидан бўлган бола ҳалол ва покиза бўлиб туғилади. Она ҳомиладорлик пайтида ҳаром ва нораво овқатлардан, ношаръий ишлардан тийилиши керак».

ОИЛАДА ФАРЗАНД ТУҒИЛДИ...

Аллоҳ таоло хоҳлаган бандасига фарзанд беришини айтган:

لِّلَّهِ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ يَخْلُقُ مَا يَشَآءُ ۚ يَهَبُ لِمَن يَشَآءُ إِنَٰثًا
وَيَهَبُ لِمَن يَشَآءُ ٱلذُّكُورَ ﴿٤٩﴾ أَوْ يُزَوِّجُهُمْ ذُكْرَانًا وَإِنَٰثًا ۖ وَيَجْعَلُ مَن يَشَآءُ
عَقِيمًا ۚ إِنَّهُۥ عَلِيمٌ قَدِيرٌ ﴿٥٠﴾

«Осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Аллоҳга (хос) **дир.** (У) **хоҳлаган нарсани яратур. Хоҳлаган кишисига қизларни ҳадя этур ва хоҳлаган кишисига ўғилларни ҳадя этур. Ёки уларга ўғиллар ва қизларни қўшиб берур ва хоҳлаган кишисини фарзанд кўрмайдиган қилиб қўйгай. Албатта, У** (бунинг ҳикматини) **билувчи ва** (ўзи хоҳлаган нарсани яратишга) **қодирдир»** *(Шўро, 49–50)*.

Аллоҳнинг ушбу оятда айтилган қудрати инсоният ҳаётида ўз ҳақиқатини топган ва топмоқда. Оли Имрон сурасида **«Албатта, Исонинг** (отасиз туғилиш) **мисоли, Аллоҳ наздида бамисоли Одам** (алайҳиссалом) **кабидирки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра унга «Бўл!» деди, бас,** (у) **бўлди»** *(59)*, деб айтилгани каби, инсонни ота-онасиз ёки Исо (алайҳиссалом) каби отасиз яратишга Аллоҳ таоло қодир. Ёки Момо Ҳавони яратгани каби битта эркакдан, яъни аёл иштирокисиз ҳам инсонни ярата олади. Ёки ота ва она иштирокида одамларни дунёга келтириши ҳам Унинг қудратидандир. Ота ва она бор бўлатуриб, фарзанд бўлмаслиги ҳам бу қудратнинг улуғлигидандир. Аллоҳ таоло нимани хоҳласа, шу бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Ояти каримада айтилганидек, Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаганига фақат қизлар инъом этади, хоҳлаганига эса фақат ўғил фарзандлар ато этади, хоҳлаганига фарзандларни аралаштириб беради ва хоҳлаганини бепушт қилиб қўяди.

Фарзанд ато этиш Аллоҳ таолонинг ихтиёрида бўлгани учун ҳатто пайғамбарларга ҳам бир хил жинсда ёки бир хил миқдорда фарзанд берилмаган. Масалан, Лут ва Шуайбларга (алайҳимуссалом) фақат қиз фарзандлар, Иброҳимга (алайҳиссалом) фақат ўғил фарзандлар, Муҳаммадга (алайҳиссалом) ҳам қиз, ҳам ўғил фарзандлар берган, Яҳё ва Исога (алайҳимуссалом) эса фарзандсиз бўлишларини ирода этган.

Бу илоҳий тақсимот бандаларининг синови учундир. Бинобарин, бандасидан неъматга шукр ва мусибатга сабр матлубдир.

Ибн Касир (раҳматуллоҳи алайҳ) айтадилар: «Аллоҳ таоло инсонни тўрт қисмдан иборат қилиб яратди: баъзилари фақат қиз фарзанд кўради; баъзилари фақат ўғил кўради; бошқалари ундан ҳам, бундан ҳам баҳраманд бўлади; баъзилари умуман фарзанд кўрмайди».

Қози Байзовий айтдилар: «Юқорида келтирилган оятдан мақсад, фарзанд кўриш ё кўрмаслик Аллоҳ таолонинг амри эканини уқтиришдир. Чунки Парвардигор қайси банда фарзанд кўрса ёки кўрмаса, нима бўлишини яхшироқ билади. Қайси бандасига фарзанд бериш ё бермаслик Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлади».

Янги турмуш қурган келин-куёвнинг энг эзгу орзуси фарзандли бўлишдир. Айниқса, улар илк фарзандларини ниҳоятда интизор, интиқлик билан кутишади. Мана, ниҳоят, орзулар ушалди, улуғ ниятлар рўёбга чиқди, Аллоҳ таоло ёш оилага фарзанди аржуманд ато этди. Улуғ муаллим Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оилада янги чақалоқ туғилганида нималар қилиш кераклигини ҳадиси шарифларида батафсил кўрсатиб берганлар. Бу кўрсатмалар, жумладан, қуйидагилардан иборат.

ФАРЗАНД ХУРСАНДЧИЛИГИ

Энг аввало, бола туғилиши билан хурсандчилик қилиниб, биринчи навбатда унинг отасидан суюнчи олинади. Чунки ота биринчи бўлиб фарзандли бўлганини эшитса, унга нисбатан меҳри ошади. Агар бир кишига хотини туққани ҳақида хушхабар етказилса, фарзандни Аллоҳ таоло инъом этган улуғ неъмат деб билиши, дарҳол Аллоҳга ҳамд айтиши суннатдир.

Аллоҳ таоло Иброҳимга (алайҳиссалом) хушхабар бериб, бундай дейди:

وَلَقَدْ جَآءَتْ رُسُلُنَآ إِبْرَٰهِيمَ بِٱلْبُشْرَىٰ قَالُوا۟ سَلَٰمًا ۖ قَالَ سَلَٰمٌ ۖ فَمَا لَبِثَ
أَن جَآءَ بِعِجْلٍ حَنِيذٍ ﴿٦٩﴾ فَلَمَّا رَءَآ أَيْدِيَهُمْ لَا تَصِلُ إِلَيْهِ نَكِرَهُمْ

وَأَوْجَسَ مِنْهُمْ خِيفَةً ۚ قَالُوا لَا تَخَفْ إِنَّا أُرْسِلْنَا إِلَىٰ قَوْمِ لُوطٍ ﴿٧٠﴾
وَامْرَأَتُهُ قَائِمَةٌ فَضَحِكَتْ فَبَشَّرْنَاهَا بِإِسْحَاقَ وَمِنْ وَرَاءِ إِسْحَاقَ يَعْقُوبَ ﴿٧١﴾

«Иброҳимга элчиларимиз (фарзандли бўлиши ҳақида) **хушхабар келтирдилар ва «Салом!» дедилар. У ҳам «Салом!» деди-да, ҳеч қанча вақт ўтмай, бир бузоқ** (гўштининг) **кабобини келтирди. Унга** (таомга) **қўл чўзмаганини кўргач,** (Иброҳим) **улардан ётсиради ва улардан қаттиқ қўрқиб кетди.** (Улар) **дедилар: «Қўрқма! Биз Лут** (қавми)**га юборилганмиз». Хотини** (Сора) **турган эди, кулиб юборди. Унга Исҳоқ** (номли фарзанд) **ва Исҳоқнинг орқасидан Яъқуб** (исмли набира беришимиз) **ҳақида хушхабар бердик»** *(Ҳуд, 69–71)*.

Бошқа оятда Закариёга (алайҳиссалом) хушхабар беради:

فَنَادَتْهُ الْمَلَائِكَةُ وَهُوَ قَائِمٌ يُصَلِّي فِي الْمِحْرَابِ أَنَّ اللَّهَ يُبَشِّرُكَ بِيَحْيَىٰ مُصَدِّقًا
بِكَلِمَةٍ مِنَ اللَّهِ وَسَيِّدًا وَحَصُورًا وَنَبِيًّا مِنَ الصَّالِحِينَ ﴿٣٩﴾

«Сўнгра, масжидда туриб намоз ўқиётганида, фаришталар унга нидо қилиб, дедилар: «Аллоҳ сенга Яҳё (исмли фарзанд) **хушхабарини бермоқдаким, у Аллоҳнинг сўзини тасдиқ этадиган,** (ўз қавмига) **пешво бўлиб,** (шаҳватлардан) **ўзини тиядиган солиҳ пайғамбарлардан** (бўлур)» *(Оли Имрон, 39)*.

Марям сурасида эса:

يَا زَكَرِيَّا إِنَّا نُبَشِّرُكَ بِغُلَامٍ اسْمُهُ يَحْيَىٰ لَمْ نَجْعَل لَّهُ مِن قَبْلُ
سَمِيًّا ﴿٧﴾

«(Аллоҳ айтди): **«Эй Закариё! Биз сенга бир фарзанд хушхабарини берурмиз; унинг исми Яҳё бўлиб, илгари унга бирор** (кимсани) **ҳамном қилган эмасмиз»**, дейилган *(7)*.

Фарзанднинг туғилиши нафақат унинг ота-онаси, балки барча қариндош-уруғлар, яқинлар учун ҳам чинакам

қувончли ҳодисадир. Шунинг учун у туғилган заҳоти Аллоҳга мақтов ва шукроналар айтиб, бу ҳақда ҳаммага маълум қилинади. Бошқалар ота-онани янги меҳмон билан қутлашади, унга узоқ умр, сиҳат-офият ва эзгу тилаклар тилашади.

Сийрат китобларида айтилишича, туғилган бола боис хурсандчилик қилиш лозим. Абу Бакр ибн Мунзир айтади: Ҳасан Басрийнинг олдига бир киши келиб, унинг ҳузурида ҳозиргина фарзандли бўлган кишини кўради. Ҳасан Басрий унга: «Бола муборак бўлсин! Уни берган Аллоҳга шукр қил, яхшилик билан сийлабди», дейди.

Айниқса,қиз бола туғилганида кўпроқ хурсанд бўлишингиз лозим. Чунки қиз фарзанд ўша хонадонга яхшилик ва масъудлик олиб келади, хотиннинг баракотлиси илк фарзанди қиз бўлганидир.

Баъзилар фақат ўғил кўришни исташади, қиз бола туғилганида эса севиниш ўрнига ҳафсалалари пир бўлиб, ҳатто хотинларини айблашгача боришади. Бу мутлақо нотўғридир. Аксинча, агар қиз фарзанд туғилса, ота-она зиёдароқ хурсанд бўлиши зарур.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат этган:

يَهَبُ لِمَن يَشَآءُ إِنَٰثًا وَيَهَبُ لِمَن يَشَآءُ ٱلذُّكُورَ ﴿٤٩﴾

«...Хоҳлаган кишига қизларни ҳадя этур ва хоҳлаган кишига ўғилларни ҳадя этур...» *(Шўро, 49)*.

Қуръони каримда қиз боланинг ўғил боладан олдин зикр этилиши ҳам қиз фарзаднинг ўғилга нисбатан баракали ва фазилатли эканига ишорадир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Биринчи фарзанди қиз бола бўлгани аёлнинг баракотли, бахтли ва шарофатли эканига далолатдир».

ЭМИЗИШ (РАЗОЪ)

Янги туғилган чақалоқнинг эмиши (разоъ) ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам энг долзарб масалалардан бўлиб келяпти. Яқин ўтмишимизда кўпчилик эмизишнинг, она сутининг ҳикматидан бехабарликда, бу муҳим ишга эътиборсиз бўлиб қолган эди. Туғруқхоналарда сути кам оналарнинг болалари сути кўп бошқа оналар сути ёки сунъий озиқлар билан боқилар эди. Сут берган онанинг кимлиги номаълум қоларди. Мустақил бўлганимиздан кейин бу нотўғри ишга барҳам берилди.

«Разоъ» сўзининг маъноси «сут эмиш»дир. Шариатда разоъ дейилганида боланинг бошқа аёл кўкрагидан икки ёшгача сут эмиши ва бунинг ҳукмлари билан боғлиқ масалалар тушунилади. Чақалоқ икки ёшгача онасидан бошқа аёлни эмса ёки унинг сути ичирилса, разоъ ҳукми собит бўлади. Бунда сут миқдорининг фарқи йўқ, бир томчи сут кирса ҳам разоъ собит бўлади. Разоъ ҳукмига кўра, бегона аёл сутини эмган болага ўша аёл она, аёлнинг эри ота ҳукмида бўлади. Сут эмган бола шу эр-хотиннинг асл фарзандларидек, уларнинг ўз фарзандлари эса бу болага маҳрам ҳисобланади. Сут эмган бола ўғил ёки қиз бўлишидан қатъи назар, шу маҳрамларига никоҳланиши мутлақо мумкин эмас. Ҳалол ва ҳаром масаласида эмикдошликка ҳам алоҳида эътибор берилади.

Шариатимиз оналарга бир неча вазифаларни юклайди. Жумладан, улар фарзанд соғлом ўсиши учун уни таркибида барча зарур моддаларни мужассамлаштирган она сутидан маҳрум қилмасликлари зарур. Чунончи, Қуръони каримда янги туғилган фарзанднинг онадаги ҳақи бундай баён қилинади:

وَٱلْوَٰلِدَٰتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَٰدَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ ۖ

«Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар...» *(Бақара, 233)*.

Ояти каримада чақалоқни икки ёшигача она сути билан эмизиш нақадар фойдали эканига ишорат этилмоқда. Лекин шариат бўйича она эмизишга мажбур қилинмайди, бунга бошқа эмизадиган аёлларни ёллаш ҳам мумкин. Бу одат арабларда кенг тарқалган эди. Муҳаммад (алайҳиссалом) оналари тирик бўлатуриб, Саъд қабиласига мансуб Ҳалима исмли аёлга эмиздирилганлари, тарбиясига берилганлари Ислом тарихидан маълум.

Сут она ёллашда унинг соғлом, серсут, хулқи ва одоби намунали, ўзи ақлли бўлишига алоҳида эътибор бериш керак, чунки эмизувчи аёлнинг феъл-атворидаги иллат ва фазилатлар болага ҳам кўчиши аниқланган.

Уламолар ўртасида «Она ўз фарзандини эмизишга мажбурми ёки мажбур эмасми?» деган масала ҳам бор. Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ): «Агар бола онасидан бошқани эммаса ёки онасидан бошқа эмизадиган аёл бўлмаса ёхуд ота бошқа эмизадиган аёлга бериш учун ижара маблағига эга бўлмаса, она болани эмизишга мажбур қилинади», деганлар. Чунки эмиш боланинг нафақаси ҳисобланиб, унга кетадиган барча нафақа отанинг бурчидир. Бу масалада ҳам аёлнинг эрки, озодлиги, шахсий ҳуқуқи эътиборга олингани ва туққан онаси «мен боламни эмизмайман» деса, уни айблаш ноўрин экани билинади. Имом Молик (раҳматуллоҳи алайҳ) эса: «Туққан она боласини эмизишга мажбурдир», дейдилар.

Аммо баъзи оналар ҳам бор, сути камлиги, қомати бузилиши, иши кўплиги каби сабабларни баҳона қилиб, боласини эмизиш ўрнига сунъий сут ва бўтқалар билан боқишни афзал кўришади. Табиатдаги ҳеч нарса она сути ўрнини босолмайди, буни замонавий тиббиёт ҳам исботлаган. Ҳадиси шарифда: «Бола учун она сутидан яхшироқ озуқа йўқ», дейилган.

Халқимизнинг ўзига хос бир гўзал фазилати ва хусусияти бор – ҳеч бир она боласини сабабсиз, узрсиз эмизишдан бош тортмайди. Дарҳақиқат, зарурат бўлмаган тақдирда муддатидан олдин она сутидан бошқа сут ёки

маҳсулот билан боқишга ўтиш боланинг соғлом, баркамол ўсишига салбий таъсир этишини замонавий тиббиёт таъкидлайди.

ЧАҚАЛОҚ ҚУЛОҒИГА АЗОН АЙТИШ

Янги туғилган чақалоқ оппоқ матога ўралади, чунки динимизда матоларнинг энг афзали оқ ранглиси экани айтилган. Тезда ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир айтиш, Парвардигордан фарзандига ихлос ва эътиқод билан дунё ҳамда охират яхшиликларини сўраш лозим. Бу ҳақда ушбу ҳадис ворид бўлган:

عن أبى رافع أنه قال: رأيت رسول الله صلى الله عليه وسلم أنه أذن فى أذن الحسن بن علي حين ولدته فاطمة

Абу Рофеъдан ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Фотима ва Алининг ўғиллари Ҳасан туғилганида қулоқларига азон (ва такбир) айтганларини кўрдим».

Бошқа ҳадисда бундай дейилади:

عن ابن عباس رضى الله عنهما أن النبي عليه السلام أذن فى أذن الحسن ابن علي يوم ولد وأقام فى أذنه اليسرى

Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади:

«Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Ҳасан ибн Али туғилганида (ўнг) қулоғига азон айтиб, чап қулоғига такбир айтдилар».

عن الحسن بن على عن النبى صلى الله عليه وسلم قال: «من ولد له مولود فأذّن فى أذنه اليمنى و أقام فى اذنه اليسرى، لم تضره أم الصبيان».

Ҳасан ибн Алидан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) «Ким фарзандли

бўлса, унинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир айтса, унга уммус сибён зарар бермайди», дедилар.

Ҳадисдаги «уммус сибён» шайтон бўлиб, у болаларга зарар ё касаллик келтиришини муҳаддислар айтишган.

Чақалоқ қулоғига азон билан такбир айтишдан мақсад, бола дунёда биринчи эшитадиган овоз ва сўз Аллоҳнинг муборак исми бўлишидир. Шунингдек, ушбу азон ва иқомат сабабидан бола турли бало ва дардлардан саломат қолади, унга шайтон таҳдид қилмайди. Чунки шайтон азон овозидан тумтарақай қочади.

ТАҲНИК ҚИЛИШ

«Таҳник» дегани бирор ширинликни (масалан, хурмо) чайнаб ёки эзиб, оз миқдорда бармоққа олиб боланинг оғзига суриб қўйиш, дегани. Бизда бунга «танглай кўтариш», дейилади. Бундан мурод, боланинг биринчи бўлиб тотадиган нарсаси ширинлик бўлсин ва она кўкрагига тезда ёпишсин. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яшаган жойда машҳур ширинлик ва қувват берувчи мева хурмо бўлгани учун таҳник асосан шу мева билан қилинган.

عن أبي موسى رضى الله عنه قال ولد لى غلام فأتيت به رسول الله صلى الله عليه و سلم فسماه إبراهيم وحنكه بتمرة ودعا له بالبركة ودفع إلي

Абу Мусо (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Ўғлим туғилганида уни кўтариб Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳузурларига бордим. У зот унга «Иброҳим» деб исм қўйдилар, хурмо билан таҳник қилдилар. Барака тилаб дуо қилдилар ва менга узатдилар».

Ҳадисдан кўриниб турибдики, фарзандга исм қўйиш, таҳник қилиш, бола ҳақига яхшиликларни Аллоҳ таолодан дуо қилиб сўраш яхши амаллардан экан. Бу ишларни илмли, тақволи, фазилатли кишилар амалга ошириши, айниқса, муҳимдир.

ЧИРОЙЛИ ИСМ ҚЎЙИШ

Болага чиройли исм қўйиш ота-онанинг фарзанд олдидаги масъулиятларидан ҳисобланади. Ислом тарихида бўлиб ўтган ажойиб ҳодисалардан хабардор ҳар бир ота-она қандай шароитда бўлмасин, фарзандига чиройли, маъноси ҳам гўзал исм қўйишга ҳаракат қилади. Зеро, исм ўз эгасининг хулқ-атворига, ҳатто тақдирига ҳам таъсир қилиши айтилган. Қиёмат куни ҳар бир инсон ўз исми билан чақирилади.

عن أبي الدرداء قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: إنكم تدعون يوم القيامة بأسماءكم وأسماء أباءكم فأحسنوا أسماءكم

Абу Дардодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Батаҳқиқ, қиёмат куни сизлар ўз исмларингиз ва оталарингиз исмлари билан чақириласизлар. Бас, (шундоқ экан) исмларингизни гўзаллаштиринг!»

Бола туғилганида кўпинча ота-оналар унга қандай исм қўйишга ўйланиб қолишади. Лекин кўп бош қотирмай, маъноси ғализ, тумтароқ исмларни қўйиб юборишади. Шу қўйиладиган исм бола билан нафақат фоний дунёда, балки қиёматда, жаннат ё дўзахда ҳам бирга бўлади. Бу мавзуга алоқадор ҳадисларда айтилади:

عن ابن عمر أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: إن أحب أسماءكم إلى الله عبدالله و عبد الرحمن

Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Дарҳақиқат, Аллоҳ таолога энг ёқадиган исмларингиз “Абдуллоҳ” ва “Абдурроҳман”», дедилар.

Ҳадисда исм қандай бўлиши кераклиги очиқ баён қилинган. Киши ўзининг Аллоҳ таолога суюкли эканини

билдирмоқчи бўлса, «Абду...» билан бошланадиган исмларни қўйсин, чунки бундай исмлар инсон Аллоҳ таолонинг қули эканини ҳамиша билдириб туради.

Бошқа бир ҳадисда бундай келган:

عن أبي وهب الجشمي قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم تسموا بأسماء الأنبياء, وأحب الأسماء إلى الله عبد الله و عبد الرحمن وأصدقها حارث وهمام وأقبحها حرب و مرة

Абу Ваҳб айтади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Пайғамбарларнинг исмларини олинглар, Аллоҳ таолога энг ёқадиган исмлар “Абдуллоҳ” ва “Абдурроҳман”дир, энг садоқатлиси “Ҳорис” ва “Ҳаммам”дир, энг ёмони “Ҳарб” (уруш) ва “Мурра” (аччиқ) дир».

Ўғил болаларга пайғамбарларнинг (алайҳимуссалом) муборак исмларини қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ саналади. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) исмларидан «Муҳаммад», «Аҳмад» кабиларни қўйиш фазилатлидир, аммо у кишининг кунялари билан «Абулқосим» деб исм қўйиш жоиз эмас.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) ёмон ва хунук исмларни ўзгартиришга буюрганлар. Масалан, ҳазрат Умарнинг (розияллоҳу анҳу) қизлари Осия (гуноҳкор) исмини Жамила (чиройли, гўзал) деб ўзгартирганлар. Ҳадисларда яна у зотнинг «Ҳарб» (уруш), «Мурра» (аччиқ) каби хунук исмларни яхшисига алмаштиришни буюрганлари нақл қилинган.

Шу ўринда Умар ибн Ҳаттоб (розияллоҳу анҳу) даврларида бўлиб ўтган ажойиб воқеани эсга олиб ўтиш фойдадан холи эмас.

Умар ибн Ҳаттоб ҳузурларига бир киши келиб, ўғлини оқ қилганини айтди. Умар (розияллоҳу анҳу) ўғлини чақиртириб, отаси оқ қилганини билдиргач, отасининг ҳақларига риоя қилмагани учун унга танбеҳ бердилар. Шунда

у йигит: «Эй мўминлар амири, отанинг устида боланинг ҳақлари йўқми?» деди. «Бор», деб жавоб қилдилар ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу). «Улар қайсилар?» деди йигит. «Ота боласига яхши она топиши, чиройли исм қўйиши ва Қуръонни ўргатишидир», деди ҳазрат Умар. «Бўлмаса, отам ҳеч нарса қилгани йўқ экан-да. Онам бир мажусий қўлида қора ишчи бўлиб ишлаяпти. Исмим Хунфусо (гўнг титадиган қўнғиз маъносини англатади). Қуръоннинг эса бирон ҳарфини билмайман, отам ўргатмади», деди йигит.

Шунда Умар (розияллоҳу анҳу) йигитнинг отасига: «Олдимга келиб ўғлингни оқ қилмоқчи бўлдинг, ваҳоланки, у сени оқ қилиши керак экан-ку! У гуноҳ қилишидан олдин сен гуноҳ қилибсан», дедилар.

Фарзандга яхши исм қўйганидан кейин уни чала-ярим қилмай, тўлиқ ва гўзал талаффуз қилиш лозим. Афсус, баъзи оилаларда исмни қисқартириб чақириш одат тусига кирган. Масалан, «Абдуллоҳ»ни (Аллоҳнинг бандаси) «Абди», «Абдул» дейишади, бу иш исм эгасига ҳам, Парвардигорга ҳам катта ҳурматсизликдир.

БОЛАНИНГ СОЧИНИ ОЛИШ

Бола туғилганидан кейин етти кун ўтгач, унинг сочи олиниб, ўлчанади, шу миқдорда фақирларга кумуш садақа қилиш суннат амал ҳисобланади. Бунинг икки ҳикмати бор. Биринчиси, боланинг соғлом ўсиши, куч-қувватга тўлиши, кўриш, ҳид билиш ва эшитиш каби сезги турлари мукаммал бўлиши учундир. Иккинчиси, ижтимоий ҳикмат бўлиб, жамиятда бола ўз ўрнини топиши, ижтимоий адолатнинг қарор топиши ва боланинг келажакда қўли очиқ бўлиши учундир.

Имом Молик «Муватто» асарида бундай деган: «Фотима (розияллоҳу анҳо) Ҳасан ва Ҳусайн, Умму Гулсум ва Зайнабларнинг сочларини олиб, ўлчаб, шу миқдорда кумуш садақа қилганлар».

Абдуллоҳ ибн Абу Бакрдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳасанга бир қўчқор

сўйиб ақиқа қилдилар ва Фотимага: “Унинг сочини ол ва шу миқдорда садақа қил”, дедилар. Унинг вазни бир дирҳам ёки бир неча дирҳам миқдорида эди».

Китобларда қиз боланинг сочини олдирмаслик кераклиги айтилган. Улуғларимиз қиз боланинг сочини ҳатто ёшлигида кесишдан ҳам қайтаришган.

АҚИҚА ҚИЛИШ

«Ақиқа» луғатда кесиш деган маънони англатади. У «аққа» сўзидан олинган бўлиб, шаръий истилоҳда чақалоқ туғилганининг еттинчи, ўн тўртинчи, йигирма биринчи куни ёки кейинроқ фарзанд шукронаси ва жонининг гарови сифатида қўй сўйиб қилинадиган «ақиқа»ни англатади. Арабларда янги туғилган чақалоқнинг бошидаги соч «ақиқа» дейилгани учун унинг сочи ҳам олинади. Ақиқа эваз, гаров бўлиб, болага етадиган бало, тузалмас касалликлар эвазига унинг номидан бирор жонликни сўйиб, садақа қилишдир.

Бу ҳақда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

قال النبي عليه السلام: مع الغلام عقيقة فأهريقوا له دما و أميطوا عنه الأذى

«Янги туғилган болага ақиқа қилинглар, қон оқизиб, азиятларини даф қилинглар» *(Имом Бухорий ривояти)*.

Бошқа ҳадисда:

و روى أصحاب السنن عن سمرة قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «كل غلام رهينة بعقيقته، تذبح عنه يوم سابعه، و يسمى ويحلق رأسه».

«Сунан» эгалари Самрадан ривоят қилишади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ақиқа болага гаровдир. Еттинчи куни қўй сўйилади, исм қўйилади ва сочи олинади”, дедилар».

Ақиқанинг яна бир фазилати – туғилган чақалоқ ёшига тўлмасдан вафот этадиган бўлса, жаннат эркатойи бўлади. Яъни, қиёмат куни «онам жаннатга кирмаса, мен ҳам кирмайман», дейди. «Онанг кирди, энди жаннатга кир», дейилса, «отам кирмагунича кирмайман», деб туриб олади. Балоғатга етмай вафот этган болалар жаннатий ҳисобланишади.

Ақиқанинг бир неча фойда ва ҳикматлари бор:

1. Жонлиқ сўйиш туфайли Аллоҳга яқинлик ҳосил қилинади.

2. Болани мусибат ва офатлардан асрайди, иншааллоҳ.

3. Болага гаров бўлади.

4. Мўминлар сони кўпайгани учун хурсандчилик пайдо қилади.

5. Янги туғилган болага қилинган зиёфат туфайли кишилар орасида меҳр-оқибат кучаяди.

6. Боланинг сочи миқдорида қилинган садақа сабабли жамиятда тенглик пайдо бўлади.

Шу ўринда шариат жорий қилган баъзи зиёфатларнинг номларини маълумот учун келтириб ўтишни маъқул кўрдик:

Қироҳ – ёз зиёфати.

Туҳфа – меҳмон келса бериладиган зиёфат.

Харс – туғруқдан кейин бериладиган зиёфат.

Маъдаба – таклиф қилинганида бериладиган зиёфат.

Валима – тўй зиёфати.

Ақиқа – фарзанд туғилганидан кейин етти кун ўтиб бериладиган зиёфат.

Ғадира – бола хатна қилинганида бериладиган зиёфат.

Вазима – азадан сўнг бериладиган эҳсон.

Нақиҳа – сафардан қайтганида бериладиган зиёфат.

Вакира – иморат битганида бериладиган зиёфат.

Шу ўринда бир нарсани айтиш керак, одамларнинг топиш-тутишлари ҳар хил бўлгани учун баъзилар ақиқа қилолмасликлари мумкин. Шу боис қурби етмайдиганлардан ақиқа соқит бўлади. Қўй ўрнига хўроз ёки бошқа жонлиқ

сўйдираман деса, ақиқа ўрнига ўтмайди, чунки ҳадисда айтилган жонлиқнинг миқдори энг кам эътиборидадир. Яъни, ундан кичикроқ нарса ақиқа ҳукмига кирмайди. Чунки ақиқа қурбонликка ўхшаш бир амалдир.

Ҳозирги пайтда айрим жойларда ўғил болаларга ақиқа қилинади-ю, аммо қизларга ақиқа қилишга унча аҳамият берилмайди. Бу иш нотўғри. Ҳолбуки, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Боланинг офат ва касалликлардан омонда бўлиши ақиқага боғлиқдир», деганлар.

ЎҒИЛ БОЛАНИ ХАТНА ҚИЛИШ

«Хатна» деб луғатда терини кесишга айтилади. Шариат истилоҳида эса, бола закарининг учини кесишга айтилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу хусусда шундай марҳамат қилганлар:

روى الامام احمد فى مسنده من حديث عمار بن ياسر قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «من الفطرة: المضمضة، والإستنشاق، و قص الشارب، والسواك، وتقليم الاظافر، ونتف الابط، والاستحداد، والإختتان.

Имом Аҳмад ўз «Муснад»ида Аммор ибн Ёсирдан ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Етти нарса фитратдандир: оғизни ғарғара қилиб чайиш, бурунни чайиш, мўйлабни қисқартириш, мисвок тутиш, тирноқларни олиш, қўлтиқлар тагини, киндик остини пок тутиш ва хатна қилиш», дедилар.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) айтдилар:

الختان سنة للرجال

«Хатна эркакларга суннатдир».

Хатнанинг зарари йўқ, аксинча, фойдаси бор, тиббиёт мутахассислари ҳам буни тавсия қилишади.

Фарзандга муносиб ота ва она танлаш, бола эмизиш, унинг қулоғига азон айтиб, исм қўйиш, сочини олиш, ақиқа қилиш масалаларининг умумий таснифотига китобимизнинг “Фарзандлик бурчи ва вазифалари” бобида ҳам қисқа тўхталиб ўтамиз.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ – МУҲИМ ИШ

Ислом таълимоти болалар зиммасига ҳам қатор вазифаларни юклайди. Ота-оналарни ҳурмат қилиш ва уларга итоат этиш борасида бир қатор васият ва кўрсатмаларни баён этади. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади:

وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوٓا۟ إِلَّآ إِيَّاهُ وَبِٱلْوَٰلِدَيْنِ إِحْسَٰنًا ۚ إِمَّا يَبْلُغَنَّ عِندَكَ ٱلْكِبَرَ أَحَدُهُمَآ أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُل لَّهُمَآ أُفٍّ وَلَا تَنْهَرْهُمَا وَقُل لَّهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴿٢٣﴾ وَٱخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ ٱلذُّلِّ مِنَ ٱلرَّحْمَةِ وَقُل رَّبِّ ٱرْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيَانِى صَغِيرًا ﴿٢٤﴾

«Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон!) **Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!..» дема ва уларни жеркима! Уларга** (доимо) **ёқимли сўз айт! Уларга, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва** (дуода) **айт: «Эй Раббим! Мени** (улар) **гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!»** *(Исро, 23–24)*.

Ояти каримада **«Уларга ёқимли сўз»** дейилганида, ота-онани номи билан чақирмаслик, балки **«отажон, онажон»** каби сўзлар билан муомала қилиш, уларни ранжитмаслик, улар олдида ўзини хоксорлик билан тутиш кабиларни тушуниш керак *(Насафий ва Хозин тафсир китоблари)*.

Аллоҳ таоло бу ояти каримада ота-оналарга яхшилик қилишни юқори даражага кўтариб, бандаларни Ўзига қай

даражада ибодат қилишга буюрса, ота-оналарга ҳам шу даражада яхшилик қилиш, уларнинг ҳурматларини жойига қўйишга амр этади. Қуръони каримнинг қайси бир оятида ота-оналарга яхшилик қилишнинг зикри келса, унинг ёнида, албатта, Аллоҳ таолога ибодат қилишга даъват, унга шукр айтиш ҳақида эслатма келади, яъни ота-онага ғамхўрлик қилиш амали Аллоҳ таолога имон келтириш ва унинг таълимотларига итоат этиш амалидан кейин таъкидланади. Бу каби оятлар бошқа сураларда ҳам келган:

لَا تَعْبُدُونَ إِلَّا ٱللَّهَ وَبِٱلْوَٰلِدَيْنِ إِحْسَانًا

«Фақат Аллоҳгагина сиғинасиз, ота-онага яхшилик қиласиз...» *(Бақара, 83)*.

أَلَّا تُشْرِكُوا۟ بِهِۦ شَيْـًٔا ۖ وَبِٱلْوَٰلِدَيْنِ إِحْسَٰنًا ۖ

«Унга бирор нарсани шерик қилмангиз, ота-онага яхшилик қилингиз...» *(Анъом, 151)*.

وَلَا تُشْرِكُوا۟ بِهِۦ شَيْـًٔا ۖ وَبِٱلْوَٰلِدَيْنِ إِحْسَٰنًا

«...Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз!..»*(Нисо, 36)*.

أَنِ ٱشْكُرْ لِى وَلِوَٰلِدَيْكَ إِلَىَّ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٤﴾

Яъни: **«...Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Қайтиш Менинг ҳузуримгадир»** *(Луқмон, 14)*. Юқоридаги ояти карималарда фарзандлар ёшми ёки каттами, доимо ота-онага яхшилик қилишга, уларнинг ҳузурларида ҳатто энг арзимас «уф» сўзини оғизга олмасликка даъват қилинади.

Ислом таълимотида ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб улғайишига жиддий аҳамият берилган. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

عَلِّمُوا اَبْنَاءَكُمْ السِّبَاحَةَ وَالرَّمْيَ، وَالْمَرْأَةَ الْمِغْزَلَ

Яъни, «Фарзандларингизга сузиш ва камон отишни, қизларга ип йигиришни ўргатинглар», деганлар *(Байҳақий ривояти)*.

Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Уларнинг улғайиб, комил инсон бўлишлари учун давлатимиз барча зарур моддий ва маънавий шароитларни муҳайё қилди, спорт иншоотлари, дам олиш ва истироҳат масканларини барпо этиб, ёшлар ихтиёрига бериб қўйди.

Маълумки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг, айниқса, ўсмирларнинг соғлом ўсиб-улғайиши, илм олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун катта имконият ва шароитлар яратилмоқда. Олдин ҳам таъкидлаганимиздек,бу борада жамоат ташкилотларининг ҳам ўрни каттадир. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун», «Болалар», «Меҳр нури», «Сен ёлғиз эмассан», «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» ва «Мактаб таълими» каби жамғармалар алоҳида таҳсинга лойиқ фаолият олиб боришяпти.

Шубҳасиз, ота-она, оила, маҳалла, мактаблар болалар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Фарзандларимизни чиройли одоб-ахлоқ, яхши таълим-тарбия асосларида вояга етказиш давлат миқёсидаги долзарб масала экани ҳар биримизга яхши маълум.

Фарзандларни ёшлик чоғларидан бошлаб илму маърифатга қизиқтириб, ўргатиб бориш лозим бўлади. Зеро, илму фаннинг қайси соҳасига бўлса ҳам қизиқиб, ўқиб-ўрганиб, маълумот ҳосил қилган киши, албатта, ўзи, оиласи, халқи ва Ватани учун манфаат келтирадиган инсонлар қаторидан жой олади.

Айниқса, таълим муассасаларида ўқишни тугатиб, ёзги таътилга чиққан фарзандларимизга эътиборли бўлишимиз лозим. Уларнинг илм ўрганишларига, қизиқарли дам олишларига қулай шароитлар яратиб берайлик. Ота-оналар фарзандларини кўча-кўйда беҳуда тентираб,

бўлмағур, ножўя хатти-ҳаракатлар қилишдан сақлаб, гўзал хулқ эгаси бўлишга чақиришсин.

Одатда, оналар ўз болаларининг хато ва камчиликларини отасидан яширишга ҳаракат қиладилар. Айтсам уришади, боламга қаттиқ тегади деб, йўл қўйган хатолари, қўл урган майда-чуйда жиноятларини отасига айтмайдилар, оқибатда бола ўз вақтида танбеҳ олмаганидан кейин бора-бора каттароқ жиноятларни ҳам қўрқмасдан қилавериши мумкин. Шунинг учун фарзанднинг баркамол инсон бўлиб етишувида онанинг хизмати жуда зарур ва муҳимдир.

Ота-она тарбиясининг аҳамияти ҳақида жаноб Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу ҳадиси шариф ворид бўлган: «Ҳар бир фарзанд мусулмон фитратида туғилади, лекин уни яҳудийга айлантириб юборадиган ҳам, насроний ёки мажусийга айлантириб юборадиган ҳам унинг ота-онасидир» *(Имом Бухорий ривояти)*.

Фарзандларимизга шундай тарбия берайликки, улар ўз ота-боболарига, ўз тарихи, Ватани, она тилига, миллат улуғларига, муқаддас Ислом дини анъаналарига содиқ бўлиб қолишсин. Китоблардан ўрганилган маърифий илм қаторида оилада олинган ҳаёт илми ҳам уларга сув ва ҳаводек зарур. Илмли, одобли, фаросатли одам ҳаётда ўрнини топиб олади.

Фарзандлари улғайган сари улар тақдирига ҳушёрроқ қараш, уларни юксак қадриятларимизнинг асл ва бақувват илдизларидан баҳраманд этиш, бугунги турмуш тарзимизга мос тарбия бериш ота-оналар зиммасидаги муҳим вазифалардан саналади. Кези келганида фарзандларимизнинг бирига айтилган насиҳат айни чоғда унинг ака-укаларига ҳам тегишли бўлиши, хонадондагиларнинг барчасига бирдай таъсир қилишини ўйлаб иш тутишимиз ва фарзандларимизнинг илм олишлари, касб-ҳунар эгаллашларига ҳамкор ва ҳамфикр бўлишимиз зарур. Шунингдек, уларни теварак-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, ўзгаришларга дахлдорлик руҳида тар-

биялашимиз, келажакка катта ишонч билан боқишга ўргатишимиз керак бўлади.

Хулоса қилиб айтсак, ёшларимизнинг ҳар томонлама комил, гўзал хулқли, мустақил фикр ва дунёқарашга эга, турли салбий одат, иллат ва таъсирлардан холи қилиб вояга етказишда жамоат ташкилотлари, ота-она, маҳалла фаоллари ва уламоларнинг ўрни беқиёсдир.

БОЛА БОШИДАН...

Баъзилар боласи ҳали икки-уч ёшга кирмай туриб, унинг тарбияси «нобоп»лигидан шикоят қилишни бошлаб юборишади. Норасида гўдакни худди катталардан талаб қилинадиган «қолип»ларга солишга, унинг одоб-ахлоқини «ўнглаш» ҳаракатларига киришилади.

Бу ҳам хато йўл. Чунки ҳали суяги қотмаган, яхши ва ёмон нималигини англамаган ёш болани ҳадеб тергайвериш, уни турли қолипларга солишга уриниш, кучи ва иқтидори етмайдиган машғулотларга мажбурлаш иродасини синдириши, руҳига салбий таъсир кўрсатиши, кейинчалик ҳамма нарсага бефарқ ва лоқайд қарайдиган қилиб қўйиши мумкин.

Буюк ватандошимиз шайхур раис Абу Али ибн Сино ёш авлод тарбиясининг ибтидоси қандай ва нималар билан бўлиши ҳақида қуйидагиларни айтган эди: «Ёш бола бошланғич таълим ва тилга доир қоидаларни ёд олганидан кейин у машғул бўлиши мумкин бўлган касб-ҳунар ва санъатга мойиллигига қараб, уни шунга йўллаймиз. Агар у котибликни хоҳласа, тил, хат ёзиш, нутқ сўзлаш ва одамлар билан муомала қилиш кабиларга далолат қиламиз. Албатта, бу ўринда, боланинг майли аҳамиятга эга» *(«Исломий тарбия ва унинг фалсафаси». Муҳаммад Атия, 197-бет)*.

Мутахассислар тавсиясига кўра, бола мактабга боргунича уни подшоҳ туйиб муомала қилинади, яъни рисоладаги барча илтимослари сўзсиз бажарилади, шўхлик ва эркаликлардан қайтарилмайди. Шундан сўнг унга

аста-секин тушунтириш, катталарнинг ўзи ибрат бўлиши орқали тарбия берилади.

Тарбия бир неча томондан олиб борилади. Бола ақлан ривожланиши учун унга турли китоблар ўқиб берилади, ривоят ва ибратли ҳикоятлар сўзланади ёки ақлзаковатини ўстирадиган ўйинлар, машғулотларга жалб қилинади. Руҳий тарбиясини яхшилаш учун ҳаёт ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик, ахлоқ ва одоб каби боқий мавзуларда содда, бола руҳиятига мос суҳбат ва тушунтириш олиб борилади. Жисмоний тарбия бериш учун эса бирор фойдали меҳнатга жалб қилиш, сузиш, мерганлик, чавандозлик каби машғулотларни ўргатиш мумкин.

Болаларга ёшлигидан бошлаб Қуръони карим қиссаларидан, пайғамбарларнинг ҳаёти ҳақида нақл қилувчи турли ривоятлардан, халқ эртаклари ва достонларидан, топишмоқлар, мақол ва маталлардан ўқиб бериш, сўзлаш ёки уларнинг ўзларига ўқитиш ҳам керак. Бу билан болаларнинг зеҳни ўсади, фикри кенгаяди, дунёқараши бойийди, хотираси кучаяди. Энг асосийси, бола эшитганларидан ибратланиб, яхши одамларга эргашишга интилади, уларнинг хулқу одобидан баҳраманд бўлади.

Ўғил-қизларининг зеҳни ўсишини, ақл-идрокли, фикрловчи бўлиб улғайишини истаган ота-оналар уларга кичиклигидан турли ибратли ҳикояларни, улуғларимизнинг ҳаёт йўллари ва фазилатлари ҳақидаги ривоятларни, рамзий маънодаги яхшиликка, чиройли ахлоқ ва одобга чорловчи эртакларни сўзлаб беришса, улар маънавиятини юксалтиришда катта тарбиявий иш қилган бўлишади. Қуйида мисрлик олим Абдуллоҳ Абдул Мутиънинг «Исломда тарбия» китобидан бир неча шингил эртакларни келтириб ўтишни лозим кўрдик.

Хўроз ва тулки. Ҳикоя қилишларича, бир хушовоз хўроз бўлган экан. Одатда у сайр қилар, қишлоқдаги кичкина уйча олдида қанотларини ёйганича офтобда тобланар экан. Туннинг маълум пайтларида вақти-вақти билан қичқириб қўяр экан.

Бир куни унинг ёнидан айёр тулки ўтиб қолибди ва унга: «Бугун жуда чиройли бўлиб кетибсан, хўрозвой, патларинг топ-тоза, тожинг ялтираб турибди, сеникидан ёқимлироқ овозни ҳеч қачон эшитмаганман, лекин сенинг овозинг қачонлардир эшитганим отанг товушидан бутунлай бошқача экан», дебди. (Бу тулки ўйлаб топган ҳийла эди). Шунда хўроз тулкига: «Э йўқ, менинг овозим ҳам отамники каби жозибадор», дебди. У шундай дегач, қанотларини қаттиқ қоқиб, кўзларини юмиб қичқиришга ҳозирланганида, тулки уни шартта тутиб олибди.

Қўлга тушган хўроз қандай қилиб тулки чангалидан қутулиш йўлини ўйлай бошлабди. Тулки унинг бўйнидан тишлаб турганида, хўроз бундай дебди: «Бу хўроз фақат менга тегишли, уни ҳеч ким билан баҳам кўрмайман», деб баланд овозда ҳаммага эълон қилиб чиқ!» Тулки жағини очиши билан хўроз ерга тушибди ва кўз очиб-юмгунча дарахтга учиб чиқиб, тулкидан қутулибди. Тулки қилиб қўйган ишидан афсусланибди ва: «Сукут қилиши керак бўлган пайтда гапирган оғизни Аллоҳ кечирсин!» дебди. Шунда хўроз: «Очиқ бўлиши керак пайтда юмилган кўзни ҳам Аллоҳ кечирсин», дебди.

Қуён ва тошбақа. Жуда қадим замонларда бир-бирларига қўшни бўлиб қуён ва тошбақа яшашган экан. Бир куни тошбақа қуёнга бундай дебди: «Мени доим секин юришда айблайсан, сен эса чопағонсан. Бугун мен сени пойга ўйнашга чақираман». Қуён эса мағрурланиб: «Хо-хо-хо, мендай чопқир қуён аранг-аранг ўрмалаб юрадиган тошбақа билан пойга ўйнарканми? Бу ҳақиқатан кулгили гап!» дебди.

Бироқ қуён тошбақани бир шарманда қилиш учун олдиндаги тепаликкача унинг билан пойга чопишга рози бўлибди. Улар мусобақани бошлашибди.

Қуён ўзининг чопқирлигини яхши билганидан, мусобақада ғолиб бўлишига қаттиқ ишонганидан, талтайиб-керилиб пойгага киришибди. Шунинг учун йўл-йўлакай ўйноқлаб, беда ва сабзи учраса, улардан еб, анча

вақтини йўқотибди. Тошбақа эса жиддийлигини сақлаб, белгиланган маррага етмагунича йўлида собитқадамлик билан давом этаверибди. Қуён тошбақанинг қаерда келаётганини кўриш учун атрофига алангласа, у аллақачон тепаликка етиб борган экан. Энди қуён тошбақага етиб олишга кечикканини англабди.

Шундай қилиб, тошбақа ўзининг сабр-матонати ва тиришқоқлиги туфайли пойгада ютиб чиқибди. Қуён бўлса, чопағонлиги ва эпчиллигига ишониб мағрурлангани, вақтида ҳаракат қилмагани учун ютқазиб қўйибди.

Сичқон ва ёғ. Сичқон ошхонага кириб, қопқоқсиз шиша идиш тўла ёғ топиб олди. У думини шиша ичига солиб-чиқариб, ялади. Тўйгунича бу ишини бир неча марта такрорлади. Кейинги кечаларда ҳам бу одати билан қорнини тўйдириб юрди. Ниҳоят, бир куни идишдаги ёғ камайиб тагига тушиб қолганидан, унга сичқоннинг думи етмади. Шунда у оғзини тўлдириб сув олиб келди ва идиш тўлиб, ундаги ёғ тепага кўтарилгунича (чунки ёғ сувдан енгил) сув қуяверди. Шу йўл билан у идишдаги ҳамма ёғни ялаб, унда сувнинг ўзини қолдирди.

Бундай ибратли эртак, ривоятлар болаларнинг ақлини ўстиради, яхшиликка, эзгуликка чақиради, ёмонликлардан узоқда бўлишга ундайди, улар фикри ва онгини ривожлантиради. Болалар бирор ёмон қилиқ қилишса, енгил танбеҳ, тушунтириш воситасида бунинг ёмонлигини билдириш лозим.

Бола кичиклигида унинг тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйган, онги, зеҳни, ақли, одобини шакллантириш билан шуғулланишга вақт тополмаган ёки бунга ҳафсала қилмаган ота-она фарзанди улғайгач, аччиқ надомат ҳосилини теради. Фарзандлари қалбига йўл топа олмаётган, улар билан муросалари келишмаётган ота-она аввало ўзларини уларнинг ўрнига қўйиб, шу ёшда мен қандай фикрлаган ва қандай иш тутган бўлур эдим деб, шу ҳақда бироз мулоҳаза юритиб кўришса, ҳамма нарса жойига тушади. Бунинг устига давр, замонлар орасидаги фарқни

ҳам унутмаслик керак: замон ҳеч қачон бир жойда қотиб турмайди. У ўзгариб, тараққий этиб боради. Бу ҳақда ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу): «Фарзандларингизни ўзларининг даврига мослаб тарбияланглар», деганлар. Чунки кечагина ардоқланган нарса бугун эътибордан қолиши ёки аксинча, кеча қадри бўлмаган нимадир бугун энг қимматли нарсага айланиши мумкин.

Шу омиллар эътиборга олинмаса, «ҳозирги ёшларга қойил қолмадим, биз ўз давримизда бундоқ қилардик, бизлар мана бундоқ эдик» каби маломат ва надоматлар кўпаяверади, катталар ва болалар ўртасидаги зиддият-тўқнашувлар авжига чиқаверади.

Бола улғайиш жараёнида ҳамма нарсани асосан атрофидаги катталардан ўрганади. Улардан ибрат олиб, уларга тақлид қилиб, ҳаётий тажриба орттира боради. Энди ўзингиз қўпол ва бадхулқ бўлсангиз-у, болангизни чиройли хулқли ва одобли қилиб тарбиялайман деб ўйласангиз, хато қиласиз. Агар ўзингиз чексангиз ёки ичсангиз-у, фарзандингизни бу ёмон иллатлардан қайтараман десангиз, умидингиз ва ҳаракатларингиз пучдир. Ўзингиз ёлғон гапирувчи ёки алдоқчи экансиз, болангиздан ростгўйлик ва омонатдорлик кутиб овора бўлманг.

«Қасосли дунё, қайтар дунё» деган гаплар бор. Ўзингиз ота-онангизга ёки бошқа яқинларингизга қандай муомала-муносабат қилган бўлсангиз, буни фарзандларингиздан албатта кўрасиз. Ўз навбатида, фарзандингиз сизга қандай беодоблик қилган ёки алам ўтказган бўлса, у ҳам фарзандидан шуни албатта топади. Бу нарса занжир халқалари каби даврлар оша бир-бирига боғланиб кетаверади. Келажакда фарзандингиз ҳам сиз каби «авлодлар тўқнашуви» азобини тортиб юрмасин десангиз, ана шу салбий занжир халқаларини узиб ташлашингизга тўғри келади.

Бу борадаги ажойиб ривоятларни ҳам кўп эшитгансиз: «Бир йигит отасининг соқолидан тутамлаб ураётганига маҳалла-кўй шоҳид бўлиб, қаттиқ изтиробга тушибди,

“инсон фарзанди отасини ҳам урадими”, деб қайғу чекибди. Шунда кўпни кўрган бир отахон: “Бунга ажабланмасангиз ҳам бўлади, ҳозир хўрлик кўраётган киши ёшлигида отасининг соқолидан тортиб худди ҳозиргидай урган эди. Мана энди ўзига қайтди”, деган экан».

Яна бир ҳикоят: узоқ умр кўриб, фарзандларига малол келиб қолган отани ўғил хотинининг маслаҳати билан шаҳар ташқарисига ташлаб келиш учун йўлга чиқибди. Чарчаб, бир дарахт соясида дам олишга тўхтаганида, отаси негадир жилмайиб қўйибди. Ўғли бунинг сабабини сўраса, «Бундан кўп йиллар муқаддам мен ҳам отамни адирга ташлаб келиш учун йўлга чиққанимда худди шу ерда тўхтаб, дам олган эдим», деб жавоб қилган экан.

Шу ўринда бир воқеани эслашга тўғри келди. Яқинда республика телеканалларидан бирида отасининг ароқхўрлигидан безиб, уни қариялар уйига ташлаб келган бир ўзбек йигитини муҳокама қилишди. Аввалига ҳамма йигитнинг қилмишини маъқуллаб, ичкиликка ружу қўйган отани танқид қилишни бошлаб юборди. Бир отахоннинг: «Ҳой биродарлар, нима деяпсизлар, динимизда фарзанд отанинг қилмишини кўпчилик муҳокамасига ташлаши у ёқда турсин, ҳатто унга овозини баландлатиб гапиришдан қайтарилган-ку, мусулмон киши отаси ҳатто мушрик бўлсаям, унга шафқат кўрсатишга буюрилган-ку!» деб эътироз билдирганидан кейингина вазият ўзгарди.

Замондош олимларимиздан бири ёзганидай, «барча нарса асли билан боғланган ҳолда мустаҳкам бўлади, аслидан узилган ҳар бир нарса хорлик ва харобликка маҳкум. Кишининг асли ота-онасидир. Чунки унинг ўсиб-улғайиб, камолга етиши уларга боғлиқ. Ота-онасидан узилган бирор кимсанинг толеи-бахти ҳеч қачон баланд бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Ота-онасидан ёки уларнинг биридан узилган, ажралган кимса “оқ” деб аталади. Ота-онадан узилиш уларни ранжитишдир. Уларнинг қалбига озор етказган, норози қилган ўғил ёки қиз “оқ”дир ва қаттиқ гуноҳкордир».

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДАГИ НОЗИК НУҚТАЛАР

Фарзандларнинг келажакда гўзал ахлоқли ва чиройли тарбияли бўлишида ота-она фарзанди ҳақига қиладиган хайрли дуолар ўрни беқиёсдир. Чунки дуо ибодат мақомида. Аллоҳ таоло ҳар бир ишда Ўзидан ёрдам сўрашимизни яхши кўради. Бундан ташқари, ота-онанинг фарзанди ҳақига қилган дуоси мустажобдир. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Уч кишининг дуоси қабулдир: отанинг фарзандига қилган дуоси, мазлумнинг дуоси ва мусофирнинг дуоси”, деганлар. Ота-она бундай неъмат ва имкониятдан унумли фойдаланиши ва фарзандларининг келажакда солиҳ ва тарбияли инсон бўлиб камол топишини Аллоҳдан сўраши лозим. Ҳатто пайғамбарлар ҳам яхши фарзанд сўраб дуо қилишган. Жумладан, Иброҳим сурасининг 35-оятида бундай дейилади:

وَإِذْ قَالَ إِبْرَٰهِيمُ رَبِّ ٱجْعَلْ هَٰذَا ٱلْبَلَدَ ءَامِنًا وَٱجْنُبْنِى وَبَنِىَّ أَن نَّعْبُدَ ٱلْأَصْنَامَ ﴿٣٥﴾

«(Эй Муҳаммад!) **Эсланг, Иброҳим айтган эди: “Эй Раббим! Бу шаҳарни** (яъни, Маккани) **тинч қилгин, мени ва авлодларимни санамларга сиғинишдан йироқ қилгин!”»**

Яна Оли Имрон сурасининг 38-оятида бундай дейилади:

هُنَالِكَ دَعَا زَكَرِيَّا رَبَّهُۥ ۖ قَالَ رَبِّ هَبْ لِى مِن لَّدُنكَ ذُرِّيَّةً طَيِّبَةً ۖ إِنَّكَ سَمِيعُ ٱلدُّعَآءِ ﴿٣٨﴾

«Ўша жойда Закариё Раббига илтижо қилиб, деди: “Раббим, менга (ҳам) **ўз ҳузурингдан пок зурриёт ато эт! Дарҳақиқат, Сен дуони эшитувчидирсан”».**

Ота-она фарзанди ҳақига ёмон дуо қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлиши керак. Чунки, юқорида айтганимиздек, уларнинг фарзандлари ҳақига қилган дуолари қабулдир. Абдуллоҳ ибн Муборакдан ривоят қилинишича, унинг олдига бир ота ўз ўғлидан шикоят қилиб келади. Шунда Абдуллоҳ ибн Муборак у отадан, сиз ўғлингиз ҳақига яхши дуо қилармидингиз ёки ёмон дуо қилармидингиз, деб сўрайди. Ота эса ёмон дуо қилишини айтади. Шунда Абдуллоҳ ибн Муборак у одамга ўғлингизни ўзингиз бузган экансиз, деб койийди. Демак, боланинг келажакда комил инсон бўлиб етишиши ёки жоҳил бўлишига ота-онанинг дуолари катта таъсир қилар экан.

Тарбия ҳақида Имом Ғаззолийнинг «Иҳёу улумуд-дин» китобида бундай дейилади: «Бола ота-она қўлида бир омонатдир. Қалби турли нақш ва расмлардан пок, нима нақш солинса, қабул қилади, нимага мойил қилинса, мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, унинг устида ўсаверади, дунё ва охиратда саодатли бўлади, ота-онаси ҳамда одоб, таълим-тарбия берганлар барчаси савобига шерик бўлишади. Агар ёмонликка ундалса ва ҳайвон каби бўш қўйилса, ёмонликка учрайди, ҳалок бўлади ва унга қараб турган киши зиммасига гуноҳкорлик тушади».

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Авлодларингизни,биринчидан:

“Аллоҳни севадиган қилиб тарбияланглар…” Чунки Аллоҳ таоло уни йўқдан бор этиб, ота-онани унинг дунёга келишига сабабчи қилди. Ва уларнинг қалбларига фарзанд меҳру муҳаббатини солди. Агар Аллоҳ таоло фарзанд муҳаббатини қалбга солмаганида, уни бағрига босмасди, раҳм-шафқат қилмасди, кўчага ташлаб кетган бўларди. Шунинг учун фарзанд Аллоҳ таолони севиб, унга шукрлар қилиши лозим.

Иккинчидан:

“Аллоҳнинг Расулини севадиган қилиб тарбияланглар”. Чунки Аллоҳ таоло Расулуллоҳни (соллаллоҳу

алайҳи ва саллам) халқ орасидан танлаб олиб, халққа Пайғамбар қилиб юборган. Қуръони каримнинг Анбиё сураси 107-оятида ул зотни **“Биз сизни** (бутун) **оламларга раҳмат қилиб юборганмиз”,** дейилган. Пайғамбаримиз инсонларга ота-онасидан ҳам меҳрибонроқ бўлган, дунёдаги барча яхшиликларни ўргатган зот, бутун дунё аҳлининг устози саналади.

Учинчидан:

“Аллоҳнинг Китобини севадиган қилиб тарбияланглар…”. Чунки бу Китоб инсониятни ҳидоятга чорлайди.

Бу учта талаб инсон фарзандига ўргатилиши лозим бўлган қоидалардан саналади.

Муҳтарам Президентимиз: “Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз”, деганлар.

Тарбия бир неча хилга бўлинади: бадан тарбияси, руҳий тарбия, ақл ва фикр тарбияси, ахлоқий тарбия, ирода тарбияси, сўзлашув тарбияси, меҳнат тарбияси ва бошқалар.

1. Бадан тарбиясига болани жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш, тозалик ва покликка ўргатиш (замона тили билан айтганда – санитария-гигиена), спорт ва бадантарбия машқларига кўниктириш кабилар киради. Боласининг соғлом бўлишини орзу қилган ота-оналар улар билан кўпроқ очиқ ҳавода сайр қилишлари, сузиш, чавандозлик, кураш ўйинлари, мерганлик каби машғулотларга сафарбар қилишлари лозим.

Ислом дини инсон ҳаётининг фақат руҳий, маънавий камолотига эътибор бериб гина қолмай, айни вақтда унинг жисмоний жиҳатларига ҳам жиддий эътибор қаратади. Уламолар руҳий ва моддий ҳаётни худди нарвоннинг икки зинапоясига ўхшатишади. Яъни, икки тараф баравар – тенг бўлиши учун ҳаракат қилиш лозимлиги уқтирилади. Инсоннинг эътиқоди кучли бўлиши би-

лан бирга бадани, жисми ҳам соғ, чиниққан, ҳар қандай машаққатларга бардошли бўлмоғи лозим. Бу хусусда Пайғамбар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

عَنْ أَبِي هُرِيرة رضى الله عنه قال: قال رَسُولُ الله صَلَّى الله عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ: "المؤمن القوي خير وأحب إلي الله من المؤمن الضعيف

Яъни, "Кучли мўмин киши Аллоҳ ҳузурида кучсиз мўминдан яхшироқ ва маҳбуброқдир", деганлар *(Имом Муслим ривояти)*.

Аввал қайд қилганимиздек, юртимиз ёшлари ўртасида спорт турлари бўйича турли мусобақалар ўтказиш анъана тусига кирган. Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Универсиада", ўрта махсус ва касб ҳунар таълими масканлари талабалари орасида "Баркамол авлод" ўйинлари ҳамда ўрта мактабларнинг ўқувчилари орасида "Умид ниҳоллари" мусобақалари ўтказилиши анъанага айлангани ва улар ёшларимизнинг соғлом вояга етишларида нечоғли аҳамиятга эга эканини кўришимиз мумкин.

2. Руҳий тарбия вазифаси боланинг мақсади, эътиқоди, диёнати, имонини шакллантириш, унинг чин инсоний фазилатларини камол топтириш; ҳиссиётга берилувчан ва таъсирчан болаларда ҳақиқатни кўра билиш, жасурлик, матонат каби хислатларни шакллантириш, аксинча, дийдаси қаттиқ болаларнинг қалбини юмшатадиган омиллар ёрдамида уларни майин ҳиссиётли қилиб тарбиялашдан иборат. Болани руҳий тушкунликка тушишдан, қийинчиликлар олдида эсанкираб қолишдан ҳимоялашда бундай тарбиянинг аҳамияти катта.

3. Ақл ва фикр тарбиясини яхшилаш учун боланинг фикрлаши, заковати, хотираси ва мушоҳада қобилиятини такомиллаштиришга ёрдам берувчи машғулотлар ўтказилади, унга турли ибратли эртак ва ҳикоялар сўзлаб берилади, зарур билим ва маълумотлар ёдлатилади. Одатда, болалар кичик ёшда ҳар бир кўрган нарсаси ҳақида сўрайдиган, уларни текшириб,

синаб кўрадиган, тинимсиз саволлар берадиган бўлади. Бундай пайтда уларнинг саволларига эринмай, ҳафсала билан, тушунарли, содда қилиб жавоб қайтариш керак.

4. Ахлоқий тарбия бериш учун, энг аввало, ота-она фарзандига ахлоқ ва одоб бобида ўрнак кўрсатиши, одобдан мунтазам сабоқ бериб бориши керак бўлади. Чунки одоб охират неъматларига етказувчи асосий воситалардан ҳисобланади. Бу фикр барча динларда бирдай тасдиғини топган. Қуръони каримда ҳам, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳадисларида ҳам одоб-ахлоқ масаласига алоҳида эътибор берилган.

Қуръони каримда бундай оят бор:

وَلَا تَمۡشِ فِي ٱلۡأَرۡضِ مَرَحًاۖ إِنَّكَ لَن تَخۡرِقَ ٱلۡأَرۡضَ وَلَن تَبۡلُغَ ٱلۡجِبَالَ طُولٗا ﴿٣٧﴾

«Ер юзида кибрланиб юрма! Чунки сен (оёқларинг билан) **зинҳор ерни теша олмайсан ва узунликда тоғларга ета олмайсан»** *(Исро,37)*.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бир ҳадисларида:

عَنْ أَبِي هُرِيرة رضى الله عنه قال: قال رَسُولُ الله صَلَّى الله عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "أَدِّبُوا أَولادَكُم وأَحْسِنُوا آدَابَهُم"

"Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар", деб марҳамат қилганлар *(Имом Муслим ривояти)*.

Киши ўғил-қизини кичик ёшдан тарбиялаб, одоб бермоғи керак. Бола маълум ёшга етгач, унга баъзи нарсаларни қабул қилдириш қийин кечади. Бунда оила раиси оила аъзоларининг баъзи айбларини кечириши керак бўлади. Заиф ва кичиклар айб қилишлари мумкин. Шунинг учун уларни қўрқитишдан кўра кечириш яхшироқдир.

Шунингдек, болаларни камситмаслик, уларнинг одобли-ларини ибрат ўлароқ мисол қилиб келтириш, катталарнинг бола олдида ўзларини яхши, одобли тутишлари,

сўкинмасликлари ва уришмасликлари жуда муҳимдир. Ота-она ўзлари одобсиз бўлишса, болаларини одобли қиламан деб уринишлари асло самара бермайди. «Кишининг дини дўстининг дини кабидир» ҳадисига мувофиқ, боланинг улфат ва дўстлари ким эканига алоҳида эътибор қаратиш керак.

5. Ирода тарбиясидан мақсад фарзандингизни иродаси кучли шахс қилиб камол топтиришдир. Бунда болага ўз нафси билан курашиш, шахсий орзу ва эҳтиёжларини жиловлаш ёки зарур бўлса, улардан воз кеча олиш, ўз манфаатларини бошқалар ва жамият манфаатларидан устун қўймаслик кабилар ўргатилади. Таомилда, боланинг қайсарлик даврида (тўрт ёшдан ўн олти ёшгача) олиб бориладиган ирода тарбиясида бироз қаттиққўллик, чидам керак бўлади, аммо айни дамда у севги, меҳрибонлик, самимийликни ҳам ҳис этиб турсин.

6. Сўзлашув тарбияси ҳам бола камолотида муҳим ўрин тутади. Одатда, ўғил-қизлар бир ярим-икки ёшдан гапира бошлашади. Уларга кичиклигидан сўзларни тўғри талаффуз қилишни, фасоҳатли гапиришни, катталарга мурожаат қилиш одобларини ўргатиш, сўкишиш ва беҳаё сўзларни ишлатишнинг ёмонлигини тушунтириш лозим. Болаларда катталарга тақлид қилиш кучли бўлгани учун улар олдида фаҳш, ҳақоратли сўзларни айтиш, сўкиниш, қўпол гапириш, маҳмадоналик каби иллатлардан тийилиш зарур. Инсон ўз фарзандини тарбия қилишда жуда эҳтиёт бўлиши лозим. Чунки, юқорида айтганимиздек, улар катталарга жуда тез тақлид қилишади. Аввало, болаларга тўғри гапирмоғимиз даркор. Энди тили чиққан вақтида фарзандимиз оғзидан чиқаётган нобоп сўзларга бефарқ бўлмасдан, бундай сўзлар яхши эмаслигини дарҳол уқтиришимиз лозим. Акс ҳолда, бир кун келиб ўша сўзлар фарзандимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши оқибатида ўзимизга нисбатан ҳам айтилиши мумкин.

7. Меҳнат тарбияси бериш учун болага ҳалол касб билан кун кўриш ҳақида насиҳатлар қилинади, меҳнатга муҳаббат уйғотиш учун болалигидан унга турли майда юмушлар буюриб турилади. Турли касб-ҳунарлар ўргатилади, агар бунга ўзи қодир бўлмаса, бирор устозга берилади.

Бола қалбига ёшлигиданоқ имон, эътиқод уруғларини сепиш, унга Парвардигоримизни ва Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) танитиш ҳамда севдириш лозим. Чунки имони, диёнати, виждони бўлмаган бола жоҳил, нодон, ёвуз, жамият ва эл манфаатларини назар-писанд қилмайдиган худбин кимса бўлиб ўсади. Давлатимиз ва миллатимиз учун бундай каслар эмас, балки қалби тоза, уйғоқ, илмли ва мўмин инсонлар зарурдир. Болани шу йўсинда тарбиялаш ҳамманинг муҳим вазифаси бўлиши керак. Юртбошимиз «Биз фарзандларимизни Имом Бухорий ҳадислари, Яссавий ҳикматлари, Термизий ўгитлари, Нақшбанд таълимоти асосида тарбиялашимиз керак», деганларидек, фарзандимизни Аллоҳдан қўрқадиган, жамиятга фойда келтирадиган, халқига хизмат қиладиган диёнатли инсон этиб тарбиялашимиз келажакда унинг комил инсон бўлиб улғайишига замин бўлади.

Ота-оналар фарзандлари билан муомала қилишда адолатли бўлишлари, бирини бошқасидан, ўғилларни қизлардан ёки аксинча, ажратмасликлари керак. Совға беришда, лутф ва меҳрибончиликлар кўрсатишда, эркалаш ва илтимосларини бажаришда барча фарзандларни тенг кўриш лозим. Чунки улар орасида совға-саломда тенглик йўқолса ёки бирини койиб, унинг ёнидаги иккинчиси мақталиб эркалатилса, ака-ука ёки опа-сингиллар орасида бир-бирига ҳасад қилиш ва кўролмаслик келиб чиқади. Тадқиқотлар натижасида болаларда ҳасад, кўролмаслик ва бировга нисбатан душманлик ҳиссини туйиш каби ёмон туйғулар шаклланишига оилада фарзандлар ўртасидаги адолатнинг йўқолиши кўпроқ таъ-

сир кўрсатиши аниқланган. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Аллоҳ таоло ўрталарингизда адолат қилишингизни яхши кўргани каби фарзандларингиз орасида ҳам адолат қилишингизни яхши кўради», деганлар.

Агар болаларга атаб бирор нарса олиб келсангиз, тарқатишни энг олдин қизлардан бошланг. Чунки қиз бола таъсирчан, кўнгли нозик, салга хафа бўлиб қоладиган бўлади. Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) бундай ҳадис бор: «Ким қиз болаларни хурсанд қилса, Аллоҳдан қўрқиб йиғлагандек бўлади, ким Аллоҳ таолодан қўрқиб йиғласа, Аллоҳ таоло унинг баданига дўзах ўтини ҳаром қилади».

Фарзандларга меҳр-шафқатли бўлиш, уларни суюб эркалаш, ҳамиша очиқ чеҳра билан мулойим муомала қилиш, зарурий эҳтиёжларини қондириш, ҳар жабҳада уларга шахсий ибрат кўрсатиш, Аллоҳ таоло берган омонат бўлмиш ўғил-қиз фарзандларни гуноҳ ва ёмон ишлардан қайтариб туриш ота-онанинг муҳим вазифаларидандир. Ҳар бир ота-она фарзандларининг турли бузуқ ақида ва ножўя оқимларга кириб қолмаслиги учун уларга Аҳли суннат вал жамоа ақидаси, Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) мазҳаби таълимоти асосида тарбия беришлари зарур.

«Тарбияни қачон бошлаш керак?» деган савол азалдан ёш ота-оналарнинг бошини қотириб келади. Бу саволга эса бир ривоят билан жавоб қайтариш тўғрироқ бўлур эди. Бир киши донишманд ҳузурига келиб: «Фарзандимга неча ёшидан тарбия беришни бошлашим керак?» деб сўрабди. Донишманд: «Фарзандингиз неча ёшда?» дебди. «Икки ёшга кирди», жавоб қилибди бояги киши. Шунда донишманд: «Сиз тарбия беришда икки йилга кечикибсиз», деган экан.

Аммо болага тарбия ва одоб беришда шошқалоқлик ярамайди. Битта дарахтни парваришлаб, ҳосилга киритиш учун бир неча йил кутиш керак бўлганидай, бир фарзандни комил тарбия ва ахлоқ билан зийнатлаш учун ҳам

кўп йиллар керак. Тарбия ота-онадан ва мураббий-устозлардан узоқ вақт чидам, бардош, сабр ва фидойиликни талаб этади.

Турмуш қурган эр-хотин олдида энг шарафли ва муҳим иш: фарзанд кўриш ва унга келажакда миллатига, ота-онасига, жамиятига манфаат келтирадиган қилиб, муносиб тарбия бериш вазифалари туради. Барчамизга маълумки, бугунги кун ёшлари бизнинг меросхўрларимиз ва келажакда ҳаётнинг барча соҳаларида бошланган катта-кичик ишларимизни давом эттирувчи ўринбосарларимиздир. Ҳар бир даврнинг ўзига хос табиати ва шарофати бўлганидек, фан ва техника жадал тараққий этиб бораётган асримизда ёшлар тарбияси ҳам алоҳида ўзига хослик касб этади.

Фарзандларимизнинг илмий савиялари, касбу ҳунарлари билан бир қаторда ахлоқий фазилатлари ҳам кўпайиб бориши зарур. Ёш авлоднинг таълим ва тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш фақат ҳукуматимизнинг ёки мактабларнинг эмас, биринчи навбатда ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчларидан ҳисобланади.

Ҳар бир инсон ўз фарзанди яхши, баркамол насл бўлиб етишишини орзу қилади. Катта бўлгач, жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллаб, Ватанига содиқ, элу халқининг хизматига тайёр, виждонли ва диёнатли бўлишини ният қилади.

Лекин ҳамма ота-онанинг ҳам ўз фарзандларига меҳр-оқибати ва тарбиявий муносабати бир хил бўлавермас экан. Айримлар бола тарбияси хусусида жуда бепарволик қилишади. Улар учун бу дунёда фақат ўз шахсий юмушлари, моддий маблағ тўплаш йўлидаги ташвишлари биринчи ўриндаги вазифа-ю, оила аъзоларининг ахлоқий тарбияси билан шуғулланиш иккинчи даражали иш кўринади.

Фарзанд тарбияси ҳақида олдинлари ҳам жуда кўп гапирилган. Лекин бугун мавзуга яна бир бор қайтиб, бу соҳада оналарнинг фарзанд тарбиясидаги бурчлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Онанинг бурчларидан яна бири фарзандга меҳрибонлик кўрсатиб, уни азият берадиган турли нарсалардан сақлаган ҳолда, вақтида озиқлантириб, ювиб-тараб, тоза кийинтириб, касал бўлишига йўл қўймай, парваришлашда эринчоқлик ёки дангасалик қилмай, доимо ҳушёр ва хабардор бўлишдир. Лекин, афсуски, барча оналар ҳам ўз фарзандларига оналик меҳрини бахш этавермайдилар. Шундай аёллар ҳам бор, улар ўз болаларини бекордан-бекор болалар уйларига топшириб юборадилар.

Мусулмон одобига доир «Маънавий зиёфат» китобида келтирилган бола тарбиясидаги энг муҳим жиҳатларни эсга олсак, фойдадан холи бўлмас.

Фарзандларга меҳрибонлик, раҳм-шафқат кўрсатинг, улар билан юмшоқ муомалада бўлинг, сабабсиз тергаманг. Тез-тез уларни қучоқлаб, бош-кўзини меҳр билан силаб туринг.

Улар билан мунтазам бирга бўлишга ҳаракат қилинг: машғулотлар ўтказинг, ўйинларига аралашиб туринг, ҳазил-мутойиба қилинг, нутқини ўстириш билан шуғулланинг.

Уларни асло қарғаманг, ёмон сўзлар билан сўкманг, ёмон дуо қилманг. Чунки бу нарсалар фасодга йўлиқтириб, оилангизга фақирлик келтиради. Аксинча, яхши дуолар қилиб, уларга имон-эътиқод, инсоф, яхшиликлар тиланади.

Боласини калтак воситасида тарбия қилишни ўйлаганлар қаттиқ адашади. Чунки фарзанд яхши сўзнинг гадоси, ёмон гапириш, калтаклаш болани оиладан, ота-онадан бездиради, холос.

Ўн ёшга етган ўғил ва қиз болалар алоҳида ётқизилади, чунки аксинча ҳолат фитнага сабаб бўлиб қолиши мумкин.

Болаларингизга уларнинг қурби етмайдиган хизмат ва топшириқларни асло бера кўрманг. Чунки буни бажара олмай, ёлғон гапиришлари, ҳийла излашлари, ҳатто ота-онага осий бўлиб қолишлари мумкин.

Ота-она қарамоғидаги болаларига ўзи еган овқатни едиради, ўзи кийган кийимларни кийдиради, нафақа ва эҳтиёжларини қондиради.

Қуйида марҳум устоз, таниқли олимларимиздан Салоҳиддин Муҳиддиннинг фарзанд тарбияси борасидаги маслаҳатларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

«Ёш фарзандларни овқатдан олдин ва кейин қўл ювишга, овқатланишни «Бисмиллоҳ» билан бошлашга, ўнг қўл билан ейишга, еб бўлганидан сўнг Яратганга шукр айтишга одатлантиришингиз лозим. Шунингдек, ўнг қўл билан ёзиш, кийим кийганда ўнгидан бошлаш, уйга ўнг оёқ билан кириш, ҳар бир ишни «Бисмиллоҳ» билан бошлашга ҳам ўргатинг.

Болаларга тозаликка риоя қилиш, тирноқларини олиш, кийимларини тоза-пок сақлаш, таҳоратхонага киришчиқиш тартибларидан таълим беринг.

Фарзандларга холи ҳолда, уялтирмай, бошқалар олдида шарманда қилмай насиҳат қилишингиз лозим. Баъзан шўхлик қилиб, гапингизга қулоқ солишмаса ёки бирор ишда хато қилишса, уларни урмай-сўкмай, тушунтиришингиз зарур. Жуда иложи бўлмай қолганида иккиуч кун гаплашмай қўйсангиз, кифоя.

Иложи бўлса, болаларнинг ҳар қайсисига алоҳида-алоҳида ўрин солиш, агар имконияти бўлса, қиз ва ўғил болаларнинг хоналарини бўлак қилиб бериш уларнинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўғил-қизларингизни кўчага ифлос чиқмасликка, ҳовли ташқарисига ва кўчаларга одамларга азият-зарар берадиган ахлат, ифлос нарсаларни ташламасликка ўргатинг.

Фарзандларингизнинг кимлар билан дўст ва ҳамсуҳбат бўлишларига эътиборли бўлинг, кўчада сабабсиз, бемақсад туриш ва юришларига, сиздан сўрамай, узоқ вақт бирор машғулот билан шуғулланишларига ёки олис жойга равона бўлишларига рухсат берманг.

Фарзандларни уйда ва кўчадаги таниш-нотаниш одамларга «Ассалому алайкум» деб салом беришга, қў-

ни-қўшниларга яхшилик ва ёрдам кўрсатишга, азият етказмасликка, уйингизга келган меҳмонга ҳурмат кўрсатиш ва хизмат қилишга одатлантиринг.

Ўғил-қизларингизни куфр сўзлардан, бировларни ҳақорат қилишдан, беҳаё гапларни гапиришдан қайтаринг. Буларнинг ниҳоятда ёмонлигини, ярамас сўз-гаплар туфайли одам қаттиқ гуноҳкор бўлиши ва зарар кўришини мулойимлик билан тушунтиринг. Ўзингиз ҳам бу борада уларга ибрат-намуна бўлинг, чиройли ахлоқ соҳиби эканингизни исботланг.

Фарзандларни қиморнинг турли кўринишлари, карта, ошиқ ва ўртага пул қўйиб ўйналадиган барча ўйинлардан қайтариш даркор. Қимор бўлмаса ҳам, қимматли вақтини беҳуда совурадиган, дарс тайёрлаш ва фойдали машғулотлардан айирадиган ўйинларни ҳам чеклаш лозим.

Уларнинг ахлоқсиз, беҳаё, фаҳш суратли газета-журналлар, китобларни ўқишларига, жинсий муносабатларни, шафқатсизлик, ахлоқсизлик, ёвузликларни тарғиб қиладиган филм ва томошаларни кўришларига йўл берманг.

Фарзандларингизни сигарет чекиш ва ароқ ичишдан қайтариб, бу иллатларнинг инсон соғлиғи ва иқтисодига қанчалар зарар келтиришини, кулфатга бошлашини эринмай тушунтиринг. Бунинг ўрнига мева ва ширинликлар истеъмол қилишга тарғиб этинг".

Ўғил-қизларимизни ҳар қандай ҳолатда ҳам рост сўзлашга, ёлғонни ҳатто ҳазил тариқасида ҳам гапирмасликка, ваъдага албатта вафо қилишга ўргатишимиз лозим. Чунки ёш болалар одатда ўта таъсирчан ва тақлид қилишга ўч буладилар. Ёлғонни атрофидаги муҳитдан ўрганиб, ота-онаси ёки ака-укаларидан бирор манфаатга эришиш учун ёлғон ишлатишлари мумкин. Тўғрилик ҳар бир яхшиликнинг асоси, ёлғон эса ҳар қандай ёмонликнинг онаси ва бошланишидир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам): "Албатта, тўғрилик яхшиликка бошлайди. Яхшилик жаннатга бошлайди. Ёлғон ёмонликка олиб боради. Ёмонлик эса дўзахга олиб бо-

ради”, деганлар. Ўзимиз ҳам уларга бирор нарса ваъда қилсак, олиб беришимиз, борди-ю, бунинг имкони топилмай қолса, уларга тушунтириб, муддатини узайтиришимиз керак. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Ота-она фарзандини “Болам, бу ёққа кел, бир нарса бераман”, деб чақирса-ю, аммо бермаса, у ёлғончидир», деганлар. Фарзандларни ҳалол топган молимиздан едириб-ичиришимиз, судхўрлик, пора, ўғрилик, алдамчилик, зулм билан топиладиган нарсалардан эҳтиётлашимиз лозим. Зеро, бундай маблағлар билан озиқланган бола бадбахт, итоатсиз, қўрс-қўпол ва ёвуз бўлиб улғаяди. Фарзандларимизни тарбиялашда уриш, сўкиш ва қаттиқ чекловлардан олдин уларни тўғри билан нотўғрини, фойда билан зарарни ажратишга ўргатишимиз керак. Чунки биз қанчалик чекловлар қўймайлик, нима фойдаю нима бефойда эканини тушунтира билмасак, улар бу ишларни яширин ҳолда ҳам қилишлари мумкин.

ИЛМУ ҲУНАР ЎРГАТИНГ

Имом Байҳақий (раҳимаҳуллоҳ) ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)бундай деганлар:

وَعَنْ أَبِى هُرِيرة رضى الله عنه قال: قال رَسُولُ الله صَلَّى الله عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ: ”من طلب الدنيا حلالا تعففا عن المسألة وسعيا على أهله و تعطفا على جاره لقي الله تعالى يوم القيامة و وجهه مثل القمر ليلة البدر“

“Кимки тиланчилик қилишдан сақланиш, оиласини боқиш ва қўни-қўшниларига мурувват қилиш мақсадида ҳалол йўл орқали ризқ топиш билан машғул бўлса, қиёмат кунида у Аллоҳ таолога юзи ўн беш кунлик ойдек ёруғ бўлган ҳолида йўлиқади”.

Энг улуғ зотлар саналмиш пайғамбарлар ҳам ўз ризқларини ҳалол пешона терлари билан топганлари, яъни

касб-ҳунар билан шуғулланганлари барчамиз учун буюк ибратдир. Улар ризқ Аллоҳдан эканини билган ҳолларида ҳам ҳунарсиз ўтирмадилар. Тарихдан маълумки, Одам (алайҳиссалом) деҳқончилик, Нуҳ (алайҳиссалом) дурадгорлик, Довуд (алайҳиссалом) темирчилик, Идрис (алайҳиссалом) эса хаттотлик билан шуғулланганлар.

Маълумки, ҳар қандай касбни пухта эгаллаш, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш учун ана шу касбга тааллуқли илмни мукаммал ўзлаштирмоқ керак. Касбига муҳаббатли инсон ўз меҳнатидан чарчамайди, балки роҳатланади. Касби туфайли атрофидагиларга ёрдами тегса, инсон ўзини бахтли ҳисоблайди. Шунинг баробарида Аллоҳ таоло томонидан улуғ ажру ҳасанотлар берилишига муносиб эканини ҳис қилиш билан руҳияти енгил тортади, имони қувват олади.

Имом Табароний ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам):

قال رَسُولُ الله صَلَّى الله عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ: "من الذنوب ذنوب لا يكفرها إلا الهم في طلب المعيشة".

"Гуноҳлар ичида шундайлари борки, унга фақат ҳалол ризқ топиш мақсадида қилинган ташвишгина каффорат бўлади", деб марҳамат қилганлар.

Дарҳақиқат, инсон ҳалол меҳнати билан улуғ савоблар ваъда қилинган даражаларга эришиши мумкин. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бир ҳадисда: "Албатта, Аллоҳ таоло ҳунарманд мўминни севади", деганлар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳадисларининг бирида:

قال رَسُولُ الله صَلَّى الله عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ:"ما أكل أحد طعاما قط خيرا من أن يأكل من عمل يده، وإن نبي الله داود كان لا يأكل إلا من عمل يده"

“Ҳеч ким қўл меҳнати билан топган таомидан кўра яхшироқ нарса еган эмас. Албатта, Аллоҳ таолонинг пайғамбари Довуд (алайҳиссалом) ҳам қўл меҳнати орқали кун кўрганлар”, деб марҳамат қилганлар *(Имом Бухорий ривояти)*.

Халқимизда фарзандларни ёшлигидан бирор ҳунарга ўргатиш мақсадида устозга шогирд беришдек жуда яхши анъана бор. Бу одат бошқа халқларда учрамайди десак, муболаға бўлмас. Истиқлол шарофати билан бугун она заминизда сертароват, жаҳон андозаларига тўла мос келадиган юзлаб касб-ҳунар коллежлари бунёд этилди. Ўсиб келаётган ёш авлод бугуннинг энг илғор техника ва технологияларини мукаммал эгаллашини таъминлаш мақсадида ушбу таълим муассасалари юқори сифатли анжомлар билан жиҳозланиб, талабаларга тақдим этилди. Бу ёшларга бўлган эътибор ва ишонч тимсолидир.

Мана шундай юксак эътиборнинг қадрига етиб, ўз вақтида чуқур илм эгаллаб, мен албатта келажакда элимга, юртимга хизмат қиламан, деб ҳаракат қилиш ҳар бир ўқувчининг асосий мақсади бўлмоғи лозим.

Аллоҳ таоло барчамизнинг фарзандларимиз салоҳиятли ва комил инсон бўлиб улғайишида ўзи мададкор бўлсин.

Сиз билан биз, ота-оналар, мурғак чақалоқларимизни эркалаб, ардоқлаб ўстирар эканмиз, фақат уларнинг жисмоний соғлиғи, моддий таъминоти тўғрисида эмас, балки маънавий бойликларини, инсоний фазилатларини баркамол қилиш тўғрисида ҳам қайғуришимиз керак бўлади.

Зеро, ўзида илму фаннинг қайси соҳасига бўлса ҳам қизиқиш уйғотиб, ўқиб, ўрганиб, маълумот ҳосил қилган ҳар қандай инсон, албатта, маълум миқдорда одамийлик хусусиятларига ҳам эга бўлади.

Илм ўрганишга интилиш ҳар бир мўмин-мусулмон зиммасидаги фарздир. Қуръони каримнинг илк нозил бўлган ояти **«Ўқи!»** деган амр бўлган эди. Пайғамбар

(алайҳиссалом): «Бешикдан қабргача илм изла», деб таълим берганлар.

Аллоҳ таоло мусулмон бандаларига илм излашни, илм ўрганишни буюрган. Қуръони каримнинг бир неча оятлари бунга далолатдир:

هَلۡ يَسۡتَوِي ٱلَّذِينَ يَعۡلَمُونَ وَٱلَّذِينَ لَا يَعۡلَمُونَۗ

«...Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми...?!» деб илму фанга тарғиб қилади *(Зумар, 9)*.

Аллоҳ таоло илм аҳлларини фаришталар қатори зикр этиб, бундай хабар беради:

شَهِدَ ٱللَّهُ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ وَٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ وَأُوْلُواْ ٱلۡعِلۡمِ قَآئِمَۢا بِٱلۡقِسۡطِۚ

«Аллоҳ адолатда (барқарор**) туриб, шундай гувоҳлик беради: "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир", фаришталар ва илм эгалари ҳам...»** *(Оли Имрон, 18)*.

Аллоҳ таоло олимлар билан илмсиз кишиларнинг фарқи катта эканини зикр этиб, бундай марҳамат қилади:

قُلۡ هَلۡ يَسۡتَوِي ٱلَّذِينَ يَعۡلَمُونَ وَٱلَّذِينَ لَا يَعۡلَمُونَۗ

«Айтинг! (Эй Муҳаммад),**биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми...?!»** *(Зумар, 9)*.

Улуғ Аллоҳ таоло яна хабар беради: **«...Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни** (баланд**) даража (**мартаба**)ларга кўтарур...»** *(Мужодала, 11)*.

Яна Аллоҳ таоло хабар бериб айтадики:

إِنَّمَا يَخۡشَى ٱللَّهَ مِنۡ عِبَادِهِ ٱلۡعُلَمَٰٓؤُاْۗ

«Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларгина қўрқарлар...» *(Фотир, 28)*.

Жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам умматларига мурожаат қилиб:

اُطْلُبُوا الْعِلْمَ وَلَوْ بِالصِّينِ فَإِنَّ طَلَبَ الْعِلْمَ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ

Яъни: «Илм Хитойда бўлса ҳам, уни излаб топиб, эгаллангиз. Зеро, илмни талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир», деганлар.

Имом Бухорий ва Муслимнинг (Аллоҳ бу икки улуғ имомдан рози бўлсин) «Саҳиҳ»ларида қуйидаги ҳадис Муовия ибн Суфёндан (розияллоҳу анҳу) ривоят этилган бўлиб, унда Муовия айтадилар: «Мен Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ кимга яхшиликни ирода этса, уни дин ишида фақиҳ (теран англовчи) қилиб қўяди”, деганларини эшитдим».

Абу Умомадан (розияллоҳу анҳу) ривоят этилади. У зот айтадилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида бири обид ва бири олим бўлган икки киши зикр этилди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Олим кишининг обидга нисбатан фазли менинг ораларингиздаги энг қуйи даража вакилига нисбатан фазлим кабидир», деб марҳамат этдилар. Сўнг яна у зот (алайҳиссалом): «Дарҳақиқат, Аллоҳ, Унинг малоикалари, осмон ва ер аҳллари, ҳатто инидаги чумоли ва ниҳоят, денгиздаги кит ҳам одамларга яхшилик ўргатувчи пайғамбарлар меросхўри бўлган олимларни дуо қилишади», дедилар».

Шунингдек, илм ҳақида Аваз Ўтар бундай деган:

Ҳар муроду мақсадингга етмоқ истарсан мурод,
Кўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм.

Илм фарзи айн ва фарзи кифояга бўлинади. Фарзи айн – ҳар бир киши ўрганиши шарт бўлган илмлар. Фарзи кифоя – бир гуруҳ кишиларнинг ўрганиши билан бошқалардан соқит бўладиган илмлар. Инсоннинг дунё ҳаётидаги ишларини бажаришда керак бўладиган барча илмлар фарзи кифоядир. Масалан, тиб илмини олайлик. Бу илм инсон жисмининг соғ-саломат бўлишида зарур саналади. Яна ҳисоб илми ҳам худди шу каби, мерос ва

васиятларни тақсимлашда ҳамда дунё тараққиётига сабаб бўладиган бошқа илмларни ўрганишда ниҳоят даражада керакли илмлардандир.

Ушбу илмларни жамиятдаги маълум тоифа инсонлар ўқиб-ўрганиб, улар билан шуғулланишмаса, бошқа барча инсонлар тўғри йўлдан адашишади, қийинчиликка тушиб қолишади. Агар бир юртда табиб бўлмаса, фуқаролари касалликка чалинишлари, ҳатто ўлиб кетишлари мумкин. Ҳисоб илмини биладиган кишилар бўлмаса, бу юрт тараққиётдан орқада қолади, кишилар ўртасидаги савдо-сотиқ ва иқтисодий муносабатлар издан чиқади, мерос илми билан шуғулланиш имкони ҳам йўқолади.

Худди шунингдек, иқтисодиётнинг, касб-ҳунарнинг бошқа турли йўналишлари ҳақидаги илмлар, масалан, деҳқончилик, тикувчилик, ҳатто ҳижомат, яъни қон олиш ҳам фарзи кифоядир. Агар бирон-бир ерда қон олувчи топилмай қолса, ўша жой аҳли ҳалокат ёқасига келиб қолади. Зеро, дардни берган Парвардигор давосини ҳам бериб, унинг йўлини ҳам кўрсатган. Демак, ҳозирги замонда мусулмонлар фан-техника соҳасидаги барча дақиқ илмлар – кибернетика, дақиқ ҳисоблар мажмуаси, заррашунослик, ирсиятшунослик ва шу каби илмларни ҳам фарзи кифоя даражасида билишлари зарур бўлади.

Баъзи илмларни ўрганиш мубоҳ ҳисобланади. Масалан, шеърият, тарих илмларини ўрганишга ҳеч бир монелик йўқ. Лекин баъзи бир илмлар, масалан, сеҳр-жоду, кўзбойлаш, гипноз, башоратгўйлик кабилар билан шуғулланиш номақбулдир. Чунки Аллоҳ таоло:

وَٱتَّبَعُواْ مَا تَتْلُواْ ٱلشَّيَٰطِينُ عَلَىٰ مُلْكِ سُلَيْمَٰنَۖ وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَٰنُ
وَلَٰكِنَّ ٱلشَّيَٰطِينَ كَفَرُواْ يُعَلِّمُونَ ٱلنَّاسَ ٱلسِّحْرَ وَمَآ أُنزِلَ عَلَى
ٱلْمَلَكَيْنِ بِبَابِلَ هَٰرُوتَ وَمَٰرُوتَۚ وَمَا يُعَلِّمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّىٰ يَقُولَآ
إِنَّمَا نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكْفُرْۖ فَيَتَعَلَّمُونَ مِنْهُمَا مَا يُفَرِّقُونَ بِهِۦ

بَيْنَ ٱلْمَرْءِ وَزَوْجِهِۦ ۚ وَمَا هُم بِضَآرِّينَ بِهِۦ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا بِإِذْنِ ٱللَّهِ ۚ
وَيَتَعَلَّمُونَ مَا يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنفَعُهُمْ ۚ وَلَقَدْ عَلِمُوا۟ لَمَنِ ٱشْتَرَىٰهُ
مَا لَهُۥ فِى ٱلْءَاخِرَةِ مِنْ خَلَٰقٍ ۚ وَلَبِئْسَ مَا شَرَوْا۟ بِهِۦٓ أَنفُسَهُمْ ۚ لَوْ
كَانُوا۟ يَعْلَمُونَ ﴿١٠٢﴾

«Яна, (улар) **Сулаймон подшоҳлигидаги шайтонлар** (жинлар) **ўқийдиган нарсаларга эргашиб кетдилар. Сулаймон кофир бўлмади, лекин одамларга сеҳр** (жоду)**ни ҳамда Бобилдаги Ҳорут ва Морут номли фаришталарга туширилган нарсаларни ўргатадиган шайтонлар кофир бўлдилар.** (У икки фаришта)**: «Биз фақатгина синов** (воситаси)**миз,** (бизга ишониб) **кофир бўлиб қолма!» – деб** (огоҳлантирмагунча) **ҳеч кимга**(сеҳрни) **ўргатмас эдилар. Иккисидан эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсани ўрганар эдилар. Лекин улар Аллоҳнинг изнисиз у билан ҳеч кимга зарар етказа олмаслар.** (Хуллас) **ўзларига фойдаси йўқ, балки зарарли нарсаларни таълим олар эдилар. Уни** (Аллоҳ китобини сеҳрга) **алмашганларга охиратда насиба йўқлигини ҳам яхши билар эдилар. Ўз** (насиба)**ларини қанчалик ёмон нарсага сотиб юборганларини билсалар эди!»** *(Бақара, 102)* деб сеҳрни ўрганганларни танқид қилган.

Имом Абу Ҳомид Ғаззолий ўзининг «Иҳёу улумид-дин» китобида бундай дейди: «Илм иккига бўлинади: биринчиси фойдали ва иккинчиси зарарли илмлар. Биринчиси инсониятга манфаат етказадиган илмлар бўлиб, бу ҳам иккига – шаръий ва дунёвий илмларга бўлинади. Зарарли илмлар эса, сеҳргарлик, ўғрилик кабилардир.

Фойдали илмларнинг биринчиси пайғамбарлардан келган шариат илмидир. У фақатгина муқаддас китобларни ўқиш ва ёд олиш орқали эгалланади.

Дунёвий илмлар эса ақл ва тажриба туфайли эгалланади. Улар тиббиёт, саноат, тикувчилик каби илмлардир. Чунки Аллоҳ таоло бандаларни осуда ҳаёт кечиришга,

ўзларининг саломатликлари қўриқчиси бўлишга буюрган. Бу касбларнинг эгаларисиз жамият соғлом ва осуда бўла олмайди, балки таназзул, ҳалокатга юз тутади».

Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) Кумайлга: «Илм молдан яхшидир, у сени ҳимоя қилади, молни эса сен қўриқлашга мажбурсан, илм ҳоким, мол маҳкумдир, эҳсон-нафақа қилиш билан мол камайса, илмни тарқатганинг сайин кўпайиб боради», деганлар.

Луқмони ҳаким ўғлига бундай насиҳат қилган экан: «Эй ўғлим, олимлар билан ўтир, улар орасига кир, чунки Аллоҳ ерни осмон суви билан тирилтиргани каби қалбларни ҳам илм-ҳикмат нури билан тирилтиради».

Бир куни Фатҳ Мусалий: «Касалга сув, овқат берилмаса, у ўладими?» деб сўрабдилар. Атрофидагилар: «Ҳа, ўлади», дейишибди. Шунда Фатҳ: «Қалбга ҳам уч кун илм берилмаса, у ўлади», деган эканлар.

Муоз ибн Жабалнинг (розияллоҳу анҳу) мана бу сўзлари илмнинг фазилатига энг яхши далиллардандир: «Илм танҳоликда ҳамроҳ, хилватда дўст, тўғри йўл кўрсатувчи маёқ, хурсандлигу хафагарчиликда улфат, дўстлар олдида вазир, бегоналар олдида яқин дўст, жаннат йўлининг минорасидир».

Демак, ҳар бир мусулмон фарзанди аждодларнинг ўгитларига, уламоларнинг тавсияларига амал қилиб, илм ўрганишга бор куч-ғайратини сарфлаши, ўрганган илмига амал қилиш пайида бўлиши зарур. Шундагина у Аллоҳ розилигини топади, имонини мустаҳкамлайди, икки дунё саодатини қўлга киритади.

Шунинг учун ота-онанинг фарзанд олдидаги энг муҳим бурчларидан бири унинг ёшлигидан бошлаб илм олишига қулай шароит яратиб беришлари, улғайган сари ўзига муносиб бирор касбу ҳунар танлашга йўл кўрсатиб боришларидир. Ҳаммасидан ҳам муҳими – илму ҳунар ўрганиш билан бирга ахлоқ ва одоб фазилатларини тобора кўпроқ эгаллаб боришларида барчамиз ўз фарзанд ва набираларимизга яқиндан кўмаклашишимиз лозим

бўлади. Аллоҳга шукрки, юртимизда илм-маърифат ва касб-ҳунар ўрганиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Муҳаммад ибн Ҳасан айтади: «Илмни талаб қилиш фарз бўлганидек, касб-ҳунарни талаб қилиш ва уни эгаллаш ҳам фарздир».

Инсон ҳаёти учун зарур бўлган уй-жой, улов, озиқ-овқат ва рўзғор анжомлари, поклик воситалари, либосга ҳамиша эҳтиёж сезилади. Буларнинг барчаси касб-ҳунар орқали вужудга келади. Аввал айтганимиздек, ўтган барча пайғамбарлар ва элчилар бирон касб-ҳунар билан машғул бўлиб, ҳаёт кечиришган. Одам (алайҳиссалом) буғдой сепганлар ва уни ўриб, дон қилиб, тегирмондан ўтказиб, хамир қилиб, нон ясаганлар. Нуҳ (алайҳиссалом) дурадгор-уста бўлганлар. Иброҳим (алайҳиссалом) баззозлик қилганлар. Довуд (алайҳиссалом) совут, Сулаймон (алайҳиссалом) чўпдан ўлчов ва тарози ясаганлар, Закариё (алайҳиссалом) нажжорлик қилганлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) эса қўй боққанлар. Барчалари ўзлари қилган касбларидан ризқланиб, ҳалол-пок ҳаёт кечиришган.

Ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бир киши тиланчилик қилиб келди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундан сўрадилар: «Уйингда бирон нарсанг борми?» У: «Ҳа, бор. Баъзисини остимизга солиб, баъзисини кечаси устимизга ёпадиган бисот ва сув ичадиган бир идишимиз бор», деб жавоб берди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Икковини келтир!» У киши айтган нарсасини олиб келди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у олиб келган нарсаларни қўлларига олдилар ва: «Буларни ким сотиб олади?» дедилар. Саҳобалардан бири: «Мен уларни бир дирҳамга оламан», деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир неча бор: «Ким бунинг устига зиёда қилади», дедилар. Бошқа бир саҳоба: «Мен уларни икки дирҳамга оламан», деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки нарсани саҳобага бердилар ва ундан икки

дирҳамни олиб, ансорийга бериб дедилар: «Бир дирҳамга таом сотиб олиб, аҳли аёлингга олиб бор ва қолган бир дирҳамга болта сотиб ол-да, менга олиб кел», деб амр қилдилар. У Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амрларини бажариб, болта сотиб олиб, ҳузурларига келди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак қўллари билан болтага соп ясадилар ва уни кишининг қўлига бердилар-да: «Энди бориб, ўтин йиғиб, уни сот, ўн беш кун сени кўрмайин», дедилар. Ансорий шу кунлар ичида ўтин йиғиб, уни сотиб, ўн беш дирҳамга эга бўлди ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келди. Шунда Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бу маблағнинг бир қисмига таом харид қил, бир қисмига кийим-кечак сотиб ол!» дедилар. Сўнгра марҳамат қилиб айтдилар: «Бундай қилишинг сенга ярашади. Тиланчилик қилишинг сабабли қиёмат куни юзингда доғ бўлади».

Аллоҳ таоло инсонларни ҳалол касб-ҳунар билан кун кечиришга ва шу туфайли топилган энг яхши нарсалардан эҳсон қилишга буюради:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَنفِقُواْ مِن طَيِّبَٰتِ مَا كَسَبْتُمْ وَمِمَّآ أَخْرَجْنَا لَكُم مِّنَ ٱلْأَرْضِ ۖ وَلَا تَيَمَّمُواْ ٱلْخَبِيثَ مِنْهُ تُنفِقُونَ وَلَسْتُم بِـَٔاخِذِيهِ إِلَّآ أَن تُغْمِضُواْ فِيهِ ۚ وَٱعْلَمُوٓاْ أَنَّ ٱللَّهَ غَنِىٌّ حَمِيدٌ ﴿٢٦٧﴾

«Эй имон келтирганлар! Ўз қўл меҳнатингиз ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсаларнинг яхшиларидан эҳсон қилингиз! Ўзингиз фақат кўзингизни чирт юмибгина оладиган даражадаги ёмон нарсаларни (эҳсон қилишга) **танламангиз! Шунингдек, билингизки, албатта, Аллоҳ ғаний ва мақтовга лойиқ Зотдир»** *(Бақара, 267)*.

Машҳур муфассир Имом Бағавий бундай дейди: «Бу оятнинг маъноси касб-ҳунар билан топилган нарсаларнинг энг яхшисидан нафақа-эҳсон қилинглар», демакдир.

Касб-ҳунар эгаллаш ва шу асосда ҳаёт кечириш ҳақида Ислом оламида биринчи бўлиб Имоми Аъзамнинг шогирдлари Имом Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ) «Китоб аликтисоб»(«Касб-ҳунар китоби») асарини ёзиб, бу борадаги динимиз таълимоти асосларини мукаммал равишда баён қилиб берди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки вақтларданоқ таълим-тарбия тизимида ёшларга касб-ҳунар ўргатиш йўлларини янада такомиллаштириш ва уларнинг моддий-маънавий асосларини вужудга келтириш соҳаларида катта ишлар амалга оширилди. Барча вилоят ва шаҳарларимизда очилган касб-ҳунар коллежларида диёримизнинг минглаб ўғил-қизлари меҳнат, касб-ҳунар малакаларини изчил ўрганмоқдалар. Ҳозир республикамизда 1370 дан зиёд касб-ҳунар коллежлари фаолият олиб бормоқда.

Жамиятга табиб, қурувчи, тўқувчи, муаллим, Ватан ҳимоячиси, қурол ясовчи уста, машина ҳайдовчи, новвой каби касб эгалари ҳамиша зарур. Тарихдан маълумки, қайси жамият замонавий илмлардан орқада қолган бўлса, албатта инқирозга учраган, келгинди босқинчиларга қарам бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) шунинг учун умматга: «Фарзандларингизни сувда сузишга, отда чопишга, камон отишга ва қурол ишлатишга ўргатинглар», деб буюрганлар. Фахри коинотнинг ўзлари аскарларнинг машқларини кузатганлар, мусулмон фарзандларини бошқа халқлар тилини ўрганишга ундаганлар.

Динимиз инсонларни ҳалол меҳнат, касб-ҳунар билан турмуш кечиришга чақирган. Дангасалик, ишёқмаслик, бекорчилик, нопок йўллар билан тирикчилик қилиш Исломда қаттиқ қораланган. Ўтмишда момоларимиз эрларини пул топиб келишга жўнатишиб, фақат ҳалол йўл билан, меҳнат орқали ризқ-насиба топишни тайинлашган ва: «Биз йўқчилик ва очликка чидаймиз, аммо дўзах оташига чидай олмаймиз», деб насиҳат қилишган.

Болаларга ёшлигидан бирор касб-ҳунар ўргатиш ота-онанинг муҳим вазифасидир. Улуғ шоиримиз Алишер Навоий бир достонининг қаҳрамони тилидан: «Ҳунарни асрабон неткумдир охир, Олиб туфроққаму кеткумдир охир», деб бежиз ёзмаган. Атоқли шарқ шоири Низомий Ганжавий: «Ўқиб-ўрганилган ҳар битта ҳунар ҳунармандга бир кун фойда келтирар», деб ёзганида минг бора ҳақ эди. Яна ҳикматлардан бирида: «Ҳар кимнинг зари бўлмаса-да, аммо ҳунари бўлса, дунёда ҳеч бир хавф-хатари бўлмайди. Шунинг учун киши ҳунар зийнати билан безанмоғи керак», дейилибди. Яна Алишер Навоий хазратлари: «Йўқ ҳунари ёлғиз эрса киши, қайда киши сонида ёлғиз киши», деганлар.

Халқимиз меҳнатсеварлиги, ғайрат-шижоати, ҳунармандлиги билан ном чиқарган. Ота-оналар фарзандларини кичиклигиданоқ бирор машғулот билан шуғуллантирадилар ёки ҳунар ўргатиш учун бирор ҳунарманд устага шогирд қилиб беришади. Қизларимизга ҳам ёшлигидан чеварлик, пазандалик, уй тутиш, бола тарбиялаш, ўзига оро бериш каби юмушлар эринмай ўргатилади. Токи, борган ерларида эпли-шудли эканликларини кўрсатсинлар, янги рўзғорларида қийналиб қолмасинлар, ҳаётлари фаровон, оилалари тўкин бўлсин, деган ниятда шундай йўл тутилади. Момоларимиз азал-азалдан чеварлик, тўқувчилик, мазали таомлар тайёрлаш, зардўзлик, каштачилик ва бошқа ҳунарлар бобида ном чиқаришган. Қизларини ҳам турмушга узатиш олдидан бир неча ҳунар эгаси қилиб тарбиялашган.

Ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида яшаб ўтган таниқли олим ва маърифатпарвар Алий Назимонинг Марказий Осиёда катта шуҳрат қозонган ва мактаб-мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган «Таълими банот» («Қизлар тарбияси») китобида қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: «Ёш қизларга таълим-тарбия беришда улар учун ниҳоятда керакли, ўрганмасликнинг асло иложи бўлмаган фан қўл ҳунарлари

фанидир. Энг юқори билим ва маълумот ҳам бу фаннинг ўрнини боса олмагани боис ёш хоним-қизлар бу фанни ўрганишга тиришишлари лозим. Қўл ишларига уста бўлган аёл қўлларининг моҳирлиги, чапдастлиги сабабли адабу иффат ичида тирикчилигини қила олади. Бой оилаларнинг хонимлари қўл ҳунари орқасида хуш ва ҳузурли вақт ўтказишади ҳамда муҳтожларга ёрдамлар кўрсатиб, одамийликда бўлурлар. Игна бир тўғри ва чин дўст бўлиб, кўп вақтда юрт халқининг ёрдамчиси ва энг қимматли қуролларидан биридир. У ёлғиз вақтларда юпанч бўлиб, ғам-қайғуни даф қилади, яхши ишларни рўёбга чиқаради, керак бўлганда фақирлик ва муҳтожликка қарши курашади. Қўл ҳунарларини кичкина ёшдан бошлаб тартиби ила ўргатиш лозим».

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Парвардигори олам башариятни тўғри йўлга бошлаш учун Қуръони каримни нозил қилди ва унда инсонларнинг дунёда фаровон ҳаёт кечириб, охиратда эса нажот топишларига сабаб бўлувчи ҳукмларини баён этди.

Маълумки, ота-оналар ўз фарзандларини чексиз меҳр-муҳаббат ва шафқат, куч-ғайрат ва маблағларини дариғ тутмай тарбия қилиб ўстирадилар. Бинобарин, ҳар бир фарзанд зиммасига ҳам ақлан, ҳам шаръан ўз ота-оналарига нисбатан беҳисоб бурч ва вазифалар юкланади. Ҳар қайси ота-она ўз фарзандига ақлини таниши билан катталарни, хусусан, ўзининг дунёга келишига ва улғайишига, тарбия топиши ва илму одоб ўрганишига сабабчи бўлган ота-онаси ҳақини адо этишни тушунтириб бориши керак.

Қуръони каримнинг йигирмадан ортиқ ояти карималарида ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг розиликларини топишга амр қилинади. Жумладан, Анкабут сурасининг 8-оятида:

وَوَصَّيْنَا ٱلْإِنسَٰنَ بِوَٰلِدَيْهِ حُسْنًا

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик...» *(Анкабут, 8)* дейилган.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ота-онага яхшилик қилишни ҳар бир мусулмон кишига фарз қилган. Шу сабабли уларга яхшилик қилиш ака-ука, ёрудўстларга ва ҳатто фарзандга яхшилик қилишдан ҳам устун туради.

Ота-онага зинҳор озор бермаслик ва уларнинг сўзу феълларидан ҳеч малолланмасликка буюриб, қуйидагича хитоб қилади:

وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوٓا۟ إِلَّآ إِيَّاهُ وَبِٱلْوَٰلِدَيْنِ إِحْسَٰنًا ۚ إِمَّا يَبْلُغَنَّ عِندَكَ ٱلْكِبَرَ أَحَدُهُمَآ أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُل لَّهُمَآ أُفٍّ وَلَا تَنْهَرْهُمَا وَقُل لَّهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴿٢٣﴾ وَٱخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ ٱلذُّلِّ مِنَ ٱلرَّحْمَةِ وَقُل رَّبِّ ٱرْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيَانِى صَغِيرًا ﴿٢٤﴾

«Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон!) **Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!..» дема ва уларни жеркима! Уларга** (доимо) **ёқимли сўз айт!» Уларга, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва** (дуода) **айт: «Эй Раббим! Мени** (улар) **гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!»** *(Исро, 23-24)*.

«Уларга ёқимли сўз» деганда ота-онани номи билан чақирмаслик, балки «отажон, онажон» каби сўзлар билан ёш гўдаклардек авайлаб муомала қилиш, уларни ранжитадиган гапларни гапирмаслик, улар олдида ўзини қул ёки чўрилардек тутиш кабиларни тушуниш керак *(Имом Насафий ва Хозин тафсирлари)*.

Этибор беринг, Ҳақ таоло ота-оналар ҳақларига дуо ва истиғфор айтиб туришга буюриб, марҳамат қиляпти:

وَٱخۡفِضۡ لَهُمَا جَنَاحَ ٱلذُّلِّ مِنَ ٱلرَّحۡمَةِ وَقُل رَّبِّ ٱرۡحَمۡهُمَا كَمَا رَبَّيَانِي صَغِيرٗا ﴿٢٤﴾

«Уларга, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) **айт: «Эй Раббим! Мени** (улар) **гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!»** *(Исро,24)*.

Бошқа бир оятда эса:

رَبَّنَا ٱغۡفِرۡ لِي وَلِوَٰلِدَيَّ وَلِلۡمُؤۡمِنِينَ يَوۡمَ يَقُومُ ٱلۡحِسَابُ ﴿٤١﴾

«Эй Раббимиз! Ҳисоб-китоб қилинадиган (қиёмат) **куни мени, ота-онамни ва** (барча) **мўминларни мағфират қилгин!»** дейилади *(Иброҳим, 41)*.

Фарзанд ҳар доим ота-онасининг сўзларига қулоқ солиши ва уларга итоат қилиши лозим. Аммо ота-она бирор гуноҳ ишга буюришса, уларга итоат қилинмайди. Масалан, ота ўз ўғлига дўконга бориб маст қилувчи ичимлик олиб келишни буюрса, бу ҳолатда отага итоат этилмайди, балки қўполлик қилмасдан, ширинсўзлик ва мулойимлик билан тушунтирилади.

Жаноб Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам кўплаб ҳадиси шарифларида фарзандларни ота-оналарга яхшилик қилиш, уларнинг розиликларини топиш учун ҳаракат қилишга буюрганлар. Жумладан:

رِضَى الرَّبِّ فِي رِضَا الْوَالِدَيْنِ وَسَخَطُهُ فِي سَخَطِهِمَا

«Парвардигорнинг розилиги ота-онанинг розиликларига боғлиқ. Унинг ғазаби ҳам ота-онанинг норозилигига қараб бўлади», дейилади *(Табароний ривояти)*.

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) ривоят қиладилар:

مَا مِنْ وَلَدٍ بَارٍّ يَنْظُرُ إِلَى وَالِدَيْهِ نَظَرَ رَحْمَةٍ إِلاَّ كَتَبَ اللهُ لَهُ بِكُلِّ نَظْرَةٍ حَجَّةً مَبْرُورَةً. قَالُوا: وَإِنْ نَظَرَ كُلَّ يَوْمٍ مِائَةَ مَرَّةٍ ؟ قَالَ: نَعَمْ. اللهُ أَكْبَرُ وَأَطْيَبُ

«Қайси бир солиҳ фарзанд ўз ота-онасининг юзларига меҳру шафқат назари ила боқса, Ҳақ таоло у кишининг ҳар бир қилган назарига бир ҳаж қилганнинг савобини бергай». Шунда саҳобалар сўрадилар: «Ё Расулуллоҳ, бир кунда юз марта боқса ҳам, юз ҳажнинг савоби ёзилаверадими?» Онҳазрат: «Албатта, Аллоҳ таоло карами кенг, улуғ зотдир ва ажру савобларини яхши бандаларидан дариғ тутмагай», деб жавоб бердилар.

Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Бир киши йиғлаб қолган ота-онасини ташлаб ҳижрат қилиш учун Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига байъат беришга келганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Уларнинг олдига қайтгин ва уларни қандай йиғлатган бўлсанг, шундай кулдиргин”, дедилар.

Яна бир ҳадиси шарифда бир киши келиб жаноби Сарвари оламдан сўради: «Ота-онам вафот этдилар. Энди уларга нима қилсам, зиммамдаги ҳақларини адо этган бўламан?» Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ота-она вафот этгач, фарзандларнинг зиммаларига вожиб ишлар, аввало, уларга жаноза намози ўқиш, вақти-вақти билан дуою истиғфорлар айтиб туриш, қилиб кетган барча васиятларини ижро этиш, уларга яқин бўлган ёру дўст, қариндошларини иззату ҳурмат қилиш, ота-она тарафидан бўлган қавму қариндошларга силаи раҳм бажо келтириш, қабрларини зиёрат қилиб туриш, бировлардан қарз ёки омонат олган бўлишса, уларни эгаларига етказиш», деб жавоб қилган эканлар.

Ўтиб кетган ота-оналарнинг руҳлари шод бўладиган амалларнинг энг улуғи улар қолдириб кетган фарзандларнинг солиҳ ва қобил бўлишларидир. Агар фарзанд ўзини ёмон йўллардан, гуноҳ ишлардан сақлаб, рушду ҳидоят, тоат-ибодатда юрадиган бўлса, бунинг савобидан ўзи ва зурриётларигина эмас, балки ўтиб кетган ота-оналар ҳам албатта баҳраманд бўлишади.

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадиси муборакларида башорат бериб бундай деганлар:

إِذَا مَاتَ الْإِنْسَانُ إِنْقَطَعَ عَمَلُهُ إِلاَّ عَنْ ثَلاَثٍ: صَدَقَةٍ جَارِيَةٍ أَوْ عِلْمٍ يُنْتَفَعُ بِهِ أَوْ وَلَدٍ صَالِحٍ يَدْعُو لَهُ

«Инсон вафот этиши билан номаи аъмолига гуноҳу савоб ёзилиши ҳам тўхтайди. Аммо уч иш бор, агар маййит ҳаётлик вақтида улардан қайси бирини қилиб кетган бўлса, ундан ҳосил бўладиган савоблардан маййитнинг номаи аъмолига ёзилиб тураверади. Булар садақаи жория, фойдали илм ва солиҳ фарзанддир» *(Муттафақун алайҳ)*.

Ислом динида ота-онага бўлган ҳурмат нечоғли улуғлигини қуйидаги ҳадислардан ҳам билсак бўлади. Онанинг ҳузурига киришга изн сўраш ҳақида Алқамадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилган:

عَنْ عَلْقَمَةَ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى عَبْدِ الله قَالَ أَ أَسْتَأْذِنُ عَلَى أُمِّي؟ فَقَالَ: مَا عَلَى كُلِّ أَحْيَانِهَا تُحِبُّ أَنْ تَرَاهَا.

«Бир киши Абдуллоҳнинг олдига келди ва: “Мен онамнинг олдига киришга изн сўрайманми?” деди. “Нима, уни ҳар қандай ҳолатида ҳам кўравермоқчимисан?” деди».

Ушбу ҳадисдан киши ўз онасининг олдига ҳам изн сўраб кириши зарур экани кўриниб турибди. Бу фарзандниг улуғ бурчлари ва одобларидан ҳисобланади.

Садақаи жория. Бунинг маъноси шуки, инсон фақат ўзи ва оиласининг манфаатинигина кўзлаб эмас, балки ўзгаларга, бутун инсониятга, ҳайвоноту набототга ҳам бирор жиҳатдан фойда етказиш нияти билан иш қилиши керак. Дарахт ўтқазилса, унинг мевасидан, соясидан ҳамма фойдаланади. Бирор ердан сув чиқарилса ёки йўл қурилса, бундан одамлар манфаатдор бўладилар. Бир кўприк солинса, карвонсарой, масжид, мактаб ё мадраса каби иншоотлар қурилса, бу ҳам кўпчилик манфаатига хизмат қилади. Буларнинг ҳаммаси «садақаи жория» ҳукмидадир.

Фойдали илм. Бунинг маъноси дину диёнатга ёки илму ҳикматга доир китоблар ёзиб кетишдир. Диний ва дунёвий илмлардан дарс бериб, шогирдлар қолдириб кетиш ҳам шунга киради. Мана, ҳозиргача фойдаланиб келинаётган минглаб диний китобларимизни ёки Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобийнинг асарларини олиб кўрайлик, Буларнинг ҳаммаси неча асрлар олдин ёзилган бўлса-да, ҳанузгача ўз қиммат ва эътиборини йўқотмай, бутун инсоният манфаати йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Солиҳ фарзанд. Яъни, солиҳ ва қобил фарзаднинг тўғри йўлда хайрли ишларни қилиб юришининг савобидан, албатта, ўтиб кетган ота-оналари баҳраманд бўлишларини Расулуллоҳ (алайҳиссалом) бизга маълум қиладилар.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Исломда фарзандлар бурчлари билан бир қаторда уларнинг ҳақлари ҳам мавжуд. Бу ҳақлар уларнинг ота-оналари ёки яқин қариндошлари, яшаётган жамиятларига вазифа қилиб юклатилгандир. Бу ҳақларни адо этиш вожиб бўлиб, унга амал қилмоқлик мажбурийдир.

1. Насаб. Никоҳнинг асл мақсадларидан бири наслнасабни сақлашдир. Бусиз оила ҳам, жамият ҳам бўлмайди. Фарзаднинг ота-онаси никоҳдан ўтган, ҳалолпок яшагандагина насаби аниқ ва пок бўлади.

2. Бўлажак фарзандга муносиб ота ва она танлаш. Ислом бола ҳақида у ҳали дунёга келмасдан анча олдин, оила қуришга тайёргарлик кўрилаётган пайтдан бошлаб қайғура бошлайди.

“Талхис” номли китобда Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади:

“Сизлар ўз нутфангизга муносиб жуфти ҳалолни ихтиёр қилинглар. Ўзингизга муносибларга никоҳланинг ва уларга никоҳлаб беринг” *(Ибн Можа ва Дорақутний)*.

Оила қурилар экан, ота-онанинг диндорлиги, ахлоқи, одобига, инсонийлигига алоҳида эътибор берилади. Чун-

ки улардаги хислат, фазилатлар ҳам, ёмон одатлар ҳам болага кўчиши исбот талаб этилмайдиган ҳақиқатдир.

3. Эмизиш.Туғилган фарзанд аввало эмишга муҳтож. Бу эса онасининг вазифаси. Шаръий узр сабабли она эмиза олмаса, эмизувчи топиш ва уни рози қилиш отанинг иши ҳисобланади.

4. Боланинг ота-онадаги ҳақларидан бири унга муносиб исм танлашлари, яъни фарзандга маънодор, чиройли исм қўйишдир.

5. Ақиқа ҳам боланинг ота-онадаги ҳақларидандир.

“Ақиқа” луғатда “ёрди” маъносини англатиб, аслида, янги туғилган боланинг сочига айтилади.

Шариат таълимотларига мувофиқ, туғилишнинг еттинчи куни боланинг сочини олиб, ўша соч оғирлигида кумуш садақа қилмоқ тавсия этилади.

Соч бошдан ажратиб олингани учун, бу маросим “ақиқа” дейилади.

Истеъмолда шу маъно кўп ишлатилиши боис “ақиқа” деганда, янги фарзанд туғилиши муносабати ила сўйиладиган қўй ҳам тушуниладиган бўлиб қолган.

6. Янги туғилган боланинг қулоғига азон ва такбир айтиш.

عَنْ أَبِي رَافِعٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ أَذَّنَ بِالصَّلاةِ فِي أُذُنِ الحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ حِينَ وَلَدَتْهُ فَاطِمَةُ

Абу Рофиъдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади:

“Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Фотиманинг (розияллоҳу анҳо) туққан боласи Ҳасан ибн Али қулоғига намознинг азонини айтаётганларини кўрдим” *(Абу Довуд ва Термизий)*.

7. Янги туғилган боланинг танглайини кўтариш.

Кўпчилик саҳобалар ўзларининг янги туғилган фарзандларини Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига олиб борар эдилар. Ул зот (алайҳиссалом) ёш болаларни кўрсалар, ўта ҳурсанд бўлар

эдилар. Кўпинча ҳурмо билан янги туғилган боланинг танглайини кўтарар ва унга исм қўяр эдилар.

8. Ҳомийлик. Бола етти ёшга киргунча бировнинг ҳимоясига муҳтож. Яъни овқатланиш, кийиниш, ювиниш ва бошқа ҳолатларда доимо катталарнинг ёрдамига муҳтожлик сезади. Бу ишларни унинг ота-онаси, улар бўлмаса яқин қариндошлари амалга оширишлари вожибдир.

9. Валийлик. Етти ёшдан балоғат ёшига етгунча бўлган болалар валийга, ўзидан катта раҳбарга муҳтождирлар. Бу ҳам, агар ота-она бўлмаса, яқин қариндошларига юклатилади.

10. Нафақа. Болаларни озиқ-овқат, кийим кечак, турар-жой билан таъмин этиш отанинг бурчидир. Бу нарсалар ҳалол-пок бўлиши талаб қилинган.

11. Болага меҳрибонлик кўрсатиш ота-она вазифасига киради.

12. Болалари орасида адолат қилиш ҳам ота-она вазифасидир.

13. Балоғатга етганидан сўнг уйлантириб, оилали қилиб қўйиш ва шунга ўхшаш баъзи ишлар ҳам ота-оналарнинг бурчлари ҳисобланади.

14. Тарбия ҳақи ҳам фарзандлик ҳақларидандир.

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий ота-она ҳақига нозил бўлган оятларнинг тафсирида айтадилар: «Ким ўз ота-онасини беш вақт намоздан сўнг дуо қилиб юрса, демак, у ота-онаси ҳақларини адо қилган бўлади».

Фарзанд зиммасида, айниқса, онанинг ҳақи улуғдир. Чунки она фарзандини тўққиз ой қорнида кўтариб юради, туғилгач, бор меҳри, куч-қувватини бағишлаб, уни боқади, кечалари неча бор туриб, уни эмизади, оқ ювиб, оқ тарайди, шодлигида севинади, ғамга ботса, баравар қайғуради, тоби қочса, биргаликда дардини тортади, қўйинг-чи, бутун борлиғини фарзандига бахшида қилади. Шундай бўлгач, фарзанд бир умр она ҳақини адо қилишга тиришса ҳам, бунинг уддасидан чиқолмайди.

Ривоят қилишларича, Абдуллоҳ ибн Умар Маккаи мукаррамада онасини елкасида опичлаб, Каъбани тавоф қилдириб юрган бир яманлик кишини кўриб қоладилар. У киши Ибн Умардан: «Энди онамнинг ҳақини адо қилолдимми?» деб сўраганида, Ибн Умар: «Йўқ, бу билан бир марталик тўлғоқдаги машаққати ҳақини ҳам адо қилолмадинг», деб жавоб берганлар.

Ҳадисларда ривоят қилинишича, бир киши Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кимга яхшилик қилай?» деб сўраганида, уч мартагача «онангга» деб жавоб берганлар ва тўртинчисида «отангга ва яқин қариндошларингга», деганлар.

Оналар ана шундай улуғ ва мукаррам зотлардир. «Жаннат оналар оёғи остидадир» деган ҳадиси шарифга мувофиқ, фарзандларимизга кичиклигиданоқ оналарни ҳурматлашни, айтганларини сўзсиз бажаришни, яхши муомалада бўлишни ўргатиш лозим.

Оиланинг муаллимаси она бўлса, унинг посбони ва устуни отадир. Фарзандга отадай меҳрибон, отадай ғамхўр киши йўқ. Фарзанднинг дунёга келиб, ҳаётда ўз ўрнини топишида унинг алоҳида хизматлари бор. Ота оилани моддий жиҳатдан таъминлайди: оиласи, фарзандлари яшаши учун уй-жой ҳозирлайди, устларига либос топади, емак-ичмаги пайидан бўлади. Таълим-тарбияси билан шуғулланади, уйлаб-жойлайди. Борингки, ҳар бир оиланинг равнақи ва камоли йўлида энг кўп жон куйдирадиган киши отадир.

Оталар фарзандларининг чин инсон бўлиб улғайишлари, таълим-тарбия олишлари, касбу ҳунар ўрганишлари йўлида жонларини, молларини, куч-ғайратларини сарфлашади. Ўғил-қизларининг ахлоқ-одобини, илм-салоҳиятини ўнглашади. Фарзандга келган бало-қазоларга кўксиларини қалқон қилишади. Шунинг учун уларнинг бу хизматларини билиш ва қадрига етиш, бунинг шукронаси учун уларга итоатда бўлиш, фарзандлик бурчини ўташга ҳамиша шай туриш лозим. Чунки адолат ме-

зони уларнинг бу ғамхўрлик ва хизматларини муносиб тақдирлашни тақозо этади.

Бир куни келиб кечагина навқиронлик ва бақувватликдан масрур юрган ота кексайиб, қадди дол бўлади. Соғлиғидан путур, кўзларидан нур кетади, ҳар ишда бошқалар ёрдамига муҳтож бўлиб қолади. Ҳаёт қонунига кўра, кечаги ожиз ва нотавон фарзанд бугун улғайиб, куч-қувватга тўлади, ақли, фикри, иқтидори юксалади. Ана шундай пайтларда фарзандлар оталаридан инсонлик қарзларини узишлари, яъни чиройли муомала қилишлари, улар шаънига доғ туширмайдиган, муносиб инсонлар бўлишлари, қўлларидан келганича ёрдам беришлари керак бўлади.

Қуръони каримнинг бир неча ояти карималарида ота-оналарга яхшилик қилиш буюрилган. Аммо айрим ёшларимиз бу илоҳий амрни унутиб қўйишяпти. Яшириб нима қилайлик, орамизда оталарига қўпол, ёмон муомалада бўладиганлар, илтимосларини бажаришни «эсдан чиқариб» қўядиганлар ҳам бор. Уларнинг дилини оғритадиган, ўзининг ёмон хулқи билан эл орасида отасини шарманда қиладиган, отага ҳатто қўл кўтаришгача борадиган нобакор фарзандлар ҳам учраб туриши сир эмас. Энг ачинарлиси, баъзи ноқобил ўғил-қизлар бойлик ва имкониятлари бўлгани ҳолда, оталари кексайиб, мадад ва далдага муҳтож бўлиб қолганларида уларни эъзозлаб парваришлаш ўрнига ё қаровсиз ташлаб қўйишади, ё қариялар уйига жўнатишади. Кексайган оталарининг хонадонга келтирадиган баракотларидан манфаатланиш, дуоларини олиш ўрнига, аксинча, дийдорига зор қилиб, хўрлашади. Бу борада Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қиладилар: «Оталарингизни ҳурматлаб, уларга яхшилик қилинглар, фарзандларингиз ҳам сизларга яхшилик қилишади».

Доно халқимизда «ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин», «нима эксанг, шуни ўрасан», «ота рози – Худо рози» каби ажойиб ҳикматлар бор. Оталар кўнглини топиш,

ҳамиша хизматига шай бўлиш, ҳадялар бериб, хурсанд қилиш, ҳар жабҳада улар розилигини топиш фарзандниng асосий бурчларидандир.

Фарзанд ота-онага қанча яхшилик қилмасин, ўзининг дунёга келишига сабабчи бўлган зотлар мукофотини ҳеч вақт адо эта олмайди. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Бола отаси мукофотини қайтара олмайди, фақат отаси қуллик азобида юрган бўлса-ю, фарзанд уни сотиб олиб, озод қилсагина мукофотини қайтарган бўлиши мумкин».

Солиҳ аждодларимиз оталарга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишда, уларни рози қилиб, фарзандлик бурчларини шараф билан ўташда авлодларга ибрат ва намуна бўлишган. Умар ибн Зар айтади: «Агар кундузи юрсам, ўғлим одоб юзасидан ортимда келар, кечаси эса менга бирон озор етишидан қўрқиб олдимда борар, мендан юқорида бўлмаслик учун ҳатто мен турган уй томига ҳам чиқмас эди».

Фазл ибн Яҳё Бармакий отаси билан тутқунликда турганида ҳаво совуқ бўлиб, эрталабки изғиринда таҳорат олишга отанинг тоқати етмас эди. Шунда ўғли Фазл сувли идишни иситиш учун эрталабга қадар ухламай, чироқ ёнида ушлаб ўтирар ва илигач, отаси таҳоратига берар эди.

Имом Товус айтади: «Тўрт тоифа инсонларни ҳурмат қилиш суннатдир: олимни, оқсоқолни, султонни ва отани. Кишининг ота исмини айтиб чақириши қўпол-ликдир».

Ота-онанинг, айниқса, оталарнинг фарзанд зиммасидаги ҳақлари ўта муҳим ва эътиборга лойиқдир. Шунинг учун ҳар бир фарзанд ҳамиша ота кўнглини олиш, дуоларига сазовор бўлиш, хизматларида камарбаста туриш, яхши ишлари, ҳадялари билан хурсанд қилиш пайида бўлиши лозим. Яхши фарзандлар эса бундай яхшиликларни ота вафотидан кейин ҳам давом эттиришади,

дуо ва истиғфорда бардавом бўлишади, унинг дўст ва ақраболарини йўқлаб туришади, солиҳ амаллари билан шаънини пок сақлашади.

ОДОБ – БОЛАНИНГ КЎРКИ

Болалик чоғимизда катталар сўзлаб берган эртакларнинг қаҳрамонлари дев, ялмоғиз ёки алвасти каби қўрқинчли махлуқлар олдига кирганда салом беришар, бунга ўша махлуқлар: «Агар саломинг бўлмаганида, икки ямлаб, бир ютар эдим», деб жавоб қайтаришарди. Ўша эртакларда бир жойга албатта салом билан кириш зарурлигига нега бунчалик урғу берилганининг сабабларини улғайгачгина тушундик. Шунинг учун бола эсини таниши билан учраган таниш-нотанишга салом беришини талаб қилинг. Чунки саломлашиш инсонлар одобининг боши, танишув муқаддимаси, мусулмон киши ахлоқининг асосий шартларидан биридир.

Ҳар бир ота-она фарзандига тарбия-одоб берар экан, энг аввало саломлашишни ўргатсин. Чунки салом бериш Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) суннатларидандир, унга алик олиш эса вожибдир. Жаҳонда одобнинг бу жиҳатига эътибор бермайдиган бирор миллат ёки халқ йўқ. Доно халқимиз бежиз: «Гапнинг боши – калом, одоб боши – салом», демаган. Чунки бирор нотаниш киши билан кўришиб-танишмоқчи бўлсангиз, салом беришингиз билан гап-гапга қовушади, ўртадаги бегонасираш, ноқулайлик барҳам топади. Ҳатто мухолифингиз ҳузурига «Ассалому алайкум» (Сизга тинчлик-омонлик бўлсин) деб кирсангиз, унинг жаҳли тушади, кеки йўқолади, кўнгли сизга мойиллашади. Саломлашишнинг савоби, бунга бериладиган ажр-мукофотларку, ҳаммасидан ҳам юксак.

Ота-боболаримиз азалдан ўғил-қизларнинг чиройли хулқли, одобли бўлишига катта аҳамият беришган. Чунки Ислом дини ахлоқни имон қаторида қўяди. Ҳамма замонларда, ҳамма ўлкаларда яхши хулқли, олижаноб,

ширинсўз, ҳалим инсонлар жамиятнинг кўрки, одамларнинг аълоси бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Айниқса, Шарқ олами бу борада бутун инсониятга ибрат-намуна бўлган.

Олий хулқ соҳиби бўлмиш Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) эргашган инсонлар Яратганнинг ҳукмларига бўйсуниб, хулқларини тузатишган, яхши фазилатлар соҳиби бўлишган. Оилада, яқинлар даврасида, одамлар билан муносабатларда комил одобларини намойиш қилишган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) умматни ҳусни хулқ, одобли бўлишга тинмай чақирганлар. Бу мавзуда жуда кўп ҳадиси шарифлар ривоят қилинган:

«Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин! Кичикни ҳурмат қилмаган, кексанинг қадрига етмаган биздан эмас».

«Одамларга таом беринглар ва ширинсўз бўлинглар».

«Яхшиликни чеҳралари очиқ, хушрўй одамлардан кутинглар».

«Дин чиройли хулқ ва ғазаб қилмасликдир».

«Сизларнинг энг яхшиларингиз хулқ-атвори яхши бўлгани ва хотинларига яхши муомала қилганидир».

«Дўст-биродарларига қовоғини солиб қарайдиган кишиларни Аллоҳ ёқтирмайди, У ҳар ишда мулойимликни яхши кўради».

«Яхши инсонлар гўзал хулқлари билан кечаси ибодат қилганлар ва кундузи рўзадор бўлганлар даражасига эришишади».

«Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига севимли бўлган икки хислат бор: булар мулойимлик ва вазминликдир».

«Одамлар билан хуш муомалада бўлинглар, уларга қаттиққўллик қилиб, беҳаё сўзламанглар».

«Ўзини камтарин олиб юрувчи, ҳалол касб қилувчи, қалби пок, кўриниши ёқимли, одамларга зарар етказмайдиган, хайр-эҳсон қиладиган, беҳуда гапдан ўзини тиядиганлар инсонларнинг энг яхшиларидир».

Ҳар бир ота-она ана шу кўрсатмаларга биноан боласини чиройли хулқ эгаси қилиб тарбияласин, унга одоб ўргатсин. Чунки яхши хулқ инсонларни бир-бирига улфат қилади, ёмон хулқ уларни ажратиб ташлайди. Яхши хулқ муҳаббатни, ҳамкорлик ва муросани тақозо этса, ёмон хулқ нафрат, ҳасад ва келишмовчиликларга сабаб бўлади.

Ваҳб ибн Мунаббаҳ айтади: «Ёмон хулқнинг мисоли худди синган сопол идишга ўхшайди, уни ямаб ҳам, лойга қайтариб ҳам бўлмайди».

Фузайл ибн Иёз эса: «Чиройли хулқли фожир (ярамас) кимсанинг менга ҳамсуҳбат бўлиши ёмон хулқли обид (ибодатли) киши суҳбатидан яхшироқдир», деган.

Умар ибн Хаттоб: «Инсонларга чиройли хулқлар билан аралашинглар. Улардан яхши амаллар билан ажралиб туринглар», деб айтганлар.

Али ибн Абу Толиб: «Ҳусни хулқ уч хислатда бўлади: ҳаромлардан сақланишда, ҳалолни исташда ва оилани фаровон қилиб қўйишда», деганлар.

Ҳасан Басрийнинг бундай сўзлари бор: «Ҳусни хулқ очиқ юзли бўлиш, молни сарфлаш ва азият беришдан ўзини тийишдир».

Саҳл Тустарий айтадики: «Ҳусни хулқнинг энг ози азиятларни кўтариш, товон (пули)ни тарк этиш, золимга ҳам раҳм қилиш ва унга истиғфор айтишдир».

Ёшлар тарбияси ҳақида сўз борар экан, уларга тегишли умумий одоб-ахлоқлар ҳақида Имом Ғаззолий айтган сўзларни нақл этишни лозим топдик: «Ёшлар тилла тақинчоқ ва турли зебу зийнат тақмасликлари лозим. Улар ўтириш, туриш, салом бериш одобларига риоя этишлари, ўзларидан катталар ҳузурида оёқларини чалиштириб ўтирмасликлари, сергап ва сўкувчи бўлмасликлари, беҳаё сўзларни айтмасликлари, хусусан, ёмон хулқли тенгдошларига аралашишдан эҳтиёт бўлишлари керак («Иҳё…» китоби, 3-жуз, 70-бет).

Ҳусайн Воиз Кошифий бундай ёзади: «Гўзал феълатвор, яхши хулқ нишонаси ўнтадир: яхшилик қилиш,

инсофли бўлиш, бошқа одамдан айб қидирмаслик, ножўя ҳаракат қилаётганни тўғри йўлга бошлаш, айбига иқрор бўлганнинг узрини қабул қилиш, ўзгалар машаққатини зиммага олиш, фақат ўз манфаатини кўзламаслик, очиқ юзли ва ширин сўзли бўлиш, муҳтожлар ҳожатини чиқариш, мулойим ва тавозели бўлиш».

Подшоҳ Анушервон доно вазири Бузургмеҳрдан: «Мулойим кишининг белгилари қайсилар?» деб сўраганида, вазири: «Мулойим кишида учта нишона бўлади: биринчиси – юзсиз, бадфеъл кишилар қўпол сўзласа ҳам, у яхшилик қилаверади; иккинчиси – қаҳр-ғазаби аланга-ланганида ҳам, тишини тишига босади; учинчиси – бир кишидан зиён етса-ю, жазо беришга қодир бўлса ҳам, аччиғини ютади», деб жавоб қилди.

Луқмони ҳакимдан: «Сен ўзинг кўрган иллатлар ва айблардан қай бирига даво топа олмадинг?» деб сўрашибди. У: «Мен барча иллатларга ҳикмат юзасидан даво топдим, аммо даволай олмаганим бадфеъллик бўлди», дея жавоб қайтарган экан.

Суқрот ҳакимнинг бундай сўзлари бор: «Ҳалол меҳнат, муҳтожларга ёрдам, ғазаб вақтида ёмон сўзлардан тилни ва бировга озор беришдан қўлни тийиш, камчиликни битириб ҳамда ёмон хулқ-атворни тузатиб, гўзал ахлоқ соҳиби бўлиш энг яхши фазилатлардир».

«Тўғри йўлдан оғишмаслик, инсофли-адолатли бўлиш, нафс орзусига қарши бориш, олим-фозиллар билан суҳбат қуриш, катталарга ҳурмат ва кичикларга шафқат қилиш, самимий дўстлар маслаҳати билан иш тутиш, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш эзгуликнинг маъданидир», деган улуғ ҳакимимиз Абу Али ибн Сино.

Юсуф ибн Асботнинг айтишича, «Ҳусни хулқнинг аломати ўн хислатдадир: ўзгалар билан ихтилофга бормаслик, чиройли инсоф, бировларнинг тойилиб кетишини истамаслик, бошқаларнинг билинган камчилигини яхшиликка йўйиш, узр сўрай олиш, азиятларга чидаш, нафсини тергов қилиб туриш, ўзганинг эмас,

ўз айбини билиш, каттаю кичикка бирдай очиқ юзли бўлиш, ўзидан юқори ёки паст кишига ҳам мулойим сўзлаш».

Ҳикоя қилишларича, Ардашер Бобак юртини адолат зийнати билан безаган эди. Бир куни у ўғлининг ғоятда қимматбаҳо кийимлар кийиб олганини кўрди. Уни олдига чақириб: «Ўғлим, киши шундай либос кийсинки, бундай либос ҳеч бир хазинада бўлмасин», деди. Ўғли ундан: «Эй ота, у қандай либос, нимадан тикилади?» деб сўради. Отаси унга: «У шундай либоски, матоси яхши хулқ ва яхши ишдир, ипи эса муроса ва сабрдан бўлади», деб жавоб берди.

Фарзандининг чиройли одобидан умид қилган ота-она уни мунтазам равишда ҳусни хулқ асоси бўлган муомала одобининг қуйидаги қирралари билан таништириб борсинлар:

Фарзандингиз одамлар билан муомалада ширинсўз, мулойим, босиқ, ҳалим ва камтар бўлишга ҳаракат қилишига эътибор қаратинг. Болангизни кичикларни иззат-икром, катталарни ҳурмат-эҳтиром қилишга ўргатинг.

У одамлар билан яхши муносабат ўрнатсин, қўпол ва беҳаёларча сўзлаб, дилларни оғритмасин. Чунки инсонларнинг энг яхшиси муросага осон келадиган, қалби пок, ортиқча гап-сўзлардан ўзини тиядиган кишилардир.

Одамлар хурсандчилигини баҳам кўриш, ғам-андуҳидан қайғуриш, мол-мулкига хиёнат қилмаслик, яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтариш ҳусни хулқ эгаларига хос фазилатлардандир. Шунинг учун фарзандингизга болаликдан ана шу хислатларни сингдириш пайида бўлинг.

Фарзандингизга ўзгалар билан муомала чоғида бошқаларни ғийбат қилиш, ҳасадгўйлик, суҳбатдошини камситиб, камчилигини юзига солиш, ўзгаларни менсимай-паст назар билан қараш, обрўйи, бойлиги ёки мансабига қараб муомала қилиш ҳам одобсизлик эканини яхшилаб тушунтиринг.

Шунингдек, ёши улуғ кишилар, устозлар, илм аҳллари билан муомалада уларнинг кўзига тик боқмай, гапларини жим тинглаш, саволларигагина жавоб қайтариш, амрларини сўзсиз бажариш, хизматларига шай туриш ҳам ёшларга ярашиқли одобдандир. Шу боис уларни болаликданоқ ана шу одобларга ўргатиб боринг.

ПОКЛИК ИМОНДАНДИР

Ислом дини поклик, тозалик динидир, поклик имондандир, деб таълим беради. Шунинг учун фарзандларимизни болаликдан покликка, озодаликка ўргатишимиз керак бўлади. Аллоҳ таоло пок бандаларини яхши кўришини бир неча ўринларда зикр қилиб ўтган. Жумладан:

فِيهِ رِجَالٌ يُحِبُّونَ أَن يَتَطَهَّرُوا۟ ۚ وَٱللَّهُ يُحِبُّ ٱلْمُطَّهِّرِينَ ﴿١٠٨﴾

«Унда покланишни хуш кўрадиган кишилар бор. Аллоҳ эса покланувчиларни севар...» *(Тавба, 108)*.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қиладилар:

تَنَظَّفُوا فَإِنَّ الْإِسْلَامَ نَظِيفٌ

«Пок бўлинглар, зеро, Ислом покликдир» *(Муслим ривояти)*.

Бошқа бир ҳадисда эса:

اَلنَّظَافَةُ تَدْعُو إِلَى الْإِيمَانِ وَالْإِيمَانُ مَعَ صَاحِبِهِ فِي الْجَنَّةِ

«Поклик кишини имонга чақиради. Имон эса, ўз эгаси билан жаннатда биргадир», дейилган *(Табароний ривояти)*.

Имом Ғаззолий (раҳимаҳуллоҳ) бундай деганлар: «Киши зоҳирий нопокликлардан сақланиш билан бирга, ботинини ҳам пок тутиши лозим. Чунки ботиний иллатлар кишини нафақат бу дунёда ҳалокатга бошлайди, балки охиратда ҳам аламли азобга дучор бўлишига олиб бора-

ди. Покликни истовчи қалб гўё бир ошиён, фаришталар қўнадиган макон. Гина, ҳасад, кибр, ғараз, ғазаб каби касалликлар билан иллатланган қалбда фаришталар қандай қўним топсинлар!»

Аллоҳ таоло яна марҳамат қилади:

وَثِيَابَكَ فَطَهِّرْ ﴿٤﴾

«Либосларингизни покланг» *(Муддассир, 4)*.

Болаларимизга кичиклигиданоқ кийимларини пок, тоза тутишни ўргатайлик. Чунки либос инсон зийнати ҳисобланади.

Боланинг маънавий олами пок бўлиши унинг ташқи оламининг поклашига бевосита боғлиқдир. Демак, ота-она унинг халқумидан ўтаётган ҳар бир нарсага жиддий аҳамият бериши лозим.

Болаларимизнинг соғлом ва баркамол вояга етишлари ҳам кўп жиҳатдан уларнинг ҳамиша тоза, пок юришларига, бу борадаги исломий талабларни яхши билиб олишларига асосланади. Одобимизда инсонларнинг ҳамма соҳада тоза, покиза бўлишларига алоҳида эътибор берилган. Сабаби, покиза одамдан ифлослик, разиллик чиқмайди, поклик яхши инсонликнинг кўзгусидир. Агар инсон кир-чиркинликлардан тозаланиб юрса, бу борадаги одобларимизга риоя қилса, гўзаллик ва саломатликнинг энг олий даражасига эришади. Кир-чир, исқирт ҳолда юрувчи, тозаликка эътибор бермайдиган боладан ҳамма ўзини олиб қочиши турган гап. Шу боис фарзандларимизни тоза, пок юришга, эрталаб уйқудан турганда ва ётаётганда юз-қўлларини ювишга, таҳорат ва ғусл олишга, бадани ва тана аъзоларини ҳамиша пок, кийимларини, ўрин-жойларини тоза тутишга гўдакликданоқ одатлантириб бориш зарур.

Шарқона одоб талабларига кўра, комил инсонлар ҳаётда ҳамиша ювинган (таҳорат олган), тоза кийимлар кийган ҳолда, тирноқ, соч-мўйлабларини ўстириб юбормай, уятли жойларини яшириб юришлари лозим. Ҳар куни камида икки марта – эрталаб ва кечқурун тишларни мис-

вок (махсус тозалаш воситаси) ёки тиш чўткаси ёрдамида тозалаш ҳам одобнинг асосий шартларидандир.

Болаларнинг ҳар ҳафтада камида бир марта, асосан жума кунлари, байрамларда, ўсмирлик пайтида уйқусида булғаниб қолганида баданларининг ҳамма ерига сув етказиб чўмилишлари (ғусл қилишлари) талаб этилади. Амалий ва тиббий тажрибалардан маълум бўлишича, бундай ювиниш одамни турли ифлосликлардан тозалабгина қолмай, куч-қувватни тиклаш ва тетиклаштиришга ҳам хизмат қилади.

Болаларимизга ҳожатхонага кириб-чиқиш тартиб-қоидаларини ҳам ўргатиб қўяйлик. У жойга кираётганда шайтон ёмонликларидан паноҳ тиланади, қиблага қараб ёки орқа ўгириб ўтирилмайди, бошяланг, ялангоёқ кирилмайди, у ерда гапириш, бирор нарса ўқиш мақбул эмас. Сув ва сув ёқасига, ернинг ёриқ жойларига, жониворлар уясига, дарахт остига, ахлатхона ёки қабристонларга ҳожат ушатилмайди. Ҳожат ушатиб бўлингач, кесак ёки махсус чиқарилган қоғоз билан тозаланиш, иложи борича, чап қўл ёрдамида сув билан ювиб ташлаш лозим. Айниқса, сийдик қолдиқларининг кийим ёки баданга тегишидан эҳтиёт бўлиш керак. Турли битикли қоғозларни, яроқли мато, тоза пахта, тезак, суяк кабиларни тозаланиш мақсадида ишлатиб бўлмайди.

Фарзандимиз балоғатга ета борар экан, унинг мўйлов ва соқоллари ўса бошлайди. Мўйлабнинг лаб четида ўсиб кетиши ғайридинлар одати бўлгани учун уни узайтириб юбормай, қисқартириб туришни тайинланг. Киндикости туклари деганда жинсий аъзо ва орқа йўл атрофидаги туклар назарда тутилади ва улар кетказиб (қириб ёки юлиб) тозаланади. Қўлтиқ ости тукларини ҳам ўсиши билан юлиб, бунга чидамаганлар эса қириб тозалашади.

Тирноқни ўстириб юриш одобимизга хилоф бўлгани учун, уни ўсган заҳоти олиб турган маъқул. Тирноқларини ўстириб, унга ҳар хил бўёқ ва ишлов бериш айрим қизлар ўйлаганидай, мутлақо зийнат саналмайди.

Фарзандингизнинг қулоқ бурмалари, бурун катаклари, киндик чуқурлари, кўз қовоқлари каби одатда баданнинг кир тўпланадиган барча бўғинларини ҳамиша тозалаб туришига эътибор қаратинг. Поклик ва ёқимли ҳидни йўқотмаслик учун ана шу жойларни мунтазам ювиб туриш лозим.

Одобимизда оғиз ва тишларни тозалашга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирги замонавий тиш тозалаш чўткалари 1806 йилдан бошлаб урфга кирган бўлса, аждодларимиз минг йиллардан буён арок деган дарахтнинг шохларидан махсус ясалган восита (мисвок) ёрдамида оғиз-тишларини тозалаб юришган. Мисвок оғиз-тишни тозалабгина қолмай, уни хушбўй қилади, кайфиятни яхшилайди, милк ва тиш касалликлари олдини олади, кўзни равшан қилади, овқат ҳазмини яхшилайди, турли микробларни ўлдиради. Фарзандингизга мисвок ёки тиш тозалаш чўткасидан фойдаланишни ўргатинг, эрталаб ва кечқурунлари бу ишини назорат қилиб боринг.

Киши сочини парваришлаши, ўз вақтида ювиб-тозалаши, тараб-ўриши лозим.

Болаларингизга тозалик ва поклликка доир ушбу қоидаларни сингдирсангиз, фойдадан холи бўлмайди: уйқудан турган бола уч марта ювмагунича ҳеч нарсага қўлини урмасин. Ичимлик ичаётганида идиш ичига нафасни туширмаслик, синиқ, дарз кетган ёки лаби учган идишларда емаслик ва ичмаслик лозим, чунки бунда унинг ичига микроблар тушиши ва касаллик қўзғаши мумкин.

Шунингдек, уй, ҳовли ва ишхоналарни ҳамда уларнинг атрофини тоза тутиш, ахлатларни кўчага, одамлар юрадиган жойларга ташламаслик, умуман, ахлатни тўпламаслик ҳам одобга киради.

Уй ичини, идиш-товоқларни, жиҳозларни тоза сақлаш ҳақида фарзандларингизга тушунча беринг. Уст-бош, соч-соқолнинг, хусусан, кўйлаклар ёқасининг покиза бўлишига алоҳида эътибор бериш, одамлар орасида озода-тартибли юриш талаб этилади.

ХАТОЛАРНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ

Ҳозирги пайтда дунёнинг кўп мамлакатлари аҳолиси оила инқирозга учрагани, фарзандлар тарбияси батамом издан чиққани, катталар ва болалар ўртасидаги муносабатлар аслий ўзанидан четга чиқиб кетгани азобини чекяпти. «Оталар ва болалар ихтилофи» деган сохта муаммолар ўйлаб топилиб, тарбия соҳасидаги хатоларни хаспўшлашга ҳаракат қилиняпти. Бу аҳволни тузатиш борасида қанчалаб тадқиқотчилар, олимлар ва сиёсатчиларнинг бошлари қотган.

Шарқ оилаларида эса бу муаммонинг бўлиши мумкин эмас. Чунки бизда болалар кичиклигиданоқ каттаоларни ҳурмат қилиш, уларнинг айтганига қулоқ солиш, гап қайтармаслик, ҳар бир ишда маслаҳат сўраш руҳида тарбия қилинади. Одобимизда ота-она чақирганда ҳар қандай ишни ташлаб, «лаббай» деб бориш, нима буюришса ҳам «уф» тортмай бажариш, қариб ёрдамга муҳтож бўлишганида ҳар томонлама меҳр-муҳаббат кўрсатиш, ҳатто даврада улардан юқорига чиқмаслик, берухсат сўзламаслик, кўчада олдиларига тушиб юрмаслик талаб этилади.

Ислом ахлоқида «Боланинг ўзи ҳам, моли ҳам отаникидир», деган ажойиб қоида бор. Бу агар ота муҳтож бўлиб қолса, фарзанди топган мол-мулкдан бемалол, ҳатто сўраб ўтирмай фойдаланишга ҳақли, деганидир. Айни пайтда бу, ота ўзи етарли мол-дунёга эга бўлгани ҳолда, мазкур қоидани рўкач қилиб, ўғлининг бор-будини тортиб олсин, дегани эмас.

Исломий оилаларда улғайган фарзандлар қариб-қартайиб, моддий ва маънавий ёрдамга мухтож бўлиб қолганларида, иншааллоҳ, тиланчилик қилиб ёки ахлат титиб емиш излашга мажбур бўлишмайди. Бошпанасиз қолиб кўчаларда, деворлар тагида тунаб юришмайди. «Қариялар уйлари»да, болаларини соғиниб яшашга маҳкум бўлишмайди.

Яхши, одобли фарзандлар ота-оналарини ҳамиша бошга кўтаришади, айтганларини муҳайё этишади, иззат-икром қилиб, дуоларини олишади. Чунки бу «қайтар дунё» эканини яхши билишади – ота-онага қилган яхшиликлари эртага ўн чандон бўлиб фарзандларидан ўзларига қайтишидан умид қилишади, ёмонлик қайтиб қолмаслиги чораларини кўришади.

Фарзандига болалигидан яхши тарбия беролмаган, бу муҳим ишга бефарқ қараган оилаларда эса ҳамиша бир муаммо: фарзанд ота-онага умуман буйсунмай қўйган: «али» деса, «бали» дейди, айтганига кирмайди. Айрим фарзандлар эса ота-онани сўкиш у ёқда турсин, ҳатто қўл кўтаришгача борган. Бировининг боласи ичкиликка ёки гиёҳвандликка мубтало. Яна кимнингдир ёлғиз фарзанди ўғирлик ёки бошқа бир жиноят қилиб қамалган. Яна бири ота-онасининг умр бўйи йиғиб топган молдунёсини қиморда ютқазиб қўйган...

Хўш, ўзимизга бир савол берайлик: «Бу аянчли воқеаларда ким айбдор?» Айбни она сути оғзидан кетмаган ёшларга ёки кўча муҳитига тўнкаб қўя қолса ҳам бўлади. Ёки айримларга ўхшаб буни мактаб муаллимларининг масъулиятсизлигига йўйиш ҳам мумкин. Ёхуд баъзилар каби «ҳа, энди замона бузилиб кетди-да» қабилидаги надомат-тасалли билан овунса ҳам бўлади.

Аммо шуни очиқ тан олиш керак, бола билан ота-онанинг муросаси бузилишига кўп жиҳатдан катталарнинг ўзлари айбли. Улар фарзандларини ёшлигида эркалатиб юборишган. Нима сўраса, айтгани дарров муҳайё, илтимосини ўйлаб ҳам ўтирмай, бажо қилишган. Гапи рад этилмай улғайган бола катта бўлгач ҳам ана шу кайфиятида қолади. Лекин ота-она қўл қисқалигиданми ёки бошқа сабабдан унинг тинмай ошиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондира олмай қолса, улар ўртасида аввал можаро, кейинроқ катта жанжал ва ўнгланмас зиддиятлар келиб чиқаверади.

Баъзан йиғин ва давраларда суҳбатдошларнинг бола тарбиясига оид баҳс-мунозараларини эшитишга тўғри келиб қолади. Фарзандлар тарбияси яхши бўлишининг омилларини ҳар ким ўзича шарҳлайди. Кимдир улуғ муаллимлар тажрибасига кўра тарбия беришни тавсия этади. Бошқаси ота-она аввало ўз ибрати билан тарбиялаши лозим, деб ҳисоблайди. Биров боғча ва мактабдаги тарбия тизимини фойдали санаса, яна кимдир болани ёмон улфат ва муҳитдан ҳимоя қилишни асосий масала, деб билади. Лекин кўпчилик боланинг солиҳ, эс-ҳушли, тарбияли, итоатгўй бўлиб улғайишининг бош сабаблари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Айтилган бу омиллар ҳам керак, лекин аввал таъкидлаганимиздек, болангизга ҳали туғилмасидан олдин ҳалол-пок луқма бермас экансиз, унинг яхши тарбия топишидан умид қилмасангиз ҳам бўлади. Ҳаром йўллар билан топилган луқма еб катта бўлган болани ҳар қандай улуғ тарбиячи энг замонавий таълимот асосида тарбияламасин, кўзланган мақсадга эришиш амримаҳол! Аксинча, ҳалол нафақа билан улғайган болани тарбиялаш осон кечади, бундай оилаларда ҳеч қачон «авлодлар ихтилофи» деган шармандали вазият юзага келмайди.

Ўспиринлик инсон феъл-атвори ва руҳияти шаклланадиган асосий давр бўлиб, айни шу пайтда болаларга алоҳида аҳамият бериш лозим. Жумладан, ёшларнинг солиҳ кишилар билан дўст-биродар бўлишларини таъминлаш зарур. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларининг бирида: «Яхши ҳамсуҳбат мисоли мушку анбар сотувчидир. Атридан олмаган тақдирингда ҳам, унинг хушбўй ҳиди димоғингни чоғ қилади. Ёмон ҳамсуҳбат эса бамисоли темирчининг босқонидир. У гарчи кийимингни куйдирмаса-да, тутуни димоғингни ачитади», деганлар.

Халқимизда: «Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар», деган нақл ҳам бор. Аллоҳ таоло мўминларни рост сўзловчи кишилар билан бирга бўлишга буюрган:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَكُونُواْ مَعَ ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿١١٩﴾

«Эй имон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва (имонда) **содиқ кишилар билан бирга бўлингиз!»** *(Тавба, 119)*.

Ҳадисда айтилишича, ростгўйлик инсонни доимо яхшиликка чорлайди. Онгида ростгўйлик, вафодорлик, фидойилик каби тушунчалар ўрнашган ёшлардан келажакда кўплаб хайрли ишлар кутиш мумкин. Ҳасан Басрий (раҳимаҳумаллоҳ) бир куни ёшлар тарбиясига эътиборни жалб қилиш мақсадида ҳамсуҳбатларига: «Эй кексалар! Экин пишиб етилганидан сўнг нима қилинади?» деб савол бердилар. «Ҳосили йиғиб олинади», дейишди. Шунда Ҳасан Басрий (раҳимаҳуллоҳ): «Эй йигитлар! Шуни билинглар, гоҳида экин пишиб етилмасидан олдин унга офат (касаллик) етиши мумкин», деб кишининг ўспиринлик даврини қандай ўтказиши унинг келажакда ким бўлиб етишувида муҳим ўрин тутишига ишора қиладилар.

Маълумки, ёшлик инсоннинг ақлий ва жисмоний ривожланиш даври бўлиб, айни шу паллада фарзандларимизни илмга ва касб-ҳунарга тарғиб қилишимиз лозим. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ёшликда ўрганилган илм тошга ўйилган нақш кабидир, кексаликда ўрганилган илм эса сувга ёзилган кабидир», деганлар.

Имом Табароний ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу): «Аллоҳ таоло ўз пайғамбарларига бу улуғ вазифани ақлан ҳамда жисмонан кучга тўлган ёшлик чоғларида инъом қилган, шунингдек, олимларга ҳам илм асосан ёшлик чоғларида берилган», деган.

Ҳаётда катталар ва болалар ўртасида маълум келишмовчиликлар, бир-бирини тушунмаслик, бир-бирига «ғайирлик» каби ҳолатларнинг бўлиши табиий. Чунки кўп ҳолларда уларнинг ёши ва ҳаётий тажрибаси борасидаги кескин фарқ «ўз ҳукмини ўтказиб» туради. Ота

ҳаётда эришган тажрибаси, мавқеи, билими доирасида фикр юритиб, боласидан ҳам шунга муносиб бўлишни талаб қилади. Бола эса ҳали ғўр, тажрибасиз бўлганидан отанинг насиҳатини ўз эркига тажовуз сифатида қабул қилади. Ота ўргатганларининг аксини бажаргиси келади. Фитратидан келиб чиқиб, отанинг хатосини у ҳам ўзи билмаган ва хоҳламаган тарзда такрорлашга мажбур бўлади. Отанинг ўз фарзанди «бу хатоларни такрорламаслиги учун» жон куйдириши самарасиз кетади. Бунда унинг жиғибийрон бўлгани ҳам, бошини чангаллагани, юрагини сийпагани ҳам иш бермайди.

Ёш ва замон орасидаги фарқ боис катталар ва болаларнинг дунёқараши, қизиқишлари, қадриятлари, турмушга муносабатлари ҳам турлича бўлиши табиий. Ҳатто кийиниш, муомала, овқатланиш каби оддий ҳолатларда ҳам икки томон кескин фарқланиши мумкин. Бир қарашда арзимас кўринган бу ҳолатлар ҳам баъзан тўқнашувлар омилига айланиб кетади.

Ҳеч эътибор берганмисиз, фарзандингиз сиз истагандай кийинмаслиги, сиз ёқтирган овқатни емаслиги, сиз берилиб эшитиб турган мусиқани хоҳламай, «бошқа шўхроғига олайлик», деб илтимос қилиши мумкин. Бу боланинг инжиқлиги ёки «бузилиб кетаётгани», ёхуд қайсарлиги ва итоатсизлиги белгиси эмас, балки унинг ёши ва у яшаётган давр билан боғлиқ ўзига хос эҳтиёжидир.

Кўпни кўрган қариялар, тажрибали кишилар билан суҳбатлашсангиз, бир нарсани такрор-такрор эслатишади: ҳамма даврда ҳам катталар ёшларнинг «бузилиб кетаётганидан, ҳаётни тушунмаслигидан, ёши улуғлар билан муносабатларда бетгачопарлик, қайсарлик қилишидан» нолиб ўтишади. Гап, албатта, «ҳа, бизнинг даврimиз бошқача эди, ёшлар одобли бўларди, катталардан ҳайиқиб турар эди» деган надомат тўла оҳангларда якунланади. Ёшларга қулоқ солсангиз, улар ҳам, ўз навбатида, катталарни қолоқликда, даврни ва ёшларни тушунмас-

ликда, ўз ҳукмини ўтказишга уринишда айблашади. Улар ҳам гапни «ҳозирги ёшларга қийин бўлаётгани» ҳақидаги таассуфлар билан якунлашади.

Тажрибалардан маълумки, фарзанд учун ота-онадан садоқатлироқ, улардан фидойироқ, меҳрибонроқ дўст ёки улфат топиш қийин. Ўғил ёки қизнинг бошига бир мусибат ёки бало келганида ҳамма ундан воз кечиб ёки ташлаб кетиши мумкин. Фақат ота-она бундай қилолмайди: фарзанди билан баб-баравар қайғуради, фиғон чекади, ярасига малҳам қўяди. Аммо бу садоқат ва фидокорлик ҳам айрим фарзандларга кўп ҳолларда ёқмайди, уларнинг ортиқча меҳрибончилигидан жаҳли чиқади. Гўё уни ёш бола санаб, ортиқча илтифот кўрсатишаётгандек туюлади. Бошидан мусибати ариши биланоқ яна эски «дўст»ларини излашга тушади. Ота-она эса фарзандининг бу қилиғидан заррача хафа бўлмай, илгаригидан ҳам зўрроқ садоқат ва илтифот кўрсатаверади.

Ота-оналар ўз фарзандлари билан муроса қилиш, уларнинг «кўнглини топиш»да яна бир жиҳатга аҳамият беришлари керак бўлади. Яратган ҳар бир бандасини маълум ёш орасида синов-имтиҳонга солиши бор. Масалан, йигирма ёшгача камбағаллик, ўттиз ёшгача фарзанддан қисиш, қирққача ҳаётда ўрнини тополмаслик, элликда бирор касаллик ёки бирор ахлоқсизлик билан имтиҳон қилиши мумкин. Ёхуд энг суюмли фарзандингиз сизнинг бутун қилган яхшиликларингизга жавобан бирор «исён» ёхуд дилхиралик билан жавоб қайтариши эҳтимол. Чунки у ҳамма нарсага ўз ақли, дунёқараши, феъл-атворидан келиб чиқиб муносабатда бўлади, фикр юритади.

Бундай нозик пайтларда бўлиб ўтаётган ишлардан ё бошга тушган мусибатлардан дарров фожиа ясамай, сабр қилишни ўрганинг. Болангизнинг итоатсизлигини ёки қўрслигини шов-шув қилмай, ундан душман ясамай, ётиғи билан таҳлил этинг. Фиғонингиз фалакка

ўрламасин, ҳасратингиз дунёга сиғмай қолмасин. У билан «дўппини олиб қўйиб» дилдан, самимий «гаплашиб олиш»га уринг. Унинг қалбидаги ҳис-туйғулар, ёшлик пўртаналари билан қизиқиб кўринг. Эҳтимол, аҳвол сиз ўйлаганчалик, ноўрин гумон қилаётганингиздай ваҳимали эмасдир?

Бир журналда тадқиқотчиларнинг ярим ҳазил, ярим чин тарзидаги кузатувларига кўзим тушган эди. Фарзанднинг отаси ҳақидаги фикрлари турли ёшда ҳар хил бўларкан: беш ёшда: «Отам ҳамма нарсани биладилар». Ўн ёшда: «Отам кўп нарсани биладилар». Ўн беш ёшда: «Мен ҳам отамчалик биламан». Йигирма ёшда: «Тўғрисини айтсам, отам хеч нарсани билмайдилар». Ўттиз ёшда: «Ҳар ҳолда отам унча-мунча нарсани биладилар». Қирқ ёшда: «Отамнинг фикрини ҳам билсам, ёмон бўлмасди». Эллик ёшда: «Отам ҳамма нарсани биладилар». Олтмиш ёшда: «Қанийди, отам тирик бўлганларида, улар билан маслаҳатлашган бўлар эдим». Болалар билан муроса ва муносабатларда уларнинг бу кайфиятини ҳам инобатга олиш керак бўлади.

Маълумки, ёш авлодни баркамол вояга етказиш ва турли зарарли одат ва таъсирлардан эҳтиётлаб сақлаш, шу жумладан, гиёҳвандлик офатидан асраш ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан бири. Зеро, ақл ва танани муҳофаза қилиб, уни эҳтиётлаб сақлаш ҳар бир инсон учун ҳам фарз, ҳам қарз амалдир. Шундагина инсон Аллоҳ ва Унинг расули ҳамда иш раҳбарлари амрига итоат қиладиган, иродали, ақлли, соғлом, одоб-ахлоқли, жисмонан баркамол, динига ҳимматли, ўз халқига фидокор, жамият манфаатини кўзловчи, Ватанни севувчи ва ардоқловчи, ҳаммага баробар яхшиликни раво кўрувчи, масъулиятни тўла ҳис қилувчи комил инсон бўлиши мумкин.

Фарзандларимизга шундай тарбия берайликки, улар ўз ота-боболарига, тарихи, Ватанига, она тилига, ўз миллатини улуғлаган сиймоларга, муқаддас Ислом дини анъаналарига содиқ бўлиб қолишсин.

Фарзандлари улғайган сари ота болаларига ва улар тақдирига янада ҳушёрроқ қараши лозим, уларни юксак қадриятларимизнинг асл ва бақувват илдизларидан баҳраманд этиш, бугунги турмуш тарзимизга мос тарбия бериш, албатта, ота-оналар зиммасидаги муҳим вазифалардан саналади. Кези келганида, китобимизнинг олдинги бобларида айтиб ўтганимиздек, фарзандларимизнинг бирига айтилган насиҳат айни чоғда унинг ака-укаларига ҳам тегишли бўлиши, хонадондагиларнинг барчасига бирдай таъсир қилишини назарга олган ҳолда иш тутишимиз ва болаларимизнинг илм олишлари ва касб-ҳунар эгаллашларига маслаҳатчи ва ҳамфикр бўлишимиз даркорлигини унутмаслигимиз керак. Уларни теварак-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, ўзгаришларга бефарқлик эмас, балки дахлдорлик руҳида тарбиялашимиз, келажакка катта ишонч билан боқишга ўргатишимиз керак бўлади.

Хулоса қилиб айтсак, ёшларимизнинг ҳар томонлама комил, гўзал хулқли, мустақил фикр ва дунёқарашга эга, турли салбий одат, иллат ва таъсирлардан холи равишда вояга етказишда, албатта, жамоат ташкилотлари, ота-она, маҳалла ва уламоларнинг ўрни беқиёсдир. Одоб ва ҳусни хулқ соҳиби бўлган ёшларгина илм ва касб-ҳунарда юқори даражаларга эришадилар. Бугунги техника асрида бизнинг фарзандларимиз ҳар томонлама етук, соғлом, ақл-фаросатли ва бахтли бўлишлари керак. Дунёвий билимлар билан бирга диний билимларни ёки диний билимлар билан бирга дунёвий билимларни ҳам пухта эгаллашлари керак. Мана шундай ёшлар мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги, ишончи ва давомчиси бўла олади. Аллоҳ таоло ёшларимизни ҳусни хулқ ва чиройли одоб-ахлоқ билан зийнатлантириб, ота-оналарига фахр, кўз қувончи бўлишларини насиб айласин!

ИККИНЧИ КИТОБ

ҲАҚЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ

Фарзанд дунёга келган кунданоқ ота-онаси ва атрофидагилардан бевосита ўз ҳақини талаб қила бошлайди. Қорни очса, “тўйғаз” деб, совқотса, “кийинтир”, деб хархаша қилади. Зерикса, “мени ўйнатгин”, дейди. Катталар эътиборсиз бўлса, турли-туман қилиқлари билан ўзига қаратади. Ўйинчоқлар олиб беришга мажбур қилади. Булар – боланинг ҳақлари. Талабларини меъёри билан қондириш эса катталарнинг вазифаси.

Лекин болага ота-онасининг, амма-холасининг, ака-укасининг, қўни-қўшни, маҳалла-кўй, қолаверса, жамиятнинг ҳам ҳақи борлигини аста-секин тушунтира бориш зарур. Токи бола фақат ўзини ўйлайдиган эмас, балки бошқалар ҳақида ҳам қайғурадиган бўлсин.

Хўш, биз зикр этаётган ҳақлар қайсилар? Булар:

1. Ота-она ҳақи.
2. Қариндошлик ҳақи.
3. Қўшничилик ҳақи.
4. Муаллим (устоз) ҳақи.
5. Дўст-биродарлар ҳақи.
6. Катталар (кексалар) ҳақи.

Ота-она ҳақи

Ота-она рози – Худо рози, деган ибора бор. Демак, ота-она фарзанддан рози бўлмаса, Худо ундан рози бўлмас экан. Уларнинг хизматини қилиш, ҳурматини жойига қўйиш, кексайганларида боқиш, кийинтириш, уларнинг олдида овозини кўтармаслик, вафот этганларидан сўнг ҳақларига дуо қилиш ва ҳоказо... фарзандларнинг бурчидир.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ота-онани эъзозлаш, ҳурматлашга доир кўрсатмаларини ота-оналар, мураббийлар болаларга гўдаклигиданоқ ўргатишлари лозим.

Имом Бухорий “Ал-адаб ал-муфрад” китобида Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Қайси бир мусулмон фарзанд савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга жаннатнинг икки эшигини очади. Агар улардан бирини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. “Ота-онадан қайси бирини хафа қилгудай бўлса, уни рози қилмагунча Аллоҳ ундан рози бўлмайди”, деди. Шунда бир киши: “Агар ота-оналар болага зулм кўрсатган бўлса-чи?” деб сўради. “Агар улар боласига зулм кўрсатган бўлса ҳам, фарзанд уларни ранжитмаслиги керак”, деди Ибн Аббос».

«Субулус Салом» китобида Абдуллоҳ ибн Амрдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳнинг розилиги ота-онанинг розилигида ва Аллоҳнинг ғазаби ота-онанинг ғазабидадир”, дедилар.

Шунинг учун, Аллоҳ таолони рози қиламан деган фарзанд ота-онасини рози қилсин. Аллоҳ таолонинг ғазабидан сақланаман деган фарзанд ота-онасини ғазаблантирмасликка ҳаракат қилсин.

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Амрдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бир киши келиб, жиҳодга изн сўради. Шунда у зот:

“Ота-онанг ҳаётми?” деб сўрадилар.

“Ҳа”, деди.

“Ота-онанг ҳақи борасида жиҳод қил”, дедилар.

Уларга хизмат қилишинг жиҳодинг бўлади, яъни: “Ота-онангнинг кўнглини олиш учун жон-жаҳдинг билан ҳаракат қил”.

Имом Аҳмад ва Имом Насоий Муовия ибн Жаҳимдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади:

Жаҳим (розияллоҳу анҳу) Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Ё Аллоҳнинг расули, ғазотга чиқишни хоҳлайман ва сиздан маслаҳат сўраб келдим”, деди.

Шунда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Онанг ҳаётми?” дедилар.

“Ҳа”, деди.

“Ундан ажралма, чунки жаннат унинг оёғи остида”, дедилар.

Имом Муслим “Саҳиҳ” китобида Абдуллоҳ ибн Амрдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади:

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бир киши келиб: “Аллоҳдан савоб умидида жиҳод ва ҳижрат қилиш учун сизга байъат қилишга келдим”, деди.

Шунда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ота-онангдан бирортаси ҳаётми?” деб сўрадилар.

“Ҳа, иккалалари ҳам ҳаёт”, деди.

“Аллоҳдан савоб умид қиласанми?” дедилар у зот (алайҳиссалом).

“Ҳа”, деди.

“Ота-онанг ҳузурига боргин ва уларга гўзал муомалада бўл”, дедилар.

Яъни, уларнинг хизматларини чиройли ҳолда адо қилсанг, Аллоҳ жиҳоднинг савобини беради, дедилар.

Ислом таълимоти ота-оналари заифлашган, кексайган вақтларида фарзандлари уларнинг ҳақини адо қилишларини жиҳод ва ҳижратдан устун қўяди.

Ота-онага яхшилик қилиш ҳақида Аллоҳ таоло бундай амр қилади:

وَٱخۡفِضۡ لَهُمَا جَنَاحَ ٱلذُّلِّ مِنَ ٱلرَّحۡمَةِ وَقُل رَّبِّ ٱرۡحَمۡهُمَا كَمَا رَبَّيَانِي صَغِيرٗا ﴿٢٤﴾

«Уларга меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) **айт: “Эй Раббим! Мени** (улар) **гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!”»** *(Исро,24)*.

Имом Бухорий “Ал-адаб ал-муфрад” китобида Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади:

«Инсон вафот этганидан сўнг даражаси кўтарилади. Шунда у: “Эй Раббим, бу нима? Яъни, даражанинг кўтарилиши нимадан?” дейди. Шунда унга: “Фарзандинг сенинг ҳақингга истиғфор айтди”, дейди».

Имом Абу Довуд, Ибн Можа ва Ҳоким Молик ибн Робиадан ривоят қилади:

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида эдик, Бани Салама қабиласидан бир киши келиб: “Ё Аллоҳнинг расули, ота-онам вафот этганидан сўнг ҳам уларга қилишим керак бўлган яхшиликдан қолдими?” деди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳа, уларнинг ҳақига дуо қилиш, истиғфор айтиш, улардан кейин аҳдига вафо қилиш ва дўстларини ҳурматлаш ва улар томонидан бўлган қариндошлар билан боғланиш”, дедилар.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) солиҳ фарзанд бўлганлар. Имом Муслим “Саҳиҳ” китобида ривоят қилади:

Абдуллоҳ ибн Умар Макка кўчасида бир кишига йўлиқди ва унга салом берди. Унинг юкларини кўтариб ўзлари минган эшакка юклади. Бошларидаги саллани унга берди. Ибн Динор унга: «Биз: “Аллоҳ сизни солиҳ қилсин, у аъробий, озгина нарсага ҳам рози бўлади”, дедик. Шунда Абдуллоҳ: “Бунинг отаси Умар ибн Хаттобнинг дўсти. Мен Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, яхшиликларнинг афзали киши отасининг дўстлари аҳлига силаи раҳм қилиши”, деб айтганларини эшитганман», деди.

Имом Бухорий Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади:

Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Ё Аллоҳнинг расули, энг аввал яхшилик қилишга ким ҳақли?” деди.

“Онанг”, дедилар.

“Сўнгра ким?” деди.

“Онанг”, дедилар.

“Сўнгра ким?” деди.

“Онанг”, дедилар.

“Сўнгра ким?” деди.

“Отанг”, дедилар.

Ибн Касир ўзларининг “Тафсир” китобларида Сулаймон ибн Бариддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади:

Бир киши елкасига онасини кўтариб, Каъбани тавоф қилди. Сўнгра Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Онамнинг ҳақини адо этдимми?” деб сўради. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Йўқ, бир оҳ, деганчалик ҳақини ҳам адо этмадинг”, дедилар.

Ислом икки сабабга кўра она ҳурматини отадан юқори қўяди:

Биринчиси, она фарзандни дунёга келтиришда отадан кўра кўп машаққат чекади, уни тўққиз ой қорнида кўтариб юради, эмизади, кечалари бедор бўлади, тарбияси билан машғул бўлади. Аллоҳ таоло бундай дейди:

وَوَصَّيْنَا ٱلْإِنسَٰنَ بِوَٰلِدَيْهِ حَمَلَتْهُ أُمُّهُۥ وَهْنًا عَلَىٰ وَهْنٍ وَفِصَٰلُهُۥ فِى عَامَيْنِ أَنِ ٱشْكُرْ لِى وَلِوَٰلِدَيْكَ إِلَىَّ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٤﴾

«Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) **буюрдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан** (қорнида) **кўтариб юрди. Уни** (кўкракдан) **ажратиш** (муддати) **икки йилда** (битар). (Биз инсонга буюрдикки) **“Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Қайтишлик Менинг ҳузуримгадир”»** *(Луқмон, 14)*.

Юқоридаги сатрлар бир кишининг Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Онамни елкамга кўтариб икки фарсах юрдим… Онамнинг ҳақини адо қилдимми?” деганини ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Шояд бу ишинг онанг сени туғишдаги чеккан тўлғоқ азобининг бирига тенг бўлса”, деб жавоб берганларини эслатади.

Шунга ўхшаш воқеа:

Бир аъробий киши онасини кўтариб Каъбани тавоф қилиб:

“Мен онамнинг ювош уловиман.

Агар туя ундан қочса ҳам, мен ундан қочмайман.

Улуғ Раббим Аллоҳ мендан рози

Бўлсин деб онамни кўтараман”,

деб шеър айтарди. Сўнгра у Ибн Аббосга юзланиб: “Онамнинг ҳақини адо қилдимми?” деди.

Ибн Аббос: “Йўқ, Аллоҳга қасам, онанг сени туққан пайтида тутган тўлғоқларнинг биттасига ҳам тенг бўлолмайди”, деди.

Иккинчиси, она яратилишидан меҳрибон ва раҳмдилдир. Ота эса табиатига кўра қаттиққўлдир. Боладан бир айб ўтса, она кечиради. Аммо ота кечирмайди, керак бўлса жазолайди. Она эса жазоламасликнинг йўлини излайди. Шунинг учун ҳам шариатимиз оналарни ҳурматлашга буюради. Улар билан муомалада ҳалимликка, ҳалимлик билан жавоб беришга ундайди.

Она шундай зотки, боласи ҳаддан зиёд дилини оғритиб, оқ бўлиш даражасига борса-ю, аммо бирон дардга чалиниб қолса, ўтган барча ишларни унутади, боласини бағрига босади, унга талпинади. Чунки бола она вужудининг бир парчаси. Ҳеч қачон этни тирноқдан ажратиб бўлмайди.

Абу Лайс Самарқандий Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади:

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида Алқама исмли бир киши бор эди. У ўлим тўшагига михланиб қолди. Сўнгги нафасларида “Лаа илаҳа иллаллоҳ”ни айтгин, деб қисташди, аммо унинг тили айланмади, калимага келмади. Бу хабарни Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) етказганларида, у зот (алайҳиссалом): “Унинг ота-онаси борми?” дедилар. “Унинг отаси вафот этган, кекса онаси бор”, дейишди. Онасини олиб келишни буюрдилар. У келгач, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўғлингнинг ҳаёти қандай эди?” деб сўрадилар. Онаси: “Эй Аллоҳнинг расули, у намоз ўқирди, рўза тутарди, ҳисобсиз садақа қиларди”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу

алайҳи ва саллам): “Сен билан ўғлингнинг орангиз қандай эди?” деб сўрадилар.

Онаси: “Мендан кўра хотинини кўп эъзозлар эди ва унга итоат қиларди”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Онасининг норизолиги уни “Лаа илаҳа иллаллоҳ” деб шаҳодат беришдан тўсди”, деб: “Эй Билол, чиқиб ўтин жамла, ўғилни куйдирамиз”, дедилар. Шунда Алқаманинг онаси: “Ё Аллоҳнинг расули, қалбим меваси бўлган ўғлимни менинг олдимда ўтда куйдирасизларми, бунга қандай чидайман?” деди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ уни кечириши сени хурсанд қиладими? Унда ўғлингдан рози бўл. Жоним измида бўлган Зотга қасам, ўғлингга намози, рўзаси ва садақаси ҳам фойда бермайди, модомики сен ундан норози экансан”, дедилар.

Шунда она қўлини юқорига кўтариб: “Аллоҳ гувоҳ, сиз гувоҳ, ё Аллоҳнинг расули ва шу ерда ҳозир бўлганлар гувоҳ, мен ўғлимдан розиман”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Билол, бор, Алқамадан хабар олгин, у “Лаа илаҳа иллаллоҳ” дея оляптими, балки онаси мендан уялганидан рози бўлгандир”, дедилар. Билол чиқди ва Алқама ётган уй эшигига етганида унинг: “Лаа иллаҳа иллаллоҳ” деганини эшитди. Алқама вафот этди. Уни ювиб кафанладилар ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жанозани ўқидилар.

Мана шу сабабларга кўра онанинг ҳурмати отадан зиёдароқ қилинди. Мураббийларимиз буларни болаларга тушунтирсинлар. Токи болалар онага яхшилик қиладиган, меҳрибон ва ҳақини адо этадиган инсонлар бўлиб улғайишсин.

Ота-онага яхшилик қилиш одоби

Ота-онадан олдинга ўтиб юрмаслик, улардан юқорига чиқиб ўтирмаслик, насиҳатларидан аччиқланмаслик, улардан олдин таомга қўл чўзмаслик, ухлаганида юқорида ётмаслик ва буюрганларини бажариш кабилар ота-онага яхшилик қилиш одобига киради.

وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوٓا۟ إِلَّآ إِيَّاهُ وَبِٱلْوَٰلِدَيْنِ إِحْسَٰنًا ۚ إِمَّا يَبْلُغَنَّ عِندَكَ ٱلْكِبَرَ أَحَدُهُمَآ أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُل لَّهُمَآ أُفٍّ وَلَا تَنْهَرْهُمَا وَقُل لَّهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴿٢٣﴾ وَٱخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ ٱلذُّلِّ مِنَ ٱلرَّحْمَةِ وَقُل رَّبِّ ٱرْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيَانِى صَغِيرًا ﴿٢٤﴾

«Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон!) **Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “Уф!..” дема ва уларни жеркима! Уларга** (доимо) **ёқимли сўз айт!**

Уларга меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) **айт: “Эй Раббим! Мени** (улар) **гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!”»** *(Исро, 23–24)*.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким ота-сига ғазаб билан четни кўрсатса, у яхши қилмабди”, дедилар *(“Мажмаи завоид”, 28-жилд)*.

Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бир киши билан бир чол келди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳой, ёнингдаги ким?” дедилар. У: “Отам”, деди. Шунда: “Олдинда юрма, ундан олдин ўтирма, исмини айтиб чақирма ва уни ҳақоратлама”, дедилар *(“Мажмаи завоид”, 28-жилд)*.

Шундай одоб билан шарафланган улуғларимиз ҳаётидан намуналар:

“Уйунул ахбор” китобида келтирилади. Умар ибн Зайддан: “Ўғлингнинг сенга бўлган меҳрибонлиги қандай?” деб сўралди. У киши: “Кундуз орқамдан, кечаси олдимда юради ва ундан юқорида ётаман”, деди. *Яъни, Умар ибн Зайднинг ўғли отасини ҳурматлаб, кундузи орқароқда, кечаси қоқилиб, чуқур-чаноққа тушиб кетмасин, деб олдинда юрар экан.*

“Мажмаи завоид” муаллифи ривоят қилади. Абу Ғассон аз-Забий дейди: «Отам билан иссиқда пиёда кетаётган эдик, олдимиздан Абу Ҳурайра чиқиб қолди. Абу Ҳурайра: “Ёнингдаги ким?” деди. Мен унга: “Отам”, деб жавоб бердим. У: “Отангдан олдин юрма, орқасида ёки ёнида юргин, юрганда ораларингдан киши ўтадиган бўлмасин. Отанг ётган уйнинг томида юрма. Отангнинг назари тушган гўштни ема, отангнинг егиси келган бўлиши мумкин», деди.

Мансурнинг мажлисида Солиҳ Аббосий қатнашди ва гапида “Раҳматли отам” деган сўзни кўп ишлатди. Шунда хизматкор Робеъ: “Мўминлар амирининг ҳузурида раҳматли отам деган сўзни кўп айтмагин”, деди. Шунда Солиҳ: “Мен сени қойимайман, чунки сен ота лаззатини татимагансан”, деди. Мансур табассум қилиб: “Бу Ҳошим қабиласидан бўлган кишиларга ташланганларнинг жазосидир”, деди.

Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”ида ривоят қилади: Бир киши Абу Дардога: «Отам мени қўймай (зўрлаб) уйлантирди. Энди бўлса, менга унинг жавобини (талоғини) беришни буюради, мен энди нима қилай?” деди. Абу Дардо: “Мен отангга оқ бўлишга буюрмайман ва хотинингни талоқ қилишга ҳам буюрмайман. Хоҳласанг, Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эшитганимни айтиб бераман: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ота жаннат эшигининг ўртаси, бас, у эшикни ҳимоя қилгин. Агар хоҳласанг, тарк қилгин”, дедилар».

Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Менинг хотиним

бор эди. Уни яхши кўрар эдим. Хотинимни отам Умар (розияллоҳу анҳу) ёмон кўрар эди. Менга: “Уни талоқ қил”, деди. Мен рад этдим. Отам Умар (розияллоҳу анҳу) мени Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига олиб борди ва бор гапни у кишига айтиб берди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга: “Унинг жавобини бергин”, дедилар».

Ота-онага оқ бўлиш – катта гуноҳ

Оқ бўлиш “бўйсунмаслик”, “қарши чиқиш”, “озор бериш”, “осий бўлиш” ва ҳақини адо қилмаслик деган маъноларни англатади. Ҳақини адо қилиш дегани ота-она ғазабланганида, фарзанд унга тик қарамаслигидир. Гарчанд ўғил ҳақ-у, ота ноҳақ бўлганида ҳам. Ота-онанинг фарзанддаги ҳақи улуғ, уларнинг айтганларини қилиш вожиб, бироқ улар амри Аллоҳнинг амрига тескари бўлмаслиги керак. Аллоҳга маъсият бўладиган ишда махлуққа, яъни ота-онага, каттаю кичикка итоат қилинмайди. Айтайлик, ота фарзандига ичкилик олиб келиб бер, деб буюради. Аллоҳ ичкиликни ҳаром қилган. Фарзанд чиройли муомала билан уни рад қилишга ҳақли. Ва шунга ўхшаш бошқа Аллоҳ қайтарган нарсаларда ҳам отанинг истагини бажармаса, фарзанд гуноҳкор бўлмайди.

Ота-онага оқ бўлиш фарзаднинг Аллоҳ қайтарган йўлларга кириб, эл-юрт олдида уларнинг юзини ерга қаратиш, берган тузларига норози қилишдир. Қариган чоғида едирмай, ичирмай, кийинтирмай, хўрлаб қўйишдир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оқ бўлишдан огоҳлантирганлар ва унинг оқибатларини баён қилиб, охиратда савол-жавоби қаттиқ бўлишини айтганлар.

Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Бакрдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизларга катта гуноҳларнинг энг каттаси хабарини берайми?” дедилар.

Биз: “Ҳа, ё Аллоҳнинг расули”, дедик. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, – ёнбошлаган ҳолда эдилар ўтириб олиб, – ёлғон сўзлаш ва ёлғон гувоҳлик бериш...” деб такрор-такрор айтавердилар. Биз у кишини: “Қани тўхтасалар эди!” дедик.

Имом Аҳмад ва Насоий, Баззоз ва Ҳоким Абдуллоҳ ибн Амрдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уч тоифа кишига Аллоҳ жаннатни ҳаром қилди: доимий ҳамр (ароқ) ичувчига, ота-онага оқ бўлган фарзандга ва ўз аҳлига ахлоқсизликни ўргатган даюсга”, дедилар.

Имом Бухорий ва Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Амрдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Катта гуноҳлардан бири киши ўз отасини сўкмоғидир”, дедилар. Бир киши: “Эй Аллоҳнинг расули, киши ўз отасини ҳам сўкадими?” деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳа, бир киши иккинчи бир кишининг отасини сўкади, шунда у бу кишининг отасини ёки онасини сўкади, у бунинг онасини сўкади”, дедилар.

Ҳоким Абу Бакрдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳар қандай гуноҳнинг (жазосини) Аллоҳ хоҳиши ила қиёматгача кечиктиради. Фақат ота-онага оқ бўлишнинг (жазосини) ўлишидан олдин, ҳаётлигида ўз эгасига беради”, дедилар. *Яъни, ота-онага оқ бўлган киши бунинг жазосини то тирик экан, бу дунёдаёқ олади.*

Имом Аҳмад Муоз ибн Жабалдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Менга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўнта сўзни васият қилиб: “Аллоҳга ширк келтирма, агар ўлдирилсанг ҳам, куйдирилсанг ҳам, ота-онангга оқ бўлма, агар уйдан кетишингга буюрсалар ҳам...” дедилар».

Асбаҳоний Абу Аббосдан, у киши Авом ибн Ҳушабдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бир қишлоққа келдим. Ёнида қабристон бор эди. Аср вақтидан сўнг қаб-

ристондаги бир қабр очилди ва ундан эшак бошли бир одам чиқди. Ва уч марта эшакдай ҳангради. Сўнгра қабрга кирди ва қабр ёпилди. Шу пайт бир кампир ип йигириб ўтирарди. Ёнимдаги одам кампирни кўрсатиб:

– У унинг онаси, – деди. Мен воқеани сўрадим. «У ароқ ичиб маст бўларди. Уйга келганида онаси: "Эй ўғлим, Аллоҳдан қўрққин, қачонгача ичасан?" дер эди. Шунда у онасига: "Мунча эшакдай ҳанграйсиз?" дер эди. Бас, ажали етиб, аср вақтида вафот этди. Энди ҳар куни аср вақтида қабр ёрилади ва уч марта эшакдай ҳанграйди, сўнгра қабр ёпилади», деди.

Қаранг, фарзанд ота-онасини нима деб ҳақоратласа, ўзи ўша нарсага айланиб қолар экан... Бу ниҳоятда таъсирли ривоятни фарзандлар даврасида ўқиб, тадаббур қилинса, фойдаси катта бўлади. Фарзандлар ёшлигиданоқ ота-она ҳақларини ўйлай бошлайди. Ислом таълимотида кўрсатилганидек, фарзанд ота-она ҳақларини чиройли қоим қилса, у нафақат ўзини, яшаб турган жамиятининг ҳам ҳақини адо этган бўлади. Чунки ота-она ҳурматини ўрнига қўйиш бу ижтимоий масаладир. Қайси оилада, қайси маҳаллада бу тарбия яхши йўлга қўйилар экан, ўша оила, ўша маҳалла гуллаб яшнайди. Бу эса охир-оқибат жамиятнинг равнақ топишига олиб келади. Ота-она рози – Худо рози, деган ҳикматнинг қиммати ҳам шунда.

Ота-онанинг розилигини олишга интилиш фазилати барча фазилатларнинг негизи, борлиқдаги ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқларнинг келиб чиқадиган асосидир. Ота-оналар, бола тарбияси билан шуғулланаётган тарбиячилар фарзандларга қуйидаги одатларни сингдиришлари мақсадга мувофиқ:

1. Гуноҳга сабаб бўлмаса, ота-онанинг буюрганларини албатта бажариш.

2. Ота-онага мулойим сўзлаш.

3. Уйга кирганларида, ҳурмати учун ўрнидан туриш.

4. Ҳар тонг салом бериш, уйқудан олдин хайрли тун тилаш.

5. Мол-мулкини сақлаш.

6. Сўраган нарсасини бериш.

7. Улардан маслаҳат сўраш.

8. Ота-она ҳақига дуо ва истиғфор айтиш.

9. Улар меҳмон кутишса, олдида мунтазир бўлиб туриш.

10. Ота-она айтишини кутмай, уларни хурсанд қиладиган ишларни бажариш.

11. Отанинг олдида овозни баланд кўтармаслик.

12. Гаплашаётганларида орага гап қўшмаслик.

13. Рухсат беришмаса, уйдан чиқмаслик.

14. Ухлаётганларида безовта қилмаслик.

15. Ота-онадан аҳли аёлини ва фарзандларини устун (афзал) кўрмаслик.

16. Ота-она нотўғри иш қилиб қўйсалар кечириш, кўрмасликка олиш.

17. Кулгили гап бўлса ҳам, уларнинг ҳузурида ўзини тутиш.

18. Улар яхши кўрадиган овқатни илиниш.

19. Ота-онадан олдин таомга қўл чўзмаслик.

20. Уларнинг олдида чўзилиб ётмаслик.

21. Оёқ узатмаслик.

22. Уйга улардан олдин кирмаслик, олдиларига тушиб юрмаслик.

23. Чақирганларида тезлик билан жавоб бермоқ.

24. Улар ҳаёт пайтларида ҳам, вафот этганларидан кейин ҳам дўстларини ҳурмат қилиш.

25. Ота-онасининг ҳурматини қилмайдиган кишилар билан дўстлашмаслик.

26. Уларнинг ҳақларига дуо қилиш, вафот этганларидан кейин Аллоҳнинг қуйидаги каломини кўп айтиш:

رَّبِّ ٱرۡحَمۡهُمَا كَمَا رَبَّيَانِي صَغِيرٗا ﴿٢٤﴾

«...Эй Раббим! Мени (улар) **гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!»** *(Исро, 24)*.

Қариндошлар ҳақи

Қариндошлар бир-бирларига насаб ва насл билан боғланадиган кишилардир. Улар қуйидагилар: оталар, оналар, болалар, буви ва бувалар, ака-укалар, опа-сингиллар, амакилар, аммалар, аканинг болалари, опанинг болалари, тоғалар ва холалар, аммалар, сўнгра уларга яқин бўлган қариндошлар.

Шариатимиз уларни икки сабабга кўра “раҳм” қариндошлар деб атайди. Биринчиси: “Раҳм” Аллоҳнинг роҳман сифатидан олинган. Абдураҳмон ибн Афвдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ таоло: “Мен Аллоҳ, Мен роҳман… раҳмни (бачадон) яратдим ва унга исмимдан исм бердим, ким унга боғланса, уни (исмимга) боғлайман, ким ундан узилса, Мен (исмимдан) уни кесаман”, деди», дейдилар.

Маълумки, “раҳм” – раҳмат, меҳрибонлик, мулойимлик, ҳалимлик каби сифатларнинг йиғиндисидир. Шунинг учун ҳам насаб жиҳатидан яқин бўлган кишиларга меҳрибон бўлиш, силаи раҳм қилиш вожибдир.

Иккинчиси: “Қаробат” – яқинлик, қариндошлик алоқаларини боғлашдан келиб чиққан. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фақат қариндошликни боғлашга чақириб, кесилишдан эса қайтарганлар. Шубҳасиз, бу кўрсатмалар туғишганлар ўртасида қондошлик, биродарликни мустаҳкамлашга ўргатади, ўзаро меҳр-муҳаббат туйғуларини орттириб, инсонийлик фазилатларини юқори поғоналарга кўтаради. Жамият аъзоларида қон-қариндошлик, атрофидагиларга ҳавас ва меҳр билан қараш болаликданоқ шаклланиши ва у қалбларга чуқур илдиз отиши зарур. Токи бола улғайганида қариндошларга силаи раҳм қиладиган, бошларига мусибат етганида далда берадиган бўлсин. Шундагина биз тарбияда чиройли мақсадга эришган бўламиз.

Қуръони каримда қариндошларга силаи раҳм қилишга буюрилган оятлар кўп. Масалан:

وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ ٱلَّذِي تَسَآءَلُونَ بِهِۦ وَٱلۡأَرۡحَامَۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلَيۡكُمۡ رَقِيبٗا ١

«...Ўрталарингиздаги ўзаро муомалада номи келтирилувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқасини узиш)**дан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ сизларни кузатиб турувчидир»** *(Нисо, 1)*.

وَءَاتِ ذَا ٱلۡقُرۡبَىٰ حَقَّهُۥ وَٱلۡمِسۡكِينَ وَٱبۡنَ ٱلسَّبِيلِ وَلَا تُبَذِّرۡ تَبۡذِيرًا ٢٦

«Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) **ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг!»** *(Исро, 26)*.

وَٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ وَلَا تُشۡرِكُواْ بِهِۦ شَيۡـٔٗاۖ وَبِٱلۡوَٰلِدَيۡنِ إِحۡسَٰنٗا وَبِذِي ٱلۡقُرۡبَىٰ وَٱلۡيَتَٰمَىٰ وَٱلۡمَسَٰكِينِ وَٱلۡجَارِ ذِي ٱلۡقُرۡبَىٰ وَٱلۡجَارِ ٱلۡجُنُبِ

«Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшнию бегона қўшнига ҳам (яхшилик қилинг)**!»** *(Нисо, 36)*.

وَٱلَّذِينَ يَنقُضُونَ عَهۡدَ ٱللَّهِ مِنۢ بَعۡدِ مِيثَٰقِهِۦ وَيَقۡطَعُونَ مَآ أَمَرَ ٱللَّهُ بِهِۦٓ أَن يُوصَلَ وَيُفۡسِدُونَ فِي ٱلۡأَرۡضِ أُوْلَٰٓئِكَ لَهُمُ ٱللَّعۡنَةُ وَلَهُمۡ سُوٓءُ ٱلدَّارِ ٢٥

«Аллоҳ билан аҳд боғлаганларидан кейин уни бузадиган, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳдан) **лаънат бўлур ва улар учун нохуш диёр** (жаҳаннам) **бордир»** *(Раъд, 25)*.

فَهَلۡ عَسَيۡتُمۡ إِن تَوَلَّيۡتُمۡ أَن تُفۡسِدُواْ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَتُقَطِّعُوٓاْ أَرۡحَامَكُمۡ ٢٢
أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ لَعَنَهُمُ ٱللَّهُ فَأَصَمَّهُمۡ وَأَعۡمَىٰٓ أَبۡصَٰرَهُمۡ ٢٣

«Агар (имондан) **бош тортсангиз, аниқки, сизлар ерда бузғунчилик қиларсизлар ва қариндошларингиз** (билан ҳам алоқаларингиз)**ни узасиз, албатта.**

Ундай кимсаларни Аллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг (қулоқларини) **“кар”, кўзларини “кўр” қилиб қўйгандир»** *(Муҳаммад, 22–23)*.

Қариндошчиликдан узилишнинг оқибати бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам вой бўлишини болаларимиз билсинлар.

Қон-қариндошлик Аллоҳга ва охират кунига имон келтиришнинг шиорларидандир. Икки шайх Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади:

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Аллоҳга ва охират куни (қиёмат)га имон келтирган бўлса, меҳмонни ҳурмат қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қариндошлар билан боғлансин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, яхшиликни (яхши сўз) айтсин ёки сукут сақласин”, дедилар.

Қон-қариндошликни мустаҳкамлаш умрни узайтиради ва ризқни кўпайтиради. Икки шайх Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади:

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким ризқи кенг ва умри зиёда бўлишини хоҳласа, қариндошлар билан боғлансин”, дедилар. *Демак, қариндошлар билан алоқаларни яхшилаш ризқни кенг ва умрни зиёда қилар экан.* Яна қариндошлар билан аҳил-иноқлик бошга тушадиган турли мусибатлардан сақлайди, қийинчиликларни осон енгишга ёрдам беради. Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Садақа (силаи раҳм) ва қариндошларга боғланиш Аллоҳ таоло унинг умрини зиёда қилишига ва бевақт ўлимдан сақлашига сабаб бўлади”, дедилар.

Аҳолиси қон-қариндошликни қадрлаган мамлакат бой ва обод бўлади. Табароний ва Ҳоким Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Албатта, Аллоҳ бир мамлакатни обод этади ва одамларини бой қилади. Уларни яратганидан бошлаб уларга ғазаб билан боқмайди”, дедилар. Шунда: “Эй Аллоҳнинг расули, бунинг сабаби нима?” деб сўралди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Шу мамлакатда яшовчилар қариндошликни узмаганидан”, дедилар.

Демак, юрт ободлиги ва кишиларнинг бекаму кўст яшаши қариндошлар билан алоқани маҳкам боғлашга ҳам боғлиқ экан. Афсус, баъзи қариндошлар бир-бирлари билан келиша олмайдилар. Улар Ислом таълимотига амал қилсалар, жуда яхши бўларди.

Қон-қариндошчилик гуноҳнинг кечирилишига ва хатоларга каффорат бўлади. Ибн Ҳиббон ва Ҳоким Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади:

Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Мен катта гуноҳ иш қилдим, тавба қилишим керакми?” деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Онанг ҳаётми?” дедилар. У: “Йўқ”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Холанг ҳаётми?” дедилар. У: “Ҳа”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Унга меҳрибонлик қил”, дедилар.

Қон-қариндошлик (қиёматда) **ҳисоб-китобни енгил қилади ва жаннатга киргизади.** Баззоз, Табароний ва Ҳоким Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимда уч нарса топилса, Аллоҳ унинг ҳисоб-китобини енгил қилади ва Ўз раҳмати ила жаннатга киргизади”, дедилар. Шунда: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Аллоҳнинг расули, улар нималар?” деб сўрашди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Йўқсил кишига ҳадя беришинг, узилган қариндошлар билан боғланишинг, жаҳл қилганни кечиришинг, агар шуларни қилсанг, Аллоҳ сени жаннатга киргизади”, дедилар.

Икки Шайх Жубайр ибн Мутғамдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. У киши: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва

саллам): “Қариндошларидан узилган киши жаннатга кирмайди”, деганларини эшитдим», деди.

Қон-қариндошлар билан боғланувчини Аллоҳ таоло қиёмат куни юқори даражага кўтаради. Баззоз ва Табароний Уббода ибн Самитдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизларга Аллоҳ даражаларга кўтарадиган нарсани айтайми?” дедилар. Улар: “Ҳа, ё Аллоҳнинг расули”, дейишди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Нодонлик қилган кишига ҳалим бўлишинг, сенга зулм қилганни кечиришинг, сендан маҳрум қилган кишига беришинг ва сендан узилган қариндошлар билан боғланишинг”, дедилар.

Ҳаёт тажрибаси ҳадис ва ривоятлар руҳида тарбия кўрган болалар қон-қариндошлик ипларини боғловчи, уларнинг ҳақларини адо қилувчи, хурсандчилик ва маҳзун дамларда шерик бўлишларини кўрсатади.

Қўшни ҳақи

Ота-оналар, мураббийларимиз эътибор берадиган масалалардан яна бири қўшнилар ҳақидир. Хўш, қўшнилар ким?

Улар сизга тўрт тарафдан туташган ҳовлиларда яшайдиган маҳалладошларингиздир. Ўнгдан қирқта, чапдан қирқта, олд тарафдан қирқта, орқа тарафдан қирқта ҳовли сизга қўшни бўлади. Чегараси борми? Бор! Унутманг, зиммангизда уларнинг ҳақлари бор. Буни қуйидаги ҳадисдан англаш мумкин.

Имом Табароний Каъб ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Ё Аллоҳнинг расули, мен фалон маҳаллага жойлашдим. Менга яқин қўшнилар қаттиқ азоб беряпти”, деди.

Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Бакр, Умар ва Алини (розияллоҳу анҳум) жўнатдилар.

Улар масжид эшиги ёнида туриб: “Огоҳ бўлинглар, сизларга тўрт тарафдан қирқтадан ҳовли қўшни бўлади. Ким қўшнисини ёмонликлари билан қўрқитса, жаннатга кирмайди”, деб огоҳлантиришди.

Ислом таълимотида қўшни ҳақи тўртта қоида билан ифодаланади:

1. Қўшнисига озор етказмаслик.
2. Қўшнисига ёмонлик етадиган бўлса, ҳимоя қилиш.
3. Яхши муомалада бўлиш.
4. Қўшнидан етадиган азиятларга сабрли бўлиш, ҳалимлик билан кечириш.

Қўшнига азият беришдан сақланиш. Азият бир неча кўринишда бўлади. Зино, ўғрилик, ҳақорат, ифлос нарсаларни қўшни томонга ташлаш ва ҳаказо.

Имом Аҳмад ва Табароний Миқдод ибн Асваддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларига: “Зино ҳақида нима дейсизлар?” дедилар.

Улар: “Ҳаром иш, уни Аллоҳ ва Унинг расули ҳаром қилган. У қиёматгача ҳаромдир”, дедилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳга қасам, имон келтирмабди, Аллоҳга қасам, имон келтирмабди, Аллоҳга қасам, имон келтирмабди”, дедилар.

“Ким, ё Аллоҳнинг расули?” дейилди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қўшнисини ёмонликлардан омон сақламаган киши”, дедилар.

Ҳассон ибн Собит (розияллоҳу анҳу) айтади:

“Бирортамиз қўшнига озор бермаймиз, уни хўрламаймиз, ҳолбуки, зулм бизга қайтади. Чунки биз қўшни ҳақини омонат деб биламиз, омонатга хиёнат қилишдан Аллоҳ бизни сақласин”.

Қўшнини ҳимоя қилиш. Ислом динида қўшнини ҳимоя қилиш, уни балою офатлардан сақлаш имондан нишона, мақтовга лойиқ мўминлик хулқларидандир. Абу Ҳанифанинг (розияллоҳу анҳу) Куфада бир қўшниси бор эди. Ҳар вақт ишдан қайтиб келса, у баланд овозда:

“Зое қилдилар. Қандай йигитни зое қилдилар.

Оғир кунда керакли ҳимоячини зое қилдилар”, деб қўшиқ айтарди. Унинг овози кечаси билан Абу Ҳанифанинг оромини бузарди. Бир кеча бу қўшнисини миршаб олиб кетди. Ўша кеча Абу Ҳанифа унинг овозини эшитмади. Тонг отганда Абу Ҳанифа суриштириб, унинг қамалиб қолганини билди. Шунда Абу Ҳанифа амир Исо ибн Мусога бориб, уни озод қилишини сўради. Уни озод қилдилар. Йигит чиққач, Абу Ҳанифа секин қулоғига деди:

“Эй йигит! Сени зое қилдикми?”

“Йўқ. Яхшилик ва ҳурмат қилдингиз. Аллоҳ сизга яхши мукофот берсин!” деди ва:

“Мен кўп зарар бердим азиз қўшнимга,

Ваҳоланки, кўпларнинг қўшниси пасткашдир”, деб қўшиқ айтди.

Қўшнини ҳимоя қилиш, ундан зулмни кўтариш ва уни хорламаслик ҳақида қуйидаги ҳадисда баён қилинади:

Икки Шайх Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мусулмон мусулмоннинг биродари, унга зулм қилмайди ва уни хорламайди. Ким биродарининг ҳожатини раво қилса, Аллоҳ унинг ҳожатини раво қилади. Ким мусулмондан бир ғамни кеткизса, қиёмат куни Аллоҳ унинг ғамларидан бирини кеткизади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ унинг айбини қиёмат куни беркитади”, дедилар.

Қўшнига яхши муомалада бўлиш. Яхши қўшни бўлиш учун киши яхши муносабатни йўлга қўйиши керак. Масалан, мусибат етганида таъзия билдириш, хурсандчилик куни муборакбод қилиш, касал бўлганида бориб кўриш, учрашганида салом бериш, динига ва дунёсига фойда берадиган йўлга бошлаш, қурби етганча эҳтиром кўрсатиш кабилар.

Хароитий, Табароний Амр ибн Шуайбдан ривоят қилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“...Қўшни ҳақи нима эканини биласанми? Агар ёрдам сўраса, ёрдам бериш, қарз сўраса, қарз бериш, фақир (муҳтож) бўлиб қолса, егулик бериш, касал бўлса, бориб кўриш, унга яхшилик етса, қутлаш, мусибат етса, таскин бериш, вафот этса, жанозасида иштирок этиш, унинг изнисиз ўз уйини баланд қилиб қурмаслик, қозонда қовурилаётган гўшт ҳиди билан озор бермаслик (гўштдан унга ҳам бериш)...” деб марҳамат қилдилар.

Абу Довуд агар қўшнисининг туяси ёки қўйи ўлса, ўрнига ўзиникини олиб чиқиб берарди. Хоразмийнинг “Муфидул улум” китобида келтирилишича, Абдуллоҳ ибн Муборакнинг яҳудий қўшниси бор эди. Бир куни у уйини сотмоқчи бўлди. Унга: “Қанчага сотасан?” дедилар. У: “Икки мингга”, деди. Унга: “Уйингнинг нархи минг”, дедилар. Яҳудий: “Тўғри, лекин қўшним Абдуллоҳ ибн Муборак учун ҳам яна минг қўшасизлар”, деди. Бу хабар Абдуллоҳ ибн Муборакка етказилганида, у киши яҳудийни чақириб, ҳовлининг пулини берди ва: “Уйни сотма”, деди. Агар яҳудийга Ибн Муборакдек чиройли хулқли инсон йўлиқмаганида, у уйни сотишдан қайтмасди.

Қўшнининг озори (азияти)**ни кўтариш.** Инсон қўшнисидан етажак озорларга сабр қилиши, унга эътиборли ва кечиримли бўлмоғи, иложи борича меҳрибонлик қилиши ҳам фазилатдир.

Ҳаририй айтадилар: “Қўшнини ҳурмат қил, гарчи зулм қилса ҳам”. Шубҳасиз, нодонлик қилганга меҳрибонлик, ёмонлик қилганга яхшилик қилган ва зулм ўтказганни кечирган киши қиёмат кунида олий мартабада бўлади.

Баззоз ва Табароний Уббода ибн Сомитдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизларга Аллоҳ унинг сабаби билан юксак даражаларга кўтарадиган нарсанинг хабарини берайми?” – дедилар. “Ҳа, Аллоҳнинг расули”, дедилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сенга нодонлик қилганга меҳрибон бўл, сенга зулм қилганни кечир, сени маҳрум қилганга

(сенга бермаганга) бергин ва сендан узилганга (сендан қариндошлик алоқасини узганга) боғлан", дедилар.

Гуноҳкорни кечириш ва хатокорни афв этиш кўпинча уни тўғри йўлга солади. Шундан жафо – халимликка, тўсқинлик – равонликка, ғазаб – муҳаббатга айланади. Қуръони каримда:

وَلَا تَسْتَوِي ٱلْحَسَنَةُ وَلَا ٱلسَّيِّئَةُ ۚ ٱدْفَعْ بِٱلَّتِي هِيَ أَحْسَنُ فَإِذَا ٱلَّذِي بَيْنَكَ وَبَيْنَهُۥ عَدَٰوَةٌ كَأَنَّهُۥ وَلِيٌّ حَمِيمٌ ﴿٣٤﴾

«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ёмонликни) **гўзалроқ** (муомала) **билан даф этинг!** (Шунда) **бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ** (қалин) **дўстдек бўлиб қолур»** *(Фуссилат, 34)*, деб марҳамат қилинган.

Шундай экан, болаларни ёшлигиданоқ чиройли қўшничилик руҳида тарбиялаш муҳимдир. Токи бола уйланиш ёшига етиб, мустақил оила қурганида ҳам қўшничилик муомала ва одобларига амал қилсин. Бировга озор беришдан тийилсин, аксинча, кучсизларни озор берувчилардан ҳимоя қилсин. Уларга меҳрибонлик ва ҳалимлик билан боғланишга ҳаракат қилсин. Бу орзу ва ниятларимиз икки йўл билан, яъни, болага қўшничилик одобларини тушунтириш ва қўшни болаларни бир-бири билан дўстлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни пайдо қилиш орқали амалга ошади.

Шубҳасиз, бола ёшлигидан мана шу яхши хислатлар билан хулқланса, жамият учун энг керакли инсонлардан бўлиб етишади. Қаерда бўлса ҳам, фазлини зоҳир қилиб туради.

Устоз ҳақи

Устоз жамиятни олға бошловчи ва унинг эртанги кунини таъминловчи, таъбир жоиз бўлса, бир йўлчи юлдуздир. Устозсиз ҳеч бир жамият камолга етмаган, аксинча, инқирозга юз тутган. Шунинг учун ҳам халқимизда "Устоз отангдек улуғ", Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар" деган чиройли иборалар бор. Шундоқ экан, устознинг ҳам ота-онадек ҳақлари бор.

Болаларни устозни ҳурмат қилишга, уларнинг ҳақини адо этишга ўргатиш лозим. Шунда улар билим ўргатган, тўғри йўлга солган, ёмон йўллардан қайтарган кишининг қадр-қимматига етадилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мураббийларга олимларни ҳурматлаш, муаллим ва устозларни улуғлаш борасида кўпгина қимматли кўрсатмалар берганлар.

Имом Аҳмад, Табароний ва Ҳоким Убода ибн Сомитдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Кексаларимизни улуғламаган, кичикларимизга меҳрибон бўлмаган ва олимларимизни (ҳақини) билмаган менинг умматимдан эмас", дедилар.

Табароний "Авсат" деб номланган китобида Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Илм ўрганинглар ва билинглар, илмда хотиржамлик ва салобат бор, ўргатувчига тавозеда бўлинглар", дедилар.

Табароний "Кабир" деб номланган китобида Абу Умомадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Мунофиқлар уч тоифа кишини: Исломда сочи оқарган кишини, илмли кишини ва одил имом (раҳбар)ни қадрламайди", дедилар.

Имом Аҳмад Саҳл ибн Саъд Соидийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ё Аллоҳ, олимнинг орқасидан юрилмайдиган, ҳалим (беозор, ювош) кишилар тирик қолдирилмайди-

ган, қалблари ажамларники ва тиллари араб бўладиган замон келмасин”, дедилар.

Имом Бухорий Жобирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Уҳуд жангида шаҳид бўлганларни (қабрга қўйишда) жамлаб: “Буларнинг қайси бири Қуръонни ёд олган?!” деб сўрадилар. Қайси бирига ишора қилинса, ўшани олдин лаҳад (қабр)га қўярдилар.

Юқоридагилардан қуйидагиларни хулоса қилса бўлади: шогирд устозига тавозели бўлиши, унинг кўрсатмасидан чиқмаслиги, ҳар бир ишда ундан маслаҳат олиши лозим. Яна устози олдида ўзини хокисор тутади, мағрурланмайди, кибрдан узоқ бўлади. Устоз хизматини қилишга ҳамиша шай туради. Шофиъий (раҳимаҳуллоҳ) олимларга тавозели бўлгани учун шарафландилар. У киши: “Уларга нафсимни хорлайман, шунда улар нафсимни икром этадилар, хорланмаган нафс ҳеч вақт икром этилмас”, дер эди.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) мартабаси баланд ва қадри улуғ бўлатуриб, Зайд ибн Собит ансорийнинг уловларини ушлаб етаклади ва: “Бу бизларнинг олимларимизга қиладиган икромимиз”, деди. *Яъни, Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Зайд ибн Собит минган уловни етаклаб олимга эҳтиром кўрсатди.*

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (Халаф Аҳмарга): “Фақат рўпарангизда ўтираман (сизга юзланиб), устозга тавозе қилишга буюрилганмиз”, деди.

Имом Шофиъий (раҳимаҳуллоҳ): “Моликнинг ҳузурида у кишини ҳурматлаб, қоғознинг шитирлашини эшитмасин деб, китобни секин (нафис) варақлардим”, деди. Робеъ: “Аллоҳга қасам, Шофиъий менга боқиб турганларида, у кишининг салобатидан сув ичишга журъат қила олмадим”, деди.

Халифалардан бирининг ўғли Шурайкнинг ҳузурига келди ва деворга суяниб турганча ҳадис айтиб беришини сўради. Шурайк унга қайрилиб ҳам қарамади. Шунда

у яна сўради. Шурайк аввалгидек қайрилиб қарамади. Шунда у: “Халифаларнинг ўғлини паст санаш (менсимаслик) эмасми?” деди. Шурайк: “Йўқ, илм Аллоҳ ҳузурида буюкдир, мен уни зое қилишдан қўрқдим”, деди.

Шогирд устозига: “ё устоз”, “ё муаллим”, “жаноб муаллим”, “жаноб домла” деб мурожаат қилсин. Устозининг исмини устоз борлигида ҳам, йўқлигида ҳам айтмасин. Агарда айтиш жудаям керак бўлса, “фазилатли устозим бундай дедилар” ёки “устозим фалончи бундай дедилар”, ёки “йўлбошчим фалоний бундай дедилар”, деб айтсин.

Шўъба: “Агар бирортадан бир ҳадис эшитсам, унга қул бўлардим ва унинг ҳузурига тез-тез бориб турардим”, деди.

Таълим олувчи бола устози тирик вақтида ҳақига дуо қилиши, устоз вафот этганидан сўнг авлодлари, қариндошлари ва дўстларидан хабар олиши, қабрини зиёрат қилиши, устозга истиғфор айтиши, унинг номидан эҳсон қилиши, динда, илмда, хулқда унинг ўргатганларига риоя қилиши, илмига эргашиши (иқтидо қилиши), одоби билан одобланиши лозимдир.

Шогирд устозидан етаётган баъзи азиятларга сабр қилмоғи, бу ҳол устоздан илм олишига монелик қилмаслиги керак. Албатта, устоз шогирдини бекордан-бекор койимайди. Шогирд бундай пайтда ўзини тафтиш қилсин, устозидан узр сўрасин. Шундай қилса, устоз ва шогирд узоқлашмайди, қайтага яқинлашади. Шогирд хато қилса, устоз уни йўлга солади.

Улуғ салафларимиз айтадилар: “Ким илм олишда сабр қилмаса, нодонлигича қолади. Сабр қилса, дунё ва охират саодатига эришади”. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу): “Толиб бўлиб хорландим ва матлуб бўлиб азиз бўлдим”, деди.

Шофиъий (раҳмаҳуллоҳ) айтади: «Суфён ибн Уяйнага: “Сизга одамлар ернинг турли бурчагидан таълим олгани келадилар, сиз уларга қаттиқ гапирасиз. Улар сиздан кетиб қолишлари ва сизни тарк этишларидан

қўрқмайсизми?” дейилганида, у киши: “Шунинг учун улар мени тарк этсалар, улар аҳмоқдир”, дедилар».

Яна у киши дейдилар:

Устоз ва табиб ҳар иккиси
Агар ҳурматланмаса, насиҳат қилмас.
Дардингга чидар агар табибга жафо қилсанг,
Нодонлигингга чидар агар устозга жафо қилсанг.

Шогирд устози ҳузурида одоб, тавозе билан ўтириши, чалғимаслиги, бутун эътиборини у кишига қаратиши лозим. Ўтирганида бармоқларни қирсиллатиш, ҳуда-беҳуда йўталиш, томоқ қириш, бурин тортиш, пишиллаб нафас олиш, у ер-бу ерини қашиш, ёнидаги билан гаплашиш кабилар устозга ҳурматсизлик саналади. Чунки устоз рўпарасида қанча толиби илм ўтирса, барини кўриб, нима билан машғуллигини билиб туради. Шогирднинг битта ноўрин ҳаракати уни ранжитиши, фикридан чалғитиши мумкин. Натижада дарс маромига етмай қолади.

Олимнинг шогирд устидаги ҳақларини баён қилишда ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) бундай дедилар: «Олим (устоз)нинг сендаги ҳақи: ҳаммага умумий салом берсанг, устозга саломни хос қил, унинг ҳузурида қўлинг ва кўзинг билан ишоралар қилма, “фалончи бу сўзнинг аксини айтди” дема, бировни ғийбат қилма, унинг хатосини қидирма, агар адашса, узрини қабул қил, уни Аллоҳ учун улуғла, агар иши (ҳожати) бўлса, уни қилишга шошил, ҳузурида бирон киши билан шивирлаб гаплашма, кийимидан ушлама, агар дарс беришни кечиктирадиган бўлса, ундан талаб қилма, суҳбатидан тўйиб қолма, чунки у хурмо дарахтига ўхшайди, ундан қачон бир нарса тушади деб кутгин (интизор бўл)».

Шогирд устози ўтирган синфга ёки хос жойга киришда изн сўрайди, устоз бир ўзи бўладими ёки бошқалар билан бўладими, барибир. Агар рухсат бермаса, қайта сўрамаслик керак. Устоз ҳузурида чиройли кийинмоқ,

ўзига қарамоқ, хушбўйликлар сурмоқ керак. Илм ўрганишга, масжидга шундай борадилар. Чунки илм ўрганиш ҳам ибодатдир.

Овқатланаётган идишингиз қанча чиройли, покиза бўлса, иштаҳа ҳам шунча яхши, нонушта кўнгилли бўлади. Устоз ҳузурида ҳам шогирднинг қалби чиройли, покиза бўлиши керак. Бундай қалбга илм ўтиради, самараси кутилганидек бўлади.

Шогирд устозидан бир ҳукмни ёки қимматли фикрни, ёки бир ҳикоя, шеърни эшитса, уни ёд олсин ёки эсда сақлаб қолсин. Тинглаётганида ҳайрати юз-кўзларидан сезилиб турсин.

Ато: "Мен ҳадисни бир кишидан эшитаман, ваҳоланки, мен бу ҳадисни ундан яхшироқ биламан, шундай бўлса ҳам, ўзимни билмагандек тутаман", деган.

Яна у: "Мен бир ҳадисни бирон бир ёш йигитдан аввал эшитмаганимдек эшитаман, ваҳоланки, мен у туғилмасидан олдин ҳадисни эшитганман", деган.

Шогирд дарс пайтида ҳафсаласизлик қилмасин, балки зеҳнини ўткирласин, саволларга жавоб бериш билан машғул бўлсин. Устоз айтган дарсни албатта тайёрласин. Агар устознинг сўзини англамай қолса, узр айтиб, сўраб билиб олсин. Бундай ҳолатдан устоз ранжимайди, балки шогирдининг талабчанлигидан, лоқайд эмаслигидан хурсанд бўлади. "Сўраб ўрганган олим, орланиб сўраман ўзига золим", дейдилар ҳазрат Навоий. Албатта, биз айтаётган талаблар бола мактабга ёки мадрасага борганида ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. У ўқув даргоҳига боргунча, устозга рўпара бўлгунча, оила даврасида бу ҳақда тушунча шаклланиши керак. Бу ишга хусусан ота-она, бобо ва бувилар, амма-холалар масъулдирлар. Токи бола мактаб, устоз ҳақидаги тушунчаларга олдинроқ эга бўлсин, бирданига нотаниш оламга тушиб қолгандек бўлмасин. Албатта, бола ўқишга қатнаётган ака-опаларини кўриб илк кўникмани олади. Лекин бу кўникма ота-онанинг, катталарнинг таъкидлаши, тушунтириши билан мукаммал бўлади.

Ҳабиб ибн Шаҳид: “Эй ўғлим, фақиҳларга ва олимларга эргаш, улардан илм ўрган ва одобларидан олгин, чунки бу менга кўп ҳадисдан маҳбуброқ”, деди.

Мухаллад ибн Ҳусайн бир куни Ибн Муборакка: “Биз кўп ҳадисдан кўра кўп одобга муҳтожроқмиз”, деди. Баъзи салафлар фарзандларига: “Одобдан бир боб ўрганиш етмиш боб илм ўрганишдан яхшироқдир”, деб таълим берган.

Суфён ибн Уйайна: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) катта мезондирлар. Нарсаларнинг у киши хулқига, сийратига ва йўлига мувофиқ келгани ҳақ ва уларга мувофиқ келмагани ботилдир”, деди. Ибн Сирин: “Улар илм ўрганган каби Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йўлларини ҳам ўрганадилар”, деди.

Албатта, биз зикр этаётган одоблар устозлар ҳақини адо қилиш, тақволи бўлиш, Исломга содиқ қолиш, Аллоҳ учун виқорни умид қилиш, Исломни ақида ва шариат деб, Қуръони каримни дастур деб имон келтиришни талаб қилади.

Дўст ҳақи

Бола тарбиясида яхши дўст ва ҳумсуҳбат танлашни ўргатиш ҳам муҳим саналади. Чунки унинг вояга етишида ва ҳаёт йўлларида ўртоғининг, дўстининг таъсири катта бўлади. “Дўстингни айт, сенинг кимлигингни айтиб бераман”, деган гап бежиз айтилмаган. Мева-меваdан ранг олганидек, бола-боладан одоб ёки бўлмағур қилиқларни ўрганади. Яна халқимиз: “Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади”, дейди.

Боланинг ўртоқ ва дўст танлашига ота-оналар шунчаки бир ҳолат деб қарамасликлари керак. Бу ҳам тарбиянинг муҳим жиҳатларига киради.

Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Мусо Ашъарийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Яхши ҳамсуҳбат ва ёмон

ҳамсуҳбатнинг мисоли мушк (хушбўй нарса) сотувчи ва темирчининг қўрасини пуфловчи босқонга ўхшашдир. Бас, мушк сотувчи ё сенга мушк ҳадя қилади, ё сотиб оласан, модомики, олмаганингда ҳам ундан ёқимли ҳид қолади. Темирчининг босқонидан эса ё кийиминг куяди ёки ёқимсиз ҳид қолади", дедилар.

Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Фақат мўминни дўст қил ва таомингдан фақат тақводор есин", дедилар.

Ибн Асокир ривоят қилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Сен ўзингни ёмон ошнодан сақлагин, чунки сен у билан таниласан", дедилар.

Имом Термизий ва Имом Абу Довуд ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Киши дўстининг динидадур, шундай экан, бас, сизлар кимни дўст тутганига қаранглар", дедилар.

Бола ўсмирлик ёшига етганидагина оқ билан қорани ажрата бошлайди. Яхши дўст ким-у, нобоп дўст ким, кимни яқин олиш кераг-у, кимдан узоқ бўлиш кераклигини фарқлай бошлайди. Ўзаро борди-келди алоқалар, давра қуриб катта-кичик ўтиришлар урфга киради. Бу пайтда ота-оналар, устозлар жудаям зийрак бўлишлари зарур. Бола ўзига яхши дўст топганига ишонч ҳосил қилгач, дўстини вақти-вақти билан зиёрат қилиш, бемор бўлса бориб кўриш, ҳадялар бериш, муҳтож бўлганда қарашиш каби фазилатлардан уни огоҳ қилиш зарур. Бу чиройли одатлар болада ижтимоий онгни пайдо қилади ва келажакда жамият ҳақини адо қиладиган кишилардан бўлиб улғайишига ёрдам беради.

Дўстликнинг зарурий талаблари қуйидагилар:

Учрашиб қолганида саломлашишга шошилмоқ. Икки шайх Абдулло ибн Амр ибн Осдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Исломда қайси амал яхши?" деб сўралди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Овқат бериш ва таниган, танимаганга салом бериш”, дедилар.

Имом Муслим Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Имон келтирмагунингизча жаннатга кирмайсизлар ва бир-бирингиз билан ўзаро муҳаббатли бўлмагунингизча имон келтирмайсизлар. Сизларга ўзаро муҳаббатли қиладиган нарсани кўрсатаймми? Ораларингизда саломни ошкор (кенг тарқатинг) қилинглар”, дедилар.

Икки дўстдан қай бири аввал салом берса, кўп савоб олади ва дўстига алик олишни фарз қилади. Чунки салом бериш суннат, алик олиш фарздир. Шу тариқа жамият аъзолари ўртасида ўзаро муҳаббат ва бирдамлик ривожланади.

Дўст касал бўлганда бориб кўриш. Имом Бухорий Абу Мусодан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Беморни бориб кўринглар, очга таом беринглар ва қулларни озод қилинглар”, дедилар.

Икки шайх Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мусулмоннинг мусулмондаги ҳақи бештадир: саломга алик олиш, беморни бориб кўриш, жанозага ҳозир бўлиш, даъват (чақириқ)га жавоб бериш ва акса урса, унга яхшилик тилаш”, дедилар.

Ислом таълимотида касал дўстини бориб кўриш мусулмоннинг биродари устидаги ҳақи ҳисобланади. Бу амаллар ҳам кишилар ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга омил бўлади.

Акса урса, унга яхшилик тилаш. Имом Бухорий Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сизларнинг бирортангиз акса урса, “Алҳамдулиллаҳ” десин. (Уни эшитган) дўсти ёки биродари унга: “Ярҳамукаллоҳу” десин. Агар унга (акса урган кишига) “Ярҳамукаллоҳу” деса, у “Яҳдикумуллоҳу ва юслиҳ болакум” десин», дедилар.

Сиртдан қарашда, арзимагандек кўринган бу одоб қоидалари инсонлар ўртасида ўзаро муҳаббат ва бирдамлик алоқаларини мустаҳкамлайди.

Аллоҳ йўлида дўстни зиёрат қилиш. Ибн Можа ва Имом Термизий Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким касални бориб кўрса ёки Аллоҳ йўлида биродари (дўсти)ни зиёрат қилса, Нидо қилувчи унга: Сен ўзинг ва юришингни яхши қилдинг ва жаннатда ўзинг учун ўрин тайёрладинг, дейди”, дедилар.

Имом Муслим Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бир киши ўзининг бошқа қишлоқдаги биродарини зиёрат қиладиган бўлди. Аллоҳ унинг йўлига инсон қиёфасидаги бир фариштани қўйди. Унинг олдига келганида: “Қаёққа боряпсан?” деб сўради фаришта. “Ушбу қишлоқдаги биродаримни кўрмоқчиман”, деди киши. “Унда сен кўзлаган бирор мақсадинг борми?” “Йўқ. Фақат мен унга Аллоҳ таоло учун муҳаббат қилганман, холос”, деди. “Мен фариштаман, батаҳқиқ, сен унга муҳаббат қилганингдек, Аллоҳ ҳам сенга муҳаббат қилди”, деди.

Қийналганда ёрдам бериш. Икки шайх Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мусулмон мусулмоннинг биродари, унга зулм қилмайди ва уни хорламайди. Ким биродарининг ҳожатини раво қилишда бўлса, Аллоҳ унинг ҳожатини раво қилишда бўлади. Ким мусулмондан бир ғамни кетказса, қиёмат куни Аллоҳ унинг бир ғамини кетказади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ унинг айбини қиёмат куни беркитади”, дедилар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтган жойга бориш, айтмаган жойга бормасликни уқтирадилар. Халқимизда тўй, маърака, аза билан боғлиқ издиҳомлар бўлади. Ушбу издиҳомларнинг эгалари имкониятларига қараб одам айтадилар. Ўша айтган одам-

ларига қараб тайёргарлик кўрадилар. Таклиф этилган жойга борган киши биродарининг кўнглини олган, бормаса, ранжитган бўлади. Айтмаса ҳам бориладиган бўлса, хижолатпазлик бўлиб қолиши мумкин. Энди жаноза масаласига келсак, унга қўни-қўшнидан эшитиб ҳам борилаверади, чунки жаноза одамларга номма-ном айтилмайди. Бошига мусибат тушган биродарининг кўнглини сўраш, марҳумнинг жанозасида иштирок этиш вожиб амаллардандир.

Инсонлар одат қилган ва урф бўлган байрамлар билан қутлаш. Дайламий Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. «Ким биродарига жума (намози)дан қайтаётганида йўлиқса: "Аллоҳ биздан ва сиздан (ибодатларимизни) қабул қилсин", десин». "Саҳиҳ" китобида келтирилишича, Талҳа Каъб ибн Моликни Аллоҳ тавбасини қабул қилгани билан қутлади.

Дўст ва қадрдонларга байрамларда ҳадя (совға) **улашиш.** Имом Табароний "Авсат" китобида Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади. У киши: "Ўзаро ҳадя (совға) улашинглар, бир-бирингизга муҳаббатли бўласиз", дедилар. Яна Табароний "Авсат" китобида Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Эй мўминларнинг аёллари, ўзаро ҳадя улашинглар, гарчи қўйнинг бир оёғини бўлса ҳам. Чунки у дўстлик (муҳаббат)ни пайдо қилади ва гина-кудурат (нафрат)ни кетказади", дедилар.

Имом Молик "Муватто" китобида ривоят қилади:

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ўзаро қўл ушлаб кўришинглар, нафрат кетади, ўзаро ҳадя улашинглар, бир-бирингизга муҳаббат пайдо бўлур ва ғазаб (нафрат) кетади", дедилар.

Дўстлик иплари ўзаро қўшничиликда, сафарда, иш жойида, мактабда, маҳаллада, талабалик йилларида, ҳатто кутилмаган воқеа-ҳодисалар туфайли боғланиши мумкин. Ҳамма гап дўстликни қадрлаш ва сақлаб қолишда.

Имом Табароний ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бир саҳоба иккалалари уловда кетаётиб (чакалакзор) дарахтзорга кирдилар. Ва у ердан иккита ёғоч кесиб олдилар. Бири эгри, бири тўғри. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тўғрисини ҳамроҳларига бердилар. У: "Ё Аллоҳнинг расули, сиз тўғриси (яхшисига) ҳақлисиз", деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Йўқ, эй фалончи, ҳар бир дўст (ҳамроҳ) дўстига масъулдир, гарчи бир кун, бир соат ҳамроҳ бўлса ҳам", дедилар.

Робеъ ибн Абу Абдураҳмон: "Сафарда мурувват (саховат) бор", деди. Сафардаги мурувват дегани – егуликлардан қарашиш, ширин суҳбат қуриш, ҳамроҳини камситмасликдир. Шунинг учун ҳам халқимизда дўстни қуда бўлиб, қўшни бўлиб, сафарда ҳамроҳ бўлиб синайсан, деган ҳикмат бор. Буни болаларга, ёшларга уқтирмоқ зарур.

"Юз марта эшитишдан бир марта кўрган афзал", деган мақол бор. Дўст танлаш, дўстлик одобини сақлашда, дўсту биродар қадр-қимматини жойига қўйишда ота-она ва катталарнинг ибрати ҳам ёшларга намуна бўлади.

Бола оқ-қорани таний бошлаганиданоқ унга дўст ҳақидаги тушунчаларни сингдириб бориш муҳимдир. "Дўстсиз бошим – тузсиз ошим", дейди халқимиз. Қабилалар, жамиятлар, давлатлар дўстлик билан камол топган, енгилмас кучга, қудратга эга бўлган. Дўстлик ўзаро меҳр-муҳаббатдан, бир-бирига ихлос ва вафодан, фақат ўзини эмас, ўзгаларни ҳам меҳрибонлик, ғамхўрлик билан ўйлашдан қоим бўлади.

ЯХШИЛИККА ЧОРЛАШ

Фарзандга турмушнинг, тарбиянинг муҳим қоидаларини ёшлигидан ўргатиш, унинг қалбига бунёдкорлик туйғуларини сингдириш ота-она ва мураббийларнинг ҳамиша долзарб вазифаси бўлиб келган. Фарзанд Ислом динимизнинг асосий қоидаларидан бири бўлган яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтаришни одат қилиши лозим.

Инсонлар ичида фақат пайғамбарлар гуноҳдан покдирлар. Зеро, Парвардигор уларни гуноҳдан пок фитратда яратгандир. Пайғамбарлардан бошқа барча инсонлар гўзал одоб-ахлоқли бўлиш билан бир қаторда, гуноҳ ишлар ва хатоларга йўл қўядилар. Ислом дини гуноҳ амалларни очиқ баён қилган ва мўминларни бундай ишлардан сақланишга буюрган. Бу амрга бўйсунган киши ўзини ҳалокатдан сақлайди ва Аллоҳнинг суюкли бандасига айланади. Мусулмон кишининг вазифаси фақат ман қилинган ишларни қилмаслик билан кифояланмайди. Балки гунох иш қилаётган биродарини у йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солиши ҳам муҳимдир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Қайси биригиз бирор мункар ишни кўрса, уни кўли билан қайтарсин. Агар қўли билан кайтаришга қодир бўлмаса, тили билан, агар унга ҳам қодир бўлмаса, мункар ишни қалби билан ёмон кўриб қўйсин, мана шу охиргиси имоннинг энг заиф даражасидир”. Ҳар бир инсон ҳаётда маълум мақсад сари интилиб яшайди. Жамиятнинг одоб-ахлоқ билан зийнатланиши учун ҳаракат қилиш ва одамларнинг турли муаммоларига дардкаш бўлиб, ўзини эзгу ишларга масъулиятли ҳис этиш мусулмон кишининг мақсади бўлиши лозим. Шундагина мўмин киши ўз манфаати учун эмас, бутун жамият фаровонлигига куч-ғайрат сарфлаган бўлади. Бундай инсон тўғри йўлдагиларни қўллаб-қувватлаб, адашганларни ҳидоятга чақиради. Зеро, жамиятнинг гуллаб-яшнаши ҳам, фало-

кати ҳам ҳар бир кишининг тақдири билан боғлиқ. Чунки кема сувга чўккан пайт, гарчи уни кема остидагилар тешган бўлса ҳам, кема устидаги бу ишга умуман алоқасиз сайёҳлар ҳам сувга ғарқ бўлади.

Демак, ҳаётда баъзи бир хатоларга йўл қўйган кишини тўғри йўлга солиш мўминга хос бўлган хислатдир. Шунинг учун кишига хатосини ўз вақтида англатиш ҳам муҳим. Бундай ҳолатларда Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тутган йўллари биз учун юксак намунадир. Ул зот биринчи навбатда кишининг хатосини юзига солмасдан, уни тўғрилаш йўлларини шахсиятига тегмаган ҳолда ширинсуханлик билан тушунтирганлар. Зеро, Аллоҳ таоло томонидан Мусо билан Ҳорунга (алайҳиссалом) Фиръавнни динга даъват қилиш буюрилганида: **“Бас, унга юмшоқ сўз айтингиз! Шояд, у эслатма олса ёки** (ҳалок қилишимдан) **қўрқса”,** *(Тоҳо, 44)* дейилган.

Бу ояти каримада гуноҳ ва хато иш қилганларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш аниқ баён қилинган.

Ҳаётда баъзи кишиларнинг билиб-билмай гуноҳ ёки хато иш қилаётганларига тез-тез гувоҳ бўламиз. Бизлардан, аввало, ўзимизни бундай ишлардан сақлаш, бошқаларнинг нотўғри ишларини Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатиб берганларидек ва Парвардигоримиз буюрганидек тушунтириш талаб қилинади.

Мураббийлар фарзанд қалбига жасурлик, шижоатлилик ва тўғри сўзли бўлишни ҳам сингдириши, Исломнинг эзгу тушунчаларини дилига жойлаб, Аллоҳ йўлида хайрли ва савобли ишларни кўп қилишни ўргатиши лозимдир.

Яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш

Ислом дини барча умматларга жинси, миллати, ирқидан қатъи назар, бир-бирларидан ажратмасдан яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтаришни фарз қилди. Бу муҳим вазифани адо этишда белгиланган қоидаларга амал қилинади.

Аллоҳ таоло бундай дейди:

وَٱلْمُؤْمِنُونَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَآءُ بَعْضٍ ۚ يَأْمُرُونَ بِٱلْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ ٱلْمُنكَرِ وَيُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَيُؤْتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ وَيُطِيعُونَ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥٓ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ سَيَرْحَمُهُمُ ٱللَّهُ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٧١﴾

«Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар: (одамларни) **яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар, намоз**(лар)**ни баркамол адо этадилар, закотни берадилар ҳамда Аллоҳ ва** (Унинг) **Расулига итоат этадилар. Айнан ўшаларга Аллоҳ марҳамат кўрсатур. Албатта, Аллоҳ қудратли ва ҳикматлидир»** *(Тавба, 71).*

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалардан қийинчилик ва енгилликда итоат қилишга, қай ҳолатда бўлса ҳам, тўғри сўзлашга ва сабрли бўлишга аҳд олдилар.

Убода ибн Собит (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

“Саҳобалар Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қийинчилик ва енгилликда, ихтиёрий ва мажбурий амалда итоат қилишга, ўзидан бошқани афзал кўришда, жўяли сабаб бўлмасдан бирор киши билан тортишмасликка, доим тўғри сўзлашга ҳамда Аллоҳ йўлида сабр қилишга аҳд қилдилар”.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жамиятдаги ҳар бир кишининг ҳаётини битта кемада кетаётганларга ўхшатдилар. Шунинг учун ҳар бир кишининг хатти-ҳаракатида салбий ҳолатлар сезилса, мусулмон киши уни тартибга чақириши лозим бўлади.

Амру маъриф ва наҳйи мункар Ислом умматига вожиб ва ҳар бир мусулмон кишининг белгиланган тартибда уни адо этиши улкан вазифадир.

Амру маъруф ва наҳйи мункар эркак, аёл, ёш ва кекса, катта-кичик мусулмонга вожиблиги ҳақида Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзлари бор.

Ҳузайфа (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Нафсим измида бўлган Зотга қасам, албатта, яхшиликка буюриласизлар ва ёмонликдан қайтариласизлар ёки Аллоҳ сизлар устиларингизга азоб юборади. Сизлар дуо қиласизлар, бас, дуоларингиз қабул қилинмас”, дедилар *(Имом Термизий ривояти)*.

Ибн Ҳиббон Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади.

Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юзларида маҳзунликни кўрдим. У киши таҳорат қилдилар, бирон кишига гапирмадилар. Мен Ул зот нима деганларини билиш учун ҳужра деворига яқин келдим. У киши минбарга ўтирдилар. Аллоҳга ҳамду сано айтдилар ва: «Эй инсонлар, Аллоҳ таоло сизларга: “Менга дуо қилишдан олдин яхшиликка буюринглар ва ёмонликлардан қайтаринглар. Акс ҳолда мен дуоларингни қабул қилмайман. Мендан ёрдам сўрайсизлар, ёрдам бермайман”, деди», дея минбардан тушдилар.

Амру маъруф ва наҳйи мункарнинг ҳамма қабул қилган қоидалари ва шартлари бор, уларни мураббийлар ўзлари ўрганиб, болаларга ўргатишлари лозимдир. Бола бу қоидаларни тушуниб етсин, шу қоидаларга кўра ҳаракат қилсин.

Амали сўзига мос бўлсин

Аллоҳ таоло айтади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لِمَ تَقُولُونَ مَا لَا تَفۡعَلُونَ ٢ كَبُرَ مَقۡتًا عِندَ ٱللَّهِ أَن تَقُولُواْ مَا لَا تَفۡعَلُونَ ٣

«Эй имон келтирганлар! Сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қилдик ёки қиламиз деб) **айтурсиз?! Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни** (қиламиз, деб) **айтишингиз Аллоҳ наздида катта нафрат** (боиси)**дир»** *(Саф, 2-3)*.

Усома (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

Мен Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қуйидаги ривоятни эшитганман: «Қиёмат куни бир киши дўзахга ташланади. Шунда: “Эй фалончи, сенга нима бўлди? Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтармасмидинг?” дейдилар. У: “Ҳа, яхшиликка буюриб, ўзим уни қилмас эдим ва ёмонликдан қайтариб, ўзим уни қилар эдим”, дейди», *(Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).*

Ёмонликдан қайтариш босқичма-босқич бўлиши

Кишини ёмонликдан ҳикматли ва чиройли сўзлар билан қайтариш лозим. Иложи борича хатога йўл қўйишдан сақланиш керак.

Ёмонликдан қайтарувчининг яхши хулқли бўлиши

Инсонларни яхшиликка чорлаш ва уларни ёмонликдан қайтариш учун киши қалби мулойим, гўзал хулқли ва шу каби яхши сифатлар билан йўғрилган бўлиши шартдир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай бўлишга буюрдилар.

Амр ибн Шуайб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким яхшиликка буюрса, бас, ўзи яхши бўлсин”, дедилар *(Байҳақий ривояти).*

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, мулойимлик бирон нарсада бўлса, уни зийнатлайди. Агар у бирор нарсадан суғириб олинса, шармисор қилади”, дедилар *(Имом Муслим ривояти).*

“Албатта, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни яхши кўради” *(Имом Муслим ривояти).*

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мулойимликдаги ўрнак олинадиган жиҳатлари жуда кўп мисолларда мужассамдир.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

Бир киши масжидда бавл қилди. Одамлар уни қаттиқ уришмоқчи бўлди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва сал-

лам): “Унга ташланманглар, нопок жойга бир челак сув тўкинглар. Сизларга енгиллик қилиш учун юборилдим, сизларга қийинчилик қилиш учун эмас”, дедилар *(Имом Бухорий ривояти)*.

Абу Умома (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

Муовия ибн Ҳакимдан ривоят қилади.

“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан намоз ўқиётган эдим, бир киши акса урди. Мен: “Ярҳамукаллоҳ”, дедим. Кишилар менга ғалати қарашди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намозни ўқиб бўлгач, менга ғазаб қилмадилар. У киши: “Бу намоз, бунда одамлар сўзи дуруст бўлмайди, бунда тасбеҳ, такбир ва Қуръон ўқиш бўлади”, дедилар *(Имом Муслим ривояти)*.

Бир нотиқ Абу Жаъфар Мансур ҳузурига кирди. Унга қўпол гапирди. Шунда Абу Жаъфар: “Мулойим бўл, Аллоҳ таоло сендай яхши кишини мендай ёмон кишига юборди, Аллоҳ Мусони Фиръавнга юборди ва унга айтди:

فَقُولَا لَهُۥ قَوْلًا لَّيِّنًا لَّعَلَّهُۥ يَتَذَكَّرُ أَوْ يَخْشَىٰ ﴿٤٤﴾

«Бас, унга юмшоқ сўз айтингиз! Шояд, у эслатма олса ёки (ҳалок қилишимдан) **қўрқса»** *(Тоҳо, 44)*.

Шунда нотиқ қилган ишидан ҳижолат бўлди ва у Мусодан (алайҳиссалом) афзал эмаслигини билди ва Абу Жаъфар Фиръавндан ёмон эмаслигини англади.

Аллоҳ таоло Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одоб бериб:

فَبِمَا رَحْمَةٍ مِّنَ ٱللَّهِ لِنتَ لَهُمْ ۖ وَلَوْ كُنتَ فَظًّا غَلِيظَ ٱلْقَلْبِ لَٱنفَضُّوا۟ مِنْ حَوْلِكَ ۖ فَٱعْفُ عَنْهُمْ وَٱسْتَغْفِرْ لَهُمْ وَشَاوِرْهُمْ فِى ٱلْأَمْرِ ۖ فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلْمُتَوَكِّلِينَ ﴿١٥٩﴾

«Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз, эй Муҳаммад,) **уларга** (саҳобаларга) **мулойимлик қилдингиз. Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта,** (улар) **атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар. Бас,**

уларни афв этинг, (гуноҳлари учун) **кечирим сўранг ва улар билан кенгашиб иш қилинг!** (Бирор ишга) **азму қарор қилсангиз, Аллоҳга таваккул қилинг, зеро, Аллоҳ таваккул қилувчиларни севар»** *(Оли Имон, 159),* дея марҳамат қилган.

Ёмонликдан қайтаришда азиятга сабр қилиш

Луқмони Ҳаким ўғлига бундай васият қилган:

يَٰبُنَيَّ أَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ وَأۡمُرۡ بِٱلۡمَعۡرُوفِ وَٱنۡهَ عَنِ ٱلۡمُنكَرِ وَٱصۡبِرۡ عَلَىٰ مَآ أَصَابَكَۖ إِنَّ ذَٰلِكَ مِنۡ عَزۡمِ ٱلۡأُمُورِ ١٧

«Эй ўғилчам! Намозни баркамол адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балолар)**га сабр қил! Албатта, мана шу пухта ишлардандир»** *(Луқмон, 17).*

Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. “Ё Аллоҳнинг расули, қандай одамлар қийинчиликларга кўп дучор бўлади?” дедик. У зот: “Пайғамбарлар, сўнгра уларга яқинлар, сўнгра уларга яқинлар. Киши динига қараб мусибатланади. Агар динида мустаҳкам бўлса, мусибати оғир бўлади. Агар динида бўш бўлса, Аллоҳ уни динига яраша мусибатлайди”, дедилар.

Сабр билан насиҳат қилиш

Кишиларни тўғри йўлга чорлашда сабр билан насиҳат қилиш лозим. Аллоҳ таоло бундай дейди:

«Аср билан қасамёд этурманки, (ҳар бир) **инсон зиёнда** (бахтсизликда)**дир! Фақат имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган, бир-бирларига ҳақиқатпарвар бўлишни тавсия этган ва бир-бирларига сабрли бўлишни тавсия этган зотларгина бундан мустасно дирлар»***(Аср, 1–3).*

Мураббий мазкур жиҳатларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиши лозимдир. Бундай тарбия ҳаёт ҳақи-

қатлари билан Ислом динининг ҳамоҳанглигини тўғри тушунишга ёрдам беради. Бу ҳамоҳанглик дин билан дунёни ва руҳ билан жисмни, ибодат, саховатнинг барчасини уйғунлаштиради. Шунингдек, ақида, имон ва тақво, эҳсон, намоз, рўза, яхшилик, мулойимлик, сабр, тўғрисўзлилик, вафо, яхшилик, дўстлик, сахийлик, азм, тинчлик, кечиримлилик ва бағрикенглик фазилатларини инсонда мужассамлаштиради.

Ёши улуғларни қадрлаш

Ёш авлод турмуш синовларида тобланиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, теран ақлли, тақволи, улуғ кишилар кўмаги ва маслаҳатига доим эҳтиёж сезади. Меҳнатсевар, ҳалол-пок, диёнатли, эл иши учун фидойи инсон бўлиб улғайишни истаган ҳар бир ўғил-қиз кексалар ҳаётий тажрибасидан албатта фойдаланиши лозим. Шунинг учун орамизда катталарнинг борлиги улуғ неъматдир.

Инсон ҳаёти мевали дарахтга қиёс этилади. Чунки дарахт бир мавсумнинг ўзида куртаклар тугади, гуллайди, кўпдан-кўп мевалар қилади. Кексалик эса худди мевалари пишган боққа ўхшайди.

Луқмони Ҳакимдан:

– Нега ҳадеб ўғлингга насиҳат қилаверасан? – деб сўрашди.

– Кексаларнинг насиҳатлари ёшлар учун боғбон ниҳолни тарбия қилгани кабидир, – дея жавоб берди Луқмони Ҳаким.

Инсон дунёга келиб ўсади, улғаяди, умргузаронлик қилади. Кечаги гўдак бугун йигит, бўй етган қиз. Вақт ўтиши билан, насиб этса, ҳар бир инсон қарилик ёшига етади, бу – ҳаёт қонунияти.

Қарияларни эъзозлашга динимизда алоҳида эътибор берилган. Имон-эътиқодли, ихлосли ва нуроний кексаларнинг фазилатларини билиш ҳамда уларнинг ҳақларини адо этиш бошқалар учун вожибдир. Бундай хайрли ишлар Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва сал-

лам) суннатларига мувофиқдир. У зот кишиларга кексаларнинг фазилатларини билдириб, уларнинг ҳақларига риоя этишни шарт қилганлар.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا أَكْرَمَ شَابٌّ شَيْخًا لِسِنِّهِ إِلَّا قَيَّضَ اللهُ (أَيْ قَدَّرَ) لَهُ مَنْ يُكْرِمُهُ عِنْدَ سِنِّهِ (رواه الترمذي).

Имом Термизий Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадиси шарифда Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кексаларни улуғлаш ҳақида бундай деганлар: “Ёш йигит кекса кишини ёши улуғлиги учун ҳурмат қилса, Аллоҳ таоло уни ҳам кексайганида ҳурмат қилинадиган инсонлар қаторига қўяди”.

Бир йигит бобосига дерди: “Бобожон, мен ҳам сизнинг ёшингизга етсам дейман...” “Илоё, ниятингга ет, болам, узоқ яшай десанг, кексаларни ҳурмат қил...” деди бобоси.

Кексаларга ҳурмат халқимизнинг азалий ибратли қадриятларидан ҳисобланади. Ҳукуматимиз истиқлол йилларида қарияларни улуғлаш борасида бир талай хайрли ишларни амалга оширди. Жумладан, 2002 йил мамлакатимизда “Қарияларни қадрлаш йили” деб эълон қилиниб, ёши улуғ кишиларга ҳурмат ва эътибор янада кучайтирилди. Шунингдек, 9 май куни юртимизда “Хотира ва қадрлаш куни” деб белгиланди. Ушбу байрам шарофати билан кекса отахону онахонларимиз халқимиз эъзозида бўлиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланади. “Хотира ва қадрлаш” куни юксак ахлоқнинг ёрқин бир кўриниши, ҳавас қилса ярашгулик байрамга айланди. Бу кун тарихнинг оғир синовларини бошдан кечирган, фидокорона меҳнат қилган табаррук ёшдаги отахон, онахонларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш айёмидир. “Қадр кўрсатган қадр топади” – халқимизнинг доно ҳикмати ҳам шуни таъкидлайди.

Қадрлаш ўзликни англаш демакдир. Бу сўз замирида имон бутлиги, одоб-ахлоқ, аждодлар мероси, шунингдек, атрофимиздаги инсонларга чуқур ҳурмат мужассам.

Юртбошимиз ташаббуслари билан ҳар йили 31 август куни Тошкент шаҳридаги “Шаҳидлар хотираси” майдонида нуроний отахонлар, меҳнат фахрийлари ва маҳалла оқсоқолларига дастурхон ёзиш, уларнинг кўнгилларини шод қилиш яхши анъанага айланди.

Муҳтарам Президентимиз кўрсатмаларига мувофиқ, 2011 йилда жаҳонда саккизинчи бўлиб мамлакатимизда ҳаракати йўлга қўйилган замонавий тезюрар поездда дастлаб нуроний отахону онахонлар, кекса меҳнат фахрийлариларининг дилларини хушнуд этиш ва дуоларини олиш мақсадида Самарқандга зиёрат сафари уюштирилди. Бу тадбир ҳам қарияларга ҳукуматимиз даражасида кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Ислом дини доимо катта ёшли кишиларни ҳурмат қилишга чорлаб келган.

رَوَى أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ عَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمْ قَالَ: لَيْسَ مِنَّا مَنْ لَمْ يَرْحَمْ صَغِيرَنَا وَلَمْ يَعْرِفْ حَقَّ كَبِيرَنَا

Абу Довуд ва Имом Термизий Амр ибн Шуайб отасидан, у эса бобосидан (розияллоҳу анҳум) ривоят қилган ҳадиси шарифда: “Кичикларга раҳм-шафқатда, каттаоларга ҳурмат-иззатда бўлмаган киши биздан эмасдир”, дейилган.

رَوَى أَبُو دَاوُدَ عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ : إِنَّ مِنْ إِجْلَالِ اللهِ تَعَالَى إِكْرَامُ ذِي الشَّيْبَةِ الْمُسْلِمِ وَحَامِلِ الْقُرْآنِ غَيْرِ الْغَالِي فِيهِ وَالْجَافِي عَنْهُ (أَيِ التَّارِكُ لَهُ) وَ إِكْرَامُ ذِي السُّلْطَانِ الْمُقْسِطِ (الْعَادِلُ)

Абу Довуд Абу Мусодан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мусулмон мўйсафид, Қуръонни ёд олиб, унда ҳаддидан ошмаган ва уни тарк қилмаган қори ҳамда

одил подшоҳни ҳурмат қилиш Аллоҳ таолони улуғлаш кабидир”, дедилар.

Ушбу ҳадиси муборакда баён қилинган сифатлар халқимиз онгига сингиб кетган, миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмига айланган. Лекин ҳозирги кунда айрим ота-оналар ва мураббийлар болаларда мазкур сифатлар шаклланишига алоҳида эътибор қаратмаяптилар. Оқибатда, баъзи ёшларда кексаларни ҳурмат қилмаслик ҳолатлари учрамоқда. Афсус, баъзи ғўр ёшлар назарида қариялар дардисардек, ортиқчадек туюлади. Бирор даврага кирган отахонни ёки автобусга чиққан қарияни кўрган нодон ёшлар “уфф” тортишади. “Қариганида уйида жимгина ўтирса бўлмасмикан-а?” дея хато ўйлашади.

Ҳаётнинг аччиқ ва ширин томонлари бор. Қариялар эътибор, меҳр-мурувват ва шафқатга муҳтож бўлишади. Бундай инсонларга эътиборли бўлмоқ лозим. Чунки уларнинг умри меҳнат билан ўтган, энди кексалик боис ишга ярамай, хасталаниб, куч-қувватдан қолганлар. Жамият ва она Ватан равнақи учун ҳисса қўшган, оилани оёққа турғазган, ўғил-қизлар ўстириб, едириб-ичирган, оилам, болам-чақам деб, елиб-югурганлар ҳам шулар.

Кексаликнинг касаллик, кўз хираланиши, оёқ-бел оғриши, кучдан қолиш, аввалги куч-қувватнинг сусайиши, қадамнинг майда бўлиб қолиши каби муайян мушкулотлари ва мураккабликлари бор. Лекин қарилик палласида кишилар ҳаётга ўзгача нигоҳ билан боқади. Сўзлар салмоқли, нигоҳлар вазминлик касб этади. Ҳаётда кўп тажриба орттирган кишилар ювош ва мулойим бўлиб қоладилар. Кекса одам заифлашиб, ўзи ва ўзгаларга мулойимлик истайди. Уларга нисбатан асосан уч ҳолатда мулойимлик зарур: ширин муомалада, тансиқ таом тайёрлашда ва юмшоқ ўрин тўшашда.

رَوَى مُسْلِمٌ عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَرَانِي فِي الْمَنَامِ أَتَسَوَّكُ بِسِوَاكٍ فَجَاءَنِي رَجُلَانِ أَحَدُهُمَا أَكْبَرُ مِنَ الآخَرِ:

فَنَاوَلْتُ السِّوَاكَ الْأَصْغَرَ (مِنْهُمَا) فَقِيلَ لِي: كَبِّرْ فَدَفَعْتُهُ إِلَى الْأَكْبَرِ مِنْهُمَا

Имом Муслим Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадиси шарифда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Тушимда мисвок ишлатаётган эдим. Икки киши келди, бирининг ёши катта эди. Мен мисвокни кичигига узатдим, шунда менга: “Каттага бер”, дейилди. Мен ёши каттасига бердим”, дедилар.

Юқоридаги ҳадиси шарифдан ёши улуғларни ҳурматлаш кераклиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Ёши улуғларнинг ҳурматини жойига қўйиш дейилганида, ҳар ишда улардан маслаҳат сўраш, йиғинларда юқорироқ жойга ўтқазиш, таомга улардан кейин қўл узатиш кабилар тушунилади. Ушбу фазилатлар Расули акрамнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Инсонларни ўз ўрнига ўтқизинглар”, деган ҳадисларига мувофиқдир.

Маймун ибн Абу Шабиб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Ойшанинг (розияллоҳу анҳо) ёнларидан бир тиламчи ўтди. Шунда ҳазрат Ойша унга бир бўлак нон бердилар. Бир оздан сўнг чиройли кийинган бир киши ўтиб қолди. Ойша онамиз уни ўтқизиб, нон едирдилар. Шунда Ойшадан (розияллоҳу анҳо) “Нега бундай қилдингиз?” деб сўрашди. Ҳазрат Ойша Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Инсонларни ўз ўрнига ўтқизинглар”, деганлар” деб жавоб бердилар» *(Имом Абу Довуд ривояти)*.

Ушбу ҳадисни Шиҳоб ибн Уббод элчилардан эшитган қуйидаги воқеа ҳам қувватлайди: “Биз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келганимизда, жуда хурсанд бўлдилар. Бизга кенг жой қилдилар ва у ерга ўтирдик. Ул зот бизга қараб: “Сизларнинг бошлиқларингиз ва улуғларингиз ким?” дедилар. Биз Мунзир бин Оизга ишора қилдик. Мунзир яқин келганида кишилар унга жой берди. Мунзир Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келди. Ул зот уни ўнг томонларига ўтқиздилар ва унга ҳурмат кўрсатдилар”.

Ушбу ўринда жамоа улуғларини ҳурматлаш ва алоҳида эҳтиром кўрсатиш лозимлиги баён қилинмоқда. Халқимизда “Минг қўшчига бир бошчи” деган ҳикматли нақл бор. Азал-азалдан аждодларимиз ҳам ораларидан ҳар томонлама билимдон, оқил, фаҳму фаросати теран ва одил кишини ўзларига бошлиқ этиб, унга бўйсунганлар. Аждодларимиз ушбу фазилатларни фарзандларига ҳам сингдиришган. Азиз устоз ва мураббийлар ҳам ўғил-қизларга таълим-тарбия беришда ушбу сифатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёши улуғлардан кейин...

Саҳобаи киромлар овқат ейишни Муҳаммад пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кейин бошлардилар. Аввал у зотга ўнг томондан яқин ўтирган киши таомга қўл узатар эди. Бу одат Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатмаларига биноан суннат ҳисобланади. Улуғларни ҳурматлаш ва ҳар бир яхши ишни ўнгдан бошлаш инсон хулқини гўзаллаштириб, унга зийнат беради.

Жамоат намозида кексаларни олдинги сафга ўтказиш, суҳбатда аввал улуғларни тинглаш, фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиш лозим.

Абу Масъуддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган қуйидаги ҳадиси шарифда бундай дейилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намоз олдидан елкаларимизни силаб: “Тўғри бўлинглар, ҳар хил (қийшиқ) бўлманглар, агар турли хил бўлсанглар, қалбларингиз турлича бўлади. Менга сизлардан балоғатга етган ва оқилларингиз яқин бўлишса, сўнг уларга яқинлар, сўнгра уларга яқинлар...”, дедилар *(Имом Муслим ривояти)*.

Аллоҳга шукр, мустақиллик шарофатидан юртимизда кўплаб масжидларда намозхонлар тоату ибодатларини эмин-эркин адо этмоқдалар. Аммо бундай улуғ неъматлар қадрини тўла англамаган баъзи ғўр ёшлар ҳам уч-

раб туради. Бир мўйсафид бундай ҳикоя қилади: «Кексаликнинг ўзига яраша гашти, ҳузур-ҳаловати бор, албатта. Фарзанду набиралар қўлларини кўксига қўйиб “Лаббай, бобожон” дея хизматга шай туришлари, келинқизларнинг тансиқ таомлари, ҳовли-жойларни озода тутишлари, ёшларнинг ҳурмат-эътибори ва эъзозлашларини кўриб, шундай фаровон кунларда кексалик неъматини берган Яратганга чексиз шукроналар айтаман. Қалбим сурурга тўлиб, ёшларимиз ҳақига дуолар, Парвардигорга ибодат қилиш мақсадида доим масжидга қатнайман. Лекин баъзи ҳолатлар мени ранжитади. Қариялар жисмонан заиф ва қалби нозик бўлади. Айрим ёшлар эса уларнинг ҳолатини ҳис қилмай, ўтирганингизда орқадан туртиб ўтса, хафа бўласан киши. Имом-домла неча бор: “Қарияларни олдинги сафга ўтқизайлик”, дея таъкидласа ҳам, кексаларга эътибор бермайдиган айрим ёшларни кўриб ачинаман. Аммо кўплар ёши улуғларга эҳтиром кўрсатиб, юксак одоб билан: “Ҳожи ота, ҳақимизга бир дуо қилинг, биз ҳам юртимиз ва халқимизга хизмат қилиб, элнинг ҳурматига мушарраф бўлиб, сиздек нуроний бўлиб юрайлик”, деганларида кўзларимда ёш қалқийди».

Ҳурмат кўрсатиш

Ёшлар кексаларга нисбатан юксак одоб, чексиз ҳурмат ва ширинсўз ила муносабатда бўлишлари лозим. Абу Умомадан ривоят қилинган ҳадиси шарифда бундай дейилади: “Уч тоифа кишиларни: мусулмон қария, олим ва одил подшоҳни фақат мунофиқ инсон ҳурмат қилмайди”, дедилар *(Имом Табароний ривояти)*.

Ушбу ҳадиси шарифдан ёши катталарни ҳурматлаш, эҳтиром қилиш фазилат экани тушунилади. Мураббийлар ёшлар қалбида яхши хулқларга муҳаббат уйғотишлари ва уларни шундай фазилатлар соҳиби бўлишга ундашлари лозим. Қуйида чиройли одобнинг кўринишлари ҳақида баён қиламиз.

Кутиб олиш

Меҳмон ёки катта ёшли киши келганида бошқаларнинг ўрнидан туриб кутиб олиши одобдандир. Бу фазилат ҳақида фарзандларга таълим бериш ва шунга одатлантириш лозим.

Ойша (розияллоҳу анҳо): “Йўл кўрсатиш, бошқариш ва йўналтириш бўйича Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўхшайдиган бирор кишини кўрмадим. Расули Акрам қизлари Фотимага (розияллоҳу анҳо) туриш ва ўтиришда ҳам ўрнак эдилар. Агар Фотима Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига кирса, у зот ўринларидан туриб, пешоналаридан ўпиб, ўринларига ўтқизардилар. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам Фотима (розияллоҳу анҳо) олдига кирсалар, у ҳам ўрнидан туриб, ўринларига ўтқизар эди”, дедилар *(Имом Бухорий, Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти)*.

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилган: “Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биз билан суҳбатлашардилар. Агар ўринларидан турсалар, биз ҳам турар эдик” *(Насоий ва Абу Довуд ривояти)*.

Умар ибн Соиб ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўтирганларида оталари (эмизиш жиҳатдан) келди, кийимларининг бир қисмини тўшадилар, у киши унга ўтирди. Сўнгра оналари (эмизган) келди, кийимларининг бошқа томонидан бир қисмини қўйдилар, оналари унга ўтирди. Сўнгра эмикдош укалари келди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўринларидан туриб, олдиларига ўтирғиздилар” *(Абу Довуд ривояти)*.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилишган ҳадиси шарифда бундай дейилади:

أَنَّ سَعْدَ بنَ مُعَاذ لَمَّا دَنَا إِلَى الْمَسْجِدِ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِلْأَنْصَارِ: قُومُوا إِلَى سَيِّدِكُمْ أَوْ خَيْرِكُمْ

Саъд ибн Муоз масжидга яқинлашганида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ансорларга: “Улуғлар ёки солиҳ кишилар келганида ўринларингиздан туринглар”, дедилар.

Каъб ибн Молик бундай ривоят қилади: «Мен Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) излаб масжидга бордим. Одамлар олдимга тўда-тўда бўлиб келиб: “Аллоҳ тавбангни қабул қилгани билан табриклаймиз”, дедилар. Масжидга кирдим. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) атрофларида одамлар ўтирганди. Талҳа ибн Убайдуллоҳ ўрнидан туриб келиб, мени қучоқлади ва табриклади».

Уламолар ушбу ҳадисни аҳли илм ва аҳли фазл киши келса, маросимларда ўриндан туриш жоизлигига далил қилдилар. Аммо Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзини улуғ санайдиган, ўз шахсияти учун одамлар туришларини қасд қилган, хос сифатга тақлид қилган кимсалар келганда туришдан қайтарганлар. Бу сифат, яъни баъзи кишилар йўл тутгани каби айримларни улуғлаш ва у кишининг фахрланиб ўтириши ҳамда одамлар унинг атрофида тик туришлари кибрдандир.

Фарзанд кексаларни ҳурмат қилиш ва мўйсафидларни эъзозлаш орқали маънан юксалади. Ёшлигидан катталарни ҳурматлашга ўрганган одам илм, фазилат ва мақом жиҳатидан ўзидан юқори бўлганларни эъзозлайди.

Мураббий фарзандга бошқаларни ҳурматлаш ва уларга яхшилик қилишни ўргатса, фарзанд ҳаёти давомида фазилатли кишиларни улуғлашга ва мўйсафидларни ҳурматлашга интилади. Кексаликка етганлар бор, етмаганлар бор. Қарияларнинг кўнглини чоғ этиб, уларнинг дуосини олганлар асло кам бўлмайди, ниятига етади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Инсон фарзанди яратилганида ёнида ўлимнинг тўқсон тўққиз сабаби ҳам бирга бўлади. Агар у ушбу сабаблардан халос топиб яшаса, унга кексалик насиб этади”, дея марҳамат қилганлар.

Бу ҳадис ҳам инсонни фикрлаш, тафаккур қилишга чорлайди. Чунки ёнимизда, маҳалламизда хокисор бўлиб юрган қариялар мана “шу сабаблардан халос топиб” яшаган кишилардир. Шунинг учун ҳам Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Катта ёшдагилар билан суҳбатда бўлинглар, уламолардан масалалар сўранглар ва ҳукамолар билан аралашиб туринглар”, деб айтганлар. Унутмайлик, имон-эътиқодли қариялар бўлган жойда ёшлар яхши, чиройли тарбия топадилар. Бу фикрни халқимиздаги бир урф-одат билан далиллашимиз мумкин. Диёримизнинг кўп ҳудудларида совчилар ёки куёвнинг ота-оналари қиз, яъни келин бўлмишнинг оиласида ёши улуғ кишилар борлигини суриштиришади. Агар оилада кексалар бўлса, қиз яхши тарбия топган, деб ҳисоблашади. Албатта, бу ҳаётда кўп синалган ҳолатдир.

Бу дунёда инсонни қилган яхшиликларию эккан дарахтлари, вояга етказган фарзандлари, тарбиялаган шогирдлари улуғлайди.

Саҳобаи киромларнинг бир-бирларига нисбатан юксак ҳурмат ва гўзал ахлоқлари қалбни тўлқинлантириб, кўзларни ёшлантиради. Бу қадар тавозеъ, бу қадар қадр-қиммат, аҳли илмлар ва аҳли фазлларнинг мақомларини бу қадар олий ўринга қўйиш муборак ва соф динимизнинг муҳим кўрсатмаларидан экан. Бу фазилат кишиларнинг одоб-аҳлоқларини назокат ила сайқаллайди, камолот сари етаклаб, сурату сийратини зебу зийнатга тўлдиради. Бир киши ўзини лол қолдириб, таажжубга солган бундай воқеани сўзлаб берган эди:

«Шариату тариқат илмларида пешво устозимиз билан бир жойда меҳмон бўлдик. Хонадон дарвозасидан қадам қўйишимиз биланоқ ҳовлидаги ажиб орасталик эътиборимизни тортди. Хушманзара ҳовлига сувлар сепилган, анвойи райҳону турли-туман гуллар очилган, покизалик ва озодалик барқ уриб турарди. Хонадон соҳиби нурюзли чеҳраси ва табассум ила пешвоз чиқиб: “Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар, қадамларига ҳасанот”, дея илиқ ку-

тиб олиши эса хуш кайфиятимизга янада кўтаринкилик бахш этди. Меҳмонхонага жойлашдик, одатий Қуръон тиловати ва ҳол-аҳвол сўрашиб бўлганимиздан сўнг, хонага эгнидаги бош-оёқ ораста либослари ўзига жудаям ярашиб турган, чамаси олти ёшли бола, қўлларини кўксига қўйганча "Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракатуҳ", дея салом бериб кирди. Юқоридан жой олган устозимиз ҳузурларига бориб, қўлларидан ўпиб: "Устоз, менинг ҳақимга бир дуо қилинг, мен ҳам сиздек улуғ олим бўлай", дея жажжи қўлларини дуога очди. Устоз бу нурли гўдак ҳақига дуо қиляптилар, қани энди бизларнинг кўзларимиз ёшдан тийилса. Дуодан сўнг барчамизнинг қалбларимизни тотли бир ҳайратга тўлдириб, ўзи кичик, аммо одобу тарбияси юксак бўлган бола эҳтиром билан чиқиб кетди. Бир неча дақиқалар ичида бизларга бир умрга татигулик сабоқ, олам-олам завқу ҳавас бериб, ўзи билмаган ҳолда бир илм ўргатиб кетди».

Дарҳақиқат, бу бир улкан илм эди. Бу борада келтирилган ҳадислар денгиздан бир томчи, холос. Мураббийлар фарзандларни шундай азиз хулқ ва юқори одобга одатлантиришлари лозимдир. То фарзандларимиз катта ёшлиларни ҳурматлаш, олимларни улуғлаш ҳамда бошқалар билан муомалада тўлиқ тавозеъ ва юксак хулқли бўлиб улғайсинлар.

Мураббийлар фарзанднинг ўриндан туриб кутиб олиш одоби билан хулқлантиришда икки муҳим жиҳатга эътибор беришлари лозим бўлади:

– чуқур ғулувга кетмаслик;

– Ислом шариати буюрганидан зиёд қилмаслик. Масалан, ўриндан тураётганда эгилиб туриш каби ҳаракатлар билан чегарадан чиқмаслик керак.

Бу бошқаларнинг ҳуқуқларини сақлашдаги Ислом дини белгилаб қўйган муҳим қоидадир. Мураббийлар фарзандларни шу қоида асосида тарбиялаб, уларни бу чиройли амалларга одатлантирмоқлари учун аввало ўзлари амаллари билан кўрсатиб бермоқлари лозим.

Ҳатто фарзанд кексаларни ҳурмат қилиш ва мўйсафидларни эъзозлашда поғонама-поғона кўтарилиб боради. Ёшлигиданоқ ўзидан катта ёшдагиларнинг ҳақларини тушунади ҳамда илм, фазл ва ўрин жиҳатидан ўзидан юқори бўлганларни иззат-ҳурмат этиш одобларини ҳам фаҳмлайди.

Шубҳасиз, мураббий бошқаларни ҳурматлаш ва уларга яхшилик қилиш сабабларини ва бу эзгу одат хосиятидан келадиган яхшиликларни ўргатса ва энг асосийси, сингдира олса, фарзанд мажбуран ёки зарурат юзасидан эмас, балки чин қалбидан бу зийнатли амални бажаради. Фазилатли кишиларни улуғлашга ва мўйсафидларни ҳурматлашга астойдил ҳаракат қилади. Бу одоб инсонни улуғлаш ва эҳтиром қилишнинг энг юксак поғонасидир. Аждодларимиз бу улуғвор хислатларни қалбларига мустаҳкам жойлаб, каттаю кичикка ўз ўрнида қўллай билганлар. Бу борада собитқадамликлари боис Ислом уммматлари ичра маънавият ва маърифатнинг юқори чўққиларини забт этдилар. Бугунги ёшларимизга Исломдаги тарбия хусусиятларини тушунтирадиган, санаб ўтилган одобларни уларнинг онгу қалбларига нозик йўл ила етказа оладиган даражадаги ота-оналар ва мураббийлар бўлиши жуда зарурдир. Ана шундай руҳда вояга етган фарзанддан аввало ота-она ва бутун жамият манфаат кўради.

Ҳаёли бўлиш

Ҳаё – юксак фазилат, гуноҳ, уят ишни қилишдан тийилиш, айбли ҳаракатларни тарк этиш, имоннинг комиллигини билдирувчи хусусиятдир. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Ҳаё бир хулқ бўлиб, ёмонликни тарк қилишга одатлантиради ва катталарга ҳурматсизлик қилишдан сақлайди”, деганлар.

Имрон ибн Ҳасиндан ривоят қилинган ҳадисда: “Ҳаё яхшиликдир”, дейилган. Қуйидаги ҳадиси шариф ҳам ҳаёнинг фазилатини таъкидлайди:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا عَائِشَةَ لَوْ كَانَ الْحَيَاءُ رَجُلًا لَكَانَ رَجُلًا صَالِحًا وَلَوْ كَانَ الْفَحْشُ رَجُلًا لَكَانَ رَجُلَ سُوءٍ

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ойшага (розияллоҳу анҳо): “Эй Ойша, агар ҳаёли киши бўлса, албатта у солиҳ кишидир. Агар одобсиз кимса бўлса, албатта у ёмон кимсадир”, дедилар» *(Имом Табароний ривояти)*.

رَوَى ابْنُ مَاجَةَ وَالتِرْمِذِيُّ عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”مَا كَانَ الْفَحْشُ فِي شَيْءٍ إِلاَّ شَانَهُ وَمَا كَانَ الْحَيَاءُ فِي شَيْءٍ إِلاَّ زَانَهُ

Анасдан (розияллоҳу анҳу) қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилишган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Одобсизлик қаерда бўлса, у жойни булғайди ва ҳаё қаерда бўлса, у жойни безайди”, дедилар *(Ибн Можа ва Имом Термизий)*.

رَوَى الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: اَلْحَيَاءُ شُعْبَةٌ مِنَ الْإِيْمَانِ

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳаё имоннинг бир қисмидир”, дедилар.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаё ҳақидаги кўрсатмалари билан саҳобаларнинг фарзандлари бу улуғ хулқ билан зийнатланишди ва ёши улуғларни эъзозлашди.

Абу Саид (розияллоҳу анҳу) бундай дейди: “Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) замонларида ёш йигит эдим. Ул зотдан ҳадисларни ёд олардим. Менинг сўзимни ёши улуғлардан бошқа ҳеч ким қайтармас эди”.

ОДОБ – ИНСОН ЗИЙНАТИ

Аждодларимизнинг миллий қадриятлар сарчашмаси бўлган бой тарихий меросни келажак авлодга чуқур ўргатиб, ёшлар онгига сингдирмоқ керак. Чунки тарих ёшларни ҳаёт воқеа-ҳодисаларига онгли муносабатда бўлишга ундайди. Болаларнинг мурғак қалбида Ватанга меҳр туйғуларини, бугунги кун қадрига етиш ҳиссини уйғотади. Ёшларни она-Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашда, аввало, имон-эътиқод, меҳр-оқибат, диёнат, адлу инсоф, орият ва ғурур каби эзгу фазилатларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Юртимиздан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби жаҳонга донғи кетган буюк алломалар етишиб чиққан. Ёшларимиз ана шундай буюк зотларнинг авлодлари эканларини унутмаган ҳолда, боболар бошлаган қутлуғ ишларнинг давомчиси, Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлишлари лозим. Шунингдек, ҳаётда кўпни кўрган, меҳнатда суяги қотган, ҳозир эса пиру бадавлат бўлиб яшаётган отахонлару онахонларимиздан ўрнак олишлари керак.

Одоб-ахлоқ, ҳаё-ибо, ор-номус, диёнат каби боқий қадриятлар халқимиз бой маънавиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Афсус, бугунги мураккаб шароитда “оммавий маданият” ниқоби остида ёшларимизга турли ёт ғоялар, маънавий бузуқлик ва ахлоқсизликларни тарғиб этишга уринаётган айрим ғаламислар айнан ана шу бобомерос қадриятларимизга болта уришга уринаётгани сир эмас.

Диёримиздан етишиб чиққан алломалар ҳам гўзал ахлоқнинг инсон камолотига сабаб бўлувчи юксак фазилат эканини кенг тарғиб қилишган. Жумладан, Имом Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” ҳадислар тўплами, Абу Лайс Самарқандийнинг “Танбеҳул ғофилин”, Имом Ғаззолийнинг “Мукошафатул қулуб”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” асарларида юксак инсоний фазилат-

лар тараннум этилган. Бундан ташқари, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Нажмиддин Кубро, Муҳаммад Порсо, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккир алломаларимизнинг ўнлаб асарларида одоб-ахлоқнинг гўзал намуналари бадиий-фалсафий талқин қилинган. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Ахлоқи Муҳсиний" асарини ҳам ана шундай ҳикматлар бўстони сафига киритиш мумкин. Асарда чиройли ахлоқ намуналарини баён этишда ибратли ривоятлардан ҳам жуда ўринли фойдаланилган. Жумладан, бир ривоятда келтирилишича, «Миср подшоҳларидан бири одобсиз кишини сиёсат майдонига олиб бориб, адаб таёғи билан уринглар, деб буюради. Ўша беадаб калтакланиб турган вақтида тилини чиқариб, ёмон сўзлар билан подшоҳга дашном беради. Шунда подшоҳ уришни тўхтатишни буюрди. Аъёнлардан бири: "Эй шоҳим, бу беҳаё ва бешармни адаб таёғи билан кўпроқ жазолаш керак эди, кечиришингизга нима сабаб бўлди?" деб сўради. Подшоҳ: "Мен унга Худо ризоси учун адаб бераётган эдим, у менга хунук сўзларни айтганда, нафсимга тегди ва мен ғазабга миниб, унга кўпроқ жазо бериш ва ўч олишни хоҳладим, лекин мен буни ўзимга раво кўрмадим ва Ҳақ ишида ўз нафсимнинг истагини орага тиқишни хоҳламадим. Ҳақ ризосидаги ишга ўз ғаразимни қўшишим ихлосдан узоқдир, яхши ишни ғараз билан қилган одам савоб фазилатидин маҳрумдир", деди». Асарда келтирилган бу каби ривоятлар инсонни эзгуликка, ўзаро меҳр-муҳаббатли ва самимий бўлишга ундайди.

Фарзанд тарбиясида Ислом дини белгилаб қўйган муҳим қоидалардан яна бири болани ёшлигидан жамоат орасида ўзини чиройли тутиш одобларига одатлантиришдир. Фарзанд улғайиб, инсонлар билан ўзаро муомалага киришади. Ўзаро муомала ҳамда муносабат одобларига амал қилганлар имон, тақво, ақидасида ҳамда дўстлик, меҳрибонлик, ўзидан бошқани афзал кўришда қоим бўлади.

Жамоат орасида инсонни ҳурматга сазовор қиладиган умумий одоблар қуйидагилар:

1. Овқатланиш одоби.
2. Саломлашиш одоби.
3. Рухсат сўраш одоби.
4. Мажлис одоби.
5. Сўзлашиш одоби.
6. Ҳазил-мутойиба одоби.
7. Табриклаш одоби.
8. Касал кўриш одоби.
9. Таъзия билдириш одоби.
10. Акса уриш ва эснаш одоби.

Санаб ўтилган одоблардан ҳар бирини имкон қадар батафсил баён қиламиз.

ОВҚАТЛАНИШ ОДОБИ

Овқатланиш одобларини ҳар бир мураббий фарзандига жуда кичкиналигидан ўргатиб бориши шартдир.

Таомланишдан олдин ва кейин қўлни ювиш

رَوَى أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ عَنْ سَلْمَانَ الْفَارِسِي رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: " بَرَكَةُ الطَّعَامِ الْوُضُوءُ قَبْلَهُ وَالْوُضُوءُ بَعْدَهُ

Абу Довуд ва Имом Термизий Салмон Форсийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Таомнинг баракаси таомланишдан олдин ва кейин қўлни ювишдадир”, дедилар.

Ибн Можа ва Байҳақий Анасдан (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким яхшилигини Аллоҳ зиёда қилишини истаса, таом тайёр бўлганида ва охирида қўлини ювсин”, деганларини ривоят қилишган.

Бу одатнинг фойдали томонлари кўп. Масалан, таомланишга қадар қўл билан турли нарса-буюмларни ушлаш ва хатти-ҳаракат натижасида қўлга турли чанг-ғубор ҳамда зарарли микроблар ўрнашган бўлиши мумкин. Қўлни ювиш орқали улардан тозаланади, бу саломатлик учун жуда муҳимдир.

Таомдан олдин тасмия – “Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим” дейиш ва сўнг ҳамд – “Алҳамдулиллаҳ” дейиш суннатдир.

رَوَى أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا أَكَلَ أَحَدُكُمْ فَلْيَذْكُرِ اسْمَ اللهِ تَعَالَى فَإِنْ نَسِيَ أَنْ يُذْكَرَ اسْمَ اللهِ تَعَالَى فِي أَوَّلِهِ فَلْيَقُلْ بِاسْمِ اللهِ أَوَّلَهُ وَآخِرَهُ

Абу Довуд ва Термизий Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кимки таомланса, Аллоҳнинг исмини зикр қилсин. Агар овқатланиш олдидан Аллоҳнинг исмини зикр қилишни унутса, “Бисмиллаҳи аввалаҳу ва охираҳу” десин», дедилар.

رَوَى الْإِمَامُ أَحْمَدُ وَغَيْرُهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا أَكَلَ وَ شَرِبَ قَالَ: الْحَمْدُ لِلهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا وَسَقَانَا وَجَعَلَنَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ

Имом Аҳмад ва баъзи муҳаддислар бундай ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таомланганда ва чанқоқ қондирганларида “Бизни таомлантирган, ризқлантирган ва мусулмон қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин”, дердилар.

Таомни айбламаслик

رَوَى الشَّيْخَانُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: مَا عَابَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ طَعَامًا قَطُّ: إِنِ اشْتَهَاهُ أَكَلَهُ وَإِنْ كَرِهَهُ تَرَكَهُ

Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таомни айбламасдилар, агар иштаҳалари тортса, ердилар, кўнгиллари тусамаса, тарк қилар эдилар”.

Ўнг қўл билан ва ўзига яқин жойдан ейиш

رَوَى مُسْلِمٌ عَنْ عُمَرَ بْنِ أَبِي سَلَمَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا قَالَ: كُنْتُ غُلَامًا فِي حِجْرِ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَانَتْ يَدِي تَطِيشُ فِي الصَّحْفَةِ (تَتَحَرَّكُ فِي الْإِنَاءِ) فَقَالَ لِي رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا غُلَامُ سَمِّ اللهَ وَكُلْ بِيَمِينِكَ وَكُلْ مِمَّا يَلِيكَ

Имом Муслим Умар ибн Абу Саламадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. «Ёш бола эдим ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пинжларида ўтирган эдим. Қўлим лаганда айланарди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга: “Эй ғулом, Аллоҳнинг исмини айт ва ўнг қўлинг билан ўзингга яқиндан егин”, дедилар».

Ёнбошлаб овқатланмаслик

Ёнбошлаган ҳолда овқат ейиш соғлик учун катта зарар ва кибрнинг бир кўринишидир.

رَوَى الْبُخَارِيُّ عَنْ أَبِي جُحَيْفَةَ وَهْب بن عَبْد اللهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لاَ آكُلُ مُتَّكِئًا

Имом Бухорий Абу Жуҳайфа Ваҳб ибн Абдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Суяниб таом емайман”, дедилар.

Таомланиш пайтида сўзлашиш мустаҳабдир

رَوَى مُسْلِمٌ عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَأَلَ أَهْلَهُ فَقَالُوا: مَا عِنْدَنَا إِلاَّ خَلٌّ فَدَعَا بِهِ فَجَعَلَ يَأْكُلُ مِنْهُ وَيَقُولُ: نِعْمَ الأُدْمُ الْخَلُّ نِعْمَ الأُدْمُ الْخَلُّ

Имом Муслим Жобирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз аҳлларидан хуруш сўрадилар. “Бизда сиркадан бошқа ҳеч нарса йўқ”, дейишди. У зот уни олиб келишни сўрадилар ва ундан тановул қилиб: “Сирка қандай яхши нонхуруш, сирка қандай яхши нонхуруш”, дедилар».

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дастурхон устида саҳобаларга кўп маротаба гапирганлар.

Мезбонни дуо қилиш мустаҳабдир

رَوَى أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَاءَ إِلَى سَعْدِ بْنِ عُبَادَةَ، فَجَاءَ بِخُبْزٍ وَزَيْتٍ فَأَكَلَ، ثُمَّ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَفْطَرَ عِنْدَكُمُ الصَّائِمُونَ وَأَكَلَ طَعَامَكُمْ الْأَبْرَارُ وَصَلَّتْ عَلَيْكُمُ الْمَلاَئِكَةُ

Абу Довуд ва Имом Термизий Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Саид ибн Уббода олдига келдилар. Саид нон ва зайтун ёғини олиб келди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) улардан тановул қилдилар, сўнг: “Сизларнинг ҳузурингизда рўзадорлар ифтор қилсин, таомингиздан яхшилар тановул қилсин ва фаришталар сизларга салавот айтсин”, дедилар.

Ёши улуғлардан кейин таомга қўл узатиш

رَوَى مُسْلِمٌ فِي صَحِيحِهِ عَنْ حُذَيْفَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: كُنَّا إِذَا حَضَرْنَا مَعَ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ طَعَامًا لَمْ نَضَعْ أَيْدِينَا حَتَّى يَبْدَأَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَضَعَ يَدَهُ

Имом Муслим “Саҳиҳ” асарида Ҳузайфадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. “Биз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга таомланганимизда, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўлларини таомга узатмагунларича, биз қўлимизни узатмасдик”.

Неъматни исроф қилмаслик

رَوَى مُسْلِمٌ عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَكَلَ طَعَامًا لَعِقَ أَصَابِعَهُ الثَّلَاثَ وَقَالَ: إِذَا سَقَطَتْ لُقْمَةُ أَحَدِكُمْ فَلْيَأْخُذْهَا وَلْيُمِطْ عَنْهَا الْأَذَى وَلْيَأْكُلْهَا وَلَا يَدَعْهَا لِلشَّيْطَانِ وَأَمَرَنَا أَنْ نَسْلُتَ الْقَصْعَةَ وَقَالَ: إِنَّكُمْ لَا تَدْرُونَ فِي أَيِّ طَعَامِكُمُ الْبَرَكَةُ

Имом Муслим Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таом тановул қилсалар, учта бармоқларини ялардилар ва: “Қачон, бирортангиздан луқма тушса, уни олсин ва ундаги нопок нарсани кетказиб, уни есин. Уни шайтонга ташламасин”, дедилар. Шунингдек, лаганни бармоқлар билан сидириб ялашга амр қилдилар. “Албатта, сизлар таомингизнинг қаерида барака бўлишини билмайсиз”, дедилар.

Чанқоқ босиш одоблари

Дастлаб тасмия айтиш ва симириб уч марта бўлиб-бўлиб ичиш ҳамда ҳамд айтиш мустаҳабдир.

رَوَى التِّرْمِذِيُّ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لاَ تَشْرَبُوا وَاحِدًا كَشُرْبِ بَعِيرٍ وَلَكِن اشْرَبُوا مَثْنَى وَثُلَاثَ وسَمُّوا إِذَا شَرِبْتُمْ وَاحْمِدُوا إِذَا أَنْتُمْ رَفَعْتُمْ (أَيْ إِنْتَهَيْتُمْ مِنَ الشُّرْبِ)

Имом Термизий Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Туянинг ичишига ўхшаб бир мартада ичманглар, икки, уч мартада ичинглар. Ичишдан олдин тасмия айтинг, ичиб бўлганингиздан кейин ҳамд айтинг”, дедилар.

Идишнинг оғзидан ичиш макруҳдир

رَوَى الشَّيْخَانُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: نَهَى رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَشْرَبَ مِنْ فِي السِّقَاءِ أَوِ الْقِرْبَةِ (فَمِهَا)

Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) идиш ёки мешнинг оғзидан ичишдан қайтардилар”.

Бундай ичиш одобсизлик бўлиб, сувга соғлиққа зарар етказувчи нарсалар тушиши мумкин, улардан сақланиш лозим. Чунки инсон оғзида ўзи билмаган ҳолда кўп зарарли моддалар ва касаллик микроблари бўлади. Улар бошқаларга ҳам юқишидан сақланиш керак.

Ичимликка пуфлаш макруҳдир

رَوَى التِّرْمِذِيُّ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا: " أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يَتَنَفَّسَ فِي الْإِنَاءِ أَوْ يُنْفَخَ فِيهِ"

Имом Термизий Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: "Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) идишдан нафас олиш ёки унга пуфлашдан қайтардилар".

Ўтирган ҳолда ичиш ва ейиш мустаҳабдир

رَوَى مُسْلِمٌ عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ نَهَى أَنْ يَشْرَبَ الرَّجُلُ قَائِمًا قَالَ قَتَادَةُ: فَقُلْنَا لِأَنَسٍ: فَالْأَكْلُ؟ قَالَ: ذَلِكَ أَشَرُّ"

Имом Муслим Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тик туриб ичишдан қайтардилар. Қатода (розияллоҳу анҳу) "Таом ейишни-чи?"деди. "У жуда ҳам ёмон", деди.

رَوَى مُسْلِمٌ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لاَ يَشْرَبَنَّ أَحَدٌ مِنْكُمْ قَائِمًا، فَمَنْ نَسِيَ فَلْيَسْتَقِئْ"

Имом Муслим Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Сизларнинг бирортангиз тик турган ҳолда ичмасин, ким унутиб ичган бўлса, бас, қайт қилсин", дедилар.

Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тик турган ҳолда ичганлари ҳақида ҳадислар бор. Ўтириб ичишга монелик қиладиган сабаблар бўлса, тик туриб ичиш жоиз. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Замзам сувини тик туриб ичганлари боис, Замзам суви турган ҳолда ичилади.

Тилла ва кумуш идишда ичишдан қайтариш

وَفِي رِوَايَةِ مُسْلِمٍ: " مَنْ شَرِبَ فِي إِنَاءٍ مِنْ ذَهَبٍ أَوْ فِضَّةٍ فَإِنَّمَا يُجَرْجِرُ فِي بَطْنِهِ نَار جَهَنَّمَ"

Имом Муслим ривоятида: “Ким тилла ёки кумуш идишда ичса, албатта, жаҳаннам олови унинг қорнида қайнайди”, дейилган.

Кибр ва ўзини юқори тутиш кўриниши бўлгани ва фақирларга нисбатан ҳурматсизлик келтириб чиқарадиган сабаб бўлгани боис бу идишлардан фойдаланишдан қайтарилди.

Ҳаддан зиёд тўйиб овқат емаслик

Имом Аҳмад ва Имом Термизий Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Инсон қорнидан ёмонроқ идишни тўлдирмайди, одам боласига белини қоим қиладиган кичик луқма кифоядир. Бас, қориннинг учдан бири таом, бири сув ва қолгани нафас учундир”, дедилар.

Ушбу ҳадиси муборакларни ўрганиш жараёнида динимиз кўрсатмалари қадриятларимиз ва урф-одатларимизга нечоғли уйғунлашиб кетганига амин бўламиз. Чунки аждодларимиз фарзандларига мурғаклигиданоқ бу тарбияларни сингдириб борганлар. Зеро, саодатга бошлайдиган бу сифатларни фарзандлар қалбига нозик йўллар билан жо қилмоқ учун тарбияни жуда барвақт, яъни фарзанд дунёга келган кундан бошламоқ зарур. Мирзо Бедил ҳазратлари айтганлар:

Биринчи ғиштни қийшиқ қўяркан меъмор,
Юлдузга етса ҳам, қийшиқдир девор.

Шунингдек, халқимиз орасида эътироф этилган дастурхон атрофида ўзини тутишга доир қуйидаги қоидаларни ҳам билиш муҳимдир:

– чақирилмаган жойга борманг;

– таклиф этилган жойга кечикманг;

– мезбонлар таклиф этмагунча, дастурхон атрофига ўтирманг;

– дастурхонга узоқ ҳам, яқин ҳам ўтирманг;

– сочиқча билан олдингизни тўсманг;

– овқатланаётганингизда таомни одоб билан тановул қилинг;

– нонни бўлакларга бўлиб енг;

– оғизни тўлдириб овқатланманг;

– шошмасдан овқатланинг;

– тирсакларингизга таянманг ва кенг қўйманг;

– ким биландир сўзлашмоқчи бўлсангиз ҳам, ёнингиздаги меҳмонга орқа ўгирманг;

– оғизда овқат билан гаплашманг;

– катталар ўрнидан турганида, дастурхон ёнидан четланиб, улар хонадан чиқиб кетганидан кейингина ўрнингизга ўтиринг;

– стулда ястаниб, ялпайиб ўтирманг;

– дастурхон атрофида ўз хасталикларингизни сўзламанг;

– мезбон овқатланишни меҳмонлардан сўнг тугатиши лозим;

– дастурхон атрофида баланд овоз билан гаплашманг;

– ҳамма овқатланиб бўлмасидан ўрнингиздан туриб кетманг.

Муҳтарам ота-оналар ва азиз мураббийлар бу одобларни тарбиянинг пойдевори деб билишлари ва фарзандларга ҳар куни сабр билан ўргатишлари, ўзлари ибрат кўрсатишлари лозим бўлади. Зеро, бу фазилатли амаллар инсонни азиз қилади, улар одамлар билан ўзаро муомала-муносабатда жуда муҳимдир.

САЛОМЛАШИШ ОДОБИ

«Қачон сизларга бирор саломлашиш (ибораси) **билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олингиз ёки ўша** (ибора)**ни қайтарингиз. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани ҳисобга олувчи Зотдир»** *(Нисо, 86).*

Салом берувчи “Ассалому алайкум” деса, “Ва алайкумус-салому ва раҳматуллоҳ” деб алик олинади. Агар у “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ” деб салом берса, “Ва алайкумус салому ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ” деб алик олинади. Салом берувчи “Ва барокатуҳ” қўшимчасини ҳам қўшса, алик олувчи ҳам фақат ўша қўшимчани қўшади. Пиёдага суворий (уловдаги одам), кўпчиликка озчилик, ўтирган ёки ўрнида турганга юрган кишилар салом бериши жоиз. Лекин кичикдан олдин катта ёшдаги одам камтарлик билан салом берса, бу фазилатдир. Салом бериш суннат, алик олиш эса вожиб.

Саломлашиш туфайли кишилар ўртасида ўзаро ҳурмат, самимият ва бир-бирига нисбатан меҳр-муҳаббат пайдо бўлади. Бир-биримизнинг ёнимиздан индамай ўтгандан кўра, мусулмоннинг мусулмон биродаридаги ҳақи бўлган саломлашиш, алик олишни одат қилсак, нур устига нур бўлади.

“Ас-Салом” Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан биридир. Яхшилаб салом беринг, яхшилаб алик олинг. Айримлар “ассомалайкум”, “вассомалайкум” дея нотўғри талаффуз қилишганда, бу гўзал дуонинг маъноси бузилади.

Саломлашишнинг яна бир фазилати, учрашганида ким биринчи бўлиб салом берса, унинг савоби янада улуғ бўлади. Биринчи бўлиб салом беришни одат қилиш яхши.

Абу Ҳурайра (разияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) «Аллоҳ таоло Одамни (алайҳиссалом) ўз суратида (яъни, унга Ўзида бор бўлган “тирик, билувчи, эшитувчи, кўрувчи, сўзловчи” сифатларни ато этиб) яратгач, унга: “Анави фариште-

ларнинг олдига бор-да, салом бер. Сўнг уларнинг сенга оладиган алигини яхшилаб эшитиб ол. Чунки бу сенга ва сендан тарқаладиган зурриётларингга йўлланган салом бўлади", деди. Одам (алайҳиссалом) бориб: "Ассалому алайкум", дедилар. Фаришталар: "Ассалому алайка ва роҳматуллоҳи (Сенга ҳам салом ва Аллоҳнинг раҳмати бўлсин)" деб алик олишди, сўнг "Жаннатга кирадиган барча инсонларга ҳам Аллоҳнинг раҳмати бўлсин", деб қўшиб қўйишди.

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Бир-бирингиз билан саломлашиб юринглар, шунда ўртаарингизда меҳр-муҳаббат уйғонади", дея марҳамат қилганлар. Мана шу биргина салом сўзи кишини эзгуликка, меҳр-шафқат ва покликка, ҳақиқий инсонийликка чорлайди.

"Ассалому алайкум" – "Сизга тинчлик тилайман", "Ва алайкум ассалом" – "Сизга ҳам тинчлик бўлсин" сўзларида улкан маъно, эзгу тилак мужассам.

Фарзандларимизга чиройли тарбия бериб, кўча-кўйда таниган ва танимаган кишиларга ҳам салом беришни ўргатсак, албатта, уларнинг мурғак қалбида меҳру оқибатнинг илк куртаклари уйғонади. Улуғ ёшдаги қария ёнидан салом бериб ўтган бола билан салом бермасдан ўтган бола баробар эмас.

"Сизга тинчлик тилайман" деган инсоннинг қалбида ҳамиша меҳр-оқибат туйғуси уфуриб туради. Аксинча, безрайиб ўтиб кетадиган, кибр-ҳавога берилганнинг юраги тош каби қаттиқдир.

Дарҳақиқат, инсонларнинг бундай ўзаро самимий бўлиш ва бир-бирига яхшилик тилаш одати дунё халқларининг барчасига хосдир. Гарчи уларнинг айтилиши, ёзилиши ва ижро анъанаси турлича бўлса-да, маъно ва моҳият жиҳатидан анча ўхшашдир.

Салом беришнинг ҳам бир қанча одоблари бўлиб, ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталиб, муҳим жиҳатларига эътибор қаратамиз.

Салом беришни ўргатиш

Аллоҳ таоло мўминларни салом беришга буюради:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَدۡخُلُواْ بُيُوتًا غَيۡرَ بُيُوتِكُمۡ حَتَّىٰ تَسۡتَأۡنِسُواْ وَتُسَلِّمُواْ عَلَىٰٓ أَهۡلِهَاۚ ذَٰلِكُمۡ خَيۡرٞ لَّكُمۡ لَعَلَّكُمۡ تَذَكَّرُونَ ٢٧

«Эй имон келтирганлар! Ўз уйларингиздан ўзга уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз! Мана шу сизлар учун яхшидир. Зора, (бу гапдан) **эслатма олсангиз»** *(Нур, 27)***.**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умматларига одобли бўлишда саломнинг ўрни ўта муҳимлигини, унда ажру савоб зиёда бўлишини таъкидлаганлар. Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан ривоят қилади. «Бир киши Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Исломнинг қайси амали яхши?” деб сўради.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Таом бериш ва таниган-танимаган одамга салом бериш”, дея марҳамат қилдилар».

رَوَى مُسْلِمٌ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: « لاَ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ حَتَّى تُؤْمِنُوا وَلاَ تُؤْمِنُوا حَتَّى تَحَابُّوا أَوَلاَ أَدُلُّكُمْ عَلَى شَيْءٍ إِذَا فَعَلْتُمُوهُ تَحَابَبْتُمْ؟ أَفْشُوا السَّلاَمَ بَيْنَكُمْ»

Имом Муслим Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўмин бўлмагунингизча жаннатга кирмайсизлар. Ўзаро муҳаббат қилмагунингизча мўмин бўлолмайсизлар. Сизларни ўзаро муҳаббатли бўлишга сабаб бўладиган амалга далолат қилайми? Орангизда саломни кенг тарқатинглар”, дедилар.

Салом бериш тартиби

Салом берувчи киши “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ” деб салом бериши афзалдир. Унга жавоб берувчи ҳам кўплик шаклида “Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ” демоғи фарздир, гарчи салом берувчи бир киши бўлса-да, шундай салом бериш лозим.

Абу Довуд ва Имом Термизий Имрон ибн Ҳасиндан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. «Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бир киши келди ва “Ассалому алайкум”, деди. Унга (саломига) жавоб берилди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўн”, дедилар. Сўнгра бошқа бир киши келди ва: “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи”, деди. Унга (саломига) жавоб берилди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Йигирма”, дедилар. Сўнгра яна бошқа киши келди ва: “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ”, деди. Унга ҳам жавоб берилди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўттиз”, дедилар». Бу ерда саломнинг савоб даражасига ишора қилинган.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади. «Менга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу Жаброил (алайҳиссалом) сенга салом айтди”, дедилар. Мен: “Ва алайҳиссалому ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ”, дедим».

Салом бериш одоби

Салом бериш одоби уловдаги кишининг пиёдага, юрувчи ўтирганга, озчилик кўпчиликка, кичикнинг каттага салом беришидир.

رَوَى الشَّيْخَانُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يُسَلِّمُ الرَّاكِبُ عَلَى الْمَاشِي وَالْمَاشِي عَلَى القَاعِدِ وَالْقَلِيلُ عَلَى الْكَثِيرِ

Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Уловдаги пиёдага, юрувчи ўтирганга ва озчилик кўпчиликка салом беради”, дедилар».

Мусулмон бўлмаганларга ўхшаб салом беришдан қайтариш

رَوَى التِّرْمِذِيُّ عَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَيْسَ مِنَّا مَنْ تَشَبَّهَ بِغَيْرِنَا وَلاَ تَشَبَّهُوا بِالْيَهُودِ وَلاَ بِالنَّصَارَى فَإِنَّ تَسْلِيمَ الْيَهُودِ الْإِشَارَةُ بِالْأَصَابِعِ وَتَسْلِيمَ النَّصَارَى الْإِشَارَةُ بِالْكَفِّ

Имом Термизий Амр ибн Шуайбдан, у киши отасидан, у киши бобосидан ривоят қилади. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўзини бизлардан бошқаларга ўхшатган (тақлид қилган) биздан эмас. Яҳудий ва насронийга ўзларингни ўхшатманглар. Албатта, яҳудийларнинг саломи бармоқлари билан ишора қилишдир ва насронийларнинг саломи кафт билан ишора қилишдир”, дедилар.

Биринчи бўлиб салом бериш

Катталарнинг олдин салом бериши фарзандга салом бериш таълимини сингдиришнинг яхши йўлидир. Бу борада барчамизнинг илк муаллим ва мураббийимиз бўлган Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эргашиш лозим. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларидан болалар ўтиб қолса, биринчи бўлиб салом берардилар.

رَوَى الشَّيْخَانُ عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ أَنَّهُ مَرَّ عَلَى الصِّبْيَانِ فَسَلَّمَ عَلَيْهِمْ وَقَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَفْعَلُهُ

Имом Бухорий ва Имом Муслим Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. “У киши болаларнинг ёнидан ўтаётиб, уларга салом бердилар ва: “Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай қилардилар”, деди.

وَفِي رِوَايَةِ أَبِي دَاوُدَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ عَلَى غِلْمَانٍ يَلْعَبُونَ فَسَلَّمَ عَلَيْهِمْ

Абу Довуд ривоятида: “Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўйнаб турган болалар ёнидан ўта туриб, уларга салом бердилар”, дейилган.

Инсониятнинг энг азизи ва саййиди бўлган Ҳабибур Раҳмон биз умматларига бу хусусда жуда гўзал таълимни берган эканлар. Ҳатто ёш болаларга ҳам олдин салом берганлари барчамизга бирдек улкан ибрат ва сабоқ бўлиши лозим.

Мусулмон бўлмаганнинг саломига ҳам “ва алайкум” деб жавоб бериш

رَوَى الشَّيْخَانُ عَنْ أَنَس رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : إِذَا سَلَّمَ عَلَيْكُمْ أَهْلُ الْكِتَابِ فَقُولُوا: وَعَلَيْكُمْ

Имом Бухорий ва Имом Муслим Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сизларга аҳли китоблар салом берсалар, “ва алайкум” дея жавоб беринглар», дедилар.

Салом бериш суннат ва унга алик олиш вожиб

Ибн Сунний ривоят қилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Ким саломга алик олса – унга ва ким алик олмаса, у биздан эмас”, дедилар.

Имом Термизий Абу Умомадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади:

رَوَى التِّرْمِذِيُّ عَنْ أَبِي أُمَامَةَ قِيلَ: يَا رَسُولَ اللهِ الرَّجُلَانِ يَلْتَقِيَانِ أَيُّهُمَا يَبْدَأُ بِالسَّلَامِ؟ قَالَ: أَوْلَاهُمَا بِاللهِ تَعَالَى

“Ё Аллоҳнинг Расули, икки киши йўлиққанида, қай бири биринчи салом беради?” дейилди. “Аллоҳ таолога яқинроғи”, дедилар.

Учрашиб қолган икки кишининг қайси бири аввал салом берса, Яратган Раббимиз наздида азиз ва даражаси баланд саналар экан. Шу боис, ёши катталарнинг ёши кичиклар олдин салом беришини кутиб турмасдан салом бермоғи фазилат ҳисобланади. Чунки бу амали билан катта гуноҳлардан бўлган кибрни синдириб, улкан ажру савобларга эга бўлади. Динимиз амалларининг тароватини қаранг, бизнинг назаримизда оддий ҳолат бўлиб кўринган биргина салом-алик билан неча-неча қалблар бир-бирига меҳр ила боғланиб, ўртадаги гинаю адоватлар унутилиб, эзгуликлар кўпаяди. Инсонлар ўртасидаги, хусусан, ака-укалар, қариндошлар ва қўни-қўшниларнинг ўзаро ҳурматлари, меҳру оқибатлари ортади, элу юртнинг янада обод бўлиши ва жамиятнинг равнақ топиши йўлида ҳамжиҳатлик мустаҳкамланади.

Салом бериш жоиз бўлмаган ўринлар

Салом бериш қанчалик фазилат бўлмасин, баъзи ҳолатлар ва ўринларда салом бериш макруҳ ҳисобланади. Бу ҳолатлар қуйидагилардир:

Таҳорат олувчига, ҳаммомдаги кишига, овқатланаётган киши, жанг қилаётган киши, Қуръон ўқиётган киши, Аллоҳни зикр қилаётган киши, ҳажда талбия айтаётган кишига, жумада имом-хатиб хутба қилаётганида ва бошқа кунлари ҳам масжидда ваъз қилаётганида, фиқҳдан мавъиза қилаётганга, дарс билан машғул кишига, илмда тадқиқот қилаётганга, муаззинга, намоз ўқиётган кишига ва шу кабиларга салом бериш макруҳдир.

Ушбу ўринлар ва ҳолатлардаги кишиларга салом бериш макруҳ бўлса, бу ўринлар ва ҳолатлардаги кишига ҳам алик олиш вожиб бўлмайди.

Демак, салом бериш одоби ҳам мураббийларимиз диққат билан эътибор қаратадиган, фарзандларга чуқур ўргатадиган одоблар сирасидандир. "Бола азиз, одоби ундан азиз" деганлар, фарзандларимиз одоблари ҳамиша ҳавас қилса арзигулик бўлсин.

РУХСАТ СЎРАШ ОДОБИ

Изн сўрашнинг ҳам ўзига яраша одоблари бор. Бу одоблар Аллоҳ таолонинг улуғ Каломида қай тариқа баён қилинганига эътибор қаратамиз:

«Эй имон келтирганлар, ўз уйларингиздан ўзга уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча, кирмангиз. Мана шу сизлар учун яхшидир. Зора, (бу гапдан) **эслатма олсангизлар»** *(Нур, 27)*.

Бир киши Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига киришга изн сўраб, "Кирайми?" деди. Шунда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ассалому алайкум, кирсам майлими?" деб айтишни ўргатдилар. У одам: "Ассалому алайкум, кирсам майлими?" деди ва унинг ичкарига киришига изн бердилар. Рухсат сўраш билан бирга, салом бериш ҳам ўзаро дўстлик ва муҳаббатни изҳор қилишдир.

«Бас, агар у (уй)**ларда ҳеч кимни тополмасангиз, унда сизларга изн берилмагунча уларга кирмангиз. Агар сизларга "қайтингиз" дейилса, қайтиб кетаверинглар. Шу сизлар учун энг тоза** (йўлдир). **Аллоҳ қилаётган ишларингизни билгувчидир»** *(Нур, 28)*.

Ислом одобида изн сўраш уч маротаба бўлиб, биринчисида ичкаридаги одам эшитади, иккинчисида ўзларини тузатиб оладилар ва учинчисида эса киришга рухсат берадилар ёки қайтарадилар. Агар ичкаридан сизга ҳеч ким жавоб бермаса, у ерга кирмаслигингиз лозим бўлади.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لِيَسۡتَـٔۡذِنكُمُ ٱلَّذِينَ مَلَكَتۡ أَيۡمَٰنُكُمۡ وَٱلَّذِينَ لَمۡ يَبۡلُغُواْ ٱلۡحُلُمَ مِنكُمۡ ثَلَٰثَ مَرَّٰتٖۚ مِّن قَبۡلِ صَلَوٰةِ ٱلۡفَجۡرِ وَحِينَ تَضَعُونَ ثِيَابَكُم مِّنَ ٱلظَّهِيرَةِ وَمِنۢ بَعۡدِ صَلَوٰةِ ٱلۡعِشَآءِۚ ثَلَٰثُ عَوۡرَٰتٖ لَّكُمۡۚ لَيۡسَ عَلَيۡكُمۡ وَلَا عَلَيۡهِمۡ جُنَاحُۢ بَعۡدَهُنَّۚ طَوَّٰفُونَ عَلَيۡكُم بَعۡضُكُمۡ عَلَىٰ بَعۡضٖۚ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمُ ٱلۡأٓيَٰتِۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٞ ٥٨

«Эй имон келтирганлар! Қўл остингиздаги (қул ва чўри)**ларингиз ҳамда балоғатга етмаган** (фарзанд)**ларингиз уч марта** (ҳузурингизга киришда) **сизлардан изн сўрасинлар – бомдод намозидан илгари, пешин вақтида** (иссиқдан) **кийимларингизни ташлаган пайтингизда ва хуфтон намозидан кейин.** (Бу) **уч** (вақт) **сизларнинг авратларингиз** (очиқ бўлиши мумкин бўлган вақтлар)**дир. Улар ўша** (вақтлар)**дан сўнг** (изн сўрамай кирсалар) **сизларга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқдир.** (Чунки) **улар сизларга, биринг изга келиб-кетиб турувчидирсиз. Аллоҳ оятларини сизларга мана шундай баён қилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир»** *(Нур, 58)***.**

وَإِذَا بَلَغَ ٱلۡأَطۡفَٰلُ مِنكُمُ ٱلۡحُلُمَ فَلۡيَسۡتَـٔۡذِنُواْ كَمَا ٱسۡتَـٔۡذَنَ ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِهِمۡۚ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمۡ ءَايَٰتِهِۦۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٞ ٥٩

«Қачонки, гўдакларингиз балоғатга етса, бас, улар ҳам худди ўзларидан олдинги (балоғатга етган)**лар каби изн сўрасинлар! Аллоҳ Ўз оятларини сизларга мана шундай баён қилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир»** *(Нур, 59)***.**

Ушбу оятларда, Аллоҳ таоло амрига биноан, фарзандлар ва хонадон хизматкорлари ўз ота-оналари ва уй соҳибларидан айтиб ўтилган уч пайтда изн сўраб кириши лозимлиги баён этилмоқда.

Биринчиси, бомдод намозидан аввал, чунки бу вақтда кишилар ўринларида ором олаётган бўладилар.

Иккинчиси, туш пайти. Бу вақтда ҳам кишилар аксарият ҳолларда ўз аҳли билан биргаликда дам олаётган пайт бўлади.

Учинчиси, хуфтон намозидан сўнг. Ушбу вақт тун маҳали бўлиб, дам олиш ёки ётиш пайтидир.

Бу уч пайтда катталар ёки хонадон эгалари ҳузурига кириш учун изн сўраш шариатимиз қоидасига мувофиқ шарт қилинди. Мазкур вақтларда эр ёки хотин ёш фарзандларидан холи бўлиб, хос бир ҳолатда бўлиши табиийдир. Агар ёш болалар балоғат ёшига етсалар, бу уч вақтдан ташқари пайтларда ҳам изн сўраш лозим бўлади.

Фарзандларнинг тарбияли, чиройли хулқ эгалари ва етук инсонлар бўлишларида Ислом дини таълимоти нақадар аҳамиятли экани Қуръон оятларида яққол кўриниб турибди.

Изн сўрашнинг ҳам ўз одоблари бўлиб, улар қуйидагилардир:

Аввал салом бериб, сўнг изн сўраш

Абу Довуд ривоят қилади. Омир қабиласидан бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйда бўлган вақтларида изн сўради ва: “Кирсам майлими?” деди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хизматчига: “Чиқиб, унга изн сўрашни ўргатгин, “Ассалому алайкум, кирсам майлими?” деб айтсин”, дедилар. Шунда у бу сўзни эшитиб, “Ассалому алайкум, кирсам майлими?” деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга рухсат бердилар ва у кирди.

Исмини, сифатини ёки кимлигини билдириш

Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг “Саҳиҳ” китобларининг “Исро” ҳадисида келтирилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сўнгра Жаброил (алайҳиссалом) дунё осмонига кўтарилди ва эшикни тақиллатди. Шунда:

– Ким? – дейилди.

– Жаброил (алайҳиссалом), – деди.

– Ёнингдаги ким?

– Муҳаммад (алайҳиссалом).

Сўнгра мен билан иккинчи, учинчи осмонга ва бошқаларига кўтарилди. Ҳар бир осмон эшигида "Ким?" дейилди. "Жаброил (алайҳиссалом)", дедилар».

Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг "Саҳиҳ" китобларида Абу Мусодан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) боғнинг қудуғида ўтирганларида, Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) келиб изн сўради. Абу Мусо:

– Ким? – деди.

– Абу Бакр (розияллоҳу анҳу).

Сўнг ҳазрат Умар келди, изн сўради.

– Ким? – деди Абу Мусо.

– Умар, – деди.

Сўнгра Усмон ҳам шундай қилди.

Демак, бировнинг эшигига борган одам аввало ўзини таништириши лозим бўлар экан. Шу ўринда баъзи кишиларнинг хатти-ҳаракатлари ёдга тушади. Айниқса, айрим ёшлар телефон орқали бошқаларни безовта қилиб, ўзининг кимлигини билдирмасдан, турли кераксиз гапларни сўзлаши учраб туради.

Муборак Рамазон ойида ҳам ёш болалар ва ўсмирлар бемаҳалда эшикларни тақиллатиб, одамларни безовта қилиб "Рамазон" айтиб юришади. Бу одат ҳам динимиз кўрсатмаларига мувофиқ келмайди, чунки мўътабар манбаларимизда бу ҳақда бирор-бир маълумот йўқ.

Кези келганида "Рамазон" айтиш тарихига назар соладиган бўлсак, аждодларимиз азалдан улуғ ой Рамазонни жуда катта хурсандчилик билан қарши олишган. Ҳаттоки ёшлар бу қувончларини оҳангга солиб куйлашган, шодликларини бошқаларга ҳам етказиб, бир-бирларини қутлашган. Бундай улуғ хушхабарни олиб келганларни янада хушнуд қилиш учун саховатли ота-боболаримиз

ширинликлар билан сийлаганлар. Кўриниб турибди, “Рамазон” айтиб бемаҳалда одамлар безовта қилинмаган ёки бирон нарса тама қилиш мақсад этилмаган. Шу боис фарзандларимизга бу одатни ҳам тўғри маънода тушунтиришимиз лозим.

Уч марта изн сўраш

فِي الصَّحِيحَيْنِ عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "الْإِسْتِئْذَانُ ثَلَاثٌ فَإِنْ أُذِنَ لَكَ وَإِلَّا فَارْجِعْ"

Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг “Саҳиҳ” китобларида Абу Мусо Ашъарийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Изн сўраш уч мартадир. Агар сенга изн берилса, киргин, изн берилмаса, бас, қайтгин”, дедилар.

Биринчи марта изн сўраш билан иккинчисининг орасида тўрт ракаат намоз ўқиш муддатича кутиш мустаҳабдир. Чунки хонадон соҳиби намозда ёки зарур иш билан банд бўлиши мумкин. Шу боис бир неча дақиқа кутиш афзалдир. Учинчи бор изн сўралганидан сўнг ҳам жавоб бўлмаса, қайтиб кетиш лозим экан. Шундай ҳолларда баъзилар эшикни ўзлари очиб киришлари динимиз қоидаларига зиддир.

Эшикни оҳиста тақиллатиш

Хусусан, ота-она, устоз ёки бирор аҳли уламо ёки фазилат соҳибининг хонадонига ташриф қилинадиган бўлса, янада тавозеъ ва одоб билан эшикни оҳиста тақиллатиш зарур. Бу борада саҳобалар ва салаф уламоларимиз одоблари қай даражада юксак эканига эътибор берамиз:

رَوَى الْبُخَارِيُّ فِي (الْأَدَبِ الْمُفْرَدِ) عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ: أَنَّ أَبْوَابَ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَتْ تُقْرَعُ بِالْأَصَابِعِ"

Имом Бухорий “Ал-адаб ал-муфрад” асарида Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. “Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эшикларини бармоқлар билан тақиллатишарди”.

Салафлар улуғларнинг эшикларини тирноқлари билан тақиллатардилар. Бу эҳтиром ва одобнинг юқори чўққисидир. Аммо уй эгаси эшикдан узоқроқда экани эҳтимоли бўлса, бундай вазиятда эшитиладиган тарзда тақиллатилади. Бугунги ҳолатларда, яъни эшикда қўнғироқ чалувчи мослама бўлса, ундан фойдаланганда ҳам узоқ муддат босиб турмаслик ёки кетма-кет, қайта-қайта, тез-тез босавермаган маъқул. Чунки изн сўровчининг эшикни енгил, латиф тақиллатиши унинг лутфу одоби, хулқи ва гўзал муомаласидан далолатдир.

Изн сўраш пайтида эшикка терс туриш

Мабодо эшикни аёл киши очадиган бўлса, бегона кишига кўзи тушмаслиги ва уни хижолат қилмаслик мақсадида изн сўраш одобидаги ушбу қоидага риоя қилиш талаб этилади. Изн сўраш баробарида назар солишда эҳтиёткор бўлиш шарт. Буни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларига таъкидлаб: “Албатта, изн сўраш кўзни (жоиз қарашдан) сақлаш учундир”, дедилар. Яъни, эшик тақиллатиб рухсат сўралганида, назарни олиб қочишнинг бошқа иложи йўқ. Шу сабабдан эшикка терс ёки ён билан туриш жоиздир.

Имом Табароний Абдуллоҳ ибн Басардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уйга келишда эшикнинг қаршисида турманглар, эшикнинг ёнида туриб изн сўранглар. Агар изн берилса киринглар, рухсат берилмаса, қайтинглар”, деганлар.

رَوَى أَبُو دَاوُدَ: ”كَانَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَتَى بَابَ قَوْمٍ لَمْ

يَسْتَقْبِلِ الْبَابَ مِنْ تِلْقَاءِ وَجْهِهِ وَلَكِنْ مِنْ رُكْنِهِ الْأَيْمَنِ أَوِ الْأَيْسَرِ وَيَقُولُ: السَّلَامُ عَلَيْكُمْ، السَّلَامُ عَلَيْكُمْ

Абу Довуд ривоят қилади. «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамлар эшигига келганларида юзлари билан эшикка юзланмасдилар, ўнг ёки чап ёнларини эшикка қилардилар ва: “Ассалому алайкум”, “Ассалому алайкум”, дердилар».

Уй эгаси “қайт” деса, қайтиш

Аллоҳ таоло бундай дейди:

«...Бас, агар у (уй)**ларда ҳеч кимни топмасангиз, унда то сизларга изн берилмагунча уларга кирмангиз! Агар сизларга “қайтингиз” дейилса, қайтиб кетаверинглар! Шу сизлар учун энг тоза** (йўлдир). **Аллоҳ қилаётган ишларингизни билувчидир»** *(Нур, 28)*.

Рухсат сўровчи кишига хонадон эгалари монелик билдирганида, дарҳол орқага қайтиши лозимлиги баён этилмоқда. Чунки хонадондаги айни муҳит ва вазият шуни тақозо қилаётгани учун шундай жавоб бўлди. Шу боис келган киши кириш учун бирор баҳона топишга ҳаракат қилмай, орқага қайтиши шарт. Чунки Аллоҳнинг буйруғи юқоридаги ояти каримада шунга далолат этмоқда.

Қатода айтади: Бир муҳожир: “Бутун умрим бўйи бу оятдаги ҳолатни қидирдим. Аммо бундай вазиятга тушмадим. Бир вақтлари келиб, баъзи биродарларимдан рухсат сўрадим. Улар “қайт” дедилар. Бас, мен хурсанд бўлган ҳолимда (яъни ўша оятга амал қилганимдан) ортимга қайтдим”, деди.

Бу Ислом динимиздаги “изн сўраш” одобларининг энг муҳим қоидалардандир. Фарзандларимиз шу фазилатларга эга бўлиб тарбия топар экан, албатта бугун, эртага ва то қиёматга қадар давом этажак наслу насабимиздан яна уламолар, фозиллар ва ўз илму маърифатларининг манфаатлари ила жаҳонни ҳайратга соладиган машҳур

инсонлар етишиб чиқади, иншааллоҳ. Буюк ва Улуғ, Қодир Раббимиздан барчамиз илтижолар қилиб, бу йўлда олиб бораётган ишларимизда шижоат ва баракотлар тилаймиз.

МАЖЛИС ОДОБИ

Бу ерда мажлис сўзи кенг маънода ишлатилади. Икки кишининг ўзаро суҳбати ҳам, кўп кишиларнинг машварати ҳам мажлис сўзи билан ифодаланган. Унинг одобларини қисмларга бўлиб баён қиламиз.

Учрашганида қўл бериб кўришиш

رَوَى ابْنُ السُّنِّي وَأَبُو دَاوُدَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ:" إِذَا الْتَقَى الْمُسْلِمَانِ فَتَصَافَحَا وَحَمِدَا اللهَ تَعَالَى واسْتَغْفَرَا غَفَرَ اللهُ لَهُمَا"

Ибн Сунний ва Абу Довуд ривоят қилади, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

"Икки мусулмон киши учрашиб, қўл бериб кўришса ва Аллоҳга ҳамд, истиғфор айтса, уларни Аллоҳ таоло мағфират қилади", дедилар.

فِي الْمُوَطَّأ لِلْإِمَام مَالِك عَنْ عَطَاءِ الْخُرَسَانِي قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: تَصَافَحُوا يَذْهَبِ الْغِلُّ (الْحِقْدُ)، وَتَهَادَوْا تَحَابُّوا وَتَذْهَبِ الشَّحْنَاءُ

Имом Молик "Муватто" асарида Ато Хуросонийдан ривоят қилади, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ўзаро қўл бериб кўришинглар – нафратланиш йўқолади, ўзаро ҳадя беринглар – муҳаббатли бўласизлар ва гина-кудурат кетади" .

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу ҳадис орқали икки киши учрашганида, аввало қандай кўришиш лозимлиги ҳақида таълим бердилар. Ҳадисга

мувофиқ бир-бирига қўл бериб кўришиш тавсия қилинган. Асрлардан буён маънавияти Ислом таълимоти билан йўғрилган халқимиз кўришиш одобини юксак даражада адо этиб келди. Афсус, бугунги айрим ёшлар, баъзан катталар ўртасида ҳам ажабтовур бош тўқиштириш ва шу каби ғайриоддий кўришишлар пайдо бўлди. Фарзандлар одоблар сардори бўлган саломлашишда ўзликларини унутиши – бу жуда аянчли ҳол. Ёшларимизга бундай кўришиш миллий ва диний урф-одатга тўғри келмаслигини тушунтириб, уни буткул тарк этишларига эришмоғимиз зарур.

Уй эгаси кўрсатган жойга ўтириш

Хонадон соҳиби меҳмонни қаерга ўтқазишни режалаштирган бўлади, шунинг учун бу иш мезбон ихтиёрига ҳавола этилади. Бир ҳадисда: “Уй соҳиби уйдаги нарсаларни билувчидир”, дейилган.

Аллоҳ таборака ва таолонинг қуйидаги оятини яна эслашга тўғри келади:

«...Бас, агар у (уй)**ларда ҳеч кимни топмасангиз, унда то сизларга изн берилмагунча уларга кирмангиз! ...»** *(Нур, 28)*.

Ояти мубийндан маълум бўлмоқда, меҳмон ҳар нарсада мезбоннинг ишорасига тобе, яъни у нафақат ўтириш жойида, балки барча ҳолатда ҳам уй соҳибига бўйсуниши лозим. Сўнгра дастурхонга қўйилган овқатни яхши кайфият билан тановул қилиш ва ўз ўрнида овқатни мақташ ҳам лозим. Бу борада яна бир ҳадисда: “Ким бир қавмнинг уйига кирса, бас, кўрсатилган жойга ўтирсин, чунки қавм ўз ҳовлисининг айбини билувчироқ”, дейилган.

Ҳатто меҳмондорчиликдан қайтиш вақтини ҳам уй эгасининг ҳолати ва кайфиятига қараб белгилаш керак.

Ўртада эмас, кишилар қаторида ўтириш

Бу ҳам муҳим одоб саналади. Бир даврага қўшилган киши, агар ўртада ўтирса, баъзиларга орқа ўгириб қолади. Уларга ноқулайлик туғилиши ёки озор бериш эҳтимоли борлиги учун бундан қайтарилган. Қуйидаги ҳадиси шариф шу ҳақида:

رَوَى التِّرْمِذِيُّ عَنْ أَبِي مِجْلَزٍ: " أَنَّ رَجُلًا قَعَدَ وَسَطَ حَلْقَةٍ، فَقَالَ حُذَيْفَةُ: مَلْعُونٌ عَلَى لِسَانِ مُحَمَّدٍ أو لعن الله على لسان محمّد صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ قَعَدَ وَسَطَ الْحَلْقَةِ"

Имом Термизий Аби Мижлаздан ривоят қилади:

«Бир киши ҳалқанинг ўртасига ўтирди. Шунда Ҳузайфа: “Ҳалқа ўртасига ўтирган кишини Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) лаънатлаганлар”, деди».

Ушбу мажлисда кенг жой бўлгани назарда тутилган. Аммо тор жойдаги мажлисда одамлар ўртага ўтиришга мажбур бўлса, бундай вазиятда ҳеч бир зарар йўқ. Имконият ўта чегараланган ҳолатларда тақиқланган ўринда ўтиришга ҳам баъзи масалаларда рухсат этилган. Чунки динимиз енгиллик ва қулайликка буюриб, мусулмонларга оғирликни раво кўрмайди. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

هُوَ ٱجۡتَبَىٰكُمۡ وَمَا جَعَلَ عَلَيۡكُمۡ فِي ٱلدِّينِ مِنۡ حَرَجٖۚ

«...Сизларни (шу дин учун) **У танлади ва динда сизларга бирор ҳараж** (қийинчилик) **қилмади...»** *(Ҳаж, 78)*.

Зарурат бўлса, икки киши орасига изн сўраб ўтириш мумкин. Амр ибн Шуайбдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: “Икки киши орасини изнсиз ажратиш ҳалол эмас”, дейилган.

Кейин келган охирига ўтиради

Жобир ибн Самурадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Биз суҳбат пайтида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келганимизда охирги жойга ўтирардик” *(Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти)*.

Бу жойда оддий одам келганлигига ишора қилинган. Аммо мажлис давомида аҳли илм ёки мартабаси улуғ кишилар келадиган бўлса, бундай пайтда ҳозир бўлганлар ёки уй соҳиби уларни муносиб ўринга ўтқизишида зарар йўқ. Чунки бу одат Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Инсонларни ўз ўрнига ўтқизинглар”, деган ҳадисларига мувофиқ бўлади.

Юқорида Абдул Қайс элчилари Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келганида қандай олқишлаганлари ва бағрикенглик қилганлари, уларнинг бошлиғи Мунзир ибн Оизга илтифот қилиб ўнг томонларига ўтқизганлари ҳақида ҳам айтиб ўтилди.

Бошқалар ҳузурида сирлашмаслик

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади:

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар уч киши бўлсангиз, икки киши учинчи одам олдида шивирлашмасин, уни хафа қилади” *(Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти)*.

Чунки учинчи киши суҳбат мавзуидан гумон қилиши ёки унга бефарқ бўлганларидан хафа бўлиши мумкин. Оқибатда сирлашган, шивирлашганлар бир кишининг қалбига озор етишига сабабчи бўлади. Аммо икки кишини ёки ундан кўпини суҳбатдан четда қолдириб, икки киши сирлашса бўлади.

Ким ташқарига чиқиб қайтса, ўз ўрнига ўтириши мумкин

رَوَى مُسْلِمٌ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ:" إِذَا قَامَ أَحَدُكُمْ مِنْ مَجْلِسِهِ ثُمَّ رَجَعَ إِلَيْهِ فَهُوَ أَحَقُّ بِهِ"

Имом Муслим Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Сизлардан бирингиз ўрнидан туриб (кетиб), сўнг ўрнига қайтса, бас, у бунга ҳақлидир", дедилар.

Мажлисдан чиқишга изн сўраш

رَوَى الشَّيْخَانُ أَنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ:" إِنَّمَا جُعِلَ الْإِسْتِئْذَانُ مِنْ أَجْلِ الْبَصَرِ"

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятларида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Албатта, кўз сабабли изн сўраш жорий этилди", деганлар.

Мазкур жойда зикр этилган изн сўраш маъносида ташриф буюрган киши кетишга чоғланганида хонадон соҳибидан изн сўраши ҳам назарда тутилган. Чунки меҳмон чиқиб кетишида ҳам кўзи ножоиз жойларга тушиб, уй соҳибалари бўлмиш аёлларни хижолат қилмаслиги учун ушбу ҳадиси муборак ворид бўлган.

Шу тариқа Исломнинг улкан одоб ва маданиятлари билан қалблари, турмушлари зийнатланган аждодларимиз ўз ҳаётлари давомида бирор-бир ҳолатда бировнинг ҳақига хиёнат қилишни тасаввурларига ҳам сиғдиролмаганлар. Надоматлар билан тилга олишга мажбурмиз, кейинги пайтларда одобсиз, нопок кимсаларнинг ножоиз хатти-ҳаракатлари сабаб покиза аёллар ёмонотлиқ бўлиб, яхши оилалар ажрашиб, бегуноҳ

фарзандлар етимликка маҳкум бўлмоқдалар. Бу каби воқеалар, афсус, ён атрофимизда, қўни-қўшниларимизда, қариндошу таниш-билишларимиз оилаларида содир бўлмоқда. Барча қабиҳликлар улуғ одобу ахлоқларни менсимасликдан, амал қилмасликдан келиб чиқади. Энг ачинарлиси, “Қуш инида кўрганини қилади” деганларидек, фарзандлари ҳам ота-оналаридан бу иллатлар борасида андоза олмоқдалар.

Шунинг учун муҳтарам мураббийлар бор кучлари ила келажак авлодларнинг одобларини юксак ва ахлоқларини гўзал, қалбларини мунаввар этиб тарбия қилишлари ҳамиша долзарб вазифадир. Чунки юртимиз келажаги янада буюк, ҳаётимиз бундан-да фаровон бўлиши илму маърифатли, маънавияти юксак ёшларимизга боғлиқ.

Мажлиснинг каффорат дуосини ўқиш

Абу Бараза (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

كَانَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَقُومَ مِنَ الْمَجْلِسِ قَالَ: سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ اَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ“ ، فَقَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللهِ إِنَّكَ لَتَقُولُ قَوْلًا مَا كُنْتَ تَقُولُهُ فِيمَا مَضَى؟ قَالَ: ذَلِكَ كَفَّارَةٌ لِمَا يَكُونُ فِي الْمَجْلِسِ“

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мажлисдан туришни хоҳлаганларида: “Субҳанака Аллоҳумма ва биҳамдика ашҳаду анла илаҳа илла анта астағфирука ва атубу илайка”, дедилар».

(*Маъноси:* “Парвардигорим, сенга тасбеҳ ва ҳамд айтаман, сендан бошқа илоҳ йўқ, сенга истиғфор айтаман ва сенга тавба қиламан”.)

Бир киши: “Ё Аллоҳнинг Расули, сиз бу сўзни ҳеч айтмаган эдингиз, нега айтдингиз?” деди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу мажлисда бўлган нарсага каффорат бўлади”, дедилар.

Киши бир жойга борганида инсонийлик боис бирор ножўя сўз гапириб қўйиши, билмаган ҳолда ўтирганлардан бирининг дилига озор бериб қўйиши ёки меҳмондорчилик одобларидан четга чиқиши мумкин. Бундан ташқари, шайтони лаъин турли гумону хаёлларни қалбга келтириб, васваса қилиб, ўтирганлар ёки уй эгаси ҳақида бўлар-бўлмас гумонларга бориш эҳтимолдан холи эмас. Баъзилар бор, хонадонга кириши билан ҳар томонга аланглаб, не бир ўйларга бормайдилар: “Бунча нарсани қаердан топди экан?”, “Дастурхонини тузукроқ қилса бўлмасмиди?”, “Таомининг мазаси йўқ” қабилидаги ўй-гумонларда бўлади. Бу жуда ёмон одат саналади. Ана шундай хатоларни ювиш мақсадида, жойидан қўзғалаётганида ушбу каффорат дуоси ўқилади.

СЎЗЛАШИШ ОДОБИ

Аллоҳ инсонларга сўзлаш неъматини ато этган. Улуғ зотлар бундай дейишган: “Инсон молу дунёси билан яхшилик қилмоқчи бўлса, бойлиги бир кунда тугаб қолиши мумкин. Аммо инсонда бир хазина бор, қанча сарфлагани билан тугамайди. У ширин сўздир”.

Ҳадиси шарифда: “Ким агар бировнинг айбини айтиб, одамларга ошкор қилса, то ўзи ҳам шу айбни қилмасдан дунёдан кетмайди”, дейилган.

Биз ҳар бир айтган сўзимиз учун масъулмиз. Боязид Бистомий Аллоҳни зикр этишдан аввал “дунё сўзларини сўзлаган эдим”, дея оғизларини уч бора ювар эканлар.

Одамлар зоҳиран гурунг шаклидаги ғийбатларнинг ботиний оламда номаи аъмолига гуноҳ бўлиб битилаётганидан ғофилдирлар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: “Жим турмоқдан суҳбатлашиш яхши, ёмон суҳбатдошдан ёлғизлик яхши”.

Оилада ёки инсонлар орасидаги нохушликлар кўпинча қўпол сўз оқибатида содир бўлади. Бунинг аксича, кўпгина муваффақиятларнинг омили ширин сўздир. Шу-

нинг учун ҳар бир инсон ширинсўз, мулойим бўлишга интилмоғи лозим. Аллоҳ таоло: **“Бандаларимга айтинг,** (ширк аҳлига) **гўзал** (сўзлардан) **сўзласинлар. Зеро, шайтон уларнинг ўрталарида бузғунчилик қилур”** *(Исро, 53)*, деб огоҳлантирган.

Мана шу оятда Аллоҳ таоло мусулмонларни ўзаро муносабатларида, суҳбатларида ширин сўзли бўлишга буюради. Агар улар буйруққа итоат этмай, ёмон сўзларни ихтиёр қилсалар, албатта шайтон ораларини бузади.

Тил инсоннинг жисман энг кичик, аммо масъулият ва вазифаси жиҳатидан катта эътиборга лойиқ аъзосидир. Уни фақат хайрли, яхши муомалада ишлатиш ва ёмон, дилозор сўзларни айтишдан сақлаш лозим. Муҳаммад (алайҳиссалом) тилни ножўя сўзлардан асрашга, имкон қадар сукут сақлашга буюриб:

“Ким Аллоҳ таолога ва охират кунига имон келтирган бўлса, фақат яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин”, дея марҳамат қиладилар.

Ислом динида тилга бу қадар катта эътибор берилишининг боиси тилнинг қалбга яқинлигидир. Қайси бир инсоннинг қалби пок ва соф бўлса, унинг тилидан бол томиб, ширин гаплар чиқади. Бундай кишиларнинг дўсти ҳам кўп бўлади.

Тил ва қалб ўртасидаги узвий боғланиш ҳақида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Бандanинг имони тўғри бўлмайди, токи унинг қалби тўғри бўлмагунча, шунингдек, қалби тўғри бўлмайди, токи унинг тили тўғри бўлмагунча”.

Маълумки, тил орқали содир қилиниши мумкин бўлган ғийбат, чақимчилик, туҳмат ва ёлғон гувоҳлик бериш кабилар билан инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат пойдевори дарз кетиши, емирилиши мумкин.

Инсон одоб-ахлоқини гўзал қиладиган омиллардан яна бири яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлишдир. Бундай суҳбатлар киши қалбини ибратли хулқ-атвор билан бойитади ва уни яхши ишларни амалга оширишга ундайди.

Яхши муомала барча инсонларнинг кўрки ва зийнатини оширади. Қаерда ҳусни муомала бўлмаса, ўша ерда, албатта, хато ва камчиликлар содир бўлади. Шуни таъкидлашни истардик, инсон бошқаларга берадиган насиҳатига аввало ўзи амал этиши лозим. Қуйида мазҳаббошимиз Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) билан бўлган воқеани ҳикоя қиламиз.

“Бир қул Имоми Аъзам ҳазратларига деди:

– Кейинги жумада қул озод қилишнинг фазилатларидан гапирсангиз. Зора, хожамиз бизни озод қилиб юборса.

Имоми Аъзам рози бўлдилар. Аммо орадан икки жума ўтгач, учинчи жума ваъзида қул озод қилиш ҳақида сўзладилар. Шу куни ўша қулни хожаси озод қилганини айтди. Сўнгра қул келиб, Имоми Аъзам ҳазратларига деди:

– Ҳазрат, менинг хожам ваъзингизни тинглаб қайтгач, мени озод қилди. Аммо нега икки ҳафта кейин бу ҳақда гапирдингиз?

Имоми Аъзам айтдилар:

– Сен менга илтимос қилган вақтингда пулим йўқ эди. Шундан кейин икки ҳафта пул йиғиб қул сотиб олдим ва уни озод қилдим. Қул озод қилиш гаштини суриб, ўзим ҳис этганимдан кейин гапирдим. Агар ўзим қилмаган ишни сўзласам, унинг таъсири бўлмас эди. Хожангиз ҳам сизни озод қилмаган бўлур эди”.

Демак, инсоннинг сўзи билан амали бир бўлиши лозим экан.

Фарзандни комил инсон қилиб тарбиялашнинг муҳим жиҳати унда сўзлашиш одобини шакллантиришдир. Тил хоҳлаган тарафга бурилаверади. Тил туфайли не бир қалблар орому ҳузур топиб қувончга тўлса, аксинча, не бир кўнгилларни тил вайрон қилиши мумкин.

Тил соҳибининг қалб кечинмаларини юзага чиқаради. Агар тил соҳиби фасоҳату нафосатли, гапирганида дур мисоли сўзларидан нуру зиё таралиб турадиган, эзгу қалбли инсон бўлса, унинг сўзлари ҳар қандай дарду му-

сибатга даво, яраланган қалбларга малҳам, ўксик дилларга юпанч бўлади. Борди-ю, сўз соҳиби бунинг тамоман акси бўлса, унинг сўзи масрур қалбни ғамли, тик бошни эгик, хуш кайфиятни тушкун этувчи оғуга айланади. Бу фикрлар исботи ўлароқ ушбу ҳикматли ҳикояга эътибор қаратайлик:

Бир подшоҳ туш кўрибди, тушида бор тишлари тўкилиб кетганмиш. Уйқудан уйғонгач, икки вазирини ҳузурига чорлабди. Кўрган тушини баён қилиб, "Бу тушнинг таъбири нима? Агар таъбирини топсангиз, фақат ростини сўйланг", дея уларга мурожаат қилди. Вазирлардан бири сўз бошлади: "Подшоҳим, бу яхшилик аломати эмас, барча қариндош-уруғларингиз барвақт вафот этиб кетишади, сиз ўзингиз ёлғиз қоласиз". Подшоҳ бу жавобдан ниҳоятда дарғазаб бўлиб, вазирни зиндонга ташлашни буюрди. Сўнгра иккинчи вазир: "Шоҳим, бу тушингиз кўп яхшилик ва қувонч аломатидир. Аллоҳ таолонинг инояти ила, сиз муҳтарам жаноби олийларига барча қавму қариндошларингиз ичра узоқ умр ато этилур. Бу қутлуғ неъмат муборак бўлсин!" дея эҳтиром билан қўлларини кўксига қўйди. Яхши таъбир ва қутловдан хурсанд бўлган подшоҳ бу вазирига мукофотлар инъом этишни буюрибди.

Бир хил маънодаги икки хил таъбирни берган вазирлардан бири фаҳму фаросатдан узоқда, сўзлаш ва эҳтиром одобидан бебаҳра бўлиб, таъбирни ўзининг сифатига мувофиқ шу даражада қўпол баён қилди, натижада ғазабга йўлиқди. Закий ва доно, теран ақл ва назокатли сўз соҳиби бўлган иккинчи вазир эса, туш таъбирини ўз фазилатига муносиб тарзда баён қилиб, олқиш ва мукофотга сазовор бўлди. Демак, азиз фарзандларнинг кишилар билан сўзлашиши, ўзаро муомаласи, гапирган сўзлари ҳикмат касб этиши учун мураббий ва муниса мураббияларнинг қалблари ушбу олийсифат одоблар билан тўлиб тошган бўлиши керак. Шундагина, фарзандлари улғайиб, балоғат ёшига етганида, кўрган кўзлар қувонадиган, суҳбатлашган инсонлар яна бир бора дий-

дорлашсам дейдиган, комил ва шомил инсон бўладилар. Бундай ўғил-қизларни улғайтириш ҳар бир ота-онанинг энг олий орзусидир.

Шу боис, энди сўзлаш одобларини ўргатиш ва сингдириш жараёнида нималарга эътибор қаратиш зарурлигини бирма-бир баён қиламиз.

Соф адабий тилда сўзлашиш

Тилининг фасоҳати ва ширинсўзлик инсон зийнати. Али ибн Ҳусайн (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юзландилар. Ул зотнинг устиларида иккита кийим бор эди. Ибн Аббоснинг кифтида эса икки ўрам соч бўлиб, оппоқ эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амакиларига қараб туриб, табассум қилдилар.

Шунда Ибн Аббос: "Ё Аллоҳнинг Расули, сизни кулдирган нарса нима?" деди. Пайғамбар (алайҳиссалом): "Пайғамбарнинг амакисининг жамоли мени ажаблантирди", дедилар. "Жамоли нима?" деди Ибн Аббос. "Фасоҳатли тил", дедилар *(Ҳоким ривояти)*.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади, саҳобалар: "Ё Аллоҳнинг Расули, нега бизнинг фикримиз сизникидек фасоҳатли эмас?" дедилар. Набий (алайҳиссалом): "Аллоҳ таоло мени қўпол гапирувчи қилиб яратмади. Менга сўзларнинг яхшисини ихтиёр этди: у эса Ўзининг Қуръон китобидир", дедилар *(Шерозий ва Дайламий ривояти)*.

Киши оғир-босиқлик билан шошмасдан, дона-дона қилиб, эшитаётганларни зериктириб қўймасдан, имкон қадар чиройли сўзлар билан гаплашиши лозим. Фасоҳатли сўзлаш Расули акрамнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларидир. Гўзал ва равон сўзлаган ҳазрат Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Пайғамбардан (алайҳиссалом) мақтов олган эканлар.

Ҳозирги замон мисолида атрофимизга назар солсак, ачинарли воқеаларга дуч келамиз. Хусусан, айрим ёшларимиз ўртасида "ота, она" каби улуғ сўзларни турли бач-

кана сўзларга алмаштириб айтиш, афсус, учраб турибди. Баъзи катталар бунга бепарво. Замонамиз олимларидан бири Фозил қори Собиров (Аллоҳ раҳмат қилсин) мавъизаларида бундай деганлар: “Кўриниши туппа-тузук, ёши ўрта, масжидга жаноза хабарини айтиш учун келганлардан сўрадим: “Кимингиз қазо қилди?”

Улар бири:

– Кампирни бериб қўйдик, – деди.

– Қайси кампир? Ким бўлади сизга?

– Онам.

– Эй номард, мени дунёга келтирган, дуолари ижобат, пойи қадамлари остида жаннат бўлган, уйимнинг гавҳари, меҳрибоним, ойижоним ўтдилар, деб кўзёши қилгин, – дедим ва “Бир парча гўштдан вояга етказган, қип-қизил қонидан оппоқ сутини меҳр билан ажратиб берган, неча-неча тунларни бедор ўтказиб, минг бир машаққатларни чеккан онанг энди “кампир” бўлиб қолдими, суф сендақа фарзандга”, деб койигим келди.

Баъзи ёшларимизнинг берган саломларига қандай жавоб беришни билмайсан киши. “Ассалому алайкум” сўзининг маъносини бузиб, нима деяётганларини ўзлари ҳам билмайдилар. Наҳот, “Ассалому алайкум” дея тўлиқ, очиқ ва равшан қилиб салом беришнинг иложи бўлмаса?! Наҳотки, ота-оналар фарзандларининг бераётган саломларига эътибор қилмайдилар. Ҳар бир фарзанд эрталаб ота-она ҳузурига салом билан кириб келади-ку, ахир. “Бола бошидан” деганларидек, эндигина тили чиқиб келаётган фарзандларга тўғри, чиройли ва керакли сўзларни гапириш ўргатилса, бу ўрганганлари унга умрбод ҳурмат, бахт-омад келтиради.

Оҳиста сўзлаш

Чиройли одоблардан яна бири оҳиста сўзлашдир. То эшитувчилар уни яхши тушунишсин ва даврада ўтирганлар гапираётган кишининг мақсадини аниқ англаб, идрок этсинлар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва

саллам) бу борада ҳам барча умматларига олий муаллим, тенгсиз мураббий сифатида ибрат бўлганлар.

Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзлаганларида, агар сўзларини санамоқчи бўлсангиз, албатта, саноғига етардингиз” *(Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти)*.

رَوَى أَبُو دَاوُدَ عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ: "كَانَ كَلاَمُهُ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَصْلاً يَفْهَمُهُ كُلُّ مَنْ سَمِعَهُ"

Абу Довуд ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзлари дона-дона бўлиб, эшитувчиларга тушунарли эди.”

Фасоҳатли сўзлашда такаллуфдан сақланиш

Бу ўринда “такаллуф” маъноси сўзлаётганида ҳаддан зиёда, ортиқча сўзларни ишлатишга нисбатан айтилмоқда. Бошқаларнинг сифатини баён қилаётганида, жойнинг ёки нарсанинг тавсифини келтираётганида маромидан ошириш ҳам суҳбатни асл мақсаддан узоқлаштириб, тилёғламаликка айлантириб юборади. Шу боис ушбу мазмундаги ҳадиси мубораклар ворид бўлган:

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Аллоҳ таоло баъзи нотиқ кишиларга ғазаб қилади. Улар шундай нотиқларки, сўзларида қочирма гаплар билан тилини безаб гапиради, ҳудди сигир тили билан безанганидек”, дедилар *(Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти)*.

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзласалар, сўзларини уч бора қайтарар эдилар, дарҳол тушунардик. Агар бир қавмга келсалар, салом берардилар ва дона-дона сўзлардилар. Сўзлари узун ҳам, қисқа ҳам бўлмасди ва сўзлашишдаги бемаъниликни ва тантанавор (такаллуфли) гапиришни ёмон кўрардилар” *(Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти)*.

Инсонларнинг ақлига қараб сўзлаш

Муомала одобларидан бири шуки, сўзловчи киши ҳар бир жой ва вазиятга муносиб баҳо бериб, ўша даврадаги одамлар табиати, савияси ва урф-одатларини эътиборга олиб муносабатда бўлиши талаб этилади. Бу эса нотиқнинг ақл-фаросати, нозик диди, сўз маҳорати, кишилар руҳиятини англай олиши ва ақлу идроки билан боғлиқ. Шу ҳақдаги ҳадислар билан танишиб чиқамиз.

Ҳадисда: "Пайғамбарлар инсонларнинг ақлларига қараб гапиришга буюрилганлар", деб марҳамат қилинган.

Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: "Инсонларнинг билимига қараб сўзланглар", дедилар *(Имом Бухорий ривояти)*.

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу): "Сен бир қавмнинг ақлига сиғмайдиган гапни гапирувчи бўлсанг, уларнинг баъзилари учун фитна бўлади", деди *(Имом Муслим ривояти)*.

Бу фикр қуйидаги ҳадисдан келиб чиққан. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: "Умматларим ақллари кўтаролмайдиган даражадаги баъзи ҳадисларимни айтиб берсалар, бу улар учун фитна бўлади" *(Дайламий ривояти)*.

Ҳадислар ичра шундайлари ҳам бор, уларни бевосита тушуниш қийин, маъноси мураккабдир. Бундай ҳадислар маълум бир макондан, ҳолатдан келиб чиққан бўлиб, айнан ўша вазиятга хос. "Жиҳод қилиш", "ғазотда шаҳид бўлиш" ва "қул озод қилиш" каби мавзудаги ҳадислар бунга мисол. Айни мавзулардаги ҳадисларнинг асл ва соф маъноларини тушуниш учун муҳтарам уламоларимиз ва фақиҳларимиз кўмаги керак. Аммо ҳозирда ушбу ҳадисларни пеш қилиб, мазмун-моҳиятини тушунмасдан, олимларимиз ўгитларини назар-писанд қилмайдиган, динимиз амалларини фаҳмлай билмайдиган, кимларгадир кўр-кўрона эргашадиган бузғунчи тоифа ва оқимлар пайдо бўлди.

Кенг маъноларни ўз ичига олган ҳадиси муборакда зикр этилган “жиҳод”, аввало, ҳар бир кишининг хавфли душмани бўлган “нафс”ига қарши кураш маъносини англатади. Ўз нафсига қул бўлган кимсалар ҳар қандай разилликдан, қабоҳатдан ва зулмдан қайтмаслигини, инсонийлик сифатларини батамом унутганларини ўша тоифалар ва оқимлар аъзолари мисолида кўрмоқдамиз. Улар бойлик ва мансаб йўлида не бир хунрезликларни амалга оширмаяптилар. Оламга жар солиб қилаётган даволари гўё “Исломни ўрнатиш ва халифалик қуриш”. Зеро, Сафийнадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Халифалик (мендан кейин) ўттиз йилдир, сўнгра мулк (яъни мулкчилик, подшоликлар) бўлади”, дея марҳамат қилганлар. Илмдан хабардор бўлганлар ҳадисда баён этилган улуғ амални бундан ўн тўрт аср муқаддам забардаст чаҳорёр халифалар Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али (розияллоҳу анҳум) амалга ошириб бўлганларини биладилар.

Мазкур тоифа ва оқимлар ҳақиқатан дин жонкуярлари бўлганида эди, истиқлолимиз туфайли ҳукуматимиз томонидан динимиз ва Ислом динига эътиқод қилувчи барча фуқароларга яратиб берилган шароитлардан оқилона фойдаланардилар. Бундай нопок йўлни танламасдилар. Улар бу мақсадларини шўролар даврида, динимиз қадриятлари таҳқирланиб, масжидлар омборхонага айлантирилганида, мусулмонлар беникоҳ турмуш қуришга мажбур қилиниб, азада жаноза ўқишга ҳам рухсат берилмаган вақтларда нега амалга оширмадилар? Шундан ҳам мақсадлари ғаламислик ва барча ғоялари пучлиги аён бўлиб қолмоқда. Инъом этилган неъматлар ичра улуғи бўлган азиз нуридийдаларимизни шу каби иллатлардан огоҳ этиб, ёмонликлардан асрашимиз зарурдан зарурдир.

Малол ва халал бермайдиган сўзларни гапириш

Сўзлаш ва муомала маданиятининг ўзига хос, адо қилиниши лозим бўлган ҳақлари бўлиб, улардан бири гапни ўта қисқа баён қилмасликдир. Бундай сўзланганида эшитувчининг тушуниши қийинлашиб, суҳбатдан қаноат ҳосил қилмайди. Ҳақлардан яна бири эса гапни жуда узун қилиб, эшитувчини малоллантириб қўймасликдир. Гап меъёридан ортиқ узун бўлганида ҳам, эшитувчи сиқилиб, уни тинглашга рағбати кескин пасаяди. Бундай сифатларни ҳам жаноб Сарвари оламдан ўрганамиз.

Имом Муслим Жобир ибн Сумратадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: "Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга намоз ўқир эдим. Ул зотнинг намозлари ва хутбалари ўртача бўларди."

Имом Аҳмад ва Абу Довуд Ҳаким ибн Ҳизомдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга жума намозида бўлдим. Ул зот ҳассага ёки найзага суяниб, Аллоҳга ҳамд ва сано айтиб, енгил, ширин ва муборак сўзлар айтдилар."

Имом Бухорий ва Имом Муслим "Саҳиҳ" китобларида келтиришади. Ибн Масъуд ҳар пайшанба куни бизга сўзлаб берарди. Бир киши туриб: "Эй Абу Абдураҳмон, бизга ҳар куни сўзлашингизни хоҳлайман", деди. Шунда Ибн Масъуд: "Сизларга малол келиб қолишини ёмон кўришим мени бундан қайтарди", деди.

Шу мавзуда ҳазрат Алининг (каррамаллоҳу важҳаҳу) қуйидаги бир шеърини келтирамиз:

Қалбу аъзолар малолланар албат,
Қалб учун истанг илму маърифат.

Сўзловчига эътиборли бўлиш

Бу одобдан мақсад сўзловчи бутун вужуди билан тингловчиларга юзланишидир. Чунки гапираётган киши диққату эътиборини қаратганида, эшитувчиларга мақсад ва мазмун янада яхшироқ тушунарли бўлади.

Амр ибн Ос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қавмга юзланиб, қавмнинг хатоларини айтар эдилар. Қавм эса у кишига бу юзланишлари туфайли ошно бўларди” *(Имом Табароний ривояти)*.

“Сиз учун энг суюкли киши ким?” деб сўрадим. У зот “Ойша”, деб жавоб бердилар.

“Йўқ, эркаклардан ким?” деб сўрадим яна.

– Унинг отаси.

– Кейин-чи?

– Умар.

– Ундан кейин-чи?

– Усмон.

– Сўнгра?

– Али.

Мен тинмай сўрар, у зот тўхтамай жавоб берардилар. Мени айтавермаганларидан кейин охирги ўринга тушиб қолишдан қўрқиб, сўрашдан тийилдим.

Эркин муомалада бўлиш

Сўзлаш одобларидан бири сўзловчи гапираётган пайтда ва кейин ҳам тингловчи билан самимий муомалада бўлишидир. Ўтирганлар зерикмасинлар ва сўзлаш асносида ўзларини асло ноқулай сезмасинлар.

عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ قَالَ: قُلْتُ لِجَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَكُنْتَ تُجَالِسُ رَسُولَ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم؟ قَالَ: نَعَمْ كَثِيرًا كَانَ لاَ يَقُومُ مِنْ مُصَلاَّهُ الَّذِى يُصَلِّى فِيهِ الصبح أو الغداة حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ فَإِذَا طَلَعَت الشَّمْسُ قَامَ وَكَانُوا يَتَحَدَّثُونَ فَيَأْخُذُونَ فِى أَمْرِ الْجَاهِلِيَّةِ فَيَضْحَكُونَ وَيَتَبَسَّمُ.

Симок ибн Ҳарб ривоят қилади. Жобир ибн Самурага (розияллоҳу анҳу): “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва

саллам) билан бирга ўтирганмисан?” дедим. Шунда Жобир (розияллоҳу анҳу): “Ҳа, кўп маротаба ўтирганман. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бомдод номозини ўқиган жойларидан қуёш чиққунча турмас эдилар. Қуёш чиқса, турардилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўтирганларида одамлар билан суҳбатлашардилар. Улар суҳбатларида жоҳилият давридаги ишларни айтиб кулишарди ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) табассум қилиб қўярдилар” *(Имом Муслим ривояти)*.

Сарвари коинот кишилар билан суҳбатлашиш жараёнида чеҳралари очилиб, хуш кайфият билан табассум қилиб ўтирганлар. Бу ҳол даврага тароват бахш этиб, ўз ўрнида бошқалар ҳам ўзларини эмин-эркин ҳис этишларини таъминлайди. Бу хислат барчамизга сабоқ бўлмоғи керак ва муомала жараёнида ҳаётимизга татбиқ этиб, фарзандларимизни ҳам шундай одобга одатлантирмоғимиз олдимизда турган улкан вазифалардандир.

Мулойимлик

Қайси хонадонда таълим-тарбия юксак бўлса, шу жойда хотиржамлик бор. Ҳадиси шарифда бундай дейилган: “Аллоҳ ҳар бир ишда мулойимликни яхши кўради”. Қуръони каримнинг аввалидан охирига қадар инсонларга тарбия ва одоб ўргатилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мулойимлик сифати билан саҳобаларни ўзларига жалб қилдилар.

Демак, Расули акрамнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўмин-мусулмонларга мулойим бўлишлари ўзлари учун ҳам, умматлари учун ҳам Аллоҳнинг раҳмати экан. Мулойим, ширинсўз бўлиш катта бахт ҳисобланади. Киши яхши сўз эшитган жойига, мулойим муомала кўрган шахсига меҳр қўяди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сифатлари бу жиҳатдан энг олий мақом эди. У зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) энг жозибадор кучлари ҳам шунда бўлган.

Фарзанд мулойимлик фазилати билан ахлоқини безаб, ёмон ахлоқлардан йирок бўлсин. Одамлар орасида шу фазилати тўлин ойдек кўриниб турсин.

Мулойимлик хулқий ва нафсий фазилатларнинг энг буюгидир. У инсонни баркамоллик чўққисига олиб чиқади. Мулойимлик соҳиби билан суҳбатлашган киши унга муҳаббатли бўлади. Биз учун намуна бўлган Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам тарбиялаётган саҳобаи киромларни мулойимлик сифатлари билан жалб этдилар, муҳаббатли қилдилар.

Табассум фазилати

Юзлаб одамлар ўтиб-қайтаётган гавжум кўчадан боряпсиз. Демак, манзилга етгунча танишу нотаниш чеҳраларга кўзингиз тушади. Ана шунда сиз уларга очиқ юз билан жилмайиб боқинг. Кўрасизки, шу беозор табассумингиз туфайли юзлаб одамларнинг руҳияти кўтарилади. Кайфиятингиз чоғ, юзларингиз кулгудан чарақлаб турган кезларда уззукун омад сизга ёр бўлганини эсланг. Ахир ўша кунда ён-веринггиздаги кишилар ҳам меҳр билан боқишгани рост-ку.

Донишмандлардан бири: “Ҳаётимиз қандай бўлиши сизу биз унга қандай маъно бахш этишимизга боғлиқ”, дейди. Ўйлаб қарасак, эндиликда бизнинг табассумларимиз нақадар қиммат туради! Аммо кўпинча уни ҳаммаҳаммадан, ҳатто ўзимиздан-да қизғанамиз. Машҳур рассом шу каби ҳолатни бир неча расмларда усталик билан тасвирлайди: нимадандир ғазабланган бошлиқ ёрдамчисига заҳрини сочади. Шунда ёрдамчи ҳам хизматчилардан бирини қаттиқ койийди. Хизматчи ишлаб ўтирган матн терувчини уришиб беради, у эса эшикда ўтирган қоровулдан аламини олади. Бекордан-бекорга гап эшитган қоровул оёғи остида ётган кучукни тепиб юборади. Кучук ўз эгасини қопишга ботинолмай, хонасидан чиқиб келаётган бошлиқнинг оёғини тишлаб олади. Шундай қилиб, бу ғавғонинг бош сабабчиси жазосиз қолмайди.

Табассум бир лаҳзада пайдо бўлади. Инсон юзидаги илиқ табассум билан ҳар қандай давранинг азиз меҳмонига айланади.

Сиз қандай даврада бўлманг, ёнингиздагилардан табассумингизни дариғ тутманг. Уларга жилмайиб нигоҳ ташланг. Токи, табассумингиз чеҳраларда қотган музларни эритиб юборсин. У меҳрдан тузилган гулшодалар янглиғ кўнгилларга сочилиб кетсин.

ҲАЗИЛ-МУТОЙИБА ОДОБИ

Инсонлар ҳаётлари давомида руҳиятларини ҳазил-мутойиба ва ширин сўзлар, қизиқарли ҳикматлар билан бойитиб борсалар, умрлари завқли, файзли бўлади. Бу сўзлар ва ҳолатлар меъёрида бўлиб, ҳаддан ошмаса, албатта кишилар қалбига манзур бўлиб, қувонч бахшида этади. Муқаддас динимиз мусулмон кишини очиқ юз, табассумли ва яхши дўст бўлишга буюради. Атрофдагилар бундай кишининг суҳбатидан мароқ олиб, рағбат ва меҳрлари зиёда бўлади. Натижада кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмату эҳтиром ва муҳаббат зиёдалиги муҳим омил бўлиб, жамият янада мустаҳкамланади, жипслашади, бошланган ишлар самараси ортаверади.

Бироқ ҳар бир ишнинг қонун-қоидаси бўлганидек, бу одоб турининг ҳам ўзига яраша меъёрий жиҳатлари бор. Акс ҳолда, яъни ҳазил-мутойиба қилиш ҳаддан зиёда бўлса, мазахга айланиши ёки шундай тушунилиши мумкин. Мазах қилиш эса инсон қалбини яраловчи қалтис қуролдир. Шу боис ҳазил-мутойиба қилишнинг қоидалари билан танишайлик.

Ҳазил-мутойибада меъёрдан ошмаслик

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен ўйин ва эрмак аҳлидан эмасман”, дедилар *(Имом Бухорий ривояти)*.

Мазах қилиш, ортиқча ҳазил мусулмонни Аллоҳ таолога ибодат қилиш, буюрган эзгу ва хайрли ишлар, яъни

инсонлар ҳамда жамиятга манфаатли амаллар билан кўпроқ, бардавом машғул бўлиш, бошқаларни тарғиб этиш каби асосий амаллардан чалғитади.

Бу борада ҳам саҳобалар Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) тарбия олганлар. Улар ўзаро ҳазил-мутойиба қилишарди. Агар ул зот жиддийлашсалар, салобатли бўлардилар.

Имом Бухорий "Ал-адаб ал-муфрад" асарида ривоят қилади: "Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асҳоблари бир-бирларига (енгил нарса) отардилар, айрим пайтларда улар жиддий қиёфага кирардилар. Кўп мазах қилиш қалбни ўлдиради, адоватни мерос қилади ҳамда кичикларни катталарга нисбатан ҳурматсизликка ундайди".

Умар (розияллоҳу анҳу): "Ким кўп кулса, ҳайбати камаяди ва ким кўп ҳазил қилса, уни беписанд қилади", деди.

Ҳазил-мутойибада озор бермаслик

Бошқаларни хафа қилмаслик шарти билан аҳлига, қариндошларига, дўстлари ва ака-укаларига ҳазил-мутойиба қилиш мубоҳдир.

Навбатдаги ҳадисларда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асҳобларини ёмонлик аломати мавжуд бўлган ҳазилдан қайтарганларини баён қиламиз. Абдуллоҳ ибн Соиб ривоят қилади: "Биродарингиз нарсасини ҳазиллашиб ҳам, жиддий ҳам олманг, ким биродарининг ҳассасини олса, бас, уни қайтарсин", дедилар *(Абу Довуд ривояти)*.

Абдураҳмон ибн Абу Лайло ривоят қилади: "Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалари у киши билан сайрга чиқди. Йўлда улардан бири ухлади. Шунда уларнинг баъзиси унинг ёнидаги арқонни олишди. У уйғониб, арқонини йўқотганидан қўрқди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Мусулмон мусулмонни қўрқитиши ҳалол эмас", дедилар" *(Абу Довуд ривояти)*.

Хандақ ғазоти куни Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу) одамлар билан бирга тупроқ ташиди. Бир маҳал у чарчаб ухлаб қолди. Шунда Аммора ибн Робеъ (розияллоҳу анҳу) ҳазил қилиб унга сездирмай аслаҳасини олиб қўйди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ишдан қайтардилар.

Ибн Ҳиббон Омир ибн Робеъадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: "Бир киши кимнингдир оёқ кийимини ҳазиллашиб яшириб қўйди. Буни Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганларида, Ул зот: "Мусулмонни қўрқитманглар, чунки уни қўрқитиш катта зулмдир", дедилар" *(Имом Табароний ривояти)*.

Ҳазил баҳона бировнинг устидан кулиш, ғийбат қилиш, таҳқирлаш ва динимиз арконлари хусусида мазах қилиш, ҳурматсизлик қилиш гуноҳдир.

Ҳазил-мутойибада ёлғондан сақланиш

Ёлғоннинг тури кўп, барчасидан сақланиш керак. Кишилар даврасида бўлганларнинг баъзилари кулгили қиссаларни, ҳикояларни сўзлаётганида эшитаётганларни кулдириш, уларга хурсандчилик улашиш мақсадида ёлғон тўқийдилар. Шубҳасиз, шу тариқа баён этилган қисса ва ҳикоялар ёлғон, динимиз булардан қайтарган ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қаттиқ қоралаган амаллардандир.

Буҳз ибн Ҳаким (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Инсонларни кулдириш учун ёлғон сўзларни айтувчига вайл бўлсин, вайл бўлсин, вайл бўлсин", дедилар *(Абу Довуд, Термизий, Насоий, Байҳақий ривояти)*.

Навос ибн Самъон (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Сенга ишонган биродарингга ёлғон гап гапиришинг катта хиёнатдир", дедилар» *(Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривояти)*.

Шу ўринда ёлғоннинг кўпайиб, тарқалишига сабаб бўлаётган баъзи жиҳатлар ва сабаблар ҳақида мушоҳада

қилиб ўтамиз. Одамлар орасида “1 апрел ёлғони” (алдаш куни) номи билан кенг тарқалган ёмон одат бор. Бу ғарб “маданият”идан кириб келган. Асрлардан буён динимиз ва халқимиз қадриятлари чамбарчас боғланиб, “ёлғончи” деган номни ўзларига ор билган, бу иллатга яқин йўламаган аждодларимизнинг бугунги айрим авлодлари ўз ота-боболарининг ғурурли, номусли, иффатли урф-одатлари қолиб, кимнингдир бетайин одатларини ўзлаштириб олмоқдалар. Бунинг натижасида баъзи ёшларимиз “ёлғон гапирса бўлар экан” деган тарбияни олиб, ўз ота-оналарига, устозларига ҳам ёлғончилик қилаётганларининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Алдов билан бировларнинг пулларини олиб мақтаниб кетаётганлар, ёлғон гаплари билан оилаларни бузаётганлар, ёлғончи туҳматчилар, ёлғон сўзлаб гувоҳлик берувчилар қаердан келмоқда? Улар ўзга юрт вакиллари эмас, ўз фарзандларимиз, ака-ука, опа-сингилларимиздир.

Бир киши бешинчи синфда ўқийдиган ўғли ҳақида гапириб беряпти: “Бир куни ўғлимдан:

– Ўғлим, ўқитувчинг ота-оналар мажлисига тез-тез чақириб турарди. Кейинги вақтларда чақирмай қўйди, – деб сўрасам, ўғлим:

– Дадажон, энди устозимиз чақирмайди, – деди.

– Нимага чақирмайди устозинг, нима, биздан хафа бўлдими?

– Хафамас. Яқинда ота-оналар йиғилиши бўлди. Сиз “Менинг вақтим йўқ”, ойим эса: “Дугоналарим билан гапим бор, боролмайман”, дедилар. Яхшиям бормабсизлар, ўша куни устозимиз ўртоғим Ботирни дадасига: “Ўғлингиз яхши ўқимайди”, дебди. Ботирни дадаси роса уришибди. Энди ҳар куни уйидан кўчага чиқмасдан, дарс қилаётган эмиш. Кейинги кун устозимиз: “Шокир, ота-онанг нимага келмади?” деб сўрадилар. Мен: “Устоз, дадам узоқ сафарга кетганлар, ҳали-бери келмайдилар. Ойимнинг мазалари йўқ, келолмайдилар”, деб жавоб бердим.

– Яхши қилибсан, ўғлим, энди бошқа безовта қилмайди, ўзи шундоғам ишларим кўп, – дедим.

Бу ота ўғлининг “гапдон”лигию, “уддабурон”лигидан хурсанд бўлиб сўзламоқда. Демак, болани ёлғон гапиргани учун рағбатлантирмоқда. Шу тахлит тарбия олиб, балоғат ёшига етган фарзандга ёлғоннинг салбий оқибатларини уқтириб кўринг-чи, қанчалик уддалар экансиз бу ишни? Беҳуда уриниб, вақтингиз бекорга кетишидан бошқа нарсага кафолат йўқ. Чунки у болалигидан катта бўлгунга қадар ёлғон кирдикорларининг “маза”сини тотиб, “самара”сини кўрган ва ундан завқ олиб улгурган. Энди у бу йўлда “етуклик”ка интилади, ёлғонни яшириш учун ҳеч бир жиноятдан, зулм ва ёмонликдан қайтмайди. Агар боши бир тошга урилиб ёрилгач, тўғри йўлни ихтиёр қилмаса! Кўриб турибсиз, майда-чуйдадек туюлган ёлғонларга эътиборсизлик туфайли, келажакда яхши инсон бўлиб етишиши лозим бўлган фарзанд ёмон йўлни одат қилмоқда.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қиёматга қадар келадиган барча умматларига энг яхши мураббий ва муаллимдир. Фахри Коинот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ёлғончилар менинг умматим эмас”, дея ўзлари ва аҳли Ислом билан бундай кимсалар ўртасига парда қўйганлар. У зот ўз ўрнида, тўғри маънода, яъни ёлғон аралаштирмасдан ҳазил қилганлар. Ёлғондан мутлақо узоқ бўлганлар ва бошқаларни ҳам ростгўйликка чақирганлар.

Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) ҳазил-мутойибаларидан намуналар

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Зоҳир исмли саҳролик киши бор эди. У саҳродан ҳадялар олиб келиб, Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) берарди. У бўйи паст одам эди. Бир куни у мато сотиб турганида Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнига келдилар. Билдирмасдан Зоҳирни орқасидан маҳкам қучоқладилар.

Зоҳир: “Ким, мени қўйиб юбор”, деди. Қайрилиб қараса, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) турибдилар. Сўнг Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўксиларига тегиб турган орқа елкаларини ажратмай турди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Бу қулни ким сотиб олади?” дедилар.

– Ё Расулуллоҳ, Аллоҳга қасам, менинг бозорим чаққон эмас, – деди Зоҳир.

– Лекин Аллоҳнинг ҳузурида бозоринг чаққон, Аллоҳнинг ҳузурида сен қимматсан, – дедилар у зот. *(Имом Термизий ривояти)*.

Авф ибн Молик Ашжаъий ривоят қилади: “Табук” ғазотида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келдим. Ул зот теридан ясалган кичкина чодирда эдилар. У зотга салом бердим. Набий (алайҳиссалом) алик олдилар ва “Киргин” дедилар. Мен: “Ҳамма танам кирсинми?” дедим. У зот: “Ҳамманг”, дедилар *(Абу Довуд ривояти)*.

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бир киши келиб, Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) улов сўради. У зот: “Мен сенга туянинг боласини бераман”, дедилар.

– Ё Аллоҳнинг расули, туянинг боласини нима қиламан?

– Туя туядан туғиладими? дедилар *(Имом Термизий ва Имом Аҳмад ривояти)*.

Ибн Бикор Зайд ибн Асламдан ривоят қилади. Умму Айман деган аёл Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келиб:

– Менинг эрим сизни чақиряпти, – деди.

– У ким? Икки кўзи оқ кишими?

– Йўқ.

– Ҳа, унинг икки кўзи оқ.

– Йўқ, Аллоҳга қасам ичаман.

– Ҳар кишининг икки кўзи оқ бўлади.

Жаноб Пайғамбар (алайҳиссалом) бу ўринда кўз қорачиғи атрофидаги оқликни мақсад қилган эдилар.

Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ) ривоят қилади: «Бир кампир Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Ё Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга дуо қилинг, мени жаннатга киргизсин”, деди. Шунда: “Эй фалончининг онаси, жаннатга кампирлар кирмайди”, дедилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Унга айтинглар, у кампир ҳолатда жаннатга кирмайди”, деб айтдилар» *(Имом Термизий ривояти)*.

Аллоҳ таоло бундай дейди: **«Биз уларни** (ҳур қизларни) **дафъатан пайдо қилдик** (онадан туғилмадилар)**. Кейин уларни бокира қизлар қилдик.** (Улар) **жозибали ва тенгқурдирлар»** *(Воқеа, 35–37)*.

Юқоридаги воқеада Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёллар жаннатга қиз ҳолатида киради деган маънони мақсад қилиб ҳазиллашдилар.

Беназир салоҳиятли мураббийларимиз тарбия жараёнида Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) самимий одоблар билангина ҳазил қилганликларини тушунтириб ва уқтириб борсалар, фарзандларимиз бундан ибрат олишади ва ҳаётлари давомида кишилар билан ўзаро яхши муомалада бўлишади.

ТАБРИКЛАШ ОДОБИ

Фарзанд одобини камолга етказадиган тарбиявий ишлардан яна бири керакли ўринларда самимий табриклашга одатлантиришдир. Шунда бола билан жамият ўртасида ўзаро дўстлик, қадрдонлик, меҳру муҳаббат зиёда бўлади. Табриклашнинг турли шакллари бор. Аввало, мураббийлар фарзанднинг руҳиятини кўтариш мақсадида кичкина ютуғи билан ҳам табриклаб, муносиб баҳолаши керак. Байрамлар ва шунга ўхшаш саодатли кунларида табриклаш айни муддаодир. Бундай эътибор, самимий тилаклар уларнинг хотираларида муҳрланиб қолади. Зеро, айтган гапига аввал ўзи амал қилиб ибрат кўрсатиш тарбиянинг таъсирчан, самарали усулидир. Бу борадаги бир ибратли воқеа билан танишамиз.

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳузурларига бир киши ўз фарзандини олиб келиб: «Ҳазрат, шу ўғлимга бир насиҳат қилсангиз, кун бўйи асал егани еган. Тугаб қолса, “Олиб келинг” деб жанжал қилиб, ҳоли жонимга қўймайди. Онаси иккаламиз қанча панду насиҳат қилмайлик, ҳеч кор этмаяпти”, дея шикоят қилди. Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) бир оз ўйланиб туриб: “Фарзандингизни бир ойдан кейин олиб келинг”, деди. Ҳалиги киши бир ойдан кейин яна Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳузурларига келди. Шунда Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) унинг ўғлини ёнларига ўтқизиб, бошини силадилар-да: “Ўғлим, эсли-ҳушли бола экансан, асалнинг кўпи ҳам зарар, шунинг учун ота-онангга қулоқ солиб, рухсат беришган вақтдагина егин, хўпми?” деди. Бола эса: “Хўп бўлади”, деб жавоб берди. Шунда боланинг отаси:

– Тақсир, бир нарса сўрасам? – деди.

– Марҳамат.

– Шу бир оғиз насиҳатингизни ўтган ой келганимизда айтсангиз бўлмасмиди? Бир ой куттирмоқдан муддао нима?

– Сизлар келган куни эрталаб асал еган эдим. Асалнинг қуввати ва таъсирини ҳали яхши билмай туриб, “Асал ема”, деб насиҳат қилишдан тийилдим, чунки сўзимнинг таъсири бўлмай қолиши мумкин эди. Шу боис сизларни қайтариб юборгач, бир ой давомида ўзимни асал емоқдан тийдим. Иншааллоҳ, фарзандингизга бу насиҳат энди фойда беради», – дея жавоб бердилар.

Бу сабоқ ва ўрнак катта амалий бир дастурдир.

Мусулмон киши ҳаёти давомида ҳар қандай солиҳ амал бажарса, унинг самарасини бу дунёда ҳам олади. Албатта, Аллоҳ ҳузурида улуғ савобларга мушарраф бўлади.

Кишиларни табриклаш ва уларнинг қалбига хурсандчилик етказиш Ислом динимиз назарида энг катта қурбат, яъни Аллоҳга яқин қилувчи ва фарз амаллардан кейин турадиган, Аллоҳга севимли бўлган амаллар-

дандир. Бундай амаллар гуноҳлар кечирилишига сабаб бўлади ва жаннатга йўл очади. Ушбу улуғ неъматлар, савоблар ҳақида башорат берилган муборак ҳадиси шарифларни ўқиб ўрганар экансан, беихтиёр бутун вужудинг ила эзгулик қилиб, кишилар қалбини қувончга тўлдиргинг келади.

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Ким биродарига уни хурсанд қилиш учун яхши кўрган нарсасини берса, Аллоҳ таоло қиёмат куни уни мамнун қилади”, дедилар *(Имом Табароний ривояти)*.

رَوَى الطَّبَرَانِي فِي (الْكَبِير) عَن الْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ من مُوجِبَاتِ الْمَغْفِرَةِ إِدْخَالُ السُّرُورِ عَلَى أَخِيكَ الْمُسْلِم

Имом Табароний Ҳасан ибн Алидан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мусулмон биродарингга хурсандчилик улашиш гуноҳлар кечирилишини вожиб қиладиган амаллардандир”, дедилар.

رَوَى الطَّبَرَانِي فِي (الْأَوْسَطِ وَالْكَبِير) عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ أَحَبَّ الْأَعْمَالِ إِلَى اللهِ تَعَالَى بَعْدَ الْفَرَائِضِ إِدْخَالُ السُّرُورِ عَلَى الْمُسْلِم

Имом Табароний Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Фарзлардан сўнг Аллоҳ таолога маҳбуб амаллар мусулмонга хурсандчилик улашишдир”, дедилар.

Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Ким мусулмонларнинг (аҳли байтига) қалбларини хурсандчилик ила тўлдирса, Аллоҳ унга жаннатдан ўзга мукофот беришга рози бўлмайди”, дедилар *(Имом Табароний ривояти)*.

Табриклашда хурсандчилик ва эътибор қилиш

Каъб ибн Молик (розияллоҳу анҳу) қиссасида келтирилади: Каъб ибн Молик: «Баланд овозда “Эй Каъб ибн Молик, табриклайман”, деяётган овозларни эшитдим. Одамлар мени табрикладилар. Мен Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўришни истаб чиқдим. Одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб, мени тавбамнинг қабул бўлгани билан табриклардилар. “Аллоҳ тавбангни қабул қилгани билан табриклаймиз”, дейишди. Шунда масжидга кирдим, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) атрофларида одамлар ўтиришарди. Талҳа ибн Убайдуллоҳ туриб келди ва мени қучоқлаб табриклади» *(Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти)*.

Каъб ибн Молик айтади: «Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салом бердим, ул зотнинг юзлари хурсандчиликдан порлади ва менга: “Онанг сени дунёга келтирган кунидан ҳозиргача бўлган кунларнинг энг яхши куни – тавбанг қабул бўлган кун билан табриклайман”, дедилар».

Суннати Набавий бизни гўзал табрик ва чиройли дуо сўзларидан фойдаланишга буюради. Мусулмон киши уни пухта ўрганиши ва муносиб вақтда айтиши лозим.

Фарзандли бўлган кишини табриклаш

Янги фарзандли бўлган кишига қуйидаги дуони айтиш мустаҳабдир: “Бурик лака бил мавҳуб ва балаға ашуддаҳу”.

Табрик қабул қилувчи эса: “Баракаллоҳу лака ва барака аълайка ва розақокаллоҳу мислаҳу”, дейди.

Сафардан қайтган кишини қутлаш

Сафардан қайтган кишига салафлар ривоят қилган ушбу қутлов сўзи айтилади: “Алҳамду лиллаҳиллази саламака ва жамаъа ашшамла бика ва акрамака”.

Ҳаждан келган кишини қутлаш

Ҳаждан келган кишига: “Қобилаллоҳу ҳажжак ва ғофара занбак ва ахлафа нафақатак”, дейиш мустаҳаб.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Бир йигит Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Ҳаж қилмоқчиман”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у билан юриб: “Эй йигит, Аллоҳ тақвони сенга зийнат қилсин ва сени яхшиликка юзлантирсин, ғам-андуҳни кетказсин”, дедилар. Йигит ҳаждан келганида, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй йигит, “Қобилаллоҳу ҳажжак ва ғафара занбак ва ахлафа нафақатак” (маъноси: Аллоҳ ҳаж ибодатингни қабул қилсин ва гуноҳингни авф қилсин ва нафақангни қайтиб берсин), дедилар» *(Ибн Сунний ривояти)*.

Никоҳни қутлаш

Никоҳдан сўнг келин-куёвнинг ҳар бирига қуйидаги дуони айтиш мустаҳаб: “Баракаллоҳу лака ва барака алайка ва жамъа байнакума фи хойрин”.

Яъни: “Аллоҳ баракотлар берсин ва уни сенга баракотли қилсин ва ораларингизни яхшиликда бирлаштирсин”.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) агар бирон киши уйланса, унга: “Баракаллоҳу лака ва барака алайка ва жамаъа байнакума фи хойрин”, деб айтардилар» *(Абу Довуд ва Термизий ривояти)*.

رَوَى أَحْمَدُ وَالنَّسَائِي عَنْ عُقَيلِ بْنِ أَبِي طَالِبٍ أَنَّهُ تَزَوَّجَ إِمْرَأَةً من بَنى جَشْم فَدَخَلَ القوم عَلَيْهِ فَقَالُوا: بالرِّفَاءِ وَالْبَنِينَ، فَقَالَ: لاَ تَفْعَلُوا ذَلِكَ ، فإِنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهى عَنْ ذَلِكَ قَالُوا: فَمَا نَقُولُ يَا أَبَا زَيْدٍ؟ قَالَ: قُولُوا: بَارَكَ اللهُ لَكُمْ وَبَارَكَ عَلَيْكُمْ. (إِنَّا كَذَلِكَ كنا نُؤْمَرُ.)

Имом Аҳмад ва Насоий Уқайл ибн Абу Толибдан ривоят қилади: «Уқайл ибн Абу Толиб Жашм қабиласидан бир аёлга уйланди. Одамлар унинг олдига кириб “Бахт ва ўғиллар тилаймиз”, дедилар. Шунда: “Бундай деманглар, чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундан қайтарганлар”. “Эй Абу Зайд, унда нима деймиз?” дедилар. “Баракаллоҳу лакум ва барака алайкум, денглар. Бизга шу буюрилган эди”, деди».

Али ибн Абу Толиб Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) қизлари Фотимага (розияллоҳу анҳо) уйланишдек бахтга мушарраф бўлиш олдидан, тўй тадориги билан сарфу харажатлар учун совутини сотмоқчи бўлиб бозорга борди. У жойда ҳазрат Усмонни учратиб қолди. Ҳазрат Али уйланиш ва маҳр учун совутини сотишга келганини айтди. Ҳазрат Усмон унга тўрт юз саксон дирҳам бериб совутни сотиб олди. Кейин эса яна совутни ҳазрат Алининг қўлига тутқазиб: “Эй Али, Аллоҳ йўлида хизмат қилишинг учун ушбу совутни мендан тўй совғаси сифатида қабул қил”, деб уни ҳадя қилди.

Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) ана шундай ўткир фасоҳатли инсон эдилар. Бу қадар олийҳимматлик ила Алига (розияллоҳу анҳу) бир вақтнинг ўзида керакли маблағни бердилар, яна тўй ҳадяси сифатида Алининг (розияллоҳу анҳу) ўзига жуда ҳам керак бўлган, бироқ зарурият юзасидангина сотган қимматбаҳо совутларини қайтариб бердилар. Ҳазрат Усмон (розияллоҳу анҳу) шу қадар юксак фаҳму фаросат билан тадбир қўллади, натижада Али (розияллоҳу анҳу) катта қувонч билан ортларига қайтдилар. Ҳазрат Усмон: “Мен сенга қарз бериб тураман, совутни сотма” ёки “Совут жангда керак бўлади, мана бу пул сенга тўёна” деганида ҳам бўларди, аммо бундай вазиятда Али (розияллоҳу анҳу) гарчи хафа бўлмасада, бундан хурсанд бўлмаслиги аниқ эди. Бу ибрат олишимиз лозим бўлган олий сифатлардан биридир. Демак, никоҳ тўйи бўлаётган кишини нафақат оғзаки табриклаш, балки унга совға тақдим қилиш ҳам яхшидир.

Байрам билан табриклаш

Ҳайит намозидан сўнг: “Тақоббалаллоҳу минна ва минка” (маъноси: Аллоҳ биздан ва сиздан ибодатларимизни қабул қилсин), дейиш мустаҳабдир.

Ҳайит куни Холид Ибн Маъдон Васила ибн Ақъа билан учрашиб қолди. Шунда Холид: “Тақоббалаллоҳу минна ва минка”, деди. Бу Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтиб юрган дуодир.

Икки ҳайит байрамида кишилар бир-бирларини қутлашлари ва бир-бирларига хурсандчилик улашишлари лозимлиги кўп нодир манбаларда ёзилган. Замонамиз, хусусан, диёримиз уламолари бу ҳақда ўзларининг китобларида ҳам жуда кўп мушоҳада қилганларига қарамасдан, ийд кунлари ҳали-ҳануз юртимизнинг кўп жойларида одат тусига кириб қолган аза маросимларини ўтказиш давом этяпти. Ваҳоланки, динимизда ушбу кунлар байрам сифатида нишонланиши ҳамиша таъкидланган. Муҳтарам Юртбошимиз томонидан диёримизда Рамазон ва Қурбон ҳайити биринчи кунлари байрам сифатида кенг нишонланиши учун дам олиш кунлари деб эълон қилинган. Яқин ўтмишда ҳам ота-боболаримиз учун бундай кунлар армон эди. Яратганга шукр, истиқлол туфайли бу саодатли кунлар қадрига етиб, улуғ айёмларимизни муносиб қарши олмоқдамиз.

Яхшилик қилган кишини қутлаш

Яхшилик қилган кишига “Баракаллоҳу лака фи аҳлик ва малика ва жазакаллоҳу хойрон” (маъноси: Аллоҳ сени, аҳлингни ва молингни марҳаматига сазовор қилсин ҳамда сенга яхши мукофотлар берсин), дейиш мустаҳабдир.

Абдуллоҳ ибн Абу Робиъа (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мендан қарз сўрадилар. Бир муддатдан кейин уни қайтар-

дилар ва: “Боракаллоҳу лака фи аҳлика ва малика”, дедилар» *(Имом Насоий ва Ибн Можа ривоятлари)*.

رَوَى التِّرْمِذِيُّ عَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا عَنْ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وسَلَّمَ قَالَ: مَنْ صُنِعَ إِلَيْهِ مَعْرُوفٌ فَقَالَ لِفَاعِلِهِ: جَزَاكَ اللهُ خَيْرًا فَقَدْ بَلَغَ فِي الثَّنَاءِ

Имом Термизий Усома ибн Зайддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Кимга яхшилик қилинса, қилувчига “Жазакаллоҳу хойрон” (Аллоҳ яхши мукофот берсин) дейилса, батаҳқиқ, мақтовда етук қилибди», дедилар.

Табрикловчи ва табрикланувчи масур дуоларни айтишни одат қилиши афзалдир.

Табриклаш чоғи совға бериш мустаҳабдир

Янги фарзанд туғилган хонадон аҳлига ва сафардан қайтган кишига, шунингдек, висол кечасига кирувчига совға бериш мустаҳабдир.

Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Эй мўминларнинг аёллари, ўзаро совға улашинглар, ҳатто қўйнинг бир оёғини бўлса ҳам. Чунки у дўстликни пайдо қилади ва гиналарни кетказади”, дедилар *(Имом Табароний ривояти)*.

رَوَى الْبُخَارِيُّ فِي (الْأَدَبِ الْمُفْرَدِ) عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ مَرْفُوعًا: تَهَادَوْا فَإِنَّ الْهَدِيَّةَ تُذْهِبُ وَحْرَ الصَّدْرِ (وحر الصدر: غِشُّهُ وَحِقْدُهُ)

Имом Бухорий “Ал-адаб ал-муфрад” асарида Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Ўзаро совға улашинглар, чунки у қалбдаги нафратни кетказади”, дедилар.

Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Ўзаро ҳадя улашинглар, ўзаро муҳаббатли бўласизлар”, дедилар *(Имом Табароний ривояти)*.

Бу ҳадисларда кишилар ўртасидаги ўзаро совға улашишнинг фазилатлари таъкидланган. Айниқса, муайян бир хурсандчилик айёмларида, байрам ёки бирор-бир ёдда қоладиган кунларда совғалар улашиш турмушга янада файз ва кўтаринки руҳ бахш этади.

Ҳадя улашишлар кишиларни, хусусан, қариндош-уруғларни бир-бирларига янада жипслаштириб, ўзаро ҳурмату эҳтиром, меҳру муҳаббатлари зиёда бўлишида катта аҳамият касб этиши муқаррардир. Шу билан бирга, орага тушиб қолган хижиллик, гина, адоват барҳам топишига ёрдам беради.

КАСАЛ КЎРИШ ОДОБИ

“Мусулмон киши қачон касал дўсти зиёратига борса, то у қайтиб келгунича жаннат боғлари ичра сайр қилиб юрган бўлади” *(Имом Муслим ривояти)*.

Ислом динида касални зиёрат қилиш савобли амаллардан ҳисобланади. Барча эзгу амаллар каби бу ишни ҳам астойдил, ихлос билан адо этиш лозим. Касалларни зиёрат этишнинг ҳам ўз одоблари бор. Уларнинг ҳузурида узоқ қолиб кетмаслик, самимий сўзлар билан кўнглини кўтариш, тузала бошлаганига ишора қилиш, доимий дуода бўлишни сўраш шулар жумласидандир.

Фарзандларни ҳам касални зиёрат қилиш одобига одатлантиришимиз лозим. Шифо ва меҳрга муҳтож кишиларни катталар билан биргаликда зиёрат қилсалар, ёшларнинг қалбида раҳмдиллик сифати шаклланиб, бошқаларнинг дардларини ҳис қилиш каби фазилатларга эга бўладилар. Шубҳасиз, бу фазилатлар уларда атрофдагиларга нисбатан меҳру шафқат уйғотиб, ўзидан кўра ўзгаларни ўйлайдиган, айниқса, ожиз ва заифларни ҳимоя қиладиган ғамхўр, меҳрибон инсонга айлантиради. Оқибатда жамиятимиз янада гўзал ва фаровон бўлади, унинг аъзолари орасида олий хулқ ва баркамол шахслар сафи кенгайиб боради. Ажру савоблари мўл бу улуғ амални Сарвари олам бизларга таълим берганлари

боис, ота-боболаримиз касал ва хасталарни бориб кўриш, ёлғиз истиқомат қиладиганларнинг ҳолидан хабар олиш, меҳрга муҳтожларнинг кўнгилларини кўтаришдек амалларни ўзларининг муҳим вазифалари деб билганлар. Бу ажойиб хислатлар ва фазилатли хулқларни фарзандларига сингдириб юборганлар. Чунки Ислом касал кишини кўришга буюрибгина қолмасдан, балки касал зиёратини мусулмоннинг дўсти зиммасидаги ҳақи қилиб белгилаб қўйган.

Баро ибн Озиб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) касални кўриш, жанозада эштирок этиш, мазлумга ёрдам бериш, чақириққа жавоб бериш ва саломни кенг тарқатишга бизни буюрдилар” *(Имом Бухорий ва Муслим ривояти)*.

رَوَى الشَّيْخَانُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: حَقُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ خَمْسٌ: رَدُّ السَّلَامِ وَعِيَادَةُ الْمَرِيضِ وَإِتْبَاعُ الْجَنَائِزِ وإِجَابَةُ الدَّعْوَةِ وَتَشْمِيتُ الْعَاطِسِ

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мусулмоннинг мусулмондаги ҳақи бештадир: саломга алик олиш, касални бориб кўриш, чақириққа жавоб бериш, жанозада ҳозир бўлиш ва акса урса, унга яхшилик тилаш”, дедилар» *(Имом Бухорий ва Имом Муслим)*.

Шунинг учун ҳам саҳобалар яхшилик қилишда ўзаро мусобақалашардилар, айниқса, касални бориб кўришга бениҳоя ошиқардилар.

Имом Бухорий “Ал-адаб ал-муфрад” асарида Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Сизлардан бугунни ким рўза тутиб ўтказди?” дедилар.

“Мен”, деди Абу Бакр (розияллоҳу анҳу).

“Бугун сизлардан ким касални бориб кўрди?”

“Мен”, деди Абу Бакр (розияллоҳу анҳу).
“Бугун сизлардан ким жанозада иштирок этди?”
“Мен”, деди Абу Бакр (розияллоҳу анҳу).
“Бугун сизлардан ким мискинга таом берди?”
“Мен”, деди Абу Бакр (розияллоҳу анҳу).
“Кимда бу хислатлар жам бўлса, жаннатга киради”.

Касални ўз вақтида кўриш

لِقَوْلِهِ عَلَيْهِ الصَّلاَةُ وَالسَّلاَمُ : إِذَا مَرِضَ فَعُدْهُ

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар касал бўлса, бориб кўр”, деганлар.

Ҳадис далолат қилганидек, касалликнинг бошланишида касални кўриш лозим. Шу билан бирга, касални уч кундан сўнг кўриш лозимлигига далолат қиладиган ҳадислар ҳам бор:

رَوَى ابْنُ مَاجَةَ وَالْبَيْهَقِي قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لاَ يَعُودُ مَرِيضًا إِلاَّ بَعْدَ ثَلاَثٍ

“Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уч кундан сўнг касални бориб кўрардилар” *(Ибн Можа ва Байҳақий ривояти)*.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

“Касални уч кундан сўнг кўриш суннатдир” ва Аъмаший: “Мажлисда ўтирардик, агар бир кишини уч кун кўрмасак, у ҳақда сўрардик, агар у касал бўлган бўлса, бориб кўрардик”, деди *(Имом Табароний ривояти)*.

Бу ҳадислардан хулоса қилсак, агар касал оғир бўлса, зудлик билан бориб кўриш керак. Аммо хаста киши оғир аҳволда бўлмаса, унда ҳадисга мувофиқ уч кундан сўнг бориб кўриш мақсадга мувофиқдир.

Касалнинг ҳолига қараб ёнида ўтириш ёки тезда туриш

Агар касалнинг хасталиги жиддий ва у қаровчига муҳтож бўлганида ёки касал аёл киши бўлса, унинг ёнида узоқ ўтирмасдан, тез кетиш лозим.

Мабодо касалнинг касаллиги оғир бўлмаса ва ҳузурида кимдир ўтиришини, суҳбатлашишни хоҳласа, агар у толиқиб қолмайдиган бўлса, касал кўргани борганлар ёнида кўп ўтиришининг зарари йўқ.

Касални ҳар куни эмас, кунора бориб кўриш афзалдир.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кунора зиёрат қил, муҳаббат зиёда бўлади”, дедилар *(Байҳақий, Табароний ва Баззоз ривояти).*

Касални дуо қилиш

Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади.

«Пайғамбар (алайҳиссалом) касалларни бориб кўрардилар ва: “Ё Аллоҳ, инсонларнинг Раббиси, касалликни кетказгин, шифо бергин, ўзинг шифо берувчисан, ўзингнинг шифоингдан ўзга шифо йўқ, касални ташлаб қўймайдиган шифо беришни сўрайман”, деса, Аллоҳ унинг бу касаллигига шифо беради, дедилар» *(Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).*

Оғриётган жойга қўлни қўйиб, дуо қилишни эслатиш

رَوَى مُسْلِمٌ عَنْ أَبِي عَبْدِ اللهِ عُثْمَانَ بْنِ أَبِي الْعَاصِ أَنَّهُ شَكَا إِلَى رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَجَعًا يَجِدُهُ فِي جَسَدِهِ، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ضَعْ يَدَكَ عَلَى الَّذِي يَأْلَمُ مِنْ جَسَدِكَ وَقُلْ: بِسْمِ اللهِ ثَلاثًا وَقُلْ سَبْعَ مَرَّاتٍ: أَعُوذُ بِعِزَّةِ اللهِ وَقُدْرَتِهِ مِنْ شَرِّ مَا أَجِدُ وَ أُحَاذِرُ

Имом Муслим ривоят қилади.

Абу Абдуллоҳ Усмон ибн Абу Ос баданидаги оғриқдан Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шикоят қилди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қўлингни оғриётган жойга қўйгин ва "Бисмиллаҳи" деб уч марта айт ва етти марта "Аъузу би иззатиллаҳи ва қудратиҳи мин шарри ма ажиду ва уҳозиру"(маъноси: Аллоҳнинг иззати ва қудрати билан топган ёмонликдан ва хавфсираган нарсамнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман) дегин», дедилар.

Касал ҳақида унинг аҳлидан сўраш мустаҳаб

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) касал ётган уйдан Али ибн Абу Толиб чиқди. Одамлар ундан: "Эй Абу Ҳасан, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қандай тонг оттирдилар?" деб сўрадилар.

Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу): "Алҳамдулиллаҳ, шифо топган ҳолда тонг оттирдилар", деди *(Имом Бухорий ривояти)*.

Касалнинг бош томонида ўтириш мустаҳаб

Имом Бухорий "Ал-адаб ал-Муфрад" асарида Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) касал кўргани борардилар. Сўнгра етти марта: "Улуғ арш Раббиси улуғ Аллоҳдан сенга шифо беришини сўрайман", дердилар.

Узоқ умр кўриши ва соғайиб кетишини айтиб касални хушнуд этиш

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Агар касалнинг олдига кирсангизлар, унга умри ҳақида тасалли берингизлар. Чунки у бирон нарсани қайтармайди ва касални хушнуд этади", дедилар *(Имом Термизий ва Ибн Можа ривояти)*.

Маълумки, хаста одам, айниқса, анча муддат ётган бўлса, инжиқтабиат, кўнгли жуда нозик бўлиб қолади. Бундай ҳолга тушган киши мулойимлик ва ширин сўзга эҳтиёжманд бўлиб қолиши табиий. Инчунин, касал зиёратига борган киши мазкур одоблардан бохабар бўлмоғи шарт. Аксинча бўлса, касал дилини чилпарчин қилади. Ушбу ўринда бир йигитнинг хонадонида бўлиб ўтган воқеани шундай ҳикоя қилганди:

«Аллоҳ раҳматига олсин, отам бундан ўн йилча муқаддам дунёдан ўтиб кетдилар. Етмиш саккиз ёшни қаршилаган отам жисмонан бақувват, ёшлигидан ибодатда, ичиш ва чекиш каби иллатлардан узоқда бўлганлиги учунми, ҳарқалай, руҳан тетик, юзларида ажиндан асар ҳам йўқ, анордек қип-қизил эди.

Нима ҳам бўлди-ю, бир дард келди. Елкаларининг шундоққина тепасида пайдо бўлган холга ўхшаш яра кундан-кун катталашиб, дастлабки муолажалар ёрдам бермагач, вилоят марказий шифохонасига ётқизишга мажбур бўлдик.

Хуллас, амалиёт бўлиб ўтди, бироқ бу дард бутун аъзоларига инфекция тарқатиб бўлган экан. Уйга олиб кетишдан ўзга чора йўқ эди. Ўз уйига келган отамнинг чиройи анча очилган, кайфияти яхши эди. Айниқса, онажонимнинг куну тун ёнларида бўлишлари, ака-ука, опа-сингилларим ва набиралари, барчанинг хизматга шай бўлиб турганини кўриб отам руҳан тетикланиб, ҳатто ўзи ташқарига чиқадиган, бирпас бўлса-да, ҳовлини айланадиган бўлди. Неча кунлик, неча сониялик умри қолганини Яратгандан бошқа ҳеч ким билмайди. Бечора падари бузрук тетикланиб қолганидан ҳар ҳолда жуда хурсанд эди. Ана шундай кунларнинг бирида…

Отамнинг ёшлигида отасидан етим қолган жияни бор эди. Эрининг вафотидан кейин аммам бошқа турмуш қилмаган, бир неча фарзандлари билан отамнинг қарамоғида қолиб, болалари вояга етган эди. Уларнинг уйланиб, уйли-жойли бўлишларигача отамнинг хиз-

матлари сингган. Ана шу жиянлари бир ой давомида шифохонада эканида бориб кўрмай, уйга келганларидан ўн кунча ўтганидан сўнг ногаҳон пайдо бўлиб қолди. Ўз фарзандидек севикли жиянини кўриб, отам суюнди. Суҳбат асносида нима билан оғриганию қандай муолажалар қилинганини сўраган жиянига отам батафсил сўзлаб бердилар. Бемеҳр жиян эса тап тортмай: "Яқинда бизнинг қишлоқда бир киши худди шу касал билан оғриб, униям операция қилишган эди. Аммо бир неча кундан кейин ҳалиги киши вафот этди, бечора. Сиз ҳам эҳтиёт бўлинг-да, тоға, ҳар тугул ёшингиз бир жойга бориб қолган одамсиз, ўғилларингизга айтинг, узоққа кетишмасин", деган гапни айтса бўладими. Буни эшитган отамнинг аҳволи нима бўлди билмайман-у, аммо менинг бошимдан бир челак муздай сув ағдарилгандек бўлди. Танимда титроқ туриб, карахт аҳволга тушиб қолдим. Шу аснода нима мақсадда бу гапни айтганини ўзи ҳам билмайдиган "меҳрибон" жиян аста ўрнидан туриб жўнаворди. Мисоли бир азим чинорни қулатиб, умидвор қалбни синдириб, парчалаб кетди. Ўзим билмаган ҳолда, карахтлик билан ташқарига чиқиб кетибман. Қанча вақт ўтганини билмайман, бир маҳал отамнинг кўнгилларини кўтариш мақсадида хоналарига кирсам, онам ёнларида ўтирибдилар. Не кўз билан кўрай, шунча оғир дардни, қийинчиликларни бошларидан ўтказган, оғир дамлардаям қадди букилмаган, сабру бардошда матонатли бўлган меҳрибонимнинг икки кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди. Юпатаман, далда бераман деб кирганман, лекин отамнинг бу хокисор, эгилган бошию кўздаги ёшини кўриб, нима қилишни билмай қолдим. Ёнларига чўкиб, қўлларини қўлимга олиб: "Отажон, йиғламанг, дард бошқа, ажал бошқа, Худо хоҳласа, тез кунларда яхши бўлиб кетасиз", дедим. Шунда отам бошларини кўтариб: "Болам, ҳар бандага Яратганнинг ўлчаб берган ризқи бор. Агар ажалим шу дард туфайли бўлса, мен шундай таслим ва розиман, фақат сўраганим Раббим имонимни ҳамроҳ қилсин. Аммо мени йиғлатган

бу нарса эмас, жигаримнинг фарзандини йиллар мобайнида ўз бағримда тарбия қилиб, қалбига меҳрни сингдира олмаган эканман, инсон қадр-қимматини ўргата олмаган, юмшоқ қалб этиб тарбиялай олмаган эканман. Раббим ҳузурида нима деб жавоб бераман, шу мени йиғлатмоқда", дея кўзёшларини тия олмасди. Шу кундан бошлаб тўшакка михланган отам бир неча кун ўтиб омонатни топширдилар», деб йигит сўзини тўхтатди.

Дарҳақиқат, инсон қалбини забт этиш қанчалар қийин бўлса, қалбни синдириш шунчалар осондир. Юқоридаги воқеада бўлганидек, бағритош инсонларнинг ўйламасдан, киши дилини авайламасдан айтган ўткир тиғли гаплари нафақат касалнинг, балки соппа-соғ инсоннинг қалбини ўлдиришга қодир. Фарзандларни шундай тош қалб эгасига айланиб қолишларидан асрай билиш ва эҳтиёт қилиш энг муҳим вазифалардандир.

Касал ҳолини сўраш

Беморнинг ҳоли касаллик турига қараб сўралмайди, яъни киши дўстларидан қайси бири қандай касал бўлишидан қатъи назар, бориб кўриши керак.

Касалнинг олдига кирганда, қуйидагиларга амал қилинади:

– очиқ чеҳра ва чиройли муомала билан мулоқот қилиш;

– янги либос билан ҳам ва кир либос билан ҳам кирмаслик;

– табассум билан кириб, бошига яқинроқ ўтириш;

– касалнинг юзига тез-тез қарамаслик;

– кўп ва баланд овозда сўзламаслик;

– қўлини касалнинг пешонаси, юзи ё қўлига қўйиб ҳолини сўраш;

– касални ҳар куни эмас, орада бир-икки кун ўтказиб зиёрат қилиш лозим.

Касалдан кўнгли нима тилаши сўраб кўрилади, агар изҳор қилса, ўзи ё беморнинг аҳлу аёлига айтиб бўлса

ҳам, ўша нарса муҳайё қилинади. Мабодо касалликка даво истаса, истаги ароқ ва шунга ўхшаш ҳаром нарсалардан бўлмаса, олиб келиш мумкин.

Касалнинг одоби

Касал қурбат ва шикоят важҳидан эмас, балки суннат жиҳатидан гоҳ-гоҳ нола қилади. Баъзан оғриқлари енгил тортиши учун бошини бир нарса билан боғлаб, Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг балосидан паноҳ сўрайди, чунки Унинг балосига ҳеч ким тоқат қилолмас.

Бош оғриғи бўлса, “вораъсо”, яъни “вой бошим” демоқ суннатдир.

Бемор дард ва алами кучайганида шукр қилади. Ўзига ўлим тиламайди.

Бемор гуноҳларидан тавба қилиши ва хотимаси хайрли бўлиши учун жаноби Ҳақ субҳонаҳу таолонинг мағфиратига умидвор бўлиб, яхши гумонда бўлиши лозим.

Қуръон ўқиши ва кўп зикр айтмоғи лозим. Агар Қуръон ўқишга ўзининг қуввати етмаса, бировнинг ўқиганини эшитиши ҳам жоиздир.

Касал кўрувчи касалдан дуо қилишини сўраши мустаҳаб

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

رَوَى ابْنُ مَاجَةَ وابْنُ السُّنِّي عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا دَخَلْتَ عَلَى مَرِيضٍ فَمُرْهُ فَلْيَدْعُ لَكَ : فَإِنَّ دُعَاءَهُ كَدُعَاءِ الْمَلَائِكَةِ

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар касал олдига кирсанг, ҳақингга дуо қилишини сўра, чунки касалнинг дуоси фаришталар дуосидек”, дедилар *(Ибн Можа ва Ибн Сунний ривояти)*.

Касал ўлим тўшагида ётган бўлса, “Ла илаҳа иллаллоҳ”ни эслатиш

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ўлим тўшагида ётганларга “Ла илаҳа иллаллоҳ”ни айтиб туринглар», дедилар *(Имом Муслим ривояти)*.

Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимнинг охирги сўзи “Ла илаҳа иллаллоҳ” бўлса, жаннатга киради”, дедилар *(Абу Довуд ва Ҳоким ривояти)*.

Касални зиёрат қилиш одобларини Аллоҳ қодир қилганича баён этдик. Шояд, фарзанд тарбиялаш жараёнида муҳтарам мураббийларимизнинг илм ва тажрибаларига бу кўрсатмалар озгина бўлса-да фойда берса, камина улардан дуо ва Улуғ Раббимиздан улкан ажру савоблар умид қилиб қоламан.

ТАЪЗИЯ БИЛДИРИШ ОДОБИ

Ушбу одоб борасида муҳтарам уламоларимиз, устозларимиз битган жуда кўп мўътабар манбалар бор. Бундай ҳолатга ҳар бир мусулмон фарзанди учраши табиий бир ҳол бўлгани учун ҳам унга бу одобни сингдирмоқ лозим. Инсон ҳаёт экан, ўлим соя солиб туради. Ҳар бир киши ота-онаси, яқини, қадрдони, азизи ёки дўсту биродарини бир кун келиб йўқотади. Шу важдан мусибатзада хонадонга бориб таъзия билдирмоқнинг ўзига хос тартиб-қоида ва одоб-ахлоқлари мавжуд бўлиб, уларни ўрнида қўллаш лозимдир.

Мусибат етган ҳолатда

Агар бир киши биродарининг вафот этганини эшитса: «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун», дейиши керак.

Аҳли мусибатга хоҳ дафндан илгари, хоҳ дафндан сўнг, таъзия изҳор қилиш мустаҳаб. Имом Муҳаммад

(раҳматуллоҳи алайҳ) наздиларида, таъзия уч кунгача жоиз. Ундан сўнг макруҳдир.

Тобут олиб кетаётган кишиларга сукут вожибдир. Бу ҳолда зикр ва фикрга машғул бўлиш мустаҳаб. Лекин зикр жаҳрий (баланд) қилинмайди. Аёлларнинг тобут орқасидан чиқишлари макруҳдир.

Аҳли мусибат қуйидагиларни айтади ва сабр қилади: «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун. Аллоҳумма ажирни фи мусибати ва ахлифли хойрон минҳо».

Аҳли мусибат овоз кўтариб йиғламаслиги лозим бўлади. Ҳадиси шарифда келишича, аҳли мусибатнинг овоз чиқариб йиғлашидан маййит азоб тортади.

Маййитни кўмганидан сўнг ҳар ким ўз ишига кетади. Бир ерда йиғилишиб ўтирилмайди, чунки бу маййит учун ёмондир.

رَوَى ابْنُ مَاجَةَ وَالْبَيْهَقِي عَنْ عَمْرِو بْنِ حِزام رَضِيَ اللهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَا مِنْ مُؤْمِنٍ يُعَزِّي أَخَاهُ بِمُصِيبَةٍ إِلاَّ كَسَاهُ اللهُ عَزَّ وَجَلَّ مِنْ حُلَلِ الْكَرَامَةِ

Ибн Можа ва Байҳақий Амр ибн Ҳизомдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўмин киши мусибат етган биродарига таъзия билдирса, Аллоҳ азза ва жалла уни азизлик либоси билан безайди”, дедилар.

Дафн маросимидан олдин бўладими ёки уч кунлик аза давомида, аҳли маййитларнинг барчаларига таъзия билдириш жоиз бўлади. Аммо имкон қадар эшитиши билан дарҳол таъзия изҳор қилишга шошилиш лозим. Бироқ сафарда ёки шунга ўхшаш сабаблар туфайли кечиккан одам уч кундан кейин ҳам таъзия билдириши мумкин.

Уламолар маййитнинг ёш қизига ва аёлига таъзия билдириш фақат маҳрамларига жоиз деганлар.

Таъзия сўзларини айтиш

Имом Нававий “Азкор” номли китобида келтиради:

Таъзия билдиришнинг энг яхшиси Усома ибн Зайддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. “Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизларидан бирига унинг фарзанди вафот этгани ҳақида хабар бериш учун бир кишини юборди. Хабарчига: «Бориб айтгин, албатта, Аллоҳ ўзи бериб, яна ўзи олди, ҳар нарсанинг ўз ажали бордир”, деб уни сабрга буюргин ва у албатта савоб олади...» дедилар *(Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).*

Имом Нававий ҳазратлари айтади:

Таъзия лафзида ман қилинган лафз йўқ, яъни ҳар қандай тасалли берадиган сўз билан таъзия билдириш мумкин.

Аммо саҳобалар таъзия билдиришда: “Аллоҳ ажрингни улуғ қилсин, сабрингни гўзал қилсин ва вафот этганни мағфират қилсин”, дейишни мустаҳаб санаганлар.

Мусибат аҳлига таом пишириш мустаҳаб

Ислом шариати азадор хонадон аҳлига таом пишириб беришни мустаҳаб ҳисоблайди. Чунки бу амалда кўп яхшиликлар, саховат, меҳру оқибат мавжудлиги боис ўтган салафларимиз ва аждодларимиз одат тусига киргизганлар. Қолаверса, маййит соҳиблари мусибат туфайли толиқишган ва аза кунлари (уч кун) таъзия билдирувчилар ташрифи билан банд бўладилар.

رَوَى أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ جَعْفَرٍ قَالَ: " قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: اصْنَعُوا لِآلِ جَعْفَرٍ طَعَامًا ، فَإِنَّهُ قَدْ أَتَاهُمْ أَمْرٌ يَشْغَلُهُمْ“

Абдуллоҳ ибн Жаъфар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаъфар оиласига таом пиширинглар, чунки бошларига уларни

банд қилиб қўядиган иш тушди”, дедилар *(Абу Довуд ва Ибн Можа ва Термизий ривояти)*.

Барча мазҳаб уламолари маййит аҳлларига жаноза ва аза кунларида таъзия билдириш учун ташриф буюрганлар учун таом пиширишнинг макруҳлигига иттифоқ қилганлар.

Жарир (розияллоҳу анҳу): “Маййитни дафн қилганидан сўнг маййит аҳлига йиғилиб туришни ва таом пиширишни ўлганга дод солиб йиғлашдан деб ҳисоблардик”, деди.

Диёримизнинг кўпгина ҳудудларида ҳали-ҳануз ушбу бидъат амал барҳам топмаяпти. Маййитнинг яқин қариндош-уруғлари йиғилишиб, ўзларича “азадорлик” либосларини кийиб, бир неча кун мобайнида тирикчилигу барча зарур ишларни ташлаб, шу хонадондан кетмайдилар. Бунинг устига давра бўлишиб, аёллардан бири айтиб туриб, бошқалари уввос солиб, жўр бўлиб дод-фарёд этишлари шаккокликнинг бир кўринишидир. Айниқса, шариат қонун-қоидаларини оёқости қилиб, ҳатто ҳали маййитга жаноза ўқилмасдан, қўй-молларни сўйиб, гўёки тўй зиёфатини тайёрлаётганидек, таомлар пиширишни бошлаб юборадилар. Кези келганида айтиб ўтишимиз жоиз, маййит чиққан хонадон “албатта қилиши лозим” маъносида сингиб кетган “уч, етти, йигирма, қирқ, йил оши” каби маъракалар ҳақида бирор китоб ва манбаларда хабар битилмаган. Исломга тааллуқли ҳеч бир ўринда эътироф этилмаган. Бир имом-домла шундай воқеалардан бирини ҳикоя қилди:

Бир йигит олдимга келиб: “Тақсир, фалон куни соат ўн бирда отамга йилоши бермоқчимиз, шуни ўзингиз ўтказиб берсангиз”, деди. Мен унга: “Ука, аввало “йилоши” деган маърака бидъатдир. Отангиз ёки бирор ўтганларнинг руҳини чин маънода шод этмоқчи бўлсангиз, исрофгарчиликсиз, ихчамгина, шариатимиз кўрсатмаларига мос тарзда, Аллоҳ ризолиги йўлида, савобини ўша ўтганларга ният қилиб бахшида этилади ва

Яратгандан дуои илтижолар қилинади. Савоби кўпроқ яна бир йўли бор: қариндош, маҳалладошлар орасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, меҳрга муҳтож ёлғиз қариялар бўлса, ана ўшаларга ёрдам қилинса, нур устига нур бўлади. Ният қанчалар холис бўлса, иншааллоҳ, Яратган буни инобатга олиб, даргоҳида қабул бўлади", деб маслаҳат бердим.

Шунда йигит:

– Домла, тайёргарчилик кўриб қўйганмиз, илтимос, йўқ деманг, – деди.

– Бўлмаса, иккита шартим бор.

– Айтинг.

– Биринчиси, ажратган маблағингизнинг ярмини мен айтган ёрдамга муҳтож кишиларга тарқатасиз. Иккинчиси, "йилоши" эмас, отамнинг руҳини шод этиш учун Аллоҳ йўлида эҳсон, деб ният қилиб, бошқа кунга кўчирасиз. Ана ўша куни бориб, отангиз ва барча хонадонингиздан умидвор бўлган аждодлар руҳига Қуръон тиловати ва дуолар қилиб қайтамиз.

– Тақсир, биринчи шартингиз майли, аммо иккинчисини бажаришнинг иложи йўқ. Нега десангиз, ўтган йили айнан шу куни отам қазо қилган. Шунинг учун уйдагилар билан маслаҳатлашиб, шу қарорга келганмиз.

Бу ҳозирги кунда рўй бераётган воқеалардан бири, холос. Диёримиз бўйлаб, шукрлар бўлсин, икки мингдан зиёд жоме масжидлар фаолият юритиб, уларнинг ҳар бирида маълумотли, илмли, савияси юқори имом-хатиб ва ноиби имомларимиз хизмат кўрсатиб турибди. Ушбу имом-домлаларимиз томонидан тушунтириб ва уқтириб борилаётган, бажарилиши лозим бўлган фарз, вожиб, суннат амалларга эътибор ҳам бермасдан, бирор-бир мўътабар китобларимизда зикр этилмаган, илмли инсонлар айтмаган бу каби бидъат амаллар турмушга сингиб кетгани кишини ташвишлантиради. Бугунимиз ва келажагимиз эгалари бўлган азиз фарзандларимизни шундай тарбия қилайликки, улар бу бидъатлар Расулул-

лоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларга берган таълимотларига ва Ислом дини одобларига зид эканини қалблари ила англасинлар. Ана шундагина халқимиз бу каби иллатлардан халос бўлади.

Таъзия изҳор қилувчининг одоби

Таъзия билдирувчи амал қилиши лозим бўлган одоб қоидалари қуйидагилардир:

– Қуръони карим тиловат қилинаётганида сукутга чўмиб эшитиш;

– таъзия қабул қилувчиларга мусибатга хос сўзлар билан ҳамдардлик билдириб, тасалли бериш;

– жаноза намози ўқилгунга қадар бироз муддат туриш ёки ўтиришни вазият тақозо этса, соҳиблар кўрсатган жойга ўтиб, маъюс қиёфада бўлиш.

Таъзия изҳор қилувчи қуйидаги ҳаракатлардан сақланади:

– кулишдан, табассум қилишдан ёки ҳазил хатти-ҳаракатдан;

– ҳамдардлик билдиришда ноўрин сўзларни айтишдан. “Суянган тоғдан айрилибсизлар”, “Беажал кетибди бечора”, “Аттанг, ўладиган ёшда эмасди” қабилидаги гапларни айтиш шаръан ножоиз, уни айтган киши гуноҳкор бўлади.

– таъзия изҳор қилувчилар аза хонадонида узоқ қолиб кетмайдилар.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Фотимага (розияллоҳу анҳо): “Эй Фотима, нима сени уйингдан чиқарди?” дедилар. Шунда Фотима (розияллоҳу анҳо): “Бу маййитнинг аҳлига бордим, уларга раҳмат тиладим ва уларга ҳамдардлик изҳор этдим”, деди *(Абу Довуд ва Насоий ривояти)*.

Қайтарилган нарсани кўрганида яхшиликка буюриш

Таъзия изҳор этувчи ногаҳон азадор хонадонда маййит суратини осиш, Қуръон ўқилиётган пайтда шовқин солиш, тамаки ёки нос чекиш, ғамгин мусиқа чалиш ва ташриф буюрганларга зиёфат ташкил этишга ўхшаш шариатда ман этилган ҳолатни кўрса, ундан маййит аҳлларини қайтариши керак. Бундай вазиятлар бўлса, маййит соҳибларининг қалбларига озор бермасдан, мулойимлик билан динимизга зид амал эканини тушунтириш ва бу бидъатларни бартараф этиш керак.

Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Киши ўзини таҳқирламасин", дедилар. "Ё Аллоҳнинг расули, киши ўзини қандай таҳқирлайди?" дейишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "У айтиш керак бўлган нарсани кўриб, айтмайди. Шунда Аллоҳ таоло қиёмат куни: "Менинг йўлимда шундай, шундай дейшингдан сени нима қайтарди?" дейди. У эса: "Одамлардан қўрқиш", дейди. Аллоҳ таоло: "Мендан қўрқишинг ҳақли эди", дейди", дедилар» *(Ибн Можа ривояти)*.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асҳобларини итоат этишга ва ҳар муслимга насиҳат қилишга байъат қилдирдилар.

Жарир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

"Мен Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) итоат қилишга ва ҳар бир мусулмонга насиҳат қилишга байъат қилдим", деди *(Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти)*.

Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилади.

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ким гуноҳ қилаётган қавм ичида бўлиб, уни ўзгартиришга қодир бўлиб, ўзгартирмаса, Аллоҳ уларга ўлмасдан туриб, азобини етказади", деди» *(Абу Довуд ривояти)*.

Албатта, яхшиликка буюриш ширинсуханлик, чиройли мавъиза ва ҳикматли услубда бўлиши керак. Шунинг

учун кишиларнинг номақбул, турли фитналарни қамраб олган ишларини тузатишда ҳам қўполлик қилмасдан, уларнинг дилларини оғритиб қўймасдан, ақлли ва тадбирли бир йўл топайлик, натижада у одамлар нотўғри йўлдан қайтарган кишидан нафратланмасдан, аксинча, таъсирланиб, ўша инсонга нисбатан янада меҳри товлансин. Бол каби тотли, сув каби мулойим ва шамшир мисол ўткир ҳикматли сўзлар бор, бундай жозибали сўзлар эшитувчини тамоман бошқа инсонга айлантиради. Айни масалада ҳам салафларимизнинг ибратли ҳаётларига назар соламиз.

Мўғуллар истилоси пайтида Боязид Бистомий ҳазратлари йўлда кетаётсалар, қаршиларидан мўғул зобитларидан бири чиқиб қолди. Бистомий ҳазратларига: "Йўлимдан қоч, эй ит", деб ҳақорат қилди. Шунда Боязид Бистомий ҳазратлари йўл четига оҳиста ўтдиларда, Ислом аҳлининг етук намояндаларига хос бўлган назокату фасоҳат билан: "Тўғри айтасиз, агар инсонда Ислом бўлмаса, сиз айтган итдан ҳам баттар бўларди", дедилар. Зобит тўрт-беш қадам ташлади-да, дод солиб ўзини отдан ерга ташлаб, Боязид Бистомий ҳазратлари рўпараларига келди ва: "Бунчалар ёқимли гап, яна бир бора айтинг", деб ёлворди. Ҳазрат кўрдилар, унинг юзларида бир муддат олдин акс этган ёвузликдан асар ҳам йўқ, ўрнида энди балқимоқчи бўлаётган нур янглиғ ҳолат пайдо бўлган эди. Боязид Бистомий ҳазратлари айтган гапларини такрорладилар. Зобит тиз чўкиб ўтирган кўйи бир муддат ўйланиб, сўнгра кўзларига ёш келиб: "Менга динингиздан хабар беринг", деди ва мусулмон бўлди.

Дарҳақиқат, Боязид Бистомий ҳазратларининг юзларини мунаввар қилиб порлаб турган имон нурларию мукаммал имонлари ила лиммо-лим бўлган латиф қалбларидан отилиб чиққан, ҳикматга йўғрилган бу нафис сўзлар зобитнинг қалбига бемисл ёғду олиб кирди. Бу имон ёғдуси шуъла сочиб, куфр, залолат, зулм ва Ислом аҳлига бўлган чексиз адоватни парча-парча қилди.

Зеро, Қуръони каримда ҳам бундай таълим берилган:

ٱدۡعُ إِلَىٰ سَبِيلِ رَبِّكَ بِٱلۡحِكۡمَةِ وَٱلۡمَوۡعِظَةِ ٱلۡحَسَنَةِۖ وَجَٰدِلۡهُم بِٱلَّتِي هِيَ أَحۡسَنُۚ

«(Эй Муҳаммад!) **Раббингизнинг йўли** (дини)**га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!..»** *(Наҳл, 125).*

АКСА УРИШ ВА ЭСНАШ ОДОБИ

Ушбу одоб қоидаларини ўз ичига олган ҳадиси муборак билан батафсил танишамиз.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бирор киши акса урса, “Алҳамдулиллаҳ” десин, уни эшитган киши “Ярҳамукаллоҳу” десин. Агар акса урган кишига “Ярҳамукаллоҳу” деса, у “Яҳдикумуллоҳу ва юслиҳ балакум” десин», дедилар *(Имом Бухорий ривояти).*

Бу ҳадислардан акса урувчи “Алҳамдулиллаҳ” ёки “Алҳамдулиллаҳи Раббил оламин” ёки “Алҳамдулиллаҳи ала кулли ҳол” дейиши лозим бўлади. Дўст унга “Ярҳамукаллоҳ” дейиши керак. Унга аксирган биродари “Яҳдикумуллоҳу ва юслиҳ балакум” ёки “Яғфираллоҳу лан ва лакум” дейиши, мусулмон киши бу сўзларни ёдлаб олиши лозим.

Акса урувчи ҳамд айтмаса, унга ташмит айтмаслик

Абу Мусо (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирор киши акса урса ва Аллоҳга ҳамд айтса унга яхшиликни тиланглар. Агар Аллоҳга ҳамд айтмаса, бас, унга яхшиликни дуо қилманглар”, дедилар *(Имом Муслим ривояти).*

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки кишининг бирига яхшиликни дуо қилдилар ва иккинчисига дуо қилмадилар. Яхшилик дуо қилинмагани “Нега фалончига яхшиликни дуо қилдингиз, менга дуо қилмадингиз?” деди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “У Аллоҳга ҳамд айтди ва сен айтмадинг”, дедилар» *(Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти)*.

Акса урувчига ҳамд айтишни эслатиш учун унинг ҳузурида ҳамд айтишнинг зарари йўқ.

Қўл ёки рўмолча билан овозни пасайтириш

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) агар акса урсалар, оғизларига қўлларини ёки кийимларининг бир учини қўярдилар ва овозларини пасайтирардилар ёки беркитардилар” *(Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти)*.

Уч марта ташмит тилаш

Агар акса урувчи кетма-кет кўп акса урадиган бўлса, уч мартагача акса урганга яхшиликни дуо қилиш суннатдир.

Салама ибн Аква (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирор киши акса урса, ёнида ўтирган унга яхшилик тиласин. Агар у учтадан зиёд акса урса, бас, у шамоллагандир. Учтадан сўнг ташмит айтилмайди”, деганлар *(Имом Муслим ва Абу Довуд ва Термизий ривояти)*.

Кўп уламолар ёнида ўтирган биродари уч мартадан сўнг тинчлик ва соғликни тилаб дуо қилишини мустаҳаб дедилар.

Мусулмон бўлмаганга ташмит айтилмайди

Абу Мусо Ашъарий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида яҳудийлар акса урарди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Ярҳамукаллоҳу” дейишни умид қилардилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга “Яҳдикумуллоҳу ва юслиҳ балакум”, дердилар *(Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти)*.

Бегона аёлга ташмит айтилмайди

Кўп аҳли илм ва мужтаҳидлар бегона ёш аёл ёки қиз бола акса урса, унга ташмит айтишни макруҳи таҳрима деганлар. Кекса аёлга айтиш макруҳ эмас. Қизга айтишнинг макруҳлиги фитнанинг олдини олиш учундир.

Ибн Жавзий айтади: Имом Аҳмад ҳузурида бир обид киши бор эди. Имом Аҳмаднинг хотини акса урди. Обид унга: "Ярҳамукаллоҳ" деди. Шунда Имом Аҳмад: "Обид жоҳилдир", деди ва бегона аёлга ташмит айтиш макруҳлигини билмаганини назарда тутди.

Қурби етса, эснашни қайтариш

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Агар сизларнинг бирортангиз эснаса, қурби етганча уни қайтарсин, чунки эснаса, шайтон кулади", дедилар *(Имом Бухорий ривояти)*.

Эснашда қўлини оғзига қўйиш

Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Сизларнинг бирортангиз эснаса, қўлини оғзига қўйсин (оғзини ёпсин), чунки шайтон (оғиздан) киради", дедилар *(Имом Муслим ривояти)*.

Кўп аҳли илм ва ижтиҳод аҳли намоз ичида ва намоздан ташқарида эснаганида қўли билан оғзини ёпишни мустаҳаб санашди.

Эснаш вақтида овозни баланд чиқармаслик

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Албатта, Аллоҳ акса уришни яхши кўради. Агар сизларнинг бирортангиз эснаса, "ҳоҳ" демасин. Чунки у шайтондан,

кулади”, дедилар *(Имом Муслим ва Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривоят қилади)*.

Абдуллоҳ ибн Зубайр (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ азза ва жалла эснаш ва акса уришда овозни баланд қилишни ёмон кўради”, дедилар *(Ибн Сунний ривояти)*.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётлари давомида ҳеч қачон эснамаганлар. Аллоҳ изни билан эснаш у кишини тарк этган.

Юқорида айтилганлар акса уриш ва эснаш одобларининг Исломга оид энг муҳим қоидаларидир. Мураббийлар юқоридаги одобларни фарзандларга, аҳлига таълим берсинлар, токи улар ҳаётларида ва инсонлар билан ўзаро муомалада шуларни одат қилсинлар.

Мусулмон киши овқатланиш, чанқоқ босиш, салом бериш, изн сўраш, табриклаш, таъзия билдириш, акса уриш, эснаш одобларини билиб, уларга амал қилган сайин унинг хулқи камолга етиб боради. Булар Ислом дини барча мусулмонларга шарт қилган одоблардир.

Мураббийлар бугунги кунда бутун куч-қувватларини жамлаб, ўзларини, ғайрат ва қасдларини сафарбар этиши, ўсиб келаётган ёш авлодни шу одоблар асосида тарбиялашлари шарт бўлади. Тарбия фарзандлар гўдаклигиданоқ бошланса, чиройли натижа ва афзал самара беради. Агар бу масъулиятни адо қилсалар, Аллоҳ уларга бу дунёда яхшиликлар ва охиратда савоблар беради.

АҚЛИЙ ТАРБИЯ МАСЪУЛИЯТИ

Ақлий тарбиядан мақсад бола онгида шариат илмларини ҳам, замонавий илмларни ҳам шакллантиришдир. Шундагина у теран фикрли, ўткир фаҳмли бўлиб етишади. Имон-эътиқод сабоғи бола тарбиясида энг асосий ўринда туради. Имонли бола ҳаёли бўлади, бировга зулм қилмайди. Ҳаромдан, нопок нарсалардан тийилади. Меҳру оқибатли, сабрли бўлади.

Бу борада мураббийлар зиммасида бир қанча масъулиятли ишлар бор. Албатта, болаларимиз бирданига имонли бўлиб қолишмайди. Бунинг учун маълум даражада ақлий ривожланиш жараёнини босиб ўтишлари керак. Бу соҳадаги вазифаларни учта босқичда ўрганамиз:

– Мажбуруй таълим.

– Фикрни ривожлантириш.

– Соғлом ақл.

Мажбурий таълим масъулияти

Халқимизда бешикдан қабргача илм изла, деган пурмаъно нақл бор. Имон тарбияси таълим, савод билан ҳам боғлиқ. Маълумки, Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нозил бўлган биринчи оятлар ҳам илм ҳақида эди. Унда шундай келади: **«Ўқинг** (эй Муҳаммад! Бутун борлиқни) **яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан.** (У) **инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса Карамлидир. У инсонга қалам билан** (ёзишни ҳам) **ўргатди. У инсонга билмаган нарсаларини билдирди»** *(Алақ, 1–5)*.

Илмга ундовчи оят-ҳадислар жуда кўпдир. Жумладан:

«Айтинг: Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?» *(Зумар, 9)*.

«Айтинг: Эй Раббим! Менга илмни зиёда эт!» *(Тоҳо, 114)*.

«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) **даража** (мартаба)**ларга кўтарур»** *(Мужодала, 11)*.

«Нун, Қалам ва (у билан) **ёзадиган нарсалар** (битиклар) **билан қасам этаман**...**»** *(Қалам, 1)*.

Имом Муслим “Саҳиҳ” китобларида Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Илм истаб йўлга чиққан кишига Аллоҳ жаннат йўлини осон қилиб қўяди”, дедилар.

Имом Термизий Абу Умомадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Олим-

нинг обиддан афзаллиги менинг энг оми одамдан афзаллигим кабидир. Аллоҳнинг фаришталари, осмонлару ер аҳли, ҳатто инидаги чумоли ҳам инсонларга яхшиликни таълим берувчи кишига салавот (яхши дуо ва истиғфор) айтиб туради", дедилар.

Имом Муслим Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: "Агар одам боласи вафот этадиган бўлса, унинг уч тур амалидан бошқа барча амаллари тўхтайди. Улар садақаи жория, фойдали илм ва унинг ҳақига дуо қилиб турадиган фарзанддир".

Мусулмонлар Қуръони карим оятларига ва Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатмаларига амал қилиб, рисолат асрида ва ундан кейин ҳам барча илмларни эгаллашга киришдилар. Барча фойдали илмларни эгаллашни фарз ва вожиб деб билдилар. Натижада, бутун олам улуғ олимлар қолдирган меросдан баҳраманд бўлиб келмоқда.

Бугунги Ғарб ва Шарқ тамаддуни юксак даражага кўтарилишида Ислом маданияти ва илмининг таъсири каттадир.

Буни ғарблик олимларнинг ўзлари ҳам қайта-қайта таъкидлашади: Шаристий Ислом илм-фани ҳақида бундай дейди: "Оврупа минг йиллардан бери исломий фанларга назар солиб келади. Улар жуда ҳам ажойибдир". Шарқшунос Дузий дейди: "Оврупада ўқиш-ёзишни руҳонийларнинг юқори табақасигина билар эди. Ислом келгач, Андалуснинг бирор ерида саводсиз киши қолмади".

Либн Бул ўзининг "Араб ва Испания" китобида Дузийнинг фикрини қўллаб-қувватлаб, бундай ёзади: "Испания (Андалус) илмда, маданиятда ва тараққиётда биринчиликни қўлга киритганида, Оврупа оми ва жаҳолатга тўла эди". Берфулт ўзининг "Инсониятнинг ўсиши" номли китобида бундай эътироф этади: "Араб маданияти оламга тақдим қилган нарсаларининг энг каттаси – илм бўлди. Оврупанинг ҳар қандай ўсишида исломий маданият-

нинг ҳиссаси бор”. Ҳ. Р. Жоб ўзининг “Исломдаги янги йўналишлар” китобида ёзади: “Ўйлайманки, мусулмон олимлари олға сурган нозик, батафсил мулоҳазалар илм-маърифатнинг юксалишига катта ёрдам берди”.

Ушбу иқрорномалардан Ислом дини олиб келган илм ва маърифатни мусулмон бўламаганлар ҳам тан олишгани яққол намоён бўлади.

Бу юксак илм ва маданиятнинг сири – Ислом шариатининг асосларида. Улар қуйидагилардир: Ислом руҳиятга ҳам, моддият ва жамиятга ҳам бирдек таъсир қилади. Ибодатларимизда, динимиз ҳукмларининг барчасида инсониятнинг гуллаб-яшнашига эътибор қаратилгани очиқ ва равшандир. Исломнинг шиори Аллоҳ таолонинг: **«Аллоҳ сенга ато этган нарса билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин»** *(Қасас, 77)* ва **«Бас, қачонки, намоз** (жума намози) **адо қилингач, ер юзи бўйлаб, Аллоҳнинг фазли** (ризқи)**дан истайверингиз »** *(Жумъа, 10)* деган ҳукмларидир.

Ислом дини инсониятнинг ирқи, тили, рангидан қатъи назар, уларни **«Албатта, Аллоҳ наздида** (энг азизу) **мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир»** *(Ҳужурот, 13)* деган шиор билан яхшиликка чақиради.

Ислом бағрикенглик, тенглик динидир. Буни биз **«Эй инсонлар! Дарҳақиқат, биз сизларни бир эркак** (Одам) **ва бир аёл** (Ҳавво) **дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни** (турли-туман) **халқлар ва қабила** (элат)**лар қилиб қўйдик»** *(Ҳужурот, 13)* оятидан ҳам билсак бўлади.

Ислом юксак низом, ўзининг ҳукм ва асослари билан барча замон ва маконга мослаша оладиган, қотиб қолмайдиган, бардавом диндир. Унинг боқийлиги ва шарафи оламлар Рабби нозил қилган дин эканидадир. У охиратгача инсониятга гуллаб-яшнаш ва хатолардан, фожиалардан сақланиш йўлларини тақдим этади. Мўмин киши: **«Чиндан ишонувчан кишилар учун Аллоҳдан кўра ким ҳукмда чиройлироқ экан»** *(Моида, 50)* оятига амал қилади.

Исломнинг боқий дин экани ҳақида инглиз файласуфи Бернард Шоу бундай дейди: “Ҳақиқатан, ниҳоятда кенг қамровлилик жиҳатидан Муҳаммад (алайҳиссалом) олиб келган дин буюк диндир. Ҳаётнинг барча босқичларини ўзлаштириш мумкин бўлган ягона диндир. Муҳаммадни (алайҳиссалом) баралла “инсоният халоскори” деса бўлади. Агар унингдек одам ҳозир бўлганида, албатта, барча мушкулотлар ечимига йўл топа олган бўларди”.

Доктор Изгу Инсобато айтади: “Ислом шариати Оврупа қонунчилиги баҳсларида юқори чўққиларга кўтарила олди. Бинобарин, оламга энг мустаҳкам қонунларни тақдим этди”.

Ислом аввалданоқ илмни диний ва дунёвийга ажратмасдан, бепул мажбурий таълим тизимини йўлга қўйди. Исломда таълим олиш мажбурий эканига қуйидаги ҳадиси шарифлар далилдир:

Ибн Можа Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир”. Бу ҳадисдаги “мусулмон” лафзи умумий бўлиб, аёл ҳам, эркак ҳам тушунилади.

Имом Табароний “Кабир” китобида Алқамадан, у отасидан, у эса бобосидан ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни хутба қилдилар. Қабилалар аҳлига яхши насиҳатлар билан дедилар: “Қавмларга нима бўлди, қўшниларига ўргатмайдилар, уларга таълим бермайдилар, ваъз қилмайдилар, яхшиликка буюрмайдилар ва ёмонликдан ҳам қайтармайдилар? Яна баъзи қавмларга нима бўлган, қўшниларидан ўрганмайдилар, таълим олмайдилар, ваъзларни қабул қилмайдилар? Аллоҳга қасам, қавмлар қўшниларига таълим берсин, уларга ўргатсин, ваъз қилиб, яхшиликка буюрсин ва ёмонликдан қайтарсин. Қўшни қавм ҳам бошқаларидан таълим олсин, улардан ўргансин, ваъз-насиҳат эшитсин. Йўқса, Аллоҳ тезда бало юборади”.

Ибн Можа Абу Саъид Худрийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким динда инсонларга манфаати тегадиган илмни яширса, Аллоҳ уни қиёмат куни оловли юган билан юганлайди”, дедилар.

Илм Исломда муслиму муслимага фарз, (имкон бўлатуриб) илм олмаганга, илм ўргатмаганга Яратганнинг азоби тайин. Буларнинг бари Исломда илмга кучли тарғиб борлигидан даракдир. Илм иккига: фарзи айн ва фарзи кифояга бўлинади. Илм мусулмон кишининг руҳий, ақлий, жисмоний ва ахлоқий камол топишига алоқадорлиги учун ҳам фарзи айндир. Бунга эркак ҳам, аёл ҳам, мусулмон умматининг барча аъзоси амал қилиши керак. Қуръон тиловати, ибодат амаллари, ҳалол ва ҳаром масалалари, тақво – буларнинг барчаси фарзи айндир. Зироат, санъат, тижорат, тиббиёт, фалакиёт, ҳандаса, муҳандислик ва бошқа соҳалар илмини билиш фарзи кифоядир. Жамиятда бир киши бир илм ёки касб билан шуғулланса, ўша илм бошқалардан соқит бўлади. Агарда ҳеч ким шуғулланмай қўйса, унда Ислом уммати гуноҳкор бўлиб қолади.

Болаларга эсини таний бошлаганиданоқ уларни ўраб турган атроф-муҳит ҳақида маълумот бериш баробарида Қуръони карим тиловати ва Расулуллоҳ (алайҳиссалом) сийратларини, фарз ва суннатларни ўргатиш билан таълим бериш бошланади. Бу фикримизга Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Болаларингизга уч хислатни ўргатинглар, Пайғамбарингизни яхши кўришни, унинг аҳли байтини яхши кўришни ва Қуръон тиловатини. Чунки Қуръон ҳофизлари Аллоҳнинг соясидан бошқа соя йўқ бўлган кунда У зотнинг сояси остидадирлар” *(Табароний ривояти)*, деган сўзлари асос бўлади.

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) волийларга қуйидагиларни ёзиб жўнатдилар. “Болаларингизга сузишни, чавандозликни ўргатинглар ва уларга мақоллар ва чиройли шеърларни айтиб беринглар!”

Утба ибн Абу Суфён ҳам ўғли Абдусомаднинг устозига: “Боламга Аллоҳнинг Китобидан таълим бер, шеърлардан энг яхшисини, сўзларнинг энг шарафлисини ўргат”, деб буюрди.

Имом Шофиъий айтадилар: “Ким Қуръонни ўрганса, обрўси баланд бўлади. Ким фиққа эътибор берса, қадри билинади. Ким ҳадис ёдласа, яъни ўрганса, ҳужжати кучаяди. Ким тил ўрганишга эътибор қаратса, табиати юмшайди. Ким ҳисобни ўрганса, фикри тиниқлашади”.

Ибн Сино “Сиёсат” китобида болалар тарбиясига оид қимматли фикрларни билдирган. Жумладан, бола таълимга ақлан ва жисман тайёр бўлганида таълим беришни Қуръони каримдан бошлашни насиҳат қилган. Бола ўша вақтда алифбони ўқишни, ёзишни ва диннинг асосий қоидаларини ўрганади, сўнгра шеър ёдлайди.

Имом Ғаззолий “Иҳёу улумид-дин” китобида қуйидагиларни васият қилади: “(Таълим) Қуръони каримни, ҳадисларни, тақводор кишилар ва уларнинг ҳолатлари ҳақидаги ҳикояларни ўргатишдан бошланади. Кейинроқ баъзи диний ҳукмлар ва ишққа тарғиб қилмайдиган шеърлардан ўргатилади”.

Зеро, Ибн Қутайбанинг “Уюнул ахбор” китобида қуйидагича келади: «Сақиф қабиласидан бўлган бир киши Валид ибн Абдулмалик ҳузурига кирди. Валид ундан сўради: “Қуръон ўқийсанми?” У киши: “Йўқ, эй мўминлар амири! Мени ишлар ва қизларим банд қилган”, деб жавоб берди. Валид: “Фиққни биласанми?” деб сўроқ қилди. Аъробий: “Йўқ”, деди. Валид: “Бирор бир шеър ўқиб берасанми?” деб сўради. Аъробий: “Йўқ”, деди. Шунда Валид ундан юз бурди. Шу пайт ўтирганлардан бири (Абдуллоҳ ибн Муовия) “Эй мўминлар амири, ана у-чи”, деб ҳалиги кишига ишора қилди. Валид эса: “Жим! Биз билан бирга ҳеч ким йўқ”, деб айтди».

Ислом белгилаган қоидалардан яна бири – таълимни гўдак эсини таний бошлаганидаёқ бошлашдир. Бу пайтда боланинг зеҳни соф, хотираси кучли, янги маълумот-

ларни ўрганишга қизиқувчан бўлади. Бунга Байҳақий ва Табароний “Авсат” китобида ривоят қилган ҳадис далолат. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Ёшликдаги илм тошдаги нақш кабидир”. Таълим-тарбия борасида шу каби кўплаб ҳадислар собит бўлган.

Аёлларнинг илм ўрганишдаги насибаси қандай?

Уламолар ва фақиҳлар фарзи айн илмларда аёллар ҳам эркаклар каби эканига ижмо қилишган. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Ким у хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл – мўминлик ҳолида савобли ишлар қилса, айнан улар жаннатга кирурлар ва уларга хурмо данагининг ипича ҳам зулм қилинмагай”** *(Нисо, 124)*, **“Албатта, муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар, итоатли эркаклар ва итоатли аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, тавозели** (камтар) **эркаклар ва тавозели аёллар, садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар, авратларини** (ҳаромдан) **сақловчи эркаклар ва** (авратларини ҳаромдан) **сақловчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаклар ва** (Аллоҳни кўп) **зикр этувчи аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофотни** (яъни жаннатни) **тайёрлаб қўйгандир»** *(Аҳзоб, 35)*.

Аёлларнинг ҳам таълим олиши фарзи айнлигига қуйидаги саҳиҳ ҳадислар далил бўлади. Имом Термизий, Абу Довуд (лафзи Абу Довудники) ривоят қиладилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Кимнинг уч қизи ёки учта, ё олтита, ё иккита опа-синглиси бўлса ва уларга одоб бериб, уларга яхшилик қилса ва уларни турмушга берса, унга жаннат бордир”. Бошқа бир ривоятда: “Қайси эркакнинг чўриси бўлса, у унга таълим бериб, таълимини чиройли қилса ва унга одоб бериб, одобини чиройли қилса, сўнгра уни озод қилиб, ўша аёлга уйланса, у кишига икки ажр бордир”, дейилади.

Бу ҳақда Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг саҳиҳ тўпламларида ҳам ҳадислар келган. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ у зотга ўргатган нарсаларни аёлларга ҳам ўргатиш мақсадида алоҳида кунни хослаб қўйганлар. Бир куни бир аёл келиб: "Ё Расулуллоҳ! Эркаклар сизнинг олдингизга келиб, сўзингизни олиб кетадилар. Биз учун ҳам бирор кун белгиланг, биз ҳузурингизга келиб, Аллоҳ сизга ўргатган нарсаларни ўрганамиз", деди. Шунда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Фалон ва фалон куни жамланинглар", деб айтдилар. Улар йиғилдилар, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келиб, уларга таълим бердилар.

Балозирийнинг "Футуҳул булдон" китобида бундай келади: мўминлар онаси Ҳафса бинти Умар (розияллоҳу анҳо) жоҳилиятда Шифо исмли бир аёлдан ёзишни ўрганган эдилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳафса онамизга уйланганларидан кейин Шифони топиб, Ҳафса онамизга қандай ўргатган бўлса, бошқаларга ҳам худди шундай чиройли ёзишни ўргатишини талаб қиладилар.

Юқоридаги ояту ҳадислардан хулоса чиқарсак, Ислом дини аёл кишини илмли, маърифатли бўлишга буюради. Тарихдан маълум, аёллар ҳам Ислом раҳнамолигида илм ва маданиятнинг энг юқори даражасига кўтарилганлар. Аёллардан машҳур табиблар етишиб чиққан. Мисол учун, турли кўз касалликларини аниқлаб, даъвосини топган Зайнаб ва Қози Абу Жаъфар Тофжолийнинг қизи Уммул Ҳусно араб дунёсининг машҳур табибларидан ҳисобланган. Яна Карима Утрузия, Саййида Нафийса бинту Муҳаммад каби аёл муҳаддислар ҳам бўлган.

Юқори илмий даражага эришган бу хонимлар қаторида Имом Шофиъий, Имом Бухорий, Ибн Халдун ва Ибн Ҳиббон каби машҳур муҳаддислар, фақиҳлар, уламолар ва адибларнинг муаллималари ҳам бўлишган. Шариат аёл кишининг дини ва дунёсига фойда берадиган таълимни ўрганишга изн берар экан, уларни эркаклардан ажралган ҳолда бошқа-бошқа ўқитишни таъкидлайди.

Ақлан соғлом қилиб тарбиялаш масъулияти

Аллоҳ таоло барча ота-оналар ва мураббийлар зиммасига ўзининг улуғ неъмати бўлган фарзандларни ақлан соғлом қилиб тарбиялаш масъулиятини юклаган. Агар улар зиммаларидаги бу масъулиятга бепарволик қилсалар ва фарзандлари тарбиясида хатога йўл қўйсалар, Аллоҳ таоло буюк кун – охират кунида ҳисоб-китоб қилади.

Болаларни бугунги кунда инсониятни хавотирга солаётган террорчилик ҳаракатлари ва дин ниқобидаги турли бузғунчи оқимлар, сионистлар, миссионерлар таъсиридан асраш керак. Бунинг учун ота-оналар, болалар тарбияси билан шуғулланадиган масъул кишилар ўша оқим ва ҳаракатларнинг туб мағиз, мақсад ва моҳиятини билишлари зарур. Бунда уларга газета ва журнал материаллари, телекўрсатувлар, интернет хабарлари ёрдам бериши мумкин. Энг катта дастур Аллоҳнинг каломи Қуръони карим ва Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларидир. Аллоҳга шукр, юртимиз мустақил бўлгач, Қуръони каримнинг маъно таржималари, тафсирлар, ҳадис китоблари ва уларга шарҳлар босилиб чиқди. Лекин адашиб эгри йўлга кириб қолаётган, бошқа динларга ўтиб кетаётган ёшларимиз йўқ эмас. Бу ҳол бизни жиддий ташвишга солиши ва уни бартараф қилиш йўлларини излашимиз керак.

Аллоҳ таоло: **«Парвардигоро, дарҳақиқат, бизлар бошлиқларимизга ва катталаримизга бўйинсундик, бас, улар бизларни** (тўғри) **йўлдан оздирдилар. Парвардигоро, уларга азобни икки ҳисса қилиб бергин ва уларни катта лаънат билан лаънатлагин!»** *(Аҳзоб, 67–68)* деб марҳамат қилади.

Ибн Ҳиббон ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло барча бошлиқлардан қўл остидагилари ҳақида, уларни ҳифзу ҳимоя қилганми ёки зое қилганми, сўрагувчидир”, дея огоҳлантирадилар.

Буларни ҳис қилар эканмиз, ё Аллоҳ, биз, бандаларингни Ўзингга ва расулингга итоатгўйлардан, ҳисоб-китоб кунида ҳузурингда юзлари ёруғ бўлгувчилардан қилгин, дегимиз келади. Ҳа, азизлар, бола тарбияси ана шундай муҳим ижтимоий, ҳаётий масаладир.

Ота-оналар ва мураббийлар фарзандларимиздаги тортинчоқлик, қўрқоқлик, ўзини сабабсиз айбдор ҳис қилиш, ҳасад, ғазаб каби кўринишларга ҳам эътибор қаратишлари муҳимдир.

Аллоҳ таолонинг тавфиқи билан қуйида ушбу ҳолатларни билганимизча қисқа-қисқа баён қилиб, шариатимизда келган ечимларни ўрганамиз.

Тортинчоқлик

Бу ҳолат барча болаларнинг табиатида бор. У бола тўрт ойлигидаёқ сезила бошлайди. Бир ёшга тўлганида аниқравшан бўлади: нотаниш одамни кўрса, юзини буради, кўзларини юмиб, қўллари билан яширинишга уринади.

Боланинг тортинчоқ, ўта уятчан бўлишида ирсиятнинг ҳам ўрни бор. Шунингдек, уни ўраб турган муҳитнинг таъсирини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Кўпчилик орасида ўсган бола билан якка-ёлғиз ўсган бола ўртасида катта фарқ бўлади. Ёлғиз болалар одамови, тортинчоқ бўлиб қолмасликлари учун кўпчиликка қўшиш керак. Тенгдошлари билан тез-тез ўйнаши ёки болани кўпроқ қариндош-уруғлар зиёратига олиб бориш ҳам яхши натижалар беради.

Бу борада ҳам ибратли ривоятлар кўп. Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) Имом Бухорий ва бошқалар ривоят қиладилар: Ибн Умар балоғат ёшига етмаган эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) атрофидаги саҳобаларга: “Бир дарахт бор, унинг барглари тўкилмайди, у ҳудди мусулмон кишига ўхшайди. Менга айтинглар-чи, у қайси дарахт?” деб мурожаат қилдилар. Саҳобалар бу чўлларда ўсадиган дарахтлардан бири

бўлса керак, деб ўйлашди. Абдуллоҳ айтади, мен эса, бу хурмо дарахти бўлса керак, деб ўйладим, бироқ айтишдан ҳаё қилдим. Сўнг саҳобалар: "Ё Расулуллоҳ, ўзингиз айтиб беринг, у қайси дарахт?" дейишди. У зот: "Бу хурмо дарахти", дедилар. Бошқа ривоятда эса, Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) бундай дейди: «Абу Бакр ва Умарнинг гапирмаганларини кўриб, гапиришни ўзимга эп кўрмадим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари айтиб бергач, ўйлаган нарсамни отамга айтдим. Отам эса: ўшанда айтишинг мен учун қизил туядан ҳам афзал эди", деди».

Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳумо) Имом Бухорий ривоят қилади. Ибн Аббос балоғат ёшига етмаган эди. У зот айтади: «Умар (розияллоҳу анҳу) мени ўзлари билан Бадр қатнашчилари олдига олиб кирар эдилар. Уларнинг баъзилари: "Бизнинг ҳам шу тенги болаларимиз бор-ку, нима учун бу болакайни олиб кираркин," деган маънодаги норозиликлари сезилиб турарди. Шунда Умар: "Бу боланинг кимлигини биласизларми, деди, яъни, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг ҳақига: "Уни динда фақиҳ қилгин ва унга таъвилни ўргатгин", деб қилган дуоларига ишора этди. Сўнг яна: Аллоҳ таолонинг **"Аллоҳнинг нусрати** (мадади) **ва ғалаба келганида..."** сўзлари *(Наср, 1)* ҳақида нима дейсизлар? деб сўради. Баъзилари: "Аллоҳ таоло бизга нусрат бериб, фатҳни насиб этганида Унга ҳамд айтиш ва Ундан истиғфор сўрашга буюряпти", дейишди. Бошқа баъзилари эса сукут қилишни афзал кўришди. Умар (розияллоҳу анҳу) менга: "Сен ҳам шундай дейсанми, эй Ибн Аббос", дедилар. Мен эса: "Йўқ", дедим. У зот: "Унда нима дейсан?" дедилар. Мен: "Бу Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ажаллари (аломати) бўлиб, Аллоҳ таоло уни у зотга билдирди", дедим. Шунда Умар (розияллоҳу анҳу): **"Иза жааа насруллоҳи вал фатҳ..." –** бу Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ажалларининг аломатидир. Бу ҳақда мен ҳам бошқа нарса билмайман", деди».

Бир кун мўминлар амири Умар (розияллоҳу анҳу) Мадинаи мунввара кўчаларидан бирида кетаётган эдилар. Ўша кўчада ўйнаётган болалар орасида вояга етмаган Абдуллоҳ ибн Зубайр ҳам бор эди. Болалар Умарнинг (розияллоҳу анҳу) ҳайбатидан қўрқиб, қочиб кетишди. Абдуллоҳ эса жим турди. Умар (розияллоҳу анҳу) унинг олдига келгач: “Нима учун болалар билан қочиб кетмадинг?” дедилар. У ҳозиржавоблик билан: “Жиноят қилибманми, сиздан қочсам. Шунингдек, йўл берай десам, йўл ҳам кенг-ку”, деб жавоб қайтарди.

Умар ибн Абдулазиз (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳайит куни ўғлининг устида эски, йиртиқ кийимни кўриб, кўзлари жиққа ёшга тўлди. Ўғли отасининг йиғлаётганини кўриб: “Эй мўминлар амири, сизни нима йиғлатди?” деди. У зот: “Эй болагинам, болалар сени ушбу кийимда кўрганида қалбинг ўксимасмикан, деб қўрқаман”, деди. Ўғил эса: “Эй мўминлар амири, Аллоҳ таоло ҳалок қилган ёки ота-онасига оқ бўлган кимсанинг қалбигина ўксийди, мен эса сизнинг розилигингиз туфайли Аллоҳ таоло рози бўлишидан умидворман”, деди.

Умар ибн Абдулазиз халифа бўлганларидан кейин олдиларига қутлаш учун элчилар кела бошлашди. Ҳижозлик элчилар орасидан ҳали ўн бир ёшга ҳам тўлмаган бир йигитча сўзга чиқди. Умар унга қараб: “Сен ортга қайтгин, сендан кўра каттароғи чиқсин”, деди. Йигит эса: “Аллоҳ таоло амирул мўмининни қўлласин, инсон икки кичик нарсаси – қалби ва тили билан инсондир. Агар Аллоҳ таоло бир инсонга сўзлагувчи тил, ёдлагувчи қалб бериб қўйган бўлса, гапиришга ҳақли бўлади. Эй амирул мўминин, агар иш ёшда бўлганида, уммат ичида ўтирган жойингизга сиздан кўра ҳақлироқ бошқа одам топилган бўлар эди”, деб жавоб берди. Умар унинг гапидан ҳайратланиб, қуйидаги мисраларни айтди:

Билгин, инсон олим бўлиб туғилмас,
Илмли эса жоҳил каби бўлмас.

Қавмнинг илмсиз кексаси ёшдир,
Гарчи ҳамма атрофида жам бўлса ҳам.

Китобларда нақл қилинишича, халифа Маъмуннинг олдида бир ёш бола чиройли гапириб, саволларига гўзал жавоб берди. Шунда Маъмун унга: "Сен кимнинг боласисан?" деди. Бола: "Одобнинг боласиман, эй мўминлар амири", деди. Маъмун унга қараб: "Қандай ҳам гўзал насаб", деб қуйидаги мисраларни ўқиди:

Кимнинг боласи бўлсанг ҳам ўргангин одобни,
Одобнинг мақтови насабдан беҳожат қилади сени.
Мана шу менман, деган йигит ҳақиқий йигитдир,
Отам фалончи бўлган, деган йигит йигит эмасдир.

Бир куни Маъмун девонхонага кириб, қулоғига қалам қистириб олган ёш болакайни кўрди ва ундан "Сен кимсан?" деб сўради. У "Мен сизнинг давлатингизда ўсган боламан, қилган меҳрибонликларингиздан фойдаланганман, сизга хизмат қилишдан умидворман, Ҳасан ибн Ражоман", деди. Бундай гўзал жавобдан ҳайратланган Маъмун "Ақллар оддий нарсаларга синчковлиги билан бир-биридан фарқланади, оддийгина сўз бу болани мартабаларга кўтарибди", деган маънодаги мисрани ўқийди.

Ҳишом ибн Абдулмалик даврларида саҳроларга қаҳатчилик етди. Барча араблар унинг олдига йиғилиб келишди. Бироқ ҳеч ким у билан гаплашишга журъат қилолмас эди. Уларнинг орасида ўн олти ёшли Дарвос ибн Ҳубайб исмли ёш йигит бор эди. Ҳишомнинг кўзи унга тушиб қолди. Шунинг учун дарвозабонига: "Менинг олдимга ким киришни истаса, кирсин, ҳатто ёш болалар ҳам кираверсин", деди. Бола унинг олдига кириб: "Эй мўминлар амири, бизнинг бошимизга уч йил мусибат келди. Биринчи йил ёғларни эритди, иккинчи йил гўштларни еди, учинчи йил иликларни қуритди. Сизларнинг қўлингизда ортиқча моллар бор. Агар у моллар Аллоҳ таолоники бўлса, бандаларига тарқатиб беринг, агар моллар бандаларники бўлса, йигитча ҳам бандаларнинг бири. Агар

моллар сизларники бўлса, Аллоҳ таолонинг бандаларига садақа қилиб юборинг. Чунки Аллоҳ таоло садақа қилувчиларни мукофотлайди ва эҳсонли кимсаларнинг ажрларини зое қилмайди", деди.

Шунда Ҳишом: "Бу бола учта ҳақ борасида бизга бирор нарса қолдирмади", деди ва саҳройиларга юз минг дирҳам тарқатишни буюрди. Унинг бор-йўқ мол-давлати ҳам мана шу эди. Бола: "Буни арабларнинг улушига қараб тарқатинг, уларнинг эҳтиёжларини қондиролмай қоласизми деб қўрқаман", деди. Ҳишом эса: "Эй болакай, сенинг ҳам ҳожатинг борми?" деб сўради. Йигит: "Мусулмонлар оммасидан ортиқча ҳожатим йўқ", деди ва қавмнинг мўътабари, ҳурматлиси бўлиб чиқиб кетди.

Юқоридагилардан кўринади – солиҳ салафларнинг фарзандлари ноўрин уялиш, тортиниш ва хижолатпазлик иллатидан ҳоли тарбия топишган. Бунинг сабаби салафларнинг журъатли бўлганлари, болалари ҳам оталари билан умумий мажлисларга, дўсту биродарларининг, улуғларнинг зиёратларига борганларидадир.

Бу каби ишлар фарзандларда журъат ва фасоҳатни уйғотади, онг ва тафаккурни ўстиради, камолот даражаларига кўтаради, фикрий етукликка эриштиради. Демак, ҳозир мураббийлар, айниқса, ота-оналар тарбиянинг ушбу мезонларини ҳам қатъий, мустаҳкам тутишлари, унга доимо амал қилишлари, фарзандларини ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмасликлари лозим. Шундагина ёшлар руҳида эркинлик, журъат, қатъият ва адолатпарварлик туйғулари улғаяди. Акс ҳолда, боланинг журъатсизлиги одобсизликка, тортинчоқлиги эса азиятга айланиб кетиши мумкин.

Бунинг учун, аввало, ҳаё билан ҳижолатчиликни бир-биридан аниқ ажратиб олишимиз керак. Чунки булар бир-биридан айри тушунчалардир.

Ҳижолат бўлиш, юқорида айтилганидек, боланинг тортинчоқлиги, ўз фикрлари билан ўралашиб, уни бировларга айтишга журъатсизлиги, ўзига ишончсизлигидир.

Бу сифат одатда болани ҳақ гапни ўрнида айтишдан тўсади.

Ҳаё эса исломий фазилат ва одоблардан бўлиб, ҳаёли бола доим ўз ўрнини билади, катталарни ҳурмат қилади.

Қўрқув

Бу каттаю кичик, эркагу аёлда мавжуд бўлган руҳий ҳолатдир. Агар у болаларда меъёрида бўлса, ижобий баҳоланади, чунки болани ҳар хил фалокатлардан ўзини эҳтиёт қилишга ва хавф-хатардан омонда бўлишига ундайди.

Ўзини сабабсиз айбдор ҳис қилиш. Болаларда учрайдиган руҳий ҳолат бўлиб, у туғма ҳамда касаллик, нотўғри тарбия ёки оиладаги баъзи муаммолар оқибати бўлиши мумкин. Бундай ҳолат боланинг жамиятдан ажраб, боши берк кўчаларга кириб қолишига сабаб бўлади.

Агар биз болада учрайдиган барча салбий ҳолатларнинг сабаблари ва исломий ечимларини ўрганадиган бўлсак, ушбу руҳий муаммони алоҳида тафсилоти билан кўриб чиқишимиз керак бўлади. Бола ўзини айбли ҳис қилишига олиб келадиган омиллар асосан қуйидагилардир:

1. Таҳқирлаш.
2. Ортиқча эркалаш.
3. Болаларнинг биридан иккинчисини устун қўйиш.
4. Тана аъзоларидаги нуқсонлар.
5. Етимлик.
6. Камбағаллик.

Ҳақорат қилиш, таҳқирлаш болани руҳий хасталикка олиб келадиган, ўзига ишончини йўқотадиган сабаблардандир. Кўпинча болалар бирон ножўя иш қилиб қўйсалар, ота-оналари уларни қаттиқ койишади. Албатта, бола ўша ишни атайлаб эмас, билмасдан, ҳаётий тажрибанинг йўқлигидан қилиб қўяди. Баъзан мажбур бўлади ҳам. Ота-онасидан қўрққанидан, танбеҳ эшитмаслик учун ёлғон ҳам гапириб юборади. Шунда ота-она: “Сен

ёлғончисан, икки дунёда ҳам одам бўлмайсан”, деб яна уришади. Аслида, боланинг ёлғон гапиришига, айбини бўйнига олмаслигига катталарнинг ўзи сабабчи бўляпти. Халқимизда “сен” ҳам, “сиз” ҳам бир оғиздан чиқади, деган нақл бор. Бола ҳадеб “сен”ланаверса, силтанаверса, қўрс, “ичимдагини топ” бўлиб қолади.

Болаларни, айниқса, ака-укалари, тенгдошлари, таниш-билишлар, қариндошлари олдида уялтирмаслик, койимаслик керак. Бу ҳол болани ўзига паст назар билан, бошқаларга эса адоват ва ҳасад билан қарайдиган қилиб қўяди.

Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) даврида бундай воқеа бўлади:

Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) олдиларига бир ота ўғлининг тарбиясидан шикоят қилиб келди. Шунда Умар (розияллоҳу анҳу) ўғилни чақиртириб, отасининг ҳақини поймол қилаётгани ва унга итоатсизлиги учун койиди. Шунда бола:

– Эй мўминлар амири, отанинг зиммасида боланинг ҳақлари ҳам борми? – деб сўради.

Умар (розияллоҳу анҳу):

– Ҳа, бор, – деди.

– Улар нималар, эй мўминлар амири? – деб сўради йигит.

– Болага яхши она танлаш, унга чиройли исм қўйиш ва Қуръондан таълим бериш.

Буни эшитиб, йигит ҳазрат Умарга (розияллоҳу анҳу) деди:

– Эй мўминлар амири, отам буларнинг бирортасини ҳам қилмаган. Онам бир мажусийнинг қора танли чўриси бўлган, менга Жуъал (яъни, гўнг ейдиган қўнғиз) деб исм қўйган, Қуръондан бирор ҳарф ўргатмаган.

Шунда Умар (розияллоҳу анҳу) отага қараб: “Сен болангнинг сенга оқ бўлаётганидан шикоят қилиб келибсан-у, лекин у сенга оқ бўлишидан олдин сен унга оқ бўлган экансан, у сенга ёмонлик қилишидан илгари сен унга

ёмонлик қилган экансан”, деди. Бу қанчалик ибратли ҳикоят! Ота-она боласида бирон-бир қусур кўрса, сабабини аввало ўзидан қидирсин. Боладаги яхши хулқ ҳам, ёмон хулқ ҳам ота-онаси хислатларининг акс-садоси ҳисобланади. Бола бир кўзгудир, унинг хулқига қараб, ота-онасига баҳо берилади. Бола ширин гапнинг гадоси, яхши гап билан илон инидан чиқибди, дейдилар. Яхши тарбия ҳалимлик ва сабр-тоқат мевасидир.

Имом Аҳмад яхши иснод билан Абу Умомадан ривоят қилишича, бир йигит Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Ё Расулуллоҳ, менинг зино қилишимга рухсат берасизми?” деди. Буни эшитган саҳобалар бақириб юборишди. Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уни менга яқин келтиринглар... Менга яқин кел,” дедилар. У йигит Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келиб ўтирди. Расулуллоҳ унга: “Онанг учун ҳам мана шу ишни ёқтирасанми?” дедилар. У йигит: “Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ мени сизга фидо қилсин, асло йўқ,” деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Инсонларнинг барчаси шундайдир, бундай жирканч ишни оналари учун раво кўрмайдилар. Қизинг учун-чи?” дедилар. Йигит (яна): “Аллоҳ мени сизга фидо қилсин, йўқ”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Буни бошқа инсонлар ҳам қизларига раво кўришмайди. Синглингга раво кўрасанми?” дедилар. Йигит: “Аллоҳ мени сизга фидо қилсин, йўқ,” деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “(Бошқа) инсонлар ҳам шундайдир, опа-сингиллари учун буни раво кўришмайди...” Шу аснода Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у йигитга аммаси ва холасини зикр қилдилар. Йигит эса, барчаси хусусида “Аллоҳ мени сизга фидо қилсин, йўқ”, деб жавоб берди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг кўкрагига муборак қўлларини қўйдилар-да: “Ё Аллоҳ, бунинг қалбини покла, гуноҳини мағфират қил ва фаржини (зинодан) сақлагин,” деб дуо қилдилар. Шунда

у йигит Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларидан зинодан кўра жирканчлироқ нарса йўқлигини англаб чиқиб кетди.

Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) меҳрибонлик ва мулойимлик борасидаги васиятларидан:

Имом Бухорий ва Имом Муслим Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қиладилар. Ойша (розияллоҳу анҳо) айтдилар: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), албатта, Аллоҳ таоло рафиқ – меҳрибондир, барча ишларда меҳрибонликни яхши кўради, дедилар".

Имом Муслим Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ким меҳрибонликдан маҳрум бўлган бўлса, барча яхшиликлардан маҳрум бўлибди", дедилар.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкин, болани таҳқирлаш ва доимий равишда жеркиш уни руҳан майиб қилиб қўяди. Болага танбеҳ бериш зарур бўлиб қолганида, насиҳат билан уни тартибга чақириш зарур.

Болани ҳаддан зиёд эркалаш ҳам яхши эмас. Эрка бола ожиз ва нотавон бўлиб ўсади. Мақтов ва лаганбардорликка мойил бўлади, танқидни кўтара олмайди. Кўп нарсаларга шубҳа билан қараб, воқеа-ҳодисаларга холис баҳо беролмай, қийналади. Ўзини бошқалардан орқада қолаётгандек ҳис қилади. Интилувчан ва шижоатли одамлар олдида довдирайди, ўзини бир жойда қотиб қолгандек ҳис қилади.

Демак, бола тарбиясида ҳалим, ширинсўз бўлишнинг ҳам чегараси бор, эркалаш, талтайтириш даражасига ўтиб кетмаслиги зарур. Зеро, ҳамма нарса меъёрида бўлса, яхши натижалар беради.

Айниқса, эркалатишни айрим оналар ҳаддан ошириб юборадилар. Улар ширанинг ози яхши, кўпи заҳарга айланишини эсдан чиқариб қўядилар. Бундай ҳолни узоқ вақт фарзанд кўрмай юриб, болали бўлган ёки ёлғиз

фарзандли оилаларда кўп учратиш мумкин. Тарбия оилада боланинг оз ёки кўплигига боғлиқ бўлмайди. Битта болага ҳам, ўнта болага ҳам рисоладагидек тарбия бериш лозим. Тарбиянинг юки ҳаммага бирдай. Масъулияти оғир ва юксак.

Болаларни ҳар хил кўнгилсизликлардан асраш ҳам катталарнинг бурчидир.

Доктор Ғабранинг болалар орасида юз бериши мумкин бўлган айрим кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган маслаҳатларидан баъзиларини таклиф этамиз:

– Оилада заҳарли кимёвий нарсаларнинг номини идиши устига ёзиб, қулфланадиган жойда сақланг ва калитларни ишончли жойга беркитинг. Уларни омборхона ва таом сақланадиган жойларга қўйманг. Гап ҳашаротларни йўқотиш учун ишлатиладиган заҳарли дорилар ҳақида бораётганини тушунгандирсиз.

– Дори-дармонларни ҳам болаларнинг қўллари етадиган жойларга қўйманг. Чунки дори ичишга ўрганиб қолган болалар бир ери оғриса, ҳар қандай дорини ичсам тузалиб қоламан, деб ўйлашлари мумкин. Болага дорини қандайдир ширин ичимлик деб эмас, балки дори эканини аниқ айтиб бериш керак.

– Болаларни саломатлиги учун хавфли бўлган сув ситадиган, овқат пиширадиган, дазмол, гугурт каби воситалардан узоқроқ тутинг. Шу билан бирга, соғлик учун хавфли анжомлардан эҳтиёт бўлишни тушунтириш зарур. Эътиборсизлик туфайли бир йилда қанчадан-қанча болалар ногирон бўлиб қолмоқда. Гугурт ўйнаш натижасида ёнғин чиқиб, нобуд бўлишяпти. Электр токи уриб, ҳаётдан кўз юмишяпти.

– Игна, санчқи, қайчи каби асбоблар ҳам бола кўзидан нари бўлиши лозим.

– Болалар орасида данак, тугмага ўхшаган нарсаларни отиб, оғизда илиб олиш ўйини пайдо бўлган. Биринчидан, ўша нарса томоққа кетиб қолиши мумкин. Иккин-

чидан, оғиздан чиққан нарсани қайтиб яна оғизга олиб бўлмаслигини болага тушунтириш керак. Шунингдек, овқатланган пайтда кўп гапирмасликка ўргатинг, акс ҳолда овқат нафас йўлига кетиб, оғир оқибатларга олиб боришини айтинг.

– Айрим ёш оналар чақалоқларини ёнларига олиб эмизганча ухлаб қолишади. Гўдакнинг нафас йўлини кўкраги билан тўсиб, бўғилиб қолишига сабаб бўлишади. Бола алоҳида ўз жойида ухлаши керак.

– Болаларни юқори қаватли уйларнинг осма айвонлари, деразаларидан йиқилишдан асранг!

– Кир ювиш, гўшт майдалагич, шарбат сиқиш машиналарини ишлатишда эҳтиёт бўлинг. Эътиборсизлик натижасида болалар уларга бармоқларини тиқиб олиб, ногирон бўлиб қоляптилар.

– Болали уйда дарвоза ва эшиклар доим ёпиқ туриши керак. Чунки кичкинтой эмаклаб ҳовлига чиқиши, чуқурга, ариққа тушиб кетиши мумкин. Ҳатто, болалар ҳожатхонага, кир ўрага тушиб кетган ҳоллар ҳам бўлган.

– Болали уй эшигини ёпишда, очишда ҳушёр бўлиш зарур: бола эшик тирқишига қўлини қўйиб ўйнаётган бўлиши мумкин.

– Шунингдек, ҳар бир рўзғорда бўладиган арра, болта, болға, омбир, мих ва шунга ўхшаган тиғли нарсаларни эҳтиётлаб сақлаш, бола эсини таний бошлаганида улардан фойдаланиш йўлларини ўргатиб бориш зарур.

Зикр қилинган тавсиялар ҳар куни керак бўладиган, жиддий эътибор қилинадиган ҳолатлардир. Ота-оналар, боғча мураббийлари ва муаллимлар буларга риоя қилишса, келажагимиз бўлган ёш авлод вакиллари соғ, бақувват вояга етадилар, иншааллоҳ.

Бугунги кунда юртимизда тинчлик, хотиржамлик, қут ва баракалилик ҳукм сурар экан, бу – тўғри йўлга қўйилган таълим-тарбиянинг маълум даражада мевасидир. Буни бардавом қилиш яна ота-оналар, тарбиячилар зиммасидадир.

Болага насиҳатнинг ўзи етарли бўлса, унга танбеҳ беришнинг кераги йўқ. Агарда танбеҳ бериш билан бола тузаладиган бўлса, уни калтаклашга ҳожат йўқ. Лекин унисиям, бунисиям самара бермаса, унда бадани кўкармайдиган даражада уриб, пўписа қилиб қўйиш керак.

Тарбияда Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) "Ҳар бирингиз раҳбарсиз ва ҳар бирингиз қўл остингиздагиларга масъулсиз", деган ҳадисларига риоя қилмоқ зарур.

Ҳар сонияда Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига эргашиш лозим. Чунки Аллоҳ таоло у зотни энг чиройли, Қуръон хулқи эгаси қилиб қўйган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оталарни фарзандлари ўртасида адолат ўрнатишга буюрдилар. Имом Табароний ва бошқалар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Совға беришда фарзандларингизни тенг кўринг", деганлар. Ибн Ҳиббон ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Боласининг яхши ишида кўмаклашган отага Аллоҳнинг раҳмати бўлсин", деганлар.

Имом Бухорий ва Муслим Нўъмон ибн Баширдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, у зотни отаси Башир Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига олиб бориб: "Мен ушбу ўғлимга қулларимдан бирини совға қилиб бердим", деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Барча болаларингга шу каби совға берганмисан?" дедилар. "Йўқ", деди у. Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Уни қайтариб ол", дедилар. Бошқа бир ривоятда: "Бу ишингни бошқа болаларингга ҳам қилганмисан?" дедилар. "Йўқ", деган жавобдан кейин Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Аллоҳдан қўрқинглар ва фарзандларингиз орасида адолат қилинглар", дедилар. Нўъмон айтади: "Шундан сўнг отам уйга келиб, берган нарсасини қайтариб олди". Яна бошқа бир ривоятда эса, Пайғамбар (соллаллоҳу

алайҳи ва саллам): “Эй Башир, бундан бошқа ҳам фарзандинг борми?” дедилар. “Ҳа”, деди у. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), “Уларнинг барчасига шу каби ҳадя берганмисан?” дедилар. “Йўқ”, деди у. “Ундай бўлса, мен бундай зулмга гувоҳ бўлолмайман”, дедилар.

Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда келишича, Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида бир киши ўтирган эди. Унинг ўғли келиб қолди. Ота ўғлининг юзларидан ўпиб, тиззасига ўтқазди. Шундан сўнг қизи келиб қолди. Уни олди тарафига ўтқазди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Иккаласини тенг кўрсанг бўларди”, дедилар.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юқоридаги кўрсатмаларидан фарзандлар ўртасида адолат ва тенглик ўрнатиш мезонлари ўрганилади. Ота-она ушбу мезонларга амал қилиш билангина фарзандларини тарбия қилиш асносида ўзларини жабру зулмдан сақлаб қоладилар.

Боладаги жисмоний нуқсонлар ҳам уни руҳий тушкунликка солиб қўйиши аниқ. Бундай бола одатда ўзини ожиз ҳис қилади ва унда норозилик кучли бўлади. Ота-она, ака-ука, опа-сингиллар, қўни-қўшнилар ва қариндош-уруғлар унга нисбатан меҳр-шафқатли, очиқ юзли бўлишлари лозим. Зеро, Имом Термизий ва Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Раҳмон бўлган Зот раҳмлиларга раҳм қилади. Ер юзидагиларга раҳм-шафқат қилинглар, шундагина Олий зот сизларга ҳам раҳм қилади”, деганлар.

Етимлик ҳам болалар руҳиятига қаттиқ таъсир қиладиган ҳолатлардандир.

Ислом дини етимларга алоҳида эътибор билан қарайди, уларни жамиятнинг фаол аъзоларига айлантиришда меҳр ва оқибатни биринчи ўринга қўяди. Қуръони каримда етимларга ғазаб қилмаслик ҳақида бундай дейилади:

فَأَمَّا ٱلۡيَتِيمَ فَلَا تَقۡهَرۡ ٩

Яъни, **«Бас, энди Сиз** (ҳам) **етимга қаҳр қилманг!»** *(Зуҳо, 9)*.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам одамларни етимларни ўз кафолатларига олишга ундаганлар. Жумладан, Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) "Етимни қарамоғига олган одам мен билан жаннатда шундай бўлади", деб икки бармоқларини бир қилиб кўрсатганлар.

Камбағаллик

Бу омил боланинг ўзгалардан ажралиб қолишидаги энг катта сабаблардандир. Кўзини очиб ота-онасини оғир аҳволда ва оиласини танглик, сиқилган ҳолда кўраверишунинг одамовилигини, кўпчиликдан бегоналашувини кучайтиради. У яқинлари ёки қўшни болалар, мактабдаги дўстлари олдида ўзининг етишмовчилигидан, доимий ғамгин ҳолатидан ич-ичдан эзилади. Ўзини яширгани жой тополмай юради ёки аксинча, "омади" чопганларга нисбатан ғаразини очиқ намойиш қилиш пайида бўлади. Агар оиладаги вазият шундай давом этаверса, бу ҳолдаги боланинг руҳан етук бўлиб улғайишини кутиш, албатта, қийин. Шубҳасиз, у жамиятга нафрат ва ғазаб кўзи билан қарайди. Шу тариқа шаклланган феъл-атвор оқибатида эзгу орзу-ниятларидан умид узиб, яхши ўй-хаёлларини ёмон ғаразларга алмаштиради.

Аҳмад ибн Муниъ ва Байҳақий ривоят қилган ҳадисда келганидай, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуоларида ҳамма вақт камбағалликдан паноҳ тилаганлар. Насоий ва Ибн Ҳиббон Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишларича, у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ё Парвардигорим, мен сендан кофирлик ва камбағалликдан паноҳ тилайман", деб муножот қилар эдилар.

Ислом дини фақирликни икки асосий йўл: инсонийлик шаънини эъзозлаш; ижтимоий бирдамлик қоидалари билан даволайди.

1. Инсонийлик шаънини эъзозлаш

Ислом дини жамиятга эътибор ва инсонийлик шаънига ҳурмат жиҳатидан жинси, ранги, ирқи ҳар хил одамларга бир хил муносабатда бўлади. У инсонлар ўртасида тақво, натижа ва яхши амалда фазилат бўлади деган улуғ қоидани то қиёматгача жорий қилган.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِنَّا خَلَقۡنَٰكُم مِّن ذَكَرٖ وَأُنثَىٰ وَجَعَلۡنَٰكُمۡ شُعُوبٗا وَقَبَآئِلَ لِتَعَارَفُوٓاْۚ إِنَّ أَكۡرَمَكُمۡ عِندَ ٱللَّهِ أَتۡقَىٰكُمۡۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٞ ١٣

«Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) **ва бир аёл** (Ҳавво)**дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни** (турли-туман) **халқлар ва қабила** (элат)**лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида** (энг азизу) **мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир...»** *(Ҳужурот, 13)*. Ислом таълимоти инсоннинг жисмига ва суратларига эмас, балки унинг қалбига ва амалларига боқади. Имом Муслим "Саҳиҳ" китобида Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: "...Албатта, Аллоҳ сизларнинг суратларингиз ва жисмларингизга қарамайди, лекин қалбларингиз ва амалларингизга қарайди". Динимиз кучсиз ва фақирларни камситишга қодир бўлганларни бундай ёмонликдан қайтаради, уларга ғазаб қилишни Аллоҳга ғазаб деб қоралайди.

Имом Муслим ривоят қилади. Абу Суфён бир неча (одамлар) ичидан Салмон, Суҳайб ва Билол ҳузурларига келди. Улар: "Аллоҳга қасам, Аллоҳнинг қиличлари Аллоҳ душманларининг бўйнидан оладиганини олмади", деб айтдилар. Абу Бакр: "Бу сўзни қурайшнинг шайхи ва улуғига айтасизларми?" деди. Сўнгра келиб, Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзлаб берди. У зот: "Эй Абу Бакр, балки сиз уларга ғазаб қилгандирсиз, агар уларга ғазаб қилган бўлсангиз, Раббингизга ҳам ғазаб қилган бўласиз", дедилар. Сўнгра Абу Бакр улар-

нинг ёнига келиб: “Эвоҳ, биродарларим, мен сизларга ғазаб қилдимми?” деди. Улар: “Йўқ, Аллоҳ сизни кечирсин, биродар”, дейишди. Бу ривоятдан, бир томондан, бошқа диндаги инсонга тазйиқ ўтказмаслик ва унинг тарафини олиш тушунилса, бошқа томондан, мусулмон ғазаб қилмаслиги лозимлиги англашилади.

2. Ижтимоий бирдамлик қоидалари

Шубҳасиз, Ислом дини камбағаллик мушкулотларини енгишда ожизларга, ночорларга, оғир машаққатлар етганларга эътибор берадиган бирдамлик қоидаларини тузди. Жамиятда камбағалликни кетказишга хизмат қилувчи ана шу йўл-йўриқларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

Мусулмончиликда фарз амал – бойлардан закот йиғиш жорий этилган ва бу маблағ ҳақдорлари – камбағал, мискин, мусофир, қарздорга ва қул озод этиш учун сарф этилиши белгиланган. Аллоҳ таоло:

۞ إِنَّمَا ٱلصَّدَقَٰتُ لِلۡفُقَرَآءِ وَٱلۡمَسَٰكِينِ وَٱلۡعَٰمِلِينَ عَلَيۡهَا وَٱلۡمُؤَلَّفَةِ قُلُوبُهُمۡ وَفِي ٱلرِّقَابِ وَٱلۡغَٰرِمِينَ وَفِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱبۡنِ ٱلسَّبِيلِۖ فَرِيضَةٗ مِّنَ ٱللَّهِۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٞ ٦٠

«Албатта, садақаларни фақат фақирлар, мискинлар, унда (садақа ишида) **ишловчилар, диллари ошна қилинувчи** (кофир)**лар,** (пул тўлаб озод этилувчи) **қуллар, қарздорларга ва Аллоҳ йўлида ҳамда йўловчига** (мусофирга бериш) **Аллоҳ** (томони)**дан фарз** (этилди)**. Аллоҳ илмли ва ҳикматли зотдир»** *(Тавба, 60),* деб баён қилган.

Имом Табароний ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ мусулмонларнинг бойлари зиммасига молларидан камбағалларга беришни фарз қилди, камбағаллар оч ва яланғоч қолганларида бойлар берганидан бошқага кучи етмайди. Огоҳ бўлинг, албатта, Аллоҳ сизларни қаттиқ ҳисоб-китоб қилур...” дедилар». Ислом дини ён қўшниси очлигини билатуриб,

ўзи тўқ ётган мусулмонни мусулмон деб эътиборга олмайди. Батаҳқиқ, Баззоз ва Табароний Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Қўшниси очлигини билиб туриб, ўзи тўқ ётган қўшни менга имон келтирмабди", дедилар. Балки, Ислом унга ёрдам беришни ва қувонч улашишни Аллоҳга яқин бўлишнинг гўзал йўли ва амалларнинг энг афзалидан, деб эътиборга олади.

Табароний "Авсат" номли китобида ҳазрат Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: "Амалларнинг афзали мўмин кишига хурсандчилик улашиш: кийинтириш ёки қорнини тўйдириш ёки ҳожатини раво қилишдир".

Бахтсиз ва очларга қийинчилик вақтида ёрдам бериш муҳим вожиблардан ҳисобланган. Имом Бухорий Абдураҳмон ибн Абу Бакрдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. «Суффа аҳли фақир инсонлар эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Кимнинг ҳузурида икки кишига етадиган овқат бўлса, учинчи кишига берсин ва кимнинг ҳузурида тўрт кишилик таом бўлса, бешинчи ёки олтинчи кишига берсин", дедилар».

Имом Муслим Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу), у киши Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: «Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: "Кимнинг ортиқча улови бўлса, улови йўққа берсин, кимнинг ортиқча таоми бўлса, таоми йўққа берсин". Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) молларнинг барча турларини шу тарзда айтиб ўтдилар. Ҳатто бизларнинг ҳар биримизга бир ортиқча нарса мансуб бўлди. Яъни, ҳар биримизда ортиқча нарса борлигини билиб қолдик ва дарҳол уни тарқатиш ҳаракатига тушдик».

Ислом дини ишлашга қурби етадиган кишилар учун иш йўлларини тайёрлаб беришни ҳокимлар зиммасига вожиб қилиб қўйди.

Абу Довуд, Насоий ва Термизий ривоят қилади: «Ансорийлардан бир киши Пайғамбаримизга (соллалло-

ҳу алайҳи ва саллам) келиб, садақа сўради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уйингда ҳеч нарсанг йўқми?” деб сўрадилар. У: “Ё Расулуллоҳ, бир кўрпа бор, бир қисмини ёпинаман, бир қисмини тўшайман. Бир косам бор, унда сув ичаман”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “У иккаласини олиб кел”, дедилар. У икки нарсани Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўлларига олиб: “Буни мендан ким сотиб олади?” дедилар. Бир киши туриб: “Иккаласини бир дирҳамга сотиб оламан”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким бир дирҳам қўшади?” дедилар. Бир киши: “Мен иккаласини икки дирҳамга оламан”, деди. Унга иккаласини бердилар ва икки дирҳамни олиб, ансорийга тутқаздилар ва: “Бир дирҳамига егулик сотиб олгин, иккинчисига болта сотиб ол ва менга олиб келгин”, дедилар. Болтани олиб келди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари унга даста ўрнатдилар, сўнгра: “Бор, ўтин териб сотгин, ўн беш кун сени кўрмайин”, дедилар. Ансорий шу ишни қилди ва 10 дирҳам пул йиғди. Унинг баъзисига кийим ва баъзисига егулик сотиб олди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу тиланчилик қилишингдан яхшидир. Тиланчилик қиёмат куни юзингда доғ бўлади”, дедилар».

Ислом дини янги фарзанд туғилган оилага нафақа – пул бериш қонунини жорий қилди. Туғилган чақалоқ ҳоким ёки ҳукумат ходими, оддий ишчи ёки оддий одам фарзанди бўладими, барибир.

Абу Убайд “Ал-амвал” китобида ҳазрат Умар ибн Хаттобдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. У киши ҳар туғилган фарзанд отасига 100 дирҳам миқдорида ҳадя ажратди. Фарзанд улғайгани сайин ҳадяни зиёда қилди. Бу тартиб сўнг Усмон (розияллоҳу анҳу), Али (розияллоҳу анҳу) ва бошқалар даврларида жорий бўлиб турди. Бу Ислом дини мусулмонлар қалбига, ҳис-туйғуларининг тубтубига, виждонининг ич-ичига илдиз отган маънавий тарбия мевасидир. Бундай тарбия жамиятни бир-бирига

ёрдам бериш ва ўзаро бирдамликка, имон, рағбат билан ихтиёрий ва чин кўнгилдан яхшилик қилишга ундайди. Мусулмон жамиятидаги бирдамлик, меҳрибонлик ва ўзаро ёрдам беришнинг тарихий намуналари бунга катта далилдир.

Муҳаммад ибн Исҳоқ айтади: "Мадинада бир гуруҳ инсонлар истиқомат қилардилар. Улар ниманинг ҳисобига яшаётганларини ва уларга ким егулик етказиб бераётганини ҳеч ким билмасди. Зайнул Обидин ибн Ҳусайн вафот этгач, бу егуликлар келмай қолди. Шунда билишди, егуликларни у киши кечаси бериб кетар экан. Зайнул Обидинни дафн этаётганларида, унинг елкаларида бева ва мискинлар учун юк ташишдан қолган изларни кўришди".

Лайс ибн Саъд етмиш минг динордан зиёд қийматга эга бир йиллик ғаллага эга эди. Бу ғалланинг ҳаммасини садақа қилди. Одамлар унга: "Ҳеч закот вожиб бўлмайди", дейишди. Бир кун кимошди савдосида бир ҳовли сотиб олди. Уйни қабул қилиб олиш учун борган унинг вакили уйда етим ва гўдак болаларни кўрди. Улар Аллоҳ йўлида уйни беришни сўрадилар. Бу хабар Лайсга етказилди. Шунда Лайс уй ва ундаги ҳамма нарсани берганини вакилига айтиб, уларни хабардор қилишни буюрди.

Абдуллоҳ ибн Муборак улуғ имом, муҳаддис ва кўп садақа қилувчи киши эди. Бир йиллик садақаларининг миқдори юз минг динордан ошарди. Бир куни асҳоблари билан ҳаж қилишга йўлга чиқдилар. Бир шаҳардан ўтаётганларида, йўлда қуш ўлигини кўрдилар. Абдуллоҳ ибн Муборак ҳамроҳларига уни ахлат чуқурига олиб бориб ташлашни буюрдилар. Шериклари олдинда, Абдуллоҳ орқаларидан юриб ахлат чуқурига етишгач, у ерда бир аёлни кўрдилар. Яқин қишлоқдан бўлган бу аёл улар ташлаган қушни олди. Ундан: "Нега олдинг?" деб сўрашганида, у: "Мен ва акам камбағалмиз, бизни ҳеч ким билмайди", деди. Ибн Муборак юкларни келтиришни буюриб, вакилидан қанча маблағ борлигини сўради. "Минг

динор”, деб жавоб берди вакил. Ундан Марвга етиб боришга етадиган йигирма динорни ажратиб, қолганини аёлга беришни амр қилганидан сўнг: “Бу бизнинг шу йил ҳаж қилмоғимиздан афзалдир”, деди ва ортига қайтди.

Давлат, жамият ва инсонлар куч-қудратини камбағалликни кетказиш йўлида ишга солиб, ўзаро бирдамликда ҳаракат қилинса, фақир ва муҳтожлар қолмайди. Ислом уммати тинчлик, тўқлик ва ўзаро бирдамлик, хотиржамлик соясида фаровон яшайди. Жамият фарзандлари турли хил жиноятлардан ва руҳий касалликлардан омонда бўлади ва биз исломий иззат байроғи улуғ ва юксак чўққида ҳилпираб турганини, мўминлар Аллоҳ ёрдамидан шод-хуррамлигини кўрамиз.

ҲАСАД ВА УНИНГ САБАБЛАРИ

Ҳасад бошқа бировдаги неъматнинг кетишини орзу қилишдир. Бу хатарли ижтимоий иллат бўлиб, ота-она, тарбиячилар болалар гўдаклигиданоқ унга қарши даволаш чораларини кўриб бормасалар, шубҳасиз, хатарли таъсир ва ёмон натижа намоён бўлади. Ҳасад бир қарашда кўзга ташланавермайди. Шунинг учун одамлар фарзандларини “бундай қусурдан холи” деб, яхши гумон қилади. Шу боис тарбияга масъул кишилар болани зийраклик билан кузатиб, ундаги ҳасад туйғусини тўғри тарбия бериш ва ҳикмат ёрдамида даволашлари, бартараф қилишлари вожиб. Бундай усул салбий натижа, қийинчилик ва руҳий касалликларнинг олдини олади. Ҳасаддан сақланиш, уни даволаш ёки таг-томири билан йўқ қилиш йўлларини баён қилишдан олдин фарзандда ҳасад, қизғаниш, кўролмаслик оловини ёқадиган сабаблар хусусида сўз юритиш тўғрироқ бўлади. Бу сабаблар қуйидаги ҳолатларда мужассам ифодасини топади:

– фарзаднинг ўз оиласида муҳаббат, мулойимлик каби баъзи имтиёзларни йўқотишдан қўрқиши. Хусусан, оилада янги фарзанд туғилганда, катта фарзанд

чақалоқ бутун меҳр-муҳаббатни ўзига қаратиб олади, деб тасаввур этади;

– фарзандларнинг бирини зийрак, бошқасини анқов деб сифатлашга ўхшаш нисбатлар бериш;

– фарзанднинг бирига аҳамият бериб, бошқасини эътиборсиз қолдириш. Бир болани кўтариб, ўйин-кулги, ҳадялар билан сийлаб, бошқасини қўрқитиб, ғамхўрлик ва ҳадялардан маҳрум этиш сингари вазиятлар. Севимли фарзанди етказган ёмонлик ва азиятлардан кўз юмиб, бепарво бўлиш ва бошқа фарзанди содир этган озгина хато учун жазолаш;

– ўзи камбағал, етишмовчилик билан яшаётгани ҳолда, фарзандини моддият бобида бекаму кўст, бой-бадавлат қариндошлари ичига қўйиш. Шу сингари яна бошқа кўп сабаблар фарзандга ёмон таъсир кўрсатиб, уни руҳий хасталик, худбинлик ва ижтимоий очкўзлик сари етаклаши мумкин. Уйқусизлик, ўз-ўзига ишонмаслик ва нафратланишга ўхшаш руҳий заифликлар ҳам шундан келиб чиқади.

Ислом дини очиқ ҳасадни ҳикматли тарбия асослари билан муолажа қилади. Тарбиячининг бундай муолажаси, албатта, фарзандларнинг ўзаро дўстлик, иноқлик, муҳаббат ва софликда улғайишларига ёрдам беради. Қалбларида бошқаларга ёрдам бериш, яхшилик қилиш ва меҳрибон бўлиш туйғуларини жамлашларига олиб келади. Ҳасадни даволашдаги тарбиявий усуллар қуйидаги ишларда мужассамлангандир:

Ҳасадни даволаш йўллари

1. Фарзандга муҳаббатини сездириб туриш. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай қилар эдилар ва асҳобларини ҳам шунга буюриб, қизиқтириб, амал қилишларини назорат этардилар. Мана, баъзи мисоллар:

Имом Термизий ва бошқалар Абдуллоҳ ибн Бариддан, у киши оталаридан ривоят қилади. У киши айтадилар:

«Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хутба ўқиётганларида Ҳасан ва Ҳусан (розияллоҳу анҳум) иккалалари қизил кўйлак кийган ҳолда юриб келиб, қоқилиб йиқилдилар. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тушиб икковини кўтариб олдилар ва олдиларига қўйиб:

وَٱعْلَمُوٓاْ أَنَّمَآ أَمْوَٰلُكُمْ وَأَوْلَٰدُكُمْ فِتْنَةٌ

«...мол-мулкларингиз ва фарзандларингиз фитна (гуноҳ, азоб ва машаққат манбаи)**дир»**, деб *(Анфол, 28)* ўқидилар-да, сўнгра: “Бу икки гўдакнинг юриб келиб, қоқилиб йиқилганини кўриб, сабр қилолмадим ва сўзимни кесиб (тугатмай) уларни кўтардим”, дедилар».

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳасан ва Ҳусайн (розияллоҳу анҳумо) билан бирга ўйнаб, қўллари ва тиззалари билан юрдилар, улар эса икки томонидан осилиб олишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юриб: “Қандай яхши сизларнинг туяларингиз ва сизлар қандай яхши тенгсизлар”, деб айтдилар. Яъни, сизлар менга тенгсизлар, сизларни мен тенг кўраман, деган маънода.

Имом Бухорий “Ал-Адаб ал-Муфрад”да Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади. У киши айтади: «Бир аъробий Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келиб: “Гўдакларингизни ўпасизларми, биз ўпмаймиз”, деди. Шунда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ қалбингдан раҳматини олиб қўйган бўлса, мен нима ҳам қила олардим”, дедилар».

Имом Бухорий Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида Ақраъ ибн Ҳобис Таймий ўтирганида Ҳасан ибн Алини ўпдилар. Шунда у: “Менинг ўнта болам бор, улардан бирортасини ўпганим йўқ”, деди. Бас, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга қарадилар ва: “Раҳм қилмаганга раҳм қилинмас”, дедилар. Имом Бухорий “Ал-Адаб ал-Муфрад” китобида Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Бир аёл Ойша

(розияллоҳу анҳо) ҳузурига келди. Ойша (розияллоҳу анҳо) унга уч дона хурмо берди. У ҳар бир боласига бир донадан хурмо бериб, ўзига бир дона олиб қолди, иккала боласи хурмони еб бўлиб онасига қарашди. Шунда аёл хурмони иккига бўлиб, болаларига яримтадан берди. Ойша (розияллоҳу анҳо) воқеани Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзлаб берди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Нимага бу сени ажаблантиради? Батаҳқиқ, аёлнинг фарзандларига меҳрибонлигидан Аллоҳ унга ҳам меҳрибон бўлади", дедилар.

Янги фарзанд дунёга келган вақтда унинг акаси ёки опасида ҳасад уйғонишининг олдини олиши лозим бўлган эҳтиёт чораларига доим эътибор қаратмоқ керак. Хусусан, буни тарбиячилар ва оналар унутмасликлари лозим. Эҳтиёт чорасини янги фарзанд туғилишидан бир неча ой олдиндан кўриб бориш лозим.

Янги гўдакни кийинтириш, чўмилтириш, таом едиришда акаси (ёки опаси) ёрдам беришига имконият яратишда зарар йўқ. У гўдак билан бирга ўйнашига рухсат бериш ҳам фойдали бўлиши мумкин, лекин у гўдакка озор бериб қўймаслиги учун доим назорат қилиш керак. Она янги фарзандини эмизиш учун қўлга олганида, ота гўдакнинг акаси билан ўйнаб туриши ёки у билан суҳбатлашиб, меҳр-муҳаббатини билдириши мустаҳабдир. Мақсад севимлилик, маҳбублик, меҳр улашиш бобида ака гўдак билан тенг эканини билдиришдир. Буларни улуғ тарбиячи (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юқорида айтиб ўтганимиз бир неча ҳадисларда баён қилганлар. Шундай экан, тарбиячилар фарзандлари ўзаро муҳаббатли, бир-бирига ёрдам берувчи ва очкўзлик, нафрат, худбинликдан холи бўлишларини хоҳласалар, улуғ муаллим Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йўлларидан юрсинлар.

2. Фарзандлар ўртасида одил бўлиш. Маълумки, ота-она фарзандлар ўртасида муомалада тенг, ҳадялар улашишда одил бўлса, улар ҳасадни билмайди, қалбида очкўзлик ва адоват офатларига ҳам ўрин қолмайди, ака-

укалар ўзаро муҳаббатда ва бир-бирини тушуниб яшайдилар.

3. Ҳасад уйғотувчи сабабларни бартараф қилиш. Ота-она, мураббий фарзанд тарбиясида доно бўлиши керак. Бу ёш қалбдаги очиқ ҳасадни йўқ қилишда энг фойдали воситадир. Оилада янги меҳмон дунёга келгач, катта фарзанд ўзини ота-онанинг эътибори, меҳр-муҳаббатидан четда қолгандек ҳис этмаслиги керак. Агар шундай ҳолат юз берса, бас, ота-она бор кучини фарзандини аввалгидек яхши кўришларини билдиришга сарфлаши лозим. Ота-она фарзандларидан бирини аҳмоқликда айбласа ёки ҳақорат сўзлари билан нафсониятига тегса, унинг қалбида ҳасад ва очкўзлик учқунини пайдо қилади. Шундай экан, мураббийлар озорли, аччиқ сўзлардан тилини сақлашлари лозим. Ота-оналар доимо огоҳ бўлишсин, фарзандни ҳасадчи бўлиб қолишдан сақлашсин. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳасад борасида бундай дейдилар: “Ҳасаддан сақланинг, чунки ҳасад яхшиликларни олов ўтинни егандек ейди”.

Табароний ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Инсонлар доим яхшиликда бўладилар, модомики ҳасад қилмасалар”, дедилар. Сўнг яна: “Ҳасадчи мендан эмас”, дедилар. Фарзанддаги ҳасадни муолажа қилишда ота-оналар ва мураббийлар бу тарбия қонун(асос)ларига муҳтождир. Шубҳасиз, агар улар ўзларига шу қоидани дастуруламал деб билсалар ва ўша қоидаларни турмушга татбиқ этсалар, фарзандлар софдил, беғараз ва ихлосда вояга етадилар.

4. Очиқ ғазаб. Ғазаб – руҳий ҳолат. Гўдак очиқ ғазабни ҳаётининг аввалидаёқ сезади ва умрининг охиригача унга ҳамроҳ бўлади. Очиқ ғазаб инсонга туғилганиданоқ ҳамроҳ экан, унинг ҳар қандай кўринишини жирканч ва ёмон иллат деб баҳолаш хатодир. Чунки Аллоҳ таоло инсонни яратганида унга сезги ва ҳис-туйғу ато этди. Бу етук ҳикмат ва ижтимоий манфаат учундир.

Ғазабнинг фойдалари

Инсон ўзини ҳимоя қилиши, динини ва обрў-эътиборини муҳофаза қилиши, Ватанини душманлардан ва фитналардан муҳофаза этиши керак. Агар инсонда очиқ ғазаб бўлмаса, у Аллоҳ ҳаром қилган ҳукмларга амал қилмаётганларга ёки Ислом динини ҳақоратлаётганларга, Ватан душманларига қарши ғазаб ва нафрат қилмаган бўларди. Шубҳасиз, бундай нафрат ўз ўрнидаги ғазабдир. Баъзи ҳолларда бундай ғазаб Расулуллоҳда (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам кузатилган.

Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ” китобида келтирилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига Аллоҳ ҳаддини қоим қилишдан қайтариш учун бир киши шафоатчи бўлиб келганида, у зот ғазабландилар ва юзларида ғазаб чизиқлари пайдо бўлди. Сўнгра қуйидаги сўзларни айтдилар: “Сизлардан аввалги қавм улуғлари ўғрилик қилганида жазоламай, заифлари ўғрилик қилганида уларга жазо (ҳад) қоим қилиб, ҳалок бўлди. Аллоҳга қасам, агар Муҳаммаднинг қизи Фотима ўғрилик қилса, албатта унинг қўлини кестираман”».

Табароний Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари учун ўч олганларини кўрмаганман. Фақат Аллоҳга ҳурматсизлик қилганлардан ўч олганлар. Агар Аллоҳга бирон киши осий бўлса, унга қаттик ғазаб қилардилар. У кишига иккита иш тўғри келса, енгилроғини танлардилар. Агар унда Аллоҳнинг ғазаби, норизолиги бўлса, ундан энг узоқ одамлардан бўлар эдилар”.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) табиий, очиқ ғазабини яхши мақсадга йўналтирганларни ва ғазабини ютганларни, ғазабланганида ўзини тута олганларни мақтаганлар.

Имом Бухорий ривоят қилади: «Бир киши Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менга насиҳат

қилинг”, деди. У зот (алайҳиссалом): “Ғазаб қилма”, дедилар ва шу сўзни бир неча бор қайтардилар».

Имом Аҳмад “Муснад” китобида келтиради: «Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўрадилар: “Азиз ва улуғ Аллоҳ ғазабидан мени нима узоқ қилади?” У зот (алайҳиссалом): “Ғазаб қилма!” дедилар».

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким қодир бўлатуриб, ғазабини ютса, қиёмат куни Аллоҳ халойиқ олдида уни чақириб, “ҳури айн”дан бирини танлаш ихтиёрини беради”, дедилар» (*Имом Бухорий ривояти*).

Имом Бухорий ва Имом Муслим Ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизлар қандай кишини паҳлавон биласизлар?” дедилар. Улар: “Ҳеч бир киши ундан ғолиб келмаганни”, дедилар. У зот (алайҳиссалом): “Йўқ, ғазабланганида ўзини тута оладиган киши паҳлавондир”, дедилар».

Шубҳасиз, Қуръони карим мўмин ва мўминаларни ғазабни ютишга ва ундан чиройли қайтаришга, жоҳиллардан юз ўгиришга ундайди. Чунки жамиятда муҳаббат ва дўстлик мукаммал бўлиши керак.

وَلَا تَسْتَوِي ٱلْحَسَنَةُ وَلَا ٱلسَّيِّئَةُ ۚ ٱدْفَعْ بِٱلَّتِي هِيَ أَحْسَنُ فَإِذَا ٱلَّذِي بَيْنَكَ وَبَيْنَهُۥ عَدَٰوَةٌ كَأَنَّهُۥ وَلِيٌّ حَمِيمٌ ﴿٣٤﴾

«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ёмонликни) **гўзалроқ** (муомала) **билан даф этинг!** (Шунда) **бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ** (қалин) **дўстдек бўлиб қолур»** *(Фуссилат, 34)*.

وَعِبَادُ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلَّذِينَ يَمْشُونَ عَلَى ٱلْأَرْضِ هَوْنًا وَإِذَا خَاطَبَهُمُ ٱلْجَٰهِلُونَ قَالُوا۟ سَلَٰمًا ﴿٦٣﴾

«Раҳмоннинг (суюкли) **бандалари ерда камтарона юрадиган, жоҳил кимсалар** (бемаъни) **сўз қотганида**

“Саломатлик бўлсин!” деб жавоб қиладиган кишилардир» *(Фурқон, 63)*.

ٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ فِي ٱلسَّرَّآءِ وَٱلضَّرَّآءِ وَٱلْكَٰظِمِينَ ٱلْغَيْظَ وَٱلْعَافِينَ عَنِ ٱلنَّاسِ ۗ وَٱللَّهُ يُحِبُّ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿١٣٤﴾

«Улар (мазкур тақводорлар) **фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни** (хато ва камчиликларини) **афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар»** *(Оли Имрон, 134)*.

Ёмон ғазабнинг кўриниши инсонга, унинг ақлига салбий таъсир кўрсатиб, жамият аҳиллигига ва бирдамлигига путур етказади. Ота-оналар, мураббийлар фарзандининг илк болалик вақтидан то ўсмирлик ва балоғат ёшига етгунича бунга аҳамият беришлари керак. Боладаги ғазабни даволашнинг яхши йўли уни бу иллат сабабларидан йироқ қилиб, ўзида гўзал хулқ ва яхши одатлар пайдо қилишига шароит яратишдир. “Олдини олувчи бир дирҳам даволовчи кўп дирҳамдан яхши”, деган донолар.

Агар ғазабнинг сабаби очлик бўлса, мураббий болани ўз вақтида овқатлантиришга ҳаракат қилмоғи шарт. Чунки овқатни кечиктириш жисмоний ва руҳий касалликларга олиб боради. Қанчалаб мураббийлар қарамоғидаги болани вақтида тўйдирмай, гуноҳкор бўлишади.

Агар ғазабнинг сабаби касаллик бўлса, мураббий боланинг тиббий муолажаси тўғрисида жон куйдириб, унинг соғлигини тиклаш чораларини кўриши лозим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатмаларига мурожаат қилайлик.

Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривоят қилади: “Ҳар бир даврнинг давоси бор, агар даво етса, азиз ва улуғ Аллоҳ изни билан тузалар”.

Агар ғазабнинг сабаблари боланинг ҳақоратланиши ва хорланиши бўлса, мураббий тилини оғир ботадиган сўзлардан тиймоғи лозим, токи болада руҳий касаллик

ва ғазаб ўрнашиб қолмасин. Шубҳасиз, бундай йўл тутиш гўзал тарбия ва яхшиликка ёрдамлашишдир.

Ибн Можа ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Фарзандларингизга чиройли одоб беринг”, дедилар. Ибн Ҳиббон ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Фарзанднинг яхши бўлишига ёрдам кўрсатган отага Аллоҳ раҳм қилсин”, дедилар.

Агар бола ғазабининг сабаби ота-онага тақлид бўлса, ҳалимликда ва ғазабни ютишда, бардошлиликда ота-она фарзандга тўғри ўрнак бўлиши лозим. Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзига мувофиқ:

وَٱلْكَٰظِمِينَ ٱلْغَيْظَ وَٱلْعَافِينَ عَنِ ٱلنَّاسِ ۗ وَٱللَّهُ يُحِبُّ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿١٣٤﴾

«**…ғазабларини ютадиган, одамларни** (хато ва камчиликларини) **афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар»** *(Оли Имрон, 134)*.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) насиҳатларига мувофиқ: “…лекин ғазабланган вақтида ўзини тута олган паҳлавондир”.

Агар ғазабнинг сабаби фарзанд ҳузурида исрофгарчилик қилиш ва ҳаддан зиёд эркалаш бўлса, мураббийлар фарзандларга муҳаббатда тенг бўлишлари ва меҳрибонликда, нафақада ўртача бўлишлари керак.

Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) айтганларига мувофиқ: “Яхши кўрганингни ўртача яхши кўр, бир кун ёмон кўрганингга айланиши; ёмон кўрганингни ҳам ўртача ёмон кўр, бир куни яхши кўрганингга айланиши мумкин”.

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эрка қилиб ўстиришдан сақланинглар, чунки Аллоҳнинг бандалари эрка қилиб ўстирувчи эмас”, деб огоҳлантирганлар.

Агар бола ғазабининг сабаблари ҳазил-мазах ва лақаб тақиш сингари ярамас одатлар бўлса, мураббийлар бундай сабаблардан сақлансинлар, фарзандда ғазаб туйғуси илдиз отмаслиги жуда муҳим. Ёмон гумон

қилиш, жосуслик, лақаб билан чақиришдан қайтаришда Қуръони карим энг улуғ тарбиячидир. Ҳужурот сурасида бундай дейилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا يَسۡخَرۡ قَوۡمٞ مِّن قَوۡمٍ عَسَىٰٓ أَن يَكُونُواْ خَيۡرٗا مِّنۡهُمۡ وَلَا نِسَآءٞ مِّن نِّسَآءٍ عَسَىٰٓ أَن يَكُنَّ خَيۡرٗا مِّنۡهُنَّۖ وَلَا تَلۡمِزُوٓاْ أَنفُسَكُمۡ وَلَا تَنَابَزُواْ بِٱلۡأَلۡقَٰبِۖ بِئۡسَ ٱلِٱسۡمُ ٱلۡفُسُوقُ بَعۡدَ ٱلۡإِيمَٰنِۚ وَمَن لَّمۡ يَتُبۡ فَأُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ١١

«Эй мўминлар! (Сизлардан) **бирор миллат** (бошқа) **бир миллатни масхара қилмасин! Эҳтимолки,** (масхара қилинган миллат) **улардан яхшироқ бўлса. Яна** (сизлардан) **аёллар ҳам** (бошқа) **аёлларни** (масхара қилмасин)**! Эҳтимолки,** (масхара қилинган аёллар) **улардан яхшироқ бўлса. Ўзларингизни** (бир-бирларингизни) **мазах қилмангиз ва бир-бирларингизни лақаблар билан атамангиз! Имондан кейин фосиқлик номи нақадар ёмондир! Кимки тавба қилмаса, бас, айнан ўшалар** (гуноҳ ишлар билан ўзларига нисбатан) **зулм қилувчилардир»** *(11-оят)*.

Фарзандга Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гўзал ахлоқларидан таълим бериш ундаги ғазабни даволашда энг яхши таъсир қиладиган доридир. Ғазабни босишда қуйидагилар тавсия этилади:

Ғазаб келганида ҳолатни ўзгартириш. Имом Аҳмад ва бошқалар ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Биронтангиз ғазаблансангиз, тик турган бўлса, ўтирсин, агар ундан ғазаб кетмаса, ётиб олсин”, дедилар.

Ғазаб келганида таҳорат олиш. Имом Абу Довуд ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ғазаб шайтондан, шайтон оловдан яратилган. Албатта, сув оловни ўчиради. Агар бирортангиз ғазаб қилса, бас, таҳорат олсин”, дедилар.

Ғазаб келганида сукут сақлаш. Имом Аҳмад ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирортангиз ғазабланса, бас, сукут сақласин”, дедилар.

“Аъузу биллаҳи минаш шайтонир рожим” (таъаввуз)**ни айтиш.** “Саҳиҳи Муслим” китобида келтирилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида икки киши ўзаро ҳақоратлашиб қолди. Бирининг юзлари қизариб, ғазаб билан соҳибини ҳақорат қилди. Шунда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) «Мен бир сўзни биламан, агар уни – “аъузубиллаҳи минаш шайтонир рожим”ни айтса, ғазаби кетади», дедилар.

Шундай экан, ота-оналар, мураббийлар фарзандларга ва шогирдларга Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ғазабни кетказиш ва енгиллатиш борасидаги шу васиятларига кўра одоб беришлари лозим, токи улар тезда ҳалимлик, бардошлилик касб этсинлар, ғазабланганида ўзини тутишга одатлансинлар. Мураббийлар ғазабланган кишининг кўзлари чақчайиб, қон томирлари шишиб, ҳунук қиёфага кириши ва овози баланд кўтарилишини тасвирлаш билан фарзандларга ғазабнинг ёқимсизлигини, жирканчлигини билдиришлари зарур. Шунингдек, болаларни ғазабнинг офатлари, хатарлари ва жирканч оқибатларидан ҳам огоҳ этиш керак.

Ғазабнинг кўринишларидан огоҳ этиш ва ёмонлигини тушунтириш жамият тарбияси ва нафс муолажаси учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатган йўлдир.

Имом Аҳмад Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади. У зот: “Огоҳ бўлинг, албатта, ғазаб одам фарзанди қалбида ёнадиган чўғдир, унинг қон томири шишганига ва кўзлари қизарганига қарамайсизми? Ким шуларнинг бирини (ўзида) сезса, бас, ерга (ўтирсин)”, дедилар.

Хулоса қилиб айтсак, ота-она, мураббийлар фарзандларини ёшлигиданоқ ғазабнинг турли сабабларидан узоқлаштириб, уни даволаш ва тинчлантиришда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йўлларини тутсалар, шубҳасиз, фарзандлар ҳалим, бардошли, нафсини тиядиган бўлиб улғаядилар.

Ота-она, тарбиячилар болаларни уятчанлик, қўрқув, онгсизлик, ҳасад ва ғазабдан қутқарсалар, уларнинг нафсларида собитлик, журъатлилик, шижоат, пешқадамлик ва бардошлилик уруғини эккан бўладилар. Бундай тозалаш ва безатиш болаларни келажакка муносиб кишилар қилиб тайёрлайди. Уларда ҳаётга ишонч, ғайрат, пок ва олийжаноб хулқларни пайдо қилади. Хуллас, нафсни тарбиялаш ва тўғрилашда мураббийлар Ислом йўлини, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатмаларини билишлари, зиммаларидаги масъулиятни адо қилишлари керак.

ИЖТИМОИЙ ТАРБИЯ МАСЪУЛИЯТИ

Ижтимоий тарбиядан мақсад – болани ёшлигиданоқ одамлар билан яхши муомала қилиш одобига ўргатиб, маънавий баркамол этиб вояга етказишдир. Бу тарбия ҳам муборак Ислом ақидаси ва чуқур имон туйғусидан озиқланади. Бундай тарбия кўрган бола жамиятда гўзал муомаласи, одоби, ақли билан ажралиб туради.

Шубҳасиз, бола тарбияси ота-она, мураббийлар учун муҳим масъулият ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар қандай тарбия имон, хулқ ва нафс тарбиясининг умумий маҳсулидир. Ижтимоий назорат ва тўғри сиёсат таъсирида тарбия топган бола ўз бурчларини бажариб, одоб қоидаларига риоя қилади.

Тажрибадан маълум, жамият соғлом, кучли ва мустаҳкам бўлиши учун унинг ҳар бир аъзоси ҳар томонлама соғлом бўлиши зарур. Бу ўринда Ислом таълимотининг ижтимоий ва ахлоқий тарбиядаги беқиёс ўрнини алоҳида таъкидлаш муҳим. Устоз-мураббийлар ижтимоий тарбияда катта масъулият ва ғайрат кўрсатишлари керак. Ижтимоий тарбиянинг амалий услублари нималардан иборат? Бу услуб тўрт ишда кўринади.

1. Фазилатли қалбни тарбиялаш.
2. Бошқалар ҳақига риоя қилиш.

3. Умумижтимоий одобларни ўргатиш.

4. Назорат ва ижтимоий танқид.

1. Фазилатли қалбни тарбиялаш. Ислом яхши тарбия қоидаларини катта-кичик, эркак-аёл, ёш ва кекса одамлар қалбида ҳаё, одоб ва эзгулик қоидаларига кўра қоим қилди. Исломий шахсият шу хислатлар билан мукаммал ва тўлиқ бўлади. Эзгу фазилатли қалбни тарбиялашга доир Исломнинг бебаҳо кўрсатма ва тўғри йўриқлари бор. Улар ижтимоий тарбияни етук ва мукаммал қилади. Натижада жамият ўзаро ҳамкорлик, ишончли бирдамлик, юксак одоб ва ўзаро муҳаббатга асосланган ҳолда тараққий топади. Бу йўриқлардан энг олдиндагиси бола қалбида тақво уйғотишдир.

Тақво

Тақво Аллоҳдан ва азобидан қўрқиш, кечиришини ва савобини умид қилишдир. У нафсни назорат қилиш билан ҳосил бўладиган имон шуурининг табиий самараси ва муқаррар натижасидир. Уламолар унга қуйидагича таъриф берадилар:

“Тақво Аллоҳ қайтарган ишга яқин йўламаслик ва буюрган ишидан оғмасликдир”. Бошқа баъзи уламолар қуйидагича таърифлайди:

“Яхши амаллар ила Аллоҳ ғазабидан сақланиш ва Аллоҳдан яширин ва ошкор қўрқиш”. Қуръони карим кўп оятларда тақво фазилатига буюради ва унга қизиқтиришга аҳамият беради. Шунинг учун саҳобалар ва салаф олимлар тақвога катта эътибор беришган, уни топганлар, унга интилганлар ва у ҳақда сўраганлар.

Убай ибн Каъб Умар ибн Хаттобдан (розияллоҳу анҳу) тақво ҳақида сўради. У киши: “Тиконли йўлда юрганмисан?” дедилар. Убай: “Ҳа, юрганман”, деди. Умар ибн Хаттоб: “Қандай юргансан?” деб сўрадилар. У: “Кийимимни шимардим ва тиришдим”, деди. У киши: “Мана шу тақво”, дедилар.

Тақво мўмин қалбига Аллоҳдан қўрқиш ва Унинг назоратида эканини англаш ҳиссини тўлдиради. У барча ижтимоий одоблар манбаи, гуноҳлар ва муфсидлардан сақловчи ягона йўлдир. Шунингдек, у жамиятни бут қилувчи омилдир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Тақво мана бу ерда", деб уч бор кўкракни кўрсатганлар. Бундан эса ижтимоий тарбияда қалб катта аҳамиятга эга экани англашилади.

Тақвонинг таъсири ҳақида баъзи намуналар: Имом Ғаззолий "Иҳё" китобида ривоят қилади. Юнус ибн Убайднинг дўконида қиймати 400 дирҳамлик ва 200 дирҳамлик матолари бор эди. Бир куни намоз ўқиш учун масжидга кетишида ўрнига акасининг ўғлини қўйди. Бир аъробий келиб 400 дирҳамлик матони сўради. Сотувчи унга 200 дирҳамлик матони кўрсатди. У уни чиройли деб рози бўлди ва 400 дирҳамга сотиб олди. Йўлда унга Юнус рўпара келди ва матони таниб қолиб: "Қанчага сотиб олдингиз?" деб сўради. У: "400 дирҳамга", деди. Юнус: "Бу мато 200 дирҳамдан баланд турмайди, уни қайтариб бер", деди. Шунда аъробий: "Бизнинг шаҳримизда 500 дирҳамдан сотишади, мен бу нархга розиман", деди. Юнус эса: "Мен билан қайт, чунки динимизда тўғрилик мол-дунё ва ундаги нарсалардан яхшидир", деди. Сўнгра уни дўконга олиб бориб, 200 дирҳам қайтариб берди. Ва акасининг ўғлига бу борада танбеҳ берди. Сўнгра: "Аллоҳдан уялмайсанми? Аллоҳдан қўрқмайсанми? Мусулмонларни алдаб, пул фойда қиласанми?" деди. Шунда ҳалиги харидор: "Аллоҳга қасам, у рози бўлгани учун олдим", деди. Юнус: "Ўзинг ундан рози бўлганингдек, унга ҳам рози бўлмайсанми?" деди.

Абдуллоҳ ибн Динор шундай ривоят қилади: "Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) билан Маккага йўлга чиқдик, йўлда дам олиш учун тўхтадик. Тоғдан бир чўпон ёнимизга келди. Унга: "Эй чўпон, бир қўй сотгин", дедик. У: "Мен қулман", деди. Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)

синаш учун: “Хўжангга бўри еди, деб айтгин”, деди. Шунда чўпон: “Хўжайин-ку ишонар, лекин Аллоҳни нима деб алдайман?” деди. Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) йиғладилар, сўнгра қул билан билан бирга уйига бориб, уни хожасидан сотиб олди ва озод қилди. Сўнг: “Бу сўз сени бу дунёда озод қилди, охиратда ҳам (дўзахдан) озод қилишидан умидворман”, деди.

Она билан қиз ўртасида бўлиб ўтган ушбу қиссани кўпчилик билади: она сутга сув қўшиб, кўпроқ фойда кўришни хоҳлайди, қизи эса мўминлар амири бундан қайтарганини эслатади. Она: “Биз қаердамиз, амир қаерда? У бизни кўриб ўтирибдими?” дейди. Қиз эса қатъият билан қаршилик кўрсатади: “Мўминлар амири кўрмаётган бўлса ҳам, мўминлар амирининг Раббиси бизни кўриб турибди”, дейди.

Фарзандларни тақвога ўргатиш вожибдир.

2. Қардошлик (биродарлик). У руҳий муносабат бўлиб, муҳаббат ва ҳурматга асосланади. Одамларни бир-бирига исломий ақида алоқалари ва имон, тақво хислатлари билан боғлайди. Қардошлик ўзаро ҳамкорлик ва бошқани ўзидан ортиқ кўришда, мулойим қалб ва кечиримлиликда кўринади, жамиятнинг мол-жони ва обрўларига зарар берувчи ҳар қандай нарсадан узоқ бўлиш ҳиссини пайдо қилади.

Ислом Аллоҳ йўлидаги қардошликка ундайди. Унинг мақсади, бурчлари Қуръон оятлари ва ҳадисларда баён қилинди.

إِنَّمَا ٱلْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ

«Албатта, мўминлар динда ўзаро биродардирлар...» *(Ҳужурот, 10)*.

سَنَشُدُّ عَضُدَكَ بِأَخِيكَ ...

«Биз сени биродаринг (Ҳорун) **билан қувватлантирурмиз...»** *(Қасас, 35)*.

وَٱذْكُرُوا۟ نِعْمَتَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ كُنتُمْ أَعْدَآءً فَأَلَّفَ بَيْنَ قُلُوبِكُمْ فَأَصْبَحْتُم بِنِعْمَتِهِۦٓ إِخْوَٰنًا

«...ўзаро адоватда бўлган пайтларингизда дилларингизни (туташтириб) **ошно қилиб қўйган Аллоҳнинг неъматини ёдда тутинг. Унинг неъмати туфайли биродарларга айландингиз...»** *(Оли Имрон, 103)*.

Имом Муслим ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Мусулмон мусулмоннинг қардоши, унга зулм қилмайди, (душманга) топширмайди, хорламайди, таҳқирламайди. Мусулмон кишининг биродарларини таҳқирлаши унга ёмонлигига кифоя қилади. Мусулмонга бошқа мусулмоннинг қони, моли ва обрўси ҳаромдир. Тақво мана бу ерда", деб уч марта айтиб, кўкракларига ишора қилдилар.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти: "Одам ўзи яхши кўрган нарсани биродарига илинмагунича ҳақиқий мўмин бўла олмайди".

Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривояти: "Дўстлашиш, ўзаро меҳрибонлик ва раҳмдилликда мўминлар бир вужудга ўхшайди. Унинг бир аъзоси азоб чекса, бошқа аъзолари ҳам вақтни уйқусизлик ва иситма қилиш билан ўтказади".

Имом Муслим "Саҳиҳ" китобида ривоят қилади. Аллоҳ таоло қиёмат куни: "Менинг жалолим ила муҳаббат қилишганлар қани? Менинг соямдан ўзга соя бўлмаган бу кунда уларни Ўз соямга олурман", дейди.

Асрлар оша Ислом жамиятида одамларнинг ўзаро муомаласи, кўнгил сўраши, бошқаларни ўзидан устун қўйиши ва ўзаро ёрдамни аямаслиги Аллоҳ йўлидаги муҳаббат ва қардошлик (биродарлик) натижасидир.

Баъзи ибратли мисоллар билан танишсак.

Ҳоким "Мустадрак"да ривоят қилади: Муовия ибн Абу Суфён (розияллоҳу анҳу) Ойша онамизга (розияллоҳу анҳо) 80 минг дирҳам юбордилар. У киши рўзадор эдилар. Эгниларида эски кўйлак. Бу пулларни ўша вақтнинг

ўзида фақирлар, мискинларга тақсимлаб бердилар. Ундан бир дирҳам ҳам қолмади. Шунда у кишига хизматчиси: “Эй мўминлар онаси, ифтор қилиш учун ўзимизга ҳам бирор дирҳам олмадингизми?” деди. “Эй қизим, агар эслатганингда, албатта олардим”, дедилар у зот (розияллоҳу анҳо).

Табароний “Кабир”да ривоят қилади. Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) 400 динор пулни ҳамёнга солдилар ва хизматкорига: “Буни Абу Убайда ибн Жарроҳга олиб бориб бер”, дедилар. Хизматкор пулни олиб борди ва: “Мўминлар амири сиз буларни ўз ҳожатингизга ишлатишингизни айтдилар”, деди. Абу Убайда: “Аллоҳ Умарга раҳмат ёғдирсин”, дедилар, сўнгра: “Эй хизматчи, бу етти динорни фалончига, бу беш динорни фалончига ва бу беш динорни фалончига олиб бориб бер”, деб пулни тақсимладилар. Хизматчи Умар (розияллоҳу анҳу) ёнига қайтиб, воқеани сўзлаб берди. Умар (розияллоҳу анҳу) яна шунча дирҳамни Муоз ибн Жабал учун тайёрлаб қўйган эди. “Буни Муозга олиб бориб бер!” дедилар. Хизматчи пулни олиб бориб берди ва: “Буни ўз ҳожатингизга ишлатишингизни мўминлар амири айтиб юбордилар”, деди. У киши: “Аллоҳ у кишига раҳмат ёғдирсин”, дедилар. Сўнгра: Эй хизматчи, бунчаси фалончига ва бунчаси фалончига”, деб тақсимлаётганларида бир аёл келиб қолди. У Муознинг хотини эди. У аёл: “Аллоҳга қасам, биз камбағалмиз, бизга ҳам беринг”, деди. Ҳамёнда икки дирҳам қолган эди. Муоз шу икки дирҳамни аёлга отди. Шундан сўнг хизматчи келиб, Умарга (розияллоҳу анҳу) воқеани айтиб берди. Бундан Умар (розияллоҳу анҳу) хурсанд бўлдилар ва: “Улар бир-бирлари билан қардош (биродар)дирлар”, дедилар.

Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) даврларида қаттиқ қаҳатчилик бўлди. Шомдан Ҳазрат Усмоннинг минг туяда озиқ-овқат ва либослари юкланган карвон келди. Тижоратчилар ҳар томондан бу карвондаги юкларни сотиб олиш истагида югуриб келишди. Уларга: “Қанча фойда

берасизлар”, дейилди. Улар: “Беш фоиз фойда берамиз”, дейишди. “Бу фойдадан кўпроқ берадиганни топдик”, дейилди. Улар: “Бу фойдадан кўпроқ берадиганни билмаймиз”, дедилар. Уларга Усмон (розияллоҳу анҳу): “Мен бир дирҳамга 700 ва ундан кўпроқ берувчини топдим. Мен Аллоҳни топдим”, деди ва ушбу оятни ўқиди:

مَّثَلُ ٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ أَمۡوَٰلَهُمۡ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أَنۢبَتَتۡ سَبۡعَ سَنَابِلَ فِي كُلِّ سُنۢبُلَةٖ مِّاْئَةُ حَبَّةٖۗ وَٱللَّهُ يُضَٰعِفُ لِمَن يَشَآءُۗ وَٱللَّهُ وَٰسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٦١﴾

«Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) **мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошоғида юztадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга** (савобини) **янада кўпайтириб беради. Аллоҳ** (карами) **кенг ва билимдон зотдир»** *(Бақара, 261)*.

Сизлар гувоҳсизлар, эй савдогарлар! Карвон ва ундаги буғдой ва ун, зайтун ва сариқ ёғ ҳаммасини Мадина фуқаро (камбағал)ларига ҳиба қилдим ва, албатта, у мусулмонларга садақадир”, деди ҳазрат Усмон *(р.а)*.

Имом Бухорий “Адаб ал-Муфрад” китобида Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бир вақтлар келди, бирон киши динор ва дирҳамча мусулмон биродаридан ҳақлироқ бўлмади”.

Болаларимизни биродарлик, ўзаро меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш бизга вожибдир.

3. Меҳрибонлик (раҳмат). У қалбдаги юмшоқлик, виждонда сезгирлик ва ақлда ўткирликдир. Меҳрибон қалб бошқаларга ачинади, улар учун азобланади, уларга раҳм қилади, ғам ва азият кўз ёшларини аритади (тўхтатади). Меҳрибонлик мўминга азият беришдан, жиноятдан асрайди. Бундай фазилат эгаси барча инсонларга тинчлик ва яхшиликни тилайди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсонларнинг бир-

бирига меҳрибонлиги Аллоҳнинг уларга бўлган меҳрибонлигидир, деб таърифлаганлар.

Имом Термизий, имом Абу Довуд ва имом Аҳмад ривоят қиладилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Меҳрибонларга Аллоҳ меҳрибон бўлади, (ерда) бошқаларга меҳрибон бўлинглар, сизларга ҳам осмондаги Зот меҳрибон бўлур”, дедилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) меҳрибонликдан маҳрум бўлганларни бахтсиз киши деб таърифлаганлар.

Имом Термизий, имом Абу Довуд ва бошқалар ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бахтсиз кишида меҳрибонлик бўлмайди” дедилар. Мўмин фақат мўмин қардошига эмас, бошқаларга ҳам меҳрибонлик кўрсатади.

Табароний ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобийларига: “Бир-бирингизга меҳрибон бўлмагунча мўмин бўлмайсизлар”, дедилар. Ҳазрат Умар: “Ё Расулуллоҳ, барчамиз меҳрибонмиз”, деди. Шунда у зот: “У бирингиз ўз дўстига қилган меҳрибонлик эмас, балки халққа қилинган меҳрибонликдир”, дедилар. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу кўрсатмаларидан маълум бўладики, меҳрибонлик фақат мусулмонларга эмас, балки барча инсонларга меҳрибон бўлиш экан. Ана шундай меҳрибонлик инсоннинг ҳақиқий мўминлигини кўрсатади. Агар бундай меҳрибонлиги бўлмаса, инсон комилликка етишолмайди. Мўмин киши тақво қилади ва бировга озор беришдан тийилади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир фоҳиша аёл итга сув бергани учун Аллоҳ гуноҳидан ўтиб, унга жаннат эшикларини очгани ва бошқа бир аёл мушукни қамаб қўйиб, унга сув ва нон бермай ўлдиргани сабаб, раҳмсиз аёлни дўзахга маҳкум қилгани ҳақида сўзлаганлар.

Демак, инсон одамларга, ҳайвонот ва набототга ҳам меҳрибон бўлиши керак. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу)

бир киши қўйини сўйиш учун оёғидан судраб олиб бораётганини кўрди. Шунда унга: “Сенинг ҳолингга вой бўлсин! Уни ўлимга чиройли ҳолда олиб бор”, деди.

Исломий тарбия натижасида шаклланадиган меҳрибонликка айрим мисоллар келтирсак:

Тарихчилар ривоят қилади. Амр ибн Ос Миср фатҳида қурган чодирининг устига кабутар ин қурди. Амр кетмоқчи бўлганида инни кўриб қолди ва чодирни бузиб, қушга зулм қилишни истамади. Чодирни бузмай ташлаб кетди. Чодир атрофида аҳоли кўпайди ва бу жой “Фустот”, яъни “Чодир” деб аталувчи шаҳарга айланди. Бу Миср шаҳрининг эски номидир.

Умар ибн Хаттоб жоҳилият вақтларида қалби қаттик, раҳм-шафқатсиз деб танилган эди. Ислом тарбияси унинг қалбида меҳрибонлик (раҳмат) булоғини очгач, ҳар бир иши учун Аллоҳ ҳузурида масъулият сеза бошлади. Ҳатто йўл бермагани оқибатида йиқилиб ўлган хачир учун ҳам ўзини жавобгар ҳисобларди.

Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) Усома ибн Зайд аскарларига: “Аёлларни, кексаларни ва гўдакларни ўлдирманглар, хурмо ва мевали дарахтларни кесманглар, уйларида ёлғиз ўтирган кишиларга тегманглар”, деб насиҳат қилган эди.

Ислом таълимоти аёллар, кексалар ва гўдакларга, мевали дарахтларга, уйда ўтирган тинч аҳолига уруш вақтида ҳам зарар етказмасликка ундайди. Ҳозирда дунёда рўй бераётган қўпорувчилик ва тинч аҳолини портлатиш каби воқеалар Ислом таълимотига зид хатти-ҳаракатлардир.

Мусулмонлар ҳузуридаги вақф мол-мулклари:

1. Уйсизлар вақфи – уйсизларни очликдан сақлаш, бошпана билан таъминлаш учун махсус ажратилган мол-мулк. Одамлар мол-мулкли бўлгунича ёки вафот этгунича ҳам шу ерда яшайверган.

2. Тўйлар вақфи – хурсандчилик ва тўй муносабати учун кийим ва зеб-зийнатларни камбағалларга эвазсиз

вақтинча бериладиган вақф тури. Бу билан камбағал хурсандчилик кунини тоза кийимда гўзал шаклда ўтказади, кўнгли хотиржам бўлади, кўпчилик орасида ўксинмайди.

3. Ғариб ва касал кишилар дўстлик вақфи. Оғир беморларнинг касалини енгиллатиш учун махсус шинаванда одам тайинланади. У чиройли ҳикоя, ривоят, шеър ёки қўшиқлар билан хастанинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилади.

4. Тортиқ вақфи – бирор-бир буюмни синдириб ёки бериб юборган хизматкор хўжайин ғазабига учрамаслиги учун жорий этилган. Бошига шундай ташвиш тушса, хизматчи вақф идорасига синган буюмни бериб, ўрнига янгисини олади ва бу билан ғазабу азобдан нажот топади.

Шунингдек, очни тўйдириш, чанқаганга сув бериш ва яланғочга кийим бериш, майитни кўмиш, етимни кафилликка олиш, изтироб чекаётган кишига ёрдам бериш ва ожизнинг кўнглини сўрашга йўналтирилган вақфлар ҳам бор.

Шубҳасиз, вақф ва хайрия жамғармалари илм даргоҳлари ва бошқаларга кўмак бериши, яхшиликка интилиш кабилар Аллоҳ мўминларнинг кўнглига солган меҳрибонлик (раҳмат)дан қолган излардир.

Бу қадриятлар асрлар оша қон-қонимизга сингди, маданиятимизга айланди. Биз ҳам фарзандларимизда шундай фазилатларни тарбиялашимиз лозим.

4. Бошқани ўзидан ортиқ кўриш. Бу руҳий туйғу инсоннинг яхшилик ва фойдали ишларда бошқани ўзидан устун қўйишидир. Бу ишда Аллоҳ ризолиги ният қилинса, имон содиқлиги, хулқ ва руҳ поклигининг биринчи қоидалари бажарилган бўлади.

Бизга Қуръони каримда Ислом жамияти аъзоси бўлган ансорийларнинг сифатлари келтирилгани ибратдир. Бу сифатлар ўзаро мулойимлик, бошқаларни афзал кўриш ва ҳамдардликда кўринади.

وَٱلَّذِينَ تَبَوَّءُو ٱلدَّارَ وَٱلْإِيمَٰنَ مِن قَبْلِهِمْ يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ

فِي صُدُورِهِمْ حَاجَةً مِّمَّآ أُوتُواْ وَيُؤْثِرُونَ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ
خَصَاصَةٌ وَمَن يُوقَ شُحَّ نَفْسِهِۦ فَأُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٩﴾

«Улардан (муҳожирлардан) **илгари** (Мадинадек) **диёрда яшаган ва имонни сақлаганлар** (ансорлар) **эса ўзлари** (ёнлари)**га ҳижрат қилиб келган кишиларни суйгайлар ва дилларида уларга берилган нарса** (ўлжалар) **сабабли ҳасад сезмаслар ҳамда ўзларида эҳтиёж бўла туриб,** (эҳсон қилишда бошқа муҳожирларни) **ихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафси бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар** (охиратда) **нажот топувчилардир»** *(Ҳашр, 9)*.

Ўз ихтиёри билан ўзидан бошқани афзал кўриш ва ижтимоий ҳамдардлик ансорийлар хулқида жилоланди, башарият тарихида уларнинг ўхшашини топа олмайсиз. Ансорийлар динлари учун қувилган ва ватанларидан ҳайдалган, дунё зийнатлари ва матоларидан узилган муҳожир биродарларини ўзларига шерик қилдилар. Уларга ёрдам бердилар. Ҳаёт насибаларида уларни ўзларидан афзал кўрдилар. Агар улардан бири вафот этса, иккинчилари меросхўр бўлишди.

Жамиятда бошқани афзал кўриш намуналари. Имом Ғаззолий “Иҳёу улумид-дин” китобида Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади.

У киши: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларидан бирига бир қўй калласи ҳадя қилинди. Шунда у: “Мендан ҳам муҳтожлар бордир”, деди ва қидириб топиб, унга берди. У ҳам ўзидан муҳтожроқни излаб топиб, унга берди. Шу тарзда биридан бошқага ўтиб, ҳатто етти кишидан сўнг яна биринчи саҳобага қайтиб келди», деди.

Мўминлар онаси, Асад қабиласидан бўлган Зайнаб бинти Жаҳш “уммул масакин”, яъни “фақирлар онаси” лақабини олганлар. Бунга ўзларидан бошқани афзал кўриш ва ҳамдард бўлишлари сабаб бўлди.

Ибн Саад “Табақот” асарида ривоят қилади.

Бараза бинти Бойиъ айтиб берди. Ҳадялар йиғилганида, Умар ибн Хаттоб унинг (Зайнабнинг) улушини бериб юборди. Юк ташувчи кирганида: “Аллоҳ Умарни мағфират қилсин! Биродарларим орасида буни тақсимлашга мендан кўра у муносиброқ”, деди. Шунда улар: “Бунинг барчаси сенга”, дейишди. “Субҳаналлоҳ”, деб кийими билан уни беркитди ва: “Тўкинглар ва устига кўйлакни ташланглар”, деди. Қиссачи айтади: “Сўнгра менга: “Қўлингни тиқ ва қисмлаб олиб фалончининг болаларига етказиб бер, фалончининг болаларига ҳам... деяверди, ҳатто ҳадядан фақат кўйлак остидагиси қолди”. Зайнаб бинти Жаҳшга Бараза бинти Бойиъ: “Сизни Аллоҳ мағфират қилсин, эй мўминлар онаси, Аллоҳга қасам, бунда менинг ҳақим бор эди”, деди. Шунда: “Кўйлак остидаги сизга”, деди. Бизлар кўйлакни олиб қарасак, саксон беш дирҳам қолган экан.

Олдинги саҳифалардан бирида Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) минг дирҳамга тенг бўлган ҳадяларни фақир ва камбағалларга тақсимлаб, ўзларига ифторлик қилишлари учун бир дирҳам ҳам қолдирмаганлари ҳақида ривоят келтирилган эди. Агар хизматчилари эслатганида, Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) албатта олар эдилар, лекин бошқаларни хурсанд қилиш учун ўзларини унутган эдилар.

Қуртубий ривоят қилади: «Ярмук куни амакимнинг ўғлини излаб чиқдим. Қўлимда сув бор эди. Ва мен: “Агар чанқаган киши бўлса, сув бераман”, дедим. Ногоҳ амаким ўғлини кўрдим ва: “Сув берайми?” дедим. У боши билан “ҳа” деб ишора қилди. Шунда бошқа киши “оҳ... оҳ...” дерди. Амаким ўғли сувни унга беришимни ишора қилди. Борсам, у Ҳишом ибн Ос экан. Унга: “Сув берайми?” дедим. У “ҳа” деб ишора қилди. Шунда бошқа бир киши “оҳ... оҳ...” деганини эшитдим. Ҳишом унга олиб бориб беришимни ишора қилди. Унга борганимда у ўлган экан, шунда тезлик билан Ҳишомга борсам, у ҳам ўлган. Шундан сўнг амакимнинг ўғлини йўқладим,

афсус, у ҳам ўлган экан». Улар ўзларидан бошқани афзал кўргани учун биронтаси сув ичмадилар. Яхшиликни ўзидан кўра бошқаларга илиниш, бошқаларни деб ўзидан кечиш улуғ хулқ, улуғ фазилатлардандир.

5. Афв (кечириш). Афв (кечириш) Аллоҳ ато этган улуғ руҳий туйғу бўлиб, кишига бировдан руҳий ёки жисмоний зарар етса-ю, уни қайтаришга қурби етатуриб, ҳаддан ошган кишидан ўзини паст тутишдир. Ва бу Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Кечиримли бўлинглар”, деган таълимларига биноандир. Лекин кечиримлилик ҳам меъёридан ошмагани дуруст, чунки бундай афв хорлик, хўрланиш, ўзини пастга уриш ва ожизликни билдиради. Кечириш имоннинг мустаҳкамлигига далолат, хулқий сифат ва улуғ исломий одобдир.

Қуръони карим шунга буюради ва кўп оятларда унга чақиради:

وَأَن تَعْفُوٓا۟ أَقْرَبُ لِلتَّقْوَىٰ ۚ وَلَا تَنسَوُا۟ ٱلْفَضْلَ بَيْنَكُمْ ۚ

«...Кечиб юборишингиз тақвога яқиндир. Ўзаро бир-бирингизга фазл (мурувват) **қилишни унутмангиз...»** *(Бақара, 237)*.

وَلَا تَسْتَوِى ٱلْحَسَنَةُ وَلَا ٱلسَّيِّئَةُ ۚ ٱدْفَعْ بِٱلَّتِى هِىَ أَحْسَنُ فَإِذَا ٱلَّذِى بَيْنَكَ وَبَيْنَهُۥ عَدَٰوَةٌ كَأَنَّهُۥ وَلِىٌّ حَمِيمٌ ﴿٣٤﴾

«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ёмонликни) **гўзалроқ** (муомала) **билан даф қилинг!** (Шунда) **бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ** (қалин) **дўстдек бўлиб қолур»** *(Фуссилат, 34)*.

وَعِبَادُ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلَّذِينَ يَمْشُونَ عَلَى ٱلْأَرْضِ هَوْنًا وَإِذَا خَاطَبَهُمُ ٱلْجَٰهِلُونَ قَالُوا۟ سَلَٰمًا ﴿٦٣﴾

«Раҳмоннинг (суюкли) **бандалари ерда камтарона юрадиган, жоҳил кимсалар** (бемаъни) **сўз қотганда,**

“Саломатлик бўлсин!” деб жавоб қиладиган кишилардир» *(Фурқон, 63)*.

وَٱلْكَٰظِمِينَ ٱلْغَيْظَ وَٱلْعَافِينَ عَنِ ٱلنَّاسِ ۗ وَٱللَّهُ يُحِبُّ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿١٣٤﴾

«...ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) **афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар»** *(Оли Имрон, 134)*.

Маълумки, мўмин киши ҳалим, кечирувчан ва мурувватли бўлса, у мулойимлик, олий хулқ ва чиройли ҳис-туйғуда бошқаларга ўрнак бўладиган даражага етади. Бамисоли пок, соф фариштадек бўлади. Ҳалим, кечирувчан, мурувватли бўлиб ўтган салафларнинг ҳаётларидан баъзи намуналар келтирамиз:

Абдуллоҳ ибн Тоҳир бундай ҳикоя қилади: Маъмуннинг ҳузурида эдим. У хизматчисини: “Эй хизматчи!” деб чақирди. Ҳеч ким жавоб бермади. Сўнгра иккинчи бор қичқириб: “Эй хизматчи!” деди. Шунда бир турк хизматчи кириб келди ва: “Хизматчи еб-ичмасинми, ҳар қачон ёнингиздан кетсак, эй хизматчи, эй хизматчи, деб қичқирасиз?” деди. Маъмун бошини узоқ вақт эгиб турди ва менга қараб: “Эй Абдуллоҳ, агар хожасининг хулқи чиройли бўлса, хизматчисининг хулқи ёмон бўлар экан. Мен хизматчимнинг хулқи яхши бўлсин деб, ўзимнинг хулқимни ёмон қила олмайман”, деди.

Зайнул Обидин ибн Ҳусайн (розияллоҳу анҳу) хизматчисини икки марта чақирди, у жавоб бермади. Шунда Зайнул Обидин: “Чақирганимни эшитдингми?” деб сўради. Хизматчи: “Эшитдим”, деди. Шунда у киши: “Жавоб беришдан сени нима қайтарди?” деди. Хизматчи: “Сиздан тинчман ва хулқингиз ҳалимлигини биламан, шу боис жавобда эриндим”, деди. У киши: “Хизматчимни мендан тинч-омон қилган Аллоҳга шукрлар бўлсин”, деди.

Яна шу кишидан ривоят қилинади:

Бир куни у киши масжидга чиқди. Масжидда бир одам уни ҳақоратлади. Шунда у кишининг хизматчиси уни урмоқчи бўлган эди, Зайнул Обидин уни қайтарди. Ва

уларга: “Қўлларингни тийинглар” деб, сўнгра ўша одамга қараб: “Ҳой, мен сен айтганингдан ҳам зиёдман. Мен сен билганингдан кўпини биламан. Агар хоҳласанг, айтиб бераман”, деди. Шунда у одам уялиб, қилган ишидан хижолат чекди. Сўнгра Зайнул Обидин кўйлакларини ечди ва унга минг дирҳам беришга буюрди. У одам кетар экан: “Гувоҳлик бераман, албатта бу йигит Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) авлодларидан”, деди.

Яна у кишидан ривоят қилинади.

Бир кун хизматчиси сопол офтобада сув қуйиб турганида, офтоба тушиб кетиб синди, Зайнул Обидиннинг оёқлари жароҳатланди. Хизматчи шошиб: Эй хўжайин, Аллоҳ:

وَٱلْكَٰظِمِينَ ٱلْغَيْظَ

«...ғазабларини ютадиган...» *(Оли Имрон, 134)* деди.

Шунда Зайнул Обидин “ғазабимни ютдим”, деди. Ва хизматчи деди:

وَٱلْعَافِينَ عَنِ ٱلنَّاسِ ۗ

«...одамларни (хато ва камчиликларини) **афв этадиганлардир»** *(Оли Имрон, 134)*.

Шунда у киши: “Сени кечирдим”, деди. Хизматчи яна:

وَٱللَّهُ يُحِبُّ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿١٣٤﴾

«... Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар» *(Оли Имрон, 134)* деди.

Шунда Зайнул Обидин: “Аллоҳ йўлида озодсан”, деди. Хизматчи қул эди, озод бўлди.

Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Уйайна ибн Ҳасан келгач, амакисининг ўғли Ҳарр ибн Қайс уйига тушди. У киши Умарга яқин кишилардан эди. Чунки у киши мўминлар амирининг кекса ва ёш машварат асҳобларини меҳмон қилар эди. Уйайна мўминлар амирига: “Киришга изн беринг”, деди. Унга изн

берди. У киргач: “Эй Ибн Хаттоб, Аллоҳга қасам, бизга кўп бермадинг ва бизнинг ўртамизда одиллик билан ҳукм чиқармадинг”, деди. Умар ғазабланди, ҳатто унга ташланмоқчи бўлди. Шунда Ҳарр: “Эй мўминлар амири, Аллоҳ таоло Пайғамбарига бундай деди:

خُذِ ٱلۡعَفۡوَ وَأۡمُرۡ بِٱلۡعُرۡفِ وَأَعۡرِضۡ عَنِ ٱلۡجَٰهِلِينَ ﴿١٩٩﴾

«Афвни (қабул қилиб) **олинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгиринг!»** *(Аъроф, 199)*.

Аллоҳнинг каломи ўқилганида у тўхтади.

“Сабаби нузул”да келади. Мусаттаҳ исмли киши Абу Бакрга (розияллоҳу анҳу) холавачча эди. У мунофиқлар ифк ҳодисасида Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) обрўларини тушириш учун тарқатган миш-миш туфайли тақво қилмади. Мусаттаҳ шу ўринда Ислом ҳақини, яқинлик ва ўзаро бирдамлик ҳақини унутди. Абу Бакрнинг (розияллоҳу анҳу) жаҳлини чиқарди ва ўртадаги яқинликни узиш учун борди-келди қилмасликка қасам ичди. Шунда бу оят нозил бўлди:

وَلَا يَأۡتَلِ أُوْلُواْ ٱلۡفَضۡلِ مِنكُمۡ وَٱلسَّعَةِ أَن يُؤۡتُوٓاْ أُوْلِي ٱلۡقُرۡبَىٰ وَٱلۡمَسَٰكِينَ وَٱلۡمُهَٰجِرِينَ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِۖ وَلۡيَعۡفُواْ وَلۡيَصۡفَحُوٓاْۗ أَلَا تُحِبُّونَ أَن يَغۡفِرَ ٱللَّهُ لَكُمۡۗ وَٱللَّهُ غَفُورٞ رَّحِيمٞ ﴿٢٢﴾

«Сизлардан фазилат ва кенг мол-мулк эгалари қариндошларга, мискинларга ва муҳожирларга Аллоҳ йўлида эҳсон қилмасликка қасам ичмасин, балки уларни афв қилиб, кечирсинлар! Аллоҳ сизларни мағфират қилишини истамайсизми?! Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир» *(Нур, 22)*.

Шундан сўнг Абу Бакр уни кечирди, қучоғига олди ва “Аллоҳ мени мағфират қилишини яхши кўраман”, деб аввалгидек ҳадялар бера бошлади.

Саҳобаларнинг бу хулқлари қанчалар ибратли, улуғ бўлган. Улардан ўрнак олиб ҳалимликни, мурувватпе-

шаликни фарзандларимизга ҳам сингдирсак, унинг меваси қанчалар тотли бўлар эди.

Имом Абу Довуд Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: У зот: “Ким қодир бўлатуриб ғазабини ютса, қиёмат куни Аллоҳ халойиқ ичида чақиради, ҳатто, “ҳури айн”дан танлаш ихтиёри берилади”, дедилар.

Табароний Уббод ибн Сомитдан ривоят қилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизларга нима билан Аллоҳ биноларни баланд ва даражаларини юқори қилишининг хабарини берайми?” дедилар. Улар: “Ҳа, эй Аллоҳнинг расули”, дедилар. Шунда у зот (алайҳиссалом): “Сенга жоҳиллик қилганга ҳалим бўл, зулм қилганни афв қил, сенга бермаганга бергин ва сендан узилганга боғлан”, дедилар.

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатмалари ва ибратли хулқлари инсоннинг улуғ даражага кўтарилишига сабаб бўлади. У кишининг кўрсатмаларига кўра, ўч олишга кучи ета туриб афв қилган кишига қиёматда ҳурлардан танлаш ихтиёри берилиши жуда катта мукофотдир.

6. Журъат (жасорат). У бандаси учун берилган руҳий қувватдир. Фарзандларимиз Аллоҳнинг якка-ягоналигига, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, яхшию ёмонлик етиши Худодан эканига, охират кунига имон келтириш, пок суннатларга амал қилиш ва оиладаги гўзал тарбия орқали журъатли бўлиб борадилар. Шунингдек, журъатли бўлиш учун ўзи яшаётган жамиятнинг низомларини, қомусини яхши билиш керак. Бу ўз-ўзидан яна оила ва мактабдаги таълим-тарбияга бориб тақалади. Хўш, инсондаги журъат фазилати қай пайтларда яққол намоён бўлади? Яна саҳобалар ҳаётига мурожаат қиламиз.

Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кейинги мўминларнинг энг афзали бўлганлар. У киши ҳақида: “Аллоҳга қасам, агар Абу Бакр-

нинг имони билан ер аҳли имонини тарозига тортилса, албатта, Абу Бакрнинг имони оғир келади”, деганлар.

Абу Бакрнинг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот этган кундаги ҳолатлари. Мусулмонлар саросимага тушган, қайғу уларни эс-ҳушидан айирган. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу): “Ким Муҳаммад ўлди деса, бўйнини шу қиличим билан кесаман!” деди. Шу ўринда Абу Бакр тўхтаб, баланд овозда азон айтди ва: “Ким Муҳаммадга ибодат қилаётган бўлса, у вафот этди, ким Аллоҳга ибодат қилаётган бўлса, У тирик, барҳаёт”, деди ва Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятини ўқиди:

وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِن قَبْلِهِ ٱلرُّسُلُ ۚ أَفَإِيْن مَّاتَ أَوْ قُتِلَ
ٱنقَلَبْتُمْ عَلَىٰٓ أَعْقَٰبِكُمْ ۚ وَمَن يَنقَلِبْ عَلَىٰ عَقِبَيْهِ فَلَن يَضُرَّ ٱللَّهَ شَيْـًٔا ۗ
وَسَيَجْزِى ٱللَّهُ ٱلشَّٰكِرِينَ ﴿١٤٤﴾

«Муҳаммад пайғамбардир, холос. Ундан олдин ҳам пайғамбарлар ўтган. Мабодо, у ўлса ёки ўлдирилса, ортингизга (куфрга) **қайтиб кетасизми?! Ортига қайтгани билан ҳеч ким Аллоҳга сира зарар етказа олмас. Аллоҳ шукр қилувчиларни, албатта, мукофотлагай»** *(Оли Имрон, 144)*.

Ундан кейинги ҳолатлари. Мусулмонлар Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўлимидан олдин режалаштирилган Усома аскарларини Шомга юбориш борасида иккиланиб қолдилар. Саҳобалар Абу Бакрдан бу аскарларни тўхтатишни талаб қиладилар, сабаби Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан кейин нималар бўлишини ҳеч ким билмасди. Лекин Абу Бакр уларга қатъият билан жавоб берди ва: “Абу Бакрнинг жони кўлида бўлган Зотга қасамки, агар йиртқич мени олиб кетишини ўйласам ҳам, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буюргандек, Усомани жўнатаман. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўллари билан боғлаган тугунни ечмайман. Агар

қишлоқда мендан бошқа ҳеч ким қолмаса ҳам, албатта уни жўнатаман", деди.

Абу Бакрнинг Исломдан қайтиб, закотдан бош тортган муртадлар жангидаги ҳолати. Мусулмонлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот этганларидан кейин, худди Ойша (розияллоҳу анҳо) айтганларидек, ёмғирли кечада қолган қўйларга ўхшаб қолдилар. Ҳатто баъзи мусулмонлар Абу Бакрга: "Эй Расулуллоҳ халифаси, арабларнинг ҳаммаси билан курашишга сизнинг тоқатингиз етмайди. Уйингизга киринг ва эшикни беркитиб, сизга ҳақиқат хабари келгунча Раббингизга ибодат қилинг", дедилар. Абу Бакр Аллоҳдан қўрқиб, тезда кўзига ёш олувчи, ипакдек юмшоқ, онадек меҳрибон, ҳалим киши бўлдилар. Аммо ҳақиқат олдида денгиздек жўшқин, шердек журъатли кишига айландилар. У киши ҳазрат Умарга қараб: "Жоҳилият даврида кучли бўлган одам Исломда заифми?! Батаҳқиқ, ваҳий тўлиқ мукаммал бўлди. Аллоҳга қасам, Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бериладиган туялар закотидан мени ким ман қилса, албатта, улар билан урушаман. Аллоҳга қасам, қўлим қилични ушлар экан, албатта улар билан жанг қиламан", деб қичқирди. Умар (розияллоҳу анҳу): "Батаҳқиқ, Аллоҳ Абу Бакр қалбини жангга очди", деди. Билдик, у ҳақ эди *(Устоз Юсуф Қарзовийнинг "Имон ва ҳаёт" китобидан)*.

Ҳақиқатни айтишга жасорат фазилати энг улуғ жидду жаҳддир. Имом Абу Довуд, Имом Термизий ва Ибн Можа Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади:

У зот (алайҳиссалом): "Жаҳднинг афзали ҳақ сўзни султон (подшоҳ)га айтишдир", дердилар. Шунинг учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қаерда бўлса ҳам, саҳобаларидан ҳақиқатни айтишга ваъдаларни олар эдилар.

Имом Муслим "Саҳиҳ" китобида Уббода ибн Сомитдан ривоят қилади: "Расулуллоҳга (соллаллоҳу алай-

ҳи ва саллам) қийинчилик ва енгилликда ҳам итоат қилишга, иш аҳлида очиқ куфрни кўрганида ва Аллоҳдан далил бўлганда қарши чиқишга ва қаерда бўлса ҳам Аллоҳ йўлида маломатчилар маломатидан қўрқмасдан ҳақиқатни айтишга сўз бердик", деди.

Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмай, Раббисининг рисоласини етказувчиларни Аллоҳ мақтаб бундай деди:

ٱلَّذِينَ يُبَلِّغُونَ رِسَٰلَٰتِ ٱللَّهِ وَيَخۡشَوۡنَهُۥ وَلَا يَخۡشَوۡنَ أَحَدًا إِلَّا ٱللَّهَۗ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ حَسِيبًا ﴿٣٩﴾

«Улар (ўтган пайғамбарлар) **Аллоҳнинг фармонларини** (бандаларга) **етказадиган, Ундан қўрқиб, Аллоҳдан ўзгадан қўрқмайдиган зотлардир. Аллоҳнинг ўзи** (бандаларининг амалларига нисбатан) **етарли ҳисобдондир»** *(Аҳзоб, 39)*.

Агар Ислом тарихига назар солсак, Ислом ва ҳақ йўлида жасорат (журъат) кўрсатган кишиларнинг қаҳрамонликлари билан тўла саҳифаларни кўрамиз.

Миср султони Нажмиддин Айюб давлат арбоблари билан ўтирган эди. Изза ибн Абдусалом унга: «Эй Айюб, сенга Аллоҳ: "Сени Мисрга подшоҳ қилмадимми, хамрга рухсат берибсан?" деса, нима деб жавоб берасан", деди. Шунда у: "Мен шундай қилдимми?" деди. У: "Ҳа, фалончининг қовоқхонасида хамр сотишга рухсат берилган ҳамда ахлоқсизликларга ижозат этилган. Сен бу мамлакатда ҳузур-ҳаловатда яшаяпсан", деди. У: "Мен уни билмайман, бу отам замонидан қолган", деди. Шунда Изза ибн Абдусалом: "Сен қуйидагиларни айтувчилардансан:

قَالَ مُتۡرَفُوهَآ إِنَّا وَجَدۡنَآ ءَابَآءَنَا عَلَىٰٓ أُمَّةٖ وَإِنَّا عَلَىٰٓ ءَاثَٰرِهِم مُّقۡتَدُونَ ﴿٢٣﴾

«...у жойнинг маишатпарастлари: "Албатта, бизлар ота-боболаримизни (маълум) **бир дин узра топдик ва албатта, бизлар уларнинг изларидан эргашувчидирмиз", деганлар»** *(Зухруф, 23)*.

Шундан сўнг султон ўша қовоқхонани ёпишга буйруқ берди.

Абу Ҳозим деб куняланган Салама ибн Динор Муовиянинг ҳузурига кирганида: “Ассалому алайкум, эй ходим”, дер эди. Шунда Абу Ҳозимга: “Ассалому алайка, эй амир”, деб айт дейишди. Абу Ҳозим бундан бош тортди ва Муовияга боқиб: “Сен бу халқнинг ходимисан, Раббинг уларнинг риояси учун сени ёллаган”, деди.

У билан Сулаймон ибн Абдулмалик ўртасидаги суҳбатни эсга олиш ҳам фойдадан холи эмас. Сулаймон: “Эй Ҳозим, нимага биз ўлимни ёмон кўрамиз?” деди. Абу Ҳозим: “Чунки сизлар охиратингизни хароб қилиб, дунёни гуллатиб-яшнатгансиз. Шундай экан, гуллаб яшнаган жойдан хароб жойга ўтишни ёмон кўрасизлар”, деди.

Сулаймон: “Эртага (қиёматда) Аллоҳ ҳузурига бориш қай ҳолда бўлади?” деди. Абу Ҳозим: “Муҳсин (мурувват кўрсатувчи) киши худди ғойиб бўлгандан кейин ўз аҳлига келгандек бўлади. Аммо ёмон ишга сабабчи бўлувчи киши худди қочган қул ўз хожасининг олдига келгандек бўлади”, деди.

Сулаймон: “Энг одил сўз қайси?” деди.

Абу Ҳозим: “Ўзи қўрқадиган ва ҳайиқадиган киши ҳузурида тўғри сўз айтиш”, деди.

Сулаймон: “Мўминларнинг энг аҳмоғи ким?” деди.

Абу Ҳозим: “Золим биродари истагига ўзини қўйган киши ва дунё учун охиратни сотган киши”, деди.

Сулаймон: “Эй Абу Ҳозим, бизга эргашасанми? (Агар эргашсанг) биздан бирон фойда олурсан ва биз сендан бирон фойда олурмиз”, деди.

Абу Ҳозим: “Аъузубиллаҳ” (Аллоҳдан паноҳ сўрайман), деди.

Сулаймон: “Нега ундай дейсан?” деди.

Абу Ҳозим: “Сизларга озгина суяниб қолишдан қўрқаман. Шу сабабли менга Аллоҳ ҳаёт ва ўлим танглигини тоттирмасин”, деди.

У туриб кетаман деб турганида Сулаймон: “Эй Абу Ҳозим, менга насиҳат қил”, деди.

Абу Ҳозим насиҳат қилди: “Раббингни улуғла ва Уни сени қайтарган ишда кўришидан ва буюрган ишда йўқолиб қолишингдан покла (қайтарган ишни қилма, буюрган ишни қолдирма)”, деди.

Буларнинг барчаси жасорат ва матонат тарбиясида биз учун қимматли дастурлардир.

Қалб илдизи

Қалб илдизи бу Ислом таълимотидир. У фақат қалбга экилади. Қачон, деган савол туғилади? Болаликдан, тарбия орқали, деб жавоб берамиз. Ўтмишда ҳам, илм-фан ривожланган бугунги кунда ҳам исломий тарбиянинг нақадар устунлиги, барқарорлиги тан олинмоқда. Бу ҳол имон ва эътиқодда, тақвода, бағрикенгликда, меҳрибонликда, бошқаларни ўзидан устун қўйишда, ҳалимлик ва журъатда яққол кўзга ташланади. Бундай таълим олган ёшлар вожиб амалларни бир умрга ижро этадилар. Бунинг сабаби таълим илдизи соғлом ва бақувватлигидир. Акс ҳолда, фарзандларимиз куз келмай барглари сарғая бошлаган дарахтга ўхшаб қоладилар. Ниҳоли касалланса, миришкор боғбонлар бунинг сабабини кўпроқ илдиздан кўрадилар. Кишилик жамиятида ҳам худди шундай. Бирор одам қандайдир нуқсон содир этса, “Ҳа, тарбия кўрмаган”, дейишади. Бу маломат ўша одамнинг ота-онаси, болаликдаги тарбиячисига ҳам қаратилган, албатта. Аксинча, бошқа бир одамда яхши фазилат кузатилса, “Яхши тарбия кўрган экан”, деб қўйишади. Бу олқиш, албатта, ўша одамнинг ота-онасига, тарбиячиси, устозига қаратилган бўлади. Таълим негизига чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, ҳаёт фақат таълим ва тарбиядан иборатлигини кўрамиз. Фақат инсон эмас, ҳатто оддий жонивор ҳам ўзига хос тарбияга муҳтож бўлади. Шундай қилинмаса, у одамзотга бўйсунмайди, жиловини тутқазмайди. Қайси жамият тинч ва осойишта яшаб, гуллаб-яшнар экан, демак, унинг таълим ва тарбия илдизлари соғлом, дея яна бир марта такрорлаймиз.

ХУЛОСА

Халқимиз азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин уларни ёшлик чоғидан бошлаб таълим-тарбияли, ахлоқ-одобли, юксак маънавиятли қилиб вояга етказиш биз учун доимо муҳим аҳамият касб этади. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналарга, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин.

Ёш авлодни буюк аждодларимизга муносиб, шу билан бирга, замон талабларига жавоб берадиган қилиб тарбиялашдек масъулиятли ва шарафли вазифани ўз зиммасига олган, бу йўлда куч-қуввати, қалб қўрини аямасдан меҳнат қилаётган фидойи ўқитувчи ва мураббийларга ҳар қанча таҳсинлар айтса арзийди.

Ҳеч кимга сир эмас, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини заҳарлашга қаратилган турли хавф-хатарлар ҳам кучайиб бораётган бугунги кунда ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, имон-эътиқоди мустаҳкам ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама равнақ топтиришга қодир бўлади.

Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу): “Ўзингизга ва аҳлингизга яхшиликни таълим беринглар ва уларни одобли қилинглар”, деганлар.

Демак, ҳар бир ота-она ёки мураббий фарзанднинг имон-эътиқоди, одоб-ахлоқи ва бошқа жиҳатларига мунтазам аҳамият бериши лозим. Фарзанд – ота-онаси учун бир синов, унинг қалби покиза гавҳар. У ҳар қандай нақшни қабул қилаверади. Агар яхшиликка ўргатилса,

оқил фарзанд бўлиб камол топади. Унинг савобига ота-она ва мураббий шерик бўлади, аксинча бўлса, унинг гуноҳи валийига ҳам тегади.

Фарзанддан яхши хулқ ва мақтовга лойиқ сифат намоён бўлса, уни тақдирлаш ва оила даврасида эътироф этиш лозим. Баъзан арзимас беадаблик қилса, кўпчилик орасида билмаганга олиб, айбини ошкор айтмаслик керак. Лекин вақти, ўрнини топиб чиройли одобга ўргатиш шарт.

Ёшлигидан солиҳ бўлиб ўсган ўғил-қизлар ота-онага меҳрибон, Ватани ва халқига муҳаббатли бўлади, яхшилик ва меҳр-муҳаббат қалбидан мустаҳкам ўрин олади.

Имом Ғаззолий "Эй фарзанд!" китобида солиҳ инсонларга хос вазифаларни баён этиб, бундай дейди: "Бола бир асалари муми кабидир. Мураббий уни истаган шаклга солиши мумкин. Бола ота-онасининг ёнида бир пок саҳифа кабидир. Унинг қалбига ҳеч бир нақш ё сурат солинмаган. Аммо бундай қалб ҳар қандай нақшни олишга ҳозир, яъни ҳамма нарсага мойилдир. Шунинг учун ҳам уни гўзал амаллар билан банд этиш лозим. Бу қалб эзгуликлар ва билимлар билан тўлдирилса, фарзанд баркамол инсон бўлиб етишади".

Бундай фарзандлар етишиб чиқишининг гарови ота-она ва мураббийлар масъулиятни тўлиқ адо этишларидадир. Динимиз эса фарзанднинг баркамол инсон бўлиб етишиши учун барча улуғвор кўрсатмаларни берган.

Масъулиятни ҳис қилиш мураббийнинг виждонидан келиб чиқади. Бу жавобгарлик фарзанднинг имони ва ахлоқи, ақли ва ижтимоий тарбиясида катта ўрин тутади. Ота-она фарзанд тарбиясида ғофил қолса, оқибати яхши бўлмайди, бу борадаги лоқайдлиги учун надомат чекиши, кўз ёш тўкиши фойда бермайди. Шу боисдан динимиз барча ота-она ва мураббийлар зиммасига фарзанд тарбиясини юклайди.

Маънавий юксалишнинг фидойилари бўлган зиёлиларимизнинг, кўплаб жонкуяр ўқитувчи ва муаллимлар,

устоз ва домлаларнинг Ватанимиз тараққиётига қўшаётган улкан ҳиссасини эътироф этамиз, уларга ҳамиша чуқур ҳурматда ва эҳтиромдамиз.

Ўзаро бирдамлик асослари жамиятда тинчликни барқарор қилади. Тинчлик бор жойда ҳамма соҳада ўсиш, ривожланиш, тараққиёт бўлади. Юртбошимиз Ислом Каримов жаноблари таъкидлаганларидек: “Барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаравон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради”.

УЧИНЧИ КИТОБ

МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИДЛАР

Бугунги дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар ёшлар тарбиясига янада катта эътибор беришни талаб этмоқда. Бу борада Президентимиз таъкидлаганларидек, “Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”[1].

Халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг ахлоқи ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар асосан қуйидагилардир.

Биринчидан, хориж матбуоти хабарларига кўра, ҳозир Ғарб давлатлари телевизион дастурлари ва филмлари жаҳон медиа бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллаган. Уларнинг тушунарсиз мусиқаси, маъносиз ҳамда ғайриинсоний ҳаракатлардан иборат қўшиқлари, қизиқиши, овқатланиш одати, ҳатто кийинишига бутун дунё тақлид қилаётгани боис, бундай жараёнлар таъсиридан ўз вақтида ёшларни ҳимоя қилмасак, халқимиз маданияти, маънавияти ва миллий хусусиятларига зарар етади.

Иккинчидан, ҳозирги вақтда, Ғарб маданиятининг айрим вакиллари ахлоқсизликни маданият деб билиши ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити, деб қараши бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила мустаҳкамлиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солаётган бир пайтда фарзанд тарбиясига катта эътибор бериш долзарб вазифа бўлиши керак.

Учинчидан, бугун айрим Ғарб давлатларида ёшлар маънавияти таназзулга учраб, ўзининг салбий натижаларини бераётгани маълум. Ғарб турмуш тарзининг бундай

[1] Каримов И. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Тошкент. «Маънавият», 2008. Б -117.

салбий жиҳатлари баъзи ғарб оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилинаётгани ачинарли ҳолдир. Гарчи бундай ҳолатлар бошқа кўп мамлакатларда кузатилмаган бўлса-да, бу ҳол ҳотиржамликка берилишга асос бўлмайди. Ўз вақтида ёшлар қалбида бундай хунук ишларга нисбатан нафрат туйғусини шакллантириш лозим.

Одоб-ахлоқ, ҳаё-ибо, ор-номус, диёнат каби фазилатлар азалдан халқимиз маънавий оламининг ажралмас қисмига айланган. Бугунги глобаллашув шароитида "оммавий маданият" ниқоби остида ёшларимизга турли ёт ғоялар, маънавий тубанликларни тарғиб этишга уринаётган айрим қабиҳ ниятли кучлар айнан ана шундай қадриятларимизга чанг солаётгани сир эмас.

Президентимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобларида "Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб етмоқда", дея маънавий таҳдидлардан ёш авлодни асрашимиз зарурлигини таъкидлаганлар.

XXI асрда турли ҳаёт тарзлари ва ғоялар рақобатга киришди. Бунда муваффақиятга эришиш учун ҳар бир давлат ўзлигини сақлаган ҳолда диний ва миллий қадриятларини бошқаларга англатишни асос қилган мафкурага эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, ўзликни йўқотиш, бебаҳо қадриятлардан воз кечиш кишини тараққиётдан ажратиб, уни тобе, мустақил фикри йўқ манқуртга айлантириб қўяди. Ҳозирги кунда ғаразли мақсадларни амалга ошириш учун зимдан олиб борилаётган фитналар баъзи миллатларнинг ўзлигини йўқотишга қаратилганини сезиш мумкин. Бунда эътибор ҳудудларни эгаллаш эмас, инсон онгини эгаллашга йўналтирилган.

Маънавий даражада глобаллашувнинг салбий томони инсонни фақат истеъмолчига айлантиради. Бунда бахт-саодат моддий фаровонлик билан белгиланади. Яшашдан мақсад ҳаётдан энг юқори даражада лаззатланишдан иборат бўлиб қолади. Руҳий-маънавий қадриятлар, эзгулик, савоб, беғараз ёрдам кўрсатиш каби олий тушунчалар унутилади. Инсонлараро муносабатлар фақат фойда ва зарар қонуни асосида ишлайди. Кўнгилхушликларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турлари юзага келади.

Юқоридагилардан кўриниб турибди, глобаллашув жараёнини ортга қайтариб бўлмайди. Бу худди отилган ўқни қайта ўқдонга тиқишга уринишдек гап. Бугун дунёдаги ҳар бир давлатнинг тараққиёти айни шу глобаллашув асосида шаклланмоқда. Глобаллашув ҳодисасининг ижобий ва салбий жиҳатлари бор. Энг салбий жиҳати – замонавий дунёда одамийликни бой бериб қўйиш хавфи юқори.

Олим ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда, ғарбга таҳдид солаётган хавф-хатарларни санаб ўтайлик:

Биринчиси, ғарб мамлакатларида туғилиш даражасининг кескин пасайиши. Бу ҳақда ғарб олими бундай ёзади: "Ғарб том маънода "ўлмоқда", деярли барча ғарб мамлакатлари аҳолиси ақл бовар қилмас даражада камайиб бормоқда. Ўн тўртинчи асрда Оврупа аҳолисининг учдан бир қисмини қириб юборган "қора ўлат" офатидан буён Ғарб тамаддуни ҳали бу қадар хатарли таҳдидга дуч келмаган. Бу офат бутун ғарб аҳолисини қириб юбориши ҳеч гап эмас. Ҳозир Оврупа мамлакатларининг кўпида ўлим кўрсаткичи туғилишдан анча юқоридир.

Иккинчиси, дин ва одобга зид бўлган ғоя, қарашларнинг сингдирилиши оқибатида миллий қадрият, урф-одат ва анъаналар емирилмоқда. Маълумки, ғарб мамлакатлари тараққиётнинг юксак чўққиларига кўтарилишида диний қадрият, урф-одат ва анъаналар, ахлоқнинг аҳамияти катта бўлган. Жумладан, ғарб тарихчиларидан бири бун-

дай ёзади: “Инсоният тарихий тараққиётининг қайси даврига назар ташламанг, диний эътиқод ҳар қандай буюк давлатнинг пойдевори сифатида хизмат қилиб келганига гувоҳ бўласиз. Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон, Африка ёхуд Жанубий ва Марказий Америка тамаддунлари бўладими – уларнинг барчасида бир хил жараённи кузатиш мумкин: тамаддунлар дин негизида вужудга келган ва аксинча, қандайдир сабаблар туфайли анъанавий эътиқоднинг жамият ҳаётига таъсири сусайган ёхуд ундан бутунлай воз кечилган ҳолда миллатлар, халқлар ва давлатлар таназзулга юз тутган”.

Учинчиси, ғарбда миллий қадрият ва анъаналар сиқиб чиқарилиб, ёш авлод қалби ва онгига ғайриинсоний ғоялар сингдирилмоқда. Бунинг оқибатида Ғарб мамлакатларида “оммавий маданият” тушунчаси юзага келди. У ғарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Гарчи “маданият” деб аталса-да, аслида, мазмун-моҳиятига, ният-мақсадига кўра, “оммавий маданият” ҳақиқий маданиятнинг кушандаси. “Оммавий маданият” кўпдан-кўп шаклларда ўзини намоён этади. Масалан, **“китч”** – заррача бадиий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш. **“Комикс”** – тагига қисқа матн ёки луқмалар битилган беҳаё матбаа-расм маҳсулотлари. **“Старизм”** – субъектив эҳтиросларга берилган ҳолда эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, телебошловчиларни кўкка кўтариш. **“Хэппининг”** – ногаҳон уюштириладиган “кескин” томошалар, масалан, пианино ёки автомобилларни уриб, абжағини чиқариш ёхуд ўт қўйиб ваҳшиёна, оммавий “кўнгил очиш”ларни ўтказиш. Ушбулар “оммавий маданият”нинг айрим кўринишлари, холос.

Тўртинчиси, ғарб маданияти ажралиш, аборт ва ўзбошимчаликни тараққиётнинг ўзига хос муҳим босқичлари сифатида талқин этаётганидан ташвишланиб, бир олим бундай ёзади: “Маънавият ва ахлоқнинг моҳияти хусусида якдилликка эриша олмас эканмиз, у ҳолда қандай

қилиб маънавияти юксак жамиятни барпо этишимиз мумкин? Наҳотки, юртимиз тақдирига бефарқ бўлмаган кишилар маданий инқилобчиларнинг бутун саъй-ҳаракати одамларни имон-эътиқодидан қайтариш, Яратгандан юз ўгириш ва уларнинг онгига "турмуш тарзининг барча шакллари тенг ҳуқуқлидир" қабилидаги ғаразли ғоя ва қарашларни сингдиришга йўналтирилганини пайқамаётган бўлса?"

Бешинчиси, **оила инқирози**. Ўтган асрнинг 60-йилларида ғарб мамлакатларида содир бўлган "маданий инқилоб" эр, хотин ва болаларни оилавий вазифалар, бурч ва масъулиятдан озод этиб, оилага бўлган ижтимоий эҳтиёжни йўққа чиқарди. Бу ҳол оиланинг емирилишига сабаб бўлди. Ҳукмронликни қўлга олган "оммавий маданият" кечаю кундуз азалий қадриятларни камситиб, ҳатто аёлнинг эри ва болалари бўлиши табиий, ҳаётий эҳтиёж экани ҳақидаги тасаввурлар устидан ҳам кулиб келди. Бугунги кунда аёлни оналик вазифасидан буткул маҳрум этишга интилаётган кучлар ҳам пайдо бўлди.

Бундай вазият вужудга келишида ўтган асрнинг бошларида кўп ғарб мамлакатларида шаклланган ва бугунги кунга келиб ижтимоий ҳаракатга айланган феминизмнинг "хизмат"и катта бўлган. Масалан, ашаддий феминист аёллардан бири оила-никоҳ масаласи ҳақида тўхталиб, бундай хато фикрларни ёзган: "Никоҳ бу – қулликнинг бир шакли. Шундай экан, аёллар ҳаракати ана шу институтга қарши йўналтирилиши зарур. Негаки, никоҳ барҳам топмаган жамиятда аёлларнинг озод этилишига умид қилиш хомхаёлдир". Афсус, бу ғоялар таъсирида миллион-миллион ғарблик аёллар оила қуриш ва бола туғишдан воз кечмоқда, оиланинг барча динларда қораланган ноанъанавий шакллари пайдо бўлмоқда.

1970 йилдан ҳозирги вақтгача никоҳсиз яшаётганлар сони 523 мингдан 6,5 миллионгача, яъни 1000 фоизга ошгани, фақат тўрт хонадондан биттасида тўлиқ оила истиқомат қилаётгани, бир жинслилар "никоҳ"и кўпайиб

бораётгани, якка ўзи яшаётган америкаликлар мамлакат аҳолисининг 26 фоизини ташкил этаётгани фикримизни тасдиқлайди.

Британияда эса болаларнинг 34 фоизи никоҳсиз туғилмоқда, тахминан, шунча миқдордаги катта ёшлилар ажралиш аламидан азият чекмоқда. Келгуси йигирма йил давомида британиялик болаларнинг ярмидан озроғигина ота-она тарбиясини олиши мумкин.

АҚШда қамалганларнинг ярмидан кўпи бузилган оилаларнинг фарзандлари экани, ота-онаси ажрашгани туфайли етказилган кучли руҳий зарба эркак ва аёлларга ўрта ёшда, ҳатто кексалик чоғида ҳам салбий таъсир ўтказиб туриши аниқланган.

Оврупаликларда: "Эрлар аёллар учун биринчи бўлишни, аёлар эса эркаклар учун сўнггиси бўлишни орзу қилади", деган гап бор. Бунинг маъноси бундай: эр уйланмоқчи бўлган қизнинг аввал бошқа эркак билан бўлмаганини орзу қилади. Агар зинога аралашган бўлса, фарқи йўқ, бу ёғига тўғри юрса бас. Хотин эса, "Эрим менгача юрган бўлса юргандир, энди юрмасин", деб орзу қилишидир[2]. Бу тушунча турли маданиятларда ҳар хил қабул қилинади.

Ҳозирги кунда ғарб мамлакатларида оилага муносабат ёмон томонга ўзгариб кетганини юқорида кўп бор таъкидлаб ўтдик. Ҳолбуки, аввалги замонларда уларда ҳам оила муқаддас, деб ҳисобланарди. Аммо оилага "эркинлик" мартабасининг берилиши жамиятни ҳам бора-бора издан чиқарди. Мисол учун, бугун ғарбда оила бобида қуйидагича бузилишларни учратиш мумкин:

1. Бир жинслиларнинг никоҳланишига қонун доирасида йўл очиб қўйилгани.

2. Оила қурмай, ёлғиз яшашга интилиш кучлилиги.

3. Хотин эрни ёқтирмай қолгани учун уни ташлаб кетиши[3].

---

[2] Тоҳир Малик. «Одамийлик мулки». Тошкент. «Шарқ», 2008. 161-бет.

[3] Ўша китоб, 162-бет.

Хуллас, оила-никоҳ муносабатларининг инқирози ғарбона турмуш тарзининг эски қадриятлари саналган фидойилик, меҳрибонлик, садоқат, имон-эътиқод каби фазилатларнинг шахсий манфаатлар қондирилишини ёқловчи қарашлар томонидан сиқиб чиқарилгани билан изоҳланади.

“Оммавий маданият”нинг оилаларимизга салбий таъсири

Оилаларимиздаги тартиб-қоидалар долзарб аҳамиятга эга. Умуман, оилаларимизда ўрнатилган ўзига хос қоидалар оила мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим бўлиб келган. Масалан, Марказий Осиё ҳудудига Ислом дини ёйилгач, оилага доир қонун-қоидалар ушбу дин таълимоти асосида шаклланди. Яъни, оилада эрнинг мавқеи баландлиги, шу билан бир қаторда, хотин ҳам ҳақ-ҳуқуқларга эга экани, фарзандлар ота-оналари билан ўртада чегара борлигини ҳис қилиб, ҳурмат билан мулоқотда бўлиши кабилар. Кузатувлар натижасида кўп йиллар давомида ота-боболаримиз қалбига сингиб кетган ушбу қадриятлар бугун юртдошларимиз орасида аҳамиятини бирмунча йўқотаётгандек кўринди.

Хориж матбуотига кўра, бугунги кунда ғарб ўсмирлари орасида бошқа мамлакатлар ёшларига қараганда уюшган жиноятчилик ва зўравонликка берилиш ҳолати юқори. Бунга сабаб – болаларга керагидан ортиқ эркинлик берилгани экан. Уларни ҳозирдан айш-ишратга берилиб, турли ахлоқсиз хатти-ҳаракатларга ружу қўйишдан ҳеч ким қайтармайди. Оқибатда Британияда ўсмир қизлар орасида ҳомиладорлик даражаси Оврупа мамлакатлари бўйича энг юқори кўрсаткичга етган.

Яқинда, хориж телеканалларидан бирида фарзандларнинг беҳаё суратлар ва фильмларни томоша қилишига ота-оналар муносабати тўғрисида дастур намойиш этилди. Унда интервю берган бир аёл ўз қизининг шундай лавҳаларни кўришига қарши эмаслигини айтиб, қизим

келгусида бошига тушадиган ҳолатлардан хабардор бўлиши керак, деб ғалати фикр билдирди.

Маълумки, тижоратчилар ўз маҳсулотлари харидини оммалаштириш учун турли воситаларни ишга солишади. Бугунги кунда матбуот дўкончалари олд томонига осиб қўйилиб, бирор нашрни ёки маҳсулотни реклама қилаётган "соҳибжамол"лар кўпайгани ушбу фикрларимиз тасдиғидир.

Инсон ҳаёти давомида бирор шахсни ўзига ўрнак деб билади, у каби ҳаёт кечиришни, у эришган ютуқлар каби муваффақиятларга эришишни, юксак чўққиларга чиқишни кўзлайди. Бугун жамиятнинг ёш аъзолари ўз ҳаётлари учун бошқа маданият вакилларининг фикрлаш ва ҳаёт тарзини ўрнак қилиб олишлари кўп муаммоларни келтириб чиқармоқда.

"Маърифат" газетасида келтирилган маътумотга кўра, ғарб ёшлари фарзанд дунёга келтириш ҳақида ўйламай қўйишган, йигитларга уйланмаслик, қизларга қирққа тўлса-да, турмушга чиқмаслик урф бўлган. Улар наздида, оила – барча ташвиш ва бахтсизликнинг асоси ва эркинликни бўғувчи ихтиёрий қуллик эмиш. Бундай қарашлар бизнинг жамиятимизга зиддир, бу каби салбий одатлар ёйилишининг олдини олишимиз керак.

Ғарб турмуш тарзида ор-номус, эркаклик шаъни, аёллик иффати деган нозик тушунчалар емирила бошлаётгани, бундай ҳолатлар "эркин ҳаёт тарзи" сифатида ахборот воситаларидан тарғиб қилинаётгани боис, халқимиз орасида ушбу турмуш тарзидан таъсирланиш ҳолатлари учраши, бу эса инсон ҳаёти, оила мустаҳкамлиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солиши мумкинлиги барчамизни огоҳ этиб, ёшларимизни бундай маънавий хатарлардан сақлаш учун жидду жаҳд қилишимиз зарур.

Ғарбда инсоннинг эътиқоди, Яратганга муносабати унинг ўзигагина тегишли шахсий масалага айланди ва айнан шунинг негизида шахспарастлик асослари шаклланиб, гўё ғарб кишисининг фаоллиги ва эркинлиги

учун кенг имкониятлар яратилди. Эндиликда кўплаб одамлар ҳаётнинг маъно-мазмунини эътиқод билан боғламайди, улар бошқа ҳаётий мақсадлар, эҳтиёж ва манфаатларни устун қўядиган бўлишади. Бу эса ғарб кишисида ҳаётдан мақсад – руҳий юксаклиш, тикланиш эмас, балки моддий фаровонликдан лаззатланиш ақидаси шаклланишига олиб келди.

Кишилар онги мана шундай хато фикрлар билан йўғрилган ўтган асрда инсониятнинг маънавий ҳаётига қаттиқ таъсир қилган ҳаракатлар, айниқса, коммунизм ва фашизм мафкураси юзага келди. Бу эса инсониятнинг, хусусан, шундоқ ҳам диний-ахлоқий турмуш тарзидан бирмунча узоқлашган ғарб кишисининг руҳий-маънавий ҳаётида бўшлиқни вужудга келтирди.

Шундай қилиб, ғарб жамиятида диннинг мавқеи пасайиши эътиқоднинг сусайишига жиддий таъсир қилганини инкор этмаган ҳолда, диний қадриятлар емирилишининг асл илдизларини барча тамаддунлар, айниқса, ғарб давлатлари ва халқлари тарихида ғоят муҳим ўрин тутган, юқорида зикр этилган сабаблардан изланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда ғарб маданиятининг салбий жиҳатлари таъсирини халқимизнинг маънавий камолотини таъминлашга хизмат қилиб келган воситалар: санъат, адабиёт ва кийиниш одобида кўриш мумкин. *Мисол учун, одобни энг кўп тарғиб қилувчи ҳисобланган адабиётларда ҳозирги кунда ахлоқсизлик белгиларининг учраши халқимизга хос шарм-ҳаё, ибо, номус, иффат, садоқат ва вафо каби тушунчаларга дарз солмоқда.*

Тинимсиз ахборот оқими вужудга келтираётган муҳитда миллий қадриятлар, ўзига хосликни ифодаловчи анъаналар завол топишининг олдини олиш мақсадида ахборот хавфсизлигини жорий қилиш; бунда, интернет тармоғи ҳамда сунъий йўлдош каналлари орқали намойиш этилаётган, юртдошларимизнинг дунёқараши бойишига хизмат қиладиган дастурларни бериб бориш би-

лан бирга, кишиларда жаҳон ахборот тармоғидан нимани олиш керак, нимани олиш яхши эмас, деган кўникмаларни шакллантириш, телевидение, радио ва турли кўнгилочар тадбирларда миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган либосларда чиқишларнинг олдини олиш; матбуот ва бадиий асарларда ёшларимизни енгил-елпи ҳаёт кечиришга ва саёз дунёқарашга чақирувчи қисса ва ҳикоялар чоп этилишига йўл қўймаслик керак.

Ғарб турмуш тарзининг жамиятимизга таъсири сезиларли даражада экани ҳақида ўйлаганимизда, табиийки, ҳар биримиз ташвишга тушамиз. Шунда ёшлар таълим-тарбияси борасидаги ишларимизнинг самарадорлиги қанчалар муҳим аҳамиятга эга эканини тушуниб етамиз. Шу билан бирга шукр қиламизки, халқимиз орасида соғлом эътиқодли, юксак одобли кишилар кўпчиликни ташкил қилиб келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам юксак ахлоқ, аввало, ҳар бир инсоннинг одобини, халқнинг орзу-умидлари, ният-интилишларини намоён қилади. Шунинг учун эзгуликни қадрлаб, рағбатлантириб, маънавий-ахлоқий қадриятларимизни асраб, ривожлантириб, адашганларни тўғри йўлга солиб бориш барчамизнинг асосий вазифамиздир.

АСР ЮТУҚЛАРИ МАЪНАВИЯТГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

XXI аср замонадош ёшлар ҳаётига сезиларли ўзгаришлар кириб келди. Ўтган аср болалари мактаб, турли тўгараклар ва спорт марказларига чопган ҳамда вақтини шу каби машғулотлар билан мазмунли ўтказган бўлса, бугунги ёшларнинг қизиқиши бошқача. Энди уларнинг кўпчилиги интернет кафелари, техника воситалари сотиладиган жойлар, компьютер ўйинлари марказларига интилмоқдалар.

Улар интернет тармоғига уланиш, янги ахборотларни олиш ва ўзаро дисклар, флешкалар, ахборотларни сақлаш, ташиш воситаларидан имкон борича тез фойда-

ланишга ҳамда қизиқиши доирасидаги дўстлари билан янгиликларни ўртоқлашишга шошилмоқда. Замонавий технологиялар, бир қанча вазифалар ва қулайликларга эга уяли телефон, интернет, турли мавзулардаги видеофилмлар туширилган дисклар – ҳозирги ёшларнинг диққат марказида.

Уяли телефон тажовузи

Баъзи ота-оналарга мурожаат қилсак, фарзандининг ёш бўлишига қарамай, уяли телефондан бемалол фойдалана олишини кўриб, хурсанд бўлишини айтади. Лекин уларнинг кўпи болалари телефон орқали нималар билан машғуллигини билмайди, тўғрироғи, назорат қилмайди. Болакай эса қўлида телефон, истаган, қизиққан маълумотларини ўртоқларидан кўчириб олиши ва ундан "завқланиши" мумкин. Шу тариқа, телефонга тушган ҳар хил бемаъни, ёшига мос бўлмаган маълумотлар ҳам боланинг онгини заҳарламоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда уяли телефон орқали ҳаёсиз филмларни тайёрлаш ва тарқатиш тез ривожланмоқда. Ҳозир ҳатто интернет ҳам ҳаёсиз ва зўравонлик акс этган филмлар, тасвирларни тарқатишда уяли телефондан ортда қолмоқда. Бу эса дунё мамлакатларини жиддий ташвишга соляпти. Қатор давлатлар жамиятда, айниқса, ёшлар орасида одоб-ахлоқ меъёрларининг бузилишига йўл қўймаслик мақсадида кескин чораларни қўллашга мажбур бўлмоқда. Хитой ҳаёсиз маҳсулотларни нафақат интернет, балки телефон орқали тарқатишга қарши кенг қамровли кураш ҳаракатларини бошлаб юборди. Австралияда эса ҳаёсиз маҳсулотларнинг интернет, қўл телефонлари ёки бошқа воситаларда тарқатилиши қатъий тақиқланиб, бу борада махсус қонун қабул қилинган.

Мактаб ўқувчиларини тармоққа улашда аппаратнинг турига қараб, белгиланган меъёрлар асосида фақат од-

дийларига улаш керак. Яъни, уларда камера, диктофон, флеш карта, “bluetooth” бўлмаслиги керак. Ўқувчиларга фақат кириш-чиқиш қўнғироқларини қабул қилувчи ва хабар йўлловчи аппаратлардангина фойдаланишга рухсат бериш лозим.

Интернет ва уяли телефондан фойдаланиш одоблари

Аллоҳ таолонинг бандаларга ато қилган неъматлари сон-саноқсиз ва беқиёсдир. Инсон дунёга келаркан, унга одамийлик ва имон каби бебаҳо неъмат тортиқ қилинади. Шунингдек, қўл, оёқ, бош, кўз, тил, тиш ҳамда инсоннинг ички аъзолари Аллоҳ таолонинг буюк инъомидир. Шу билан бир қаторда бандага берилган олий неъмат бу – Ватан, она юрт муҳаббатидир. Мустақиллик, тинчлик-осойишталик, хотиржамлик кабилар шулар жумласидан. Ушбу инъомлар шу даражада кўпки, уни ҳисоблаш мушкул. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

وَإِن تَعُدُّواْ نِعۡمَتَ ٱللَّهِ لَا تُحۡصُوهَآۗ

“...Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)**ини санасангиз, саноғига ета олмайсиз...”** *(Иброҳим, 34)*.

Ҳар бир жамият тараққиётнинг юқори чўққиларини забт этиши учун, албатта, ёш авлод барча соҳаларда билимга эга бўлиши лозим. Ёшларни юксак маънавият ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш барчамизнинг вазифамиздир. Жамиятнинг энг кичик бўғими бу оиладир. Ёш авлод маънавиятнинг биринчи босқичини оиладан, ота-онадан олади. Оилада фарзандга ота-она масъулдир. Ота-она фарзанднинг соғлиги, кийим-кечаги, хулқу одоби, бир сўз билан айтганда, маънавиятига эътибор бериб, уни назорат қилиши лозим. Чунки ота-она фарзандини тарбиялаб, эл-юртини гуллатиб яшнатадиган ёки эътиборсизлиги ва масъулиятсиз-

лиги туфайли арзимаган маблағга орини, имонини, Ватанини сотадиган кимсани жамиятга тақдим этади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳар бир фарзанд ислом фитратида туғилади. Ота-онаси уни яҳудий, насроний ё мажусий қилиб тарбиялайди...”, деганлар *(Имом Бухорий ривояти)*.

Вақт бебаҳо неъмат. Ёшлар вақтни ғанимат билиб, ундан унумли фойдаланишлари лозим. Вақт нечоғли қадр-қимматга эгалигини билмаган ёшлар, илм олиб, ҳунар ўрганадиган, одоб ва ҳусни хулқни ўзида жамлаб камолот ҳосил қилинадиган фурсатларни интернет кафеларда, турли-туман виртуал ўйингоҳларда ўтказмоқда. Соатлаб уяли телефонларда беҳуда гаплашиб, умрни зое қилмоқда. Ота-она фарзандини тарбия қилишнинг биринчи босқичида унинг бекор қолмаслигини таъминласин! Чунки бекорчилик энг зарарли иллат, инсон ҳаётини барбод қилувчи офатдир. Бекорчи одам на ўзига, на оиласига, на қўни-қўшниси, маҳалла-кўйи, эл-юрти, халқи, Ватанига фойдаси тегади. Бир бекорчи бутун жамиятга зарар келтиради. Интернет, виртуал ўйинлар ва замонавий уяли телефонлар ёш авлоднинг дангаса ва ишёқмас бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда. Албатта, бир чўпни икки учи бўлганидек, мазкур воситаларнинг фойдали жиҳатлари ҳам кўп. Ота-оналар фарзандларига интернет ва уяли телефонлардан унумли фойдаланиш ва уни одобларини ўргатиши ҳамда доимо фарзандларни назорат қилиб туриши керак. Интернетдан фойдаланувчи қуйидаги одобларга риоя этиши лозим:

- **Яхши ният қилиш**

Муқаддас динимизда ҳар бир амални ният билан ибодатга айлантириш мумкин. Шунинг учун интернетдан Ислом шариатида кўрсатилганидек, ҳалол бўлмаган нарсалардан тийилишни ният қилиб фойдаланиш керак.

- **Аллоҳ таолодан шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўраб, Бисмиллоҳ билан иш бошлаш**

Интернетга киришдан олдин “Аъузу биллаҳи минаш шайтонир рожим” ва “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”, дейиши лозим.

• **Вақтни зое қилмаслик**

Интернетдан фойдаланувчилар кўпинча мазкур одобга амал қилмайдилар. Соатлаб интернетга кириб, компьютер олдида ўтиради. Натижада турли хил касалликларга чалинадилар. Интернетга киришдан олдин вақтнинг ҳар лаҳзаси ҳисобли экани, умрни ғанимат билиш керак. Шунингдек, қиёмат куни олинган ҳар нафасдан сўралиши ҳақида чуқур ўйлаб кўриши керак.

• **Интернетдан фойдаланишда мақсадни аниқ қилиб олиш**

Тадбирни чиройли қилган инсон, муродига тезроқ етади. Интернетга киришдан олдин мақсадни аниқлаб олиб, кейин иш бошлаш лозим. Зарур бўлган маълумот, фотосурат, видеоролик ёки сайт номи кабилар шулар жумласидан.

• **Ислом шариатида рухсат берилган воситалардан фойдаланиш**

Интернетда ўқиладиган маълумот, кўриладиган фотосурат ёки видеоролик, эшитиладиган нарсаларнинг барчаси муқаддас динимизда рухсат берилган нарсалар бўлиши керак.

• **Интернетда бошқаларнинг ҳақига риоя этиш**

Кўчириб олиш мумкин бўлмаган нарсаларни кўчирмаслик, турли маълумотларни олиб манбасини кўрсатиш, бошқаларнинг маънавий-маърифий ҳуқуқига риоя этиш лозим.

• **Бошқа одамнинг интернетидан рухсатсиз фойдаланмаслик**

Бугунги кунда интернет тармоқлар жудаям ривожланиб уларни турлари ҳам кўпайиб кетди. Бошқа одамнинг интернетидан рухсатсиз фойдаланиш мумкин эмас. Шунингдек, ишхоналарда ҳам интернетдан ўз манфаати учун рухсатсиз фойдаланиш мумкин эмас.

• **Ижтимоий тармоқда муомала одобларига риоя қилиш**

Бугунги кунда “facebook”, “instagram”, “twitter”, “telegram” “Imo” каби ижтимоий тармоқлар ҳамда турли хил форумлар кўпайиб бормоқда. Ушу тармоқларда шарҳ қолдириш, бевосита икки ёки бир неча шахслар ёзма мулоқотда бўлиши мумкин. Мулоқот давомида форумларга изоҳ ёзиш, ижтимоий сайтларда шарҳ қолдириш асносида муомала одобларига риоя этиш лозим.

Уяли телефоннинг ўзига хос одоблари мавжуд. Уяли телефон орқали суҳбатда аввал саломбериш, телефонда сабабсиз узоқ гаплашмаслик, суҳбатдошни ҳолатини эътиборга олиш, рақамни аниқ териш, жавоб бермаса қўнғироқни уч мартадан оширмаслик, суҳбатни ёзиб олмаслик, бошқаларнинг телефонини текширмаслик, фотосурат ва видео роликларини кўрмаслик, хат (смс)ларини ўқимаслик, бошқаларнинг олдида апарат овоз кучайтиргичини ёқмаслик, телефон хотирасига шариат рухсат бермаган нарсаларни юкламаслик, суҳбат давомида муомала маданиятига риоя этиш, чақирув сигнали сифатида Қуръон қироати ва азон товушини қўйиш муқлоқо мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур интернет ва уяли телефонлардан фойдаланишнинг одобларини аввал ота-оналар ўзларида мужассам қилиб, сўнгра уни фарзандларига ўргатишлари бугунги кун вазифасидир. Болалар интернетдан фойдаланишни дўстларидан, интернет кафеларда ўрганмасин! Ота-оналар фарзандларига интернетдан қандай фойдаланиш кераклигини ўргатсинлар. Қайси сайтга кириш мумкинлигини билсин, зарарли сайтларга қарши иммунитет ҳосил қилсин. Чунки бугунги кунда кўпчилик ёшлар ўзлари билмаган ҳолда интернетда миссионерлар, адашган оқимлар тузоғига илиниб қолмоқдалар. Ота-она фарзандларни алоҳида хонада компьютер ишлатишига, интернетдан фойдаланишига

йўл қўймасин! Барча нарсалар ҳамманинг кўз ўнгида турсин, болалар ҳам шу ерда фойдалансин! Шунингдек, уяли алоқа одобларини ўзларининг телефон мулоқотлари, суҳбатлари орқали болаларга ўргатсинлар! Чунки болалар кўп нарсани кўриб ўрганадилар.

Интернет ёвузлик тўрими?

Бугунги ҳаётни интернетсиз тасаввур қилиш қийин. Шубҳасиз, интернет давримизнинг энг буюк ихтироларидан бири. Катта-кичик, ҳар ким унинг хизматидан фойдаланиши мумкин. Бироқ гап ким қандай фойдаланишига боғлиқ. Ҳозир тўрт-беш яшар бола ҳам компютердан бемалол фойдаланиши, эртадан-кечгача "автопойга" ўйнаши ёки "жангари филм иштирокчиси"га айланиши мумкин. Бир қарашда бунинг ёмон жойи йўқдек. Боланинг уқуви кучаяди, кўпроқ ахборот олади. Бироқ бу нарса одат тусига кирса, нохуш оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас.

Агар ўтган асрнинг 90-йилларида ёшларнинг энг севимли машғулотлари мусиқа тинглаш ва телекўрсатувлар кўриш бўлса, айни кунда компютер ва интернет олдинги қизиқишларни ёш авлод ҳаётидан сиқиб чиқарди. Ҳозирги замон ёшлари қизиқиш ва севимли машғулотлари ҳақида сўз юритганида, спорт, дўстлар билан суҳбатлашиш, маънавий ва маданий ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда компютер технологиялари ва интернетга бўлган қизиқишларини биринчи ўринда тилга олади.

Сўнгги илмий текширувлар натижаларига кўра, бутун дунё тармоғига уланаётган ёш болаларнинг сони кун эмас, соат сайин ошмоқда. 2007 йил Европада ўсиб келаётган ёш авлод вакилининг учдан бир қисми онлайн тизимида бўлиши кузатилди. 2010 йил дунё тармоғида 10 миллион ёшлар "сайр қилган" бўлса, ҳозир уларнинг сони аллақачон 15 миллионга етган. Кундан кунга интернетдан фойдаланувчи оилалалар, фарзандлар сони

кўпаймоқда. Бундай ёшларнинг катта қисми – 4,5 миллиондан ортиғи Буюк Британияга тўғри келади. Улар ҳар куни электрон манзилларини текширишади, турли хил сайтлардан маълумот излайди ва чат орқали мулоқотда бўлишади. Германияда ҳозирча 3 миллиондан ва Францияда 1,5 миллиондан ортиқ ёшлар вақтини асосан онлайн тизимида ўтказади.

Яна бир муҳим маълумот: "Болаларни асрайлик" (Save the Children) халқаро ҳуқуқий ташкилоти ўтказган сўровномалар натижасидан маълум бўлдики, АҚШдаги 15-17 яшар ўсмирларнинг 85 фоизи, Канада ёшларининг 93 фоизи мунтазам равишда интернетдан фойдаланади.

Дарҳақиқат, бугун интернетдан фойдаланувчиларнинг деярли барчаси ёшларни ташкил этади. Тадқиқотлар натижаларидан шу маълум бўлдики, ҳозир мактаб ёшидаги болалар ҳам интернетдан тобора эрта фойдаланишмоқда.

Ёшларнинг интернетдан фойдаланиши ҳақида сўз юритар эканмиз, юқорида тилга олинган ҳолат – интернетдаги танишувлар, SMS, чатларга тўхталиб ўтамиз. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай интернетаро ёзишувлар ёшлар ўртасида бугун кенг оммалашиб бормоқда, аста-секинлик билан чатга кирган ёшлар асосий вақтини ёзишмаларга сарфлаб, SMSларга, бу орқали интернетга муккасидан кетмоқда. Америкалик тадқиқотчиларнинг огоҳлантиришларича, SMSга бундай муккадан берилиш ўсмирлар соғлиғи, шунингдек, хулқ-атвори билан алоқадор бўлиши мумкин экан.

Тадқиқот ўтказилган ёшлардан 20 фоизи SMSга "ўта муккасидан кетганлар" тоифасига кириб, кунига 120 дан кўпроқ хабар жўнатар экан. Улар орасида, шунингдек, спиртли ичимликлар ичиш, тамаки чекиш, гиёҳвандлик ва шаҳвоний амалларга берилиш ҳам кўп учрар экан. Интернетдаги ижтимоиий тармоқларда кунига уч соатдан кўпроқ "ўтирган" ўсмирлар орасида ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар қайд этилган. Ушбу тадқиқот шундан далолат

берадики, SMSга, интернет ижтимоий тармоқларига берилиб кетиш ҳолатини назардан қочириш ўсмирлар соғлиғига хавфли таъсир ўтказиши мумкин. Ана шу ҳолат SMS ё интернет ижтимоий тармоғидан ҳаддан ташқари кўп фойдаланувчиларнинг ичкилик ва тамакига кўпроқ берилиб кетиши сабабларига ҳам ойдинлик киритади.

Қобилиятни тўғри сарфлаш

Инсон мияси жуда катта имкониятларга эга. Мутахассисларнинг фикрича, инсон миясида 16-17 миллиардгача нерв ҳужайралари бўлиб, одам боласи унинг ўртача 3, нари борса 4 ёки 6 фоизидан фойдаланиши мумкин экан. Аммо инсон мияси чексиз ўлчовдаги ахборотларни қисқа вақт ичида қабул қилганида кучли руҳий толиқишга учраши мумкин. Инсон ихтиро қилган компютер 80 мегабайтдан 1000 мегабайтгача ахборотни қабул қила олган ҳолда, инсоннинг ўзи ҳар доим ҳам ана шундай имкониятларга эга бўлолмаслиги мумкин.

Бугунги тезкор ривожланишлар жараёнида ахборот тарқатишнинг энг замонавий ва самарали таъсирчан воситалари кашф этилмоқдаки, улар олдида ўқитувчининг маърузалари зерикарли тусга кириб қолди. Бугунги кун боласи компютер, интернет, кўп каналли телекўрсатувлар, видео, турли дисклар каби воситаларга “асир” бўлиб қолди, айримларининг кўнгли ўқишдан совиб бормоқда. Ачинарлиси, ахборот тарқатиш воситаларидан берилаётган ахборот ва маълумотлар оқими ёшлар томонидан тўғридан-тўғри “филтрлашсиз” қабул қилиняпти, бу эса улар онгини заҳарлаб, маънавий-ахлоқий дунёсини заифлаштирмоқда. Бу каби зарарли ҳолатларнинг олдини олиш учун маънавий тарбияни оиладан, яъни боланинг илк тасаввурлари, тушунчалари шаклланган даврдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Ноқонуний дисклар савдоси

Глобаллашув илм-фан, техника тараққиётини жадаллаштириш билан бирга, афсуски, инсоний тушунчаларга, эзгу қадриятларга зид бўлган “оммавий маданият” ниқоби остидаги иллатларнинг кучайишига ҳам хизмат қилаётгани сир эмас. “Оммавий маданият” бизнинг ўзлигимизга, эзгу анъаналаримизга раҳна солишга уринаётгани кишини ташвишлантиради. Айрим кимсаларнинг мўмай пул илинжида шарм-ҳаёсизлик, лоқайдлик, ваҳшийлик, бир сўз билан айтсак, ёвузликни тарғиб қилувчи дисклар савдоси билан шуғулланаётгани барчамизни сергак торттириши керак. Бундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида тегишли идоралар билан ҳамкорликда муайян ишлар олиб борилмоқда.

Ёшлар ўртасида учраётган иллатларнинг пайдо бўлиши ва илдиз отишида ноқонуний дисклар савдосининг кучли таъсири бор. Бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш, кино-видео маҳсулотларини ёзиш, ижарага бериш ва сотиш бўйича фаолиятни тартибга солиш мақсадида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг “Киновидео маҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда бу борадаги тартиб-қоидалар аниқ белгиланган.

Кино-видео маҳсулотларнинг ноқонуний савдоси, айниқса, бозорлар, аҳоли гавжум масканларда кўпаймоқда. Айрим бозорлар маъмурияти, мутасадди идораларнинг бу ҳолатларга эътиборсиз қарашига йўл қўйиб бўлмайди.

Фарзандларимизни турли таҳдидлардан, хусусан, “оммавий маданият” ниқоби остидаги мафкуравий

хуружлардан асраш, уларга тўғри йўл кўрсатиш учун ҳаммамиз, ҳар биримиз доимо ҳушёр, огоҳ ва сезгир бўлишимиз керак.

Матбуотда ахлоқ меъёрларини сақлаш

Табиийки, глобаллашув жараёни оммавий ахборот воситаларига ҳам таъсир этмай қолмайди. Бугунги кунда телевидение том маънода “ойнаи жаҳон”га айланган. Сунъий йўлдош орқали мингта канални бемалол томоша қилса бўлади. Ҳар бир халқнинг маънавий қадриятлари ўзи учун азиз, уларни камситишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Шу билан бирга, бир халқ удуми иккинчисиникига мос келмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолда ҳар ким ўз миллийлигини ёт таъсирдан ҳимоя қилишга ҳақлидир.

Айрим чет эл оммавий ахборот воситалари учун одатий ҳисобланган шундай нарсалар борки, улар бизнинг газетхон ёки телетомошабин учун қадриятларимизни оёқости қиладиган, маънавиятимизни ҳақоратлайдиган тушунчалар бўлиши мумкин. Бунга ўнлаб мисоллар келтирса бўлади. Афсуски, “у ёқдагилар”нинг турмуш тарзини ифодаловчи, биз учун эса мутлақо ёт нарсалар ўзимиздаги оммавий ахборот воситаларида ҳам пайдо бўлмоқда.

Глобаллашув ўзликни йўқотиш эмас

Албатта, глобаллашув бутун дунёда рўй бераётган, орқага қайтмайдиган жараён. Бошқа мамлакатлар қатори биз учун ҳам зарурий. Лекин у бирёқлама бўлмаслиги керак. Глобаллашув миллий ўзликни йўқотиш дегани эмас! Дунё тамаддуни турли халқларнинг ўзига хос анъаналари, маданияти, маънавий қадриятлари билан гўзал ва бой ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири яшаш ва равнақ топишга ҳақли. Лекин қайсидир давлат ёки давлатлар, қайсидир халқ ёки халқлар глобаллашувни ўз менталитетидан келиб чиқиб ўзгаларга тиқиштириши

адолатдан эмас. У ҳолда бу жараён бир томондан фойда қилса, иккинчи тарафдан жиддий зарар келтириши, асрий қадриятларга шикаст етказиши, халқ ўз илдизидан айрилган “омма”га, миллат ўз қиёфасини йўқотган “манқурт”га айланиб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бундай хатарга йўл қўймасликнинг чораси битта: ўзгалар қадриятини камситмаган ҳолда ўз қадриятларимизни маҳкам туриб ҳимоя қилишимиз, лозим бўлса, жумла жаҳонга кўрсатишимиз керак.

“Одамлар оловга ўхшайди, – деган эди донишмандлардан бири, – иссиғидан баҳра олу куйдиришидан эҳтиёт бўл”. Тараққиёт мевалари ҳам худди шундай, ундан қўрқиш эмас, фақат тўғри фойдалана билиш керак. Қандай мақсадда қўлласангиз, ўша тарафга етаклайди.

Мамлакатимизда бошланган барча эзгу ишлардан кўзланган асосий мақсад – юртимиз салоҳиятини ошириш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, озод ва обод Ватан пойдеворини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган. Ёшларимизнинг ўқиб-ўрганиб, замонавий илмларни эгаллаган, соғлом ва маънавий етук авлод бўлиб вояга етиши йўлида кенг кўламли ишлар қилиняпти, зарур шароитлар яратиляпти.

Ҳар йили миллионлаб маблағ сарфланиб, замонавий мактаб ва коллежлар қурилмоқда, улар энг сўнгги русумдаги ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланмоқда. Шундай экан, давлатимиз фарзандларимиз истиқболи учун муттасил қайғураётган бир пайтда тарбияни издан чиқарувчи, маънавиятини кемирувчи ҳар қандай ёт таъсирлардан ёшларимизни ҳимоя қилиш, дунёда кечаётган ахборот таҳдидига қарши ёшларимизда соғлом иммунитетни шакллантириш, огоҳликни бир дақиқа бўлсин қўлдан бой бермаслик – бугун сув ва ҳаводек муҳим заруратга айланган.

Зарурий чоралар – тарбиянинг муҳим воситаси

Ёшларимизни замона талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама баркамол шахслар этиб вояга етказиш мақсадида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, улар баркамол бўлиб вояга етишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва замон талабларига мослаштириш ишлари амалга оширилди.

Шу мақсадда бир қатор янги қонунлар қабул қилинди, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, «Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси тўғрисида»ги, «Алкоголли ичимликлар ва тамаки тарқатилиши ҳамда 20 ёшга тўлмаган шахслар томонидан алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш ва тамаки чекишни чеклаш тўғрисида»ги қонунлар ишлаб чиқилди.

«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун ушбу масалалар билан шуғулланувчи тизим органлари ва муассасаларини аниқ белгилаш, улар фаолиятининг асосий вазифалари, принциплари ва йўналишларини тартибга солиш, шунингдек, алоҳида эътиборни талаб қилувчи вояга етмаганлар ва оилалар билан якка тартибдаги тарғибот ишларини ташкил этиш асослари ва тартиби, вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш тартиби ва асослари, ижтимоий хавфли ҳолатдаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда педагогик билимини ошириш ва бошқа масалалар ечимига қаратилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун эса, ёшлар ўртасида жиноятчи-

лик билан боғлиқ вазиятни яхшилаш, уларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатининг олдини олишга қаратилган бўлиб, унда вояга етмаганларни тунги вақтда ота-онасидан биринг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ресторанларга, кафеларга, барларга, дискотекаларга, кинотеатрларга, интернет ва компютер залларига, кўнгилочар тадбирлар ўтказиладиган бошқа биноларга киритгани учун маъмурий жавобгарлик жорий этилиши кўзда тутилган. Мазкур қонун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция 31-моддасининг: «Иштирокчи давлатлар боланинг дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш ҳуқуқини, ўзининг ёшига мос келадиган ўйинлар ва кўнгилочар тадбирларда иштирок этиш, маданий ҳаётда эркин қатнашиш, санъат билан шуғулланиш ҳуқуқини эътироф этадилар», – дейилган нормасига ҳамоҳангдир.

Жаҳондаги кўпгина давлатларда вояга етмаганларнинг тунги вақтда кўнгилочар тадбирларда иштироки масаласи қонунан мустаҳкамланган бўлиб, бу йўналишдаги ҳуқуқбузарлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик белгиланган. Жумладан, 2009 йили Россия Федерациясида бола ҳуқуқлари асосий кафолатлари тўғрисидаги қонунга тегишли ўзгартиш ва кўшимчалар киритилиб, унда тунги вақт (22.00 дан 06.00 гача) тушунчаси, давлат органлари, маҳаллий органлари ҳамда ота-оналарнинг болаларни соғлом ва маънавий етук этиб тарбиялаш борасидаги мажбуриятлари, шунингдек, 18 ёшга тўлмаган шахсларни тунги вақтда катта ёшдагилар кузатувисиз жамоат жойларига, стадионларга, ресторанларга, кафеларга, барларга, интернет ва компютер залларига, кўнгилочар тадбирлар ўтказиладиган жойларга бориши, жамоат транспортида юришига чеклов белгиланган ҳамда маъмурий жавобгарлик жорий этилиши кўзда тутилган. Германиянинг 2002 йил 23 июлдаги «Ёшлар муҳофазаси тўғрисида»ги Қонунида 18 ёшга тўлмаган болаларни тун-

ги бар ва клубларда, кўнгилочар ўйин залларида ва шунга ўхшаш жойларда бўлиши тақиқланган.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар содир этиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида қонунлар қабул қилингани болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини таъминлаш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

ТАРБИЯНИНГ НОЗИК ЖИҲАТЛАРИ

Жинсий тарбия масъулияти

Тарбиянинг бу жиҳати ўта нозик ва машаққатли. Чунки фарзанднинг жажжи, кўзни қувонтирадиган гўдаклик ҳаракатлари ортда қолиб, энди у ўсмирлик ёшига етади. Энди фарзанд ҳар бир ҳолатни онгли фикрлайдиган, кўз олдида кечаётган ҳар бир воқелик ва жараёнларга болаларча қизиқувчанлик билан эмас, аксинча, ўзгача эътибор билан назар сола бошлайди. Шунинг учун ҳам ота-она ва мураббийлардан бундай тарбия жараёнида жуда катта маҳорат ва фасоҳат талаб этилади. Жинсий тарбия ўғил ва қиз болаларда жинс масалаларига нисбатан тўғри муносабатни қарор топтиришни кўзда тутади. Ёш авлоднинг яхши ва соғлом ўсиб-унишига, вояга етишига, насл қолдириш қобилиятига эга бўлишига, никоҳ ва оилани мустаҳкамлашга ёрдам бериш жинсий-аҳлоқий тарбиянинг асосий вазифасидир.

Ота-оналар, тиббиёт ходимлари ва мураббийлар фаолиятларини уйғунлаштириб, болаларнинг ёши, жинси, иқтидори ва бошқа хусусиятларига мос равишда жинсий ҳамда ахлоқий тарбияни бир-бирига боғлаб олиб боришлари лозим. Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар билан ишлашда шунга алоҳида эътибор бериш керак: бундай тарбия фақат жинсий ҳаёт асослари билан таништириш, болаларга гигиеник малакалар, эркак ва аёл

танаси тузилиши, унинг ривожланиш қонунларини сингдиришдан иборат эмас, балки ахлоқий тарбиянинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ахлоқий тарбияни тўғри олиб бориш учун катталар ўғил ёки қиз боланинг жинсий ривожланиш босқичларини билиши ва табиий ҳамда ғайритабиий улғайишни бирбиридан фарқлай олишлари зарур. Аслида, жинсий тарбия анча барвақт бошланади. 7–8 кунлик чақалоқни туғуруқхонадан олиб чиқилаётганда ўғил ёки қизлигига қараб ва мослаб кийим-кечак ҳамда бошқа буюмлар танланади. Бола уч ёшга тўлганидан сўнг ўзининг қайси жинсга мансублигини англайди. Бунда, аввало, ота ва онанинг "қизалоғим", "дўмбоқ қизим", "попугим" деб эркалашидан бола қиз бола экани, "сен ўғил боласан", "ўғил бола йиғламайди", деб эслатишидан ўғил экани бола онгига сингади.

Совға қилинган ўйинчоқ, кийим-кечак, ўйин ва машғулотлардан ўғил ва қиз ўз жинси ҳақида маълумотга эга бўлиб боради. Ота-она ва тарбиячилар болаларга ўғил ёки қиз бола эканини билдириб ва уларнинг қандай юмушлар бажариши лозимлигини уқтириб, оиладаги ўрнини кўрсатиб боришади. Болалар боғчасига қатнайдиган кичкинтой одам танасининг тузилиши, ўғил ва қиз бола аъзоларининг тузилиши ҳақида қизиқиб ва ўсмоқчилаб савол бераверади. Ҳатто бу ҳақида бехосдан кўпчилик даврасида сўраб қолиши ҳам мумкин. Ота-она ёки тарбиячи шундай ҳолатда уларга: "Бундай нарсани сўрама", "Уят бўлади" демаслиги, болага таъқиб кўзи билан қарамаслиги, уларни қизиқтирган саволга вақтини топиб, тўғри, эринмасдан, босиқлик билан жавоб бериши керак. Акс ҳолда, болада нохуш ва қўрқинчли тасаввур пайдо бўлиши мумкин.

Аслида, бундай тарбиядан мақсад – боланинг ақли уйғониши билан, аввало, жинсга нисбатан қарашини тўғри сингдириб бориш. Бу эса йигитларнинг эркакларга хос тарбияси ва ўз ўрнида, қизларнинг аёлларга хос бўлган

тарбиясига эътибор йўлидир. Шу йўсинда оилада фарзандларнинг бир-бирларига нисбатан ўзаро муомаладаги масофа ва ўзлари ҳақидаги нозик тушунчалар бериб борилади. Шу билан бирга ёшларига қараб, уйланиш ва турмуш қуриш билан боғлиқ масалаларни ҳам етказиб ва уқтириб бориш талаб этилади. Токи ўспирин улғайиб бораркан, ҳаётда бу борада нима ҳалол ва нима ҳаром эканини тушуниб етсин. Келгусидаги турмуши давомида бу борада муаммоларга дуч келмасин. Чунки аксарият оилаларда ота-оналар истиҳола қилади ёки умуман ушбу тарбияга бефарқ бўлади. Оқибатда эса фарзандлари турмуш қурганидан кейин, ушбу масалалар сабаб бўлиб, муаммолар ва улар орқасидан келишмовчилик келиб чиқади. Натижада, кўпинча бундай оилалар ҳаёти ажралиш билан хотима топади. Ёки тамоман нотўғри тарбиядан мосуво бўлиб ўсган фарзанд ўта қабиҳ йўл – нафсоний шаҳват кетидан қувиб, турли бузуқликларга берилиб кетиши ҳам мумкин. Бу каби хунук, шармсиз ҳолат ва муаммоларга барҳам беришнинг энг гўзал йўли жинсий тарбияни ўзига хос услубда, динимиз кўрсатмалари ва миллий урф-одатларимизга мувофиқ тарзда ўргатиб боришдир. Ушбу тарбия жараёнида ота-она фарзандининг ёшига катта эътибор бериши лозимдир.

Шу боис неча ёшда қайси жиҳатга кўп эътибор бериш муҳим эканини босқичма-босқич баён қиламиз. Фарзандларнинг ёшига қараб бундай тарбия уларга уч босқичда берилади.

1-босқич – 7–12 ёшлар оралиғи, бу яхши ва ёмонни ажрата оладиган ёш. Бу пайтда болага изн сўраш ва назар солиш одоби ўргатилади.

2-босқич – 12–16 ёшлар оралиғи, бу балоғат ёши бўлиб, ўсмирлик ёши ҳам дейилади. Бу вақтда ўғил болада эҳтилом ва қиз болада ҳайз бўлади. Баъзиларда эрта, айримларда эса бир муддат кеч кузатилади.

3-босқич – 16–17 ёшлар оралиғи, бу камолга етиш ёши ҳисобланади.

Ислом фарзанд тарбиясида ҳеч бир нарсани эътибордан четда қолдирмаган, балки тарбиянинг нозик қирраларини ҳам баён қилган. Диний таълимотларда ушбу ёшларда нимани ўргатиш, кўрсатиб бериш ва таъкидлаб бориш каби кўрсатмалар берилган. Шунингдек, қандай амаллардан қайтариш ва огоҳ этиш ҳақидаги зарур таълимларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Фарзандларининг тарбияси, келажаги, дунё ва охиратдаги мавқеига эътиборсиз бўлмаган меҳрибон ота-она учун қўлланма сифатида мўътабар китобларимизда битилган динимиз таълимотларини Аллоҳ қодир қилганича баён этамиз.

Изн сўраш одоби

Ушбу одоб борасида фарзанд ўз аҳлидан изн сўрашни одат қилиши ва қайси вақтда фарзанд изнсиз ичкари кирмаслиги баён этилган. Иккинчи китобда бу ҳақда қисқа тўхталиб, асосан фарзанд бошқалар хонадонига борганида изн сўраш одобига урғу берилган эди. Бу ерда эса фарзанд эсини таний бошлагач, ота-она ҳузурига, опа-сингиллар хонасига ҳам изн сўраб кириши ҳақидаги зарур жиҳатларга эътибор қаратилди.

Қуръони каримда бу ҳақда очиқ ва равшан баён қилинган:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لِيَسۡتَـٔۡذِنكُمُ ٱلَّذِينَ مَلَكَتۡ أَيۡمَٰنُكُمۡ وَٱلَّذِينَ لَمۡ يَبۡلُغُواْ ٱلۡحُلُمَ مِنكُمۡ ثَلَٰثَ مَرَّٰتٖۚ مِّن قَبۡلِ صَلَوٰةِ ٱلۡفَجۡرِ وَحِينَ تَضَعُونَ ثِيَابَكُم مِّنَ ٱلظَّهِيرَةِ وَمِنۢ بَعۡدِ صَلَوٰةِ ٱلۡعِشَآءِۚ ثَلَٰثُ عَوۡرَٰتٖ لَّكُمۡۚ لَيۡسَ عَلَيۡكُمۡ وَلَا عَلَيۡهِمۡ جُنَاحُۢ بَعۡدَهُنَّۚ طَوَّٰفُونَ عَلَيۡكُم بَعۡضُكُمۡ عَلَىٰ بَعۡضٖۚ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمُ ٱلۡأٓيَٰتِۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٞ ٥٨

«Эй имон келтирганлар! Қўл остингиздаги (қул ва чўри)**ларингиз ҳамда балоғатга етмаган** (фарзанд) **ларингиз уч марта** (ҳузурингизга киришда) **сизлардан изн сўрасинлар – бомдод намозидан илгари, пешин**

вақтида (иссиқдан) **кийимларингизни ташлаган пайтингизда ва хуфтон намозидан кейин.** (Бу) **уч** (вақт) **сизларнинг авратларингиз** (очиқ бўлиши мумкин бўлган вақтлар)**дир. Улар ўша** (вақтлар)**дан сўнг** (изн сўрамай кирсалар) **сизларга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқдир.** (Чунки) **улар сизларга, бирингиз-бирингизга келиб-кетиб турувчидирсиз. Аллоҳ оятларини сизларга мана шундай баён қилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир»** *(Нур, 58).*

Ушбу оят моҳиятига эътибор берсак, ота-она болалари балоғатга етмасдан уларга ўз аҳлидан изн сўрашни ўргатиши лозим ва бунга қатъий амал қилиш зарур экани англанади. Аллоҳ таоло бундай изн сўраш уч вақтда бўлишини баён қилди:

Биринчи, бомдод намозидан олдин. Чунки кишилар бу вақтда ўз ўрнида ётган бўлади.

Иккинчи, туш пайти. Чунки бу пайтда ҳам кўпчилик кишилар либосини елкасига ташлаган ҳолда ором олади.

Учинчи, хуфтон намозидан сўнг. Бу вақт табиий, ором олиш ва ухлаш вақтидир.

Аллоҳнинг каломида бу уч вақтда изн сўраш алоҳида таъкидланиб, фарзанд тарбиясидаги одобнинг муҳим асосларидан экани баён этилди. Фарзанд балоғатга етмаган бўлса-да, оиласидагиларни бундай ҳолда кўриши жоиз эмас. Агар бунга эътиборсиз қаралса, биринчидан, фарзанд рухсат сўраш одобини ўрганмайди. Иккинчидан, гўдакнинг кўзи ножоиз ҳолатга тушавериб, бу кўринишлар оддий ҳолга айланади. Оқибатда, боланинг беғубор қалби шикасталаниб, беҳаё ва шармсиз ишларни андишасиз қилиш йўлига ўтиши мумкин. Шу боис фарзандларнинг бундай тарбиядаги тушунчалари тўғри бўлиши учун, бу йўлдаги илк босқич – изн сўраш одобини мукаммал сингдириш зарур.

Аммо фарзанд балоғат ёшига етгач, ота-она фарзандларга бу уч вақтдан ташқари вақтларда ҳам изн сўраш

одобини ўргатиши лозим. Чунки Аллоҳ таоло бундай буюради:

وَإِذَا بَلَغَ ٱلْأَطْفَٰلُ مِنكُمُ ٱلْحُلُمَ فَلْيَسْتَـْٔذِنُوا۟ كَمَا ٱسْتَـْٔذَنَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ

«Қачонки гўдакларингиз балоғатга етса, бас, улар ҳам худди ўзларидан олдинги (балоғатга етган)**лар каби изн сўрасинлар!...»** *(Нур, 59)*.

Тарбиянинг қонун-қоидаларини яхши англаган оқил киши Қуръони карим оятларида фарзанд тарбиясига катта аҳамият берилганини тушунади. Бундай киши фарзандининг ақли ривожланиши билан унга ҳаё, одоб, исломий одобларни ўргатади. Албатта, бундай фарзанд ҳаёни ўзига касб қилиб, аҳлоқий тарбия борасида ҳам баркамол бўлади.

Баъзи фарзандлар тўсатдан, изн сўрамасдан ота-онаси ўтирган уйга кириб, уларни ноқулай аҳволга солади. Бу манзара унинг зеҳни ва хотирасига салбий таъсир қилади. Баъзида айримлар ўзлари истаб-истамай, кўчага чиқиб, ўртоқларига бу ҳақда сўзлайди. Оқибатда, фарзандни ўзи кўрган манзара ва ўртоқларининг турли ўринсиз фикрлари чалғитиб, турли ҳиссиётларга мойиллик уйғонишига сабаб бўлади. Натижада фарзанд одоб чегарасидан чиқиб, турли ножўя йўллар излай бошлайди. Шундай экан, ота-она фарзандига муқаддас динимизнинг мунаввар таълимларида баён қилинган мукаммал одобу ахлоқни ўргатиб бориши керак.

Назар солиш одоби

Фарзанд яхши-ёмонни ажрата оладиган ёшга етганида, ота-она фарзандига ўргатиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири нимага назар солиш жоиз ва нималарга қараш мумкин эмаслигини таълим беришдир. Бу таълим фарзанднинг хулқи чиройли ва баркамол бўлишида муҳим омилдир.

Ота-она фарзандига назар қилиш одобини қуйидаги тартибда ўргатиши мақсадга мувофиқдир.

Маҳрамларга назар қилиш. Эркак киши учун маҳрам, яъни яқин қариндош ҳисобланган аёллар бир неча жиҳатга кўра таснифланади. Улар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

– Насаб жиҳатидан никоҳи ман этилганлар. Аллоҳ таоло баён қилганидек, уларга етти тоифа аёллар киради:

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ أُمَّهَٰتُكُمْ وَبَنَاتُكُمْ وَأَخَوَٰتُكُمْ وَعَمَّٰتُكُمْ وَخَٰلَٰتُكُمْ وَبَنَاتُ ٱلْأَخِ وَبَنَاتُ ٱلْأُخْتِ

«Сизларга (никоҳи) **ҳаром қилинган** (аёл)**лар – бу оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари...»** *(Нисо, 23)*.

Ушбу аёллар тоифаси насаб жиҳатидан жуда яқин қариндош бўлиб, никоҳ абадий ҳаром қилинган маҳрамлар сирасига киради.

– Никоҳланиш жиҳатидан (қариндошлик сабабидан) никоҳ ман этилганлар. Улар тўрт тоифа аёллар:

Отасининг хотини

وَلَا تَنكِحُوا۟ مَا نَكَحَ ءَابَآؤُكُم مِّنَ ٱلنِّسَآءِ

«Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг...» *(Нисо, 22)*.

Бу ўринда “отанинг хотини”дан мурод, ўз онаси эмас, балки отаси никоҳига олган бошқа хотин назарда тутилган. Чунки бу аёл ўз эрининг фарзандига она ўрнида бўлади. Шу боис ота ўз никоҳига олиб, маълум муддатдан кейин талоқ қилган аёлга фарзанднинг уйланиши ҳаром бўлиб, бу аёл абадий маҳрам ҳисобланади.

Ўғлининг хотини

وَحَلَٰٓئِلُ أَبْنَآئِكُمُ ٱلَّذِينَ مِنْ أَصْلَٰبِكُمْ

«...яна, ўз пушти камарингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинларидир..» *(Нисо, 23)*.

Отага ўзининг зурриёди бўлган ўғлининг хотини, яъни келини маҳрам ҳисобланади. Ҳатто ўғли никоҳидаги хотинини талоқ қилган бўлса-да, ота бу аёлга уйланиши жоиз эмас. Шунинг учун қайнотага келини абадий маҳрам бўлади.

Хотинининг онаси

وَأُمَّهَٰتُ نِسَآئِكُمْ

«...қайноналарингиз...» *(Нисо, 23).*

Бу ўринда ўз хотинининг онаси, яъни қайнонаси назарда тутилган. Киши хотинини талоқ қилган тақдирда ҳам ўша аёлининг онасига уйланиши шаръан ножоиз ҳисобланиб, аёлининг онаси абадий маҳрам бўлади.

Хотинининг олдинги эрининг қизи

وَرَبَٰٓئِبُكُمُ ٱلَّٰتِى فِى حُجُورِكُم مِّن نِّسَآئِكُمُ ٱلَّٰتِى دَخَلْتُم بِهِنَّ فَإِن لَّمْ تَكُونُوا۟ دَخَلْتُم بِهِنَّ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ

«...жинсий яқинликда бўлган хотинларингизнинг қарамоғингизда бўлган қизлари, жинсий яқинликда бўлмаган бўлсангиз, сизларга гуноҳ бўлмас...» *(Нисо, 23).*

Ушбу ўринда никоҳига олган аёлнинг аввалги турмушидаги эридан туғилган қизи баён этилмоқда. Бу қизнинг онасига уйланиш ва қўшилиш билан унга ота ҳукмида бўлиб, ҳатто онасини талоқ қилса ҳам, қизига уйланиш мумкин бўлмайди. Шунинг учун бу қиз ҳам абадий маҳрам сирасига киради. Мабодо қизнинг онасини никоҳига олиб, аммо жинсий яқинлик қилмасдан талоқ қилган бўлса, бундан мустаснодир.

Эмизиш жиҳатидан никоҳи тақиқланганлар

وَأُمَّهَٰتُكُمُ ٱلَّٰتِىٓ أَرْضَعْنَكُمْ وَأَخَوَٰتُكُم مِّنَ ٱلرَّضَٰعَةِ

«...эмизган “она”ларингиз, эмишган “опа-сингил”ларингиз..» *(Нисо, 23).*

Чақалоқ ўз онасидан бошқа аёлни эмиши билан бу аёл унинг “эмизган она”си ҳисобланади. Эмизган онанинг қизлари эса эмган гўдакка опа-сингил ҳисобида бўлади. Шунинг учун бу “эмизган она” ва “эмишган опа-сингил”лар ҳам абадий маҳрам бўлиб, “эмган бола”нинг уларга уйланиши шариатга зиддир. Аммо “эмган бола”нинг туғишган ёки тутинган ака-укаларини мазкур аёлларга никоҳлаш мумкин.

Бу борада Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қуйидаги ҳадислари ривоят қилинган.

قال النبي صلى الله عليه وسلم: يَحْرُمُ مِنَ الرَّضَاعَةِ مَا يَحْرُمُ مِنَ النَّسَبِ.

(رواه مسلم)

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Насаб жиҳатидан (никоҳи) тақиқлангани эмизиш жиҳатидан ҳам тақиқланади”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Демак, насаб жиҳатидан никоҳи манъ этилган – она, қиз, сингил, хола, амма, аканинг қизи, опанинг қизи қариндошлар каби, эмизган томондаги – она, қиз, сингил, хола, амма, аканинг қизи, опанинг қизлари ҳам худди шундай қариндош ҳисобланиб, никоҳланиши манъ этилади.

Эркак маҳрам никоҳланиши таъқиқланган аёлнинг, яъни маҳрамининг кўп ҳолларда очиқ бўладиган аъзолари: бош, бўйин, кафт, оёқ кафти ва шунга ўхшаш жойларига қараши жоиз. Аммо кўпинча ёпиқ бўладиган аъзоларига қараши жоиз эмас. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай баён қилади:

وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا لِبُعُولَتِهِنَّ أَوْ ءَابَآئِهِنَّ أَوْ ءَابَآءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ أَبْنَآئِهِنَّ أَوْ أَبْنَآءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ إِخْوَٰنِهِنَّ أَوْ بَنِىٓ إِخْوَٰنِهِنَّ أَوْ بَنِىٓ أَخَوَٰتِهِنَّ

«...Улар зеб-зийнатларини эрлари ё оталари, ё эрларининг оталари, ё ўғиллари, ё эрларининг ўғиллари, ё

ўзларининг оға-инилари, ё оға-иниларининг ўғиллари, ё опа-сингилларининг ўғиллари…дан бошқа кишиларга кўрсатмасинлар» *(Нур, 31).*

Оятдаги арабча “буъул”, яъни “жуфт” сўзи истисно қилинди, чунки эр-хотин бир-бирининг зийнатини кўриши жоиз. Бунинг батафсил баёнини кейин келтирамиз.

Абу Довуд ривоят қилади: Саҳла бинти Суҳайл: “Эй Аллоҳнинг Расули, биз Солимни ёш бола сифатида кўрардик. У мен ва Абу Ҳузайфа билан бир уйда ётиб қоларди. У мени ҳижобсиз (беркитиш лозим бўлган жойларни беркитмаган) ҳолда кўрарди. Шу маънода оят нозил бўлди, бунга нима дейсиз?” деб сўради. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уни беш марта эмизгин”, дедилар.

Солим эмизилганидан сўнг ўз фарзанди ўрнига ўтди. Бу ҳадис Солимнинг кўп ҳолда очиқ бўладиган бош, бўйин ва кафтга қараши мумкинлигига далилдир.

Шариат никоҳи ман этилган кишиларнинг беркитилган аъзоларига назар қилишни жоиз ҳисобламайди. Чунки бу тоифадаги маҳрамларнинг беркитилган аъзоларига қарашга ҳеч бир эҳтиёж йўқ. Шунинг учун ҳам эркак одоби ва аёл иффати билан мувофиқ бўлмайдиган бундай ҳолатдан сақланиш лозим. Бу билан баъзи фитналарнинг олди олинади. Афсус, ҳаётда айрим оилаларда ушбу ўзаро маҳрамлик одоблари доирасидан четга чиқиш оқибатида хунук муносабатлар содир бўлмоқда.

Эркак киши ўз маҳрам аёлларини ҳаёсиз либосда кўриши ҳам мумкин эмас. Лекин авратдаги аъзоларяъни: “, ҳатто у ўғли, қизи, акаси, синглиси, отаси бўлса-да, назари тушиши жоиз эмас. Борди-ю, ота ёки ака-укасини ҳаммомда чўмилтиришга тўғри келганида ҳам, аврат ҳисобланган аъзолари ёпиқ ҳолда бўлиши шарт. Аллоҳ таоло бу ҳақда аниқ ҳукмни баён қилган:

تِلْكَ حُدُودُ ٱللَّهِ فَلَا تَعْتَدُوهَا ۚ وَمَن يَتَعَدَّ حُدُودَ ٱللَّهِ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٢٢٩﴾

«...Бу Аллоҳнинг (белгилаб қўйган) **ҳудуд** (чегара) **ларидир. Улардан** (ошиб) **тажовуз қилмангиз! Кимки Аллоҳнинг ҳудудидан тажовуз қилса, ана ўшаларгина золимлардир»** *(Бақара, 229)*.

Назар солишга доир ушбу одобларни ҳамма билиши лозим.

Бироқ шундай оилалар ҳам борки, ўз отаси кўз ўнгида қизининг кийинишию ўзини тутишини кўриб: "Наҳотки ота-бола бўлишса" деб, таажжубда қолмай иложингиз йўқ. Баъзи ҳолатларда балоғат ёшига етган қизларнинг алламбало кийимларда ҳеч тап тортмасдан отаси билан ажабтовур кўришишига нима дейиш мумкин? Бундай тоифа инсонлар ота ҳурмати, қизлар иффати, ота-бола ўртасидаги муомала меъёрларидан бехабардир. Бундай шармсиз тарбияни олиб вояга етган қиз бировнинг хонадонига боргач, ҳеч бир ҳижолатсиз бошқаларга ҳам айни муомалани қилмаслигига ким кафолат бера олади?

Хуллас, тарбияга эътиборсизлик, маҳрамлар ўртасидаги динимиз белгилаб қўйган ҳудудларни бузиш оқибатида ҳам кўп муаммолар келиб чиқади. Қизнинг аҳволини бирмунча тушунса бўлади, чунки унга ёшлигиданоқ бу тарбияни ота-онаси сингдириб бормаган. Аммо ўзини "мард"лардан ҳисоблаб юрадиган, "ота" деган масъулиятга эга бўлган кишидаги номус, орият, эркаклик ҳамияти қаерда қолди? Майли, у диний таълимотлардан узоқда дейлик, ота-боболаримиз амал қилиб келган миллий ғурур, халқимизнинг ўзига хос бўлган ор, андишаси қаерда қолди? Боболаримиз ўз қизларини, аёлларини юксак ор-номусли этиб тарбиялар эдиларки, ҳатто собиқ шўро тузуми чиркин ғояларини сингдирмоқчи бўлган бир пайтда, момоларимизнинг ҳаёларини топтамоқчи бўлганида, мустаҳкам имонлари ва иффатлари устун келиб, ўз номусларини сақлаганлар.

Мана шундай гўзал тарбияни бериб, қизларини шарму ҳаёли, ҳурмату эҳтиромли қилиб вояга етказган оталаргина юксак ҳурматга сазовордир.

Унаштирилаётганларнинг бир-бирига назар одоби. Ислом дини унаштирилаётган йигит ва қизнинг бир-бирига назар қилишини жоиз ҳисоблайди. Чунки ҳар иккиси ҳам ҳаётда умр йўлдоши танлашда ихтиёрга эгадир. Бу ҳақдаги муборак ҳадисларга мурожаат қиламиз:

قال النبي صلى الله عليه وسلم: انظر إليها فإنه أحرى أن يؤدم بينكما. (رواه الترمذي والنسائي)

Имом Термизий ва Насоий ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уни кўргин, чунки кўриш ўртангиздаги (муҳаббат)нинг мустаҳкам бўлишига сабабчидир”, дедилар.

عَنْ أَبِى هُرَيْرَةَ قَالَ كُنْتُ عِنْدَ النَّبِىِّ –صلى الله عليه وسلم– فَأَتَاهُ رَجُلٌ فَأَخْبَرَهُ أَنَّهُ تَزَوَّجَ امْرَأَةً مِنَ الأَنْصَارِ فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ –صلى الله عليه وسلم– « أَنَظَرْتَ إِلَيْهَا ». قَالَ لاَ. قَالَ « فَاذْهَبْ فَانْظُرْ إِلَيْهَا فَإِنَّ فِى أَعْيُنِ الأَنْصَارِ شَيْئًا ». (رواه مسلم)

Имом Муслим ривоят қилади: “Бир киши Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, ансорий аёллардан бирига уйланаётганини айтди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўрадилар:

– Уни кўрдингми?

– Йўқ.

– Уни кўргин, чунки ансорийларнинг кўзларида бир нарса бор”.

Ушбу ҳадислар турмуш қурмоқчи бўлган ёшлар бир-бирига назар қилиши жоиз эканига далил. Уламолар бу ҳолатнинг одобларини бундай баён қилганлар:

1. Йигит қизга уйланишни қасд қилганидан кейин фақат унинг юзи ва кафтига қараши мумкин.

2. Такрор кўриши жоиз, токи унинг кўриниши онгида ўрнашсин.

3. Йигит қиз билан кўришаётган маҳал гувоҳлар иштирокида суҳбатлашиши мумкин.

4. Никоҳ ақди бўлмасидан туриб, унаштирилганлар бошқа ножоиз ҳаракатларни қилиши мумкин эмас.

قالت عائشة رضي الله عنها: ما مست يد رسول الله صلى الله عليه وسلم يد امرأة قط غير أنه بايعهن بالكلام. (رواه البخاري)

Имом Бухорий ривоят қилади. «Ойша (розияллоҳу анҳо): “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўллари байъат қилиш пайтида бирор аёлнинг қўлини ушлагани йўқ, аёлларнинг байъати сўз билан бўлар эди”, деди».

Никоҳ ўқилмагунча унаштирилган қиз ва йигит бир-бирларига маҳрам хисобланмайди. Демак, уларнинг унаштирилиши бошқа ножоиз ҳаракатлар қилишларига асло йўл бермайди.

5. Унаштирилган қиз номаҳрам йигит билан хилватда қолиши мумкин эмас. Чунки динимиз бегона аёл ва эркак киши билан хилватда қолишни ҳаром қилган. Ушбу ҳадисга эътибор қаратамиз:

قال النبي صلى الله عليه وسلم: لا يخلون رجل بامرأة ولا تسافرن امرأة وإلا معها محرم. (متفق عليه)

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Огоҳ бўлинг, эркак киши аёл билан хилватда қолмасин ва маҳрамсиз аёл сафарга чиқмасин”, дедилар.

Мазкур ҳадис билан Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу борадаги ҳукмни қатъий баён этдилар. Ҳозирда халқимиз орасида тарқалган, ҳатто оммалашиб улгурган ёмон одатлардан бири унаштирилган қиз ва йигитнинг ўзаро хулқу одобларини яқиндан билиш мақсадида тез-тез кўришишларидир. Бундай ҳолатлар, кўп учрашишлар унаштирилган қизнинг шаънига бора-

бора нолойиқ гап-сўзлар кўпайишига сабаб бўлади. Ўз ўрнида бу ҳол йигитнинг ҳам олижаноблиги ва ориятига тўғри келмайдиган номақбул ишдир. Агар ҳолат шу тарзда давом этадиган бўлса, қиз ёки йигит турли фитналар гирдобида қолиб, никоҳ ақди бўлмасдан туриб, унаштирув бекор бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Афсус, бундай кўнгилсизликлар ҳаётимизда учраб турибди. Бундай ҳолатларга ёшларни унаштириб қўйиб, узоқ вақт, ҳатто йиллар ўтиб ҳам, тўйларини қилмайдиган бепарво ота-она сабабчи бўлади. Натижада никоҳ ақди бўлиб, бир оз вақт ўтар-ўтмас, ажралишлар ҳам кузатилади.

Ана шундай беғам оталардан бири дардини бундай баён қилади: “Бундан уч йил аввал ўғлимнинг бир қизга кўнгли тушиб қолди. Қиз онаси билан яшайдиган ёлғиз фарзанд экан. Аёлим билан маслаҳатлашиб, совчиликка борадиган бўлдик. Ўғлим айтган манзил бўйича топиб бордик. Кўп қаватли уйнинг тўртинчи қаватидаги хонадон эшигини тақиллатдик. Ичкарида 45-50 ёшлар чамаси аёл кутиб олди. Икки хонадангина иборат уйда орасталик барқ уриб турарди. Йўлакдан тортиб хоналаргача озода қилиб йиғиштирилган, биз кирган хонадаги барча жиҳозлар ўта нозик дид билан жойлаштирилган эди. Бу саришталик ва уй соҳибасининг яхши муомаласию нурли чеҳраси кўнглимдаги алланечук хаёлларни узоқлаштирди. Бошида хушламайгина йўлга отланган хотинимнинг юзида ҳам мамнунлик пайдо бўлди. Чой устидаги бирор соатча суҳбатдан маълум бўлдики, бир неча йил, аниқроғи, ўн йил олдин эри вафот этган бу аёл бошқа турмуш қурмаган экан. Ёлғизгина қизини тарбиялаб вояга етказаман, деб кўп қийинчиликни бошидан ўтказгани аёлнинг юзларига барвақт тушган ажиндан ҳам шундоққина билиниб турарди.

Совчиларга хос одоб билан секингина муддаони баён қилдик. Аёл: “Қизим ҳали ўн олти ёшда, қиз қилиб оламан десангиз, майли, аммо ҳали келинликка эрта”, деди. Бу аёл бошқа вилоятда хусусий фирмада ишлар, уйига

кам келар экан. Қариндошлари анча олисда яшаши боис қизи кўпинча уйда ёлғиз қолар экан.

Хуллас, ўғлим ва онаси билан маслаҳатлашиб, қизни унаштириб уйимизга олиб келадиган, ҳозирча никоҳ қилиб, икки йилдан кейин эса тўй қиладиган бўлдик. Ўғлим билан эса, гарчи никоҳ қилинган бўлса-да, қизга нисбатан масофа сақлашини келишиб олдим. Қизнинг онаси ҳам ушбу шартлар билан рози бўлди. Ўғлим ақлли, хушли йигит бўлиб, тадбиркорлик билан шуғулланар эди. Қизни ҳам ишга жалб этиб, биргаликда ишлашди. Икки йил эмас, орадан уч йил ўтди. Бу орада қиз ўн тўққизга, ўғлим эса йигирма бешга тўлди. Бу муддатни ҳеч гап-сўзсиз, омонатга хиёнат қилмасдан ўтказдик. Тўй кунини ҳам белгилаб катта хурсандчиликлар билан тўй бўлди. Келин-куёвни алоҳида уйга кўчирдик. Назаримда, барчаси кўнгилдагидек эди. Аммо барча машмаша тўйдан кейин бошланди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас бир куни аёлим, улар қовуша олишмаётганини, бир-бирларига муносабатлари ҳам анча совуқлашиб қолганини айтди. Аввалига ўғлимга, сўнгра келинни чақириб, онаси иккаламиз панду насиҳатлар қилдик. Тавба, уч йилдан буён бинойигина юрган, бир-бирига меҳр қўйган ёшларга асло ўхшамас, тамоман ўзгариб қолишган эди. Мана, орадан бир неча ой ўтганига қарамасдан, ҳали-ҳануз аҳвол ўзгаргани йўқ. Нима қиларимни билмасдан, бошим қотган", дея сўзини тамомлади бечора ота.

Бугунги кунларда ҳаётимизда учраб турган бу каби воқеалардан тўғри хулоса чиқаришимиз керак.

Афсус ила эслатиб ўтамиз, ҳозирги кунларда ўзбошимчалик билан юқорида айтилган никоҳ шартлари бўйича сўраб-суриштирмай ёшларни никоҳлаш ҳолатлари учрамоқда. Шу боис юқоридаги каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш идораси берган гувоҳнома бўлишини ҳам қонуний никоҳнинг

муҳим шартларидан бири деб эътироф қилиш ўринлидир. Норасмий кишиларнинг Фуқаролик ҳолати бўйича далолатнома ёзиш идораси берган гувоҳномани суриштирмай никоҳ ўқишлари ёш оилаларнинг ижтимоий ҳуқуқларини камситиш бўлса, расмий имомларнинг бундай гувоҳномани кўриб, сўнгра никоҳ ўқишлари жамиятда ёш оиланинг ижтимоий ҳуқуқини муҳофаза қилишдир.

Ўз жуфти ҳалолига назар одоби. Оила қуриб яшаётган эр-хотин бир-бирининг барча аъзоларини шаҳват билан ёки шаҳватсиз кўриши жоиз. Зеро, бир-бири билан қўшилишнинг жоизлиги уларнинг барча аъзоларига назар солишда ҳеч бир монеълик йўқлигини билдиради. Бироқ ҳар иккиси ҳам бир-бирининг авратларига тик боқмаслиги афзал. Чунки одоб-ҳаё ва динимиз таълимотлари юксак ахлоқни талаб этади. Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинган ушбу ҳадис шунга ишора қилади:

قالت عائشة رضي الله عنها: وما رأيته من رسول الله صلى الله عليه وسلم ، ولا رآه مني. (رواه أبو الشيخ الأصبهاني)

Ойша (розияллоҳу анҳо) айтадилар: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мендан бирон нарсани кўрмадилар ва мен у кишидан бирор нарса кўрмай дунёдан ўтдилар”.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَٱلَّذِينَ هُمْ لِفُرُوجِهِمْ حَٰفِظُونَ ﴿٥﴾ إِلَّا عَلَىٰٓ أَزْوَٰجِهِمْ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُهُمْ فَإِنَّهُمْ غَيْرُ مَلُومِينَ ﴿٦﴾

«Улар авратларини (ҳаромдан) **сақловчидирлар. Илло, ўз жуфти ҳалоллари ва қўл остидагилар** (чўрилар) **бундан мустаснодир. Бас, албатта, улар маломат қилинувчи эмаслар»** *(Мўминун, 5-6).*

Бегона аёлга назар. Балоғат ёшига етган эркак кишининг бегона аёлга назар қилиши, у билан хилватда ҳоли

қолиши, эркин суҳбатлашиши, гарчи аёлда эркак кишини ўзига тортадиган жиҳатлар бўлмаса-да ва шаҳватини ўйғотмаса-да, ножоиз. Бу тоифадагилар, яъни бегона аёл ким-у, бегона эркак кимлиги ҳақида қуйида баён қилинади.

Бегона эркак – аёлни никоҳига олиши мумкин бўлган ҳар қандай эркак киши. Яъни, юқорида зикр этилган маҳрамларидан бошқалар. Умуман нотаниш, бегона эркаклардан ташқари, амма, амаки, тоға ва холанинг ўғиллари ҳамда сингил, опа, хола ва амманинг эрлари, яъни поччалар ҳам шу тоифага киради.

Бегона эркак кишилар қаторига яхши-ёмонни ажрата оладиган, балоғат ёшига яқинлашган ўсмирлар ҳам киради.

Бегона аёл – эркак никоҳига олиши мумкин бўлган, яъни никоҳи дуруст бўлиб, маҳрамлардан бўлмаган аёл. Бутунлай бегона бўлган аёллардан ташқари амаки, амма, тоға ва холанинг қизлари ҳамда ака-ука, амаки, тоғанинг хотинлари, шунингдек, хотинининг опа-сингиллари, аммалари ва холалари ҳам бегона аёллар сирасига киради.

Бу тоифадаги аёл ёки эркак киши, почча ёки қайнсингил, амаки ёки холанинг болалари каби қариндош ҳисобланса-да, бироқ маҳрам сирасига кирмайди. Шу боис, улар билан муомала одоб доирасида, бошқалар иштирокида, маълум масофа сақлаган ҳолда бўлиши лозим.

Ояти каримада айтилган:

قُل لِّلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا۟ مِنْ أَبْصَـٰرِهِمْ وَيَحْفَظُوا۟ فُرُوجَهُمْ ۚ ذَٰلِكَ أَزْكَىٰ لَهُمْ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ خَبِيرٌۢ بِمَا يَصْنَعُونَ ﴿٣٠﴾ وَقُل لِّلْمُؤْمِنَـٰتِ يَغْضُضْنَ مِنْ أَبْصَـٰرِهِنَّ وَيَحْفَظْنَ فُرُوجَهُنَّ

«(Эй Муҳаммад!) **Мўминларга айтинг, кўзларини** (номаҳрам аёллардан) **қуйи тутсинлар ва авратларини** (зинодан) **сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза** (йўл)**дир. Албатта, Аллоҳ улар қилаётган** (сир) **сино-**

атларидан хабардордир. Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркаклардан) **қуйи тутсинлар ва авратларини** (зинодан) **сақласинлар!..»** *(Нур, 30-31).*

Бир неча ҳадислар келтирамиз:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «النظرة سهم من سهام إبليس مسمومة فمن تركها من خوف الله أثابه جل وعز إيمانا يجد حلاوته في قلبه». (رواه الحاكم والطبراني)

Имом Табароний ва Ҳоким Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади, "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: "(Бегона аёлга) қараш иблиснинг ўқларидан бир ўқ, ким уни Аллоҳдан қўрқиб тарк қилса, унинг ўрнига имонни қўяди, қалбида унинг ҳаловатини топади".

عن أبى أمامة عن النبى –صلى الله عليه وسلم– قال « ما من مسلم ينظر إلى محاسن امرأة أول مرة ثم يغض بصره إلا أحدث الله له عبادة يجد حلاوتها ». (رواه أحمد)

Имом Аҳмад ва Имом Табароний Абу Умомадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "(Бегона) аёлнинг гўзаллигига қарашдан кўзини юмган мусулмонга Аллоҳ бир ибодат берур, унинг ҳаловатини қалбида топади", дедилар.

Зеро, мўминнинг интиладиган орзуси, бутун хатти-ҳаракати, барча амаллари ҳам ушбу юксак неъмат – "имон ҳаловати"га қаратилган. Бу латиф, лазиз ва роҳатбахш имон ҳаловатини бир бора тотган киши асло уни йўқотгиси келмайди. Буни топиш учун эса Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилганларидек, нафсга мойдек ёқадиган, аммо оқибати ўта ёмон бўлган, бегона аёлларга назар ташлашдек ярамас ишни тарк этиш зарур. Агар бу ҳарис назардан

сақланмаса, иблис ўқига нишон бўлиши баён этилмоқда. Бу жирканч ўққа нишон бўлган қалб соҳиби эса то қалбини поклаб олмагунича имон ҳаловатидек азиз неъматдан ва кўп эзгуликлардан мосуво бўлиб қолади. Ана шундай аҳволга тушиб қолган мўминнинг юзини мунаввар этиб турган нур ҳам йўқолади.

Ҳазрат Усмон (розияллоҳу анҳу) замоналарида саҳоба Анас (розияллоҳу анҳу) Мадина кўчаларида кетаётганида бир аёлга кўзи тушиб, хаёли озгина чалғиди. Дарҳол ўзини ўнглаб, тўғри Ҳазрат Усмоннинг (розияллоҳу анҳу) ҳузурларига келди: “Ассалому алайкум, ё амирал мўминин!” деди. Усмон (розияллоҳу анҳу) эса: “Ҳой Анас! Сенга нима бўлди, кўзингда зино изини кўряпман?” деди. “Саломга вожиб бўлган аликни олмай, мени зинода айблаяпсиз, нима, ваҳий туша бошладими?” дея Анас (розияллоҳу анҳу) жавоб берди. Шунда Усмон (розияллоҳу анҳу): “Йўқ, асло, Муҳаммад (алайҳиссалом) вафот этганларидан кейин ваҳий ҳам, пайғамбарлик ҳам тўхтаган. Лекин мўминнинг фаросатидан қўрққин, у Аллоҳнинг нури билан қарайди”, деди.

Абу Саид (розияллоҳу анҳу) айтади. «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўминнинг фаросатидан қўрқинглар. Чунки у ҳар бир нарсага Аллоҳнинг нури билан қарайди”, дедилар. Сўнг “**Албатта, бу** (ҳодиса)**да фаросатли кишилар учун аломатлар бордир”** *(Ҳижр, 75)* оятини ўқидилар» *(Имом Термизий, Табароний ва Байҳақий ривояти)*.

Шунингдек, ушбу ҳадиси шарифда кўрсатилган фазилатларга эга бўлиш афзалдир:

عن عبادة بن الصامت أن النبى –صلى الله عليه وسلم– قال « اضمنوا لى ستا من أنفسكم أضمن لكم الجنة اصدقوا إذا حدثتم وأوفوا إذا وعدتم وأدوا إذا ائتمنتم واحفظوا فروجكم وغضوا أبصاركم وكفوا أيديكم ». (رواه أحمد وابن حبان)

Имом Аҳмад ва Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ” китобларида Убода ибн Сомитдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Ўз нафсингизда олти нарсанинг кафолатини беринглар, мен сизларга жаннатнинг кафолатини бераман. Сўзласанглар, тўғри сўзланглар, ваъда берсанглар, вафо қилинглар, омонат қўйилса, адо қилинглар, фаржларингни сақланглар, кўзларингни (ҳаромдан) тийинглар, қўлларингни (ҳаромдан) сақланглар”, дедилар.

عن أَبي هريرة – رضي الله عنه – : أنَّ النبيَّ – صلى الله عليه وسلم – ، قَالَ : ((كُتِبَ عَلَى ابْن آدَمَ نَصِيبُهُ مِنَ الزِّنَا مُدْرِكُ ذَلِكَ لا مَحَالَةَ : العَيْنَان زِنَاهُمَا النَّظَرُ ، وَالأُذُنَان زِنَاهُمَا الاسْتِمَاعُ ، وَاللِّسَانُ زِنَاهُ الكَلاَمُ ، وَاليَدُ زِنَاهَا البَطْشُ ، وَالرِّجْلُ زِنَاهَا الخُطَا ، والقَلْبُ يَهْوَى وَيَتَمَنَّى ، وَيُصَدِّقُ ذَلِكَ الفَرْجُ أَوْ يُكَذِّبُهُ)) . متفق عَلَيْهِ

Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Одам боласига унинг зинодан бўлган насибаси ёзилган. Уни олмаслиги амримаҳол. Икки кўз зиноси – назар. Икки қулоқ зиноси – эшитиш. Тилнинг зиноси – сўзлаш. Қўлнинг зиноси – ушлаш. Оёқнинг зиноси – юриб бориш. Қалб уни иштаҳа ва орзу қилади. Фарж эса уни тасдиқлайди ёки ёлғонга чиқаради”, дедилар.

Дарҳақиқат, киши ножоиз жойга назар қилиши оқибатида, аввало, қалб бузилади. Чунки қалб заифлашгач, қулоқни эшитиш жоиз бўлмаган сўзларни эшитишга чорлайди. Тил кўпроқ турли лағв ва шармсиз сўзларни гапиришга одатланади. Қўл ушлаш жоиз бўлмаган нарсаларни ушлашга рағбат қилса, оёқ тинмасдан тақиқланган жойларга боришга ундайди. Бунинг барчаси бирлашиб, инсонни очкўз ва ҳарисманд ҳолга келтириб қўяди. Энди заҳарланган қалбнинг зинога бўлган иштиёқи кучаяди.

Агар дарҳол тавба йўлига кирмаса, зино содир бўлишигача олиб боради. Айни ҳолга тушмаслик учун қалбни поклаш, васвасадан узоқлашиш учун Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қуйидаги ҳадисларига қатъий амал қилиш зарур:

عن جرير – رضي الله عنه – قَالَ : سألت رسول الله – صلى الله عليه وسلم – عن نَظَرِ الفَجْأَةِ فَقَالَ : ((اصْرِفْ بَصَرَكَ)) . رواه مسلم

Имом Муслим ва Имом Термизий Жариpдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тўсатдан назар тушиб қолиши ҳақида сўрадим. У зот (алайҳиссалом): “Кўзингни бошқа томонга бур”, дедилар.

Албатта, ҳамма бало назардан бошланади. Биринчи назар тушганида, Худодан қўрқиб, ўзини тийган одам ютади. Лекин яна назар солса... Ҳар бир эркак-аёл ушбу сўзларни ёдидан чиқармаслиги ва номаҳрамларга шаҳват назари билан қарашдан ўзини тийиб юрмоғи лозим.

عن أُم سَلَمَة رَضِيَ اللهُ عنها ، قالت : كنتُ عِنْدَ رسول الله – صلى الله عليه وسلم – ، وعندهُ مَيْمُونَة ، فَأَقْبَلَ ابنُ أُمِّ مَكْتُوم ، وَذَلِكَ بَعْدَ أنْ أُمِرْنَا بالحِجَاب فَقَالَ النبيُّ – صلى الله عليه وسلم – : ((احْتَجِبَا منْهُ)) فَقُلْنَا : يَا رسولَ الله ، أَلَيْسَ هُوَ أعْمَى ! لاَ يُبْصِرُنَا ، وَلاَ يَعْرِفُنَا ؟ فَقَالَ النَّبيُّ – صلى الله عليه وسلم – : ((أَفَعَمْيَاوَانِ أنتما أَلَسْتُمَا تُبْصِرَانِه !؟)) . رواه أَبُو داود والترمذي

Абу Довуд ва Имом Термизий Умму Саламадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: «Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида эдим. Маймуна ҳам у кишининг ҳузурларида эди. Тўсатдан Умму Мактумнинг ўғли кириб келди. Бу воқеа ҳижоб қилишга буюрилганидан кейин бўлди. Набий (соллаллоҳу алайҳи

ва саллам): “Ундан икковинг ҳам ўзларингни беркитинглар”, дедилар. Биз: “Ё Расуллуллоҳ, у бизни кўрмайдиган ва танимайдиган кўр эмасми?” дедик. Шунда ул зот: “Икковингиз ҳам кўрмисиз? Икковингиз ҳам уни кўрмаяпсизми?” дедилар».

Ушбу ҳадис нафақат эркак киши бегона аёлга назар қилмаслиги, шунингдек, аёл киши ҳам бегона эркак кишига қараши жоиз эмаслигини таъкидламоқда.

Зино барча халқлар тушунчасида бегона эркак ва аёлнинг никоҳсиз жинсий алоқада бўлишидир. Бу барча динлар, халқлар ва таълимотларда қабиҳ ва разолат ҳисобланган. Чунки инсоннинг соф қалби табиатан бу қабиҳ ишни қоралайди. Халқимиз зинони улкан гуноҳ, кечирилмас айб деб билади. Аллоҳ таоло хитоб қилиб: **“Зинога яқинлашманглар, албатта у фоҳиша иш ва ёмон йўлдир”**, деган *(Исро, 32)*.

Чунки зино наслу насабнинг бузилиши, оилаларнинг парчаланиши, инсоний муносабатларнинг ёмонлашуви, турли касалликларнинг тарқалиши, ахлоқнинг емирилиши ва бошқа кўп бало-офатлар сабабидир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом): “Қайси қавмда зино тарқалса, Аллоҳ таоло уларни ота-боболари билмаган касалликка мубтало қилади”, деганлар. Боболаримиз зинони хаёлларига ҳам келтирмаган. Чунки улар маҳбуб Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Зинокор зино қилганида мўминлигида қолмайди”, деганларини билишган. Мўминлик – имон боболаримиз учун ҳамма нарсадан устун бўлган. Улар охират азобидан қўрқишган, шу боис бошқа гуноҳлар қатори зинога ҳам яқинлашмаганлар.

Фарзандни эрта жинсий қизиқишлардан сақлаш

Муборак динимизнинг таълимотлари яна бир муҳим тарбияни ота-онанинг вазифаларидан қилиб белгилаган. Бу юксак масъулият фарзандларни инсон хулқини ихтиёрсиз бузадиган, жинсий мойиллик ва рағбат уйғотадиган ҳар бир нарса ва ҳолатлардан сақлашдир. Бу

жараён бола тўққиз ёшдан то вояга етгунгача бўлган муддатни ўз ичига олади.

Таълим-тарбия олимлари фикрича, бу инсон ҳаётидаги энг муҳим босқич. Агар ота-она фарзанднинг бу борадаги тарбиясини ўз вақтида тўғри йўлга қўйса ва ножўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олса, бу катта ютуқ. Чунки соғлом жамият тараққиёти ва равнақи учун фазилатли, одобли, юксак маънавиятли ва тарбияли фарзанд вояга етади.

Шу боис динимиз ҳар бир ота-она ва мураббийга фарзандларнинг жинсий қизиқишлари эрта уйғонишидан эҳтиёт чораларини кўришга буюради.

Аллоҳ таоло бундай дейди: **«...аёлларнинг авратларидан хабардор бўлмаган гўдаклардан бошқа кишиларга кўрсатмасинлар!..»** *(Нур, 31)*.

Имом ибн Касир Нур сурасининг ушбу оятини бундай тафсир қилади: "Гўдак аёлларнинг турли ҳолатларини билмайди. Уларнинг авратларини, нозик овозларини, нозланиб юришларини фаҳмламайди. Агар бола ёш бўлиб, буларни тушунмаса, унда аёллар ҳузурига киришида зарар йўқ".

Бу оят тафсиридан ҳулоса шу: агар бола аёлларнинг ҳолатларини ва авратларини фаҳмламайдиган даражада жуда ёш бўлса, уларнинг ёнларида ўтириши ва ҳузурларига кириб-чиқиб юришида зарар бўлмайди. Аммо фарзанд тўққиз ёшдан ошган бўлса, бундай ҳолатларга мутлақо йўл қўйилмайди. Чунки бола бу ёшда ҳар бир кўринишни онгли равишда идрок қилади. Ушбу чегара ёшидан сўнг ҳам унга бу борада изн сўраш одоби буюрилмаса, баъзи ноқулай ва таъсирчан манзаралар гувоҳи бўлади. Натижада бола ғалати бир ҳолга тушиб, ахлоқи бузилиши ҳам мумкин. Бу эса, табиий, болада жинсий мойиллик жуда эрта уйғонишига олиб келади. Ҳаёт тажрибалари кўрсатишича, бундай ҳолга тушиб қолган фарзанднинг бутун фикри-зикри беихтиёр шундай ўй-хаёллар атрофида бўлади. Бунинг оқибатида илмга

бўлган иштиёқи кескин пасайиб, ўзи бажарадиган кундалик ишларига бепарво бўлади.

Фарзандининг бу каби ғалати, ажабтовур ҳолатини кеч бўлса-да, сезиб, вазиятни англаган ота-она учун энди унинг тарбия жараёни бироз оғир кечади. Муҳим паллада эътиборсизлик қилган ота-она энди бу иллатни юқтириб олган фарзандининг тарбиясига жуда жиддий эътибор бериши талаб этилади. Акс ҳолда, нечоғли оғир бўлса-да, айтиб ўтиш керак, шармандали ҳолат рўй бериши мумкин. Афсус, ўғил-қизлар ўртасидаги аянчли ва шармсиз воқеаларнинг барҳам топмаётгани фарзандлар тарбиясига етарлича эътибор берилмаётгани оқибатидир.

Баъзи кишилар: "Биз болага ушбу тарбияни бермасакда, қинғир ишларга қўл ураётгани йўқ", деб фикр билдириши мумкин. Тўғри, бундай салбий ишларни амалга оширмаса, нур устига нур. Аммо бу ҳол "Ушбу тарбия билан шуғулланмаса ҳам бўлади", деган фикрни илгари сурмайди. Чунки фарзанд вояга етиб, маълум ёшга киргач, бирон олийгоҳга кириб ўқиш ёки иш туфайли ота-она назоратидан бироз бўлса-да узоқлашади. Ана шу маҳалда, ёшлигида бу тарбиядан мосуво бўлиб ўсган, боз устига ота-она назоратисиз қолган фарзандда ушбу иллат бўй чўзиб қолиши, шунда у турли хил бузуқликлар таъсирига тушиб, ҳаёсиз ишлар қилиши мумкин.

Фарзандининг қилаётган ҳар бир ишидан батафсил хабардор бўлиб турибман, деб қайси бир ота-она кафолат бера олади? Ёки фарзанд улғайгач, унинг учун хоҳ яхши, хоҳ ёмон эшиклар барчаси очиқми? Ёхуд ота-она вазифаси шулар билан ниҳоясига етдими? Йўқ, асло. Ваҳоланки, айни палла, ўзларидан андоза олган фарзандни жамият учун қай даражада тўғри тарбиялаб, тайёрлаб берганини кўрадиган пайт бўлади. Халқимизда нақл бор: "Яхши бўлса ейди ошини, ёмон бўлса ейди бошини". Яхшилигидан раҳмат, ёмонлигидан лаънат ҳам бевосита ота-онага келади. Шу боис, ота-она ҳаёт экан, фарзандлар доим назоратга, панду насиҳатга муҳтожлигини унутмасинлар. Шунинг

учун муҳтарам мураббий ва ота-оналар тарбиянинг ҳар бир жабҳасида оқсамасдан шижоат кўрсатишлари қатъий талаб этилади.

Ҳадиси шариф:

عن عبد الله بن عباس رضي الله عنهما قال: كان الفضل رديف رسول الله صلى الله عليه و سلم فجاءت امرأة من خثعم فجعل الفضل ينظر إليها وتنظر إليه وجعل النبي صلى الله عليه وسلم يصرف وجه الفضل إلى الشق الآخر. (رواه البخاري)

Имом Бухорий ривоят қилади: “Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Фазл ибн Аббосни қурбонлик куни уловларининг орқасига ўтирғизиб олдилар. Фазл балоғат ёшига етиб қолган эди. Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шаръий масала сўрагани Хасъам қабиласидан келган бир аёлга Фазл тикила бошлади. Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Фазлнинг иягидан ушлаб, юзини бошқа томонга бурдилар”.

Имом Термизий ривоятида:

وفي رواية الترمذي قال العباس يا رسول الله ! لم لويت عنق ابن عمك ؟ قال رأيت شابا وشابة فلم آمن الشيطان عليهما.

Ибн Аббос Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Нега амакингиз ўғлининг юзини бурдингиз?” деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен ёш йигит ва қизни кўрдим, улар фитнадан омон бўлишига ишонмадим”, дедилар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳатто 10–12 ёшли бола бўлган Фазлни бегона аёлга қарашдан қайтариб, юзини бурдилар. Бундан Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) балоғат ёшига яқинлашаётган болаларнинг одоби яхши бўлиши ва фитна гирдобига тушиб қолишларидан сақлашга катта аҳамият бер-

ганларини билиш мумкин. Бу билан: “Улар фитнадан омон бўлишига ишонмадим”, дея қиёматга қадар давом этадиган барча умматларига жинсий мойиллик эрта уйғонишининг олдини олиш ниҳоятда муҳим тарбия эканидан сабоқ бердилар. Буни эса Набийнинг (алайҳиссалом) фарзандларни тўғри тарбиялашда олтин ўгитлари деб қабул қилишимиз, ҳаётимизда қўллашимиз зарур.

Бу тарбияни сингдириб боришда шарафли бурч соҳиблари ота-она қуйидаги икки масъулиятли назоратни сидқидил билан амалга оширишлари лозим. Биринчиси, оиладаги ички назорат, иккинчиси, атроф-муҳитнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш.

Оила назорати

Фарзанд яхши одобли, ота-онаси, оиласи, Ватани, дини ва халқига муносиб хизмат қиладиган комил инсон бўлиб улғайиши учун оиладаги назорат жуда муҳимдир. Фарзанд вояга етиши жараёнидаги жинсий қизиқишга мойилликдан сақланишда қуйидаги зарур жиҳатларга катта эътибор бериш лозим:

– ота-она ва опа-сингиллар хоналарига изн сўраб кириш одобига қатъий амал қилишни фарзандга ўргатиш;

– бола тўққиз ёшдан ошганида унга қўйиладиган тақиқларда мустаҳкам туриш. Бегона аёллар билан аралаштирмаслик, авратларга назар солишининг олдини олиш каби ишларга эътиборни кучайтириш;

– фарзанд ўн ёшдан ўтганида бир хонада ака-сингил ёки опа-ука бир жойда ётишининг олдини олиш. Ота-она бу ёшдаги фарзандларининг ётоқларини алоҳида қилиши керак;

– фарзандга уйда хоҳлаганча телевизор кўриши ёки компютер ўйнашига рухсат бериш яхши эмас. Бу орқали улар таъсирли манзара, ёшларига муносиб бўлмаган турли кўрсатувлар, ахлоқсиз томошаларнинг гувоҳи бўлиб, фикрлари, хулқлари бузилиши мумкин;

– ҳозирги вақтда фарзандларнинг кўпида турли суратларни томоша қилишга қизиқиш кучли. Табиий, бу рағбатлари ахлоқсиз кўриниш, ярим яланғоч суратларни ҳам кўришга олиб боради. Шунинг учун ўғил-қизларнинг тарбиясига эътиборсизлик ахлоқсизликка сабаб бўлади. Болаларнинг нарсалари турадиган жойларга доимо эътибор қаратиш зарур;

ўн ёшга кирган ва ундан катта болаларга қариндош ёки қўшни қизлар билан бирга турли баҳонада хилватда ўйнашга имкон бериш ҳам уларда эрта жинсий ўйғонишга сабаб бўлиши мумкин.

Атрофдагиларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш

Тарбияда ташқаридан бўладиган салбий таъсир энг катта хатардир. Чунки фарзандга оилада бу борадаги эркинликка йўл қўйилмагач, у ўз қизиқиш ва рағбатларини қондирадиган сабабларни ташқаридан излай бошлайди. Демак, ота-она фарзандининг ташқи ҳаётига ҳам катта эътибор қаратиши талаб этилади. Яъни, улар фарзанди мактаб ёки коллеждан кейин қаерга бориши, нима билан шуғулланашини назорат қилиш лозим. Ёхуд бола дўстлари билан суҳбатлашиши, бирга дарс қилиш мақсадида уйдан чиқиб бошқа ножўя ишлар билан шуғулланиши мумкин. Айниқса, ҳозирги кунда мактаб ўқувчиларига урф бўлган турли йиғинлар баҳонасида фарзанд уйдан чиқиб, ота-она эътиборидан узоқлашишга ҳаракат қилади. Ана шу пайтда ихтиёрини ўзига қўйиш оқибатида, фарзанд турли бузуқ ишлар, ичиш, чекиш ва баъзи ҳаёсиз амалларга қўл уради. Оила тарбияси мукаммал бўлмаса, бунинг устига фарзанд тарбиясига хавф туғдирадиган атроф-муҳит таъсирига эътибор қаратилмаса, оқибати ёмон бўлади. Буни ҳисобга олмаган, эътибордан четда қолдирган айрим ота-оналар кўнгилсиз воқеа содир этилганидан кейин хатоларини англаб, надоматда қолади.

Шу боис, бу борада аҳамият бериш зарур бўлган муҳим жиҳатларни баён қиламиз:

Ахлоқсиз филмлар ва томошалар зарари

XXI асрнинг қудратли тўлқини – глобаллашув ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда ва ўз меваларини бермоқда. Электрон ахборот воситалари, интернет-кафелар, клублар ва бошқалар кўпайди. Катталар-ку, баҳарнав, ёш болалар ҳам ойнаи жаҳонда ҳаёсизларнинг қилиқларини кўриб, вояга етмасиданоқ бети қотиб улгуради. Бугун "ишқий" филм томоша қилади, эртага пинҳона жойларга бориб, кино кўради. Охир-оқибат гулдек йигит, ғунчадек қиз аввал инсонийлик қиёфасидан айрилади, кейин бошқа борлиғидан. Ота-она билмайдики, анча олдин – ўн яшар ўғилчаси, тўққиз яшар қизалоғи телевизорда ҳаёсиз томоша кўрганидаёқ бу фожиалар илдиз отган.

Инсоннинг маънан ожиз ва қалбан ғофил бўлиб қолишига энг катта сабаблардан бири ахлоқсиз филм ёки томошалардир. Шаҳватни қўзғовчи ва жинсий қизиқишга тарғиб этувчи бу каби нарсалар фарзанднинг беғубор қалбини тамоман заҳарлаб қўяди. Илму маърифат сингиши лозим бўлган покиза қалбни ёввойи шаҳват ва ҳирс эгаллайди. Афсус, бу каби фаҳшга етакловчи ишлардан кимлардир бугун тирикчилик манбаи сифатида фойдаланмоқда.

Барчамизга маълум, тадбиркорларга етарлича шароитлар яратиб берилди. Баъзи тадбиркорларнинг бу имкониятлардан оқилона фойдаланмай, яхши мақсадлар учун ташкил этилган жойларда шармсиз филмлар намойиш этаётгани ёки турли ҳаёсиз дисклар сотилаётгани ҳам маълум бўляпти.

Бундан ташқари, ёшлар турли тадбирлар баҳонасида бир жойга йиғилиб, сунъий йўлдош узатмаси орқали ҳаёсиз филм ва томошаларни кўраётгани қулоққа чалинади. Бу ҳам фарзандлар ахлоқи бузилишига катта таъсир кўрсатади.

Ҳаёсиз либослар зарари

Аёллар иффатли кийиниши ва ўзларини яхши тутиши лозим. Бу ниҳоятда катта масала. Аллоҳ аёл кишини хотин, она бўлиши учун гўзал, латофатли этиб яратган. Шунинг учун ҳам шариатда эркаклар учун ҳаром қилинган тилла, кумуш, ипак каби зийнат буюмлари аёлларга ҳалол қилинган. Лекин бу рухсат-ижозатлар номаҳрам эркакларнинг шаҳватини қўзғатиш, Аллоҳ берган ҳусну жамолларини кўча-кўйда кўз-кўз қилиб, гуноҳ ишларга манба бўлиш учун берилган эмас. Улар ўз жуфти ҳалоли ҳузурида, рухсат берилган жойларда бемалол зеби-зийнатли бўлиши мумкин, ҳатто лозим.

Баъзи аёллар номаҳрамлар эътиборини тортиш учун қўлидан келган-келмаган ясан-тусанни қилади, ўзида бўлмаса, қўшнисидан олиб бўлса ҳам, тақинчоқ тақишга, янги кийим кийишга интилади. Уйда, эрлари ҳузурида эса бир аҳволда бўлиб юради. Бу ҳол кўплаб оилавий келишмовчиликларнинг сабабидир. Кўчада зеб-зийнатга бурканиб ўзини намойиш қилиб юрган аёлларни кўриб келган эркак уйида ўзига қарамайдиган хотинини кўриб, ғалати бўлиши табиий. Аслида эса тескариси бўлиши, аёл бегоналар кўзидан ўзини асраб, бор гўзаллигини эрига намойиш қилиши керак.

Охирги вақтда аёлларнинг таналарининг кўп жойини очиб юриши нафақат зинога, балки эркакларнинг жинсий заифлигига сабаб бўлаётганини мутахассислар ташвиш билан таъкидлашяпти. Шунингдек, баданни очиб юриш боис аёллар ҳам турли касалликларга чалинаётгани ҳақида хабарлар кўп.

Кўча-куйда ҳар бир кишининг кўзи тушадиган бундай шармсиз либослар, нафақат балоғат ёшига етган ва балоғат бўсағасидаги ёшларнинг, балки омманинг назарини чалғитиб, фитнага етаклайдиган воситадир. Айниқса, ҳар томонлама ривожланиб бораётган ўсмир ёшлар бундай фитнали кўриниш олдида ва номуссиз либослар

қаршисида кўз-назарлари, ақлларини назорат эта олмайди. Ҳаёсиз манзаралардан кўзларини олиб қочишга журъати етмай, ожиз қолиши аниқ. Бунинг натижасида кучли истак ғалаён кўтара бошлайди. Бу ҳолат кўпинча нафс-истакларини жиловлай олмаган ўсмирларнинг хулқлари бузилишига сабаб бўлиб, ўй-хаёлларини ушбу ҳолат буткул ўзига ром этади. Оқибатда илму ҳунар олишга рағбати сусайиб кетади.

Хўш, бу каби зарарли иллатлардан сақланиш учун, балоғат ёшига етган ёки балоғат ёши бўсағасидаги ёшлар нима чора қўлласин? Хўш, бу каби "дард"га қарши қандай курашиш, қандай чора қўллаш керак?

Бутун дунёни лол қолдирадиган, теран ақлли, моҳир инсонлар бўлиб вояга етиш учун, аждодларимиз каби машҳур кишилар бўлиб жаҳонга танилиш учун бугунги кунда барча шарт-шароитлар яратилиб берилмоқда. Келажагимиз бўлган ёшларимизни йўлдан оздирмоқчи, халқимизнинг мунаввар келажаги йўлига бу каби номуссиз ишлар ила халал бермоқчи бўлаётганларнинг асл мақсади нима? На диний, на миллий қадриятларга асло мос келмайдиган бундай ибосиз либосларни ким, нима мақсадда ўйлаб чиқиб, жорий қилмоқда?

Бунинг тарихига назар солсак, уларни ғараз ниятли кимсалардан ташкил топган гуруҳлар ўйлаб чиққан бўлиб, уларнинг қабиҳ мақсадлари барча ҳудудларда ҳар қандай тартиб-интизомни бузиш ва жамиятда гўзал одобларни таг-томири билан йўқ қилишга қаратилган. Бу билан улар ҳар бир юртдаги эркаклар заифлашиб, ушбу йўлга батамом муккаларидан кетганидан сўнг ҳокимиятга осонгина эга бўлишни ният қилишган.

Инсон нафси ҳиссиётга эргашувчи, ҳиссиёт эса нуқсонга олиб борувчидир. Ҳиссиётга ўта берилувчан аёллар нолойиқ либослар оқимига қараб жуда тез оқади. Бу эса ғаламислар ёвуз режаларининг амалга ошувини осонлаштиради. Иффат фазилатидан йироқ бўлганларга мўлжалланган бундай либослар асло чегара билмайди. Асли

заифа ва ожиза қилиб яратилган аёллар ял-ял товланиб турган бу “гўзаллик” қаршисида ожиз қолади, маънан ғариб “гўзаллик” шайдолари дарҳол унинг асирига айланади. Бу тоифа аёлларнинг наздида бундай либосларни киймаслик гўёки “маданиятдан узилиш” ва “замондан ортда қолиш”дир. Бу “маданият”га ошуфта бўлган аксарият “замонавий”лар секин-аста, ўзлари билиб-билмаган ҳолда фитналар гирдобида қолиб, гуноҳлар уммонига шўнғиб бораверади.

Баъзи аёллар мол-дунё тўплаш мақсадида ўзини кўз-кўз қилиб, қинғир йўлни танлайди. Кийим сабабли айрим оилаларда эр-хотин орасида жанжал ва тортишувлар келиб чиқади. Бу тортишув эса, аёлнинг эридан “янги чиққан мода”ни олиб беришини талаб қилиши билан бошланади. Натижада, кўпинча оилалардаги бу каби ҳолатлар ўзаро низога айланиб, эр-хотин ўртасига совуқчилик тушади. Оқибатда бу чиркин тушунча жамиятда ёлғиз аёлларнинг ва тирик етимларнинг сони ортиб боришига хизмат қилмоқда. Эътибор беринг, жуда оддий ҳолат бўлиб кўринган “маданиятли ва замонавий” очиқ либослар ортида кўз илғамас қанча ёмонлик, фисқу фужурлар турибди.

Балки ғарб аёллари бундай шармсиз кийимларни фахр билан кийишар, аммо комил имонли, иболи ва ҳаёли аёл-қизларимиз зулмат зиндонига етакловчи бундай шармандаликни асло қабул қилишмайди. Чунки бундай либослар фитна-фасодни ва бузуқликни тарғиб этиб, ахлоқан тубанлик ва пасткашликка сабаб бўлади.

Ўз дини ва ўзлигига содиқ момоларнинг бебаҳо маънавиятини қадрлайдиган ва чеҳрасида ор-номус балқиб турган мўътабар аёл-қизлар эса, динимиз ва ўчмас анъаналаримизнинг олий-намунавий аҳлоқ чегарасидан чиқишни одобсизлик деб билишади. Тараққий этиб бораётган жамиятимиз ва келажагимиз пойдевори бўлган ёшларимиз эгри йўллардан юришга ҳаё қилади. Ўзларининг хушсурат кўриниши ва ораста кийими, чиройли хулқи, ибо-ҳаёси билан эл меҳрини қозонади.

Муқаддас динимизда бу борадаги кўрсатмалар аниқ ва равшан баён этилган бўлиб, бунга ҳар бир фарзанд амал қилиши шарт. Аллоҳ таоло амр қилади:

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥٓ أَمْرًا أَن يَكُونَ لَهُمُ ٱلْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ

«Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари бир ишни ҳукм қилганида – ҳеч бир мўмин ва мўминага (уни бажариш ёки бажармаслик) **ишларида ихтиёр бўлиши мумкин эмасдир...»** *(Аҳзоб, 36).*

Миллатимизга хос, замонага мос бўлсин

Аёл, мўътабар зот, беназир хилқат. Унинг латофати, ҳаё-ибоси, иффати, меҳри ҳар қанча мақтовга лойиқ. Чунки у дуру гавҳарга ўхшайди. Гавҳар шунинг учун ҳам эъзозга лойиқки, у ерга тушса синади, қадри пасаяди, зийнатини йўқотади. Шу боис у эҳтиёткорлик билан авайлиб асралади. Аёл ҳам шундай. Эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлинмаса, гулдек нозик қалбига озор етиб қолиши мумкин.

Дунёда ҳеч бир дин аёлларга Ислом динидек катта эътибор билан қараган эмас. Ислом дини аёлларга муносабатни кишиларга бўлган яхшилик ва эзгулик мезони қилиб, аёлни бокира қиз, опа-сингил, жуфти ҳалол ва мўътабар она сифатида юксак эъзозлайди. Уларга ҳурмат билан моддий таъминотларини эркаклар зиммасига юклайди.

Тарихдан маълум, жоҳилият даврида аёллар барча инсоний ҳуқуқлардан маҳрум эдилар. Уларга ниҳоятда паст назар билан қараларди. Ҳатто аҳвол шу даражага етгандики, баъзи араб қабилаларида қиз фарзанд туғилишидан жоҳил оталар ор-номус қилиб, қизларини тириклай қаро ерга кўмиб юборарди. Ислом дини бундай мудҳиш одатларга барҳам берди. Ер юзида ўзининг адолатли кўрсатмалари билан ҳамиша устувор бўлган Ислом

дини наинки комил, эзгу қалбларнинг, балки катта-кичик ҳар бир инсоннинг ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, ўзгалар тарафидан таҳқирланиши, хўрланиши ва хорланишига асло йўл қўймайди. Айниқса, аёл зотини доимо улуғлаб, авайлаб-асраш ҳаракатида бўлади.

«Жаннат оналарнинг оёғи остидадир», дейдилар Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам). Ана шу ҳадиси шарифнинг ўзи ҳам мусулмон оламида аёлнинг нечоғли эъзозланганига ёрқин далилдир. Аёлнинг бу қадар қадрланиши, аввало, унинг тўғри эътиқоди, яхши ахлоқ-одоби, ички дунёсининг гўзаллигига боғлиқдир. Шу билан бирга, унинг ўзини тутиши, туриш-турмуши, ҳатто, кийиниш маданиятига ҳам тааллуқлидир. Чунки кийган либоси унинг ички дунёсидан, ҳаё-ибосидан далолат беради, иффат ва виқорини белгилайди.

Исломда кийинишга ҳамиша катта эътибор берилган. Кийимнинг доимий озода, кишига мос, ярашиқли ва иқлим шароити учун қулай бўлиши уқтирилган. Либослар очиқ-сочиқлиги билан бегоналар диққатини жалб қиладиган, шаҳвоний ҳисларни қўзғатадиган бўлмаслиги лозим. Ҳозир бозорларда сотилаётган, айниқса, “мода” деб тарғиб қилинаётган баъзи чет эл кийимларини гапирмай илож йўқ. Улар адабсизлик, ҳаёсизликни тарғиб қилади, десак муболаға бўлмайди.

Қизларнинг ниҳоятда ғалати тикилган шимлар кийиши, киндикларини очиб юриши, қулоқларига керагидан ортиқча сирғалар, ҳатто баданларига ғалати тақинчоқлар тақиб юриши миллатимизга хос эмас. Баданига суратлар чиздириш эса мутлақо офатдир.

Замонамизнинг баъзи йигитлари ҳам қизлардан қолишмайди. Уларнинг шимлари шундай ғалатики, кийим баъзи аъзоларимизни ёпиш учун хизмат қилиши кераклиги унутилгандек гўё. Турли ёрқин бўёқли, ажибужи расм ва ёзувлар солинган футболка, гоҳида ички кийим ҳисобланган майка кийиб олади. Бош кийим ўрнига ғалати шапкалар, ҳаммаси чет эл “мода”си ва на-

муналари асосида тикилган. Бундай кийинган боланинг кўринишидан қайси миллатга мансуб эканини аниқлаш имкони бўлмайди.

Баъзан кўчада сал ғайритабиий кўринишдаги йигитларга дуч келамиз. Ҳар икки қулоғида зираклар, деярли ҳар бир бармоғида узук, билаги ва тирсаги билан елка оралиғида ҳам тилла занжир. Бу кийим, тақинчоқлар қандай маданиятни, қайси маънавиятни тарғиб қилади? Ахир шифокорлар бу ишларнинг барчаси инсон соғлиғига катта зарар етказишини ҳар томонлама исботлаб беряптилар-ку?

Мутахассисларнинг тадқиқотлари хулосасига кўра, барча миллий кийимларимиз нафақат маънавиятимизни, балки баданимиз, аъзоларимизни ва саломатлигимизни ҳар жиҳатдан муҳофаза қилар экан. Ёки дўппиларни олайлик. Ҳар вилоятнинг ўзига хос дўпписи бўлиб, уларга солинган нақшлар чуқур маъно, диний ва миллий қадрият ҳикматларини ифодалайди.

Энг ачинарлиси, баъзан миллий кийимлар кийиб кўчага чиққан кишига ажабланиб нигоҳ ташлайдиганлар кўп. Баъзида эса дўппили одам олдига келиб, ҳатто таъзия билдирган бўлишади. Жаҳон афкор оммаси наздида ҳурмат-эҳтиромга эга халқимиз ўз миллий-диний қадриятларини йўқотмаган, уларни ҳимоя қила олган ва мумкин бўлса, замон талабларига мос равишда ривожлантирилган либослар ва бошқа санъат турларига эга.

Баъзи мўътабар манбаларда либосларнинг саломатликка таъсири тўғрисида бундай маслаҳат-тавсиялар берилган: либоснинг ранги кишининг ёшига, кайфиятига, муайян жамиятда тутган мақомига мос бўлиши керак. Гулдор, қизил ранг аралашган либослар эркакларга дуруст бўлмаса-да, аёлларга ярашади.

Либоснинг кенглиги борасида ўртачалик – меъёрга риоя қилиниши керак. Аъзолар сиқиладиган даражада тор, жисмга ноқулайлик келтирадиган ва ҳаракатланишга

халал берадиган даражада кенг бўлмаслиги лозим. Ниҳоятда тор кийимлар танада қон айланиш тизими бузилишига олиб келади. Эркаклар ички кийимларининг жуда торлиги аянчли ҳолатларга олиб бориши аниқланган. Кўйлак ёқаси, камар ёки белбоғлар баданни сиқадиган даражада маҳкам боғланмайди. Акс ҳолда, бу эркин ҳаракатланишга халал бериши билан тезда чарчашга олиб келади. Гоҳида эса ички ва ташқи касалликларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Хуллас, либос замон ва миллий қадриятлар талабларига жавоб берсин. Илм-фан, спорт ва бошқа соҳалардаги ютуқларимиз билан фахрланганимиз каби, миллий кийимларимиз билан ҳам ифтихор туйишимиз керак. Зеро, миллий либосларимиз миллатимизга ҳурмат ва муҳаббатни билдиради.

Ҳаёсизларнинг зулмат макони

Яхши урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш йўлида бир қанча ишлар амалга оширилди. Собиқ тузумдаги иллатлардан буткул қутулишимиз ва ўзлигимизни тўлиқ англаб етишимиз учун ибратли ишлар қилинди. Аммо ҳалигача янгидан барпо этилган жамиятнинг аъзолари учун жорий қилинган гўзал ахлоқларни ўзларига қабул қила олмаётган кимсалар учраб турибди. Бир пайтлар ўзлари хоҳлаган, нафслари ихтиёр этган ҳар бир ишни қилган кимсалар бугунги кунда турли ниқоблар остида қабиҳ мақсадларини амалга оширишмоқда. Надомат бўлсин, уларнинг бу ишлари баъзи ёшларимизни ҳам домига тортиб бормоқда. Бу тоифа инсонлар инсон зийнати ҳисобланмиш ҳаёни бой берган, орият, ҳамият ва рашкдан мосуво эркаклар ҳамда иффат пардасини улоқтириб ташлаган, номуссизлик ботқоғига ботган ва ҳаёсизликни ўзларига касб деб билувчи аёллардир. Улар жойларда жамланиб қилаётган жирканч ишлар инсоният ақлсиз ҳисоблайдиган ҳайвонларни ҳам ожиз қолдиради. Бундай жойлар ақлсизлик, тубанлик, нафсоний ва ҳайвоний

шаҳватлар қондириладиган, лаънат ёғилган бир макон. У ҳою ҳаваслари ва нафсининг разил истаклари қаршисида ожиз қолган, машъум ахлоқсизлик гирдобига ғарқ бўлганларнинг ҳалокатли маконидир. У жой ҳаёсизлик саҳнаси, бир неча сониялик нопок лаззат учун Яратганга исён қиладиган осийларни, зулумот босган қалб эгаларини жамлайдиган фалокат маконидир. У жой фаҳш ва шайтон йўлига тўхтовсиз ботиб кетаётганларни, қалб кўзлари кўр бўлган нотавонларни ўз домига тортган макондир.

Бу ўта зарарли иллат ғарб маданиятига жоҳиллик билан тақлид қилиб, уларнинг мавҳум ҳаётларига кўр-кўрона эргашишдан келиб чиқмоқда. Бу билан асли мусулмон бўлган инсон Яратганнинг қаҳру ғазабига дучор бўлмаяптими? Азиз инсон ўзини-ўзи хорлик ва шармисорликка булғаб ташламаяптими? Бетакрор неъмат бўлган умр мазмунини, ҳар бир ўтган сонияси олтинларга топилмайдиган ёшлигини, қимматли вақтини беҳуда бой бериб қўймаяптими? Парвардигор инъом қилган ризқини гуноҳ ва ҳаром ишларга сарфлаб, оиласига хиёнаткор бўлиб қолмаяптими? Турли юқумли дардларни юқтириб, ўз ҳаётини таҳлика исканжасида қолдириб, умрига зомин бўлмаяптими? Энг ачинарли томони, бундай тоифа кимсалар ўзларигина бу каби ҳолатларга тушиб қолмасдан, балки оиласидагилар ва атрофдагиларга ҳам катта зиён етказади.

Айниқса, улғайиб бораётган, турли таъсирга тез эгилувчан ёш йигит-қизларнинг ахлоқига ҳаёсизликнинг зарари жуда катта бўлмоқда. Чунки фоҳишалик дея аталмиш бу иллат шу қадар шайтоний нағма ва жилвага ўранганки, уни кўрган кўзлар бир муддат бўлсада, ўз нафсининг жиловини йўқотади ва беихтиёр исён қилади.

Бундай жойларни очиб, унинг орқасидан ҳаром даромад орттираётганлар покиза қизларни йўлдан уриб, бу йўлларга жалб қилади. Ҳатто оилали, бир уйнинг бекаси бўлган, кимнингдир жуфти ҳалоли, фарзандлар-

нинг онаси бўлган нодон аёлларни ҳам йўлдан оздириб, қанчалаб оилаларни барбод қилади. Не-не алпқомат ва баҳодир йигитлар уларнинг домига тушиб, турли бедаво касалликларга чалиниб, қаддилари букилиб, бадном бўлиб қолмоқда. Булардан соғлом фарзанд ўрнига майиб, мажруҳ фарзандлар дунёга келмоқда. Қанчадан-қанча никоҳсиз фарзандлар туғилмоқда. Натижада меҳрибонлик уйларида тирик етимлар кўпаймоқда. Ушбу ҳолат айрим вояга етмаганлар орасида ҳам рўй бераётгани жуда ачинарлидир.

Шу ўринда мактаб ўқувчи қизларининг бири билан боғлиқ воқеани келтириб ўтамиз: юқори синф ўқувчиларига жисмоний тарбия дарси ўтилаётганида қизлардан бирининг боши айланиб йиқилди. Уни тезлик билан шифохонага олиб боришди. Тиббий кўрик ўтказилганида, қизнинг бир неча ойлик ҳомиласи борлиги аниқланди. Қизни қистовга олиб сўрашди, синфдош қизлар билан шаҳардаги яширин фоҳишахонага бориб туришини айтди. Уйдагилар ва мактабдагилар буларнинг ишидан мутлақо бехабар эди. Маълум бўлишича, қиз қўшни аёлдан ўрнак олиб, яширин тарзда фоҳишахонага бориб турган. Сўнгра мактабга келиб, дугоналарига фоҳишалик йўлини безаб кўрсатиб, уларни ҳам қизиқтирган. Натижада беш нафар синфдош дугоналарини ўзига шерик қилиб, йўлдан уришга улгурган. Кўриб турибсиз, хулқи бузуқ бир аёлнинг салбий таъсири ёш қизларга ҳам ўтиб, уларнинг ота-оналарини ҳам шарманда қилди.

Шу ўринда яна бир воқеани айтиб ўтамиз. Шаҳватини қондириш ва бир лаҳзалик лаззат орқасидан қувишдан бошқа ғами йўқ, аҳлоқсиз бир отанинг ҳайвоний истаги уни яширин фоҳишахоналарнинг бирига олиб киради. Қўшмачи аёл мижозга фоҳиша қизлар суратини кўрсата бошлайди. Ногаҳон отанинг кўзи ўз қизининг суратига тушади. Ота бир сония эсанкираб қолиб, кейин бу ҳақиқатан ўз қизими ёки англашилмовчиликми эканини аниқлашга қарор қилади. Қўшмачига: “Менга ушбу суратдаги ёқди”,

деб қизини кўрсатади. Қўшмачи: “Фалон рақамли хонага киргин, тайёр бўлиб, сени кутиб турибди”, дейди. Ҳалиги киши хонага киради ва “мижозини” кутиб турган ўз қизини кўради... Нақадар даҳшатли манзара!..

Қиз ҳам ўз отасининг рўпарасида турганини кўриб, даҳшатдан бир муддат қотиб қолади, сўнг қўрқувдан қалтирай бошлайди. Бошида қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Унинг олдида фақатгина бир йўл, эшикдан чиқиб қочишдан бошқа чора йўқ эди. Ота эса буткул терга ботиб, онгсиз равишда худди ваҳший шердек ўлдириш учун қизига ташланади. Аммо бир зумда кўтарилган қий-чувдан тезлик билан бошқалар келиб, қизни қутқариб қолишади. Бу қизнинг бундан кейинги аҳволи нима бўлганини билмадик, бироқ қандай қилиб бу йўлга кириб қолганини воқеадан хабардор бўлганлар айтиб берди. Қиз фоҳишалик билан шуғулланиб юрадиган аёл билан дўстлашган. Оқибатда эса ўзи ҳам шу ишга қўшилиб қолган ва иффатини, ор-номусини шу фоҳишахонада кўмиб қўя қолган.

Коллеж ўқитувчиларидан бири ҳикоя қилади: “Бир куни шаҳар қаҳвахоналаридан бирига дўстимни излаб кирдим. Ногаҳон иккинчи қаватга кўтарилаётган талаба қиз-йигитларга кўзим тушди. Мен улар нима учун юқорига чиқаётганига қизиқдим. Иккинчи қаватга чиқиб кўзим тушган манзарадан ҳайратда эсанкираб қолдим. Кўпчилиги мен таниган талаба қиз-йигитлар эди. Улар бир-бирларини қучоқлаган, баланд мусиқа қўйилган, рақсга тушишар, қаҳқаҳа отиб кулишар, хуллас, шармандали бир ҳолат эди. Не бир алфозда бу жойни тарк этиб, уйга бориб ўйлай бошладим. Бу йигит-қизларнинг бу жойга тўпланишига сабаб нима? Нима уларни бир-бирларига бунчалик боғлаб қўйди? Қучоқлашаётганларнинг ота-онаси туппа тузук инсонлар-ку ахир. Ота-оналари фарзандларининг андишасиз бу қилмишидан хабардормикан?

Ёшлигимни хаёлимдан ўтказа бошладим. Асло тасаввуримга сиғдира олмадим. Чунки биз синфдош қизлар билан шу даражада масофа ушлардик, ҳатто қўл бериб

сўрашишга ботинолмасдик. Ёнимизда ўтирган партадош қизга ножўя гап гапириш у ёқда турсин, ёмон хаёлга ҳам бормасдик.

Кўрганим бу ҳолатдаги қизларнинг бундай "эркинлиги"ни, йигитларга бўлган муомаладаги беҳаёликни бизнинг даврда мутлақо тасаввур қилиб бўлмасди. Раҳматли ота-онам бир гапни кўп такрорларди: "Ўғлим, ўғрилик ва ҳаёсизликдан сақлангин". Шунда отам ҳаёсизлик нима эканини тушунтириб, бундай деган: "Ҳаёсизлик бировнинг қизи ёки аёлига нисбатан ғаразли назар ва муомаладир. Бу эса оқибатда кишини шарманда қилиб, "зинокор" деган ўчмас тамғани босади".

Отамнинг бу ўгитлари бир умрга татигулик бўлиб эсимда қолган. Ҳозир эса ушбу насиҳатни фарзандларимга уқтириб боряпман. Наҳотки, бу йигит-қизларнинг ота-оналари ҳам ёшликларида ушбу тарбияни ота-оналаридан олмаган бўлишса? Наҳотки, бугун бу даражага келиб қолган ўз нуридийдаларининг тақдирига ота-оналар шунча бепарво бўлишса? Наҳотки, орият, йигитлик шаънини жонидан ҳам устун қўйган боболаримиз авлоди бўлса бу йигитлар? Наҳотки, ҳаёлари устун келиб бошқалар тугул, оталари ва ака-укаларининг юзларига тик боқолмаган муниса оналаримиз авлоди бўлса бу қизлар?

Бугунги ёшлар мактаб ва коллежларда олиб борилаётган таълим-тарбия тизимининг қатъий назоратида бўлиб, барчаси кўнгилдагидек. Буни мен коллеж ўқитувчиси бўлганим учун айтаётганим йўқ. Ҳақиқатан, давлатимиз таълим тизимида жуда тўғри йўлдан бормоқда. Бу борада ҳеч бир муаммо йўқ. Бугун, юртимиз Раҳбари миллийликка катта эътибор бериб турган бир маҳалда, ёшларимизнинг келажаги учун қайғураётган бир паллада, вақтларини бундай ножўя ишларга сарфлаётган ёшларнинг тарбиясига масъул бўлганлар нега эътиборсиз?

Хўш, ота-оналар қайси жиҳатларда эътиборсизлик ва лоқайдликка йўл қўйишмоқда? Фарзандлар қандай қилиб бундай енгил-елпи ҳолатга тушишяпти?

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин. Бугунги кунда техника, ахборот воситалари ривожланди. Бунинг қулайлик томонлари жуда кўп, албатта. Аммо зарарли томонлари ҳам етарлича эканига баъзи ота-оналар эътибор беришмаяпти. Компютер ёрдамида интернетдаги турли хил сайтлардан фойдаланиш, ярим яланғоч суратлар таъсири, сунъий йўлдош узатмаси орқали турли ҳаёсиз филмларни кўриш, бетайин чет эл мусиқаларини тинглаш… бу иллатларнинг барчаси жам бўлиб, айрим ёшларни бундай ҳаёсизликлар уммонига бошлаётганига амин бўлдим".

Дарҳақиқат, бу устознинг жон куйдириб айтган гаплари жуда ўринли. Бугун тараққиёт замонаси, барча мамлакатлар ёшлари қатори бизнинг ёшларимиз ҳам барча жабҳаларда етук бўлиши учун замонавий техника ва ахборот воситаларидан тўғри маънода фойдаланишга ҳақлидир. Бироқ ота-она ўз фарзандларининг бу воситалардан ноўрин фойдаланишлари олдини олса, юқоридаги каби ёмон ҳолатлар юз бермайди. Халқимизда нақл бор: "Кейинги пушаймон – ўзингга душман".

Кўпгина мактаб ва коллеж раҳбарлари айтишларича, аксарият ўқувчи йигит-қизлар ўртасида яна бир иллат, хат ёки мобил телефон орқали "SMS" ёзиш авжига чиққан. Уларнинг мазмуни севги-муҳаббат ҳақидаги шеърлардан иборатлиги, уларни эса ўқувчи қиз-йигитлар чирой ва безак бериб ёзишлари, қўл телефонида бир-бирларига жўнатиб, дарсдан чалғишлари кўпайгани сир эмас.

Хўш, уларга мазкур ёшда телефондан фойдаланиш шунчалар муҳимми? Ахир улар ўзлари билмаган ҳолда дарс вақтини нималарга сарф қилишяпти? Ошиқ-маъшуқаликка ҳали жуда эрта эмасми? Бундай фарзандларнинг ота-оналари тарбия жараёнларида наҳотки болаларининг ибосига, ҳаёсига эътибор қаратмайди? Бу ҳолатлар қизлар орасида ҳам кўп учраётгани ота-оналари учун номусли ҳолат эмасми? Қайси бир ота-она қизининг ҳали балоғатга етмасдан туриб, синфдошига ҳеч тап тортмасдан, уялмасдан севги хати ёзишини хо-

тиржам қабул қилади? Бу нимадан далолат? Бунда кимнинг айби кўп? Эркагу аёл ўртасидаги ўзаро муносабатдаги одобу ҳаё асли ўзларида бўлмаган, бўлса-да, фарзандига беролмаган эътиборсиз ота-она айбдорми? Ёки бўлмаса, ота-онасидан ўзаро жанжалларидаги ҳаёсиз сўзлардан бошқа нарсани ололмаган, қалби тарбияга муҳтож бўлган бир пайтда, уйдагиларидан одобу ахлоқ бобида бирор насиҳат эшитмай, атрофидаги хулқсизлар қалбини забт этган фарзанд айбдорми? Боланинг дарсларни ўзлаштиришини бир кунда, бир ҳафтада, лоақал бир ойда бир бора назорат қилишни унутган ҳафсаласиз ота-она айбдорми? Ёки назоратсиз қолган, ўз эрки ўз қўлида бўлиб қолган, бунинг натижасида кўнгли тусаган ишни қиладиган ўғил ёки қиз айбдорми?

Хуллас, тарбия жараёнида бу борадаги эътибор беришимиз лозим бўлган жуда муҳим масъулиятли вазифаларимиз исталганча топилади. Зеро, давомчиларимиз бўлган азиз фарзандларимиз бу дунё ва охиратда раҳмат келтирадиган, салоҳиятли инсонлар бўлиб вояга етишлари учун сизу бизнинг гўзал тарбиямизга жуда ҳам муҳтождир.

Ахлоқсизликнинг жамиятга зарари

Балоғатга етган йигит катта кўчага ёки умумий истироҳат боғларига қараса, нимани кўради? Филм, газета, журналлар ва кўчадаги эълон ёзилган реклама тахтасида ярим яланғоч қизлар суратига кўзи тушади. Кишилар ярим яланғоч аёлларнинг ҳаёсиз суратларини кўриб, алданади. Қанча ахлоқсиз йигит-қизларнинг кўчада сайр қилатуриб, ҳаёсиз сўзларни айтишларини эшитамиз.

Комил инсон сифатида шаклланиш учун халал берадиган, ўсмир ёшдаги ўғил-қизларнинг тўғри йўлдан озишига яна бир сабаб бу дўст танлашдаги хатодир. Чунки ёмон дўст йўлдан оздирибгина қолмай, бу йўлдаги гуноҳ ишларни ҳам бажаришга бошлайди. Агар фарзанд ақлу фаросатдан анча олис бўлиб, қилаётган ишининг

охирини ўйламайдиган ношуд бўлса, бунда “дўсти”нинг омади чопади ва режаси тез амалга ошади. Қарабсизки, янги “дўст”нинг домига илинган ғўр бола ҳар бир ишни “қойиллатиб”, керакли маблағни ҳам “дўсти” ўйлаганидан зиёда қилиб топиб келаверади. Бундан “оқилона” фойдаланган иккала ҳамроҳ нафс шайтон буюрган ишларни тинимсиз бажараверади. Қилаётган ишининг нотўғрилигини айтган катталарнинг берган танбеҳларидан бироз кўнгли хижил бўлса-да, аммо бир муддатдан сўнг барча иши силлиқ бўлиб, изига тушиб кетадигандек туюлади гўё. Эсли-ҳушли фарзанд билиб-билмасдан бадхулқ инсонга дўст тутиниб қолгудек бўлса, ундан қочишга ҳаракат қилади-ю, аммо ундан оз миқдор бўлса-да, иллат юқтиришининг эҳтимоли юқори. Халқимиз орасида ҳикматли нақл бор: “Қозонга яқинлашсанг қораси, ёмонга яқинлашсанг балоси урар”.

Асли бу каби пурмаъно мақолнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак ҳадисларига мурожаат қиламиз:

عن أبى هريرة عن النبى –صلى الله عليه وسلم– قال « المرء على دين خليله فلينظر أحدكم من يخالل ». (رواه أحمد)

Ибн Ҳиббон ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Киши дўстининг динидадир. Бас, сизлар биродарингиз кимни дўст тутганига қаранг”, дедилар.

Яна бир ҳадисда бундай дейилган:

قال النبي صلى الله عليه وسلم: إياك وقرين السوء فإنك به تعرف. (رواه ابن عساكر)

Ибн Асокир ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ёмонга яқин бўлишдан сақлан, чунки сен у билан таниласан”, дедилар.

Фарзанд тарбиясидаги уч услуб

Бола одобини яхшилашда учта услуб бор. Бу уч васила билан бола тарбияси тўғри, одоби яхши ва хулқда баркамол бўлади. Бу услублар қуйидагилар:

1. Тарбия кушандаларидан сақланиш.
2. Турли хатарлардан огоҳ бўлиш.
3. Тарбия босқичларининг узвий боғлиқлиги.

Тарбия кушандаларидан сақланиш

Ёвуз ниятли кимсалар ғаразли мақсадлари йўлида ва халқнинг ўзлигини емириш учун турли усуллардан фойдаланади. Улардан бири жамиятда аҳлоқий бузуқликни ёйишдир. Бу йўлда ғаламислар турли воситалар, жумладан, ахлоқсиз, фаҳшни тарғиб этувчи кино, томоша, журнал, газета, либос ва суратлардан фойдаланади.

Шу ўринда айрим манфур кимсаларнинг кирдикорларидан, жамиятнинг ахлоқини бузишда қўллайдиган ғояларидан намуналар келтириб ўтамиз.

Бундайларнинг бир гуруҳи:

– “Ҳар нарса инсон учун, жинсий хоҳиш ва шаҳват йўлида ўзига эрк бериш керак”, деган бузуқ фикрни илгари суради;

– “Дин йўқ нарса” деб илоҳий ақида ва эзгу таълимотларга зид ғояларни пайдо қилади;

– “Беҳуда иш ва инсон лаззатланишига олиб борувчи ҳамма нарса мубоҳ”, деган хато фикрни тарғиб қилади;

– “Ҳар жойда ахлоқни бузиш учун аёллардан фойдаланиш лозим”, дея аёл зотини таҳқирлайди.

Ўзга юртни босиб олиб, маҳаллий аҳолини эрксиз қилган мустамлакачилардан бири бундай деган:

“Қадаҳ ва ҳаёсиз аёл мусулмон умматини бузишда мингта замбарак тўпидан кучли. Мусулмон умматини шаҳватларга берилиш денгизига ғарқ қилиш керак”.

Миссионерлар анжуманида Алқайс Зуймар исмли кимса бундай деган: “Сизлар мусулмон мамлакатларида Яратганга итоат этмайдиган ёшларни етиштирдинглар. Энди улар муҳим ишларга эътибор бермайди, роҳатланиш ва дангасаликни яхши кўради. Шаҳватдан бошқа нарсага ғам чекмайди, ўқиса ҳам, дунё тўпласа ҳам, шаҳват учун қилади. Агар юқори мансабни эгалласа, шаҳват йўлида хизмат қилади. Нафс йўлида ҳар нарсани сарф этади”. Шунингдек, у: “Дин ва ёшларни бузишда ахлоқсиз қисса, томоша, ҳаёсиз газета, журнал ва худосизликка етакловчи китоблардан фойдаланиш лозим” деган ғаюр, бузғунчи фикрни билдиради.

Ғаламис кимсаларнинг мазкур гапларидан маълум бўладики, улар жамиятни бузиш ва таназзулга олиб келишда ичкилик, ахлоқий бузуқлик, ҳаёсиз томоша, журнал, газета, эшиттириш ва китоблар каби нарсалардан фойдаланади. Афсус, бундай разил ва қабиҳ йўлларга айрим ғўр ёшлар эргашиб қоляпти. Айрим йигит-қизлар нафс ортидан юраётгани, ҳаёсизликка кўр-кўрона тақлид қилаётгани кўзга ташланмоқда.

Манфур кимсалар софдил, содда кишиларни, хусусан, ғўр ёшларни адаштиришга уринади. Улар бу йўлда ўта нозик услуб қўллайди. Шу боис ота-она фарзандини мусаффо динимиз ва миллий қадриятларимизнинг эзгу таълимотлари асосида тарбиялаши, айрим кимсаларнинг макру ҳийлаларига учиб қолишдан сақлаши, бундай йўлдан ўз вақтида қайтариши лозим.

Баъзи ёшлар кўнгил истагини қондираман деб, бузуқлик ортидан юриши билан нобакор кишилар уларни ёвуз ниятининг итоаткор қулига айлантириб олиши мумкин. Бундай аянчли оқибатни фарзанд онгига сингдириш бугунги куннинг жуда муҳим вазифаларидан биридир.

Турли хатарлардан огоҳ бўлиш

Ахлоқсизлик, бузуқлик, ичкилик, чекишга ружу қўйиш ва нафсга қуллик оқибатида пайдо бўладиган касалликлардан фарзандни доим огоҳ этиш керак. Бунинг учун нафсга эрк бериш ва бузуқлик оқибатида келиб чиқадиган аянчли ҳолатларни тўғри тушунтириш мақсадга мувофиқ. Табиийки, ўз танасига етадиган озор, саломатлигидан айрилиш қўрқуви фарзандни бу хатарли йўллардан қайтаради.

Жинсий йўллар орқали юқувчи инфекциялар жуда хавфли касалликларга дучор этади. Улар бемор танасида ҳам, жамият учун хам оғир асоратлар қолдиради. Энг олдин эркак ва аёллар репродуктив саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, болаларда оғир туғма касалликларга сабаб бўлади, бемор ички аъзоларининг оғир жароҳатларига олиб келади. Улар асосан жинсий йўл орқали тўғридан-тўғри юқади.

Ижтимоий текширувлар шуни кўрсатдики, аксарият 14–16 ёшдаги ўсмирлар учун ушбу касалликлар ҳақидаги маълумотлар билан танишув долзарб бўлиб кўринади. Аммо болаларни ушбу маълумотлар келажакда уларга фойдали бўлишига ишонтириш лозим. Зеро, бу саломатликни, баъзи холларда эса, ҳаётни сақлашга ёрдам беради, жисмоний ва маънавий изтиробларнинг олдини олади, шахс саломатлигини таъминлаш йўлида тўғри қарор қилишига ёрдам беради. Ҳозирги вақтда жинсий йўл орқали юқувчи касалликларнинг 20 дан зиёд қўзғатувчиси маълум. Шунинг учун фаҳш ишлар орқали юқадиган хавфли касалликларни баён қиламиз:

Хламидиоз – жинсий йўллар орқали юқувчи энг кўп тарқалган касалликлардан бири. Ҳўжайра ичи паразити хламидийлар келтириб чиқаради. Хламидиоз, аниқроғи, урогенетал (сийдик-жинсий) хламидиоз венерик касалликлардан саналади. Бу юқумли инфекцион касаллик

бўлиб, унда хламидийлар одамнинг жинсий аъзолари ва сийдик йўлларини жароҳатлайди.

Гонорея (сўзак) – кўҳна юқумли касаллик бўлиб, у жуда қадимдан маълум. У ҳақида маълумотлар эрамиздан уч ярим минг йил аввалги Миср табобатининг қадимий тарихий ёдгорлиги "Эберс Папируси"да учрайди. Бу касаллик тарқалиши бўйича хламидиоздан кейинги ўринда туради. Гонорея ҳақида адабиётларда қайта-қайта ёритилса ҳам, лекин унга нисбатан асосланмаган бепарво муносабат ҳамон сақланиб қолмоқда. Сўзак касаллиги, асосан, зино орқали юқади. Бачадон ва тухумдонда ўткир ёки сурункали шамоллашга сабаб бўлади. Бепуштлик ва бўғимларнинг шамоллашига олиб боради. Туғиладиган болага салбий таъсир этади, унинг кўзларида шамоллаш пайдо қилиб, оқибатда кўр бўлишга олиб келади.

Сифилис (заҳм) – бу сурункали венерик касаллик бўлиб, тери, шиллиқ қаватлар, ички аъзолар, суяк ва асаб тизимини жароҳатлайди. Бу туғма ёки орттирилган умумий юқумли касаллик бўлиб, даволанмаган беморларда узоқ йиллар давом этади, қўзиш даврлари, яширин даврлари алмашиниб туради. Бу Оврупа мамлакатларида зино орқали тарқалгани учун "Оврупа касаллиги" деб ҳам аталади.

Трихомониоз – етарлича кенг тарқалган касаллик. Унинг қўзғатувчиси трихомонада бир ҳужайрали зараркунанда бўлиб, эркаклар ва аёлларни касаллантиради.

Герпес – вирусли юқумли касалликлардан бўлиб, такрорий кечиши, тери ва шиллиқ қаватларда тошмалар тошиши, марказий ва периферик асаб тизими, кўзни зарарлаши билан фарқланади. Булар вақтида аниқланиб даволанмаса, бепуштлик, ҳомиланинг тушиб қолиши ёки ривожланмаслиги, бачадон саратони (раки), кўрлик, юрак хасталиклари, руҳий касалликлар ва бўғимларнинг шикастланиши каби жиддий оқибатларга олиб келади.

Жинсий яралар касаллиги зино – ҳаром жинсий алоқа билан юқадиган касаллик. У шиллиқ тўқималарнинг

шамоллашига сабаб бўлади. Сурункали йирингли яра, чипқон, сийдик йўллари шамоллаши ва айрим аъзоларнинг шишувига олиб келади.

Юмшоқ яра касаллиги ҳам **з**ино орқали юқади. Таносил аъзоларида оғриқли яраларга сабаб бўлади. Терига тез ёйилади.

Жинсий аъзоларнинг эрта етилиш касаллиги шаҳватни ўз вақтидан олдин ва шаҳват безлари етилмасдан қўзғатиш сабабли ўсмирларда пайдо бўлади. У тана хунуклашувига ва ҳатто руҳий хасталикка ҳам олиб келади.

Жинсий заифлик хатарли касаллик бўлиб, эркак билан эркак (баччавозлик) ёки аёл билан аёл кифояланишидан (трибадизм) келиб чиқади. Бу касаллик кўп мамлакатларда, жумладан, "маданиятли" деб аталган давлатларда кўп учрайди.

Жинсий ҳавас касаллиги. Бу касалликга дучор бўлган киши кўп вақтини фаҳшни хаёл қилиш билан ўтказади. Бунга мубтало бўлган кишининг ақли пасаяди, хотираси суст бўлади, ғафлатга ботади, эътибори заифлашади. У худди хафа ва қийналгандек кўринади. Бу дард ҳатто руҳий касаллик келтириб чиқаради.

Фаҳш ишларнинг жамиятда хатарлари жуда кўп. Улардан айримлари қуйидагилар:

– шаҳватга берилиш, гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликларга муккасидан кетиш;

– одам савдоси, хусусан, аёлларни сотиш, фоҳишалик билан шуғулланиш;

– айрим аёл-қизларнинг бузилиши, ҳаёсиз либослар кийиши;

– ахлоқсизлар, безорилар ва нафсига қул бўлганлар кўпайиши.

Тарихда бир давлат раҳбари афсус билан бундай деган: "Мамлакатнинг келажаги хатарда. Чунки кўп ёшлар ахлоқсиз, шаҳват гирдобига шўнғиган, масъулиятни ҳис қилишмайди. Ҳар етти ўсмирдан олтитаси ахлоқий бузуқ, шаҳват уларни домига тортиб, жисман ва руҳан заифлаштирган".

Айрим ёвуз кишилар хориж мамлакатларидаги бузуқлик тўлқинларини обод ва фаровон юртимиз томон ҳаракатлантиришга уринмоқда. Тижорат ёки ишга жойлаштириш мақсадида ёшларни алдов йўли билан хорижга сотиб юбориш, яъни одам савдоси каби пасткашлик билан шуғулланадиганлар учраб турибди. Бундай бузғунчиликлар юртимизнинг бугуни ва ёруғ келажагини кўролмайдиган халқимиз душманларининг ишидир.

Ижтимоий хатар

Ахлоқсизлик оқибати бўлган дардларга йўлиққан киши фақат ўзи зарар кўриб қолмай, балки атрофдагиларга ҳам зиён етказади. Дастлаб оиласи жабр кўради. Бундай фарзанд ота-онасини норизо қилади. Чунки фарзандининг бедаво дардга мубтало бўлгани биринчи ўринда ота-онасини қаттиқ ташвишга солиши баробарида, бутун қавму қариндош, маҳалла-куй ва яқинлар орасида уларнинг юзи шувут бўлиб, бош кўтаролмай қолишади.

Таносил касалликларига гирифтор бўлган йигит асло оила қуришни ўйламайди. Чунки нафси истакларини жирканч йўл ила қондиргач, уларда уйланишга бўлган рағбат кескин пасаяди. Мабодо ота-она қистови билан уйланган тақдирда ҳам, ширин орзу-умид билан турмушга чиққан бир покиза қизни бахтиқаро қилиб, қизнинг гўзал ниятларини саробга айлантиради.

Бу каби иллатлар билан хасталанган қизлар эса, ўз ўрнида, турмуш қуришдан кўра бундай енгил-елпи ҳаётни устун кўради. Улар учун энди бировнинг уйига келин бўлиш тушунчаси мутлақо ёт, ҳатто хаёлига келтиришни истамайди. Фарзанд дунёга келтириш, парваришлаш ва вояга етказиш каби оналик бахти эса, бундай тоифадагилар наздида “машаққат”га айланади.

Саодатли хонадонга келин бўлиш, диёнатли бир ёрга бахт туҳфа эта оладиган вафодор жуфти ҳалол бўлиш, хонадонда серфарзанд бўлишдек юксак бахтни солиҳа, покиза ва лобар қизларгина орзу қилишади.

Ахлоқсиз, ҳаёсиз кимса истамаган ҳолда ногирон фарзандни дунёга келтиради. Оила қуришдек шарафли бурчдан узоқ бўлган нафс асираси туғилган фарзандга зулм қилган бўлиб, унга ўзидаги жирканч тарбиядан бошқа нарсани бера олмайди.

Бу дардларга мубтало бўлган кимса қариндош-уруғларидан узилиб қолади. Чунки нафснинг ортидан юриб, ножўя лаззатга берилганнинг қавму қариндошлар олдида заррача қадр-қиммати бўлмайди. Халқимизнинг диний ва миллий қадриятларимиз билан уйғунлашиб кетган ўзига хос орият ва ҳамият сифатлари ғалаён қилиб, ундай кимсадан узоқлашишга сабаб бўлади.

Инсон учун Аллоҳ таоло ато этган бетакрор неъмат – умрни беҳуда ўтказиш гуноҳ. Эркак ва аёл учун инсоний бахт бу ҳаётнинг мазмунидир. Ҳақиқий бахт эса мустаҳкам қурилган оила, яъни, эр-хотиннинг аҳил, чиройли истиқомат қилишидадир.

Иқтисодий хатар

Ғанимат вақтини нафс лаззати ва шаҳват йўлида сарф қилувчи одам моддий ва маънавий таназзулга учрайди. Аллақачон маънан ва жисман заифлашган бундай инсон энди иқтисодий жиҳатдан ҳам заифлашади. Бу жараён бир-бирига узвий боғлиқ уч ҳолат сабабидан яққол кўзга ташланади: дармонсизлик; ишда самаранинг камайиши; ғайриқонуний касб қилиш.

Дармонсизлик. Машъум дардга чалинган, лаззат ва нафс кетидан юрувчи кимсаларда ақлий, жисмоний, хулқий ва руҳий касалликларга дучор бўлиш кузатилади. Бу эса қувватни камайтириб, дармонсизликни келтириб чиқаради. Бемор турли йўллар билан ўз дардига шифо қидира бошлайди. Юқорида зикр этилган дардларга осон шифо топиш амримаҳол. Даволаниш кўп маблағ талаб этади, иқтисодга жиддий зарар келтиради.

Ишда самаранинг камайиши. Аҳлоқсизлик зарарлари ишдаги бараканинг йўқолишига сабаб бўлади. Бирин-

чидан, нопок кимса молларини ёмон йўлда сарф этади, иккинчидан, бу йўлдаги кишида ўз ишига эътибор сусаяди. Чунки унинг қалбида инсофга чақирувчи бирор омил қолмаган, бузуқ ишлари кундан-кунга ўзига мойдек ёқиб боради. Ишга бўлган масъулиятни четга суриб қўяди. Оқибатда эса иши орқага тортади. Шуларни ҳам ўз қилмишининг оқибати деб билмаётган нафс қули бу бахтсизликнинг чорасини хато йўллардан қидира бошлайди.

Имом-домлалардан бири шундай воқеани айтиб берган эди: "Бир куни хонамга кўринишидан туппа-тузук бир киши кириб келди. Ораста кийиниши, салобатли ва вазмин кўринишидан бирор лавозимдаги киши бўлса керак, деган ўйга бордим. Назокатли оҳангда, дид билан сўрашиши эса, хаёлимдан ўтган фикрни яна тасдиқлади.

"Хуш келибсиз, биздан нима хизмат?" дея саволомуз қарадим. Бу гапимдан кейин нотаниш кишининг юзлари бироз тундлашиб, чуқур "уҳ" тортганча сўз бошлади: "Тақсир, менга ёрдамингиз жуда зарур. Шу десангиз, ўзим яхшигина бир жойда ишлайман. Қўл остимда анчагина одамлар меҳнат қилади. Сўнгги пайтлар ишим юришмай қолди. Гўёки барчаси тескари томонга кетаётгандек, тез-тез тобим қочиб қолади, даволаниш сабабидан назоратсиз қолаётган корхонамда иш унуми пасайиб кетди. Яхшигина ишлаб турган ишчиларим эса ишни ташлаб кетишяпти. Ҳамкор ташкилотлар шартномаларни сабабсиз бекор қилишмоқда. Ўйлаб ўйимга етолмайман, барчаси яхшигина кетаётган эди, бирданига нима бўлди, ҳайронман. Домла, бир ўқиб дам солиб қўйсангиз, ҳаммаси изга тушиб кетармиди, деган мақсадда олдингизга келдим."

Имкон қадар унга тасалли бериб, ўқиб қўйдик-да, таскин сўзлар ила сабр қилмоғини айтиб, дуолар қилдик. Шу алфозда хайрлашаётган маҳалда, икки томонига бир-бир қараб, сергакланганча: "Домла, бир илтимосим бор, айтсам майлими?" деб қолди. "Айтинг", деганимдан сўнг гап бошлади: "Қўл остимда бир неча йилдан буён бир аёл ишлайди. Тўғрисини айтсам, ўша аёл билан орамиз жуда

яқин… хуллас, бир-биримизни ёқтирамиз. Аммо муаммо шундаки, ўртамизда никоҳ йўқ. Шу аёлни менга никоҳлаб қўйсангиз, домла, ҳар ҳолда, ҳалоллик деганларидай…" Бошимга биров гурзи билан ургандай бўлиб, жойимга ўтириб қолдим. Рангим ўзгарганини кўриб, гапини бошқа давом эттиролмади. Ҳадиксираган алфозда кўзлари бежо боқиб, бир вақтнинг ўзида мендан "ижобий" жавоб ҳам кутиб, жавдираб турарди. Бир неча сония ўтиб, ўзимни қўлга олиб, секингина, қаерда ишлаши ва исми шарифи билан қизиқа бошлаганимдан сўнг, дарҳол жуфтакни ростлаб қолди."

Нафс қуллигига маҳкум бўлган бу банда бузуқлигининг касофатидан айни ҳайвоний сифатга эга бўлибди. Буни қаранг, инсондек мукаррам зотлар орасида ҳайвонларга ўхшаб қолиш тасаввурга сиғмайдиган даражада хорлик бўлса-да, бунга "эришганлар" ҳам топилар экан. Наҳотки "ҳалоллик" ҳақида "қайғураётган", шунга "талпинаётган" инсон эркак ва аёл ўртасидаги бундай муносабатлар никоҳсиз бўлмаслигини, лоақал бир бора бўлса-да, ўйлаб ҳам кўрмаган. Ота-онаси фарзандининг шу каби қилмишларидан хабардорми? Азизлар, бу каби муаммолар барчамизни бирдек ўйлантириб қўйиши аниқ.

Ғайриқонуний касб қилиш. Бундай балога учраб, иқтисодига ҳам зарар етган киши энди молу давлат талвасасига тушади. Қалб шу даражада хасталанадики, унга мол-дунёни қандай йўл билан топишнинг фарқи йўқ. Бу ҳар қандай йўл, биров мулкига хиёнатми, ўз мавқеини суиистеъмол қилишми, одам савдосими, ўғирликми, ҳеч биридан тап тортмасдан шуғулланади. Чунки у бир пасткаш, ўзига зулмкор кимсага айланди. Унинг ғафлат босган қалбидаги имони ҳам гўё милтиллаб қолган шам мисоли сўниб қолаёзган. Аллоҳдан қўрқишга ундайдиган ҳеч нарса қолмаган. Унга тузалишнинг биргина чораси – қилган ишидан қаттиқ надомат чекиб, тавба қилиб, нопок йўлга бошқа қайтмасдан, яхшиликда бардавом бўлишдир.

Одам савдоси – қуллик балоси

Ҳозирги кунда одам савдоси жаҳон миқёсидаги долзарб муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Оқибатда кўплаб инсонлар жабр чекмоқда. Шу боис жойларда ана шу таҳликали иллатга қарши курашиш фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш мақсадида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Одам савдоси, аввало, инсон эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига жиддий путур етказади, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади. Бу жиноий фаолият ортида аслида мажбурий меҳнат, қуллик ва фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабиҳ иллатлар туради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили 2 миллион 700 мингга яқин киши одам савдосининг қурбони бўлмоқда.

Одам савдоси билан шуғулланувчилар жиноий ҳаракатларини сир тутиб, қурбонларининг номини имкон қадар эътибордан четда сақлашга уринади. Шу мақсадда улар одамларни хорижга ноқонуний йўллар, катта маошни ваъда қилиш, алдов ва ишонтириш йўли билан олиб чиқади, ҳатто шахси билан боғлиқ ҳужжатларни қалбакилаштиришга ҳам уринади.

Муқаддас динимиз барча инсонларга ирқи, насаби, миллати, бойлиги, мансаби ва жамиятдаги тутган ўрнидан қатъи назар, ҳамманинг ҳурлигини қадрлашга, ҳурмат-эътибор кўрсатишга буюради. Мусаффо динимиз илк даврлариданоқ қулчиликни, одам савдосини қаттиқ қоралади. Қул озод қилишни жамият ҳаётидаги етук фазилат сифатида майдонга олиб чиқди, уни ҳатто ибодат даражасига кўтарди.

Ислом таълимоти инсонларни тўла-тўкис озод, ҳур бўлишга, фақат Аллоҳ таолога бандалик қилишга, ҳар томонлама етукликка, яхшилик ва тақво йўлида ўзаро ҳамкор бўлишга чорлайди: **«Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар:** (одамларни) **яхшиликка**

буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар, намоз(лар) **ни баркамол адо этадилар, закотни берадилар ҳамда Аллоҳ ва** (Унинг) **Расулига итоат этадилар. Айнан ўшаларга Аллоҳ марҳамат кўрсатур. Албатта, Аллоҳ қудратли ва ҳикматлидир»** *(Тавба, 71)*.

Инсон дунёга ҳур ва озод ҳолда келади. Шу ўринда ҳазрат Умарнинг (розияллоҳу анҳу) машҳур сўзи диққатга сазовордир: "Оналари озод ҳолда дунёга келтирган инсонларни қачондан буён қул қилиб олдиларинг?"

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилган ҳадиси қудсийда айтилади: "Мен қиёмат куни уч тоифа кишининг даъвогари бўлурман: Менинг номим билан аҳд бериб, уни бузган, озод инсонни қул деб сотиб пулини еган ва мардикорни ишлатиб ҳақини бермаган одамларнинг" *(Имом Бухорий ривояти)*.

Истиқлол йилларида чуқур иқтисодий ислоҳотлар, халқ фаровонлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Қисқа муддат ичида халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг чуқур билим олишлари, турли касб-ҳунарларни ўрганишлари, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар очилди. Касб-ҳунар ўргатадиган юзлаб коллежлар, бир неча ўнлаб олий ўқув юртлари ишлаб турибди. Қанчалаб янги саноат корхоналари ишга тушириляпти, кўплаб иш ўринлари яратишга ҳаракат қилиняпти. Кишиларимиз хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ташкил этиб, ҳалол меҳнат орқали бойишмоқда.

Минг афсус, айрим юртдошларимиз жон койитмай, осонгина мўмай даромад топиш йўлларини излай бошлашди. Улар нима қилиб бўлса-да, кўпроқ пул топиш, мўмай даромад орттириш мақсадида ноқонуний, ҳалокатли, келажаги йўқ ишларга қўл уришяпти. Қонуний йўл билан эмас, одам савдоси орқали бойишни кўзлаётган айрим ноинсоф кимсалар алдовига учиб, хориждаги иш ва яшаш шароитларини ўрганмай, давлатлараро шарт-

номалар асосида иш юритувчи расмий идораларни четлаб, оғир аҳволда қолишяпти. Тўғри, жаҳон тажрибасида бир юртдаги ишчиларнинг бошқа юртда ишлаб, пул топишлари тақиқланмаган. Лекин буни расмий йўл билан, барча ҳуқуқ ва эркинликлар дахлсизлиги таъминланган ҳолда амалга ошириш керак. Иш ахтариб, норасмий йўл билан кетаётганларнинг на саломатликлари, на ҳуқуқ-эркинликлари, на меҳнатларига ҳақ тўлаш, на энг азиз ҳаётлари ҳақида қайғурадиган шахс ё ташкилот йўқ, бир товламачининг ёлғон ваъдасига алданиб, жўнашяпти. Борган жойларида меҳнат қилиб ҳақини ололмаётганлар, касал бўлиб, даволанишга пул ахтараётганлар, ҳатто уйга қайтай деса, йўлкирасини тополмаётганлар қанча?!

Аллоҳ таоло инсонни азизу мукаррам қилиб яратган, унинг ризқини канда қилмай бериб туради. Аллоҳ бандаларига енгилликни истайди Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: **«...Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди...»** *(Бақара, 185)*.

Аллоҳ бировга кўпроқ, бошқасига озроқ, ҳамманинг ризқини аниқ белгилаб қўйган. Бировнинг ризқи адашиб бошқаникига бориб қолмайди. Бирор киши ризқини тўла олмагунича бу дунё билан видолашмайди ҳам. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Аллоҳнинг хоҳлаган кишилар ризқини фаровон қилиши ва** (бошқалар ризқини) **танг қилишини кўрмадиларми?! Албатта, бунда имон келтирувчи қавм учун аломатлар бордир»** *(Рум, 37)*.

Унда нега одамлар ато этиб қўйилган ризққа қаноат қилмай, ўзларини ҳар тарафга уришади? Берилган ризққа рози бўлмай, оиласини ташлаб, ўзга юртларга ризқ ахтариб кетишади. Доно халқимизда: “Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу”**,** “Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши” каби ажойиб мақоллар бор. Нопок кимсалар алдовига учиб, ўзга юртларда хор-зор бўлаётган, туну кун ишлаб, ҳақини ололмаётган, соғлиғидан ва диёнатидан ажраётган ҳамюртларимиз фожиаси ҳақида ҳар куни, кунора ўқиб-эшитиб турибмиз.

Жамиятнинг келажаги саналган ёшлар нотаниш, ҳаёт тарзи тамоман ўзгача юртларда имонларига, эътиқод ҳамда миллий қадриятларига завол етаётганига ҳам парво қилишмаётир. Агар очлик, муҳтожлик уларни иссиқ ўринларидан ҳайдаб чиқарганида, ҳолатларини тушунса бўларди. Асосан орзу-ҳавас, ҳавойи нафс, "катта тўйлар қилиш, бойлик гаштини суриш" васвасаларига учиб, ўзга юртларда хор бўлиб юришибди.

Мусулмон киши бир ишга киришишдан олдин, уни қандай йўсинда амалга ошириш, сафарга тайёргарлик кўриш, тегишли ташкилотлар томонидан расмий юбориладиган жой бўлсагина йўлга чиқиш, борар жойидаги шароитни ўрганиш, йўл озуғини ғамлаш, тадбир-чоралар белгилаш каби ҳолатларга эътибор қилиши керак.

Аммо баъзилар нодонликлари боис, ўйламай қилган хатти-ҳаракатлари оқибатида жонларини хатарга қўйишяпти, пулларидан ажрашяпти, қимматли умр йилларини бой беришяпти. Муттаҳамлар алдовига учиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон, хор-зор бўлиб, юрт ва миллат шаънига доғ туширишяпти. Катта даромад илинжида кетиб, кўпинча ҳеч нарсага эга бўлолмай қайтишяпти. Айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган, турмуш тажрибасига эга бўлмаган ёшлар енгил йўллар билан катта пул топаман, деб одам савдоси билан шуғулланувчи манфур кимсалар тузоғига тушиб, молу жонларини хатарга қўйишмоқда.

Инсонларни турли йўллар билан алдаш, уларни ноқонуний ва ношаръий ишларга мажбурлаш, улар ҳақига хиёнат қилиб, пулини бермаслик, фоҳишалик қилишга жалб этиш, одамларни бошқаларга сотиб юбориш, уларнинг ички аъзолари ва тўқималарини зўрлик билан ажратиб олиш каби ишлар қаттиқ гуноҳ саналади. Зеро, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Ким бизни алдаса, у биздан эмас. Макру ҳийла ва алдов соҳиби дўзахийдир", деганлар. Бу иллатлар инсон ҳуррияти ва ҳақ-ҳуқуқларига хавф солгани ёки буларни чегаралагани

учун инсонийликка ҳам, ахлоқ-одобимизга ҳам, амалдаги қонунчилик ва шариат аҳкомларига ҳам тамоман зиддир.

Абу Масъуд Ансорийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисга кўра, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фоҳишалик ва коҳинлик қилиб кун кўришдан қайтарганлар.

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) чўриларнинг танасини пуллаб тирикчилик қилишни ман этганлар".

Ислом дини одам савдоси масаласига ана шундай жиддий муносабатда бўлади. Давлатимиз ва ҳукуматимиз ҳам ижтимоий ҳаётда учраб турадиган мазкур иллатга қарши кураш, бу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида улкан ишларни амалга оширяпти. Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган. Турли вазирликлар, масъул идоралар, ташқи ишлар бўйича ваколатхона-консулликлар, жамоат ташкилотлари ана шу Қонунга биноан иш олиб боришади. Шунингдек, одам савдосига қарши кураш бўйича республика Идоралараро ҳайъати ҳам тузилган, мазкур қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Бу қонун Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий, ҳуқуқий ва конституциявий ҳуқуқларини қаттиқ ҳимоя қилиш, уларнинг жамият равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилишларини таъминлаш, одам савдоси каби ижтимоий иллатга бутунлай барҳам бериш йўлида қўйилган муҳим ижобий қадамдир. Бу йўлда ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб курашсак, ҳамюртларимиз алдовларга учиб, ўзга юртларда хор-зор бўлишларининг олдини олиб бу хатарли йўлдан қайтарсак, иншааллоҳ, бу иллат барҳам топишига ҳисса қўшган бўламиз.

Дину имонга хатар

Юқорида нафс балосининг ортидан келадиган зарар ва хатарларни бирма-бир баён қилдик. Албатта, барчани бундай офатларнинг каттасидан Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) огоҳ этганлар:

عن ابن عباس قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : « إياكم والزنا ، فإن فيه أربع خصال : يذهب البهاء عن الوجه ، ويقطع الرزق ، ويسخط الرحمن ، والخلود في النار ». (رواه الطبراني في الأوسط)

Имом Табароний “Авсат” асарида ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Зинодан сақланинг. Унда тўрт офат бор: юздан гўзалликни кетказади, ризқни кесади, Раҳмонни ғазаблантиради, дўзахда абадий қолишга сабаб бўлади”, дедилар.

Кимса бундай қабиҳ ишни содир этаётганида унинг қалбидан имондек бебаҳо улуғ неъмат суғуриб олинади. Бу эса унга етадиган хатарларнинг энг даҳшатлиси ва энг улканидир. Ваҳоланки, мўмин инсоннинг имонидан зиёда бойлиги бўлмайди. Буни Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қуйидагича баён этганлар:

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال النبي صلى الله عليه و سلم (لا يزني الزاني حين يزني وهو مؤمن... (رواه البخاري)

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Зинокор мўмин ҳолида зино қилмайди...”, дедилар. Яъни, кимса ушбу катта гуноҳни Аллоҳдан қўрқмасдан қилишга журъат этдими, Аллоҳ таоло у бандасидан ўзининг ушбу неъматини олиб қўяди. Демак, мўмин айни шу ишни қилаётган вақтда имонсиз ҳолда бўлади.

Агар зинокор гуноҳда бардавом бўлиб, тавба қилмай вафот этса, Аллоҳ уни қиёмат куни азобга дучор этади. Аллоҳ таоло бундай дейди:

وَٱلَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا ءَاخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ ٱلنَّفْسَ ٱلَّتِى حَرَّمَ ٱللَّهُ إِلَّا بِٱلْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ ۚ وَمَن يَفْعَلْ ذَٰلِكَ يَلْقَ أَثَامًا ﴿٦٨﴾ يُضَٰعَفْ لَهُ ٱلْعَذَابُ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ وَيَخْلُدْ فِيهِۦ مُهَانًا ﴿٦٩﴾

«Улар Аллоҳга қўшиб, бошқа “илоҳ”га илтижо қилмаслар ва Аллоҳ ўлдиришни ман этган жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлар)**ни** (имонсиз ҳолда) **қилса, гуноҳга** (уқубатга) **учрар. Қиёмат кунида унга азоб бир неча баробар зиёда қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур»** *(Фурқон, 68-69).*

Ҳар бир замон ва маконда бузуқлик, турли фаҳш ишлар шармандалик келтирган. Барча пайғамбарлар умматларини бу каби қабиҳ ишлардан қайтарган.

Бундай гуноҳ ишнинг оқибатида мўминнинг бебаҳо неъмати бўлган имони, жавоҳирдан-да қиммат бўлган соғлиғи, инсон зийнати бўлган одоби, қадрдон оиласи, пок ризқи, жамоаси, хуллас, дунё ва охиратига улкан зиён етади. Ким бундай қалтис йўл қурбони бўлар экан, икки дунё бахту саодатидан бебаҳрадир. Фарзанд тарбиясига лоқайд бўлган ота-она эса, бу дунёда иснoддан бош кўтаролмасдан виждон азобида ўтади, охиратда эса уларга ғам-ғусса ва андуҳлар бўлиши муқаррар. Шу боис ота-она эътиборсиз бўлиб ёки истиҳола қилиб, бу тарбияни асло кечиктирмасликлари лозим.

Бундай нозик тарбия ўз вақтида берилса, қалбимиз қўри бўлган фарзандлар иффатли, ор-номусли бўлиб воя-га етади. Ҳар бир нарсанинг ўз мавриди бўлганидек, фарзанд уйланиш ёшига етса, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига биноан, муносиб жуфт топиб, уйлантириш лозим. Чунки сабрнинг чегараси бор. Расу-

ли Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бир неча ёш йигитлар келиб, шикоятларини баён этишди: “Ё Расулуллоҳ, бизлар шаҳватни тийишда ожизмиз, бичтириш жоизми?” Шунда Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ўз-ўзига зулм қилишга рухсат бермадилар.

قال رسول الله صلى الله عليه و سلم: يا معشر الشباب من استطاع الباءة فليتزوج... (رواه البخاري)

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй ёшлар жамоаси, сизлардан ким никоҳга қодир бўлса, уйлансин”, деганлар.

Тарбия босқичларининг узвий боғлиқлиги

Фарзанд туғилишидан то уйланиш ёшигача бўлган даврда олиб бориладиган барча тарбиявий босқичларни бевосита узвий боғлаш керак.

Биринчи, тарбиянинг эътиқодий қисми. Дастлаб, фарзанд ёшлигида эътиқодий тарбия назорат қилиниб, болага Аллоҳдан қўрқиш, буйруқларини бажариш, қайтариқларидан сақланиш ҳамда Яратганга ибодат қилиш ўргатилади.

Иккинчи, тарбиянинг одоб қисми. Фарзандга ҳар доим Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак сийратлари ва улуғларнинг насиҳатлари ўргатилиб, гўзал хулқлар ҳақида сабоқ берилади. Шу жараёнда ҳадис ва ҳикматларни ўргатиб, уларга амал қилиш уқтирилади. Шунингдек, саҳобалар, тобеинлар, муҳаддислар ва барча улуғ зотлар ҳаёти, мунаввар ахлоқларидан ибрат олиш ўргатилади.

Учинчи, тарбиянинг илмий қисми. Тарбиянинг асосий жиҳатларидан бири фарзандга илм ўргатадиган устознинг олим ва солиҳ бўлишидир. Ўз ўрнида устозни ҳурмат қилиш ҳам илмнинг тез сингишига сабаб бўлади. Шунинг баробарида фарзаднинг муносиб дўст танлаши

ҳам муҳим. Дўст илмга чанқоқ бўлса, иккиси илм йўлидаги машаққатларни бирга енгади.

Тарбиянинг уч қисми баён қилинди. Бундан ташқари бўлган барча жараёнларни ҳам бир-бирига боғлаб, тўлдириб сингдириб борилса, мақсад ҳосил бўлади. Фарзандда жаҳолатни мағлуб эта оладиган маърифат пайдо бўлади. У ҳақиқий комил инсонга айланиб, турли ҳийлаларга алданмайди. Бузуқликларга қарши нафрат ҳисси пайдо бўлади.

Фарзандда ушбу сифат ва фазилатлар уйғунлашса, мунаввар нур таратаётган ҳилол сингари, ўз ёғдуси ва тафтини сочаётган қуёш мисоли жамиятга фойдали инсон бўлиб вояга етади.

Балоғатга етган йигит, қиз одоби

Ота-она ва муаллимлар зиммасига динимиз вожиб қилган масъулиятлардан бири фарзанднинг 12–15 ёшида кечадиган, балоғатга етиш белгилари сезилганида нималарга эътибор беришни очиқ тушунтиришдир. Ўғил бола бу пайтда уйқудан уйғонганида кийимида суюқ рангсиз суюқлик ёки намни кўрса, нима эканини билмайди. Шунинг учун ота бу ҳолатни яхши тушунтириши ва бундан кейин шундай ҳолат бўлганда қандай йўл тутишни ўргатиши лозим. Қиз болада эса балоғат ёшида ҳайз келиши кузатилиб, оналар бундай ҳолатда нимага эътибор беришни очиқ тушунтириши талаб этилади.

Фарзанд ушбу ёшдан эътиборан шаръан мукаллаф, яъни балоғатга етган ҳисобланиб, Аллоҳнинг олдидаги бурчлари ва жамиятдаги вазифаларига нисбатан масъулиятни ҳис этиши зарур. Катта ёшдагиларга нима вожиб бўлса, энди улар зиммаларига ҳам ана шу ҳукмлар шарт бўлади.

Ислом дини ота-онага фарзанднинг одоблари яхши бўлиши учун муҳим вазифаларни юклади. Айрим оилаларда фарзанд эҳтилом бўлгач, ғусл қилиш зарур экани-

ни билмай, бепарво юриши кузатилади. Баъзи оилаларда эса қиз бола ҳайздан сўнг чўмилиш лозимлигини билмайди. Шундай экан, ҳар бир ота-она фарзандига тортинмасдан балоғат ҳукмларини баён қилиши шарт. Сўнг эса мураббийлар бу борадаги маслаҳат ва тавсияларни таълим беради.

Аксинча, бу таълимотлар вақтида етказилмаса, нопоклик фарзанд учун оддий ҳолга айланади. Секин-аста қалби қотиб, имонига зиён етади. Шу боис ушбу мавзуга доир фиққий масалаларни баён қиламиз:

Биринчиси, ўғил ёки қиз бола уйқусида эҳтилом бўлса, уйғонганидан сўнг кийимида намлик кўрмаса, ғусл вожиб бўлмайди.

عن خولة بنت حكيم انها سألت النبي صلى الله عليه و سلم عن المرأة ترى في منامها ما يرى الرجل فقال ليس عليها غسل حتى ينزل الماء كما ان الرجل ليس عليه غسل حتى ينزل. (رواه أحمد والنسائي)

Аҳмад ва Насоий ривоят қилади: Ҳавла бинти Ҳаким Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эркаклар тушида кўрган нарсани аёл киши кўргани ҳақида сўради. Ул зот: “Нозил бўлмагунча ғусл вожиб бўлмайди, худди эркакларда ҳам нозил бўлмагунча ғусл вожиб бўлмаганидек”, дедилар.

وفي رواية النسائي: أنها سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّه صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ الْمَرْأَةِ تَحْتَلِمُ فِي مَنَامِهَا فَقَالَ إِذَا رَأَتْ الْمَاءَ فَلْتَغْتَسِلْ.

Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тушида эҳтилом бўлган аёл ҳақида сўралди. Шунда: “Агар сувни кўрса, ғусл қилсин”, дедилар *(Имом Насоий ривояти)*.

Иккинчиси, ўғил ёки қиз бола уйғонганидан сўнг кийимида намлик кўрса, эҳтиломни эслай олмаса ҳам, унга ғусл қилиш вожиб бўлади:

عن عائشة قالت: سئل رسول الله صلى الله عليه و سلم عن الرجل يجد البلل ولا يذكر احتلاما قال " يغتسل " وعن الرجل يرى أن قد احتلم ولا يجد البلل قال " لا غسل عليه " فقالت أم سليم المرأة ترى ذلك أعليها غسل ؟ قال " نعم إنما النساء شقائق الرجال " . (رواه أبو داود والترمذي)

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилади: Ойша (розияллоҳу анҳо) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эҳтилом бўлганини эслолмаган, аммо кийимида намлик кўрган киши ҳақида сўради. Шунда: “Ғусл қилади”, дедилар. Эҳтилом бўлган, аммо намликни кўрмаган киши ҳақида сўради. “Унга ғусл лозим эмас”, дедилар. Умму Сулайм: “Уни (намликни) кўрган аёлга ғусл вожиб бўладими?” деди. “Ҳа, албатта, аёллар эркакларнинг ярми”, дедилар.

Учинчиси, маний шаҳват билан отилиб чиқса, ғусл вожиб бўлади:

عن على قال كنت رجلا مذاء فسألت النبى –صلى الله عليه وسلم– أو سئل عن ذلك فقال « فى المذى الوضوء وفى المنى الغسل ». (رواه أحمد)

Имом Аҳмад ривоят қилади. Ҳазрат Али (каррамаллоҳу важҳаҳу) айтади: «Мен кўп мазий кўрар эдим. Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўрадим. Ул зот: “Мазийда таҳорат олинади, манийда ғусл қилинади”, дедилар».

Тўртинчиси, “ҳашафа”, яъни эркак жинсий аъзосининг бош қисми аёл жинсий аъзосига кириши ҳар иккисига ғуслни вожиб қилади.

قال رسول الله صلى الله عليه و سلم: إذا التقى الختانان وغابت الحشفةُ فقد وجب الغسلُ أنزل أو لم ينزلْ. (رواه الطبراني في الأوسط)

Табаронийнинг “Асват” асарида келтирилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар икки жинсий аъзо учрашса ва ҳашафа ғойиб бўлса, маний чиқадими ёки йўқми, ғусл вожиб бўлади”, дедилар.

Бешинчиси, аёлнинг ҳайз ва нифос муддати тугаши ғуслни вожиб қилади. Бу ҳақда:

وَلَا تَقْرَبُوهُنَّ حَتَّىٰ يَطْهُرْنَ

«...то покланмагунларича, уларга яқинлашмангиз!..» *(Бақара, 222).*

“ط”- ҳарфи ташдидли ўқилганида “ғусл қилгунича” деган маънони англатади.

Қуйидаги ҳадис ушбу ҳукмни қувватлайди:

عن عائشة: أن فاطمة بنت أبي حبيش كانت تستحاض فسألت النبي صلى الله عليه و سلم فقال (ذلك عرق وليست بالحيضة فإذا أقبلت الحيضة فدعي الصلاة وإذا أدبرت فاغتسلي وصلي). (رواه البخاري)

Имом Бухорий ҳазрат Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: Фотима бинти Ҳубайш истиҳоза бўлар эди. Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳақда сўради. У зот: “Бу (қон) томир бўлиб, ҳайз эмас. Агар ҳайз келса, намозни тарк қил, агар ҳайз тугаса, ғусл қил ва намоз ўқи”, дедилар. Ҳайзга қиёсан нифосдан кейин ҳам ғусл қилиш собит бўлди.

Истиҳоза – уч кундан кам ёки ҳайзнинг ўнинчи кунидан сўнг ва нифоснинг қирқ кунидан сўнг зоҳир бўладиган қон.

Олтинчиси, фарзанд қандай ғусл қилишни ўрганиши лозим.

Ғуслнинг фарзлари. Оғизни чайиш; бурунни ачиштириб сув билан чайқаш; бутун баданга сув етказиб, ишқалаб ювиш. Аллоҳ таоло бундай дейди:

وَإِن كُنتُمْ جُنُبًا فَٱطَّهَّرُوا۟

«...Агар жунуб бўлсангиз, обдон покланингиз (чўмилингиз)**!..»** *(Моида, 6).*

عن أبي هريرة : عن النبي صلى الله عليه و سلم قال تحت كل شعرة جنابة فاغسلوا الشعر وأنقوا البشر. (رواه أبو داود والترمذي)

Абу Довуд ва Имом Термизий ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳар бир соч толаси ости нопокдир, бас, сочни ювинглар ва терини покланглар”, дедилар.

Ғуслда тана аъзоларини сув билан ювиш керак. Ушбу шаръий ҳукмга кўра, тананинг барча аъзолари – киндик, икки қулоқнинг зоҳирий жойлари ва қўлтиқ остини ишқалаб ювиш вожиб бўлади. Баъзи кишиларда “кўз ва қулоқнинг ичини чўп билан ювиш керак” деган нотўғри тушунча бор. Қулоқ ичи қўл борган жойгача ювилади.

Ғуслнинг суннатлари. Танадаги нопокликни кетказиш ва таҳорат қилиш, барча аъзоларга уч мартадан сув етказиш, охирида оёқларни сув тўпланган жойдан бошқа ерда ювиш, ният қилиш, тасмия айтиш, мисвок ишлатиш, соқол, бармоқларга ҳилол қилиш, баданда-ги нопокликни имкон бўлса, ишқалаб кетказиш ғуслда суннат амаллардир.

Бу ҳақда “Олти китоб” соҳиблари ривоят қилади. Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу), Маймуна онамиз (розиял-лоҳу анҳо) айтади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жанобатдан ғусл қилаётганларида қўлларини уч марта ювдилар. Кейин идишдан сув олиб, чап қўллари билан аврат аъзоларини покладилар. Сўнг чап қўлларини ерга урдилар ва қуритдилар, таҳорат қилдилар. Бошла-рига уч ҳовуч сув қўйдилар, ҳар ҳовучда икки кафтлари сувга тўлди. Кейин айрим аъзоларини ювдилар. Охирида бошқа ерга ўтиб оёқларини ювдилар”.

Эркакнинг ўрилган сочи бўлса, ечиш вожиб бўлади. Токи сочлари орасига сув етсин. Аммо аёлнинг ўрилган

сочи бўлса, ечиш вожиб эмас, балки соч тагига сув етказиш кифоя.

Таяммумнинг шартлари

Агар ғусл учун керак бўлган сув бир мил узоқда бўлса ёки кун совуқлиги боис касал бўлишдан қўрқилса, йиртқич ҳайвон ёки душман сувни эгаллаб олган бўлса-ю, ўзи ё молига ҳамласидан қўрқилса, таяммум қилиш жоиз бўлади.

Таяммум юзга масҳ тортиш учун қўлни ер жинсидан бўлган нарсага, масалан тупроқ, тош ёки қум, ёки кишига ўтирган ғубор бўлиши мумкин, унга қўлини уриб юзга суриш ва иккинчи маротаба уриб, қўлларнинг тирсаклари билан қўшиб масҳ қилишдир.

Аллоҳ таоло баён қилади:

فَلَمْ تَجِدُواْ مَآءً فَتَيَمَّمُواْ صَعِيدًا طَيِّبًا فَٱمْسَحُواْ بِوُجُوهِكُمْ وَأَيْدِيكُم مِّنْهُ

«...(лекин) **сув топмасангиз, пок тупроққа таяммум қилиб, ундан юзларингиз ва қўлларингизга суртинг!**..» *(Моида, 6)*.

Таяммум тартиби қуйидаги ҳадисда баён қилинган:

عَنْ جَابِرٍ عَنِ النَّبِيِّ –صلى الله عليه وسلم– قَالَ « التَّيَمُّمُ ضَرْبَةٌ لِلْوَجْهِ وَضَرْبَةٌ لِلذِّرَاعَيْنِ إِلَى الْمِرْفَقَيْنِ ». (رواه الدارقطني)

Дорақутний ва Ҳоким ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Таяммум икки зарбдир, юзга масҳ қилиш учун бир зарб ва қўлни тирсаги билан масҳ қилиш учун яна бир зарб”, дедилар.

Таяммумда таҳорат билан бажариш лозим бўлган, яъни намоз ўқиш каби ибодатларни бажаришни ният қилиш шарт. Таяммумдан мақсад катта ва кичик нопокликни кетказишни қасд қилишдир. Катта нопоклик жанобат, кичик нопоклик таҳоратсизликдир.

Еттинчиси, жанобат вақтида ман қилинган амаллар. Улар қуйидагилар:

– ҳайз ва нифос пайтида аёлга рўза тутиш ва намоз ўқиш ман этилади. У рўза қазосини тутади, намоз қазосини эса ўқимайди.

“Саҳиҳ” китобларда баён қилинган:

عَنْ عَائِشَةَ رضي الله عنها قَالَتْ: كَانَ يُصِيبُنَا ذَلِكَ فَنُؤْمَرُ بِقَضَاءِ الصَّوْمِ وَلاَ نُؤْمَرُ بِقَضَاءِ الصَّلاَةِ. (رواه مسلم)

Ойша (розияллоҳу анҳо): “Бизга бу (ҳайз ёки нифос) етарди. Бизга рўза қазоси буюрилиб, намознинг қазоси буюрилмади”, дедилар.

– Каъбани тавоф қилиш;

– Аёл ҳайз ёки нифос пайтида қўшилиш.

Аллоҳ таоло баён қилган:

فَٱعۡتَزِلُواْ ٱلنِّسَآءَ فِي ٱلۡمَحِيضِۖ

“... Бас, ҳайз пайтида хотинларингиздан четланингиз...” *(Бақара, 222).*

عن حرام بن حكيم عن عمه أنه سأل رسول الله صلى الله عليه و سلم ما يحل لي من امرأتي وهي حائض ؟ قال " لك ما فوق الإزار ". (رواه أبو داود)

Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Саъддан ривоят қилади: Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Хотиним ҳайз кўрганида нимаси ҳалол?” деб сўрадим. Ул зот: “Сенга изор устидаги (ҳалол) бўлади”, дедилар.

Демак, эркак кишига ҳайз ёки нифосда бўлган хотини билан қўшилишдан бошқа ҳолатлар жоиздир.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) замонларида яҳудийлар аёлларини ҳайз ёки нифосдан поклангунларича бир уйга қамаб қўяр эди. Бундай аёл-

ларга овқат тайёрлаш, эр ва фарзандлари билан гаплашиш мумкин эмасди. Насронийларда эса бунинг батамом акси – умуман масофа сақланмасди.

Муқаддас динимиз ўрта меъёрни танлаб, кишиларга том маънода инсонийликка тўғри келадиган, ҳақиқий йўлни кўрсатди. Бу билан аёллар ҳақ-ҳуқуқлари таъминланди ҳамда ҳайз ва нифосга доир масалалар тартибга солинди.

Аёл ҳайз ва нифос пайтида Қуръони каримдан бирор оят ўқиши жоиз эмас:

عن ابن عمر : عن النبي صلى الله عليه و سلم قال لا تقرأ الحائض ولا الجنب شيئا من القرآن. (رواه الترمذي)

Имом Термизий ва Ибн Можа Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳайз кўрган ва жунуб аёл Қуръондан бирор нарса ўқимайди”, дедилар.

Аммо зикр, сано мақсадида, масалан: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”, “Алҳамдулиллаҳ”, дейиши жоиздир.

Таҳоратсиз, жунуб ҳолда ёки ҳайз ва нифос пайтида Қуръони каримни ғилофсиз ушлаш мумкин эмас. Бунда ғилоф Қуръонга ёпишмаган бўлиши шарт.

Аллоҳ таоло баён қилганидек:

لَّا يَمَسُّهُۥٓ إِلَّا ٱلْمُطَهَّرُونَ ﴿٧٩﴾

«Уни (Қуръонни) **таҳоратли кишилардан ўзгалар ушламаслар»** *(Воқеа, 79)*.

Бу масалада қуйидаги ҳадислар келтирилган:

عن حكيم بن حزام ، أن النبي صلى الله عليه وسلم لما بعثه واليا إلى اليمن قال : « لا تمس القرآن إلا وأنت طاهر ». (رواه الحاكم في المستدرك)

Ҳоким “Мустадрак” асарида ривоят қилади. Ҳаким ибн Ҳизом айтди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва

саллам) мени Яманга жўнатаётганларида: “Қуръонни фақат пок ҳолда ушлагин”, дедилар».

Шунингдек, жунуб киши намоз ўқиши, масжидга кириши, Каъбани тавоф қилиши мумкин эмас. Аммо жунуб киши рўза тутиши дуруст. Жунублик намозни кеч ўқишига сабаб бўлса, гуноҳкор бўлади.

Уйқусида эҳтилом бўлган киши уйғонгач, кийимида манийдан нам кўрса, уни ювиш билан тозалайди. Агар қуруқ ҳолда кўрса, ишқалаш билан ҳам пок бўлади.

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كُنْتُ أَفْرُكُ الْمَنِيَّ مِنْ ثَوْبِ رَسُولِ اللَّهِ –صلى الله عليه وسلم– إِذَا كَانَ يَابِسًا وَأَغْسِلُهُ إِذَا كَانَ رَطْبًا. (رواه الدارقطني)

Дорақутний “Сунан” асарида ва Баззор “Муснад” асарида ривоят қилади: Ойша (розияллоҳу анҳо) айтдилар: “Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кийимларида маний қуриган бўлса, уни ишқалаб тозалардим, агар ҳўл бўлса, уни ювардим”.

Шу зайлда динимиз таълим берган поклик қоидаларини ота-она бирма-бир фарзандга ўргатса, ҳар бир ота-она ўзи орзу қилганидек олиму фозил, оқилу доно, комил фарзандлар вояга етади.

Эр-хотин муносабати

Аллоҳ таоло инсонга наслини давом эттириши учун шаҳвоний истак берди. Ушбу истакни қондириши учун ҳалол йўлни кўрсатиб, илоҳий ҳукмларни баён қилди. Шунинг учун динимизнинг мазкур эҳтиёжни тўғри йўл билан қондириш, оила қуриш ва наслни давом эттириш ҳақидаги ҳикмат ва фазилатлари борасида сўз юритамиз. Бу масалалар яқин келажакда оила қуриш остонасида турган фарзандлар тарбиясида муҳим ўрин тутади.

Маълумки, инсон табиати жинсий эҳтиёжни қондиришга мойил. Одам зоти борки, ана шу таскинга муҳтож. Аммо инсон Яратган ато этган ақл-идроки билан бу

эҳтиёжни тўғри ва ҳалол йўл билан қондириши лозим. Динимиз бундай амални юксак баҳолайди ва қўллаб-қувватлайди. Аксинча, уйланишдан ўзини мосуво қилишни эса, ўзига зулм ҳисоблаб, қоралайди. Маъқулланган жиҳат никоҳ асосида эр-хотинлик, яъни оила қуриш билан бўлади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَمِنْ ءَايَـٰتِهِۦٓ أَنْ خَلَقَ لَكُم مِّنْ أَنفُسِكُمْ أَزْوَٰجًا لِّتَسْكُنُوٓا۟ إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُم مَّوَدَّةً وَرَحْمَةً

«Унинг аломатларидан (яна бири) **– сизлар** (нафсни қондириш жиҳатидан) **таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир...»** *(Рум, 21)*.

Мазкур оятга биноан Ислом оила қуришга жиддий тарғиб қилади. Уйланишни тарк қилишдан қайтаради. Жаноб Сарвари коинот, бу ҳақда уйланишга қодир бўлган умматларга сабоқ сифатида, ушбу ҳадисни баён қилганлар:

عن أبي نجيح ، أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال : « من كان موسرا لأن ينكح ، ثم لم ينكح ، فليس مني ». (رواه الطبراني في الكبير)

Имом Табароний ва Имом Байҳақий ривоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким уйланишга қодир бўлиб уйланмаса, у мендан эмас”, дедилар.

Имом Бухорий ва Имом Муслим Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Уч киши Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйларига келиб, бири: “Мен туни билан намоз ўқийман”, деди. Кейингиси: “Ҳар куни рўза тутаман”, деди. Охиргиси: “Мен ҳеч қачон уйланмайман”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳга қасам, мен сизлардан кўра тақводорроқман. Лекин мен рўза тутаман ва ифтор қиламан (рўза тутмаган куним бўлади), кечаси намоз ўқийман ва ухлайман,

уйланаман. Бас, ким менинг суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмас", дедилар».

Бу ҳадисдан қодир киши уйланиши зарурлиги ва у Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сунна-тларини тутган бўлиши маълум бўлмоқда. Акс ҳолда Муҳаммад (алайҳиссалом) у "мендан эмас", яъни менинг йўлимда эмас, дедилар.

Қодир бўлиш деганда қайси жиҳатлар эътиборга олинишини уламолар батафсил баён қилишган:

а) шундай кишилар бор, бирор дард туфайли ёки бошқа сабабдан жинсий ожиз бўлади. Унинг шифо топиши учун ҳеч бир омил кор қилмайди. Бундайлар учун уйланиш мумкин эмас. Чунки унинг уйланишдан кўзланган мақсадларга эҳтиёжи, насл давом эттиришга имконияти ҳам йўқ.

б) айрим инсонлар бор, қувватга эга, аммо руҳий хасталиги боис уйланиши макруҳ. Чунки бундай инсонларнинг уйланган аёлга зулм қилиши ва ёмонликка гирифтор этиш хавфи бор.

в) баъзи одамлар бор, шаҳватини ҳаромдан тия олади, аммо уйланса, оила боқишни эплолмайди, нафақага қодир эмас. Бу тоифадагилар учун уйланмаслик яхшироқ. Чунки оила масъулиятини бўйнига олган кишига оила таъминоти вожиб бўлади.

г) бир тоифадагилар бор, шаҳватларини ҳаромдан тия олмайди. Агар уйланса, айни вақтда оиласини боқишни эплаш даражасида эмас. Бундайлар учун уйланиш мубоҳ, улар Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) айтганларидек, рўза тутиши афзал.

д) айрим тоифа кишилар бўлади, соғлом, бақувват, уйланишга қодир, шаҳватини ҳаромдан тийишга қурби етади. Мабодо оила қургудек бўлса ҳам, бемалол рўзғор тебрата олади. Булар учун уйланиш мустаҳаб ва суннат.

е) кўпчиликни ташкил этадиган тоифа вакиллари бор, улар ҳар томонлама, жисман ва руҳан соғлом бўлиб, юқорида зикр этилган нуқсонлардан холи. Аммо

шаҳватини ҳаромдан тийишга эса ожиз. Агар уйланадиган бўлса, оиласининг таъминотини эркин бажаради. Ушбу тоифадагилар учун уйланиш вожибдир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйланишнинг улкан ҳикматларидан бири ҳақида бундай баён қилганлар:

عَنْ أَبِى ذَرٍّ أَنَّ نَاسًا مِنْ أَصْحَابِ النَّبِىِّ –صلى الله عليه وسلم– قَالُوا لِلنَّبِىِّ –صلى الله عليه وسلم– يَا رَسُولَ اللَّهِ ذَهَبَ أَهْلُ الدُّثُورِ بِالأُجُورِ يُصَلُّونَ كَمَا نُصَلِّى وَيَصُومُونَ كَمَا نَصُومُ وَيَتَصَدَّقُونَ بِفُضُولِ أَمْوَالِهِمْ. قَالَ « أَوَلَيْسَ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ مَا تَصَّدَّقُونَ إِنَّ بِكُلِّ تَسْبِيحَةٍ صَدَقَةً وَكُلِّ تَكْبِيرَةٍ صَدَقَةٌ وَكُلِّ تَحْمِيدَةٍ صَدَقَةٌ وَكُلِّ تَهْلِيلَةٍ صَدَقَةٌ وَأَمْرٌ بِالْمَعْرُوفِ صَدَقَةٌ وَنَهْىٌ عَنْ مُنْكَرٍ صَدَقَةٌ وَفِى بُضْعِ أَحَدِكُمْ صَدَقَةٌ ». قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيَأْتِى أَحَدُنَا شَهْوَتَهُ وَيَكُونُ لَهُ فِيهَا أَجْرٌ قَالَ « أَرَأَيْتُمْ لَوْ وَضَعَهَا فِى حَرَامٍ أَكَانَ عَلَيْهِ فِيهَا وِزْرٌ فَكَذَلِكَ إِذَا وَضَعَهَا فِى الْحَلاَلِ كَانَ لَهُ أَجْرٌ ». (رواه مسلم)

Имом Муслим “Саҳиҳ” асарида Абу Заррдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. «Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асҳоблари айтди: “Ё Расулуллоҳ, бойлар савобда биздан ўтди. Улар биз ўқигандек намоз ўқийди, биз рўза тутгандек рўза тутади ва моллари кўплиги боис садақа қилади”.

Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ сизларга садақа қилиш имконини бермадими? Албатта, ҳар бир тасбеҳ садақа, ҳар бир такбир садақа, ҳар бир таҳмид (ҳамд айтиш) садақа ва ҳар бир таҳлил садақа, яхшиликка буюриш садақа, ёмонликдан қайтариш садақа ва сизларни авратингизда, яъни жинсий яқинлик садақадир”, дедилар. “Ё Расулуллоҳ, биримиз шаҳватини қондирса, савоб бўладими?” деб сўрадилар. “Агар ҳаромда қондирса, гуноҳ бўлармиди?” дедилар. Улар: “Ҳа”, деди-

лар. Набий (алайҳиссалом): “Шунга ўхшаш, агар ҳалолдан қондирилса, савоб бўлади” дея марҳамат қилдилар».

Мазкур ҳадисда никоҳ билан бир-бирларига ҳалол бўлган эр-хотин ўзаро қўшилишида ҳам савоб борлиги билдирилди. Бундан мақсад, шариат доирасида бажарилган ҳар бир иш беҳуда эмас, балки Парвардигор улкан ажрлар ато қилади. Ҳар бир мўмин Аллоҳнинг буюрган фарз амалларини бажариши, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) умматларига баён қилган зарур амалларда собит туриши талаб этилади. Саҳобалар Аллоҳ ризолиги, дин равнақи ва жамият манфаатини шахсий манфаатларидан устун қўярдилар.

Насабни сақлаш

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَٱللَّهُ جَعَلَ لَكُم مِّنۡ أَنفُسِكُمۡ أَزۡوَٰجٗا وَجَعَلَ لَكُم مِّنۡ أَزۡوَٰجِكُم بَنِينَ وَحَفَدَةٗ

«Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун ўғиллар ва набиралар пайдо қилди ...» *(Наҳл,72).*

Инсонлар учун жуфтини яратишдан мақсад фарзандлар ва улардан набиралардек кўзни қувонтирадиган неъматларни пайдо қилганини баён этди. Демак, Аллоҳ таоло ушбу йўл билан инсонларнинг наслу насаби давом этишини ирода қилди. Мўминларнинг оила қуришдан асл мақсадлари ҳам айнан шундай бўлиши лозим.

Ахлоқсизликдан сақланиш

Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) ушбу ҳадисларига яна мурожаат қиламиз:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ –صلى الله عليه وسلم– " يَا مَعْشَرَ الشَّبَابِ مَنِ اسْتَطَاعَ مِنْكُمُ الْبَاءَةَ فَلْيَتَزَوَّجْ فَإِنَّهُ أَغَضُّ لِلْبَصَرِ وَأَحْصَنُ لِلْفَرْجِ ". (رواه مسلم)

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Эй ёшлар жамоаси, сизлардан ким никоҳга қодир бўлса уйлансин, чунки у кўзнинг тийилиши ва фаржнинг поклигидир...”, дедилар.

Жаноб Сарвари оламнинг ҳадисларини ҳар сафар ўқиганимизда, олам-олам маъно ва мазмун чиқади. Мазкур ҳадисда, “кўзнинг тийилиши” ва “фаржнинг поклиги” дея ахлоқий жиҳати ҳам баён қилинган. Демак, уйланиш ва турмушга чиқишдаги ҳикматлар кишининг ахлоқига ҳам сайқал беради.

Эр ва хотин ҳамжиҳатлиги

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ –صلى الله عليه وسلم– ...والرجل راع في أهله وهو مسؤول عن رعيته والمرأة راعية في بيت زوجها ومسؤولة عن رعيتها... (رواه البخاري)

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эркак ўз аҳлига раҳбар ва қўл остидагилардан масъул. Аёл эрининг уйида раҳбар ва ўз қўл остидагилардан масъулдир...”, дедилар.

Ислом таълимоти нақадар гўзал. Оила мавзуида баён қилинган ушбу ҳадис замирида эр ва хотиннинг зиммасидаги бурчлари эътироф этилган. Рўзғор бошлиғи эркак киши ўз оиласида раҳбар бўлиб, барча қўл остидагилар, яъни хотини, фарзандларининг моддий ва маънавий томондан таъминотчиси ҳисобланади. Бу муқаддас даргоҳнинг султони бўлмиш ота оила аъзоларининг барча зарурий эҳтиёжларини қондириши лозим.

Ўз навбатида, оила дея аталмиш мустаҳкам қўрғоннинг бекаси бўлган аёл эса, эри ва фарзандларининг уй юмушларига масъул. Оила салтанатининг вазири бўлмиш она рўзғор покизалиги, хонадон юмушлари, яъни кийим-бошларни тозалаш, таомлар тайёрлаш ва ҳоказо

каби ишларга масъулдир. Шу билан биргаликда, эрининг меҳнату машаққат билан топиб келаётган молу мулкини исроф қилмасдан сарф қилиши ва фарзандларига ҳам буни қадрлашни ўргатиши лозим. Ана шундай ҳамжиҳатлик ва иттифоқлик билан қурилган оила мустаҳкам, тартибли, файзли ва баракали бўлади.

Касаллик ва офатлардан сақланиш

قال رسول الله –صلى الله عليه وسلم– "لا ضرر ولا إضرار..." (رواه أحمد وابن ماجه)

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Зарар бериш ва зарарланиш (исломда) йўқ” , дедилар *(Имом Ибн Можа ривояти)*.

Кишининг бирор кимсага ҳеч қандай йўл билан зарар етказиши динимизда йўқ. Шунингдек, ўзи ҳам зарарланишининг олдини олиши лозим. Бунинг эр-хотинликка қандай алоқаси бор, деган савол туғилиши табиий. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларида: “Эй ёшлар жамоаси, сизлардан ким никоҳга қодир бўлса уйлансин, чунки бу кўзнинг тийилиши ва фаржнинг поклигидир...”, дедилар.

Никоҳ ёшига етган йигитга турли бузуқ йўллардан ўзини сақлашнинг энг мақбул йўли уйланиш экани баён қилинди. Ҳадисда айтилган “фаржни сақловчи” жумласидан мурод ўзини сақлашга кучи етмайдиган киши уйланмаса, зино қилиш хавфи борлигидир. Бунинг оқибатидан келиб чиқадиган дарду балоларни батафсил баён қилинди. Бундай дардларга чалинган киши нафақат ўзи, балки оиласига ҳам зарар етказиши аниқ. Касаллиги юқумли бўлса, энг олдин оила аъзоларига, қолаверса, атрофдаги кишиларга ҳам зиён етказади.

Руҳий ва нафсий таскин топиш

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَمِنْ ءَايَـٰتِهِۦٓ أَنْ خَلَقَ لَكُم مِّنْ أَنفُسِكُمْ أَزْوَٰجًا لِّتَسْكُنُوٓا۟ إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُم مَّوَدَّةً وَرَحْمَةً

«Унинг аломатларидан (яна бири) **– сизлар** (нафсни қондириш жиҳатидан) **таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир...»** *(Рум, 21)*.

Аллоҳ таоло инсонни юксак ҳикмат ила яратди. Кишининг табиати нимага муҳтож бўлса, ҳалол-пок йўллар билан ўша нарсанинг муқобилини пайдо қилди. Эркакни аёлга, аёлни эса эркакка муҳтож қилди. Одам наслининг давом этишини ҳам бу икки жинс вакилларининг бир-бирларига қовушишлари, яъни эр-хотинлик асосига боғлади. Шу билан бирга, уларни бир-бирларидан руҳий, нафсий ва жисмий таскину роҳат оладиган қилди.

Эркак киши узоқ муддат аёли билан қўшилмаслиги оқибатида турли касалликлар пайдо бўлишини тиббиёт олимлари илмий равишда исботлашди. Ўз ўрнида, аёл ҳам кўп муддат эрсиз яшаса, турли дардларга чалиниши аниқланди.

Адолат пешвоси ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) замонида ушбу масала юзасидан ҳам одилликни ўрнатган. Дин душманлари билан бўладиган ғазотлар баъзида бир неча ой давом этар, унда қатнашиб узоқ муддат оиласидан олисда бўлган аскарларнинг уйида қолган хотинлари муаммолари ҳазрат Умарни ташвишга соларди. Бу муаммони ечиш мақсадида Ҳафса онамиздан аёлларнинг бу борадаги сабрлари чўққиси ҳақида сўради. Ҳафса онамиз, бундай ҳолда аёллар нари борса тўрт ой сабр қила олишини айтди. Шундан кейин Мўминлар амири ҳар тўрт ойда аскарларни алмаштириб туришга қарор қилиб, бу борада ҳам одилликни йўлга қўйди.

Ёлғизлик ҳолати ушбу муддатдан ошса, сабрсиз ва диёнатсиз аёл бўлса, зинога қадам қўйиш эҳтимоли бор. Агар аёл сабру бардошли, ибо-ҳаёли бўлса, бу муддат ўтиши билан аёлларга хос касалликлар вужудга келиши эҳтимолини табобат аҳллари таъкидлашган. Демак, эр-хотинликнинг манфаатли томонларидан бири ҳар томонлама бир-бирларидан таскин ва ҳаловат олиш, бунинг асосида турли касалликлардан сақланишдир.

Солиҳ зурриёт қолдириш

عن سعيد بن أبي هلال أن النبي صلى الله عليه و سلم قال: " تناكحوا تكثروا فإني أباهي بكم الأمم يوم القيامة ". (رواه عبد الرزاق في مصنفه)

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уйланинглар, насл қолдиринглар, кўпайинглар, бас, мен қиёмат куни сизлардек уммат (кўплиги) билан фахрланаман”, дедилар *(Имом Абдурраззоқ ривояти)*.

Ушбу ҳадисда Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳалол йўл билан насл қолдириш, кўпайишга тарғиб этиб, бундай комил эътиқодли умматларнинг кўплигидан фахр қилишларини айтганлар.

Шу боис ота-она ўз фарзандига оиланинг фазилат ва ҳикматларни тушунтириши, никоҳда аввало, Парвардигор ризоси борлиги ва Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тарғиблари, уни икки дунё бахту саодатини кўзлаб амалга оширишни уқтириши лозим. Ана шунда фарзанд ақлли ва нафсига ҳоким, шайтон гапига учмайдиган, инсон шаънига доғ туширадиган бузуқликлардан узоқда бўлади.

Баъзан айрим бадавлат оталарнинг нотўғри фикрлари қулоққа чалинади. Улар фикрича, вояга етган фарзандга моддий ёрдам ёки маънавий кўмак бериш шарт эмас. Ушбу ёшдаги ҳар бир фарзанд ўзи ишлаб маблағ топиши ва топган моллари ҳисобидан уйланиши ёки хоҳлаган

мақсадда ишлатиши мумкин, деб ҳисоблайди. Бу фикр замирида отанинг хасис ва жоҳиллиги кўзга ташланади. Бундай фикр динимиз таълимотига зид.

Ҳазрат ҳабибур Раҳмон (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларида ота-онанинг фарзанди олдидаги бурчларидан бири фарзанд вояга етганда ўғил болани уйлаш, қиз болани эса турмушга чиқариш экани айтилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ўзига хос "тарбиявий услуб" қўлламоқчи бўлган, аслида молу давлатни фарзандларидан ҳам қизғанадиган ота бу "тарбия"сининг ортидан кўп хатоларга йўл қўяди.

Биринчидан, фарзанд пул топиш мақсадида турли кўча-куйларга киради. Тўғрими, эгрими, қинғирми, қийшиқми, қайси йўл билан бўлса-да пул топиш йўлини излайди. Бу йўлда унга бировнинг ҳақини ейишми, ўғриликми, ноқонуний тижоратми, фарқи йўқ. Чунки фарзанд назоратсиз қолгани ойдек равшан. Тарбиясига масъул бўлган ота эса эътиборсиз.

Иккинчидан, фарзанд кўзланган бойликни қай йўсинда бўлса-да топди, дейлик. Ана энди, топган давлатини яхшиликка сарфлаши амримаҳол. Молу давлат топилганидан кейин, фарзанд ота маслаҳатига қулоқ солмайди. Отанинг "ноёб услуби" шундай "иш" берадики, оқибатда тошбағир, меҳрсиз ва зиқналик борасида ота ва фарзанд йўллари бирлашади. Аммо ота-бола ўртасидаги ҳурмат-эътибор, қадр-қиммат, меҳр-муҳаббат, бирор ишда маслаҳат солиш, бирдамлик борасида йўллари айро-айро бўлиб, бундай фазилатлардан мосуво қолди.

Шунинг учун ҳар бир ота-она ўз дилбандига бахиллик ва хасислик қилмасдан, молларини уларнинг ҳаёт йўллари чиройли йўлга тушгунча исроф қилмасдан сарфлагани мақбул. Зотан, ҳар бир инсондан кейин уй-жойига эгалик қиладиган, уни эслаб дуо қиладигани ана шу фарзандлари бўлади. Шу боис, ҳар бир мўмин киши Аллоҳ ато этган давлатни кимга ва нима мақсадда сарфлаши лозим эканини чуқур англаши зарур.

Бу борада жаноб Фахрул коинотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак ҳадисларига мурожаат қиламиз:

عَنْ أَبِى هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ –صلى الله عليه وسلم– « دِينَارٌ أَنْفَقْتَهُ فِى سَبِيلِ اللَّهِ وَدِينَارٌ أَنْفَقْتَهُ فِى رَقَبَةٍ وَدِينَارٌ تَصَدَّقْتَ بِهِ عَلَى مِسْكِينٍ وَدِينَارٌ أَنْفَقْتَهُ عَلَى أَهْلِكَ أَعْظَمُهَا أَجْرًا الَّذِى أَنْفَقْتَهُ عَلَى أَهْلِكَ». (رواه مسلم)

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ йўлида эҳсон қилинган динор, қул озод қилиш учун сарф қилинган динор, мискинларга садақа қилинган динор, аҳлингга нафақа қилинган динорларнинг энг савоби каттаси аҳлингга нафақа қилганингдир”, дедилар *(Имом Муслим ривояти)*.

Ота-онанинг навбатдаги вазифаси ўғлига одобу иффатли, Яратганга итоатли солиҳа қизни танлашдир. Шу боис мўмин доимо Аллоҳдан хушхулқ аёл ва ундан дунёга келадиган фарзанднинг салоҳиятли бўлишини сўраб, ушбу дуони ўқийди:

رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَٰجِنَا وَذُرِّيَّٰتِنَا قُرَّةَ أَعْيُنٍ وَٱجْعَلْنَا لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا ﴿٧٤﴾

«...Парвардигоро, хотинларимиздан ва зурриётларимиздан бизларга кўз қувончини бахш эт ва бизларни тақводорларга пешво қилгин» *(Фурқон, 74)*.

Оқила қизни уйига келин қилган ота-онанинг ўғли биринчи кеча келин ҳузурига кирганида, нимага эътибор бериш керак, деган савол бўлиши табиий. Шунинг учун бу борада динимиз таълим берган одобларни баён қиламиз.

Биринчи, куёв келиннинг бошига қўлини қўйиб: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”, деб унинг ҳақига дуо қилади.

عن عمرو بن شعيب عن أبيه عن جده عبد الله بن عمرو: – عن النبي صلى الله عليه و سلم قال (إذا أفاد أحدكم امرأة أو خادما أو دابة فليأخذ

بناصيتها وليقل اللهم إني أسألك من خيرها وخير ما جبلت عليه . وأعوذ بك من شرها وشر ما جبلت عليه). (رواه ابن ماجه)

Ибн Можа ва Абу Довуд ривоят қилади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар бирингиз уйланса, келиннинг пешонасидан ушлаб: “Аллоҳнинг исмини (тасмия) айтсин ва бундай деб барокотли дуо қилсин: “Парвардигоро, мен сендан унинг ва унга яратилган нарсанинг яхшилигини сўрайман. Унинг ёмонлиги ва унга яратилган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ тилайман”, дедилар».

Иккинчи, келин-куёв иккови икки ракат намоз ўқиб, Аллоҳга дуо қилиши мустаҳабдир.

Абу Шайба Шақиқдан ривоят қилади: Абу Ҳариза исмли киши: “Мен бир жорияга уйландим. У менга ғазаб қилишидан қўрқаман”, деди. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу): “Албатта, яхши кўриш Аллоҳдан ва нафратланиш шайтондан. У шайтон сизни Аллоҳ ҳалол қилган нарсага нафрат қилишга ундайди. Хотинингга ортингда икки ракат намоз ўқишни буюр ва: “Парвардигор, мени ўз аҳлимда марҳаматга сазовор қилгин ва аҳлимни мендан марҳаматга сазовор қил. Парвардигоро, бизни яхшиликда бирлаштир, агар ажратсанг, яхшиликда ажрат”, деб айт.

Учинчи, куёв келинга мулойим муомалада бўлиши, ширинлик, овқат ва хуштаъм ичимликлар – ширин чой, сут ёки шарбат олиб кириши мустаҳабдир.

عن أسماء بنت يزيد قالت: إنى قينت عائشة لرسول الله –صلى الله عليه وسلم– ثم جئته فدعوته لجلوتها فجاء فجلس إلى جنبها فأتى بعس لبن فشرب ثم ناولها النبى –صلى الله عليه وسلم– فخفضت رأسها واستحيت.

(رواه أحمد)

Имом Аҳмад “Муснад” асарида ривоят қилади. Асмо бинти Язид айтди: “Ойшанинг (розияллоҳу анҳо) юзини

очиш учун зийнатлаб безадим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг ёнига катта идишда сут олиб келдилар. Ундан ичдилар, сўнгра Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни Ойшага узатдилар. У бошини пастга эгди ва ҳаё қилди...”

عن عائشة : قالت قال رسول الله صلى الله عليه و سلم: إن أكمل المؤمنين إيمانا أحسنهم خلقا وألطفهم بأهله. (رواه الترمذي)

Имом Термизий ва Имом Насоий ривоят қилади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўминларнинг имони мукаммали ва хулқи яхшиси аҳлига меҳрибонидир”, дедилар.

عن عائشة قالت : قال رسول الله صلى الله عليه و سلم: خيركم خيركم لأهله وأنا خيركم لأهلي. (رواه الترمذي)

Имом Термизий ривоят қилади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Сизларнинг яхшилик қилувчиларингиз ўз аҳлига яхшингиз ва мен сизларнинг аҳлига энг яхшиларингиздирман”, дедилар.

Турмушнинг илк пайтларидаги яхши муомала, шубҳасиз, ноқулай ҳолатда, ҳадиксираб турган бокира қизни бир оз ўзига келтириб, муҳитга мослаштиради. Шу билан бирга, кўнглида эрига нисбатан бир умрлик муҳаббат, садоқат ва вафодорлик ҳислари куртак отишига ёрдам беради.

Тўртинчи, жинсий яқинлик пайтида келин-куёв либосларидан тўла холи бўлади, лекин ёпинчиқ остида бўлиши афзалдир. Бу эса ҳаёли бўлишга ундовдир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар:

عَنْ يَعْلَى أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ حَلِيمٌ حَيِيٌّ سِتِّيرٌ يُحِبُّ الْحَيَاءَ وَالسَّتْرَ... (رواه أحمد وأبو داود)

Имом Аҳмад, Имом Термизий ва Абу Довуд ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта Аллоҳ таоло ҳаёли ва беркитувчидир, ҳаё ва беркитишни яхши кўради”, дедилар.

Албатта, бу ҳадисдан кўзланган ҳикмат кўп. Ўз жуфти билан киши тўлалигича роҳатланиши жоиз, бироқ авратни бемалол очиш дуруст эмас. Сабабини навбатдаги ҳадис изоҳлайди:

عن ابن عمر : أن رسول الله صلى الله عليه و سلم قال إياكم والتعري فإن معكم من لايفارقكم إلا عند الغائط وحين يفضي الرجل إلى أهله فاستحيوهم وأكرموهم. (رواه الترمذي)

Имом Термизий ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Яланғоч бўлишдан сақланинг, чунки сизлардан ажралмайдиган (фаришта)лар бор. Қазои ҳожат ва киши аҳлига яқинлик қилаётган вақтдагина жоиз. Бас, улардан (фаришта) ҳаё қилинг ва уларни (фаришта)ҳурмат қилинг”, дедилар.

Бешинчи, қўшилишдан олдин куёв яхши сўзлар билан келиннинг кўнглини хушнуд қилади.

قال رسول الله صلى الله عليه و سلم: " لا يقعن أحدكم على امرأته كما تقع البهيمة ، وليكن بينهما رسول " قيل وما الرسول يا رسول الله ؟ قال " القبلة والكلام ". (رواه أبو منصور الديلمي في مسند الفردوس)

Абу Мансур Дайламий “Фирдавс” асарида ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Киши хотини билан ҳайвон каби қўшилмасин. Хотини ва ўзи ўртасига элчи юборсин.

– Элчи нима?

– Ўпич ва сўз.

Шунингдек, ҳадисларда эр ва аёл қўшилиш асносида лаззат ва енгил бўлиши учун хотин билан мувофиқ бўлиши лозимлиги баён қилинган.

Имом Ғаззолий бундай баён қилади:

“Эр эҳтиёжини қондиргач, аёлга ҳам нафсини қондиришга имкон берсин. Чунки аёлнинг инзол бўлиши кўпинча кеч бўлади. Унинг инзол бўлмаслиги эса азият. Эр хотинни инзол қилиши ҳар хил бўлиши, мувофиқ бўлмаслиги, яъни эр хотиндан олдин инзол қилиши ўртада нафратни келтириб чиқаради. Инзолнинг мувофиқ келиши эса аёлга ором бахш этади...”[4].

Олтинчи, қўшилишдан аввал эр ушбу дуони ўқийди:

عن ابن عباس رضي الله عنهما قال: قال النبي صلى الله عليه و سلم (لو أن أحدهم إذا أراد أن يأتي أهله قال باسم الله اللهم جنبنا الشيطان وجنب الشيطان ما رزقتنا فإنه إن يقدر بينهما ولد في ذلك لم يضره شيطان أبدا).

(رواه البخاري)

Имом Бухорий Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирортангиз ўз аёли билан қўшилса, «Бисмиллаҳи, Парвардигор, бизни шайтондан ва шайтонни бизга ризқ қилиб берганингдан четлатгин” деса, ўртада фарзанд бўлса, унга шайтон абадий зарар етказмайди», дедилар.

Еттинчи, эр аёли билан хоҳлаган шаклда жинсий яқинлик қилиши мумкин, фақат фаржга бўлиши шарт.

Аллоҳ таоло бундай дейди:

نِسَآؤُكُمْ حَرْثٌ لَّكُمْ فَأْتُواْ حَرْثَكُمْ أَنَّىٰ شِئْتُمْ

«Хотинларингиз сизлар учун зироатгоҳдир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган жиҳатингиздан келаверингиз ...» *(Бақара, 223).*

Оятда айтилган зироатгоҳ бу хотиннинг жинсий аъзоси. Эр хоҳлаган шаклда қўшилиши мумкин, фақат айнан зироатгоҳ қасд қилиниши шарт.

[4] “Иҳё улумид дин” китоби 2-жуз, 50-бет.

Саккизинчи, яқинлик қилишдан олдин таҳорат қилиш мустаҳаб. Уламоларимиз ушбу ҳадисни келтирганлар:

قال النبي صلى الله عليه و سلم: إذا أتى أحدُكم أهلَه ثم أراد أن يُعاود فليتوضأْ فإنه أنشطُ للعَودِ. (رواه ابن حبان والحاكم)

Имом Муслим ва Абу Довуд ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар биронтангиз ўз аҳлига яқинлик қилса, сўнг яна яқинлик қилишни хоҳласа, иккиси ўртасида таҳорат олсин. Чунки у қайтишга рағбатлантирувчидир”, дедилар.

Тўққизинчи, эр ва хотин қўшилгандан кейин ғусл қилишга шошиши афзал. Агар эринса, ухлашдан олдин таҳорат қилиш мустаҳаб.

Агар ухлаб ёки эринчоқлик қилиб, бирор намозини қазо қилиши хавфи бўлса, ғусл қилиб ётиш афзал. Мабодо уйқу ғолиб келган тақдирда ҳам, таҳорат қилиб ётиш зарур. Аммо шу алфозда ухлаб, ғусл қилгунича намоз вақти ўтиб кетса, гуноҳкор бўлади.

Ўнинчи, эр-хотин бир ерда ғусл қилиши жоиз.

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كُنْتُ أَغْتَسِلُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ –صلى الله عليه وسلم– مِنْ إِنَاءٍ وَاحِدٍ تَخْتَلِفُ أَيْدِينَا فِيهِ مِنَ الْجَنَابَةِ. (متفق عليه)

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилади: Ойша (розияллоҳу анҳо) айтади: “Жанобатдан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга бир идишдан ғусл қилардик. Идишда қўлларимиз бир бирига тегарди”.

Эр ва хотин қуйидагилардан огоҳ бўлиши лозим

1. Эр-хотин қўшилиши ҳақида бошқаларга сўзлаши ҳаром. Бунинг оқибатини ушбу ҳадисдан биламиз:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ –صلى الله عليه وسلم– « إِنَّ مِنْ أَشَرِّ النَّاسِ عِنْدَ اللَّهِ مَنْزِلَةً

يَوْمَ الْقِيَامَةِ الرَّجُلَ يُفْضِى إِلَى امْرَأَتِهِ وَتُفْضِى إِلَيْهِ ثُمَّ يَنْشُرُ سِرَّهَا ». (رواه مسلم وأبو داود)

Имом Муслим ва Абу Довуд ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қиёмат куни (Аллоҳ ҳузурида) макони энг ёмон киши шуки, у хотинига тегинади (қўшилишга ишора) ва аёли унга тегинади, сўнг сирни фош қилади (тарқатади)”, дедилар.

Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривоят қилади: Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биз билан намоз ўқидилар. Тугатгач: “Сизлардан бир киши эшикни беркитиб, парда осиб, аҳли билан яқинлик қилади. Сўнг “Мен аҳлим билан шундай қилдим, аҳлимни бундай қилдим”, дейдими?” деб сўрадилар. Кишилар жим қолди. Сўнг аёлларга юзланиб: “Сизлардан гапириб берадиган борми?” дедилар. Шунда бир қиз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни кўриши ва эшитиши учун бир тиззалаб ўтирди ва бошини кўтариб: “Ҳа, Аллоҳга қасам, мана шу эркаклар ва ушбу аёллар ҳам сўзлаб беришади”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бундайларнинг ўхшашини биласизми? Улар шайтон эр ва шайтон хотинга ўхшаш. Уларнинг бири соҳибини кўчада учратади ва ҳожатини чиқаради, инсонлар эса уларни томоша қилади”, дедилар».

2. Эр хотинининг орқа томонига яқинлик қилиши ҳаром.

عن ابن عباس قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : « لا ينظر الله إلى رجل أتى امرأة في دبرها ». (رواه النسائي وابن حبان)

Имом Насоий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Хотинининг орқа томонига яқинлик қилувчига Аллоҳ раҳмат назари билан боқмайди”, дедилар.

Бошқа бир ҳадисда эса бундай дейилади:

عن عقبة بن عامر الجهني قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : «لعن الله الذين يأتون النساء في محاشهن ». (رواه الطبراني)

Табароний ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аёлининг орқа томонига келувчи киши лаънатлангандир”, дедилар.

Яна бир ҳадисда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай ношаръий ишнинг оқибатини қуйидагича баён этганлар:

عن أبي هريرة عن النبي صلى الله عليه و سلم قال : من أتى حائضا أو امرأة في دبرها أو كاهنا فقد كفر بما أنزل على محمد صلى الله عليه و سلم.

(رواه الترمذي)

Термизий ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким ҳайз кўрган хотинига ёки хотинининг орқа томонига келса ёки фолбин сўзини тасдиқласа, Муҳаммадга (алайҳиссалом) нозил бўлган нарсага куфр келтирибди”, дедилар.

Батаҳқиқ, Аллоҳ таоло инсониятни хушсурат шаклда яратди, унга гўзал одобни буюрди. Жумладан, муқаддас динимиз таълимотларида ўз жуфти ҳалолига муомаласи ҳам бошқа мавжудотлардан фарқли бўлиши учун қонун-қоидалар баён қилинди. Аммо айрим кимсалар бор, сурати инсон, бироқ бу борада қилаётган ишлари ҳайвонларни ожиз қолдиради.

3. Эр хотини ҳайз ёки нифосда бўлганида яқинлик қилиши ҳаром. Аллоҳ таоло амр қилади:

فَٱعۡتَزِلُواْ ٱلنِّسَآءَ فِي ٱلۡمَحِيضِۖ

«...Бас, ҳайз пайтида хотинларингиздан четланингиз...» *(Бақара, 222).*

Юқорида ҳайз ҳақидаги ҳадис баён қилинди. Тиббиёт мутахассислари аниқлашича, ҳайз ва нифос пайтида

яқинлик қилиш кўп касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Қуйида ана шу касалликлар ҳақида қисқа баён қиламиз:

1. Аёлнинг баъзи аъзоларида оғриқ пайдо бўлади. Кўпинча бачадон шамоллашига, мояк ёки тос шамоллашига сабаб бўлади. Бунинг оқибатида одам соғлиғига зарар етади. Кўп ҳолларда моякнинг бузилиши ва бепуштликка олиб келади.

2. Эркакнинг жинсий аъзосида сўзакка ўхшаш йирингли касалликка олиб келади. Кўпинча эркакнинг тухумдонида оғриқ пайдо қилади ва эркак бепуштликка мубтало бўлади.

Демак, ҳайз пайтида яқинлик қилиш турли дардлар пайдо қилиб, эркак ва аёлни бепуштликка мубтало қилиши мумкин. Бундан-да катта зарар борми? Шунинг учун табиблар бу пайтда қўшилишдан қатъий қайтаради.

Аллоҳ таоло огоҳ этган:

وَيَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلْمَحِيضِ ۖ قُلْ هُوَ أَذًى فَٱعْتَزِلُوا۟ ٱلنِّسَآءَ فِى ٱلْمَحِيضِ ۖ

«Сиздан ҳайз ҳақида сўрамоқдалар. Айтинг: “У (эр ва хотин учун) **азиятдир. Бас, ҳайз пайтида хотинларингиздан четланингиз...»** *(Бақара, 222)*.

Ким бундай ишга мубтало бўлган бўлса, у гуноҳига самимий тавба қилиши ва Аллоҳга истиғфор айтиб, қилган ишига пушаймон бўлиши лозим.

Табиблар ва аҳли илмлар насиҳати:

1. Шаҳватни қондиришда мўътадил бўлиш. Мўътадил бўлишнинг чегараси ҳафтада икки марта. Уни эҳтиёжга қараб кўпайтириш ёки камайтириш мумкин. Лекин ҳаддан зиёд кўпайтириш танага зарар етказиб, ақлни сусайтиради ва зиммадаги масъулиятни бажаришдан тўсади.

2. Олдин кўнгилхушлик қилиб, сўнг шаҳватни қондириш.

3. Қўшилиш учун муносиб вақтни белгилаш. Чунки аёлнинг мижози нозик бўлади. Агар унинг мижозига тўғри

келмайдиган вақтда бўлса (касал вақтига ўхшаш), эрини ёқтирмаслиги ва нафратланишига сабаб бўлади.

4. Ҳар қандай ойда, кунда ва соатда қўшилиш жоиз. Фақат рўза тутганида (кундузи), аёл ҳайз ёки нифосдалигида мумкин эмас. Бу ишдаги суннат жума куни кечаси ва кундузидир.

Абу Довуд ва Имом Насоий ривоят қилади, "Жума куни ким ювинишга мажбур бўлса (хотини билан қўшилганидан сўнг), ювинса, сўнг намозга эрта борса ва имомга яқин ўтирса, унга қулоқ солиб, лағв қилмаса, унинг ҳар бир босган қадамига кечаси қоим, кундузи рўза тутган бир йиллик амал савоби берилади".

5. Хотин эр табиатини яхши билиши, эрини қандай зийнат қизиқтиришини, унга қандай меҳрибон бўлишни, қайси вақтда қўшилишни ёқтиришини билиши лозим. У хоҳламаган пайтда уни қизиқтириши ёки унинг рухсатисиз нафл рўза тутиши мумкин эмас. Аксинча, эри ҳоҳлаган вақтда қайтармаслиги керак.

عن أَبي هريرة – رضي الله عنه – ، قَالَ : قَالَ رَسُول الله – صلى الله عليه وسلم – : ((إِذَا دَعَا الرَّجُلُ امرأَتَهُ إِلَى فرَاشِهِ فَلَمْ تَأتِهِ ، فَبَاتَ غَضْبَانَ عَلَيْهَا ، لَعَنَتْهَا المَلائِكَةُ حَتَّى تُصْبحَ)) مُتَّفَقٌ عَلَيهِ.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) "Эр хотинини ётоққа чақирса, у келмаса, эри ундан ғазабланиб ухласа, фаришталар уни тонг отгунча лаънатлайди", дедилар.

وفي رواية: حتى يرضى عنها

Бошқа ривоятда: "Ҳатто эри ундан рози бўлгунича", дейилган.

Бошқа ҳадисда аёл эри рухсатисиз нафл рўза тутишидан қайтарилган:

عن أَبي هريرة – رضي الله عنه – أيضاً : أنَّ رَسُول الله – صلى الله عليه وسلم – ، قَالَ : ((لاَ يَحِلُّ لامْرَأَةٍ أنْ تَصُومَ وزَوْجُهَا شَاهِدٌ إلاَّ بِإذْنِه)).

(رواه البخاري)

Имом Бухорий ривоят қилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эри изн бермасдан аёлнинг (нафл) рўза тутиши ҳалол бўлмайди” , дедилар.

Нафсни сақлаш

Молу давлат дунё ҳаёти учун муҳим эканини ҳеч ким инкор қилмайди. Чунки моддий жиҳатдан имконияти кенг инсон муаммоларни осон ҳал этади.

Аллоҳ фазли билан давлатманд бўлганлар уйланиш ёшига етиб, бироқ маблағ топа олмай юрган ёшларга ёрдам кўрсатса, улкан ажру савобга эга бўлади. Шундай хайрли ишларни амалга оширса, молу дунёни устун ҳисобловчи эмас, аксинча, бойлигининг баракаси зиёда бўладиган саховатли ва мурувватли киши ҳисобланади. Қадимдан қаерда инсоният яшар экан, бойлар, ўртаҳоллар ва камбағаллар доим бор бўлган. Шу боис динимиз бойлар зиммасига етимлар, бевалар ва кам таъминланган оилаларнинг ҳақларини юклади. Улар ўзларининг закотлари, ушрлари ва садақа-эҳсонлари билан бундай инсонларга ёрдам бериши вожиб. Аммо бойларнинг саховат йўллари беркилиб қолса, қандай йўл тутиш лозим? Бунинг энг гўзал йўли Қуръони карим чорловига жавоб бериш. Бу чин мўмин киши иқтисоди танг бўлганида, нафсини ислоҳ қилиши ва сақлаши учун қўлланадиган ҳалол йўлдир.

Улуғ Раббимиз марҳамат қилади:

وَلْيَسْتَعْفِفِ ٱلَّذِينَ لَا يَجِدُونَ نِكَاحًا حَتَّىٰ يُغْنِيَهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ

«Никоҳ (учун лозим маблағ) **топа олмайдиган кишилар то Аллоҳ уларни ўз фазли билан бойитгун-**

ча ўзларини (ҳаромдан, зинокорликдан) **пок тутсинлар...»** *(Нур, 33)*.

Имони комил мусулмонлар шундай йўл тутадилар. Бу кишининг хулқини зийнат ва кўрк ила товлантирувчи шундай бир нурли йўл, исломий ахлоқларнинг асли бўлган сабрга ўргатувчи, бир оз машаққатли бўлса-да, аммо мўминлар учун тақвони кучайтирувчи, бир сўз билан айтсак, Парвардигор ризолигига элтувчи ажру савоб йўлидир.

Аллома Али Тантовий насиҳатлари

Ёшларга гўзал одоблардан жуда кўп мисоллар келтирган уламо Али Тантовийнинг ҳикматли сўзларини қуйида келтирамиз. Қалбга файз ва ором берувчи бу сўзлар ҳар бир мўмин кишини бефарқ қолдирмайди, чуқур ўйга толдиради, ҳидояга чорлайди, дилларга сурур ва қаноат бахш этади.

Уламо Али Тантовий ҳазратлари "Эй ўғлим" деб номланган рисолаларида бундай дейди:

"Эй ўғлим, менга нима учун иккиланиб ва уялиб ёзасан? Эй ўғлим, тинчлан, сен шикоят қилаётган дард ёлғиз сенда эмас, у барча йигитлар дарди. Ўн етти ёшингда бу дард сени уйқусизликка олиб келган бўлса, бошқаларни ҳам бедорликка олиб борган, уларнинг ҳам уйқу-оромини йўқ қилган. У кўп ўқувчини дарсдан, ишчини меҳнатдан, тожирни савдодан қайтарган.

Бундай йигит нима қилади? У шаҳват қийноғи, тана азоби ва қони қайнаганида қандай йўл тутади? Бу жуда қийин, албатта! Аллоҳнинг йўли унга уйлан, дейди. Бошқа фикрлар эса уни чалғитиб, уч йўлдан бирини танла, қолгани бекор, дейди.

Сен тўртинчиси ҳақида фикр қилишни ўзингга лозим тут. Фақат шу тўртинчиси яхши. У ҳам бўлса "уйланиш"дир.

Юқорида айтилган уч хато йўл қуйидагилар:

1. Шаҳват орзусига берилиш, уни ўйлашни одат қилиш, турли ҳаёсиз ҳикоялар, бузуқ филм ва суратларга қараб вақт ўтказиш. Ҳатто ўйлашнинг ўзи нафсни бузади, қулоқ ва кўзга таъсир қилади. Ҳар ерда фақат фитна ўйғотувчи сурат намоён бўлади, ҳатто, китобга қараганида ҳам шундай. Тўлин ой чиққанида ҳам, уфқ қизарганида ҳам, қоронғу кечада ҳам, орзуда ва тушда ҳам шу нарса кўринади. Гўёки ҳар йўлда Лайло мисоли кўринади. Сўнг бу ҳолат ёш йигитни мажнун сифат инсонга айлантиради.

2. Онанизм (капаки)ни қасд қилиш сабабли нафс ғамга, жисм эса касалликка мубтало бўлади. Бу иллат ёшни бечораҳол кексага, ғамгин кишига ва ёлғизликка дучор қилади. Одамлардан қочадиган бўлади. Уларга йўлиқишдан қўрқади. Ҳаётдан қўрқиб қолади ва ҳаёт масъулиятидан узоқлашади.

3. Ҳаром лаззат ва залолат йўлини тутиш. Ўткинчи лаззат йўлида дин, ёшлик ва сиҳатни сарфлаш. Агар шундай бўлса, инсон ҳаракат қилиб топган мақомини, шарафли вазифасини ва олган илмини зое қилади. Қуввати қолмайди. Киши мана шундан кейин бўлди, деб ўйлайди. Ҳар қачон унга етганида истак зиёда бўлаверади. Худди шўр сув ичувчи ичгани сайин чанқоғи зиёда бўлганидек. Уни йўқотганида яна бу аёлни ҳеч билмаган кишидек азобни ҳис қилади. Ана шундай ғарибликка маҳкум бўлади.

Бу қабиҳ йўлга имкон бераётган мол-дунёдир. Маълум муддат ўтиб, “роҳат” бераётган тана бўйсунадими? Ана ўшанда соғлиқ кучи шаҳват талабини кўтара оладими?

Қанча-қанчалар ажойиб қувватли, кучли кишилар курашда, тош отишда ва югуришда ғолиб эди. Улар шаҳватига эргашиб ўта нимжон, бўш, камбағал, бечора бўлиб қолишди.

Аллоҳнинг ажиб ҳикматига эргашганлар фазилатли амал эвазига соғлом ва қувватли бўлиб ажрга эга бўлади. Разолат ва гумроҳлик йўлини тутган эса таназзул ва касаллик азобига лойиқ бўлади.

Кўпинча ўттиз ёшдан ўтмаган ўз нафсига жабр қилганидан гўё олтмишга киргандек кўринади. Кўпгина кексалар иффатлилигидан худди ўттиз ёшли йигитдек кўринади. Шундай ҳикмат бор: “Ким ёшлигини сақласа, унга кексалиги сақланур”.

Бу дарднинг давоси нима? Бунинг давоси Аллоҳнинг йўлини тутиш. Албатта, Аллоҳ нимани ҳаром қилган бўлса, унинг ўрнига бошқасини ҳалол қилган. Рибони ҳаром қилди ва савдони ҳалол қилди. Зинони ҳаром қилди ва уйланишни ҳалол қилди. Бас, даво – уйланиш. Агар уйланишга қурби етмаса, ўзини пок тутишдир.

Бир мисол. Олов устида қайнаб турган чойнакни кўрганмисиз? Агар сиз уни маҳкам беркитсангиз ва олов ёқсангиз тўсилган буғ уни ёриб чиқади. Агар уни тешсангиз суви оқиб кетади ва чойнак куяди. Агар унга паравоз ричагига ўхшаш ричак қўйсангиз-чи, сизга моторни айлантиради ва поездни юргазади!

Шаҳват гирдобидан қутулиш чоралари:

Биринчи, шаҳватдан нафсини тийган киши унинг тубан оқибати ҳақида фикр қила бошлайди ва унга қарши қаттиқ курашади.

Иккинчи, залолат йўлига эргашган киши ўзининг ҳолати ҳаром лаззат ўчоғига тинмасдан тортаётганини пайқайди ва бунинг олдини олади.

Учинчи, олдин йўл қўйган хатоларидан батамом тийилган киши улардан ўзини узоқда сақлайди.

Руҳий, ақлий ва қалбий жидду жаҳд ила нафсдан бундай ғамни улоқтириш лозим. Ана шунда тўпланиб қолган шайтоний қувват тамом бўлади ва ғафлат босиб, қамалиб қолган нур яна зоҳир бўлади. Бу эса Аллоҳга илтижо қилиш, ибодатда қоим бўлиш, тавбада бардавом бўлиш ва ихлос билан бўлади. Шунинг баробарида тасаввурда пайдо бўладиган манзаралардан фориғ бўлиш ва шаҳват ўйғотувчи нарсалардан бутунлай воз кечиш шарт. Албатта, спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳам бундай ёмон одатларни эсдан чиқаришга катта ёрдам беради.

Эй ўғлим, инсон ўзини яхши кўради. Бирон кишини ўзидан афзал кўрмайди. У ойна олдида туриб, елкаси доирасимон бўлганини ва танаси қаттиқ, қўли бақувват бўлганини кўрса, бу унга ҳар қандай аёл зотидан севимли бўлади. Ҳақиқий имонли, мард йигит эса, қандайдир бир ҳаёсизни деб, бундай кўркам виқорни йўқотишга, қувватини бой беришга, мушаклари кучсиз ва қомати дол бўлишига зинҳор рози бўлмайди.

Энг маъқул йўл – уйланиш йўлини танлайди. Бу мукаммал даводир. Агар бунга қодир бўлмаса, рўза тутгани яхши.

Хуллас, тўғри йўл тутсанг, эй ўғлим, уйланиш лозим. Агар уйланишга қодир бўлмасанг, Аллоҳга тақво қилиш, ибодат ва билимга шўнғиш, барча фанлар ва спорт билан шуғулланишни маҳкам тутиш лозим. Чунки бу ишлар нафсни жиловлашда жуда яхши чорадир.

Эй йигит-қизлар, бу усуллар жинсий муаммоларни ечишдаги ҳалол йўллар. Сизларга бузуқликни зийнатлаб кўрсатаётганларни эшитишдан сақланинг. Улар ахлоқсизликни гўзал қилиб айтади. Бу мушкулларни енгиш гўдаклик ёки ёшлик вақтидан бошлаб, ички туйғу ва тарбияни яхшилаш билан бўлади.

Ғаламис кимсалар ўзларининг қабиҳ мақсадларини амалга оширишга уринади. Йигит-қизларни соғлом жамиятдан бузуқ майдонга ва ахлоқсизлик кўламига тортади. Нима учун, биласизми?! Маърифатли ёшларни уруш билан эмас, балки ушбу ялтироқ усул билан тўғри йўлдан буриб, уларнинг бошини эгиш ва бузуқликни жорий қилиш фитначи кимсаларнинг қинғир мақсадидир.

Бундай ёлғон, алдамчи чақириқлардан сабр қилиш ва қалбларни Аллоҳга боғлаш йўли билан сақланинг. Аллоҳ таолонинг бу улуғ амрига қулоқ тутинг:

وَلَا تَتَّبِعُوٓاْ أَهۡوَآءَ قَوۡمٖ قَدۡ ضَلُّواْ مِن قَبۡلُ وَأَضَلُّواْ كَثِيرٗا وَضَلُّواْ عَن سَوَآءِ ٱلسَّبِيلِ ٧٧

«...Олдиндан адашган ва кўпларни адаштирган ҳамда тўғри йўлдан чалғиганларнинг ҳавойи нафсларига эргашмангиз!» *(Моида, 77).*

Фарзандга жинсий тарбияни очиқ баён қилиш

Кўп ота-она ва мураббийлар тез-тез ушбу саволларни беради. Фарзандга беихтиёр таъсирини кўрсата бошлаётган балоғат ёши аломатларини қай тарзда тушунтириш лозим? Уларга жинсий аъзоларнинг вазифаларини, қиз болаларга ҳомиладорлик, бола парваришлаш ва оналик вазифаларини сўзлаш мумкинми? Ўспиринларга жинсий қўшилиш одоблари, уйланиш арафасидаги вазифалар, оталик масъулиятларини очиқ ва равшан айтиш жоизми? Хуллас, шу маънодаги саволлар талайгина.

Баъзан кўпчилик бундай саволларга жавоб беришда ожизлик қилади. Шу боис бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида бу ҳақда шариатимиз ҳукмларини баён қилишни лозим топдик. Яқин келажакда оила қуриб, ота ва онадек шарафли бурч соҳиб ва соҳибалари бўладиган ўғил-қизларга бу борадаги шаръий ҳукмларни очиқ айтиш нафақат жоиз, балки ҳар бир ота-она зиммасига вожиб бўлади. Фақат уларнинг ёшига катта эътибор қаратиш лозим.

Кўп оятлар ўз жуфти билан жинсий қўшилиш ҳалоллиги ва бошқа бегоналар билан эса тақиқланганини очиқ баён қилади:

وَٱلَّذِينَ هُمْ لِفُرُوجِهِمْ حَٰفِظُونَ ﴿٥﴾ إِلَّا عَلَىٰٓ أَزْوَٰجِهِمْ أَوْ مَا مَلَكَتْ
أَيْمَٰنُهُمْ فَإِنَّهُمْ غَيْرُ مَلُومِينَ ﴿٦﴾ فَمَنِ ٱبْتَغَىٰ وَرَآءَ ذَٰلِكَ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ
ٱلْعَادُونَ ﴿٧﴾

«Улар авратларини (ҳаромдан) **сақловчилар. Илло, ўз жуфти ҳалоллари ва қўл остидагилар** (чўрилар) **бундан мустаснодир. Бас, албатта, улар маломат қилинувчи эмаслар. Бас, кимки шундан ўзгани**

(ҳаром қилинган нарсаларни) **истаса, бас, ана ўшалар ҳаддан ошувчидирлар»** *(Мўъминун, 5–7).*

أُحِلَّ لَكُمْ لَيْلَةَ ٱلصِّيَامِ ٱلرَّفَثُ إِلَىٰ نِسَآئِكُمْ

«Сизларга рўза кечасида хотинларингиз билан қовушиш ҳалол қилинди...» *(Бақара, 187).*

وَيَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلْمَحِيضِ ۖ قُلْ هُوَ أَذًى فَٱعْتَزِلُوا۟ ٱلنِّسَآءَ فِى ٱلْمَحِيضِ ۖ وَلَا تَقْرَبُوهُنَّ حَتَّىٰ يَطْهُرْنَ ۖ فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ ٱللَّهُ

«Сиздан ҳайз тўғрисида сўрамоқдалар. Айтинг: “У (эр ва хотин учун) **азиятдир. Бас, ҳайз пайтида хотинларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича, уларга яқинлашмангиз! Покланганларидан кейин уларга Аллоҳ буюрган равишда келаверингиз** (қовушаверингиз)» *(Бақара, 222).*

نِسَآؤُكُمْ حَرْثٌ لَّكُمْ فَأْتُوا۟ حَرْثَكُمْ أَنَّىٰ شِئْتُمْ

«Хотинларингиз сизлар учун зироатгоҳдир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган жиҳатингиздан келаверингиз...» *(Бақара, 223).*

Қуйидаги оятлар инсон асли нимадан яратилгани, сўнг она қорнида қай ҳолатда бўлишидан хабар беради:

وَلَقَدْ خَلَقْنَا ٱلْإِنسَـٰنَ مِن سُلَـٰلَةٍ مِّن طِينٍ ﴿١٢﴾ ثُمَّ جَعَلْنَـٰهُ نُطْفَةً فِى قَرَارٍ مَّكِينٍ ﴿١٣﴾

«Қасамки, Биз инсонни (одамни) **лойнинг сарасидан яратдик. Сўнгра уни** (инсон наслини, аввало) **мустаҳкам қароргоҳ** (бачадон)**даги маний қилдик»** *(Мўъминун, 12–13).*

إِنَّا خَلَقْنَا ٱلْإِنسَـٰنَ مِن نُّطْفَةٍ أَمْشَاجٍ نَّبْتَلِيهِ فَجَعَلْنَـٰهُ سَمِيعًۢا بَصِيرًا ﴿٢﴾

«Дарҳақиқат, Биз инсонни имтиҳон қилиб, (оталик ва оналик сувларидан) **аралаш бир нутфадан яратдик. Бас, уни эшитувчи ва кўрувчи қилиб қўйдик»** *(Инсон, 2).*

Қуйидаги оятда эса ҳомиладорлик жараёни ўз-ўзидан эмас, балки машаққат эвазига бўлиши ва туғилажак болани эмизиш муддати очиқ баён қилинмоқда:

وَوَصَّيْنَا ٱلْإِنسَٰنَ بِوَٰلِدَيْهِ إِحْسَٰنًا ۖ حَمَلَتْهُ أُمُّهُۥ كُرْهًا وَوَضَعَتْهُ كُرْهًا ۖ وَحَمْلُهُۥ وَفِصَٰلُهُۥ ثَلَٰثُونَ شَهْرًا ۚ

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси уни (қорнида) **қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб туққандир. Унга ҳомиладорлик ва уни** (сутдан) **ажратиш** (муддати) **ўттиз ойдир...»** *(Аҳқоф,15).*

Қуйидаги оят зино зарарли, ҳалокатли эканини яна бир бор таъкидлаб келмоқда:

وَلَا تَقْرَبُوا۟ ٱلزِّنَىٰٓ ۖ إِنَّهُۥ كَانَ فَٰحِشَةً وَسَآءَ سَبِيلًا ﴿٣٢﴾

«Зинога яқинлашмангиз! Чунки у фаҳш ва ёмон йўлдир» *(Исро, 32).*

Навбатдаги оят аёллар қолиб, эркак киши эркаклар билан жинсий алоқа қилишидек тубанликни, ахлоқсизликни қоралаб келади:

وَلُوطًا إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِۦٓ أَتَأْتُونَ ٱلْفَٰحِشَةَ مَا سَبَقَكُم بِهَا مِنْ أَحَدٍ مِّنَ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٨٠﴾ إِنَّكُمْ لَتَأْتُونَ ٱلرِّجَالَ شَهْوَةً مِّن دُونِ ٱلنِّسَآءِ ۚ بَلْ أَنتُمْ قَوْمٌ مُّسْرِفُونَ ﴿٨١﴾

«Лутни ҳам (пайғамбар қилиб юбордик)**. Ўз қавмига айтди: "Шундай** (ёмон) **фаҳш ишни қиласизми? Сизлардан олдин бутун оламда ҳеч ким уни қилмаган эди. Сизлар хотинлар қолиб, шаҳват билан** (нафсни қондириш учун) **эркакларга "келасиз". Ҳа, сизлар исрофгар қавмдирсизлар»** *(Аъроф, 80–81).*

Аллоҳ таоло ушбу масалалар ва уларнинг ҳикматларини инсонга таълим бериш мақсадида очиқ ва равшан баён этмоқда. Демак, бу каби масалаларни балоғат

ёшига етган фарзандга динимиз таълим берганидек ўргатиб бориш зарур. Аммо фарзанд бундай оятларни ва уларнинг ҳукмларини қандай тушунади? Албатта, ота-она бу қоидаларнинг асл моҳиятини ва ундан кўзланган мақсадларни англатиши керак. Бунинг учун эса таълим берувчи муаллим ёки ота-она бундай тарбиявий ҳукм оятларни мукаммал ўрганиши зарур. Бу борада Қуръони карим илмидан хабардор бўлган олимларга мурожаат қилиши ва бу ҳақда ёзилган китобларни қунт ила ўқиб-ўрганиши шарт. Чунки ҳар бир мусулмон Аллоҳ таолонинг улуғ Каломини ўқиб-ўрганиб, тафаккур қилиши ҳақида Раббимиз бундай марҳамат қилади:

كِتَٰبٌ أَنزَلۡنَٰهُ إِلَيۡكَ مُبَٰرَكٞ لِّيَدَّبَّرُوٓاْ ءَايَٰتِهِۦ وَلِيَتَذَكَّرَ أُوْلُواْ ٱلۡأَلۡبَٰبِ ٢٩

«(Эй Муҳаммад! Ушбу Қуръон) **оятларини тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма олишлари учун Биз Сизга нозил қилган муборак Китобдир»** *(Сод, 29)*.

Бу оятлардан маълум бўладики, ҳар бир мусулмон Аллоҳнинг улуғ каломини нафақат ўқиши, балки илоҳий хукмларни чуқур уқиб, уларни ҳаётига татбиқ этиши шартдир.

Шундагина ёшларимиз ўзларини Аллоҳ таоло яратганини, У зот доимо кўриб, кузатиб туришини чуқур ҳис қилади. Оддий бир нутфадан поғонама-поғона ривожланиб, инсон шаклу шамойилига келганини билиб, имони янада зиёда бўлади. Ҳақиқий мусулмонга хос ҳаёт кечириб, ўз Раббиси ҳузуридаги ҳақларини, жамият ва атрофдаги инсонлар олдидаги бурчларини чин кўнгилдан адо қилади. Шунда ҳар бир йигит-қиз ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўғри маънода фойдаланиб, турли иллатларнинг олди олинади.

Шунинг баробарида ота-боболаримиз қўллаб келган, диний ва миллий қадриятлар уйғунлашган тарбия услубларини қўллаш қатъий талаб этилади. Натижада, фарзанд ҳалолликка бутун вужуди билан талпинадиган, ҳаром деб аталмиш жирканч уммонга қадам таш-

лаш тугул, ўгирилиб ҳам қарамайдиган гўзал маданият соҳибига айланади. Бу маданият шарму ҳаёдан узоқ бўлганларнинг “маданият”ларидан фарқли ўлароқ, инсонни том маънода камолотга етаклайди. Шу боис барча ёшу қари, аёлу эркак бу маданиятдан бирдек баҳраманд бўлиши бениҳоя зарурдир.

Хулоса қиладиган бўлсак, фарзандга жинсий тарбия масалаларини очиқ ўргатиб боришдан мурод, аввало уларни бу ёшларида нималар жоиз-у, нималар мумкин эмаслигидан хабардор этишдир. Шу билан бирга, ҳар бир йигит-қиз оила қуришдан асл мақсад нималиги, бунинг учун эса жинсий ҳаёт зарурлиги ва унинг ўзига яраша қоидаларини ҳам билиши лозим.

Аммо бу каби масалаларни сингдиришда, айтиб ўтилганидек, фарзандларнинг ёшларига катта эътибор бериш лозим. Дейлик, 9–12 ёш оралиғидаги болага бу тушунчалар сингдирилмайди. 14–16 ёш орасидаги ўспиринларга бу мавзудаги рухсат ва тақиқ, ҳалол ва ҳаром тушунчалари бериб борилса, 16–18 ёш оралиғидаги йигит, қизларга эр-хотинлик одобу қоидалари мукаммал тарзда етказилиши, тушунтирилиши жуда муҳим. Қиз болаларга, албатта, бу тарбияни оналари ёки бошқа қариндош аёллар етказишади.

МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Оила қўрғонининг пойдевори, унинг мустаҳкам қалъаси, эр-хотинни маҳкам боғловчи ришта никоҳдир. Никоҳ инсонлар жамиятида энг муқаддас битим ҳисобланади. Чунки ҳаётда ҳалол ва ҳаромни ажратиш, эр-хотиннинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя этиш, оила тузиш, инсон наслининг давомийлигини таъминлаш, ёш авлод тарбияси каби муҳим масалаларнинг бари шаръий никоҳга боғлиқдир. Шунинг учун динимиз никоҳ асосида оила қуришга алоҳида аҳамият беради. Аллоҳ таолонинг эр-хотин жуфтлигини яратишдан иродаси ҳам инсон наслини кўпайтириб, ер юзини обод қилиш эди:

«Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун ўғиллар ва набиралар пайдо қилди ва сизларни пок нарсалардан ризқлантиради...» *(Наҳл,72).*

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бир ҳадисларида: "Никоҳ менинг суннатимдир, ким суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмас" (яъни умматимдан эмас), деганлар. Демак, никоҳ асосида турмуш қуриш Аллоҳ таолонинг буйруғи, Пайғамбарнинг (алайҳиссалом) суннатлари экан, мусулмон киши никоҳ асосида оила қуриши, турли сабабларни рўкач қилиб, уни пайсалга солмаслиги лозим. Никоҳ туфайли инсон ўз насл-насабининг поклигини сақлайди, иффатини асрайди, бузуқлик, зино сингари ҳаром ишлардан тийилади.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)**:** "Эй ёшлар жамоаси, сизлардан ким никоҳга қодир бўлса, уйлансин, чунки бу кўзнинг тийилиши ва фаржнинг поклигидир. Ким бунга қодир бўлмаса, унда рўза тутсин, чунки бу билан шаҳват сўндирилади"**,** дедилар *(Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).*

Ислом таълимотига кўра, оила Яратганнинг розилигини топиш, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ахлоқлари, исломий одоб билан зийнатланиш мақсадида қурилади. Аллоҳ таоло шу боис эр ва хотиннинг оила қуриб, кўпайиши учун уларга тотувликда, аҳилликда бир-бирларига шафқат ва меҳрибонлик кўрсатиб умргузаронлик қилишни буюрган. Аллоҳ таоло айтади:

«Унинг аломатларидан (яна бири) **– сизлар** (нафсни қондириш жиҳатидан) **таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир»** *(Рум, 21).*

Муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан 2012 йил "Мустаҳкам оила йили" деб аталди. Ҳукуматимиз

жамиятимизнинг асосий бўғини – оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш, бу борада маҳалланинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялашдек муҳим масалаларга катта эътибор қаратмоқда.

Мамлакатимизда бу йил бежиз "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилингани йўқ. Чунки оила мустаҳкам бўлса, жамият тотув, аҳил ва барқарор бўлади, унга ҳеч нарса раҳна сололмайди. Агар оилалар жанжал-можаролардан бўшамай қолса, жамиятнинг ҳам тинчи бузилади, юртдан барака кўтарилади, фарзандлар тарбияси бузилади ва инсонлар ўртасидаги муносабатлар издан чиқади.

Кўпинча янги турмуш қураётган келин-куёвларни кўрган ёши улуғлар беихтиёр: "Илоҳо, янги турмуш қураётган келин-куёв бахтли бўлишсин, оиласида тотувлик, аҳиллик ошён қурсин", деб дуога қўл очишади. Афсус, келин-куёвларнинг ҳаммаси ҳам умрлари давомида оила номли ошёнларини авайлаб асрай олишмайди. Бўлар-бўлмас гап-сўзлар, арзимас баҳоналар билан ширин турмушларини оғуга айлантиришади. Бир-бирларини тушунмасликдан, муроса илмини билмасликдан бир оилада яшаётган икки киши душман-ғанимга айланади. Қанча оилалар бузилиб, кишилар азият чекади, болалар етим бўлади, асаблар қақшайди. Ажрашишмаган тақдирда ҳам, бутун умрлари ғурбат, ғам ва изтиробда ўтади.

Оиланинг тотувлиги бир кишига ёки бир сабабга боғлиқ эмас. Бунинг учун ҳамма – келин-куёв ҳам, ота-оналар ҳам, оила ташқарисидагилар ҳам, кенг жамоатчилик ҳам баравар жон койитмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Янги оила қурган куёвнинг ота-оналари биринчи кунларданоқ кўнгилчанлик қилиб келинни талтайтириб юбормай, турмуш синоатларига тайёрлаб борса, ҳаёт фақат ўйин-кулги ва кўнгилхушликлардан иборат эмаслигини унга тушунтира олса, хотиннинг энг асосий бурчи эрга итоат эканини етказа олса, орада

уруш-жанжаллар келиб чиқмайди, икки ёшнинг бахти завол топмайди.

Келин одобли бўлиб, эрининг яқинларини ҳурмат қилса, улар билан муроса қилиш йўлларини ахтарса, ёши улуғ қайнонасини эъзозлаб, хизматини аямаса, оила инқирозга учрамайди, ўртада болалар тирик етим бўлмайди.

Ёки оиладаги катталар, айниқса, қайноналар сал бағрикенгроқ, сабрлироқ, адолатлироқ бўлишса, қайноталар тажрибалари ва мавқеларидан келиб чиқиб, ёшларга насиҳат қилишса, оиланинг бошқа аъзолари келин-куёвнинг турмушига аралашишмаса, ишлар чаппасига кетмайди. Жиндай муросасизлик ҳам баъзан қимматга тушади. Шунинг учун ҳам динимиз ёшлар ўртасида аҳиллик йўқолса, уларни яраштиришга, бунинг учун ҳар икки томондан холис, адолатли ҳакамларни жалб қилишга буюради. Аллоҳ азза ва жалла айтади:

«Агар улар (эр-хотин)**нинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангиз, эр оиласидан бир ҳакам, хотин оиласидан бир ҳакам юборингиз. Агар** (эр-хотин) **ислоҳни хоҳласалар, Аллоҳ ўрталарини мувофиқлаштиргай. Албатта, Аллоҳ билимдон ва хабардор зотдир»** *(Нисо, 35)*.

Али ибн Абу Толибдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Одамларнинг аразлашганларини яраштириб қўйиш бир нафл намоз ўқишдан ва нафл рўза тутишдан кўра савобироқдир”, деганлар” *(Имом Табароний ривояти)*.

Кўпинча оилада ота-она ва фарзандлар, оиланинг бошқа аъзолари орасида ҳам турли келишмовчилик, бир-бирини тушунмаслик каби ҳолатлар учраб туради. Арзимаган сабаб-баҳоналар билан тинч хонадонлар урушжанжаллар, жанг ва можаролар масканига айланади. Бир-бирига яқин, қадрдон, қариндош одамлар ўртасида меҳр-оқибат кўтарилади. Муносабатлар бузилиб, ахлоқ-одоб қоидалари поймол қилинади, жамият осойишталигига путур етади.

Халқимиз: “Оила қуриш игна билан қаср барпо қилишга тенг”, дейди. Дарҳақиқат, оиланинг, турмушнинг, рўзғорнинг минг бир машаққати, синови бор. Кўпинча оилавий муносабатлар ҳақида сўз борар экан, уни бузилишга олиб борувчи омил ва сабабларни ҳар ким ўзича ҳар хил шарҳлайди. Кимдир оиладан тинчлик ва хотиржамликнинг кетишида бутун айбни эрнинг лапашанглигига, хотинига сўзини ўтказолмаётганига тўнкайди. Кимдир хотиннинг ўткирлиги, маккорлиги, итоатсизлигини ҳамма ихтилоф ва келишмовчиликлар сабабчиси деб ҳисоблайди. Бошқалар оилавий келишмовчиликлар кўпроқ золим қайноналарнинг ёвузлиги ёки гапуқмас келинларнинг қайсарлиги боис содир бўлади, деб ҳисоблашади. Айримлар асосий жанжал моддий етишмовчиликлардан, қўл калталигидан келиб чиқади, деб ўйлайди. Кимлардир бола тарбиясига эътиборсизлик қилгани туфайли у улғайганида энди бунинг азобини тортаётганидан зорланади. Аслида, бунга ким ёки нима айбдор?

Шайх Муҳаммад Абу Заҳра оилани уч қисмга бўлади: биринчи қисм – эр-хотин, иккинчи қисм – фарзандлар, учинчиси эса – яқин қариндошлар (яъни, ота-она, ака-ука, опа-сингил ва бошқалар)дир. Ана шу уч қисм аҳил-тотув бўлгандагина оила тинч-осойишта ва файзли бўлади, акс ҳолда уруш-жанжалдан боши чиқмайди. Атоқли мутафаккир олима Олиматул Банот: “Оилавий масалаларда эр билан хотин ўртасида тотувлик ва маслаҳатлашиб иш тутиш бўлмаса, бундай оила азоб ва машаққат масканига айланади”, дейди.

Энг алам қиладиган жойи, ҳозир оилавий уруш-жанжаллар, қўйди-чиқдиларга сабаб бўлаётган нарсалар жуда арзимасдир. Бирида овқатнинг шўрлигидан, бошқасида келиннинг қайнонага салом бермаганидан, яна бирида ҳайит йўқловида тоғоранинг битта кам қилинганидан, бошқасида куёвнинг ишдан кеч келишидан бошланган беҳуда гаплар бора-бора оиланинг бузилишига сабаб бўлади. Одамлар оила тақдирига, икки ёш-

нинг бахтига шунчалар бепарво ва енгил қарайдиган бўлиб кетишганми?

Кейинги пайтда янги турмуш қурганлар ўртасида бўлар-бўлмас, майда нарсалар сабабидан хотинини талоқ қилиш ёки келинларнинг эрларидан талоғини сўраши каби кўнгилсиз ҳолатлар кўпайиб боряпти. Наҳотки, талоқ ниҳоятда жиддий нарса эканини, бу сўздан Аллоҳнинг Арши ларзага келишини тушунишмаса? Савбондан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Қайси бир аёл эридан сабабсиз талоқ сўраса, жаннат ҳиди унга ҳаромдир", деганлар *(Имом Аҳмад ривояти)*.

Кўпинча икки ёш бахтига уларнинг ота-оналари ҳам зомин бўлиб қолишади. Келин-куёв турмушига ҳар бир майда-чуйда хусусида аралашавериш, келиннинг қилиқларидан, ишларидан хато топавериш ёки куёвнинг қандай рўзғор тутишида ақл ўргатиш, умуман, ёшларни бўлар-бўлмасга тергайвериш ҳам улар ўртасига совуқчилик тушишига сабаб бўлади.

Инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири унинг кечира олиш хислатидир. Кечириш динимизда мақталган сифатлардан ҳисобланади. Бир қарашда оний ютқазишдай кўринган кечира олиш катта можароларнинг олдини олади, келгусидаги ғалабани таъминлайди. "Эр хотиннинг уриши – дока рўмолнинг қуриши" деганларидай, икки ошуфта қалбнинг арази узоққа бормаслиги кундай равшан нарса. Сал ихтилоф чиқдими, бир томон дарров муроса-келишув йўлини танлаб, зиддиятни даф қилиш чорасини кўриши керак. Шундай ҳолатларда бир томоннинг андишага риоя қилиши, ақл-идрок билан иш тутиши шайтоннинг бўйнини синдириб, жиндай муросага юриши катта можароларнинг олдини олибгина қолмай, оилада чинакам саодат гулшанини барқ урдириб, яшнатиб юборади.

Ривоят қилишларича, бир киши хотинининг муросасизлигидан, итоатсизлигидан тўйиб кетиб, ҳазрат

Умарга шикоят қилиш учун у кишининг уйига борибди. Эшикка яқинлашса, ичкаридан аёл кишининг қаттиқ-қаттиқ гапираётгани эшитилибди. Шунда бояги киши: «Халифанинг уйида ҳам бу можаро бор экан, яхшиси, индамай кетақолай», деб ортига қайтмоқчи бўлибди. Шу пайт ичкаридан ҳазрат Умар чиқиб қолибдилар. Юмуш билан келган одамнинг изига қайтиб кетаётгани сабабини сўрабдилар. Арзга келган одам: "Хотинимнинг зулмидан шикоят қилиб келувдим, қарасам, бу машмаша сизнинг ҳам бошингизда бор экан, шунга қайтиб кетмоқчи бўлиб турувдим", деб жавоб қилибди. Шунда ҳазрат Умар: "Қизиқ одам экансан-ку, ахир аёллар овқатимизни пиширса, кир-чирларни ювса, болаларимизни тарбия қилса, бутун рўзғор ишларини зиммасига олган бўлса-ю, онда-сондаги норозиликларига сабр қилмасак, инсофдан бўлармикин", деган эканлар».

Энди масаланинг бошқа томонига эътиборни қаратайлик. Қиз эри устидан ота-онасига шикоят қилиб келди, дейлик. Ота-она кўпни кўрган, мулоҳазали, ақлли бўлса-ку, яхши. «Қизим, оилада нималар бўлмайди, агар эринг билан бир умр бирга бўлишни истасанг, унинг танбеҳларига рози бўл, сабр қил, ҳаммаси яхши бўлиб кетади», деб панд-насиҳатлар билан изига қайтариб юборишади. Аксари ҳолларда эса, ота ёки она қизининг топиб келган гапини рўкач қилиб, куёвни «тартибга чақиришга», «тавбасига бир таянтириб қўйишга» киришади, ҳатто у билан ёқалашишгача боради. Айниқса, бу ҳол қиз томон бойлик, мартаба ва насабда бир поғона баландроқ оилаларда кўп учрайди. Оқибатда куёв билан қайнота-қайнона ўртасида, қудалар ўртасида «парда кўтарилади». Хўрланган, иззати топталган йигитнинг кўзига ҳеч нарса, ҳатто севиб уйланган аёли, ширин-дан-шакар фарзандлари ҳам кўринмай қолади. Уйига гап ташиб, «деди-деди»лари билан оиласи бахтини поймол қилган хотинидан воз кечишга мажбур бўлади. Хотинининг жиндай фаросатсизлиги туфайли ширин

турмушга хотима қўйилади. Асмо бинти Язид ансориядан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Тенгдош қизлар билан ўтирган эдим, олдимиздан Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўтдилар. У зот салом бердилар ва: "Валинеъматларингизга ношукрликдан эҳтиёт бўлинглар", дедилар. Мен дугоналарим ичида савол беришга журъатлироғи эдим ва: "Эй Аллоҳнинг Расули, валинеъматларга ношукрлик нима?" деб сўрадим. "Бирингиз ота-она бағрида узоқ вақт эрсиз ўтиради. Сўнг Аллоҳ унга эр неъматини ато қилади, фарзанд беради. (Аммо аёл) жаҳл устида "Сендан ҳеч яхшилик кўрмадим», деб куфрони неъмат қилиб қўяди", дедилар» *(Имом Бухорий ривояти, "Ал-Адаб ал-муфрад").*

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва салам): «Аёлларнинг яхшиси – назар солсанг, хурсанд қиладиган, амр қилсанг, итоатда бўладиган, йўқлигингда ўз номусини ва сенинг молингни муҳофаза қиладиганидир», деганлар *(Имом Табарий ва Ибн Абу Ҳотим ривоятлари).*

Динимиз талабига кўра, эр оиланинг раҳбари, унинг ҳамма томонига масъул ҳисобланади. Аммо бу айримлар ўйлаганидек, «деганим деган» қабилида иш тутиш, оиланинг бошқа азоларига зулм ўтказиш ҳуқуқи берилгани эмас. Аксинча, эр хотинининг ҳақларини тўла адо этади, ота-онани ўзи ва хотини томонидан ҳурмат-эҳтиром қилинишини таъминлайди, рўзғор таъминоти билан шуғулланади, оиласини ҳалол ризқ билан боқади. Бу дегани – ўзи еганини оиласига едиради, ўзи кийганини кийдиради, рўзғорнинг керакли жиҳозларини харид қилади. Хотинига яхши муомалада бўлади. Унинг белгилаб қўйилган ҳақларини тўла адо этади. Агар аёл қайсарроқ бўлса, уни панд-насиҳат, танбеҳ билан аста-секин йўлга солади.

Эрларнинг яна бир вазифаси – хотинлари хато ёки камчиликка йўл қўйса, кечиримли бўлиш, қусурини тузатиш, айбини беркитиш, хотини ва оиланинг бошқа

аъзолари ўртасида ихтилоф чиқса, буни ислоҳ қилиш ва муросага келтиришдир.

«Келин олиш осон, қайнона бўлиш қийин», дейишган момоларимиз. Келин келиши билан қайнона ҳамма юмуш-ташвишлардан фориғ бўлиб, роҳат-фароғатга ўтиб қолмайди. Аксинча, унинг зиммасига ўзга хонадон фарзанди ўз оиласида палак отиши, не машаққат билан тикланган оиланинг камолга етиши, ўғли ва келини тотув турмуш кечириши йўлида катта масъулият юкланади. Ахир "Катталар ёшлар учун бир кўприк", деб бежиз айтишмаган. Келинни бир ердан бошқа бир ерга кўчириб ўтқазилган ниҳолга ўхшатишлари ҳам бежиз эмас, унга алоҳида меҳр-муҳаббат, алоҳида парвариш керак.

Ўзбек хонадонларида, яхши тарбия кўрган оилаларда қадим-қадимдан қизларни борадиган еридаги иссиқ-совуққа, аччиқ-тизиққа кўникишга ўргатадилар. "Энди уйинг ўша ер, у жойдан гап ташиб келма, қайнонанг билан муроса қил, сен яхши бўлсанг, хизматингни аямасанг, улар ҳам бошига кўтариб юради", қабилида насиҳатлар қилинган. Бундай тарбия олмаган қизлар эса баъзан ўз бахтларига ўзлари зомин бўлишади.

Донишмандлар бундай дейишади: "Эр билан хотин оиланинг икки хожаси, хонадоннинг зийнатидир. Эр ва хотиннинг биргаликдаги вазифалари бир-бирларига садоқат, ишонч, эҳтиром, муҳаббат, хотир сақлаш ва ёрдам қилмоқдир. Садоқат уйланишнинг руҳидир. Ноўрин ҳаракатлар, ғавғо-жанжаллар уйланиш руҳини бузиб, оила саодатини барбод этади. Турмуш ва уй-рўзғорга тегишли ишларни эр-хотин бир-бирларидан яширмасликлари керак. Эр баъзида хотинининг ноўрин ишини билса, унга мулойимлик билан насиҳат қилиши, бу ишининг хато ёки гуноҳ эканини тушунтириши зарур. Хотин ҳам эрининг эҳтиёжини, саъйи ва касбида ялқовлигини сезса, уни тўғри йўлга солиб кўнглини кўтарсин, тасалли берсин, ғайрат бағишласин. Икки томон ҳар қандай ҳолатда ҳам бир-бирларини ташламасликка аҳд-паймон

қилишлари талаб этилади. Масалан, улардан бири касал бўлса, иккинчисининг илтифотсиз қараб, уни ўз ҳолига ташлаб қўйиши кечирилмас ҳолдир".

Оилавий турмуш бежиз "умр савдоси" дейилмаган. Бу савдо сотувчи ва олувчининг розилиги асосига қурилсагина, ғирромлик ва алдов аралашмай ҳалол бўлсагина, иккала тарафга баравар фойда келтиради. Ё сотувчи фақат ўз фойдасини кўзлаб, харидор ҳақида ўйламаса ёки аксинча бўлса, бу савдонинг умри қисқа бўлади. Оила ҳаётида ҳам эр-хотин "ҳалол савдо" қилишсагина турмушлари файзли, ҳаётлари фароғатли кечади.

Айниқса, ҳозирги пайтда молпарастлик, бойликка ружу қўйиш, кимўзарга дунёсини кўз-кўз қилиш халқимизга қимматга тушяпти. Қанча оилалар арзимас матоҳлар деб бошланган жанжаллардан пароканда бўляпти. Наҳот, кулфатларга сабаб бўлувчи молпарастлик балосидан қутулиш, ҳар ишда қаноатли, камтар бўлиш шунчалик мушкул иш бўлса?!

Оила ҳаёти ҳеч қачон сидирғасига фақат шоду хуррамлик, бахт-саодатдан иборат бўлмайди. Турмушда ихтилоф ва ташвишлар, қийинчилик ва етишмовчиликлар, мусибат ва ғам-андуҳлар керагича учрайди. Эр-хотин биргалашиб, қарши курашсагина уларни енгиш осон кечади, оила хотиржамлиги барқарор бўлади. Агар бундай қийин пайтларда муроса бузилса, ўзаро самимият чекинса, бирининг ташвишига иккинчиси томошабин бўлиб турса, бу оилада тотувлик ошён қуриши амримаҳол. Аллоҳ таоло барчамизни оила тотувлиги ҳақида жон куйдирадиган, бир-биримизга меҳр-мурувватли солиҳ бандаларидан этиб, икки дунё саодатига мушарраф айласин. Оилаларимизда тинчлик-хотиржамлик, ўзаро аҳиллик, муроса ва садоқат барқарор бўлишини насиб этсин.

Ёмон хулқдан сақланиш

Фарзанд тарбиясига катта эътибор қаратиш энг муҳим вазифадир. Зеро, ёшликда ўрганган одоб билан бола ўсиб-улғаяди. Ёш болаларда учрайдиган тажанглик, урушқоқлик, шошқалоқлик, пала-партишлик, қўрслик каби салбий одатлар ўз вақтида тўхтатиб қолинмаса, катта бўлганида буларни ташлаши қийин кечади. Бундай ёмон сифатлар унда мустаҳкам ўрнашиб, бузуқ ахлоқларга айланади. Натижада инсон қанчалик ҳушёр бўлишга уринмасин, кун келиб, унинг бу яширин одатлари юзага чиқади. Шу туфайли баъзи кишиларни бу каби хунук ҳолатларда учратиб қоламиз. Бу ҳолат уларнинг нотўғри тарбия олгани оқибатидандир. Шунингдек, болани беҳуда ишлар ва кераксиз гап-сўзлардан узоқ қилиш керак. Албатта, булар ҳеч қачон боланинг одобига ижобий таъсир ўтказмаган.

Болани ёлғончи бўлишдан сақлаш керак. Агар ота-она болага ёлғон ва хиёнат йўлини қулайлаштирса, унинг дунё ва охират саодатига хавф солган, ҳамма яхшиликдан маҳрум этган бўлади.

Болани ялқов, бекорчи, эринчоқ ва доимо роҳатда бўлишга ташлаб қўймасдан, унга фақат етарлича куч тўплаб оладиган даражада ором берилади. Зеро, дангасалик ва бекорчиликнинг оқибати пушаймонликдир. Меҳнатдан толиқишнинг дунё ва охиратда мақтовли натижаси бор. Буюк муфассир Яҳё ибн Абу Касир ҳам: “Илмга жисмнинг роҳати билан эришилмайди”, деб бежиз айтмаган.

Фарзандни илм ва ибодатга рағбатли қилиб тарбиялаш керак. Ана шунда бола катта бўлганда вақтининг кўп қисмини илм олиш, касб-ҳунар ўрганиш ҳамда ибодат билан машғул бўлишга ажратади. Албатта, ёшлигидан буларнинг барчасига одатланган бола катта бўлганида ҳаётда қийналмайди.

Шунингдек, болани ортиқча овқатланиш, гапириш ва кўп ухлашдан йироқ қилиш керак. Зеро, зиён мана

шу нарсаларнинг керагидан ортиғидадир. Уни қорни ва фаржига тааллуқли шаҳватларнинг зарарларидан узоқлаштириш, улар ортидан келиб чиқадиган зарарларнинг оқибатини яхшилаб тушунтириб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўп кишилар фарзандларини ўз ҳолларига ташлаб қўядилар, одоб-тарбия бермайдилар, уларнинг хоҳиш-истакларини амалга оширига ҳаракат қиладилар. Бу ёрдамлари билан баъзида боланинг бахтига зомин бўладилар. Ҳолбуки, улар болани эъзозлаяпмиз, деб, аслида эса келажакда хор бўлишига сабабчи бўладилар, унга раҳм-шафқат қиляпмиз, деб, аслида унга зулм қилган ҳамда яхшиликдан маҳрум этган бўладилар. Шунингдек, оғзи шалоқ, хулқи бузуқ кимса билан суҳбатлашишдан ҳам болани эҳтиёт қилиш керак.

Отанинг болаларига лоқайд бўлиши охири ҳунук оқибатларга сабаб бўлади. Лоқайдлик ёмон иллат бўлиб, у бола тарбиясининг бузилишига катта йўл очади. Ота сусткашлик қилиб, бурчини адо этмагани ва манфаатли илм ҳамда солиҳ амалдан ўргатмагани оқибатида ўз фарзандидан манфаат топа олмайди. Фарзанд ҳам отасининг яхшилигидан ва манфаатидан маҳрум бўлиб ўсади. Хусусан, агар фарзанд ўғил бўлса, унга ипакдан тайёрлаган кийим кийгазиш мумкин эмас. Бу унинг жисми ҳамда тарбиясига салбий таъсир этиб, уни аёлтабиат қилиб қўяди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ипак ва тилла умматимнинг эркакларига ҳаром қилинди, аёлларига ҳалол қилинди”, дея марҳамат қилганлар *(Имом Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ривоятлари)*. Гўдак мукаллаф бўлмаса-да, ота-она мукаллафдир. Уларнинг болани ҳаром йўлга кириб кетиши учун имконият яратиб беришлари ножоиз, албатта. Негаки, бола нимага одатланса, ундан ажралиши оғир бўлади.

Боланинг қобилияти ва қизиқишига қараб иш тутиш, уни қайси ишга қобилияти бор, қандай ишларни уддалай олишини назарда тутиш зарур. Ота-она фарзандла-

рини фаҳм-фаросатли, хотираси кучли, тезда илғаб оладиган ва билимга рағбатли деб билишса, бу унинг илмни қабул қилишга тайёр экани аломатидир. Модомики, қалб лавҳаси бўм-бўш экан, унга илмни нақш қилишсин ва бу билан илм унинг қалбига муҳрланиб, ривожланиб борсин. Агар болада баҳодирлик ва шунга ўхшаш спорт турларига қобилияти сезилса, уни ўзи ёқтирган спорт тури билан мунтазам шуғиллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мустаҳкам оила – юрт таянчи

Оила қуриш жаноб Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатлари бўлиб, ҳадиси шарифда: “Никоҳ менинг суннатимдир. Кимда ким менинг суннатимдан воз кечса, у меннинг (умматим)дан эмас”, дея марҳамат қилганлар. Ушбу ҳақиқатни эътироф этган ҳолда турмуш қуриш, оила тебратиш ва фарзанд тарбияси каби муҳим ишларда диний ва миллий анъаналаримизга риоя қилиш билан бирга, мамлакатимизда амалда бўлган қонун-қоидаларга ҳам амал қилишимиз зарурдир.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг “Шаръий никоҳдан ўтиш одоблари” ҳақидаги фатвосида никоҳдан ўтиш маросими бизнинг диёримизда қадимдан миллий ва диний удумлар асосида амалга ошириб келингани, шаръий никоҳдан ўтишда Ислом динимизда келин-куёвлардан талаб қилинадиган бир қанча шарт ва одоблар борлиги, уни барча яхши билиб олиши ва амал қилиши зарурлиги уқтирилган. Фатвода бундай дейилади: “Шаръий никоҳ шартларига давлатимизнинг никоҳ ва оила тўғрисида қабул қилган қарор ва қонунлари ҳам қўшилди. Масалан, келин-куёв шаръий никоҳдан олдин никоҳни қайд қилувчи давлат идоралари рўйхатидан ўтиб, расмий гувоҳнома олган бўлиши лозим. Расмий никоҳдан ўтмаган ёш оилалар ажрашадиган бўлса, она тирик етим боласи билан кўчада қолиши мумкин”.

Шундан ҳам кўриниб турибди, оила мустаҳкам бўлишини ўйлаб, уни давлат қонунлари билан муҳофазаланган ҳолда қуриш, никоҳ ўқитиш чоғи юқоридаги фатвога амал қилиш билан кўнгилсиз воқеаларнинг олди олинади.

Ота-оналар фарзандини ёш, одоб-ахлоқ жиҳатидан оила қуришга тайёр эканига қаноат ҳосил қилишлари, сўнг никоҳдан ўтказишлари шарт.

Умр савдоси бўлган никоҳ масаласи доимо кенг мушоҳада ҳамда кенгаш билан амалга оширилгани маъқул. Шу ўринда Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларини эсга олиш лозим: “Қизларни турмушга чиқариш тўғрисида оналари билан маслаҳатлашинглар”.

Агар бўлажак келин балоғат ёшига етган бўлса-ю, эр, оила масъулияти ва жамият олдидаги бурчини англаш, бажариш даражасида бўлмаса, у оиласида ҳам, жамиятда ҳам ўрнини тополмайди.

Таълим ва тарбия соҳасида қабул қилинган қонунларга риоя қилиш ҳар бир кишининг муҳим бурчи ҳисобланади. Ўрта мактабни тамомлаш, коллеж ёки лицейда ўқиб бирон-бир касб-ҳунарни эгаллаш, ҳаёт деб аталмиш кенг қамровли майдонга тушиш олдидан турмуш ва оила кўникмаларини тасаввур қилиш учун бир муддат вақт керак бўлади, албатта.

Президентимизнинг қуйидаги пурҳикмат сўзларига эътибор қилинг: “Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилиб, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади. Оилада демократик негизларга асос солинади ҳамда одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланиб боради…”

Мана шу талабларга жавоб берадиган ёшлар кўплаб топилади. Лекин ҳали вояга етмасдан туриб, никоҳ аталмиш муқаддас битимга кириб улгурган ёшларнинг ахлоқ-одоблари жамият талабларига жавоб берадиган даражада шаклланганми? Турмушнинг мураккаб, чигал манзилларидан тўғри йўлни топа оладиларми?

Қизларнинг жуда ёш турмушга чиқишлари ҳақида ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан Ибн Шубурма ва Баттийлар мутлақо салбий фикр билдиришган. Ислом шариатида хотин-қизларни ҳам илм-маърифатли, ҳаётида зарур бўладиган маълумотларга эга бўлишларига ундовчи ҳадислар кўп. Хусусан, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Илм талаб қилиш барча мусулмон эркак ва аёлга фарз", дея марҳамат қилганлар.

Бу ерда бир нарсага аҳамият қаратайлик, қизларнинг балоғат ёши билан турмуш қуриш ёши бошқа-бошқа нарса экани ҳаётда исботини топмоқда. Балоғат ёши – бу камолот ёши эмас. Бунинг устига ҳозирги давр талаби ҳам бутунлай ўзгача. Ёшлар мажбурий ўрта таълим босқичларини босиб ўтишлари шарт. Бу эса ўрта умумтаълим мактабида тўққиз йил, сўнг кейинги уч йил давомида коллеж ёки лицей таълими зарурийдир. Зеро, динимиз таълимотларига кўра, илм олиш, маърифатли бўлиш, ҳаёт учун зарур кўникмаларни ўрганиш ҳар бир аёлга фарздир. Булардан олдин турмушга чиққан қизнинг ўқишлари сустлашгани, оила юмушларида қийналгани, уй бекаси эпсизлиги туфайли бўлажак фарзандларнинг тарбияси ишончсиз қўлларда қолганининг гувоҳи бўлинади. Илмли, касб-ҳунарли аёлгина яхши инсон тарбиялай олади.

Вояга етмасдан эрта турмуш қурганларнинг аксарияти ё ота-онасининг қарамоғида яшайди ёки турмуши дарз кетган бўлади. Бу ҳолларда ёш қизларнинг турмушдан кейинги ҳаёти ёш турмуш қурган болаларга нисбатан оғирроқ кечади. Эрта ҳомиладорлик, нимжон бола туғилиши, рўзғор юмушларидаги уқувсизлик боис эшитадиган таъна-дашномлар охир-оқибатда унинг тинкасини қуритади. Мусулмонлар бу ҳақиқатни эътироф этиб, салбий, аянчли ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида турмуш қуриш, оила тебратиш ва фарзанд тарбияси каби муҳим ишларда диний ва миллий анъаналарга риоя қилиш билан бир қаторда, оила ва никоҳ ҳақидаги давлатимиз қонун-қоидаларига ҳам қатъиян амал қилишлари зарурдир.

Афсус ила эслатиб ўтамиз, ҳозирги кунда баъзи чала-савод кишилар ўзбошимчалик билан юқорида айтилган никоҳ шартларини сўраб-суриштирмай, ёшларга никоҳ ўқишмоқда. Натижада, ёш оилалар ажрашиб, ўртада гўдаклар тирик етим, она эса оғир вазиятда қолмоқда. Бу каби ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказиляпти.

Булар зарурий кўрсатмалардан бўлиб, уларга амал қилиш ҳар бир мусулмон учун ҳам дунёвий, ҳам ухровий жиҳатдан фойдалидир. Ҳар бир оилага ғамхўрлик қилиш, унга ҳар томонлама моддий-маънавий ёрдам бериш инсонпарвар, адолатли давлатнинг муҳим вазифаларидандир.

ХОТИМА

Азиз ота-оналар! Зиммангизда нақадар оғир масъулият турганини ҳис қиляпсизми? Бу ишда йўл қўйилган биргина хато қанчалар ёмон оқибатларга олиб келишини унутманг. Тарбиянинг яхши-ёмонлиги, назоратингиз қатъий ёки сустлиги, фарзандингизнинг имони, ақли, илмий салоҳияти, хулқ савияси жамиятдаги ўрнига нечоғли ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишини англадингизми? Шу чоққача бу йўлда бажарган ишларингизнинг салмоғини бошдан дўппини олиб қўйиб, мулоҳаза қилиб кўрдингизми? Ҳақиқий ота-она бўла олиш вазифасини қай даражада бажараётганингиз ҳақида ўзингизга савол бериб, қониқиш ҳосил қилдингизми ёки йўқми?

Агар бу саволларга қониқарли жавобингиз бўлмаса, демак, сиз ўз масъулиятингизга етарли ёндаша олмаяпсиз. Изланишда, топишда давом этинг. Агар муаммолар чангалига тушмасдан, саволларга ижобий жавоб топган бўлсангиз, демак, тўғри йўлдасиз ва бу йўлда янада мустаҳкам бўлинг!

Бу ўта мураккаб вазифани уддалаб, ёқимли ва тотли ҳиссини туйиб, ҳузурини кўраётган бахтли ота-оналар бунга қандай эришди экан? Бу қадар залворли ишни эплаган муҳтарам ота-оналар бу жараёнда асосий эътиборларини нималарга қаратдилар?

Бу сингари саволлар, олдиларида фарзанд тарбиясидек нозик, жиддий, масъулияти, улкан вазифа турган ҳар бир ота-онани ўйга толдириши табиий, албатта. Қуйидаги икки нарсага эътибор қаратилса, бу машаққатли йўлни босиб ўтиш енгилроқ кечади:

1. Аввало, ҳар бир ота-она юқорида баён қилинган тарбия ва одобларни фарзанди қалбига тўғри, самимий, секинлик билан, босим ўтказмасдан сингдириб бориши ҳамда тарбиянинг ҳар бир жабҳаси болаларга қай даражада таъсир этаётганини кузатиб бориши керак. Фарзандларининг ақлий ва хулқий жиҳатидан доим хабар-

дор бўлиб, ўз вазифасини нечоғли бажараётганини ҳам холис баҳолаб борсин.

2. Яна бир эътиборли жиҳат, фарзанднинг бўш вақтидан унумли фойдаланиш. Фарзанд бўш пайтида унга ўзига хос вазифа белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Ана шунда ота-она уйда бўлса-бўлмаса ҳам, бола ўз зиммасидаги вазифалар билан банд бўлади.

Агар ота-она фарзанд бўш вақтида у билан бирга шуғулланишга вақт ажрата олсалар, нур устига нур. Бу вазият фарзандга доимо бир хил эмас, балки турли машғулотларни бажариш имконини беради. Бир хил ишга машғул бўлиш фарзандни зериктириб, рағбатини сўндириб боради. Ота-она кўмагида фарзанд ёшига доир қўшимча китоб ва газеталар ўқийди, қизиқарли масалаларни муҳокама қилади, ибратли ривоят ва воқеалар эшитади ва ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олади. Табиий, буларнинг барчаси мактабда олаётган билимларини мустаҳкамлайди, онгини ўстиради, фикрининг теран, тўғри йўлда дадил ва бардавом бўлишини таъминлайди. Натижада, фарзанд солиҳ, доно ва фозил бўлиб, фақат ўзини эмас, балки кўпчилик манфаатини ҳам кўзлайдиган, халқпарвар инсон бўлиб етишади.

Афсуски, айрим ота-оналар ўз дилбандларининг келажакда ана шундай комил инсон бўлиб вояга етишини ҳатто ўйлаб ҳам кўришмайди. Улар вақтларини маишатбозлик, ўткинчи ҳой-ҳавасларга сарф қилишни маъқул кўришади. Фарзанд ҳам ота-онасининг йўлидан изма-из келиши эса ҳатто хаёлига келмайди. Бундай бефарқ ота-оналар нафақат ўзига, балки ўғил-қизи, келажак авлодига ҳам зулм қилган бўлади.

Ота-онанинг ҳолати шу бўлса, бошқа ким ҳам унинг фарзандини имон ва эътиқодда собитқадам қилиб тарбиялайди? Ахир ким уларга яхши хулқ, гўзал одоб, иззат-ҳурматни ўргатади? Ким ҳам уларни соғлом ва довюрак қилиб ўстирарди? Яна ким уларнинг қалбида илм-маърифатга рағбат уйғотиб, диёнатли қилиб вояга

етказади? Ким уларга бошқалар ҳақини адо қилишни, жамият, халқ ва Ватан олдидаги бурчларни бажариш масъулиятини сингдиради? Ким уларнинг мурғак қалбларига бу каби эзгу хислатлар уруғини экади?

Ахир уларнинг дунёга келишига сабаб бўлган ота-она шунча беғам бўлишса, ким улар учун жон куйдириб, қайғуради? Бундай ота-оналарнинг фарзандлари зиёли инсон бўлишга ҳаққи йўқми?

Шундай экан, муҳтарам ота-она, фарзанд тарбиясида сиздан доимо огоҳ ва сергак бўлиш талаб этилишини унутманг! Ота-онанинг юксак вазифаларини ёдга солиб, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак ҳадисиларини яна бир бор келтиришни лозим кўрдик:

قَالَ رَسُول الله – صلى الله عليه وسلم – والرَّجُلُ رَاعٍ في أَهْلِهِ وَمَسْؤُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ ، وَالمَرْأَةُ رَاعِيَةٌ في بيْتِ زَوْجِهَا وَمَسْؤُولَةٌ عَنْ رَعِيَّتِهَا. (متفق عليه)

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эркак ўз аҳлига бошлиқ ва у қўл остидагига масъулдир. Аёл эрининг уйида бошлиқ ва у ўз қўл остидагига масъулдир...”, дедилар».

ما نحل والد ولدا من نحل أفضل من أدب حسن (رواه الترمذي)

“Ота фарзандига гўзал одобдан яхшироқ нарса беролмайди” *(Имом Термизий ривояти)*.

Аллоҳ таоло оила раҳбарларини инсон тасаввурига сиғдира олмайдиган даражадаги улкан азобдан огоҳ этиб, шунинг баробарида уларнинг зиммаларига улкан масъулият юклади. Тарбияга масъул ҳар бир кишининг қалбида ва кўз ўнгида мудом ушбу оят жаранглаб туриши лозим:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ قُوٓاْ أَنفُسَكُمۡ وَأَهۡلِيكُمۡ نَارٗا وَقُودُهَا ٱلنَّاسُ وَٱلۡحِجَارَةُ عَلَيۡهَا مَلَٰٓئِكَةٌ غِلَاظٞ شِدَادٞ لَّا يَعۡصُونَ ٱللَّهَ مَآ أَمَرَهُمۡ وَيَفۡعَلُونَ مَا يُؤۡمَرُونَ ٦

«Эй имон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангизки, унда дағал ва қаттиққўл, Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат буюрилган ишни қиладиган фаришталар (хизмат қилурлар)**»** *(Таҳрим, 6)*.

Дарҳақиқат, дунёда аёвсиз бир "қилич" бор, бу вақтдир. У тиғи шундай ўткирки, Аллоҳнинг маҳбуб бандалари бўлмиш пайғамбарларни ҳам аямади. У шундай аёвсизки, ҳатто ҳайбату важоҳатлари дунёни ларзага солган жаҳонгир, саркардаларга ҳам шафқат қилмади.

Аммо уларнинг устунлиги бор: Парвардигор инъом этган вақтнинг бир бўлаги ҳисобланмиш умрдан оқилона фойдаланиб, "қилич"нинг домига тушмасдан бурун уни кесишга улгурганларидир. Шу боис уларнинг умрлари поёнига етганида ҳам бу "қилич" аёвсиз тарзда эмас, балки мулойим ва оҳисталик билан ишини бажарган. Тилсимотларга тўла бу умрнинг заволи, қанчалар аянчли бўлишига қарамасдан, вақтни ҳам ўз домига ютгувчи ажалдир. Ҳар бир инсонга пойма-пой, нафасма-нафас таъқиб қилаётган, ризқ тугашини интизорлик билан кутаётган бу ажал тўсатдан келади. Шунинг учун ҳар бир ота-она зиммасидаги вожиб амалларни пайсалга солмасдан, вақтида адо этиши шарт. Хуллас, қиладиган ишларимиз, ечимини кутаётган муаммоларимиз талайгина. Зеро, дунёдаги шармандаликдан ва охиратдаги азобдан қутилишнинг бирдан-бир чораси ҳам шундан иборатдир.

Инчунин, Аллоҳ таоло бандаларини огоҳ этиб, бундай дейди:

وَأَنِيبُوٓاْ إِلَىٰ رَبِّكُمۡ وَأَسۡلِمُواْ لَهُۥ مِن قَبۡلِ أَن يَأۡتِيَكُمُ ٱلۡعَذَابُ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ ﴿٥٤﴾ وَٱتَّبِعُوٓاْ أَحۡسَنَ مَآ أُنزِلَ إِلَيۡكُم مِّن رَّبِّكُم مِّن قَبۡلِ أَن يَأۡتِيَكُمُ ٱلۡعَذَابُ بَغۡتَةٗ وَأَنتُمۡ لَا تَشۡعُرُونَ ﴿٥٥﴾

«Сизларга азоб келиб, сўнгра ёрдам берилмай қолишидан илгари Раббингизга қайтингиз ва унга

бўйин сунингиз! Сизларга, ўзларингиз сезмаган ҳолингизда тўсатдан азоб келиб қолишидан илгари, Раббингиз (томони)**дан сизларга нозил қилинган гўзал нарса** (Қуръон)**га эргашингиз!»** (*Зумар, 54–55*).

Сўзим охирида, ота-онадек улуғ мақомга, улкан бахтга мушарраф бўлган ва барча диндош, имондош, қибладош катта-кичик, ёшу қари, эркак-аёл ва барча азизларимга камоли ҳурмат ила шуни айтаманки, ушбу тарбия услублари нафақат фарзандларимизга, балки барчага баробар тааллуқлидир. Аввало тарбияга ўзи амал қилган мураббий ҳақиқий мураббийдир! Шу йўл билан руҳиятни пок тутиб, сўнгра бу эзгу сифатларни фарзандларга сингдирилса, манфаати улуғ бўлади, иншааллоҳ. Яратган Раббимиз бу хизматлар эвазига икки дунё саодати ҳамда битмас-туганмас ажр-савобларига мушарраф айлайди, иншааллоҳ!

Аллоҳ таоло бандаларининг ҳар бир қилган амалларидан хабардор – “Хобийр”, билгувчи – “Алийм”, жазо ёки мукофот бергувчи Улуғ Зот:

وَقُلِ ٱعۡمَلُواْ فَسَيَرَى ٱللَّهُ عَمَلَكُمۡ وَرَسُولُهُۥ وَٱلۡمُؤۡمِنُونَۖ وَسَتُرَدُّونَ إِلَىٰ عَٰلِمِ ٱلۡغَيۡبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمۡ تَعۡمَلُونَ ١٠٥

«Айтинг: “Ишлангиз! Албатта, Аллоҳ, Расули ва мўминлар ишларингизни кўражаклар. Шунингдек, албатта, ғойиб ва ошкора (ишлар)**ни билувчи** (зот) **ҳузурига қайтарилурсиз. Бас,** (ўшанда) **сизларга қилган ишларингиз хабарини берур»** *(Тавба, 105),* дея марҳамат қилгандир.

Аллоҳ таоло бутун инсониятга тўғри йўлни кўрсатувчи, саодатга етакловчи Ислом динини ҳидоят йўли қилиб танлади. Ким бу йўлга эгашса, итоат қилса, ҳақиқий саодат, фароғат ва ҳаловатга мушарраф бўлади.

Фойдаланилган манбалар

1. Қуръони карим маънолари таржима ва тафсири. Абдулазиз Мансур. “ТИУ” матбаа бирлашмаси, 2016.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”. Тошкент, ЎзМЭ, 2008.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. “Ал-адаб ал-муфрад”. Тошкент, 1970.
4. Муҳаммад ибн Исо Абу Исо Термизий. “Сунан ат-Термизий”, Байрут.
5. Абу Муҳаммад Ҳусайн ибн Масъуд Бағавий. “Тафсири Бағавий”. Дару Тоййиба. 1997.
6. Мусо Шаҳин, Абдулъол Муҳаммад Абдулъол. “Ал-Манҳал ал-ҳадис”. Тошкент, “Мовароуннаҳр”.
7. Ислом Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент, “Маънавият”, 2008.
8. Ислом Каримов. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”. Асарлар. 3-жилд. “Ўзбекистон”, 1996.
9. Ислом Каримов. “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда”, “Ўзбекистон”, 1999.
10. Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий. “Иҳёу улумуд-дин”.
11. Шайх Хомидмирзо Фарғоний Намангоний. “Ал-Фатҳур Роҳман”. Мадина, “Дорул имон”, 1997.
12. Абу Ҳомид Ғаззолий. “Мукошафат ул-қулуб”.
13. Ҳусайн Воиз Кошифий. “Аҳлоқи Муҳсиний”.
14. Абу Лайс ас-Самарқандий. “Танбеҳ ул-ғофилин”
15. Шамсиддин Муҳаммад ибн Абдурроҳман ас-Саҳовий. “Аз-завъул ами”, Ливан, “Дорул ҳаёт”.
16. Абдуллоҳ Муҳаммад Абдулмутиъ. “Ат-тарбия фил Ислам”. Қоҳира, 1999.
17. Абу Закариё Яҳё ибн Шараф. “Ар-Риёз ас-Солиҳин”. Тошкент, “Мовароуннаҳр”, 2004.
18. Муҳаммад Атия. “Исломий тарбия ва унинг фалсафаси”.
19. Абдурауф Фитрат. “Оила”. Тошкент, “Маънавият”, 2000.
20. Муҳаммади Махдум Шоҳмуродзода, Фазлуддин Иқроруддин Ҳожи ўғли. “Никоҳ ва оила рисоласи”. Тошкент, “Мовароуннаҳр”, 2004.
21. Салоҳиддин Муҳиддин. “Оила ва шаръий никоҳ одоблари”. Тошкент, “Мовароуннаҳр”, 2005.

22. Аҳмад Муҳаммад. “Маънавий зиёфат”. Тошкент, “Муҳаррир”, 2008.
23. Аҳмаджон Бобомурод. “Ислом одоби ва ахлоқи”. Тошкент, “Мовароуннаҳр”. 2008.
24. Нуриимон Абулҳасан, Ҳомиджон Ишматбеков. “Ислом маърифати”. “ТИУ” матбаа бирлашмаси, 2005.
25. Аҳмад Муҳаммад. “Муроса санъати”. Тошкент, “Муҳаррир”, 2008.
26. “Ислом”. Энциклопедия. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 2004.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ КИТОБ

Оила муқаддасдир (Сўзбоши ўрнида).....3
Исломда оиланинг ўрни.....10
Фарзандингизга яхши она танланг.....25
Оилада фарзанд туғилди.....33
Фарзанд хурсандчилиги.....35
Эмизиш (разоъ).....38
Чақалоқ қулоғига азон айтиш.....40
Таҳник қилиш.....41
Чиройли исм қўйиш.....42
Боланинг сочини олиш.....44
Ақиқа қилиш.....45
Ўғил болани хатна қилиш.....47
Фарзанд тарбияси – муҳим иш.....48
Бола бошидан.....52
Фарзанд тарбиясидаги нозик нуқталар.....58
Илму хунар ўргатинг.....70
Фарзандлик бурчи ва вазифалари.....82
Одоб – боланинг кўрки.....93
Поклик имондандир.....98
Хатоларнинг аччиқ меваси.....102

ИККИНЧИ КИТОБ

Ҳақларга риоя қилиш.....112
Ота-она ҳақи.....112
Ота-онага яхшилик қилиш одоби.....119

Ота-онага оқ бўлиш – катта гуноҳ *121*
Қариндошлар ҳақи *125*
Қўшни ҳақи *129*
Устоз ҳақи *134*
Дўст ҳақи *139*
Яхшиликка чорлаш *145*
Яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш *146*
Амали сўзига мос бўлсин *148*
Ёмонликдан қайтариш босқичма-босқич бўлиши *149*
Ёмонликдан қайтарувчининг яхши хулқли бўлиши *149*
Ёмонликдан қайтаришда азиятга сабр қилиш *151*
Сабр билан насиҳат қилиш *152*
Ёши улуғларни қадрлаш *157*
Ёши улуғлардан кейин… *157*
Ҳурмат кўрсатиш *158*
Кутиб олиш *159*
Ҳаёли бўлиш *163*
Одоб – инсон зийнати *165*
Овқатланиш одоби *167*
Таомланишдан олдин ва кейин қўлни ювиш *167*
Таомни айбламаслик *168*
Ўнг қўл билан ва ўзига яқин жойдан ейиш *169*
Ёнбошлаб овқатланмаслик *169*
Таомланиш пайтида сўзлашиш мустаҳабдир *170*
Мезбонни дуо қилиш мустаҳабдир *170*
Ёши улуғлардан кейин таомга қўл узатиш *171*
Неъматни исроф қилмаслик *171*

Чанқоқ босиш одоблари *172*
Идишнинг оғзидан ичиш макруҳдир *172*
Ичимликка пуфлаш макруҳдир *173*
Ўтирган ҳолда ичиш ва ейиш мустаҳабдир *173*
Тилла ва кумуш идишда ичишдан қайтариш *174*
Ҳаддан зиёд тўйиб овқат емаслик *174*
Саломлашиш одоби *176*
Салом беришни ўргатиш *178*
Салом бериш тартиби *179*
Салом бериш одоби *179*
Мусулмон бўлмаганларга ўхшаб салом беришдан қайтариш ... *180*
Биринчи бўлиб салом бериш *180*
Мусулмон бўлмаганнинг саломига ҳам "ва алайкум" деб жавоб бериш *181*
Салом бериш суннат ва унга алик олиш вожиб *181*
Салом бериш жоиз бўлмаган ўринлар *182*
Рухсат сўраш одоби *183*
Аввал салом бериб, сўнг изн сўраш *185*
Исмини, сифатини ёки кимлигини билдириш *185*
Уч марта изн сўраш *187*
Эшикни оҳиста тақиллатиш *187*
Изн сўраш пайтида эшикка терс туриш *188*
Уй эгаси "қайт" деса, қайтиш *189*
Мажлис одоби *190*
Учрашганида қўл бериб кўришиш *190*
Уй эгаси кўрсатган жойга ўтириш *191*
Ўртада эмас, кишилар қаторида ўтириш *192*

Кейин келган охирига ўтиради *193*
Бошқалар ҳузурида сирлашмаслик *193*
Ким ташқарига чиқиб қайтса, ўз ўрнига ўтириши мумкин *194*
Мажлисдан чиқишга изн сўраш *194*
Мажлиснинг каффорат дуосини ўқиш *195*
Сўзлашиш одоби *196*
Соф адабий тилда сўзлашиш *200*
Оҳиста сўзлаш *201*
Фасоҳатли сўзлашда такаллуфдан сақланиш *202*
Инсонларнинг ақлига қараб сўзлаш *203*
Малол ва халал бермайдиган сўзларни гапириш *205*
Сўзловчига эътиборли бўлиш *205*
Эркин муомалада бўлиш *206*
Мулойимлик *207*
Табассум фазилати *208*
Ҳазил-мутойиба одоби *209*
Ҳазил-мутойибада меъёрдан ошмаслик *209*
Ҳазил-мутойибада озор бермаслик *210*
Ҳазил-мутойибада ёлғондан сақланиш *211*
Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) ҳазил-мутойибаларидан намуналар *213*
Табриклаш одоби *215*
Табриклашда хурсандчилик ва эътибор қилиш *218*
Фарзандли бўлган кишини табриклаш *218*
Сафардан қайтган кишини қутлаш *218*
Ҳаждан келган кишини қутлаш *219*
Никоҳни қутлаш *219*

Байрам билан табриклаш *221*
Яхшилик қилган кишини қутлаш *221*
Табриклаш чоғи совға бериш мустаҳабдир *222*
Касал кўриш одоби *223*
Касални ўз вақтида кўриш *225*
Касалнинг ҳолига қараб ёнида ўтириш ёки тезда туриш *226*
Касални дуо қилиш *226*
Оғриётган жойга қўлни қўйиб, дуо қилишни эслатиш *226*
Касал ҳақида унинг аҳлидан сўраш мустаҳаб *227*
Касалнинг бош томонида ўтириш мустаҳаб *227*
Узоқ умр кўриши ва соғайиб кетишини айтиб касални хушнуд этиш *227*
Касал ҳолини сўраш *230*
Касалнинг одоби *231*
Касал кўрувчи касалдан дуо қилишини сўраши мустаҳаб *231*
Касал ўлим тўшагида ётган бўлса, "Ла илаҳа иллаллоҳ"ни эслатиш *232*
Таъзия билдириш одоби *232*
Мусибат етган ҳолатда *232*
Таъзия сўзларини айтиш *234*
Мусибат аҳлига таом пиширириш мустаҳаб *234*
Таъзия изҳор қилувчининг одоби *237*
Қайтарилган нарсани кўрганида яхшиликка буюриш *238*
Акса уриш ва эснаш одоби *240*
Акса урувчи ҳамд айтмаса, унга ташмит айтмаслик *240*
Қўл ёки рўмолча билан овозни пасайтириш *241*
Уч марта ташмит тилаш *241*

Мусулмон бўлмаганга ташмит айтилмайди *241*
Бегона аёлга ташмит айтилмайди *242*
Қурби етса, эснашни қайтариш *242*
Эснашда қўлини оғзига қўйиш *242*
Эснаш вақтида овозни баланд чиқармаслик *242*
Ақлий тарбия масъулияти *243*
Мажбурий таълим масъулияти *244*
Аёлларнинг илм ўрганишдаги насибаси қандай? *250*
Ақлан соғлом қилиб тарбиялаш масъулияти *252*
Тортинчоқлик *253*
Қўрқув *258*
Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) мехрибонлик ва мулойимлик борасидаги васиятларидан *261*
Камбағаллик *266*
Ҳасад ва унинг сабаблари *272*
Ҳасадни даволаш йўллари *273*
Ғазабнинг фойдалари *277*
Ижтимоий тарбия масъулияти *283*
Тақво *284*
Қалб илдизи *304*
Хулоса *305*

УЧИНЧИ КИТОБ

Маънавиятга таҳдидлар *310*
“Оммавий маданият”нинг оилаларимизга салбий таъсири *316*
Аср ютуқлари маънавиятга хизмат қилсин *319*
Уяли телефон тажовузи *320*
Интернет ва уяли телефондан фойдаланиш одоблари *321*

Интернет ёвузлик тўрими? *325*
Қобилиятни тўғри сарфлаш *328*
Ноқонуний дисклар савдоси *328*
Матбуотда ахлоқ меъёрларини сақлаш *329*
Глобаллашув ўзликни йўқотиш эмас *329*
Зарурий чоралар – тарбиянинг муҳим воситаси *331*
Тарбиянинг нозик жиҳатлари *333*
Жинсий тарбия масъулияти *333*
Изн сўраш одоби *336*
Назар солиш одоби *338*
Эмизиш жиҳатидан никоҳи тақиқланганлар *340*
Фарзандни эрта жинсий қизиқишлардан сақлаш *354*
Оила назорати *358*
Атрофдагиларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш *359*
Ахлоқсиз филмлар ва томошалар зарари *360*
Ҳаёсиз либослар зарари *361*
Миллатимизга хос, замонага мос бўлсин *364*
Ҳаёсизларнинг зулмат макони *367*
Ахлоқсизликнинг жамиятга зарари *373*
Фарзанд тарбиясидаги уч услуб *375*
Тарбия кушандаларидан сақланиш *375*
Турли хатарлардан огоҳ бўлиш *377*
Ижтимоий хатар *380*
Иқтисодий хатар *381*
Одам савдоси – қуллик балоси *384*
Дину имонга хатар *389*
Тарбия босқичларининг узвий боғлиқлиги *391*

Балоғатга етган йигит, қиз одоби.....392
Таяммумнинг шартлари.....397
Эр-хотин муносабати.....400
Насабни сақлаш.....404
Ахлоқсизликдан сақланиш.....404
Эр ва хотин ҳамжиҳатлиги.....405
Касаллик ва офатлардан сақланиш.....406
Руҳий ва нафсий таскин топиш.....407
Солиҳ зурриёт қолдириш.....408
Эр ва хотин қуйидагилардан огоҳ бўлиши лозим.....415
Нафсни сақлаш.....420
Аллома Али Тантовий насиҳатлари.....421
Фарзандга жинсий тарбияни очиқ баён қилиш.....425
Муқаддас даргоҳ.....429
Ёмон хулқдан сақланиш.....439
Мустаҳкам оила – юрт таянчи.....441
Хотима.....445

Диний-маърифий нашр

Усмонхон АЛИМОВ

ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Муҳаррирлар: Шариф ХОЛМУРОД,
Абдул ЖАЛИЛ ХЎЖАМ,
Муҳтарама УЛУҒОВА,
Комилжон БУРҲОНОВ,
Жамшид ШОДИЕВ,
Баҳриддин ПАРПИЕВ

Бадиий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли

Саҳифаловчилар: Толибжон ҚОДИРОВ,
Наргиза МИРЗАЛИЕВА

Мусаҳҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: AI 146. 2009.14.08.

Босишга 2019 йил 22 майда рухсат этилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60 x 90 $^{1}/_{16}$.
Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 28,5. Шартли б. т.: 28,5. Адади: 10000 нусха.
-сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.
Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар
Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.
Электрон почта: *m-nashr@mail.ru*
Тел: *(0-371) 227-34-30*

«Sano-Standart» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Широқ кўчаси, 100-уй.